

ФЕРДИНАНД ДЎ СОССЮР

УМУМИЙ
ТИЛШУНОСЛИК
КУРСИ



81.2
С-82

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА
ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

АЛИШЕР НАВОИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ
ЎЗБЕК ТИЛИ ВА АДАБИЁТИ УНИВЕРСИТЕТИ

ФЕРДИНАНД ДЎ СОССЮР

УМУМИЙ ТИЛШУНОСЛИК КУРСИ



ТОШКЕНТ
«NAVOIY UNIVERSITETI»
нашриёт-матбаа уйи
2019

Таржимон:	Ибодулла Мирзаев , филология фанлари доктори, профессор
Масъул муҳаррир:	Ҳамидулла Дадабоев , профессор
Муҳаррирлар:	Нурмурад Жўраев , мустақил тадқиқотчи; Мардон Болтаев , доцент
Тақризчилар:	Равшанхўжа Расулов , филология фанлари доктори, профессор; Абдимурод Маматов , филология фанлари доктори, профессор; Салоҳиддин Исмоилов , филология фанлари номзоди, доцент

Швейцариялик машҳур тилшунос, ҳозирги кўплаб тилшунослик соҳаларининг эътироф этилган асосчиси Фердинанд дў Соссюрнинг ушбу шоҳ асарида тилшуносликнинг мақсад ва вазифаси, объекти ва таърифи, тилнинг инсон фаолиятида тутган ўрни, тил лингвистикаси ва нутқ лингвистикаси, тилнинг ички ва ташқи элементлари, ёзув системалари, фонология, лисоний белгининг ифодаловчиси ва ифодаланмиши, статистик тилшунослик ва тадрижий тилшунослик, синхрон тилшунослик ва диахрон тилшунослик, ареал тилшунослик, ретроспектив тилшунослик, тил оилалари ҳамда тил турлари каби масалалар гоята илмий, ғоявий гўзал тарзда ёритилган.

Мазкур дарслик филолог-бакалавриант, магистрант, докторант, шунингдек, профессор-ўқитувчилар, бундан ташқари, тил ва нутқ муаммоси билан қизиқувчи барча илми толибларга мўлжалланган.

Ушбу монография Самарқанд давлат университетининг 2018 йил
25 октябрдаги 3-сонли йиғилиши баённомасига асосан нашрга
тавсия этилган.

ISBN 978-9943-52-314-2

© Фердинанд дў Соссюр, Ибодулла Мирзаев (таржимон), 2019
© «NAVOIY UNIVERSITETI» нашриёт-матбаа уйи, 2019

БИРИНЧИ НАШРГА СЎЗ БОШИ

Фердинанд дў Соссюр оғзидан ўзининг истеъдоди камол тошган тилшуносликда тамойил ва методларнинг етарли эмаслигидан нолиганини кўп эшитишимизга тўғри келган. У бутун умри давомида ўз фикрини бу ўта тартибсиз фанда тўғри йўналтиришга ёрдам бериши мумкин бўлган устувор қонунларни матонат билан излади. У фақат 1906 йилда, Женева университетида, Вертгеймердан кейин, кафедра мудирини лавозимига ўтиргач, ўзининг узоқ йиллар давомида пишиб етилган ғояларини жамоа олдида баён қилиш имконига эга бўлди. Дў Соссюр уч марта: 1906–1907, 1908–1909 ва 1910–1911 йилларда умумий тилшунослик фанидан маъруза ўқиди. Бироқ дастур талаблари уни бу курсларнинг ярмини хинд-европа тилларига бағишлашга, уларни тавсифлашга ва тарихини баён қилишга мажбур қилди. Шунинг учун ўқиладиган маърузаларнинг асосий мавзуларини ташкил қилувчи энг муҳим бобларни анча қисқартиришига тўғри келди.

Дў Соссюрнинг ғояларга бу қадар бой маърузаларини тинглаш бахтига муяссар бўлганларнинг ҳаммаси маъруза матнлари алоҳида китоб ҳолида чоп этилмаганидан афсус-надомат чекдилар. Устозимизнинг вафотидан кейин дў Соссюр хоним томонидан бизнинг ихтиёримизга берилган қўлёзмаларда бу дохиёна маърузаларнинг тўлиқ, ҳеч бўлмаганда, етарли даражада инъикосини топишга умид боғлаган эдик; биз оддий тахририй тузатиш билан дў Соссюрнинг шахсий қайдларини тингловчиларнинг қайдлари билан қиёсланган ҳолда чоп этиш мумкин бўлади, деб ўйлаган эдик. Минг афсуслар бўлсинки, ўқувчиларнинг қайдларига мос бўлган ҳеч нарса, деярли ҳеч нарса тополмадик. Маълум бўлишича, дў Соссюр ўз маърузаларида умумий тарзда баён қилган ғояларининг наридан-бери тайёрлаган қораламаларини уларга эҳтиёж тугагани ҳамано йўқ қилиб ташлар экан. Биз унинг ёзув столидан фақат анча тўзган, албатта, муайян қийматга эга бўлган, аммо мустақил тарзда фойдаланишга ҳамда тингловчиларнинг эслатилган маъруза қайдлари билан боғлашга яроқсиз хомқолипларнигина топдик, холос.

Бундан-да ачинарлиси, бизнинг касбий мажбуриятларимиз туфайли шахсан Фердинанд дў Соссюрнинг фаолиятида ҳозир «Хинд-европа тилларида унлиларнинг дастлабки системаси ҳақида мемуар» найдо бўлган пайтдаги каби узоқ ва ёрқин даврни ифода этган бу маърузаларга деярли тўлиқ қатнаша олмаганимиз бўлди.

Шундай қилиб, фақат юқорида эслатилган уч маъруза давомида талабалар қайдлари билан чегараланишимизга тўғри келди. Биринчи

Умумий тилшунослик курси ~~~~~ Фердинанд дў Соссюр

икки маъруза тингловчилари — Луи Кай, Леопольд Готье, Поль Ренар ва Альберт Ридлингер ҳамда учинчи, энг мухим маъруза тингловчиси — Сеше хоним, Жорж Дегалье ва Франсис Жозеф томонидан бизнинг ихтиёримизга берилган дафтарлар жуда тўлиқ эди. Бизга Луи Брютш ҳам бир махсус масала бўйича ёзган қайдларини такдим этди. Уларнинг барчасига ўзимизнинг самимий миннатдорчилигимизни изхор этамиз. Биз, шунингдек, ўзимизнинг энг жўшқин ташаққуримизни кўлёмани нашрга беришдан олдин ўқиб чиқишга рози бўлган ва кимматли мулоҳазалар билдирган машҳур романшунос олим Жюль Ронжага ҳам миннатдорлик билдираамиз.

Биз бу материаллар устида қандай ишладик? Энг аввало, жиддий танқидий таҳлил талаб қилинди: ҳар бир маърузанинг энг кичик тафсилотларигача бошқа нусхалари билан қиёслаш орқали муаллиф ғоясининг тагига етишимиз керак эди, чунки бизда баъзан бир-бирини инкор этадиган акс-садолар қолган эди, холос. Биринчи икки маъруза таҳлилида биз устознинг фикрларини жуда катта қизиқиш билан тинглаган А.Родлингер билан ҳамкорлик қилдик. Шу нуқтаи назардан унинг ёрдами бизга жуда фойдали бўлди. Учинчи маъруза нусхаларини қиёслаш ва таҳрир қилиш бўйича ўшандай серҳафсала иш бизлардан биримиз — Альбер Сеше томонидан бажарилди.

Бироқ бу ҳали ҳаммаси эмас. Оғзаки нутқнинг, кўпинча, ёзма (китобий) нутқ меъёрларига зид шакли бизга беҳад катта қийинчиликлар туғдирди. Бунинг устига, дў Соссюр эришилган ютуқлар билан ҳеч қачон чегараланиб қолмайдиган кишилар тоифасига мансуб эди: унинг фикри барча йўналишлар бўйича бирор ўринда ҳам ўзи билан қаршиликка бормаи, эркин ривожланганди. Буларнинг барчасини оғзаки баён шаклида чоп этиб бўлмасди: муқаррар такрорлар, ғализликлар, ўзгариб турган таъриф-тавсифлар бундай нашрнинг яхлитлигига путур етказиши мумкин эди. Фақат бир курс маърузаси (айнан қайси?) билан чегараланиш эса китобни қолган икки маърузада сочилиб ётган барча бойликлардан мосуво қилган бўлар эди. Ҳатто, энг мукамал ҳисобланган учинчи маъруза ҳам ўзича дў Соссюрнинг назария ва методлари ҳақида тўлиқ тасаввур беролмасди.

Бизга мазмунан ўзига хос ва айрим ғоят янги парчаларни дў Соссюрдан қандай кўринишда қолган бўлса, шундай чоп этишни маслаҳат бердилар; дастлаб, бу фикр бизга ёқди, бироқ тезда бундай қилиш устозимизнинг бутун таълимотини фақат яхлит бутунлик сифатида ҳақиқий қиймат касб этадиган қурилиш қолдиқлари каби бузиб қўйиши мумкинлиги аён бўлди.

Шунинг учун биз нисбатан дадил ва, шу билан бирга, ўйлашимизча, нисбатан оқилона ечимда тўхтадик: биз қўл остимизда бўлган барча материаллар, жумладан, дў Соссюрнинг шахсий қайдларидан фойдаланиб, учинчи маъруза асосида умумлаштиришга ва қайтадан яшашга қарор қилдик. Бу хаддан ташқари қийин иш эди, чунки гап мутлақо холис бўлиши керак бўлган қайта тиклаш ҳақида бораётган эди: ҳар бир банд бўйича алоҳида олинган фикрнинг тубига етиб ва бутун системага асосланган ҳолда шу фикрни тугал шаклда кўриш, уни турли-туман ифода шакллари ва оғзаки баёнга хос беқарорликдан тозалаш, унинг ўзига тегишли ўринларини топиш ва, шу билан бирга, барча таркибий қисмларни муаллифнинг мақсадига мос равишда кўришга ҳаракат қилиш, ҳатто, мақсадни нафақат аниқлаш, балки ўйлаб топиш лозим бўлган ҳолатларда ҳам уни (Фердинанд дў Соссюр фикрини) мантқан изчил тақдим этиш керак эди.

Бу китоб айрим нусхаларни бирлаштириш ва бутунни қайта тиклаш бўйича олиб борилган ишларнинг ҳосиласи ўлароқ юзага келди ва энди биз уни биров истиҳола билан олимлар доиралари ва тилшуносликнинг барча дўстлари ҳукмига ҳавола этаётирмиз.

Бизнинг асосий мақсадимиз яхлит тасаввур ҳосил қилишга ёрдам бериши мумкин бўлган ҳар қандай нарсани кўздан қочирмай, ўзига хос (оригинал) яхлит асар яратиш эди. Бироқ айнан шунинг учун биз, эҳтимол, икки томондан танқид қилинишимиз мумкин.

Бир томондан, бизга бу «яхлит бутунлик» тўлиқ эмас дейишлари мумкин. Ахир, устозимизнинг ўзи ҳам ҳеч қачон тилшуносликнинг барча бўлимларини қамраб олишга ва уларнинг барчасини ёруғ ранглар билан бир хил ёритишга даъво қилмаган-ку; истаганда ҳам, буни қилолмасди, қолаверса, мақсади ҳам батамом бошқача эди. Биз у ўзи томонидан ишлаб чиқилган ишларда ҳар қадамда учратадиганимиз, қанча пишиқ бўлса, шунча ранг-баранг тамойилларга асосланиб, ички томонга ва фақат бу тамойилларни қўллаш учун энг қулай имкониятларга эга бўлганда, шунингдек, ўз йўлида ўзларини барбод қилиши мумкин бўлган назарияларга дуч келган ҳолатлардагина энига қараб ишладик.

Айрим фикрларнинг, чунончи, семантиканинг йўл-йўлакай тилга олингани шу билан исботланади. Бироқ бу камчиликлар бизга бутуннинг архитектураникаси (тузилиши)га путур етказмайдигандек кўринади. «Нутқ тилшунослиги»нинг ҳам ишлаб чиқилгани яққол сезилиб туради. Учинчи маъруза тингловчиларига ваъда қилинган бу боб, шубҳасиз, келгуси маърузаларда фахрли ўринни эгаллаган бўларди; бу ваъда бажарилмаганининг сабаби яхши маълум. Биз

Умумий тилшунослик курси ~~~~~ Фердинанд дў Соссюр тегишли бўлимда хомқолипини базўр ишлаб чиққан дастурга наридан-бери қараб чиқиш билан чекландик, бундан ортиғини қилолмадик.

Бошқа томондан, бизга, эҳтимол, Соссюргача ҳам жуда яхши маълум бўлган айрим нарсаларни китобга киритганликда айблашлари мумкин. Бироқ бу қадар кенг мавзуни баён қилишда ҳамма нарсанинг бир хил даражада янги бўлиши мумкин эмас. Ва агар бутунни тушунишда зарур бўлган айрим маълум ҳолатларни киритганимиз учун бизни, наҳотки, айблашса? Масалан, фонетик ўзгаришлар ҳақидаги бобда илгари билдирилган фикрлар нисбатан тўлиқ баён қилинган. Китобнинг бу бўлимида янги ва қимматли тафсилотлар борлиги ҳақида гапирмаса ҳам бўлади. Мазкур бўлим билан енгил-елли танишишнинг ўзиёқ китобдан уни чиқариб ташлаш дў Соссюр статик тилшунослик системасига асос қилиб олган тамойилларни тушунишга салбий таъсир қилган бўларди.

Биз илмий танқид ва, эҳтимол, бу саҳифаларни эълон қилишга розилик бермаслиги мумкин бўлган муаллиф олдидаги бутун масъулиятимизни тўлиқ тушунамиз. Бу масъулиятни биз тўлалигича ўз зиммамизга оламиз ва унинг фақат бизнинг зиммамизда бўлишини истаймиз. Танқидчиларимиз устоз билан унинг шарҳловчилари орасида тафовут ўтказа олишадими? Агар улар ўз зарбаларини бизнинг бошимизга ёғдирсалар, улардан миннатдор бўлардик: бу зарбаларни биз учун азиз инсонга ағдарिश адолатсизлик бўлар эди.

*Шарль Балли, Альбер Сесе,
Женева, 1915 йил, июль ойи*

ИККИНЧИ НАШРГА СЎЗ БОШИ

Ушбу, иккинчи нашрга биринчи нашрга қараганда жиддий ўзгартишлар киритилган эмас. Ноширлар жузъий тузатишлар билан чегараландилар; уларнинг мақсади — айрим ўринлар таҳририни нисбатан аниқ ва тўғри қилиш эди.

Шарль Балли, Альбер Сесе

УЧИНЧИ НАШРГА СЎЗ БОШИ

Мазкур нашр айрим жузъий тузатишларни эътиборга олмаганда, олдинги нашрни тўлиқ такрорлайди.

Шарль Балли, Альбер Сесе



К И Р И Ш

I боб.

ТИЛШУНОСЛИК ТАРИХИГА БИР НАЗАР

Тил ҳақидаги фан ўзининг ҳақиқий ва ягона объекти нима эканлигини билгунга қадар тараккиётнинг бирин-кетин содир бўлган уч босқичини босиб ўтди.

Бошланиш нуқтаси «Грамматика» деб аталадиган фанга бориб тақалади. Дастлаб юнонларда пайдо бўлган ва кейинчалик, асосан, Францияда гуллаб-яшнаган бу фан мантиққа асосланган бўлиб, тилга нисбатан илмий ва объектив ёндашувдан маҳрум эди: унинг бирдан-бир мақсади тўғри шаклларни нотўғри шакллардан фарқлаш имконини берадиган қоидаларни ишлаб чиқишдан иборат бўлиб, бу шеърий, соф кузатишлардан жуда узоқ бир фан эди.



Фридрих Август Вольф
(15.02.1759–08.08.1824), немис
филологи, Берлин Фанлар
Академиясининг аъзоси

Шундан кейин филология пайдо бўлди. «Филология мактаби» дастлаб Искандарияда юзага келган, бироқ бу термин, 1777 йилда Фридрих Август Вольф томонидан асос солинган ва бизнинг кунларимизгача қўлланиб келинаётган илмий йўналишга нисбатан истифода этилади. Тил филологиянинг ягона объекти бўлмай, у ўз олдига, энг аввало, матнларни аниқлаш, шарҳлаш ва тавсифлаш вазифасини қўйди. Бу асосий вазифа адабиёт, ҳаёт, ижтимоий институт ва бошқалар тарихини ҳам тақозо этади. Ҳамма жойда у ўз методи — манбалар танқиди методини қўллайди. Агар у тилшунослик

масалалари билан шуғулланадиган бўлса, у ҳолда буни турли даврлар матнларини қиёслаш, мазкур муаллифга хос тилни ўрганиш, архаик ёки унча маълум бўлмаган тилларда битилган ёзувларни ўқиш ва тушунтириш учун қилди. Шубҳа йўқки, айнан шундай тадқиқотлар тарихий тилшуносликка кенг йўл очиб берди:

Ричлнинг Плавт ҳақидаги ишларини «лингвистик ишлар» деб аташ мумкин. Аммо бу ерда филологик танқид жиддий камчиликка эга: унда ёзма тилга нисбатан қулларча содиқлик кучли ва шу боис у жонли тилни унутиб қўяди. Бунинг устига, унинг кизиқишлари деярли мутлақо юнон ва рим осори-атиқалари билан чегараланган.

Учинчи даврнинг бошланиши тилларни ўзаро қиёслаш имкониятининг пайдо бўлиши билан боғлиқ. Қиёсий филология ёки, бошқача айтганда, қиёсий грамматика шундай юзага келган. 1816 йилда Франц Бопп ўзининг «Санскрит тилида тусланиш системаси ҳақида» асарида санскрит тилини юнон, лотин ва бошқа тиллар билан боғловчи муносабатларни ўрганади. Бироқ бу алоқаларни аниқлаган ва мазкур тилларнинг барчаси бир оилага мансуб деган фаразни айтган киши Бопп эмас. Буни аниқлаган ва шундай тахмин билдирган киши инглиз шарқшуноси Уильям Жоунздир (1746–1794). Аммо айрим тарқоқ ва ўзаро боғланмаган фикрлар гўё 1816 йилга келиб, бу ҳолат ҳамма томонидан эътироф этилган эди, дейиш учун етарли эмас. Бинобарин, Боппнинг хизмати санскрит тилининг Европа ва Осиёнинг айрим тиллари билан қардошлигини кашф этганлигида эмас, балки предмети қардош тиллар муносабатларини ўзаро қиёслаб ўрганиш бўлган мустақил фанни яратиш имконини биринчилардан бўлиб тушунганлигидадир. Бир тилни бошқа тил асосида таҳлил қилиш, бир тилга хос шаклларни бошқа тилга хос шакллар билан тушунтириш — Бопп фанга олиб кирган янгилик эди. Санскрит кашф этилмаганда, Бопп ўз фанини ярата олмаган (бунинг устига, шундай қисқа фурсатда) бўларди. Бопп тадқиқотлари базаси айнан юнон ва лотин тиллари билан бир қаторда, ахборотнинг учинчи манбаи — санскрит кашф этилганлиги туфайли кенгайди ва қарор топди. Бу имконият санскрит тилида у билан қиёсланадиган тилларни ойдинлаштирадиган мутлақо ижобий ҳолатларнинг мавжудлиги билан янада кенгайди. Бу фикрни биргина мисол билан асослашга ҳаракат қиламиз. Агар лотинча *genus* (*genus, generis, genera, generum* ва ш.к.) ва юнонча *gēnos*, (*gēnos, gēneos, gēneī, gēnca, genéōn* ва ҳ.к.) сўзларнинг* турланиш парадигмасини кўздан кечирадиган бўлсак, у ҳолда ҳосил қилинадиган қаторлар, уларни алоҳида-алоҳида оламизми ёки ўзаро қиёслаймизми, барибир муайян хулосага келиш имконини бермайди. Аммо уларни санскрит тилидаги тегишли парадигма (*janas, janasas, janasi, janasām* ва ҳ.к.) билан қолган икки парадигмани қиёсласак, манзара кескин ўзгаради.

Умумий тилшунослик курси ~~~~~ Фердинанд дў Соссюр

Қолган икки парадигма (юнонча ва лотинча) орасидаги нисбатни аниқлаш учун ушбу парадигмага кўз кирини ташлашнинг ўзи етарли: *janas* ни ибтидоий ҳолат деб фараз қилсак (бундай фараз изоҳлашни осонлаштиради), юнонча шаклларда *s* икки унли ўртасида келган барча ҳолатларда (*gène(s)os* ва ш.к.) тушиб қолган деган хулосага келиш мумкин. Шунингдек, мазкур ўринларда лотинча *s r* га ўтган дейиш учун асос бор. Бундан ташқари, грамматик нуктаи назардан санскрит тилидаги парадигма хинд-европа тилларидаги назардан тушунчасига ойдинлик киритади. Чунки у бу ерда жуда аниқ ва барқарор бирлик (*janas*) мақомини олади. Лотин ва юнон тиллари бошланғич паллалардагина санскритда аллақачон мавжуд ҳолатга эга бўлган. Шундай қилиб, мазкур ҳолатда санскрит ўзида барча хинд-европа тилларига хос *s* ни сақлаб қолганлиги билан эътиборга моликдир. Тўғри, бошқа ҳолатларда у умумий прототипнинг характерли хусусиятларини ҳам сақлаб қолган. Умуман, унда сақланиб қолган ибтидоий элементлар тадқиқотга ажойиб бир тарзда ёрдам беради ва аксарият ҳолларда айнан санскрит бошқа тиллардаги турли ҳодисаларни тушунтириб беришга қодир тил сифатида гавдаланади. Балли билан бир қаторда яна бошқа машҳур тилшунослар ҳам бу соҳада ном чиқарганлар. Булар: германистиканинг асосчиси Якоб Гримм (унинг «Немис тили грамматикаси» 1819–1837 йилларда чоп этилган), этимологик тадқиқотлари тилшуносларни катта материал билан таъминлаган Август Фридрих Потт, қиёсий тилшунослик ва қиёсий мифологияга доир асарлар ёзган Алберт Кун, хиндшунослар Теодор Бенфей, Теодор Ауфрегей ва бошқалар.

Ниҳоят, бу мактабнинг кейинги вакилларидаан Макс Мюллер, Георг Курциус ва Август Шлейхерларни алоҳида қайд этиш керак. Уларнинг ҳар бири қиёсий тилшуносликка озмунча ҳисса қўшмаган. Макс Мюллер ўзининг ажойиб маърузаларида («Тил ҳақидаги фан бўйича маърузалар», 1861 йил, инглиз тилида, дарвоқе, уни ўта қаллоблиқда айблаш мумкин эмас), атоқли филолог олим, асосан, «Юнон этимологияси асослари» (1858–1862, 5-нашри унинг ҳаётлигида эълон қилинган) номли асари билан машҳур бўлиб кетган Курциуслар биринчилардан бўлиб, қиёсий грамматикани мумтоз филологияга нисбатан татбиқ этган эдилар. Гап шундаки, кейинги фан намояндалари эндигина тетапоя бўлаётган фаннинг ютуқларига ишончсизлик билан қарардилар ва бу ишончсизлик провард натижада икки тарафлама характер касб

Умумий тилшунослик курси ~~~~~ Фердинанд дў Соссюр
 этди. Ниҳоят, Шлейхер барча хусусий қиёсий тадқиқотларни бир
 жойга жамлашга ҳаракат қилган тилшунос эди. Унинг «Ҳинд-
 герман тилларининг қиёсий грамматикаси бўйича компендиум»
 номли асари (1861) Балли асос солган фаннинг системага солинган
 ўзига хос шакли бўлди. Кўплаб йиллар давомида олимларга беқиёс
 хизмат кўрсатган бу китоб қиёсий тилшунослик мактабида ҳинд-
 европеистика тараққиётининг дастлабки давридаги ҳолатини бошқа
 манбаларга қараганда тўлиқроқ тавсифлайди.

Бироқ асосий хизмати бўз ерни очишдан иборат бўлган бу
 мактабга ҳақиқий илмий тилшуносликни яратиш насиб этмади. У
 ўзи ўрганаётган предметнинг
 табиатини очиб беришга ҳам ҳаракат
 қилмади. Ҳолбуки, бундай дастлабки
 таҳлилсиз ҳеч қандай фан ўз методини
 ишлаб чиқишга қодир бўлмайди.



Фердинанд дў Доссюр
 (26.10.1857–22.02.1913),
 швейцариялик тилшунос,
 замонавий лингвистика
 асосчиларидан бири

Қиёсий грамматиканинг асосий
 хатоси, яъни муртаклигидаёқ барча
 хатоларни ўзида мужассам этган хато
 шундан иборат эдики, бу йўналишнинг
 тадқиқотлари ҳинд-европа тиллари
 билан чекланган намояндалар олиб
 борилаётган қиёслашларнинг моҳияти
 нималардан иборат эканлиги, кашф
 этилаётган муносабатлар нимани
 англатиши ҳақида ўзларига ҳеч қачон
 савол бермаганлар. Уларнинг фани
 тарихий фан бўлиш ўрнига батамом

қиёсий фан бўлиб қолаверди. Албатта, қиёслаш ҳар қандай тарихий
 ҳақиқатни тиклашнинг зарурий шартидир. Аммо унинг бир ўзи
 тўғри хулосаларга олиб келолмайди. Бундай хулосалар эса
 компаративистларнинг (қиёсий-тарихий методни ёқловчи
 тадқиқодчиларнинг) эътиборидан четда қолган, чунки улар икки
 тилнинг тараққиётини, табиатшунос икки ўсимликнинг
 ривожланишини қандай ўрганган бўлса, шундай ўрганганлар.
 Масалан, ҳинд-европа бобо тилга асосланишга доимо даъват қилиб
 келган. Бинобарин, муайян маънода ҳақиқий тарихчи сифатида
 ўзини кўрсатиши керак бўлган Шлейхер ҳеч иккиланмасдан юнон
 тилидаги *e* ва *o* бир унлининг икки «босқичи» (*stufen*) деб даъво
 қилади. Гап шундаки, санскритда бу босқичлар ҳақида тасаввур

Умумий тилшунослик курси ~~~~~ Фердинанд дў Соссюр
хосил қилиши мумкин бўлган унлилар алмашинуви мавжуд. Ривожланиш шу икки босқич бўйлаб ҳар бир тилда алоҳида-алоҳида ва бир пайтда, худди бир турга мансуб ўсимликлар таракқиётнинг айнан бир даврини мустақил равишда босиб ўтгани каби содир бўлади, деб тахмин қилган Шлейхер юнон тилидаги *o* да *e* нинг кучайтирилган шаклини: худди санскритда *ā* нинг кучайтирилганини кўргани каби. Аслида эса буларнинг барчаси товушларнинг ҳинд-европача алмашинувига бориб такалади. Бу алмашинув юнон ва санскрит тилларида турлича акс этади. Шунинг учун улар асосида ҳар икки тилда юзага келадиган оқибатларнинг бир хил бўлиши шарт эмас (4-қисмнинг 3-боби таркибидаги 5-§га қаранг).

Мутлақо қиёсий характерда бўлган мазкур метод нотўғри қарашлар системасидан иборат бўлиб, аслида уларга мос келмайдиган нарса йўқ, чунки бу қарашлар, умуман, инсон нутки мавжудлигининг реал шартларига зид. Тил ўзига хос соҳа, табиатнинг тўртинчи дунёси сифатида қаралиб келинди. Бошқа ҳар қандай фанда ҳайрат деб номланиши мумкин бўлган фикрлашнинг бу усуллари айнан шулар билан шартлангандир. Тафаккур инжиқликлари ва шу инжиқликларни оқлаш учун қўлланган терминлардан ҳайратланмасдан ўша даврда ёзилган ўн мисрани ҳам ўқишнинг имкони йўқ. Бироқ методологик нуқтаи назардан бу хатоликлар билан танишиш фойдадан холи эмас: ёш фаннинг хатолари илмий изланишлар билан илк марта шугулланаётган кишиларнинг бўрттирилган шаклдаги хатоларини эслатади. Ана шу хатоларнинг айримлари устида кейинчалик тўхталиб ўтамиз.

Фақат XIX асрнинг 70-йилларига келиб олимлар тиллар ҳаётининг шарт-шароитлари ҳақида ўйлай бошладилар. Уларни бирлаштириб турувчи мувофиқликлар — биз тил деб атайдиган ҳодисанинг аспектларидан бири қиёслаш эса фактларни қандай бўлса, шундай тасвирлаш воситаси, методи эканлигига эътибор қаратилди. Қиёсий методга тегишли ўрин ажратган сўзнинг аниқ маъносидаги тилшунослик роман ва герман тилларини ўрганиш замирида дунёга келди. Хусусан, айнан романистика (унинг асосчиси Фридрих Диц 1836–1838 йилларда ўзининг «Роман тиллари грамматикаси» китобини чоп этган) тилшуносликка ҳақиқий объектга яқинлашишга катта ёрдам кўрсатди. Гап шундаки, романистлар ҳинд-европаистларга қараганда анча қулай шароитларга эга бўлганлар, чунки ҳозирги роман тилларининг

Умумий тилшунослик курси ~~~~~ Фердинанд дў Соссюр

прототиби бўлмиш лотин тилининг мавжудлиги ва бу тилда ёзма ёдгорликларнинг кўплиги уларга айрим роман тилларининг тадрижий тараққиётини батафсил кузатиш имконини берган эди. Бу ҳолат тахминий фикрлашларни чегаралаб қўйган ва романистикага доир барча тадқиқотларга энг юқори даражадаги аниқлик бағишлаган эди. Германистлар ҳам шундай ҳолатда эдилар; тўғри, бобогерман тил бевосита маълум эмасди, бироқ ундан пайдо бўлган тарихни асрлар давомида шаклланган кўплаб ёзма обидалар асосида ўрганиш имконияти мавжуд эди. Айнан шунинг учун ҳақиқатга яқин турган германистлар дастлабки ҳинд-европаистлар хулосаларидан фарқли хулосаларга келганлар. Биринчи туртки «Ҳаёт ва тил тараққиёти» китобининг (1875) муаллифи, америкалик Уильям Уитни томонидан берилди. Тез орада ёш грамматиклар мактаби (*Jung grammatiker*) деб аталган мактаб шаклланди. Унинг бошида немис олимларидан Карл Бругман ва Ҳерман Остгоф ҳамда Вилхелм Брауне, Эдуард Сиверс, Ҳерман Пауль, славяншунос Август Лескин ва бошқалар турганди.

Бу олимларнинг хизмати шундан иборат эдики, улар қиёслаш натижаларига тарихийлик бағишладилар ва фактларни уларнинг табиий тартибига кўра жойлаштирдилар. Шу тадқиқотчилар туфайли тил ўз-ўзидан ривожланадиган жисм (организм) сифатида эмас, балки тил гуруҳлари жамоавий руҳ маҳсули сифатида ўрганиладиган бўлди. Бу билан қиёсий грамматика ва филология¹ ғояларининг саҳв (нотўғри) ва етарли эмаслиги тан олинди. Аммо бу мактабнинг хизматлари қанчалик катта бўлмасин, у барча муаммоларга тўлиқ ойдинлик киритди, дейиш учун асос йўқ: умумий тилшуносликнинг асосий масалалари ҳамон ўз ечимини кутиб ётар эди.



¹ Янги мактаб воқеликни аниқроқ тасвирлаш учун компаративистларнинг терминологиясига, хусусан, унинг маъносиз метафораларига уруш эълон қилди. Ҳозир: «тил ундай қилади, тил бундай қилади» дейиш ёки «тил ҳаёти» ва бошқалар ҳақида гапириш мумкин эмас. Чунки тил ўзича мавжуд, фақат сўзловчилар онгида бўладиган қандайдир моҳият. Шу маънода унчалик чуқурлашиб кетмаслик керак: энг муҳими — нима ҳақида гап бораётганлигини тушунишда. Шундай метафоралар борки, улардан қочиб қутилишнинг имкони йўқ. Фақат тилларнинг реал ҳодисаларни ифодаловчи терминлардан фойдаланишини талаб қилиш гўё бу ҳодисаларда биз учун номаълум бўлган нарсанинг ўзи йўқ деган даъвога тенгдир. Бунгача эса хали жуда узок. Шунинг учун биз баъзан ёш грамматиклар танқид қилган иборалардан фойдаланишдан ийманмаймиз.

II боб.

ТИЛШУНОСЛИКНИНГ МАТЕРИАЛИ ВА ВАЗИФАСИ: УНИНГ ТУРДОШ ФАНЛАРГА МУНОСАБАТИ

Тилшуносликнинг материали, энг аввало, ҳам ибтидоий халқларнинг, ҳам маданиятли миллатларнинг, ҳам у ёки бу тилнинг гуллаб яшнаган давридаги, ҳам инкирозга юз тутган қадимги даврлардаги шакллари, тилнинг ҳар бир даврда ишлов берилган ёки «адабий» [ҳамда оддий сўзлашув тил]¹, умуман, барча ифода шакллари ўзида мужассам этган нутқий фаолият фактларидир. Бироқ бу ҳали ҳаммаси эмас: нутқий фаолият аксарият ҳолатларда бевосита кузатишда берилмагани боис тилшунос узок ўтмиш ёки узок юртлар тиллари ҳақидаги маълумотларнинг ягона манбаи бўлмиш ёзма матнларни ҳам инобатга олган ҳолда иш юритишига тўғри келади. Тилшуносликнинг вазифаларига қуйидагилар киради:

а) тушуниш мумкин бўлган барча тилларни тавсифлаш ва тарихий нуқтаи назардан ўрганиш провард натижада тил оилалари тарихини яратиш ва, имкон борича, уларнинг бобо тилларини қайта тиклаш;

б) барча тилларда доимо ва умумий тарзда амал қиладиган омилларни аниқлаш ҳамда шу тиллар тарихида кузатиладиган айрим ҳодисаларга олиб бориб тақаш мумкин бўлган умумий қонуниятларни очиб бериш;

в) объект ва чегараларни аниқлаш. Тилшунослик гоҳ маълумотлар оладиган, гоҳ унга шундай маълумотлар бериб турадиган қатор фанлар билан жуда яқин боғланган. Уни шу фанлардан ажратиб турадиган чегаралар ҳамиша ҳам кўзга яққол ташланавермайди. Масалан, тилшуносликни тилни фақат ҳужжат сифатида ўрганадиган этнография ва қадимги дунё тарихидан қатъий чегаралаш лозим. Уни, шунингдек, одамни зоологик тур тарзида ўрганувчи антропологиядан ҳам ажратмоқ керак. Чунки тил

¹ «Маърузалар»нинг Ш.Балли ва А.Сеше тахририда бўлмаган, аммо тингловчилар консептларида кузатилган ўринлар катта қавсга олинди. – *Русча таржима муҳаррири эскертмаси.*

Умумий тилшунослик курси ~~~~~ Фердинанд дў Сосюр
ижтимоий фактдир. Модомики, шундай бўлса, уни ижтимоий фанлар таркибига киритиш керакдир?

Тилшунослик билан ижтимоий психологиянинг ўзаро муносабатлари қандай? Моҳиятан, тилдаги барча нарсалар, чунончи, товушлар ўзгаришлари каби моддий ва механик кўринишлар ҳам батамом рухий характердадир; тилшунослик ижтимоий психологияни шу қадар қимматбаҳо маълумотлар билан таъминлар экан, у бу фан билан биргаликда яхлит бутунликни ташкил қилмасмикан? Ушбу ўринда биз бу масалаларни наридан-бери кўриб чиқамиз ва кейинчалик уларга яна қайтамиз. Тилшуносликнинг физиология билан муносабатини аниқлаш қийин эмас: бу муносабат шу маънода бир томонламаки, тилларни ўрганишда товушлар физиологиясига доир маълумотлар талаб қилинади. Тилшунослик эса физиология ихтиёрига бундай маълумотларни тақдим этолмайди. Шунинг учун бу фанларни аралаштириб юбормаслик керак: тилнинг моҳиятини қуйида кўришимиз мумкин бўлганидек, лисоний белгининг товуший характери билан боғлиқ эмас. Филологияга келсак, таъкидлаш жоизки, у тилшуносликдан ўртадаги туташ нукталарнинг мавжудлиги ва ўзаро хизматда эканликларидан қатъи назар кескин фарқ қилади. Тилшуносликнинг аҳамияти нимадан иборат? Жуда кам кишиларгина бу ҳақда аниқ тасаввурга эгадирлар ва бу ерда у ҳақда гапириш ўринли эмас. Ҳар ҳолда шу нарса аёнки, тилшунослик матнлар билан иш кўради, тарихчи, филолог ва бошқаларда муайян қизиқиш уйғотади. Тилшуносликнинг умумий маданият учун аҳамияти ҳам равшан: алоҳида шахслар ҳаётида ҳам, бутун бошли жамият ҳаётида ҳам нутқий фаолият энг муҳим омиллардан ҳисобланади. Шунинг учун уни ўрганиш кам сонли мутахассисларнинг қўлида қолиши мумкинлигини тасаввур қилиш қийин. Бироқ у билан маълум даражада ҳамма шуғулланади, нутқий фаолият масалаларига нисбатан бундай ялпи қизиқиш ғайритабiiй оқибатларни ҳам келтириб чиқаради: шунчалик бемаъни ва бидъат ғоялар, хаёлот (фантазия) ва уйдирмалар билан тўлиб тошмаган бошқа бирорта ҳам соҳа йўқ. Бу хатоликларнинг барчаси муайян психологик қизиқиш касб этади ва шу боис тилшуноснинг бирламчи вазифаси уларни аниқлаш ва имкон борича бартараф этишдир.



III боб.

ТИЛШУНОСЛИКНИНГ
ОБЪЕКТИ

1-§. ТИЛ, УНИНГ ТАЪРИФИ

Тилшуносликнинг яхлит ва аниқ объекти нима? Бу савол ҳаддан ташқари қийин ва унинг нега бундай эканлигини қуйида кўриб чиқамиз. Бу ерда биз шу қийинчиликларни қайд этиш билан чегараланамиз.

Бошқа фанлар илгаридан битилган ва турли нуктаи назардан ўрганиш мумкин бўлган маълумотлар билан иш кўради; бизнинг соҳамизда эса бундай нарса йўқ. Кимдир французча *ни*, яъни «яланғоч» деган тадқиқотни аниқ лингвистик объект сифатида қабул қилади. Бироқ диққат билан эътибор қилинса, *ни* сўзида қайси нуктаи назардан қарашга боғлиқ ҳолда бир-биридан мутлақо фарк қилувчи уч ёки тўрт нарсани — фақат садо (жаранглаш)ни, муайян тушунчанинг ифодасини, латин тилидаги *nūdum*, яъни «яланғоч» ва шу кабиларни кўриш мумкин.

Тилшуносликда объект асло фикрни белгиламайди; аксинча, бу ерда фикр, бемалол айтиш мумкинки, объектнинг ўрнини яратади; шу билан бирга, мазкур фактни ўрганишнинг бу усулларидан қайси бири бошқаларига нисбатан бирламчи ёки мукамалроқ эканлиги ҳам бизга ҳеч нарса демайди.

Бундан ташқари, нутқий фаолиятнинг у ёки бу ҳодисасини ўрганиш учун қайси усулни танламайлик, бари бир унда бири иккинчиси билан боғлиқ бўлган ва фақат у туфайли муайян маъно касб этадиган икки томон кўзга ташланиб туради. Масалан: талаффуз қилинадиган бўғинлар — бу эшитиш орқали қабул қилинадиган акустик ҳодисалардир, бироқ товушлар нутқ органларисиз мавжуд бўлмайди.

Масалан, *n* товуши фақат шу икки — акустик ва артикуляцион томоннинг ўзаро боғлиқлиги туфайлигина мавжуддир. Шундай қилиб, тилни талаффузга олиб бориб тақамаслик ҳам, талаффузни нутқ органларининг артикулятор фаолиятдан ажратмаслик ҳам керак; бошқа томондан, нутқ органларининг ҳаракатини акустик омилни эътиборга олмасдан тавсифлашнинг имкони ҳам йўқ [Фонология асослари, 1-§га қarang].

Дейлик, товуш қандайдир оддий нарса: биз нутқий фаолият деб атайдиган нарса шу билан ўз интихосига етадими? Асло, чунки у фикрлан курули ва ўз ҳолича мавжуд бўлмайди. Бутун манзарани чигаллаштириб юборувчи корреляция ана шу тарзда юзага келади: мураккаб акустик — артикуляцион бирлик бўлмиш товуш ҳам ўз навбатида, тушунча ифодаловчи янги мураккаб физиологик-тафаккур бирлигини ҳосил қилади.

Нутқий фаолиятнинг икки томони бор: хусусий ва ижтимоий, бирисиз иккинчисини тушунишнинг имкони йўқ. Нутқий фаолият ҳаминша барқарор система ва эволюцияни тақозо этади; ҳар қандай лаҳзада нутқий фаолият айна бир пайтда ҳам конун-қоида ва ҳам ўтмиш маҳсулидир. Бир қараганда, система ва тарих бўлган ҳамда бор ва йўқ нарса орасидаги тафовутни фарқлаш жуда оддий кўринади, бироқ аслида униси ҳам, буниси ҳам ўзаро мустаҳкам боғланган ва шунинг учун уларни бир-биридан ажратиш жуда мушкул. Агар нутқий фаолият айна юзага келган пайтдан, масалан, гўдакнинг нутқий фаолиятини ўрганишдан бошланса, муаммо соддалашмайдими?

Ҳеч ҳам, чунки нутқий фаолиятга нисбатан пайдо бўлиш муаммосини қўлаш масаласи доимий шартланганлик муаммосидан фарқ қилади, дейиш энг катта адашишдир. Бизнинг боши берк кўчага кириб қолишимизнинг бош сабаби шунда.

Шундай қилиб, масалага қайси томондан ёндашмайлик, бирор жойда ҳам объект бизга яхлит ҳолда берилмайди; ҳамма жойда биз ўша дилеммага тўқнаш келамиз: ё биз ҳар бир муаммонинг бир томонида турамыз ва шунинг учун унга хос икки тарафламаликни илғамай қоламиз, ёки биз нутқий фаолият ҳодисаларини айна бир пайтда турли томондан ўрганадиган бўлсак, тилшуносликнинг объекти кўз ўнгимизда ўзаро боғланмаган, тарқоқ ҳодисалар уюми сифатида намоён бўлади. Шундай йўл тутсак, биз тилшуносликдан қатъий фарқланадиган, аммо методологик хато натижасида нутқий фаолиятга ўзининг объектларидан бири тарзида даъво қилувчи психология, антропология, меъёрий грамматика, филология ва бошқа фанларга эшикни кенг очган бўламиз.

Бизнингча, бу қийинчиликлардан чиқишнинг фақат бир йўли бор: аввал бошдан тилга қаттиқ таяниш ва уни нутқий фаолиятнинг қолган барча кўринишлари учун асос (меъёр) қилиб олиш керак. Ҳақиқатан ҳам, кўплаб икки тарафлама ҳодисалар фанда, афтидан, тилни мустақил таърифлашга имкон беради ва фикр учун ишончли таянч вазифасини ўтайди.

Бироқ тилнинг ўзи нима? Бизнинг фикримизча, тил тушунчаси, умуман, нутқий фаолият тушунчасига тўғри келмайди; тил нутқий фаолиятнинг факат муайян (аниқ) ва жуда муҳим қисми. У — ижтимоий ҳосила, нутқий фаолиятга нисбатан тилнинг ҳар бир соҳибида мавжуд бўлган лаёқатнинг воқеланиши ва қўлланишини таъминлаш мақсадида жамоа томонидан қабул қилинган зарур тамойиллар мажмуидир. Яхлит ҳолда олинган нутқий фаолият ранг-баранг ва турли-тумандир; айти бир пайтда қатор соҳаларда қўлланадиган, бир вақтда ҳам физик, ҳам физиологик ва психик ҳодиса бўлган нутқий фаолият, булардан ташқари, ҳам хусусий ва ҳам ижтимоий соҳага тааллуқли бўлади; уни инсон ҳаёти билан боғлиқ ҳодисаларнинг бирорта соҳасига аниқ киритиш мумкин эмас, чунки буларнинг барчасини қандай қилиб яхлит ҳолатга келтиришнинг ўзи аниқ эмас.

Бунга қарама-қарши ўларок, тил ўзича яхлит бутунликни ташкил қилади ва шунга кўра, таснифнинг бошланғич нуқтаси (тамойили) ҳисобланади. Нутқ ҳодисалари орасида унга биринчи ўринни ажратиш билан биз бу мажмуада табиий тартиб ўрнатамиз; уни (мажмуани) бошқача таснифлашнинг имкони йўқ.

Таснифнинг биз томонимиздан олға сурилган бошланғич нуқтаси ҳақидаги ғояга, афтидан, нутқий фаолиятни амалга ошириш бизга табиатан берилган қобилиятга асосланади, тил эса қандайдир ўзлаштирилган ва шартли нарса, бинобарин, тил инстинктдан юқори турмаслиги, балки унга нисбатан тобе ҳолатда турмоқлиги керак деган маънода бизга эътироз билдиришлари мумкин эди.

Бунга шундай жавоб бериш мумкин. Энг аввало, таъкидлаш жоизки, биз гапирганда намоён бўладиган нутқий фаолиятнинг қандайдир батамом табиий нарса эканлиги, бошқача айтганда, бизнинг нутқ органларимиз оёқ юришга мўлжаллангани каби сўзлашга мўлжалланган нарса эканлиги ҳеч ҳам исботланган эмас. Тилшуносларнинг бу борадаги фикрлари бир-биридан кескин фарқ қилади. Масалан, тилни ижтимоий институтларга тенглаштирган Уитнихга кўра, биз нутқ органларидан курул сифатида мутлақо тасодифан, қулайлик нуқтаи назаридан фойдаланамиз; унинг фикрича, кишилар аудиал воситалар ўрнида визуал воситаларни қўллаб, новербал воситалардан шундай муваффақият билан фойдаланишлари ҳам мумкин эди. Бундай тезиснинг мутлақ характерда эканлиги шубҳасиз: тил ҳамма томондан бошқа институтларга ўхшаган институт эмас

Умумий тилшунослик курси ~~~~~ Фердинанд дў Сосюр фонологии», 2-бобининг 1- ва 2-§лари); бундан ташқари, Уитних сўзлашиш қуролини танлашимиз фақат тасодиф туфайли нутқ органларига келиб тўхтаган деб ҳақиқатдан жуда узоклашиб кетади: ахир, бу танловга бизни маълум даражада табиатнинг ўзи мажбур қилган-ку. Бироқ асосий масалада америкалик тилшунос, шубҳасиз, ҳақ: тил — шартлилик, шартли тарзда танланган белги табиатининг қандай бўлиши мутлақо фарқсиз. Бинобарин, нутқ органлари ҳақидаги масала — нутқий фаолият муаммосидаги иккинчи даражали масаладир.

Бу фикр бурро, аниқ ифодаланган нутқ (*langage articulé*) деб нимани тушуниш керак, деган масалани аниқлаш йўли билан асослаши мумкин. Латин тилида *articulus* «таркибий қисм», «бўлак(ланиш)» деган маънони англатади; нутқий фаолиятга нисбатан бурролик ё товуш занжирининг бўғинларга бўлиниши, ёки занжирнинг маъноли бирликларга бўлинишини англатиши мумкин; айнан шу маънода олмон тилида *gegliederte Sprache* дейдилар. Кейинги таърифдан келиб чиқиб, инсон учун сўзлашиш тарзида намоён бўладиган нутқий фаолият эмас, балки тилни, яъни даражаланган (табақалаштирилган) тушунчаларга мос тарзда даражаланадиган белгилар системасини яратиш қобилияти табиий дейиш мумкиндр.

Брока (Поль Брока, француз олими, жарроҳ) сўзлашиш қобилиятининг катта мия яримшари учинчи пешонанинг бурма-бурма бўлиб турган жойида жойлашганлигини кашф этган; нутқий фаолиятга табиий илмий характер бағишлаш учун ана шу кашфиётга таянишга ҳаракат қилганлар. Бироқ маълумки, бундай жойлашишни нутқий фаолиятга дахлдор бўлган барча нарсаларга, жумладан, ёзувга нисбатан ҳам аниқлашган эди. Шунга кўра, жойлашишнинг бу марказлари ишдан чиқиши натижасида афазиянинг ҳар хил турларига нисбатан олиб борилган кузатишларга асосланиб, эҳтимол: оғзаки нутқнинг бузилишлари турли йўллар орқали ёзма нутқнинг бузилишлари билан чамбарчас боғланган бўлади ва афазия ёки аграфиянинг барча кўринишларида нафақат у ёки бу товушни талаффуз қилиш, ёки у ёки бу белгини ёзиш қобилияти, шунингдек, ҳар қандай воситалар ёрдамида онгда тартибли нутқий фаолият белгиларини акс эттириш қобилияти ҳам издан чиқади, дейиш мумкин. Буларнинг барчаси бизни турли органларнинг фаолиятлари устида янада умумийроқ бўлган қобилият туради, дея тахмин қилишга олиб келади. Бу фаолият белгиларни бошқаради ва у, асосан,


Умумий тилшунослик курси ~~~~~ Фердинанд дў Сосюр
 лисоний қобилият ҳисобланади. Шу тариқа биз илгари қилинган
 хулосага келамиз.

Ниҳоят, нутқий фаолиятни ўрганишни айнан тилдан бошлаш
 лозимлигини исботлаш учун шундай далил келтириш мумкинки,
 унга кўра сўзни талаффуз қилиш қобилияти (унинг табиий ёки
 ғайритабиий эканлигининг аҳамияти йўқ) фақат жамоа томонидан
 яратилган ва тақдим этилган қурол ёрдамидагина намоён бўлади.
 Шунинг учун нутқий фаолият тил туфайли яхлитлик касб этади,
 деган фикрда ақлга тўғри келмайдиган нарса йўқ.



2-§. ТИЛНИНГ НУТҚИЙ ФАОЛИЯТ ҲОДИСАЛАРИ ОРАСИДА ТУТГАН ЎРНИ

Нутқий фаолият ҳодисалари мажмуасида тилга мос соҳани
 топиш учун, энг аввало, нутқий мулоқотнинг индивидуал ҳаракатини
 ўрганиш керак. Бундай ҳаракат, кам деганда, икки кишининг
 бўлишини тақозо этади. Бу мулоқот вазиятининг тўлиқ бўлиши учун
 лозим бўлган энг кам миқдордир. Хуллас, бизга бир-бири билан
 гаплашиб турган икки киши А ва В берилган дейлик. Буларни
 чизмада қуйидагича тасвирлаш мумкин:



Нутқий мулоқот жараёнининг бошлангич нуқтаси ўзаро гаплашиб
 турган кишилардан бирининг, масалан, А нинг миёсида бўлади. Миёда
 биз онгнинг «тушунчалар» деб атайдиган ҳодисалар лисоний белгилар
 ёки тушунчаларни ифодалашга хизмат қиладиган акустик образлар

билан фикран тушунча мияда тегишли акустик образни чақиради, бу соф психик ходиса. Ундан кейин физиологик жараён келади: мия нутқ органларига образга мос келадиган ички туртки (импульс)ни узатади. Шундан кейин товуш тўлқинлари А нинг оғзидан В нинг қулоғига таралади, бу эса соф физик жараёндир. Кейин мулоқот жараёни В да давом этади, бироқ тескари тартибда: қулоқдан мияга ўтиш — акустик образнинг физиологик узатилиши; миядаги нарса — бу шу образнинг тегишли тушунча билан психик боғланиши. В ҳам, ўз навбатида, гапира бошлаганда, нутқнинг бу янги ҳаракати давомида биринчи ҳаракат пайтидаги йўл айнан такрорланади, нутқ В нинг миясидан А нинг миясига етгунга қадар ўша босқичларни босиб ўтади. Буни биз қуйидагича ифодалашимиз мумкин:



Бу таҳлил мукамалликка даъво қилмайди; чунки яна соф акустик сезгини, шу сезгининг акустик образга ўхшашлигини фонация (сўзлаш) ва шу кабилардан фарқ қиладиган ҳаракатга келтирувчи образни кўрсатиш мумкин. Бироқ биз ушбу ўринда фақат муҳим деб ҳисоблаган элементларнигина эътиборга олдик, холос; бизнинг чизмамиз физик элементлар (товуш тўлқинлари)ни физиологик (сўзлашиш, фонация ва эшитиш) ҳамда психик (вербал образ ва тушунчалар) элементлардан дарров чегаралаш имконини беради. Шу билан бирга вербал (сўз билан ифодаланган) образ билан жамлаш (талаффуз)нинг бир нарса эмаслигини қайд этиш ниҳоятда муҳим. Биз юқорида акс эттирган нутқ акти қуйидаги қисмларга бўлиниши мумкин: а) ташқи қисм (оғзидан қулоққа ўтувчи товуш тўлқинлари) ва қолган барча нарсаларни ўз ичига олувчи ички қисм; б) психик қисм ва нопсихик қисм. Уларнинг иккинчиси нутқ органларида содир бўладиган ҳодисаларни ҳам, кишидан ташқарида содир бўладиган ҳодисаларни ҳам ўз ичига олади; в) фаол қисм ва нофаол қисм: фаол қисм сўзловчилардан бирининг боғли марказидан бошқасининг қулоғига ўтадиган барча нарсалар бўлса, кишиларнинг

Умумий тилшунослик курси ~~~~~ Фердинанд дў Соссюр
қулоғидан боғли марказга ўтадиган барча нарсалар эса фаол қисмдир. Ниҳоят, мияда жойлашган психик қисм ичидаги барча фаол нарсаларни (П→О) экзекутив, нофаол нарсаларни эса рецептив нарсалар деб аташ мумкин. Бунга яна фикран боғланиш ва мослашиш қобилиятини ҳам қўшимча қилиш керак. Бу қобилият биз белгиларни ўзаро алоқада ўргана бошлаганимиз ҳамано кўзга ташланади; айнан у тилнинг система сифатида шаклланишида жуда муҳим роль ўйнайди (2-қисмнинг 5-бобида қаранг).

Бироқ бу ролни тўғри тушуниш учун нутқ актидан нутқий фаолиятнинг фақат эмбрион (ҳомила)дан иборат бўлган якка ҳодиса сифатида кўринишидан узоқлашмоқ ва тилни ижтимоий ҳодиса тарзида ўрганишга ўтмоқ керак.

Юқорида кўрсатилган усул билан нутқий фаолият ёрдамида мулоқот қиладиган кишиларда муқаррар равишда ўзига хос тўғриланиш (текисланиш) содир этилади: уларнинг барчаси бир хил шаклларда бўлмаса-да, тахминан бир хил белгини талаффуз қилади ва уларни бир хил тушунчалар билан боғлайди. Бу ижтимоий «кристаллашиш»нинг сабаби қандай? Нутқ актининг қайси қисми унга масъул бўлиши мумкин? Бу жараёнда уларнинг барчаси ҳам иштирок этавермаслиги эҳтимолга жуда яқин-ку. Физик қисм шу заҳотиёқ рад этилиши мумкин. Нотаниш бўлган тилда кечаётган сўзлашишни эшитганимизда, биз, тан олиш керак, фақат товушларни эшитамиз, бироқ нима ҳақида гапирилаётганини билмаслигимиз натижасида айтилган нарса ижтимоий ҳодиса бўлмайди. Нутқ актининг психик қисми «кристаллашиш»да кам иштирок этади; унинг экзекутив томони, умуман, бунга алоқадор бўлмайди, чунки ижро ҳеч қачон жамоа томонидан содир этилмайди; у доимо хусусий характерда бўлади ва бу ерда ҳамма нарсани шахснинг ўзи бажаради: биз уни нутқ деб атаймиз.

Сўзловчиларда ҳамма учун деярли бир хил образларнинг шаклланиши қабул қилувчи (рецептив) ва мувофиқлаштирувчи (координатив) қобилиятларнинг ишлаши билан шартланган. Бошқа ҳодисалардан ажратиб турадиган тилнинг бемалол ажралиб туриши учун бу ижтимоий маҳсулотни қандай тасаввур қилиш мумкин? Агар биз одамларда тўпланиб қолган вербал образларни камраб олиш ҳолатида бўлганимизда эди, тилни юзага келтирувчи ижтимоий алоқага ҳам тўхтаб ўтган бўлардик. Тил — бу нутқ амалиёти туфайли бир ижтимоий жамоага мансуб кишиларда тўпланадиган хазина. Тил — бу ҳар бир киши, аниқроқ айтганда,

кишиларнинг бутун бошли жамоаси миясида * виртуал тарзда мавжуд бўлган система. Чунки тил тўлиқ ҳолда уларнинг бирортасида ҳам мавжуд эмас; у фақат жамоадагина тўлиқ намоён бўлади.

Тил ва нутқни бир-биридан ажратиш билан, биз айти пайтда:

1) ижтимоий ҳодисани хусусий ҳодисадан; 2) муҳим ҳодисани иккинчи, маълум даражадаги тоифадан ҳам фарқлаймиз.

Тил сўзловчи томонидан бажариладиган вазифа (фаолият) эмас, балки шахс томонидан сушт қайд этиладиган тайёр маҳсулотдир; у ҳеч қачон олдиндан ўйлаб қўйишликни талаб қилмайди ва унда фақат таснифловчи фаолият олиб борилади (4-қисмнинг 5-бобига қаранг). Аксинча, нутқ истак ва идрокнинг индивидуал ҳодисаси; унда: 1) сўзловчи ўз фикрини ифодалаш учун тил коди (code)дан фойдаланишда қўлланадиган уйғун бирикмаларни; 2) шу бирикмаларни ифодалашга ёрдам берадиган психофизик механизмни ўзаро фарқлаш керак.

Таъкидлаш жоизки, биз сўзларни эмас, балки нарса-буюмларни таърифлаймиз; шунинг учун биз аниқлаган тафовутлар — турли тилларда ҳаммиша ҳам мос келвермайдиган айрим мужмал маъноли терминлар зарар кўрмайди. Масалан, олмон тилидаги *Sprache* француз тилидаги *langue* «тил» ва *language* «нутқий фаолият»га мос бўлса, шу тилдаги *rede* французча *parole* «нутқ»қа унчалик мос келмайди; лекин олмонча *rede* сўзида қўшимча маъно бор — «нотиклик» (франц. *discours*); лотинча *sermo* кўпроқ *langage* «нутқий фаолият» ва *parole* «нутқ»ни англатади, *lingua* «тил»ни англатади ва ҳ.к. Қайд этилган бу тушунчаларнинг бирортасига ҳам аниқ муқобилни топишнинг имкони йўқ. Шунинг учун сўзни таърифлаб ўтиришнинг фойдаси йўқ; бинобарин, нарса-буюмларни тавсифлашда сўзлардан фойдаланилаётгани яхши эмас.

Энди тилнинг асосий хусусиятларини умумлаштирамиз:

1. Тил — нутқий фаолиятнинг ранг-баранг ҳодисалари орасидаги тамоман аниқ бир нарса. Уни биз юқорида ўрганган нутқ актининг маълум кесмасида, аниқроқ айтганда, эшитиладиган образ тушунчаси билан фикран боғланадиган ерда жойлаштиришимиз мумкин. Тил нутқий фаолиятнинг уни ўзича яратиш ва ўзгартириш ҳолатида бўлмаган шахсга нисбатан ташқи, ижтимоий томонидир. У фақат жамоа аъзолари томонидан тузилган ўзига хос келишув туфайли мавжуд бўлади. Шу билан бирга, унинг қўлланишини билиш учун шахс ўқиши керак; гўдак уни фақат аста-секинлик билан ўрганади. Тил шу даражада ўзига хос ҳодисаки, ҳатто сўзлашиш

Умумий тилшунослик курси ~~~~~ Фердинанд дў Соссюр
қобилиятини йўқотган киши ҳам тилни сақлаб қолади, чунки у
эштаётган нарсани тушунади.

2. Тил нутқдан фарқли ўларок, мустақил ўрганиш мумкин бўлган фандир. Биз ўлик тилларда сўзлашмаймиз, лекин уларнинг механизмини аъло даражада эгаллаб олишимиз мумкин. Нутқкий фаолиятнинг бошқа элементларига келсак, таъкидлаш жоизки, тил ҳақидаги фан уларсиз ҳам бемалол фаолият кўрсатаверади; бугина эмас, шу элементлар мазкур фаннинг объектига қанчалик кам аралашса, у шунчалик мустақил бўлади.

3. Нутқкий фаолият, умуман, турфа характерда бўлса, тил, биз берган таърифга кўра, моҳиятан бир (жинсли, гомоген) ҳодиса: бу — белгилар системаси, ундаги ягона муҳим нарса маъно ва акустик образнинг бирлашиб кетганлиги. Бунинг устига белгининг иккала компоненти (маъно ва акустик образ) ҳам бир даражада руҳий характердадир.

4. Тил ўз табиатига кўра нутқдан кам даражада аниқ ҳодиса эмас ва бу жиҳат уни тадқиқ этишда катта ёрдам беради. Лисоний белгилар моҳиятан руҳий нарсалар бўлса-да, мавҳум тушунчалар эмас; жамоавий келишув йўли билан бириктирилган ва биргаликда тилни ташкил қиладиган фикрий боғланишлар мияда жойлашган воқеликлардир. Бугина эмас, тил белгилари, таъбир жоиз бўлса, ҳис этиш мумкин бўлган белгилардир: ёзувда улар шартли белгилар ёрдамида қайд этилиши мумкин бўлса, нутқ актларини барча тафсилотлари билан суратга олишнинг имкони йўқ: энг қисқа товушни ҳам талаффуз қилиш, билиш ва тасвирлаш ниҳоятда қийин бўлган сон-саноксиз мушак ҳаракатларини талаб қилади. Тилда эса, аксинча, маълум * визуал образ ёрдамида бериш мумкин бўлган акустик образдан бошқа ҳеч нарса йўқ. Ҳақиқатан ҳам, нутқда акустик образни ҳосил қилиш учун лозим бўлган кўплаб ҳаракатлардан узоқлашилса, ҳар қандай акустик образ, куйида баён қилинганидек, элементлар ёки фонемаларнинг чекланган миқдори йиғиндисидан бошқа нарса бўлмай қолади. Ёзувда бу элемент фонемаларни белгиларнинг тегишли миқдори воситасида ифодалаш мумкин. Айнан тил ҳодисаларини қайд этиш имкониятининг мавжудлиги луғат ва грамматикани ҳаққоний акс эттиришга ёрдам беради: чунки тил акустик образлар хазинаси бўлса, ёзув уни ҳис этиш мумкин бўлган шакл билан таъминлайди.



3-§. ТИЛНИНГ КИШИ ҲАЁТИ ҲОДИСАЛАРИ СИРАСИДА ТУТГАН ЎРНИ. СЕМИОЛОГИЯ

Тилнинг 2-§да берилган тавсифи бизни янада муҳимроқ масала томон етаклайди. Нутқий фаолият ҳодисалари мажмуидан шу тарзда ажратиб олинган тил мазкур нутқий фаолиятдан фарқли ўлароқ, инсон ҳаётининг барча кўринишлари орасида алоҳида ўрин эгаллайди.

Тил, ҳозиргина кўрганимиздек, бошқа ижтимоий, чунончи, сиёсий, юридик ва бошқа институтлардан кўп жиҳатлари билан фарқ қиладиган институтдир. Унинг ўзига хос табиатини тушуниш учун қатор янги фактларни таҳлилга тортиш керак.

Тил — тушунчаларни ифодаловчи белгилар системаси. Шунинг учун уни ёзув, гунглар алифбоси, рамзий маросимлар, беодоблик хатти-ҳаракат шакллари, ҳарбий ишора (сигнал) ва шу қабилар билан қиёслаш мумкин. У фақат шу системаларнинг энг муҳими, холос.

Шундай қилиб, кўз олдимизга жамият ҳаёти доирасида амал қиладиган белгилар тарзини ўрганадиган фанни келтиришимиз мумкин: бундай фан ижтимоий, бинобарин, умумий психологиянинг бир қисми бўлиши мумкин: биз уни семиология (юнонча *semeion* «белги») деб аташимиз мумкин¹.

У бизга белгиларнинг ўзи нима ва улар қандай қонуниятлар асосида бошқарилишини очиб бериши керак. Модомики, у ҳозирча мавжуд эмас экан, унинг қандай бўлишини ҳозирча айтиб беришнинг имкони йўқ; бироқ у яшашга ҳақли ва унинг ўрни олдиндан белгилаб қўйилган. Тилшунослик — ана шу умумий фаннинг бир қисми, холос: семиология кашф этадиган қонуниятлар тилшуносликка ҳам татбиқ этилади ва бу кейинги фан шу йўсинда инсон ҳаёти ҳодисалари сирасида ўзининг жуда аниқ соҳадаги ўрнига эга бўлади. Семиологиянинг ўрнини аниқ белгилаш — психологиянинг вазифаси²; тилшуносликнинг вазифаси эса тилни семиологик ҳодисалар мажмуидаги ўзига хос система сифатида ажратиб кўрсатувчи омиларни аниқлашдан иборат. Бу масалани биз қуйида ўрганамиз. Ҳозирча фақат бир нарсани эсда тутишимиз керак: агар тилшуносликнинг бошқа фанлар орасидаги ўрнини

¹ Семиологиянинг маъно [ўзгаришларини] ўрганадиган семантика³ билан адаштириб юборишдан эҳтиёт бўлиш керак.

² Кидефинг Ad Niville. *Classifications des sciences*, 2^e éd., p.104. 3. Тегинши сўз ёки хатбошидан кейин қўйилган юлдузча (*) ўқувчини «Курс» поштрлари Шарль Балли ва Альбер Сешеларнинг мос иқтибосига йўналтиради. Бу эсқартмалар «Курс»нинг охирида келтирилади. — *Таржимон*.

биринчи бўлиб аниқлашга мушарраф бўлган бўлсак, бунга биз уни семиология билан боғлай олганимиз сабаблигина эришдик. Ш

Бошқа ҳар қандай фан каби ўз тадқиқот объектига эга семиология нега мустақил фан сифатида ҳамон эътироф этилган эмас? Гап шундаки, ҳозиргача оғир аҳволдан чиқилганича йўқ: бир томондан, семиологик муаммолар характери ни тушунишда тилчалик бирор нарса йўқ, иккинчи томондан, бу муаммоларни етарли даражада аниқ кўтариб чиқиш учун тилни қандай бўлса, шундай ўрганиш керак; ҳолбуки, тилни деярли ҳамиша қандайдир бошқа нарсага боғлиқ ҳолда, унга ёт нуқтаи назардан ўрганишга ҳаракат қиладилар.

Биринчидан, кўпчиликда тилда фақат номенклатурани кўришга мойиллик кучли (1-қисмининг 1-бобидаги 1-§га қаранг): шунинг ўзи тилнинг ҳақиқий табиатини ўрганиш имкониятини барбод қилиш учун етарли.

Иккинчидан, белгининг шахс томонидан қўлланилишини ўрганувчи психологларнинг фикри мавжуд. Бу жуда осон метод, бироқ у нутқ индивидуал актидан нари ўтмайди ва мохиятан ижтимоий характерда бўлган белгини четлаб ўтади. Ҳатто, белгини ижтимоий ҳодиса сифатида ўрганиш лозимлигини билсалар ҳам, эътиборни нуқул у ёки бу даражада бизнинг иродамизга боғлиқ бошқа ижтимоий институтлар билан алоқадор хусусиятларига қаратадилар ва, шу тарзда фақат, умуман, семиологик системаларга ёки, хусусан, тилга хос белгиларни тушириб қолдириб, мақсадга яқинлашмайдилар. Чунки тил доимо маълум чегарагача индивидуал иродадан ҳам, ижтимоий иродадан ҳам ўзини олиб қочади. Унинг энг муҳим, бир қарашда кўзга унча ташланмайдиган хусусияти ҳам шунда. Бу хусусият айнан тилда, айниқса, яққол намоён бўлади, бироқ у энг кам ўрганилган соҳада акс этади. Натижада семиологиянинг зарурияти ёки унинг ўзига хос фойдаси ноаниқ бўлиб қолади. Биз учун эса тилшунослик муаммоси — бу, энг аввало, семиологик муаммолардир ва шунинг учун мулоҳазаларимиз фақат шу асосий тамойил нуқтаи назаридан ўз маъносини касб этади. Ким тилнинг ҳақиқий табиатини очиб бермоқчи бўлса, энг аввало, унда ўша тартибдаги бошқа системалар билан ҳеч қандай умумийлик йўқлигига эътибор қаратиши лозим бўлади. Бир қарашда жуда муҳим кўринган кўплаб лингвистик далилларни (масалан, нутқ органларининг ишлашини) фақат иккинчи табақада ўрганиш керак, чунки улар фақат тилни

Умумий тилшунослик курси ~~~~~ Фердинанд дў Сосюр
семиологик системалар мажмуидан ажратиб олишга хизмат қилади.
Шу туфайли нафақат тилшунослик муаммосига аниқлик
киритилади, балки, бизнинг ўйлашимизча, маросим, урф-одат ва шу
кабилар белгилар сифатида ўрганилаётганда, бу ҳодисаларнинг
барчаси янги кўринишда намоён бўлади, бинобарин, уларни
семиология доирасида¹ бирлаштириш ва шу фан қонун-қоидалари
асосида тушунтириш зарурияти юзага келади.



IV боб. ТИЛ ТИЛШУНОСЛИГИ ВА НУТҚ ТИЛШУНОСЛИГИ

Тил ҳақидаги фанга билишнинг нутқ фаолиятини ўрганиш билан шугулланадиган соҳасидаги ҳақиқий ўрнини кўрсатиб бериш асосида биз, умуман, тилшуносликнинг ҳам ўрнини аниқлаб бердик. Нутқий фаолиятнинг нутқ ҳосил қилувчи қолган барча элементлари табиий равишда шу фанга бўйсунди ва айнан шу бўлувчини туфайли тилшуносликнинг барча бўлимлари ўз ўринлари бўйлаб жойлашади.

Мисол тариқасида нутқ учун лозим бўлган товушларнинг ҳосил қилинишини қараб чиқамиз. Морзе алифбосига унинг рамзларини унатишга хизмат қиладиган электр аппаратлари қанчалик бегона бўлса, барча нутқ органлари ҳам тилга нисбатан шунчалик бегонадир. Фонация, яъни акустик образларнинг воқеланиши уларнинг системасига таъсир қилмайди. Шу маънода тилнинг мавжудлигини ижрочига боғлиқ бўлмаган симфонияга ўхшатиш мумкин; ун ижро қилувчи созанданинг хатолари бу мавжудликка асло тасир қилмайди.

Фонация ва тилнинг бундай бўлинишига қарши фикр билдириб, фонетик трансформация ҳодисаси, яъни товушларнинг нутқда содир бўладиган ва тил тақдирига шу қадар чуқур таъсир кўрсатадиган ўзгаришларни мисол сифатида келтириш мумкин. Ҳақиқатан, тил бу ҳодисаларга боғлиқ бўлмаган ҳолда мавжуд дейишга ҳақлимизми? Ҳа, ҳақлимиз, чунки бу ҳодисалар товушларнинг фақат моддий томонига тегишли. Улар, ҳатто, тилга белгишар системаси сифатида дахл қилса ҳам, билвосита, бунинг натижасида белгишар талқинида содир бўлиб турадиган ўзгаришлар орқалигина кира олади. Бу ҳодисада эса ҳеч қандай фонетик шарҳнинг ўзи йўқ (1-қисмининг 3-боби 3-§ига қаранг). Бу ўзгаришлар сабабларини излаш муайян қизиқиш уйғотиши мумкин. Бунга товушларни ўрганиш ҳам ёрдам беради, аммо гап бунда эмас: тил ҳақидаги фан учун товуш ўзгаришларини қайд этиш ва уларнинг оқибатларини аниқлашнинг ўзи етарли. Ва фонацияга нисбатан айтганларимиз нутқнинг қолган барча элементларига нисбатан ҳам тўғри. Сўзловчининг фаолияти тилшуносликда фақат

Умумий тилшунослик курси ~~~~~ Фердинанд дў Сосюр

тил билан боғлиқлиги учун ўрин эгаллаши мумкин бўлган фанларнинг бутун бошли мажмуини ўрганиши керак.

Хуллас, нутқ фаолиятини ўрганиш икки қисмга бўлинади: улардан бирининг, асосийсининг предмети тил, яъни қандайдир моҳиятан ижтимоий ва шахсга боғлиқ бўлмаган ҳодиса; бу — соф рухий (психик) фан; бошқасининг, иккинчи даражалисининг предмети нутқий фаолиятнинг ўзига хос (индивидуал) томони, яъни фонацияни ҳам ўз ичига олган нутқ; у рухий-физик (психофизик) ҳодисадир.

Бу икки нарса (тил ва нутқ), шубҳасиз, ўзаро узвий боғланган ва бир-бирини тақозо этади: тил нутқнинг тушунарли ва самарали бўлмоғи учун керак; нутқ ҳам, ўз навбатида, тилнинг ташкил топмоғи учун зарур. Тарихан нутқ доимо тилдан олдин юради. Агар нутқ жараёнида бундай боғланиш азалдан бўлмаганда тушунча қандай қилиб сўз билан боғлана оларди? Иккинчи томондан, биз она тилида сўзлашишни бошқаларни эшитиш асносида ўрганамиз; сон-саноксиз тажрибалар натижасидагина тил хотирада сақланиб қолади. Ниҳоят, тилнинг тадрижий тараккиёти айнан нутқ ҳодисалари билан шартлангандир: бизнинг тилга оид кўникмаларимиз бошқаларни тинглаш жараёнида олинадиган таассуротлар натижасида ўзгаради. Тил ва нутқ орасидаги алоқа шу тарзда ўрнатилади: тил айни пайтда ҳам қурол, ҳам нутқ материали. Аммо буларнинг барчаси тил ва нутқнинг айни пайтда турли нарсаларга бўлинишига монелик қилмайди.

Тил жамоада нусхалари жуда ўхшаш ва кўпчилик фойдаланадиган луғат каби ҳар бир кишининг онгида мавжуд изларнинг мажмуи сифатида воқе бўлади («Кириш»нинг 3-бобидаги 2-§га қаранг). Бинобарин, бу ҳар бир кишида мавжуд ва, шу билан бирга, ҳамма учун умумий ва соҳибининг иродасидан ташқарида турадиган бир нарса. Тил мавжудлигининг бу усулини чизмада қуйидагича бериш мумкин:

$$1+1+1+1\dots=1 \text{ (жамоавий намуна)}$$

Бироқ нутқ шу жамоада қандай намоён бўлади? Нутқ — бу кишилар гапирадиган сўзларнинг йиғиндиси.

У ўз ичига: а) сўзловчиларнинг хоҳиш-иродасига боғлиқ индивидуал сўз қўллашлар; б) сўзловчиларнинг хоҳиш-иродасига боғлиқ ва шу сўз қўллашларнинг воқеланиши учун зарур бўлган фонация (сўзлаш) жараёнларидир.

Демак, нутқда жамоавий характердаги ҳеч нарса йўқ; унинг намоён бўлиш шакллари индивидуал ва оний (бир лаҳзалик)дир; бу ерда қуйидаги чизмада акс этган хусусийликларнинг йигиндисидан бошқа ҳеч нарса йўқ:

$$(1+1^1+1^{11}+1^{111}...)$$

Бу мулоҳазалардан келиб чиқиб, тил ва нутқ бир нуқтаи назардан бирлаштирилса, ёмон бўлмас эди. Яхлит ҳолда умумий тарзда олинган нутқий фаолиятни билиб бўлмайди, чунки у хилма-хил; биз томондан таклиф этилаётган тафовутлар ва поғонали жойлашиш (*subordination*) ҳаммасини тушунтириб беради.

Нутқий фаолият назариясини яратишга киришган ҳамоно дуч келинадиган биринчи дихотомия (бутунни икки қисмга, кейин ҳар бир қисмни яна икки қисмга ва яна... изчил бўлиш) шундай.

Жуда бўлмаган тақдирда бу икки фан (тил тилшунослиги ва нутқ тилшунослиги) учун тилшунослик номини сақлаб қолиш ва нутқ тилшунослиги ҳақида гапириш мумкин. Бироқ уни сўзнинг ўз маъносидagi, соф, ягона объекти тил бўлган тилшунослик билан адангирмаслик керак.

Биз фақат кейинги (ягона объекти тил бўлган) тилшунослик билан шуғулланамиз ва баъзан баён давомида нутқни ўрганиш соҳасидан ҳам изоҳлар олиб туришга тўғри келса-да, бу икки соҳани ажратиб турувчи чегарани ҳеч қачон эсдан чиқармасликка ҳаракат қиламиз.



V боб. ТИЛНИНГ ИЧКИ ВА ТАШҚИ ЭЛЕМЕНТЛАРИ

Тилнинг биз томондан берилган таърифи «тил» тушунчасидан, гарчи тилшунослик жуда муҳим соҳалар билан шуғулланса ҳам, гарчи нутқий фаолиятни ўрганишга киришаётганда айнан уни назарда тутсалар ҳам, унинг жисми ва системасига ёт, бир сўз билан айтганда, «ташқи тилшунослик» номи билан маълум бўлган ҳар нарсани чиқариб ташлашни тақозо этади. Бунга, энг аввало, тилшунослик билан этнология туташган жойдаги барча нарсалар, тил тарихи билан ирқ тарихи ёки тамаддун орасида мавжуд бўлиши мумкин бўлган барча алоқалар киради. Бу иккала тарих ҳам ўзаро мураккаб бир тарзда аралаш-қуралаш бўлиб кетган. У биз тилда қайд этган мосликларни бир қадар эслатади («Кириш»нинг 3-боби 1-§ига қаранг). Миллатнинг урф-одатлари унинг тилида акс этади, бошқа томондан эса айнан тил миллатни шакллантиради.

Яна тил ва сиёсий тарих ўртасида мавжуд бўлган муносабатларни ҳам эслатиш жоиздир. Рим босқини каби тарихий воқеалар тилнинг кўплаб томонлари учун беҳисоб оқибатларни ҳам келтириб чиқарди. Босқинчилик шаклларида бири бўлган мустамлакачилик ҳам тилни ўзга муҳитга кўчиради ва бу ҳам, ўз навбатида, унда ўзгаришлар содир этади. Фикримизни тасдиқлаш учун кўплаб далиллар келтиришимиз мумкин. Масалан, Норвегия сиёсий жиҳатдан Дания билан бирлашгандан кейин (1380–1814) дания тилини қабул қилди: тўғри, ҳозир норвеглар бу тил таъсиридан қутилишга уринмоқдалар. Давлатнинг ички сиёсати тиллар ҳаётида ундан кам роль ўйнамайди. Швецария каби айрим мамлакатларда бир давлатда бир неча тил фаолият кўрсатиши мумкин, деб ҳисобланади. Бошқа мамлакатлар, жумладан, Францияда бир тил бўлишига интиладилар. Маданиятнинг юқори даражаси айрим махсус тиллар (юридик тил, илмий терминология ва шу кабилар)нинг ривожланиши учун қулай шароитлар яратади.

Бу бизни учинчи нуқта — тил билан черков, мактаб ва бошқа муассасалар орасидаги муносабат томон етаклайди. Бу муассасалар, ўз навбатида, тилнинг адабий нуқтаи назардан тараққиёти билан узвий боғланган. Умумий характерда бўлган бу ҳодисани сиёсий тарихдан ажратиб бўлмайди. Адабий тил ўзининг барча йўналишларида унинг

олдига адабиёт томонидан қўйилган чегараларни бузади: бунга ишонч ҳосил қилиш учун, девон, сарой ва академияларнинг тилга таъсирини эслаш кифоя. Бошқа томондан, адабий тил билан шевалар орасида манфаатларнинг кескин тўқнашуви ҳам одатий бир ҳолга айланган (4-қисмнинг 2-боби 1-§ига қаранг). Тилшунос, шунингдек, китобий тил билан кундалик тилнинг ўзаро алоқасини ҳам ўрганиши керак, чунки ҳар қандай адабий тилнинг, маданият маҳсулининг тараққиёти унинг доираси билан табиий доиранинг, яъни сўзлашув тил доирасининг ўзаро чегараланишига олиб келади. Ниҳоят, ташқи тилшуносликка тилнинг жуғрофий тарқалиши ва уларнинг шеваларга бўлиниб кетиши билан боғлиқ барча нарсалар киради. Ташқи тилшунослик билан ички тилшунослик орасидаги фарқ айнан шу нуқтада мантиққа зиддек туюлади, чунки жуғрофий омил тилнинг мавжудлиги билан бевосита боғлиқ; шунга қарамадан, жуғрофий омил тилнинг ички тузилишига таъсир қилмайди.

Кўпинча, тилни ўз маъносида ўрганишдан бу масалаларни ажратишнинг мутлақо иложи йўқлиги таъкидланади. Бундай фикр, айниқса, тилшунослардан қатъият билан воқеликларни билиш талаб қилингандан кейин, айниқса, устувор бўлиб қолди. Аслида, масалан, ўсимлик вужудидаги ўзгаришлар ташқи омиллар — ер, об-ҳаво ва шу кабилар таъсирида содир бўлгани сингари, тилнинг ҳам грамматик «вужуди» тил ўзгаришининг ташқи омилларига ҳаммиша боғлиқ эмасми? Бир қарашда тилда тўлиб-тошиб ётган техник термин ва ўзлашмаларни, уларнинг келиб чиқиши ҳақидаги масалани кўтармасдан туриб, тушунтиришнинг деярли имкони йўқдек туюлади. Ахир, муайян тилнинг табиий органи тараққиётини унинг адабий тил каби сунъий, яъни ташқи, бинобарин, ноорганик шакллардан фарқлашнинг имкони йўқ-ку! Биз ҳар қарашда шевалар билан бир қаторда, койненинг ҳам ривожланаётганига дуч келмаяпмизми?

Биз ташқи лингвистик, яъни ғайрилисоний ҳодисаларни ўрганишни жуда самарали деб ҳисоблаймиз; шу билан бирга, агар биз тилнинг ички тузилишини уларсиз ўрганиш мумкин эмас десак, хатога йўл қўйган бўламиз. Мисол учун чет сўзларни олиб қарайлик. Энг аввало, унинг тил ҳаётида муҳим элемент эмаслигини таъкидлаш жоиз. Айрим чекка воҳаларда ташқаридан бирорта сунъий термин олмаган шевалар бор. Бирок, шунга асосланиб, бу шевалар нутқий фаолиятнинг табиий чегараларидан ташқарида туради, (нутқий фаолият) ҳақида ҳеч қандай тасаввур бермайди, араланиш жараёнини бошдан кечирмаган шевалар сифатида ўзига нисбатан «тератологик»

ёндашувни талаб қилади, дейиш мумкинми? Бироқ бу ердаги асосий масала шундан иборатки, ўзлашма сўз мазкур тил системаси ичида тадқиқот объекти қилиб олингандан кейин унга ўзлашма сифатида қараш мумкин эмас, чунки у бу тилдаги бошқа туб сўзлар каби фақат ўзининг бошқа сўзлар билан муносабати ва зидланиши туфайлигина мавжуд бўлади. Умуман айтганда, у ёки бу тил, масалан, авесто матнлари ёки эски славян тили каби, ҳатто, уларда қандай халқлар гаплашгани аниқ маълум бўлмаган айрим тиллар ривожланган шароитларни билишга зарурият йўқ. Буни билмаслик уларни қандай бўлса, шундай ўрганишга, содир бўлган ўзгаришларни тадқиқ этишга асло ҳалақит қилмайди. Ҳар ҳолда, бу икки нуқтаи назарнинг бўлиниши муқаррар ва бунга қанчалик амал қилинса, шунчалик яхши.

Бунинг энг яхши далили шундаки, уларнинг ҳар бири ўзига хос методларни ярагади. Ташқи тилшунослик система исканжасида қисилган бир тафсилотни сезмай иккинчисининг устига юклайди. Масалан, ҳар бир муаллиф тилнинг ўз ҳудудидан ташқарида тарқалишига доир фактларни ўз ихтиёрича гуруҳларга тақсимлайди; шевалар билан бир қаторда адабий тилни юзага келтирган фактларни ўрганишда доимо оддий қайд этиш методини қўллаш мумкин; агар фактлар муаллиф томонидан маълум даражада системали тартибда жойлаштирилса, у ҳолда бу факт услуб мақсадларида қилинади.

Ички тилшуносликка нисбатан муаммо бутунлай бошқача: бу ерда ҳар қандай ихтиёрий жойлаштиришга ўрин йўқ. Тил — фақат ўз тартибига амал қиладиган система. Буни тушуниб олишга шахмат ўйини билан қиёслаш ёрдам бериши мумкин. Маълумки, ўйинда ниманинг ташқи, ниманинг ички ҳодиса эканлигини жуда осон фарқлаш мумкин. Мазкур ўйиннинг Европага Эрондан кириб келганлиги ташқи омил бўлса, аксинча, ўйин системаси ва қонун-қоидалари билан боғлиқ барча нарсалар ички омиллардир. Агар мен ёғочдан ясалган сипоҳни фил суягидан ясалган сипоҳ билан алмаштирадиган бўлсам, у ҳолда бундай алмаштириш система учун бефарқ бўлади; бироқ мен сипоҳлар сонини камайтирадиган ёки кўпайтирадиган бўлсам, бундай ўзгариш ўйин «грамматикаси»га чуқур таъсир этади. Тўғри, бундай фарқлаш муайян эътиборни талаб қилади, шунинг учун ҳар бир ҳолатда ҳодисанинг табиати ҳақидаги масалани кўтариб чиқиш ва уни ўрганишдаги қоидага амал қилиш лозим: система шаклини маълум даражада ўзгартирадиган барча нарсалар ички нарсалардир.



VI боб. ТИЛНИНГ ЁЗУВ ЁРДАМИДА ИФОДАЛАНИШИ

1-§. МАВЗУНИ ЎРГАНИШ ЗАРУРИЯТИ

Демак, тадқиқотнинг аниқ предметини ҳар бир киши онгида акс этган ижтимоий маҳсулот, яъни тил ташкил этади. Бироқ ҳар бир лисоний гуруҳнинг ўз маҳсулоти бор: бизга турли тиллар аниқ тарзда берилган. Тилшунос кузатишлар олиб бориш ва уларни ўзаро қиёслаш йўли билан умумий нарсани топа олмағи учун, имкони борича, кўп тилни билиши керак. Ҳақиқатда эса биз тиллар билан, кўпинча, уларнинг ёзма шакллари орқали танишимиз. Ҳатто, она тилимизга нисбатан ёзма манба ҳаминша ёрдамчи восита вазифасини бажаради. Биздан узоқда жойлашган тиллар ҳақида гап кетганда, ёзма манбаларга кўпроқ мурожаат қилишга тўғри келади. Ҳозир мавжуд бўлмаган тилларга нисбатан эса ёзув, умуман, ягона ахборот манбаидир. Барча ҳолатларда ҳозир Вена ва Парижда жуда узоқ вақтдан буён қилинаётган ишлар амалга оширилгандагина бевосита маълумотга эга бўлиш мумкин: биз барча тилларнинг фонографик намуналари тўпламини назарда тутмоқдамиз. Ҳар тугул, бу ҳолатда ҳам шу тарзда сақланаётган матнларни бошқаларга узатиш учун ёзувга мурожаат қилишга тўғри келади. Хуллас, ёзув ўзича тилнинг ички системасига бегона бўлса ҳам, барибир, ёзувдан батамом узоқлашиш мумкин эмас. Тил ёзув ёрдамида тўхтовсиз қайд этиб борилади: тадқиқотчи унинг ютуқ ва камчиликларини, шунингдек, ундан фойдаланилганда юзага келадиган хавфларни билиши керак.



2-§. ЁЗУВНИНГ НУФУЗИ; УНИНГ ОҒЗАКИ НУТҚ ШАКЛИДАН УСТУНЛИГИ САБАБЛАРИ

Тил ва ёзув белгиларининг икки ҳар хил шакли: иккинчисининг ягона мақсади биринчисини ифодалашга хизмат қилишдир. Тилшуносликнинг предмети жаранглайдиган ва ёзиладиган сўзлар мажмуи эмас, балки фақат жаранглайдиган шакллари холос. Бироқ сўзнинг жаранглайдиган (оғзаки) ва ёзиладиган шакллари бир-бири

Умумий тилшунослик курси ~~~~~ Фердинанд дў Соссюр билан шундай чирмашиб кетганки, оқибатда у бу системада етакчи ўринни эгаллаб олади; натижада белгининг ёзма шаклига ўзига хос бўлгандан-да кўпроқ маъно нисбати берилади. Бу одам билан танишиш учун унинг юзидан кўра суратини кўриш фойдали дегандек бир нарса. Бундай адашиш қадимдан мавжуд ва тил ҳақидаги ҳозирги фикрлар айнан ана шуниси билан ноқисдир. Масалан, олимлар, кўпинча, ёзув бўлмаса, тил тезроқ ўзгаради деб ўйлайдилар. Бундан-да ортиқ хатонинг бўлиши мумкин эмас! Тўғри, ёзув айрим ҳолатларда тилдаги ўзгаришларни сусайтириши мумкин, аммо, иккинчи томондан, тилнинг тўлиқ сақланиши ёзувнинг йўқлигидан заррача ҳам азият чекмайди. Литва тили ёзма манбаларга кўра, 1540 йилдан буён маълум, эрамиздан аввалги III асрда, ана шу анча кеч даврда ҳам, ҳинд-европа бобо тилни у, умуман олганда, лотин тилига қараганда аниқроқ намойиш этади. Тилнинг ёзувга нақадар боғлиқ эмаслигини кўрсатиш учун ана шу далилнинг ўзи етарли.

Айрим жуда нозик тил фактлари ёзма қайдлар ёрдамисиз ҳам сақланиб қолган қадимги юқори олмон тили даврида *tōten, fuolen, stōzen* шаклида ёзилган бўлса, XII асрнинг охирларидан бошлаб *tōten, füelen* ёзилиш шакллари пайдо бўлади, ҳолбуки, *stōzen* ўзининг дастлабки шаклини сақлаб қолади. Бу тафовут қаердан пайдо бўлди? Қаерда *o* → *ö* га, *u* → *ü* га ўтган бўлса, кейинги бўғинда *j* бўлган; бобо олмон тил *daupyan, *fōljan*, аммо *stautan* ни беради. Ёзув даври бўсағасида, 800 йиллар атрофида бу *j* шу даражада заифлашадикки, натижада *ui* аср давомида ёзувда акс этмайди; шунга қарамадан, у талаффузда муайян из қолдирди ва, ниҳоят, 1180 йил атрофида, ҳозиргина кўрганимиздек, ҳайратланарли бир тарзда «умлаут» шаклида пайдо бўлди. Шундай қилиб, талаффуздаги бу нозиклик ёзувда қайд этилмаган бўлса-да, аниқ сақланиб қолган.

Хуллас, тилда ёзувга боғлиқ бўлмаган ва ундан кам даражада барқарор бўлмаган оғзаки анъана мавжуд; буни кўришга ёзувнинг нуфузи монелик қилади. Унга уйғониш даври маърифатпарварлари қандай дуч келган бўлсалар, дастлабки тилшунослар ҳам шундай дуч келадилар. Бопшнинг ўзи ҳам ҳарф ва товуш орасидаги фарқни аниқ кўрмайди; унинг асарларини ўқиш асносида тил ўз алифбосидан ажралмас экан-да, деб ўйлаш мумкин. Унинг бевосита ворислари ҳам бу масалада устозлари каби адашиб кетганлар: сирғалувчи *P* нинг *th* шаклида ёзилиши Гриммга уни нафақат кўшалок, балки портловчи товуш деб ҳисоблаш учун сабаб бўлди:

Умумий тилшунослик курси ~~~~~ Фердинанд дў Соссюр

Гриммнинг ундошлар силжиши (*Lautverschiebung* деб аталадиган бу ходиса ҳақида III қисм, 2-боб ва ундан кейинги бетлардан ўқинг) ҳақидаги қонунида *P (=th)* га ажратилган ўрин шу билан изоҳланади. Ҳозиргача кўплаб ўқишимли кишилар тилни унинг имлоси билан адаштирадilar. Гастон Дешан Бертелло ҳақида гапириб, у ёзув ислоҳотига қарши чиқиб, «Француз тилини фалокатдан сақлаб колди», демаганмиди?

Аммо ёзувнинг бундай нуфузини қандай изоҳлаш мумкин?

Энг аввало, сўзнинг ёзма шакли ўзининг қандайдир барқарорлиги ва ўзгармаслиги, тилнинг замонда бирлигини таъминлашда товушга қараганда ярокли эканлиги билан бизни ҳайратга солади. Бу алоқа қанчалик юзаки бўлмасин ва хаёлий бирликни юзага келтирмасин, барибир уни табиий ва ягона ҳақиқий алоқа бўлмиш товуший алоқага қараганда ушлаб олиш анча осон.

Аксарият кишиларда визуал таассуротлар эшитиш орқали ҳосил бўладиган таассуротларга қараганда аниқроқ ва давомлироқдир. Ёзма шакл провард натижада товушни босиб кетади. Адабий тил ёзувнинг асоссиз аҳамиятини янада ошириб юборади. У ўз луғати ва грамматикаларига эга; мактабда китоб орқали таълим оладилар, адабий тил қандайдир меъёрловчи система ролини ўйнайди, тегишли кодекс эса қатъий узус — орфография асосида тузилган қоидаларнинг ёзма мажмуидир. Бора-бора кишилар ёзишдан олдин сўзлашишни ўрганганликларини унутадилар ва шу тарзда табиий нисбат ўзгариб кетади.

Ниҳоят, тил билан ёзув орасида фарқ пайдо бўлганда, улар ўртасидаги зиддиятни тилшуноздан бошқа кишининг ҳал қилиши даргумон. Бироқ бу ишларда тилшуносларнинг таъсири бўлмаганлиги боис деярли ҳамиша ёзма шакл устун келади, чунки унга асосланиб иш кўриш жуда осон; шу тариқа ёзув бунга ҳадди бўлган ҳолда, бирламчи роль касб этади.



3-§. ЁЗУВ СИСТЕМАЛАРИ

Ёзувнинг икки системаси мавжуд:

1. Идеографик ёзув. Бу ёзувга кўра, сўз ўз таркибига кирувчи товушларга боғлиқ бўлмайдиган белги ёрдамида ифодаланади. Бу белги, умуман айтганда, сўз ва у ифодалайдиган тушунчадан иборат бўлади. Бу системанинг мумтоз намунаси хитой ёзуви ҳисобланади.

2. Одатда, «фонетик» деб аталадиган ёзув ва сўздан иборат товуш занжирини акс эттиришга интиладиган системадир. Ёзувнинг фонетик системалари гоҳ бўғинли, гоҳ ҳарфли, яъни нутқнинг бўлакларга ажралмайдиган элементларига асосланган бўлади. Бирок ёзувнинг идеографик системалари аралаш турдаги системаларга осонгина ўтиб туради: баъзи идеограммалар ўзининг дастлабки маъносини йўқотиб, айрим товушлар ифодасига айланади.

Кўплар ёзилган сўз талаффуз қилинадиган сўзни онгимиздан сиқиб чиқаришга ҳаракат қилади дейишади; бу фикр ёзувнинг иккала системасига нисбатан ҳам тўғри, аммо бу анъана биринчи системада кучлироқ намоён бўлади. Хитойлик учун идеограмма ҳам, талаффуз қилинадиган сўз ҳам тушунчанинг бир хил даражадаги белгиларидир; унинг учун ёзув иккинчи тил, сўзлашувда икки сўз бир хил талаффуз қилинса, баъзан унинг ёзма шаклига мурожаат этишга тўғри келади. Бироқ бу алмаштириш мутлақ бўлиши мумкинлиги боис ёзувимизда кузатиладиган каби аянчли оқибатларни келтириб чиқармайди; айнан бир тушунчани ифодаловчи турли шеваларда хитойча сўзлар бир хил муваффақият билан айнан бир график белги билан боғланади. Биз бу ерда ёзувнинг фонетик системалари, жумладан, ҳозиргача қўлланиб келинаётган ва ўзининг прототипи сифатида юнон алифбосига эга бўлган системани ўрганиш билан чегараланамиз.



4-§. ЁЗУВ ВА ТАЛАФФУЗ ЎРТАСИДАГИ ТАФОВУТЛАР САБАБЛАРИ

Бундай сабаблар кўп. Биз улардан энг муҳимларини келтирамиз холос.

Энг аввало, тил узлуксиз ривожланади, ёзув эса ҳаракатсизликка мойил. Бундай ёзув провард натижада ўзи ифодалаши керак бўлган нарсага мос бўлишдан тўхтайдди. Мазкур тарихий лаҳзада изчил қўлланган ёзув юз йилдан кейин бемаъни бўлиб қолиши мумкин. Дастлаб ўзгарган талаффузга мослаштириш учун график белгини ўзгартирадилар, бироқ кейинчалик ёзувни талаффузга бундай мослаштиришдан воз кечадилар. Масалан, французча *oi* билан шундай бўлган.

Давр кўрсаткичи	Талаффуз қилишган:	Ўзишган:
XI асрда	rei, lei	rei, lei
XIII асрда	roi, loi	roi, loi
XIV асрда	roé, loé	roi, loi
XIX асрда	rwa, lwa	roi, loi

Кўринадики, XI ва XIII асрларда талаффузда содир бўлиб турган ўзгаришларга мувофиқ иш тутганлар: тил тарихининг ҳар бир босқичига орфография тарихидаги маълум босқич мос келади. Аммо, XIV асрдаги ёзув ўлик нуктада тутилиб қолган бўлса, ёзув ривожланишда давом этади ва шу лаҳзадан эътиборан талаффуз ва имло ўртасида кундан-кунга кучайиб борган тафовут юзага келади. Пировард натижада илдиз отиб кетган бу номувофиқлик ёзув системасининг ўзига таъсир кўрсатади:

oi ҳарф бирикмаси ўзини ташкил қилган элементларга хос бўлмаган маъно касб этади.

Мисолларни истаганча келтириш мумкин. Масалан, нега *me* ва *fe* тарзида талаффуз қилинадиган сўзлар *mais* ва *fait* шаклида ёзилади? Нега француз тилида *s* кўпинча *s* маъносига эга бўлади? Чунки биз ақлга тўғри келмайдиган ёзувни сақлаб келяпмиз.

Бу сабаб барча замонларда ҳам кузатилади: масалан, француз тилида *l* [ʃ]га ўтади: гарчи *éveyer* «уйғотмоқ»ни, «*mouyer*» «ҳўлламоқ» шаклида ёзсалар-да, *éveiller*, *mouiller* тарзида талаффуз қиладилар.

Ёзув ва талаффуз орасидаги фарқларнинг иккинчи сабаби қуйидагилардан иборат: бир халқ иккинчи халқнинг алифбосини олганда, кўпинча, ўзга ёзув системаси янги вазифа бажаришга яхши мослашмаган бўлади ва шунинг учун найранг ишлатишга тўғри келади: масалан, бир товушни ифодалаш учун икки ҳарфдан фойдаланилади. Олмон тилидаги *þ* (сирғалувчи жарангсиз тил ундоши) билан худди шундай бўлган: лотин алифбосида тегишли ҳарф бўлмагани сабабли уни *th* билан ёза бошладилар. Меровниклар қироли Ҳильперик лотинча ҳарфларга бу товушни ифодалаш учун алоҳида ҳарф қўшишга ҳаракат қилган, аммо бунинг уддасидан чиқолмаган ва анъана *th* ни муқаддаслаштирди. Ўрта инглиз тилида иккита — ёпиқ (масалан, *sed* «дон, уруғ» сўзидан) ва очик (масалан, *led* «олиб бормоқ» сўзидаги) *e* бўлган; бу икки товуш учун ҳар хил белги бўлмагани боис *seed* ва *lead* тарзида ёзишни ўйлаб топганлар.

Умумий тилшунослик курси ~~~~~ Фердинанд дў Соссюр
Француз тилида шипилдоқ *ʃ* ни ифодалаш учун *ch* ҳарф бирикмасига мурожаат этадилар ва ҳ.к.

Яна этимологик характердаги мулоҳазалар ҳам бор; муайян даврларда, масалан, Уйғониш даврида улар етакчи роль ўйнаган. Шу билан бирга, орфография сохта этимология таъсирида шаклланган қабилдаги хулосалар ҳам жуда кўп учрайди: масалан, французча *poids* «оғирлик, вазн» сўзи лотинча *pondus* «оғирлик, вазн» сўзига бориб тақалади дейишиб, унга *d* ҳарфини киритганлар, ҳолбуки, у лотин тилидаги *pensum* «тортилган» (тарозида) сўздан келиб чиққан. Бироқ гап ёзувнинг этимологик тамойили тўғри ёки нотўғри қўлланганининг ўзида эмас, балки унинг сохталигидадир.

Бошқа ҳолатларда, умуман, сабаб бўлмайди: орфографиянинг айрим ғализликларини, ҳатто, этимологик нуқтаи назардан ҳам оқлаб бўлмайди. Нега, масалан, олмон тилида *tun* «қилмоқ» ўрнида *thun* ёзилади? Гўё *h* нафас товуши *t* ни акс эттирар эмиш; у ҳолда нафас товуши бўлган ҳамма жойда *h* ни киритиш керак бўларди. Ҳолбуки, у қўплаб сўзларда, умуман, ёзилмайди (қиёсланг: *Tugend* «ҳиммат», *Tisch* «стол» ва б.).



5-§. БУ ТАРТИБСИЗЛИК ОҚИБАТЛАРИ

Имлодаги мантиқсизликларни таснифлаш билан шуғулланиш кишини жуда зериктирадиган бўларди. Ўта ачинарли мантиқсизликлардан бири — бир товушни ифодалаш учун бир неча белгининг мавжудлигидир. Масалан, француз тилида *ʒ* товушини ифодалаш учун *j*, *g*, *ge* (*jeli*, *geler*, *geai*); *ʒ* товушини ифодалаш учун *z* ва *s*; *s* товуши учун *s*, *c*, *g*, *t* (*nation*), *ss* (*chasser*), *sc* (*acquieser*), *sg* (*acquiesgant*, *x* (*dix*); *k* товушини ифодалаш учун *c*, *qu*, *k*, *ch*, *cc*, *cqu* (*acquérir*) каби ҳарфлар қўлланади. Ва, аксинча, бир неча товуш бир ҳарф билан ифодаланади: масалан, *t t* ни ҳам, *s s* ни ҳам, *s* ни ҳам; *g g* ни ҳам, *z* ни ҳам ифодалайди ва ҳ.к. Ушбу ўринда «воситали ёзув»ларни ҳам кўриб чиқамиз. Олмонча *zettel* «япроқча; варақа», *teller* «ликопча» сўзларида қўш ундош йўқ, шунга қарамадан, олдинги унлининг қисқа ва очиклигини таъкидлаш мақсадида *tt*, *ll* ёзадилар. Бундай адашиш натижасида инглизлар олдинги унлининг чўзиқлигини ифодалаш учун сўз охирига талаффуз қилинмайдиган, «гунг» *e* ни қўшадилар: қиёсланг: *made* (*meid* ўқилади) «қилди, бажарди» ва *mad* (*maed* ўқилади) «жинни». Бу *e* зоҳирий иккинчи бўғинни ҳосил қилган.

Ақлга тўғри келмайдиган шакллар улар орасида ниманидир ифодалайди, бироқ, умуман, ҳеч нарса билан оқлаб бўлмайдиганлари ҳам бор. Ҳозирги француз тилида келаси замоннинг *mourrai* «ўламан», *courrai* «чопаман» каби эски шакллари ҳисобга олмаганда, кўш ундошлар йўқ, аммо француз орфографияси *bourru* «вайсақи», *sottise* «бемаънилик», *souffrir* «азобланмоқ» сингари сўзларда асосиз равишда қўлланидиган кўш ундошлар билан тўлиб тошган.

Орфография ҳали шаклланмаган, шу боис қоида излаб иккиланган ҳолатлар ҳам кузатилади; тегишли товушларни турли даврларда турлича ифодалаш бўйича қилинган ҳаракатлардан гувоҳлик берувчи иккиланишлар юзага келади. Масалан, *ertha*, *erdha*, *erda* ёки *thrī*, *dhrī*, *drī* каби юқори олмон тили сўзларидаги *th*, *dh*, *d* ҳарфлар, шубҳасиз, айрим товушни ифодалайди. Бироқ айнан қайси товушни? Буни ёзув асосида аниқлаш мумкинлигини тасаввур ҳам қилиб бўлмайди. Бир шаклни ифодалаш учун икки ёзув мавжуд бўлган ҳолатларда биз ҳақиқатан ҳам икки ҳар хил талаффуз билан иш кўряпмизми ёки йўқлигини аниқлаш билан боғлиқ қийинчилик шунга бориб тақаладими? Ёнма-ён жойлашган икки шева ёзма ёдгорликлари билан танишиш бир сўзи турлича ифодалайди. Бир шева *asca* шаклида, иккинчи шева *ascha* шаклида ёзилганлигини кўрсатади. Агар улар бир хил товушлар бўлса, у ҳолда бу — иккиланувчи имло, акс ҳолда, тафовут юнонча *paizō*, *paizdō*, *paiddō* шакллар каби фонологик ва диалектик характерда бўлади. Кейинги икки даврда ҳам аҳвол шундайлигича қолади: инглиз тили ёдгорликларида дастлаб *hwat*, *hwheel* ва ш.к., кейинчалик эса *hwat*, *hwheel* ва шу кабилар учрайди. Нима у — имло алмашилиши ёки фонетик ўзгариш?

Баён қилинганлардан ёзув тилни кўздан яширади деган хулоса чиқармаслик мумкин эмас: ёзув уни кийинтирмайди, балки ясантиради. Бу фикрни француз тилидаги *oiseau* «қуш» сўзининг имлоси билан асослаш мумкин: унинг бирортасида ҳам товуш [wazo] ўзига тегишли белги билан ифодаланмайди — бу ёзувда аниқ лисоний образдан ҳеч нарса қолмаган.

Иккинчи хулоса шундан иборатки, ёзув ўзининг жонли нуткни ифодалаш вазифасини қанчалик ёмон бажарса, айнан унга таяниш анъанаси шунчалик кучли бўлади; гарамматика тузувчилар нутқнинг ёзма шаклига диққат-эътиборни тортиш учун зўр бериб ҳаракат қиладилар. Психологик нуқтаи назардан буни тушунтириш жуда

осон, ammo келтириб чиқарадиган оқибатларига кўра ўта ачинарлидир. «Талаффуз қилмоқ», «талаффуз» сўзларини кўп ишлатиш бу адашишга ҳуқуқий асос бўлади, ёзув ва тил орасидаги қонуний муносабатларни издан чиқаради. Муайян ҳарфни ундай-бундай талаффуз қилиш керак дейишганда, визуал тасвирни аслият деб қабул қиладилар; *oi* нинг *wa* тарзида талаффуз қилиш учун ўзича мавжуд бўлмоғи лозим, аслида эса ёзувда *oi* билан ёзиладиган фақат *wa* мавжуд, холос. Бундай ғалати ҳодисани изоҳлашда, мазкур ҳолатда гап *o* ва *i* ҳарфлари талаффузидаги истисно ҳақида кетмоқда деб қўшиб қўядилар. Бироқ бундай изоҳ ҳам тўғри эмас, чунки шу билан бирга, тилнинг ёзувга боғлиқ эканлиги эътироф этилади. Ўйлаш мумкинки, *oi wa* тарзида талаффуз қилинганда график белги меъёр қилиб олинган ҳолатлардаги каби имло қоидалари бузилади.

Бу уйдирмалар, ҳатто, грамматик қоидаларда, масалан, француз тилида *h* ҳақидаги қоидада ҳам кўзга ташланади. Француз тилида унли билан бошланадиган (*h* сиз), ammo ўзларининг лотинча шаклини унутмаслик важдан *h* билан бошланадиган сўзлар бор; масалан, *homme* (илгариги шакли *-ome*) лотин тилидаги *homa* «одам» билан боғлиқ ҳолда шундай ёзилади. Бироқ олмон тилларига бориб тақалувчи яна шундай сўзлар ҳам борки, уларда *h* ҳақиқатан ҳам талаффуз қилинган: *hache* «болта», *hareng* «сельдь», *honte* «номус» ва б. Сўз бошида келадиган *h* талаффузда сақланиб қолган сўзлар сўз бошида келган ундошларнинг боғланиш қоидаларига амал қилган: *dex haches* бирикмасидаги *dex*, *le hareng* сўзидаги *le la* тарзида талаффуз қилинган. Кейинги ҳолатларда иккинчи сўз унли товуш билан бошланган бўлса туташиш (*liaison*) қоидасига амал қилинган ва элизия (тушиб қолиш) содир бўлган. Ўша пайтларда «нафас чиқариш йўли билан талаффуз қилинадиган *h* дан олдин туташиш ва тушиб қолиш содир бўлмайди», деган қоида реал маънога эга бўлган. Бироқ ҳозир бу қоида ҳеч қандай кучга эга эмас, чунки нафас товуши *h* сўз бошида келмайди. Албатта, нафас товуши деб аталмаса. Бироқ ундан олдин туташиш ҳам, элизия (охирги унли товушнинг тушиб қолиши) ҳам содир бўлмайди. Шу тарзда биз боши берк кўчага кириб қоламиз, *h* эса ёзув юзага келтирадиган уйдирмадан бошқа нарса эмас.

Сўзнинг талаффузи имло билан эмас, балки унинг тарихи билан белгиланади. Сўз шакли эволюциянинг маълум босқичини акс эттиради, унинг бу шаклга амал қилиши мажбурий, шакл эса аниқ қонуниятлар билан тартибга солиб турилади. Ҳар бир босқич

Умумий тилшунослик курси ~~~~~ Фердинанд дў Соссюр
аввалги босқич билан белгиланиши мумкин. Кўриб чиқиш лозим
бўлган ягона нарса (уни кўпинча, унутиб қўядилар), бу сўзнинг
келиб чиқиши, унинг этимологиясиدير.

Auch шахрининг номи фонетик транскрипцияда *oʃ* бўлади. Бу
француз орфографиясидаги ягона ҳолат бўлиб, унда сўз охирида
келган *ch* \int товушини ифодалайди. Агар *ch* фақат шу сўзда \int
талаффуз қилинади десак, бу жавоб бўлолмайди. Моҳиятан муаммо
кандай қилиб лотинча *auscil oʃ* га ўтганлигини аниқлашдан иборат.
Бу ерда орфографиянинг айби йўқ.

Gageure «гаров» сўзи *æ* билан талаффуз қилиш керакми ёки у
билан?

Баъзи кишилар *gazæ:r* талаффуз қилади, чунки *heure* «соат»
(вақт бирлиги) *æ:r* билан талаффуз қилинади, дейишади. Бошқалар:
— йўқ, *gazy:r* тарзида талаффуз қилинади, чунки, масалан, *geôle*
«турма, қамокхона» сўзида *ge z* ўқилади, дея эътироз билдиришади.
Бемаъни мубоҳаса! Масала, аслида, этимологик характерда: *gageure*
ҳам *tourneur* «айланиш» *tourner* «айлантирмоқ» сингари *gager*
«қўймоқ, солмоқ» сўзидан ҳосил бўлган: уларнинг иккаласи ҳам сўз
ясалишининг айнан бир турига мансуб. Бинобарин, фақат *gaʒy:r*
тарзида талаффуз қилиш тўғри; *gaʒoe:r* шаклидаги талаффуз фақат
ёзувнинг дудмоллиги билан боғлиқ, холос.

Аммо ҳарфнинг золимона ҳукмронлиги бу билан
чегараланмайди: сўзловчилар оммасини ўзига бўйсундириб, тилга
ҳам таъсир ўтказиши ва уни ўзгартириши мумкин.

Бу, асосан, юксак даражада таркиб топган, адабий нуктаи
назардан қайта ишланган, ёзма матнлар катта роль ўйнайдиган
тилларда кузатилади. Бундай ҳолатда *визуал образ (кўриниб
турган шакл) хато талаффузларни келтириб чиқариши мумкин.
Аслида *патологик (ғайритабиий) характерда бўлган бу ҳодисага
мисоллар француз тилида тез-тез учраб туради. Масалан, *lefièvre*
(лотинча *faber* «темирчи» сўзидан) фамилияси икки хил ёзилган:
халқаро ва содда *Lefèvre*, қадимги имлода *v* ва *u* ҳарфларининг
аралашиб кетиши натижасида *Lefèbvre* тарзида: бу сўзда ҳеч қачон
бўлмаган *v* ҳарфи ва унда англашилмовчилик туфайли *u* ҳарфи
билан ўқиладиган бўшланди. Ҳозир бу шакл айнан шундай талаффуз
қилинади.

Афтидан бу каби ўзгаришлар бундан кейин ҳам тез-тез содир
бўлаверади ва ортиқча ҳарфлар ҳам тез-тез талаффуз қилинадиган
бўлаверади. Парижда аллақачон *t* ни талаффуз қилишиб, *sept femmes*

Умумий тилшунослик курси ~~~~~ Фердинанд д'У Соссюр
дея бошлаган. Дармстетер *vingt* «йигирма» сўзида охириги икки ҳарф
талаффуз этиладиган кунни башорат қилган эди. Бу эса чинакамига
орфографик мажруҳликдир.

Бу фонетик ўзгаришлар, албатта, тилга тегишли, бироқ улар
тилнинг табиий қўлланиши билан боғлиқ эмас; улар ғайрилисоний
омиллар натижаларидир. Тилшунослик бундай ўзгаришларни
алоҳида ўрганиши керак, чунки улар *тератологик ходисалардир.



VII боб. ФОНОЛОГИЯ

1-§. ТАЪРИФИ

Ёзув орқали юзага келадиган нутқнинг хиссий образидан тафаккур кучи билан кутулишга ҳаракат қилиб, нима қилишимизни тасаввур этиш қийин бўлган шаклсиз нарсага дуч келамиз. Шу онда мияга сузишга ўргатилаётган ва пўкак камари ҳозиргина олиб қўйилган одамнинг аҳволи келади.

Сунъий нарсани табиий нарса билан имкон борича тез алмаштириш керак. Бироқ бунинг иложи йўқ, чунки тил товушлари ёмон ўрганилган. Имловий ифодалардан озод бўлган товушлар кўз олдимизда жуда ноаниқ шаклда намоён бўлади; ёзувнинг сохта бўлса-да, таянчини афзал билиш хаваси туғилади. Талаффуз қилинадиган товушлар физиологиясидан мутлақо беҳабар дастлабки тилшунослар шу тарзда, кўпинча, ноқулай аҳволга тушиб қоладилар. Товушдан ажралиб қолиш улар учун оёқ остидаги ерни йўқотиш деган гап эди. Биз учун эса бу — илмий ҳақиқат томон қўйилган биринчи қадам, чунки керакли таянчни биз товушларнинг ўзини ўрганиш асносида топамиз. Энг янги давр тилшунослари, ниҳоят, буни тушундилар. Улар бошқалар (физиологлар, ашула назариётчилари ва б.) бошлаган тадқиқотларга қўл уришиб, тилшуносликни график сўз таъсиридан қутқаздилар ва уни ёрдамчи фан билан бойитдилар.

Товушлар физиологияси (немисча *Laut* ёки *Sprachphysiologie*), кўпинча, фонетика деб аталади (немисча *phonetik*, инглизча *phonetics*). Бу термин бизга номақбул кўринади. Биз уни фонология термини билан алмаштираемиз, чунки фонетика илгари ҳам, ҳозир ҳам товушлар эволюцияси ҳақидаги таълимот деган маънони англатади. Бир-биридан мутлақо фарк қилувчи икки фанни бир ном остига бирлаштириш ёки аралаштириб юришга йўл қўйиб бўлмайди.

Фонетика — тарихий фан: у воқеаларни, ўзгаришларни таҳлил этади ва замонда ҳаракат қилади. Фонология замондан ташқарида туради, чунки артикуляция ҳаракати доимо ўзига ўхшаш бўлиб қолаверади. Бироқ бу икки фан нафақат ўзаро мос келади, балки, ҳатто, ўзаро қарама-қарши ҳам турулмайди. Биринчиси — тил ҳақидаги фаннинг асосий бўлимларидан бири. Фонология эса (ва

биз буни катъий талаб қиламиз) тилшунослик учун фақат ёрдамчи фан бўлиб, у нутққагина тааллуқли холос («Тил лингвистикаси ва нутқ лингвистикаси» бўлимига қаранг). Ўз-ўзидан аёнки, агар тил бўлмаганда, нутқ органлари ҳаракати нимага хизмат қилишини тасаввур қилиш қийин. Бироқ улар тилни ҳосил қилмайди. Бинобарин, биз нутқ органларининг ҳар бир акустик образ учун зарур бўлган барча ҳаракатларини тушунтириш билан тил муаммоларини ҳал қилолмаймиз. Турли рангдаги ипларни қарама-қарши қўйиш йўли билан яратилган санъат асари — бадиий гилам каби тил ҳам акустик тасаввурни психик қарама-қарши қўйишга асосланган системадир. Ва бундай бадиий асарни таҳлил этишда ҳар бир рангни ҳосил қилиш усули эмас, балки шу қарама-қаршилиқларнинг ўзи муҳим.

Фонология системаси куйида баён қилинади. Бу ерда эса биз ёзув юзага келтирадиган хом хаёллардан қутулиш учун тилшунослик бу фаннинг қандай ёрдамига таяниши мумкинлиги масаласини кўриб чиқамиз.



2-§. ФОНОЛОГИК ЁЗУВ

Тилшунос, энг аввало, товушлар артикуляциясида ҳар қандай дудмолликни бартараф қила оладиган воситага эга бўлишни талаб қилади. Бунинг учун кўплаб ёзув системалари таклиф этилган.

Ҳақиқий фонологик ёзув қандай тамойилларга асосланиши керак? У бир белги билан нутқ занжирининг ҳар бир элементини акс этиришга ҳаракат қилиши лозим. Бу талаб, кўпинча, инобатга олинмайди. Масалан, нафақат таҳлил, шунингдек, тасниф устида ҳам бош қотирадиган инглиз фонологлари айрим товушлар учун икки ва, ҳатто, уч ҳарфдан иборат белгиларни ишлатадилар. Улар бундан ташқари, эксплозив ва имплозив товушлар орасига катъий чегара ўтказишлари ҳам керак эди (имплозия ва эксплозия фаслига қаранг).

Амалдаги ёзувни фонетик ёзув билан алмаштиришга ҳожат борми? Бу қизиқ масалани биз бу ерда йўл-йўлакай кўриб чиқамиз. Бизнингча, фонологик ёзув фақат тилшуносларгагина хизмат қилиши керак. Энг аввало таъкидлаш жоизки, инглизларни ҳам, немисларни ҳам, французларни ҳам ва бошқаларни ҳам бир хил системани қабул қилишга зўрлаб бўлмайди. Бундан ташқари, барча

Умумий тилшунослик курси ~~~~~ Фердинанд дў Соссюр тилларга нисбатан қўлланган ёзувда диакретик белгиларнинг кўпайиб кетиш хавфи ҳам бор. Бундай матннинг кишини гангитадиган кўриниши ҳақида гапирмасданоқ мутлако аёнки, аниқликнинг изидан қувган бу ёзув нафақат ўқишни яхшилашга ёрдам беради, балки уни қийинлаштиради ва пировард натижада ўқувчини гангитиб қўяди. Бу ноқулайликларни ҳеч нарса билан бартараф қилишнинг иложи бўлмасди. Фандан ташқаридаги фонологик аниқликнинг унча ҳам кераги йўқ.

Шу билан боғлиқ ҳолда ўқиш усуллари ҳақидаги масалани ҳам кўриб чиқайлик. Гап шундаки, биз икки усул ёрдамида ўқиймиз: янги ёки номаълум сўз ҳарфма-ҳарф ўқилади. Одатдаги ва таниш бўлиб кетган сўзни эса кўзларимиз дарров илғаб олади. Бу сўзнинг образи биз учун идеографик аҳамият касб этади. Шу маънода анъанавий орфография ўз ҳуқуқларини талаб қилишини ҳам унутмаслигимиз керак: *tant* «шунча» ва *temps* «вакт», *et* «ва», *est* «бор» ва *ait* «эга бўлган бўларди», *du* «артикль» ва *dû* «мажбур» ва *il devait* «у мажбур эди» ва *ils devaient* «улар мажбур бўлган эдилар» ва б. сўзларни фарқлаш фойдали. Ҳамма маъкул этган имло кўпол хатоларидан озод бўлмоғи учун фақат бир нарсани қатъий таъкидлаймиз: агар тилларни ўқитишда фонологик ёзув қўл келадиган бўлса, бу уни оммалаштириш керак дегани эмас.



3-§. ЁЗМА МАНБАЛАР ДАЛИЛЛАРИ ТАНҚИДИ

Хуллас, ёзувнинг сохта характерини тан олиш уни дарров ислоҳ қилиш лозим дегани эмас. Фонологиянинг бизга кўрсатаётган асл хизмати шундаки, у туфайли биз тилга эрк берадиган ёзув шаклига нисбатан керакли эҳтиёт чораларини кўриш имкониятига эга бўламиз. Ёзув кўмагида қўлга киритиладиган ҳар қандай маълумот тўғри талқин қилингандагина муайян қийматга эга бўлади. Ҳар бир ҳолатда ўрганилаётган тилнинг фонологик системасини, яъни унда ишлатиладиган товушлар системасини аниқлаш керак. Ҳақиқатан ҳам, ҳар қандай тил аниқ фарқланадиган фонемаларнинг чекланган миқдоридангина фойдаланади. Тилшуносни қизиқтирадиган нарса ягона воқелиқдир. График белгилар тилнинг фақат ифода воситаларидир. Бинобарин, уларнинг тўғрилигини ҳали аниқлаш керак бўлади. Бундай аниқлашнинг қийинчилиги тил ва шароитга боғлиқ ҳолда ўзгариб туради.

Ўлик тиллар ҳақида гап кетганда, биз билвосита маълумотлар билан кифояланишга мажбурмиз. Мазкур ҳолатда фонологик системани аниқлаш учун қандай воситалардан фойдаланилади?

¶ Энг аввало, ташқи кўрсаткичлар ва, биринчи навбатда, давр товушлари ва талаффузини тавсифлаган замондошлар гувоҳликларидан фойдаланилади. Масалан, XVI–XVII аср француз тилшунослари чет элликларни француз талаффузи билан таништирмоқчи бўлиб кўплаб қизиқарли маълумотларни қолдирганлар. Бироқ уларнинг манбаси ишонarli эмас, чунки бу муаллифлар фонологик методни билмаганлар. Уларнинг тавсифлари тасодифий терминларда ҳеч қандай илмий аниқликларсиз берилган. Шунинг учун бу маълумотлар, ўз навбатида, изоҳни талаб қилади. Товушларга берилган номлар жуда кўп англашилмовчиликларни келтириб чиқаради: масалан, юнон грамматикалари *v, d, g* жарангли портловчи ундошларни «ўрта» (*mésai*) товушлар, *p, t, k* жарангсиз портловчиларни эса «кал», «ялонғоч» (*psilai*) товушлар деб атаганлар. «Ялонғоч» ундошларни римликлар «юпқа» (*tenuēs*) товушлар деб таржима қилганлар.

¶ Юқоридаги далиллар ички кўрсаткичлар билан омухта қилингандагина ишончли натижаларга эришиш мумкин.

¶ фонетик ўзгаришларнинг доимийлиги омилидан келиб чиқадиган кўрсаткичлар. Муайян ҳарфнинг қийматини аниқлаш ҳақида гап кетганда, у ифодалаган товуш илк даврларда қандай бўлганлигини кўрсатиш жуда муҳим. Унинг ҳозирги қиймати айрим тахминлардан ўша заҳотиёқ воз кечиш имконини беради. Масалан, биз *ç* ёрдамида транскрипция қилинадиган санскритча белгининг қийматини аниқ билмаймиз. У ифодалаётган товуш ҳинд-европа тилларидаги *k* танглай товушига бориб тақалгани учун асосли тахминлар микдори сезиларли даражада чегараланади.

Агар бошланғич нуқта билан бир қаторда, мазкур тилнинг мазкур даврдаги ўхшаш товушлари эволюцияси ҳам маълум бўлса, у ҳолда аналогия қонунига кўра хулоса қилиш ва тегишли нисбатни (пропорцияни) аниқлаш мумкин.

Агар бошланғич ва охирги нуқталари маълум бўлган оралик талаффузни аниқлаш талаб этилса, табиийки, муаммо осонлашади. Французча *au* бирикмаси (масалан, *saunter* «сакрамоқ» сўзидаги) ўрта асрларда, шубҳасиз, *дифтонг бўлган, чунки у анча илгариги *al* билан ҳозирги француз тилидаги *o* ўртасида оралик ўринни эгаллайди. Агар бошқа йўл билан мазкур даврда *au* дифтонгининг

Умумий тилшунослик курси ~~~~~ Фердинанд дў Сосюр ҳам бўлганлиги аниқланса, унинг илгари ҳам бўлганлигига шубҳа қолмайди. Биз *wazer* «сув» каби қадимги юқори немисча сўзларда *z* нимани ифодалаганини аниқ билмаймиз, бироқ тахмин, бир томондан, анча қадимги *water* га ва, иккинчи томондан, ҳозирги *wassez* га бориб тақалади. Бинобарин, бу *z* *t* ва *s* ўртасидаги оралик товушдир. Шунга асосланиб, биз фақат *s* га ёки фақат *t* га яқинликка асосланган, деган фаразни инкор этамиз. Шунингдек, бу харф танглай товушни ифодалаган деб ўйлаш ҳам нотўғри, чунки икки тиш-тиш талаффузи орасида фақат биттасинигина тахмин қилиш мумкин.

❶ табиатан хар хил бўлган билвосита кўрсаткичлар. Ёзувлар ранг-баранглигидан бошлаймиз. Қадимги юқори немис тилининг маълум бир даврида *wazer* «сув», *zehan* «ўн», *ezan* каби сўзларни ҳеч қачон *wacer*, *cehan* ва б. шаклида ёзмаганлар. Агар, иккинчи томондан, *esan* ва *essan*, *waser* ва *wasser* ва б. учраса, у ҳолда *z* ўша даврда *s* орқали берилган товушдан жуда узоқ *s* га яқин талаффуз қилинган деган хулосага келиш мумкин. Агар кейинчалик *wacer* ва шу каби шакллар учрай бошлаган бўлса, бу илгари ўзаро бир оз фарқ қилган икки фонеманинг у ёки бу даражада бир-бирига мос бўлганлигидан далолат беради.

Талаффузни ўрганишда поэтик матнлар ҳам муҳим аҳамият касб этади. Шеър тузилиши ҳижолар сони, уларнинг миқдори (чўзиқлик), бир хил товушларнинг такрори (аллитерация, ассонанс, қофия) билан боғлиқ. Поэтик матнларда фонологиянинг тегишли масалалари бўйича қимматли маълумотлар кузатилади. Юнон тилида айрим чўзиқ товушлар имлоси билан ҳам фарқланса (масалан, *ω* графемаси ёрдамида ифодаланадиган *ō*), бошқалари фарқланмайди. Шунинг учун *a*, *i* ёки *u* нинг сони ҳақида шоирлардан сўрашга тўғри келади. Дарвоқе, эски француз тилида қофия *gras* «ёғли» ва *faz* (лот. *faciō* «қилипман») сўзидаги охириги ундошлар қайси даврларгача фарқлангани ва қачондан бошлаб яқинлаша бошлагани ҳақида маълумот беради. Қофия ва ассонанс бизга эски француз тилидаги лотинча *a* дан келиб чиққан (масалан, *patren+père* «ота», *talem+tel* «шундай», *mare+mer* «денгиз») бошка *e* лардан батамом фарқ қилувчи товушга эга бўлган. Бу сўзлар *elle* (ж.р. -у) (лот. *illa*) *wert* «яшил» (лот. *viridem*), *belle* «соҳибжамол» (лот. *bella*) ва б. билан ҳеч қачон қофияланмаган. Хулосада ўзлашма сўзларнинг ёзилишини, сўз ўйини ва шу кабиларни кўриб чиқамиз. Ахборотнинг бу манбалари ўтмиш даврлар фонологик системасини

Умумий тилшунослик курси ~~~~~ Фердинанд дў Соссюр
муайян даражада билишга ва ёзма ёдгорликлар маълумотларидан
танкидий фойдаланишга ёрдам беради.

Жонли тилга келсак, таъкидлаш жоизки, ягона мақсадга мувофиқ метод, биринчидан, товушлар системаси ва унинг бевосита кузатишда қандай намоён бўлишини аниқлашдан ва, иккинчидан, шу системани товушларни ифодалашга (гарчи нотўғри бўлса ҳам) хизмат қиладиган белгилар системаси билан такқослашдан иборатдир. Кўплаб грамматиклар биз томондан аллақачон танқид қилинган ва ўрганилаётган тилда ҳар бир ҳарфнинг қандай ёзилишини кўрсатиш билан чекланадиган эски методдан фойдаланадилар. Бироқ бу йўл билан мазкур тилнинг фонологик системаси ҳақида аниқ тасаввур олишнинг иложи йўқ. Шунга қарамай, мазкур соҳада аллақачон тегишли муваффақиятларга эришилган ва фонологлар ёзув ва имло масалаларига нисбатан қарашларимизнинг ўзгаришига ҳар томонлама ёрдам берганлар.



ФОНОЛОГИЯ АСОСЛАРИ

I боб.

ФОНОЛОГИК ТУРЛАР

1-§. ФОНЕМАНИНГ ТАЪРИФИ

<...>. Кўплаб фонологлар эътиборни фақат фонация жараёнига, нутқ органлари (ҳиқилдоқ, оғиз бўшлиғи ва б.) томонидан товушларнинг ҳосил бўлиши, яъни физиологик томонига қаратишиб, акустик томонига эътиборсизлик билан қарайдилар. Бундай ёндашиш нотўғри: эшитиш таассуроти бизга нутқ органларининг ҳаракатлантирувчи образи каби бевосита берилган. Бундан ташқари, айнан эшитиш натижасида ҳосил қилинган таассурот ҳар қандай назария учун табиий асосдир.

Биз акустик маълумотни, гарчи онгсиз тарзда бўлса-да, фонологик бирликларни кузатишга киришишдан анча илгари қабул қиламиз. Биз *v* товушини *t* товушидан эшитиш ёрдамида фарқлаймиз. Агар оғиз ёки бўғизнинг товушлар занжирини ҳосил қилувчи барча ҳаракатларини кинога олиш мумкин бўлганда эди, у ҳолда артикуляцияларнинг бу алмашинуви ички бўлинишларни очиб беришнинг — бир товушнинг боши ва иккинчи товушнинг охирини кўрсатишнинг иложи бўлмасди. Акустик тасаввурга мурожаат қилмасдан туриб, қандай қилиб, масалан, *fāl* товуш бирикмасида икки ёки тўрт эмас, балки уч бирлик бор дейиш мумкин? Фақат акустик занжирдагина товушнинг бошдан охиригача ўзига ўхшаш бўлиб қолиш-қолмаслигини бевосита кузатиш мумкин. Мадомики, қандайдир бир нарсанинг таассуроти (образи) сақланиб қолар экан, товуш ўзгармасдан қолаверади. Унинг саккиздан бир ёки олтидан бир тактдаги чўзиқлиги эмас, балки акустик образнинг сифати муҳим. Акустик занжир тенг ҳажмли тактларга эмас, балки акустик таассуротнинг яхлитлиги билан тавсифланувчи бир хил тактларга бўлинади. Фонологик тадқиқот учун табиий бошланғич нуқта ана шунда. Шу нуқтаи назардан қараганда, юнон алифбоси кишида ҳайрат уйғотади. Унда ҳар бир товуш — бир имло белгиси билан ифодаланади ва аксинча. Ҳар бир белги бир доимо бир ва айнан бир содда товушга мос бўлади. Бу доно кашфиёт римликларга

Умумий тилшунослик курси ~~~~~ Фердинанд дў Соссюр
юнонлардан ўтган *bárbaros* сўзининг ёзилишида ҳар бир ҳарф бир хил
уюшиқ тактга мос.

Бу чизмада горизонтал чизикча товуш занжирини, вертикал
чизикча бир товушдан иккинчисига ўтишни, вертикал чизикчалар
ўртасидаги ораликлар бир хил тактларни ифодалайди. Дастлабки
юнон алифбосида *š* маъносини ифодаловчи *ch* каби мураккаб
ёзувларга ҳам, биргина *s* товушини ифодалаш учун икки хил ишора *c*
ва *s* дан фойдаланишга ҳам ўрин йўқ. Унда *ks* маъносидаги *x* каби
икки товушни акс эттирувчи содда белгиларга ўрин йўқлиги шундан.
Юнонлар мўътадил фонологик ёзув учун зарур ва етарли бўлган
тамойиллардан деярли тўлиқ фойдаланганлар.

Бошқа халқлар бу тамайилнинг маънисига етмадилар. Натижада
улар фойдаланган алифболар нутқ занжирини бир хил акустик
кесмаларга ажратишмади. Масалан, кипрликлар *pa, ti, ko* ва б. турдаги
анча мураккаб бирликларга тўхталдилар. Бундай ёзув бўгун ёзуви деб
аталади ва бу аслида тўғри эмас, чунки бўгун бошқа усуллар,
масалан, *pak, tra* каби усуллар ёрдамида ҳам ҳосил бўлиши мумкин.
Сомийлар эса фақат ундошларнигина ёзган; *bárbaros* сўзини улар
BRBRS тарзида ифодалаганлар.


Шундай қилиб, нутқ занжирида товушларни фарқлаш фақат
акустик образга асосланади. Бироқ уларнинг тавсифи бошқача ва уни
артикуляцион жараён негизидагина амалга ошириш мумкин, чунки
акустик бирликлар силсиласи ўзича таҳлил қилинмайди. Шунинг
учун артикуляцион занжирга мурожаат қилишга тўғри келади. Шу
билан бирга, айнан бир товушга айнан бир артикуляциянинг мос
келиши аниқланди. *b* (акустик такт) = *b'* (артикуляцион такт). Нутқ
занжирининг бўлиниши асносида қўлга киритиладиган бирламчи
бирликлар *b* ва *b'* дан иборат бўлади. Уларни фонемалар деб аташади.
Фонема — акустик образлар ва артикуляцион ҳаракатлар йиғиндиси,
эшитиладиган бирлик билан талаффуз қилинадиган бирликнинг
мажмуи бўлиб, улар ўзаро шартланган. Шундай қилиб, бу у занжирда
ҳам, бу занжирда ҳам ўз таянчига эга бўлган мураккаб бирликдир.

Нутқ занжири таҳлили натижасида дастлаб олиннадиган
элементлар шу занжирнинг ҳалқалари, ўзлари эгаллаган вақтдан
ташқарида ўрганиш мумкин бўлмаган қисмларга бўлинмайдиган
лаҳзалардир. Масалан, *ta* типидagi бирикма доимо бир лаҳза плюс,
бошқа лаҳза, маълум масофанинг бир бўлаги плюс бошқа
бўлақлардан иборат бўлади. Аксинча, қисмларга бўлинмайдиган
бўлақ алоҳида олинганда *in abstracto*, замондан ташқарида

Умумий тилшунослик курси ~~~~~ Фердинанд дў Соссюр ўрганилиши мумкин. Фақат фарқловчи хусусиятларга эътибор қилган ва замондаги масофага боғлиқ бўлмаган нарсаларга эътибор қилмаган ҳолда *t* ҳақида, умуман, *T* тур, *i* ҳақида, умуман, *I* тур сифатида таълириш мумкин (турларни биз катта ҳарфлар билан белгиладик). Мусиқий товушлар бирикмаси (ноталар) — *do, re, mi* — ҳам худди шу тарзда замонда аниқ кетма-кетлик тарзида ўрганилиши мумкин. Бироқ агар мен унинг қисмларга бўлинмайдиган элементларидан бирини олсам, уни *in abstracto* ўрганишим мумкин. Турли тилларга мансуб нутқ занжирининг етарли даражадаги миқдори таҳлил қилингандан кейингина, уларда келадиган элементларни аниқлаш ва тартибга солиш мумкин.² Бунда шу нарса аён бўладики, агар аҳамиятсиз акустик нозикликлар эътибордан соқит қилинса, у ҳолда кўзга ташланадиган турлар сони чексиз бўлмайди. Уларнинг рўйхати ва муфассал тавсифини махсус ишлардан топиш мумкин; биз эса бу каби ҳар қандай таснифнинг доимий ва жуда содда тамойилларга таянишини кўрсатишга ҳаракат қиламиз. Бироқ биз аввал артикулятор аппарат, нутқ органларининг имкониятлари ва товуш ҳосил қилувчи шу органларнинг роли ҳақида гапирамиз.

2-§. АРТИКУЛЯТОР АППАРАТ ВА УНИНГ ИШЛАШИ

Акустик аппаратни тавсифлаш учун биз схематик чизмадан фойдаланамиз. Унда *A* бурун бўшлиғини, *B* оғиз бўшлиғини, *C* икки товуш пайчаси ўртасини, *E* товуш чиқарувчи оралиқ бўғизни ифодалайди. Қуйидаги чизмага қаранг:



² Қаранг: Sievers. Grundzüge der Phonetik, 5^e éd., 1902; Jespersen. Lehrbuch der Phonetik, 2^e éd., 1913; Roudet. Eléments de phonétique générale, 1910.

Оғизда a ва α лабларни, β ва у тилни (β тил учини, у эса тилнинг ўзини англатади), юқори тишлар d , [танглайолди (альвеол) e], олд қисм $f-h$, қаттиқ ва қўзғалмас қисм i , юмшоқ ва ҳаракатчан ёки танглай пардаси деб аталувчи орқа қисм ва, ниҳоят, тилча қисм i фарқланадиган танглай.

Юнонча ҳарфлар артикуляцияда фаол қатнашувчи органларни, лотинча ҳарфлар эса нофаол органларни ифодалайди.

Икки параллел мушак, товуш пайчалари ёрдамида ҳосил қилинадиган товуш чиқарувчи оралиқ E узилганда очилади, юмилганда ёпилади. Тўлиқ юмилиш ҳисобга олинмайди, узилиш эса гоҳ кенг, гоҳ тор бўлади. Биринчи ҳолатда ҳаво эркин ўтади ва товуш пайчалари тебранмайди. Иккинчи ҳолатда ҳавонинг ўтиши овозли тебранишга сабаб бўлади.

Бурун бўшлиғи — мутлақо ҳаракатсиз аъзо. Ҳавонинг унга кириши танглай пардасининг кўтарилиши билан тўсилиши мумкин. Бинобарин, бу шунчаки — очик ёки ёпиқ — йўл.

Оғиз бўшлиғида эса ранг-баранг артикуляциялар учун кенг имкониятлар мавжуд: лаблар ёрдамида йўл узунлигини каттартириш, яноқларни шишириш ёки сиқиш, лаб ва тил ҳаракатлари билан оғиз бўшлиғини торайтириш ёки, ҳатто, ёпиб қўйиш ҳам мумкин.

Товуш ҳосил қилувчи бу аъзоларнинг роли унинг ҳаракатсизлигига тўғри пропорционалдир: ҳалқум ва бурун бўшлиғи функцияларидаги — бир хиллик, оғиз бўшлиғи функцияларидаги — ҳар хиллик. Ўпкадан чиқаётган ҳаво аввал товуш чиқарувчи оралиқ орқали ўтади ва у ерда товуш пайчаларининг яқинлашишидан товуш тони деб аталувчи тон ҳосил бўлиши мумкин. Бироқ ҳалқум артикуляцияси тил товушларини фарқлаш ва таснифлаш имконини берадиган фонологик турларни ҳосил қилишга қодир эмас. Шу маънода товуш тони бир хил бўлади. Товуш чиқарувчи оралиқдан чиқишда бевосита иштирок этадиган товуш тони ўз сифатига кўра бизга тахминан доимийдек туюлади.

Бурун бўшлиғи ўзи орқали ўтадиган товуш тебранишлари учун мутлақ резонатор (тебранишли система) вазифасини ўтайди. Бинобарин, у ҳам товуш ҳосил қилувчи роль ўйнамайди.

Аксинча, оғиз бўшлиғи товуш генератори (товуш ишлаб чиқарадиган аппарат) ва резонатори функцияларини бирлаштиради. Агар товуш чиқарувчи оралиқ катта очилган бўлса, у ҳолда товуш пайчалари тебранмайди ва пайдо бўлаётган товуш фақат оғиз бўшлиғидан ўтади (унинг товуш ёки оддий шовқин эканлигини

Умумий тилшунослик курси ~~~~~ Фердинанд дў Сосюр
аниқлашни физиклар ихтиёрига қолдирамыз). Агар, аксинча, товуш
пайчаларининг яқинлашиши уларнинг тебранишига олиб келса, оғиз,
асосан, товуш тонининг мувофиқлаштирувчиси сифатида намоён
булади.

Шундай қилиб, товуш ҳосил қилишда қатнашиши мумкин бўлган
омилларга *экспирация (нафас чиқариш), оғиз бўшлиғида содир
бўладиган артикуляция, товуш пайчаларининг тебраниши ва бурун
резонанси киради.

Фонемаларнинг дифференциал (фарқловчи) элементларини
аниқлаш учун товуш ҳосил қилувчи бу омилларнинг ўзини қуруқ
санаб ўтиш етарли эмас. Бу элементларни таснифлаш учун фақат
уларнинг қандай ҳосил бўлишинигина эмас, шунингдек, улар нимаси
билан ўзаро фарқланишини ҳам билиш муҳимдир. Бунда салбий омил
ижобий омилга қараганда тасниф нуқтаи назаридан, муҳимроқ
бўлиши мумкин. Масалан, *эспирация ижобий омил, бироқ
фарқловчи қийматга эга эмас, чунки у *фонациянинг ҳар бир
жараёнида иштирок этади. Бурун резонансининг йўқлиги — салбий
омил, бироқ у йўқ фонемалар тавсифи учун муҳимдир. Гап шундаки,
юқорида қайд этилган икки омил: а) экспирация ва б) оғиз
артикуляцияси — товуш ҳосил қилиш учун доимий, муҳим ва
етарлидир. Бошқа икки омил эса: в) товуш пайчаларининг тебраниши
ва г) бурун резонанси ёки умуман, бўлмаслиги ёхуд биринчи
иккитасига қўшилиши мумкин.

Иккинчи томондан, экспирация, *вибрация (тебраниш, титраш) ва
бурун резонансининг моҳиятан бир хил эканлигини биламиз,
ҳолбуки, оғиз артикуляцияси чексиз турларни ўз ичига олади.

Бундан ташқари, фонемани айнан ўзига ўхшаш қилиш учун
фонациянинг тегишли ҳодисасини аниқлашнинг ўзи етарли
эканлигини, иккинчи томондан, фонеманинг барча турларини ўзига
ўхшатиш орқали аниқ билиш мумкинлигини ҳам унутмаслик керак.
Ваҳоланки, бу ҳодисалар, бизнинг товушни ҳосил қилишда
қатнашадиган омилларимиз таснифимиздан кўриниб турганидек,
санаб ўтилган омилларнинг кейинги учтаси («б», «в», «г») ёрдамидагина
ўзаро фарқланади. Шундай қилиб, ҳар бир фонемага
нисбатан: оғиз артикуляциясининг қандайлигини, товуш оҳангини
қамраб олиш (~~~~) ёки олмаслигини (| |), бурун резонансини ўз
ичига олиши (.....) ёки олмаслигини (| |) аниқлашга эҳтиёж туғилади.
Шу уч элементдан бири аниқ бўлса-да, товушнинг ўзига ўхшатилиши
тўлиқ бўлмайди. Модомики, ҳар учаласи ҳам аниқ экан, уларнинг

Умумий тилшунослик курси ~~~~~ Фердинанд дў Соссюр
турли бирикмалари фонация ҳодисаларининг барча муҳим типларини
белгилаб беради. Шу тарзда эҳтимолий турларнинг қуйидаги чизмаси
юзага келади:

	I	II	III	IV
a	Экспирация	Экспирация	Экспирация	Экспирация
b	Оғиз артикуляцияси	Оғиз артикуляцияси	Оғиз артикуляцияси	Оғиз артикуляцияси
c	[]	~	[]	~
d	[]	[]

I устун жарангсиз товушларни, II устун жарангли товушларни, III устун жарангсиз бурун товушларини, IV устун жарангли бурун товушларини ифодалайди.

Бирок бир нарса, оғиз артикуляцияси характери номаълум бўлиб колмокда. Демак, унинг турларини аниклаш керак.



3-§. ТОВУШЛАРНИНГ ОҒИЗ АРТИКУЛЯЦИЯСИДАГИ ЎЗARO МУНОСАБАТИГА КЎРА ТАСНИФИ

Товуш, одатда, ҳосил бўлиш ўрнига кўра таснифланади. Бирок биз бошқача йўл тутамиз. Артикуляция каерда содир бўлмасин, у доимо очилиш (товуш пайчалари очилганда ҳосил бўладиган оралик) муайян даражасидан иборат бўлади. Тўлиқ уланиш ва энг юқори узилиш чегаралар ҳисобланади. Шу белгига асосланиб ва энг кичик очилишдан энг катта очилиш томон ҳаракат қилиб, барча товушларни етти туркум (категория)га бўламиз ва уларни 0, 1, 2, 3, 4, 5, 6 рақамлари билан белгилаймиз. Бу туркумларнинг ҳар бири ичида фонемаларни ҳосил бўлиш ўрнига боғлиқ ҳолда гуруҳларга тақсимлаймиз.

Биз ҳамма томонидан эътироф этилган терминологияга амал қиламиз, гарчи у номукамал ва ноаниқ бўлса ҳам: тил орқа, танглай, тиш, сирғалувчи каби терминлар у ёки бу даражада мантиқсиздир. Тил артикуляциясига асосланиб, ҳар бир ҳолатда тилнинг доира ичидаги нуқталардан қайси бирига энг яқин келишини доимо кўрсатиб туриш учун, танглайни бир неча зонага бўлиш мақсадга мувофиқ бўларди. Шу фикрга асосланиб биз ҳар бир артикуляцияни формула ёрдамида ифодалаймиз. Унда

очилишнинг даражасини кўрсатувчи рақам фаол аъзони ифодаловчи юнон ҳарфи билан чапда ва нофаол аъзони ифодаловчи лотин ҳарфи билан ўнгда жойлаштирилган. Масалан, рое формуласи тўлиқ уланишга мос очилиш даражасида тил учи β нинг юқори тишлар альвеолалари (пуфакчалари) e га тегишини англатади.

Нихоят, ҳар бир артикуляция ичида фонемаларнинг турлари товуш оҳанги ёки бурун резонансининг мавжуд эмаслигига боғлиқ ҳолда ўзаро фаркланади ва бу ҳолат фонемаларни фарқлашда муҳим носита бўлиб хизмат қилади.

Шундай қилиб, биз товушларни юқорида зикр этилган гамойиллар асосида таснифлаймиз. Модомики, гап фақат мантиқан изчил тасниф ҳақида бораётган экан, унда мураккаб ёки алоҳида хусусиятга эга фонемаларни, уларнинг амалий аҳамияти (масалан, нафас чиқариш билан ҳосил қилинадиган (*ph*, *dh* ва б.), аффрикат (қоришиқ товуш) (*ts*, *dʒ*, *pf* ва б.), юмшатиш ундош, кучсиз унли (*a* ёки «гунг» e ва б.) товушлар қандай бўлишидан қатъий назар, иккинчи томондан, амалий аҳамияти йўқ ва фарқловчи товушлар вазифасини бажармайдиган содда фонемаларни топишга умид боғлаш керак эмас.

А. Очилишнинг ноль даражаси: портловчилар. Бу синфга тўлиқ ва зич уланиш, аммо оғиз бўшлигининг оний ёпилиши билан ҳосил қилинадиган барча фонемалар киради. Товушнинг қачон — уланиш пайтидами ёки узилиш пайтидами — пайдо бўлишини кузатишдан маъно йўқ. Аслида у ҳар иккала усул ёрдамида ҳам ясалиши мумкин.

Артикуляция ўрнига кўра портловчилар уч асосий гуруҳга бўлинади: лаб-лаб (*p*, *v*, *m*), тиш-тиш (*t*, *d*, *n*), тил орқа (*k*, *g*, *ŋ*).

Биринчилари ҳар иккала лаб ёрдамида талаффуз қилинади. Иккинчилари талаффуз қилинганда, тилнинг учи танглайнинг олд қисмига, учинчилари талаффузида эса тилнинг ўрта қисми танглайнинг охириги қисмига тегади.

Кўплаб тилларда, масалан, ҳинд-европа тилларида икки тил орқа артикуляция аниқ-тиниқ фарқланган: биттаси, юмшоғи — *f-h* нуқталарда, иккинчиси — веляр (танглай орқа) *i* нуқтада. Бироқ айрим тиллар, масалан, француз тилида бу фарқнинг аҳамияти йўқ ва *court* сўзидаги тил орқа *k qui* сўзидаги тил олди *k* каби эшитилади.

Қуйидаги жадвалда бу ҳар хил фонемаларнинг формулалари келтирилган:

лаб			тиш			тилорка		
p	b	(m)	t	d	(n)	k	g	(ŋ)
αOa	αOa	αOa	βOe	βOe	βOe	γOh	γOh	ΓOh
[]	~~~~	~~~~	[]	~~~~	~~~~	[]	~~~~	~~~~
[]	[]	[]	[]	[]	[]

m, n, ŋ бурун товушлари аслида бурунлашган жарангли товушлардир; *amba* сўзи талаффуз қилинганда юмшоқ танглай *m* дан *b* га ўтиш пайтида бурундаги йўлни ёпиш учун бир оз кўтарилади. Назарий жихатдан ҳар бир гуруҳда товуш пайчаларининг тебранишсиз ҳосил бўладиган яна бир бурун товуш, бошқача айтганда, жарангсиз фонема бор. Масалан, скандинав тилларида жарангсизлардан кейин *m* жарангсиз пайдо бўлади. Бундай мисолларни француз тилида ҳам топиш мумкин, бироқ сўзловчилар французча бурун товушларининг жарангсизлигида фарқловчи элементни кўрмайдилар. Жадвалда бурун товушлари қавс ичига олинган, гап шундаки, гарчи уларнинг артикуляцияси тўлиқ уланишни ўз ичига олса-да, бурунга эркин чиқиш уларга очилишнинг юқори даражасини бахш этади (B синфга қаранг).

Б. Очилишнинг биринчи даражаси: сирғалувчилар ёки спирантлар. Улар оғиз бўшлиғида ҳавонинг ўтишига монелик қилмайдиган нотўлиқ уланиш (туташиш) билан характерланади. «Спирантлар» термини мужмал. «Фрикативлар» термини эса, гарчи у очилиш даражаси ҳақида маълумот бермаса-да, ўтаётган ҳаво натижасида ҳосил бўладиган ишқаланиш (лот. *fricāre* — ишқаламоқ) таассуротини эслатади.

Бу синфда биринчи синфдаги каби уч гуруҳ билан чекланиш мумкин эмас. Соф лаб ундошлар (*p, b* портловчиларига мослари) жуда кам қўлланади, шу боис биз уларни ҳисобга олмаймиз. Улар, одатда, пастки лабнинг юқори тишлар билан яқинлашиши натижасида ҳосил бўладиган лаб-тиш товушлар (французча *f, v*) билан алмаштирилади. Тил учи яқинлашганда оладиган шаклга қараб, тиш товушлари бир неча турга бўлинади. Тафсилотларга берилмасдан, биз тил учининг турли ҳолатларини β , β^1 , ва β^{II} ишоралари билан белгилаймиз.

Танглайга алоқадор товушларда кулоқ анча олдинги танглай артикуляциясини ва унинг анча кейинги (тил орқа ёки *веляр) артикуляциясини ўзаро фарқлайди.

Қиёсланг (ушбу чизма «Курс»нинг русча таржимасидан олинди).

Лаб-тиш товушлари		Тиш товушлари						Танглай товушлари		Тил орқа товушлари	
p	v	β	d	s	z	ʃ	ʒ	ç	j	x	γ
ald	Ald	βld	βld	β ^l	β ^l	β ^ʃ	β ^ʒ	çlf	çlf	χli	γli
[]	~~~~	[]	~~~~	[]	~~~~	[]	~~~~	[]	~~~~	[]	~~~~
[]	[]	[]	[]	[]	[]	[]	[]	[]	[]	[]	[]

p = инглизча th : thing

d = инглизча th : then

s = французча s : si

z = французча s : rose

š = французча ch : chant

ž = французча g : génie

x' = немисча ch : ich

y' = шим.немисча g : liegen

x = немисча ch : Bach

y = шим. немисча g : Tage

Портловчилар қаторида *m*, *n*, *ŋ* ва бошқаларга мос сирғалувчи товушлар, яъни *v*, *z* ва *β*. бурун товушлари борми? Бўлиши эҳтимолдан узоқ эмас. Масалан, французча *inventer* сўзида *v* бурун товуши эшитилади, бироқ сирғалувчи бурун товушлар, умуман олганда, тилда кузатиладиган товушлар сирасига кирмайди.

В. Очилишнинг иккинчи даражаси: бурун товушлари.

Г. Очилишнинг учинчи даражаси: сирғалувчилар.

Бу синфга артикуляциянинг икки тури мансуб. 1) латерал (ёнлама) артикуляция: тил танглайнинг олдинги қисмига бориб такалади, аммо чап ва ўнг томонларда йўл қолдиради. Бу ҳолат бизнинг формулада сатр усти ишораси (') билан берилади. Артикуляция ўрнига кўра, булар тиш товуш *l*, танглай ёки «юмшоқ» *l* ҳамда тил орқа ёки «қаттиқ» товушлардир. Деярли барча тилларда *b*, *z* фонемалар жарангли товушлардир. Аммо, масалан, француз тилидаги каби жарангсиз ундошлар ҳам бўлиши мумкин. Француз тилида жарангсиз ундошдан кейин келган *l* товуш оҳангсиз (масалан, *bleu* сўзидаги *l* дан фаркли ўлароқ, *p luie* сўзидаги *l* каби) талаффуз қилинади. Бироқ бу фаркни биз англамаймиз. Жуда кам учрайдиган ва фарқланмайдиган *l* бурун товуши, хусусан, ундош бурун товушидан кейин келган *l* (масалан, француз тилидаги *brillant* даги) ҳақида гапирмаса ҳам бўлади.

2) тебранувчи артикуляция: тил танглайга *l* ни талаффуз қилгандагига қараганда камроқ яқинлашади. Бунда у номаълум миқдордаги тебранишлар (формулаларда сатрусти ишораси * ёрдамида белгиланувчи) билан тебранади ва бу билан, тахминан, ён товушлардаги каби очилиш даражасига эришилади. Бу тебраниш

Умумий тилшунослик курси ~~~~~ Фердинанд дў Сосюр
 икки усул — пуфакча, яъни олддан («гумбурлайдиган» *r* деб аталувчи) ёки тилнинг орқа томонидан («чучук» *r* деб аталувчи), орқадан тегувчи тил учи ёрдамида амалга оширилади. Жарангсиз ва бурун тебранувчилар (вибрантлар) ҳақида юқорида ёнлама товушлар хусусида айтилганларни такрорлаш мумкин.

1.	1'	1·	R	
β'3e	γ'3f-h	γ'3i	β'3e	γ3δ ^v

Чизма тўлиқ эмас («Киришга илова»нинг 1-бобдаги 3-§га қаранг). Очилишнинг учинчи даражасидан кейин биз унлиларга ўтамыз. Ҳозиргача биз бундай фаркнинг борлиги ҳақида гапирмаган эдик. Бунинг сабаби шундаки, уларида ҳам, буларида ҳам фонация механизми бир хил бўлади. Унлининг формуласини ҳар қандай жарангли ундошнинг формуласи билан киёслаш мумкин. Оғиз артикуляцияси нуқтаи назаридан улар орасида ҳеч қандай фарқ йўқ. Фақат акустик эффект фарқ қилади. Тил очилишни маълум даражага қўтариб, асосан, резонатор сифатида ишлай бошлайди. Бунда етакчи мавқени товуш оҳанги эгаллайди, шовқин эса оғиз бўшлиғида яшириниб қолади. Оғиз қанчалик ёпилса, шовқин ҳам шунчалик камаяди. Ана шунинг учун унлиларда товуш ғайририхтиёрий тарзда кўп бўлади.

Д. Очилишнинг тўртинчи даражаси: *i*, *u*, *ü*. Бу унлилар бошқа унлиларга қараганда, асосан, ёпиқ бўлади ва шу боис ундошларга яқинлаштиради. Бу айрим оқибатларни келтириб чиқарадики, биз улар ҳақда бу унлиларга нисбатан, одатда, бериладиган ярим унли терминини қўллаб-қувватлаш асносида сўз юритамиз.

i чўзилган лаблар ([̣] белгиси) ва олд артикуляция ёрдамида, *u* чўччайган лаблар ([°] белгиси) ва орқа артикуляция, *ü* *u* талаффузидаги каби лабларнинг ўрни ва *i* артикуляцияси билан талаффуз қилинади.

I	U	Y
γ4f	⁰ γ4i	⁰ γ4i
~~~~~	~~~~~	~~~~~
[ ]	[ ]	[ ]

Бошқа унлилар каби *i*, *u*, *ü* бурунлашган шаклларга эга; аммо улар камдан кам ҳолатларда учрайди ва уларга асосланиб, муайян хулосага

Умумий тилшунослик курси ~~~~~ Фердинанд дў Соссюр  
келолмаймиз. Таъкидлаш жоизки, *in* ва *un* шаклида ёзиладиган  
товушлар бунга тегишли эмас (бу ҳақида қуйироқда гапирилади).

е	о	ў	э	õ	ÿ
$\bar{\gamma}5f$	$^0\gamma5i$	$^0\gamma5f$	$\bar{\gamma}5f$	$^0\gamma5i$	$^0\gamma5f$
~~~~~	~~~~~	~~~~~	~~~~~	~~~~~	~~~~~
[]	[]	[]

Жарангсиз *i*, яъни унсиз талаффуз қилинадиган *i* борми? Бундай савол *u* ва *y* га, умуман, барча унлиларга нисбатан ҳам қўйилиши мумкин. Жарангсиз ундошларга мосдек кўринган фонемалар бор, бироқ уларни кучсизланган товуш чиқарувчи оралиқ ёрдамида талаффуз қилинувчи шовулловчи унлилар билан аралаштирмаслик керак. Жарангсиз унлиларни улардан олдин талаффуз қилинадиган *h* нафас товушига ўхшатиш мумкин. Масалан, *hi* да аввал товуш пайчаларининг тебранишисиз ҳосил қилинадиган *i*, кейин меъёрий *i* эшитилади.

Е. Очилишнинг бешинчи даражаси: *e*, *o*, *õ*. Бу товушлар артикуляцияси *i* ва *ï* артикуляциясига мос. Бурун унлилари кўпроқ учрайди (масалан, французча *pin*, *pont*, *brun* сўзларидаги *e*). Жарангсиз шакллар: *h e*, *h õ*, *h æ*, *h* лардаги *h*.

Айрим тиллар бундай ҳолатларда очилишнинг бир неча даражаси билан фарқланади. Масалан, француз тилида кам деганда икки *a*) «ёпиқ» деб аталувчи қатор — *e*, *o*, *ø* (масалан *de*, *dos*, *deux* сўзларидаги каби ва б.); «очик» деб аталувчи — *ε ε*, *ð*, *æ* (*merg*, *mort*, *meurt* сўзларидаги каби) — қатор бор.

Ё. Очилишнинг олтинчи даражаси: *a* — энг юқори даражадаги очилиш. Унинг бурунлашган шакли ҳам (айрим торайиш билан) — *a* (масалан, француз тилидаги *grand*), жарангсиз шакли ҳам — *h* (на даги) бор.

а	ã
$\gamma 6 h$	$\gamma 6 h$
~~~~~	~~~~~
[ ]	.....





## II боб. ФОНЕМА — НУТҚ ЗАНЖИРИДА

### 1-§. ТОВУШЛАРНИ НУТҚ ЗАНЖИРИДА ЎРГАНИШНИНГ ЗАРУРИЯТИ

Махсус ишларда, хусусан, инглиз фонетистларининг ишларида нутқ товушларининг батафсил таҳлилини учратиш мумкин. Бирок буларнинг барчаси фонология ўзининг белгиланган мақсади — тилшунослик учун ёрдамчи фан вазифасини ўташга жавоб бермоғи учун етарлими? Йиғилган тафсилотларнинг кўплиги ўзича ҳеч қандай қийматга эга эмас, зеро, фақат уларнинг синтези аҳамиятлидир. Тилшуноснинг етук фонолог бўлишига зарурият йўқ: у фонологиядан тилни ўрганишда асқотадиган маълумотларнинг айрим миқдоринигина талаб қилади.

Ҳозирги фонологиянинг методи қуйидаги ҳолатлар учун, айниқса, етарли эмас: тилда нафақат товушларнинг, шунингдек, талаффуз қилинадиган товушлар оқими борлигини назардан қочирадилар, шу боис барча эътибор фақат ўзаро боғланмаган товушларга қаратилади. Ҳолбуки, бизга бошдан алоҳида товуш берилмаган. Бўгин ўзини ташкил қилган товушларга қараганда анча эркин берилган. Биз ёзувнинг айрим қадимги системалари айнан бўғин бирликларини қайд этганлигини юқорида кўрдик.

Бундан ташқари, айтиш керакки, тилшунослик учун оддий товуш бирлиги ҳеч қачон қийинчилик туғдирмаган: агар, масалан, мазкур тилда мазкур даврда барча *a o* га ўтган бўлса, бу ҳеч нарса эмас деганидир. Уни фонологик нуқтаи назардан изоҳлаб ўтирмасдан, шу фактнинг ўзини қайд этиш билан чегараланиш ҳам мумкин. Товушлар ҳақидаги фаннинг аҳамияти биз икки ёки ундан ортиқ элементларнинг ўзаро ички боғланиш фактига дуч келганимизда, бир элементнинг ўзгаришлари бошқа элементларнинг ўзгаришлари билан асосланган тақдирдагина ўзини ҳақиқий намоён этади. Бу ерда икки элемент мавжудлик фактининг ўзиёқ маълум муносабат ва қонидани шакллантириш имконини берадики, бу фактларни оддий қайд этишдан жиддий фарқ қилади. Бинобарин, агар фонология асосий тамойилларни излаш асносида ўзаро боғланмаган товушларни афзал кўрса, бу соғлом ақлга зид эмас. Икки фонемали бирикмага дуч келганда эса, у доимо чорасиз

Умумий тилшунослик курси ~~~~~ Фердинанд дў Соссюр  
қолади. Масалан, қадимги юқори немис тилида *hagl, balg, wagn, lang, donr, dorn* кейинчалик *hagal, balg, wagan, lang, donnar, dorn*ни берди. Кўринадики, натижа товуш бирикмаси ичида товушларнинг характери ва келиш тартибига кўра бир хил эмас: бир ҳолатда ундошлар орасида унли пайдо бўлса, иккинчи ҳолатда товуш бирикмаси ўзгармайди. Бироқ қонунни қандай шакллантириш мумкин. Тафовут каердан пайдо бўлади? Шубҳасиз, ундошларнинг шу сўзларда мавжуд бирикмасидан (*gl, lg, gn* ва б.). Бу бирикмаларнинг барчаси таркибига портловчи фонеманинг кириши кўзга ташланади. Бунинг устига, бир хил ҳолатларда ундан олдин, бошқа ҳолатларда эса ундан кейин сирғалувчи ёки бурун товуш келади. Бундан қандай хулоса чиқади? Ҳамонки, биз *g* ва *n* товушларини бир турдаги катталиклар деб қарар эканмиз, *g* нинг *n* билан туташishi *n* нинг *g* билан туташishiга қараганда нега бошқача натижа беришини тушунмаймиз.

Демак, товуш турлари фонологияси билан бир қаторда, жуфт бирикмалар ва фонемаларнинг замонда кетма-кетлигига асосланувчи мутлақо бошқа фан керак. Алоҳида олинган товушлар таҳлилида нутқ органларининг ҳолатини ўрганишнинг ўзи етарли. Фонеманинг акустик сифати муаммо эмас — у кулоқ ёрдамида аниқланади. Артикуляцияга келсак, биз уни ўзимиз қандай хоҳласак, шундай қабул қиламиз. Бироқ икки товуш бирикмасининг талаффузи устида гап кетган ҳамоно масала мураккаблашади: бунда кутилган ва олинган натижалар орасида фарқ бўлишининг мумкинлигини ҳисобга олишга тўғри келади. Истаган нарсани талаффуз қилавериш ҳамиша ҳам бизнинг иродамизга боғлиқ бўлавермайди. Фонологик турларни ўзаро боғлаш эркинлиги артикуляцион ҳаракатларни ўзаро боғлаш имкони билан чегараланган. Товуш бирикмаларида нима содир бўлаётганини тушуниш учун шундай фонологияни яратиш керакки, унда бу товуш бирикмалари алгебраик машқлар каби ўрганилган бўлсин. Жуфт товуш бирикма ўзаро шартланган механик ва акустик элементларнинг маълум миқдорини ўз ичига олади. Улардан бири жузъий ўзгарганда, бу ўзгариш заруриятга кўра бошқаларида ҳам акс этади. Масала ана шуларни ҳисоб-китоб қилишдан иборатдир.

Агар фонация ҳодисаларида фонемаларнинг артикуляцион ранг-баранглиги «устида» турувчи қандайдир бир универсал нарса бўлса, бу, шубҳасиз, ҳозиргина гапирганимиз ўша йўлга қўйилган механизмдир. Бундан товуш бирикмалари фонологияси умумий

тилшунослик учун қандай аҳамиятга эга бўлиши керак деган савол туғилади. У ҳолда, одатдагидек, барча товушлар тиллардаги ўзгарувчан ва тасодифий элементлар артикуляцияси ҳақидаги қонидани келтириш билан чегараланишга тўғри келади; ҳосил бўлган бу янги қурама фонология имкониятларни ҳисоб-китоб қилади ва ўзаро тобе фонемаларнинг доимий муносабатларини қайд этади. Масалан, *hagl, bagl* ва б. (юқорига қаранг) сўзлар билан боғлиқ хусусий ҳодиса ҳинд-европа тиллари сонантлари ҳақида кенг муҳокама этилаётган умумий масалани кўтаради. Бу шундай соҳаки, унда фонологияни зикр қилинган маънода тушунмасдан туриб ҳам иш кўравериш мумкин, чунки бўғин ажратиш хусусидаги таълимот асосий ҳисобланади — бу ерда барча нарсалар бошдан-оёқ фонология устига қурилган. Бу шундай усул билан ҳал қилиниши мумкин бўлгач, ягона муаммо эмас. Бироқ ҳар ҳолда бир нарса аниқ: фонемалар бирикишини белгилайдиган қонунларни етарли даражада аниқламасдан туриб, сонантлар масаласини муҳокама қилишнинг деярли имкони йўқ.



## 2-§. ИМПЛОЗИЯ ВА ЭКСПЛОЗИЯ

Биз қуйидаги асосий кузатишга таянамиз: арра типдаги товуш бирикмалари талаффуз қилинганда, ҳар иккала *p* орасида фарқ борлиги сезилади. Улардан биринчиси кўпилишга, иккинчиси узилишга мос. Шу билан бирга, уларнинг ҳар иккаласи ҳам бири-бирига шу даражада ўхшашки, *pp* бирикмасининг бир ишора (*p*) билан берилиши тушунарли. Шунга қарамай, тафовутнинг мавжудлиги бизга *арра* даги > ва < белгилари билан биринчи ва иккинчи *p* ни ифодалаш ва бу билан уларни нутқ занжирида биринкетин (масалан, *apta, atra*) тавсифлаш имконини беради. Бу фарқни нафақат портловчилар, шунингдек, сирғалувчилар (*affa alla*), бурун товушлари (*amma*) ва, умуман, барча фонемаларда, жумладан, *a* дан бошқа унлиларда (*aaaa*) учратиш мумкин.

Кўпилишни имплозия, узилишни эксплозия деб атайдилар; *p* имплозив (*p*) ёки *эксплозив (*p*) бўлиши мумкин. Шу маънода ёпиқ товушлар ва очик товушлар ҳақида гапириш мақсадга мувофиқ кўринади.

*Арра* типдаги бирикмаларда имплозия ва эксплозиядан ташқари, сокинлик онининг бўлиши ҳам шубҳасиз. Сокинлик онидан

Умумий тилшунослик курси ~~~~~ Фердинанд дў Соссюр  
уланиш (кўшилиш) *ad libitum* давом этиши мумкин. Агар гап  
очилишнинг юқори даражасига эга бўлган фонема, масалан, *alla*  
бирикмасидаги *l* ҳақида кетаётган бўлса, у ҳолда товуш нутқ  
органларининг сокин ҳолатида ҳам талаффуз қилинишда давом  
этаверади. Умуман, ҳар бир нутқ занжирида доимо оралик давр  
бўлади ва биз уларни парчалар ёки парча артикуляциялари деб  
атаймиз. Улар импловив артикуляцияларга ўхшатилиши мумкин,  
чунки уларнинг натижаси бир хил. Шунинг учун биз кейинчалик  
фақат импловия ва эксплозияни инобатга оламиз.

Фонологияга доир махсус ишда йўл қўйилмайдиган бундай  
соддалаштиришни максимал даражада содда схемага келтирилган  
бўғин ажратиш ҳодисасининг энг асосий хусусиятлари  
ўрганилгандагина оқлаш мумкин. Биз нутқ занжирининг бўғинларга  
бўлиниши муаммоси билан боғлиқ ҳолда юзага келадиган барча  
қийинчиликларни бартараф қилишга талабгор эмасмиз. Биз фақат  
бу муаммонинг мантиқан изчил асосларини ишлаб чиқишга ҳаракат  
қиламиз ҳолос.

Яна бир мулоҳаза. Очилишнинг турли даражасига эга товушни  
ҳосил қилиш учун лозим бўлган импловив ва экспловив  
ҳаракатларни адаштирмаслик керак. Ҳар қандай фонема импловив  
ва экспловив бўлиши мумкин. Бироқ ўз-ўзидан аёнки, очилиш  
даражаси қанчалик катта бўлса, импловия ва экспловия  
ҳодисаларини фарқлашга шунчалик кам таъсир қилади. Масалан, *i*,  
*u*, *y* товушларида фарқ ҳали сезиларли: *alla* да импловив ва  
экспловив *i* ни фарқлаш мумкин. Худди шунингдек, *aiiia*, *aiiia*  
ларда ҳам *i*, *y* ўзларидан кейин келадиган *i*, *y* дан шу қадар фарқ  
қиладики, ҳатто, баъзан ёзув ҳам ғайриодатий тарзда бу тафовутни  
қайд этади: инглизча *w*, немисча *j* ва, кўпинча, французча *y*  
(масалан, *ueix* «кўз» сўзидаги) *u* ва *i* ифодалаш учун қўлланадиган *u*  
ва *i* га зид ўларок, очиқ товушларни (*u*, *i*) акс эттиради. Бироқ  
очишлишнинг анча юқори даражасида (*e* ва *o*) назарий жиҳатдан  
мумкин бўлган импловия ва эксплозияни (қиёсланг: *aééa*, *adóa*)  
амалда фарқлаш жуда қийин кечади. Ниҳоят, юқорида зикр  
этилганидек, очилишнинг энг юқори даражасида *a* даражасида на  
импловияга *va* на эксплозияга ўрин бор, чунки бу фонеманинг  
очиқлиги бундай характердаги ҳар қандай фарқни йўқка чиқаради.

Шундай қилиб, *a* дан ташқари ҳар қандай фонемани иккига  
бўлиш керак ва шундагина бўлинмайдиган товуш бирликлари  
қуйидаги кўринишда намоён бўлади:

p p ва б.	f f ва б.	a
f f ва б.	î û ва б.	
m m ва б.	é ê ва б.	

Биз анъанавий имловий тафовутларга (*i-u*, *u-w*) нафақат барҳам берамиз, балки, аксинча, уларни авайлаб асраймиз ҳам. Бу фикрнинг исботи куйида, 7-§да келтирилади.

Хуллас, биз биринчи марта мавҳумот оламини ташлаб кетмоқдамиз. Нутқ занжирида ўз ўрнига ва маълум вақт бўлагига эга конкрет, бўлинмас элементлар биринчи марта пайдо бўлмоқда. Айтиш мумкинки, *p* — ҳақиқатан ҳам мавжуд *P* ва *P* ларнинг умумий белгиларни ўзида бирлаштирувчи абстракциядан бошқа нарса эмас. Худди шу тарзда *P*, *B*, *M* лаб товушлари деб аталувчи анча юқори мавҳум бирликда бирлаштирилади. *P* ҳақида ҳам зоологик тур ҳақида айтилганларни такрорлаш мумкин: мазкур турнинг эркак ва урғочи жинсга мансуб конкрет зотлари бор, бироқ сўзнинг ўз маъносидоги турнинг ўзи йўқ. Биз ҳозиргача мавҳум товушларни фарқладик ва таснифладик. Энди эса янада узоққа кетиш ва конкрет элементни ўрганиш зарурияти туғилмоқда. Фонологиянинг энг катта хатоси муайян бирликнинг аниқ таърифини бермасдан туриб, ўз мавҳумотларини ҳақиқатан мавжуд бирликлар тарзида ўрганганлигидир. Юнон алифбоси бу мавҳум элементларни фарқлаш даражасига етди ва унинг асосида ётган таҳлил, юқорида зикр этилганидек, эътиборга молик. Бироқ бу, шунга қарамай, нотўлиқ, ярим йўлда қолиб кетган таҳлил эди.

Дарҳақиқат, жуда аниқ тавсифланмаган *p* нима ўзи? Агар уни нутқ занжиридаги ҳалқа сифатида замонда ўрганадиган бўлсак, у на *p*, на *p* ва *p'* дир, чунки бу товуш бирикмаси бўлакларга аниқ бўлинади. Агар у нутқ занжири ва замондан ташқарида ўрганилса, унинг мавжуд эмаслиги ва ҳеч нарсага яроқсиз эканлиги маълум бўлади. *L+g* каби бирикмалар ўзича нимани англатади? Ахир мавҳумотлар, ҳатто иккитагина бўлганда ҳам, замонда лаҳзани ҳосил қилолмайди-ку. Нутқнинг ҳақиқий элементларини боғлаб, *ik*, *ik*, *ik* ҳақида гапирилса, бошқа гап. Демак, кўраётганимиздек, анъанавий фонологияни боши берк кўчага солиш учун икки элементни боғлашнинг ўзи етарли. Шундай қилиб, фақат мавҳум фонологик бирликлар билан иш кўришнинг иложи йўқлиги ойдинлашади. Нутқ занжирида келган ҳар бир содда фонемада (масалан, *pa* ёки *apa* даги *p*) изма-из келувчи имплозия ва эксплозия лаҳзалари (*appa*) бўлади, деган фикр

Умумий тилшунослик курси ~~~~~ Фердинанд дў Соссюр  
 билдирилган эди. Албатта, нутқ органларининг ҳар қандай  
 узилишидан олдин уларнинг бирлашиши содир бўлиши керак. Бошқа  
 мисолни олиб кўрайлик: мен *чр* ни талаффуз қилгандан кейин *ч* ни  
 бирлаштириб, тилча ёрдамида *р* ни талаффуз қилиш учун лаблар  
 яқинлашган лаҳзада портловчи *ч* ни талаффуз қилишим керак. Бу  
 эътирозга жавоб бериш учун фикримизни аниқ баён этишнинг ўзи  
 етарли. Таҳлилига ўтаётганимиз фонация жараёнида кулоқ билан  
 илғаб олинадиган ва нутқ жараёнида акустик бирликларни ўзаро  
 фарқлашга хизмат қила оладиган фарқловчи элементларгина ҳисобга  
 олинади. Фақат шу акустик-артикуляр (*acoustiko-motrices*)  
 бирликларгина эътиборга олиниши керак. Бинобарин, импловив *р*  
 артикуляцияси биз учун реал мавжуд эмас, чунки у фарқланувчи  
 товушни ҳосил қилмайди ва фонемалар занжирида ҳисобга  
 олинмайди. Кейинчалик баён қилинадиганларни тушуниш учун бу  
 муҳим фикрни яхшигина ўзлаштириш лозим бўлади.



### 3-§. ЭКСПЛОЗИЯ ВА ИМПЛОЗИЯНИНГ НУТҚ ЗАНЖИРИДАГИ ТУРЛИ УЙҒУН БИРИКМАЛАРИ

Энди эксплозия ва имплозиянинг назарий жиҳатдан тўрт хил  
 бирикишидан нималар ҳосил бўлишини кўриб чиқамиз:

$$1^{\circ} < >, 2^{\circ} > <, 3^{\circ} <<, 4^{\circ} >>.$$

1. **Экспловив-импловив гуруҳ (< >).** Нутқ занжирини узмасдан,  
 бири экспловив, иккинчиси импловив бўлган икки фонемани доимо  
 боғлаш мумкин. Масалан *kr, ki, ym* ва б. (қиёсланг: санскритча *krta*,  
 французча *kite* (*quitter* ёзилади). Тўғри, масалан, *kt* каби айрим  
 бирикмалар амалий нуқтаи назардан воқеалана олмайди. Бироқ шунга  
 қарамасдан, портловчи *k* артикуляциясидан кейин нутқ органларини  
 ҳар қандай нуқтада бирлаштиришга имкон берадиган ҳолатда бўлиши  
 ҳам аниқ. Фонациянинг бу икки даври бир-бирига халакит қилмасдан,  
 олдинма-кейин келиши мумкин.

2. **Импловив-экспловив гуруҳ (><).** Ўша шароитларда ва ўша  
 эслатмалар билан биринчиси импловив, иккинчиси экспловив бўлган  
 икки фонемани бирлаштириш учун тўлиқ имконият мавжуд. Масалан,  
*im, kt* ва б. (юнонча *haima*, франц. *actif* ва ҳ.к. билан қиёсланг).

Албатта, алмашинаётган бу артикуляцион лаҳзалар биринчи  
 ҳолатдаги каби табиий равишда бирин-кетин келмайди. Бошланма

имплозия билан бошланма эксплозия ўртасидаги фарқ шундан иборатки, оғизни муътадил ҳолатга келтирувчи эксплозия кейинги лаҳзада нутқ органларини ишга солмайди, ҳолбуки, имплозия нутқ органларининг эксплозия учун таянч нуқта бўла олмайдиган муайян ҳолатини яратади. Шунинг учун нутқ органларининг қандайдир мувофиқлаштирувчи ҳаракати доимо керак бўлади. Бу улар қуйидаги фонеманинг артикуляцияси учун зарур ҳолатни олишлари учун лозимдир: масалан, *s* ни *sr* бирикмаси ичида талаффуз қилгач, биз портловчи *p* ни тайёрлаш мақсадида кейинчалик лабларни юмишга мажбур бўламиз. Бироқ тажриба бу мувофиқлаштирувчи ҳаракат бизнинг томонимиздан инобатга олинмайдиган ва нутқ оқимига ҳеч ҳам халақит қилмайдиган тойғоқ товушлардан бирини ҳисобга олмаганда, деярли ҳеч нарсага ярамаслигини кўрсатади.

**3. Эксплозив гуруҳ (< <).** Икки эксплозия бирин-кетин содир бўлиши мумкин. Бироқ агар иккинчи эксплозия кам ёки тенг даражадаги очилишли фонемага мансуб бўлса, у ҳолда қарама-қарши ҳолатда юзага келадиган ва илгари ҳар иккала ҳолатда кузатилган бутунликда акустик сезги ҳосил бўлмайди: *рк* *рка* тарзида талаффуз қилиниши мумкин, бироқ бу товушлар узлуксиз занжир ҳосил қилмайди, чунки *P* ва *K* турли очилишнинг айнан бир даражасига эга. Табиийлиги шубҳали бўлган бундай талаффуз *cha-pka*¹ сўзидаги биринчи *a* дан кейин тўхтаб, ҳосил бўлади. Аксинча, *pg* узлуксизлик тасаввурини вужудга келтиради (қиёсланг, франц. *rien*); *ry* ҳам қийинчилик туғдирмайди. Нега? Чунки биринчи эксплозия юзага келганда, нутқ органлари унинг акустик таъсирига халақит қилмаган ҳолда иккинчи эксплозияни бажариш учун лозим бўлган ҳолатни олиши мумкин: масалан, *prix* сўзида нутқ органлари *p* ни талаффуз қилиш вақтидаёқ *r* нинг талаффузи учун керак ҳолатда бўлади. Бироқ тескари бирикмани (*rp*) талаффуз қилишнинг иложи йўқ, чунки портловчи *p* артикуляцияси пайтида *r* учун лозим бўлган ҳолатни ғайриихтиёрий тарзда ололмагани учунгина эмас, балки бу *r* нинг артикуляцияси *p* очилишининг кам даражасига дуч келиб, идрок этилмагани учун ҳам узлуксиз қатор сифатида талаффуз қилинмайди. Демак, агар биз *rp* ни талаффуз қилмоқчи бўлсак, у ҳолда бу икки усулни нутқ занжири доирасида бажаришимиз керак бўлади. Узлуксиз эксплозив гуруҳ кичик очилишдан катта очилишга ўтиб

¹ Тўғри, бу турдаги айрим товуш бирикмалари қатор тилларда одат бўлиб кетган (масалан, япон тилида сўз бошидаги *kt* гуруҳи (қиёсланг, *kteino*), бироқ энгил талаффуз қилинадиган бундай бирикмалар акустик бутунлик ҳосил қилмайди.

Умумий тилшунослик курси ~~~~~ Фердинанд дү Соссюр турганда, таркибида иккитадан ортиқ элемент бўлади (масалан, *krwa*). Айрим хусусий ҳолатга тўхтаб ўтирмасдан, айтиш мумкинки, эксплозияларнинг кесмадаги эҳтимолий миқдори очилиш даражаларининг амалий жиҳатдан кузатиш мумкин бўлган миқдори билан чеклангандир.

**4. Имплотив гуруҳ (>>)** тескари қонун билан бошқарилади. Агар биринчи фонема ўздан кейин келадиган фонемага нисбатан очикроқ бўлса, узлуксизлик таассуроти пайдо бўлади, масалан, *ir, rt*; агар кейин келган фонема очилишнинг катта даражасига ёки олдинги фонеманикидек даражага эга бўлса, у ҳолда талаффуз содир бўлиши мумкин, бироқ узлуксизлик таассуроти йўқолади: масалан, *asrta* даги *sr* бирикмаси *fa-pka* даги *pk* никидек характерга эга бўлади. Бу ҳодиса эксплозив гуруҳни таҳлил қилган ҳодисага мутлақо параллелдир: *rt* бирикмасида *t* очилишнинг кичик даражаси туфайли *r* ни эксплозиядан (портлашдан) сақлаб қолади. Агар иккала фонема ҳам турли ҳосил бўлиш ўрнига эга гуруҳ (масалан, *rm*) олиб қараладиган бўлса, *mr* ни эксплозиядан озод қилмайди, бироқ ўзининг нисбатан ёпиқ артикуляцияси билан унинг эксплозициясини тўлиқ қоплайди. Тескари ҳолатда эса *mr* бирикмасида ғайриихтиёрий тарзда юзага келувчи тойғоқ эксплозия нутқ занжирини узади.

Маълумки, имплотив гуруҳ эксплозив гуруҳ каби катта очилишдан кичик очилишга изчил ўтса, ўз таркибида иккитадан ортиқ элементга эга бўлади (қиёсланг, *arst*).

Гуруҳ ичидаги узилишларни бир чеккада қолдириб, энди биз товушларнинг, бизнингча, «физиологик» деб аташ мумкин бўлган (масалан, французча *particulièrement*, яъни *partiküljerma*) мўътадил узлуксиз занжирини ўрганишга ўтамиз. У оғиз органларининг очилиши ва юмилишига мос тарзда даражаланган эксплозив ва имплотив бўлакларнинг алмашилиб туриши билан характерланади.

Мўътадил занжирни шу йўсинда тавсифлаб бўлгач, қуйида келтириладиган энг муҳим ҳолатларга ўтамиз.



#### 4-§. БЎҒИН ЧЕГАРАСИ ВА ВОКАЛ НУҚТА

Товуш занжирида имплотивдан эксплозияга ўтишда (><) икки бўғин оралиғи кўрсаткичи бўлган кучли таъсир (эффект) юзага келади. Масалан, *particulièrement* сўзидаги *ik* каби. Муайян акустик таъсирга эга бўлган муайян ҳолатни муттасил тарзда намоён этувчи



бу мослик импловив-экспловив гуруҳга фонологик характердаги ҳодисалар орасида ўзига хос хусусият бағишлайди. Натигада импловиянинг эксплозия билан уйғун бирикиши қанча бўлса, шунча кўринишларга эга янги тур тушунчаси ҳам ҳосил бўлади.

Икки бўғин оралиғи айрим ҳолатларда импловиядан эксплозияга ўтишнинг катта ёки кичик тезлигига боғлиқ ҳолда фонемалар айнан бир қаторнинг икки ҳар хил нуқтасида жойлашиши мумкин. Масалан, *ardra* ёки *ardra* ни иккига бўлиш-бўлмаслигимиздан қатъи назар, *ardra* бирикмасида занжир узилмайди, чунки импловив характердаги *ard* кесмаси ўзининг тадрижийлигига кўра экспловив характердаги *dr* кесма каби яхши қурилган. Худди шу фикрни *particulièrement* сўзидаги *ülye* ҳақида ҳам гапириш мумкин (*ülye* ёки *ülye*).

Кейин сокинлик ҳолатидан биринчи импловияга ўтишда (>), масалан, *artiste* сўзидаги *art* да ёки экспловиядан импловияга ўтишда (< >), масалан, *particulièrement* сўзидаги *part* каби биринчи импловия тўғри келган ўша товуш ўзини ўраб олган товушлардан ўзига хос кучли таъсир — вокал эффект билан фарқланади. Бу эффект, умуман *a* товуши очилишининг юқори даражасига боғлиқ эмас, чунки *prt* бирикмасида *r* ҳам ўша вокал эффектни ҳосил қилади. Вокал эффект ўзининг фонологик тавсифи, яъни очилиш даражаси қандай бўлишидан қатъи назар, биринчи импловияга хос. Шунингдек, унинг жимлик ҳолатидан ёки экспловиядан кейин содир бўлишининг ҳам аҳамияти йўқ. Ўзининг биринчи импловив характери билан бундай таъсир қилаётган товуш вокал нуқта деб аталаш мумкин.

Бу бирликни *сонант деб ҳам атаганлар. *Консонант деганда эса ўша бўғиннинг барча олдинги ва кейинги товушларини тушунганлар. «Унли» ва «ундош» терминлари, юқорида кўрганимиздек, товушнинг ҳар хил турларини англатади. Ҳолбуки, «сонант» ва «консонант» терминлари товушнинг бўғиндаги ҳар хил функцияларини ифодалашга хизмат қилади. Бундай икки хил терминология узоқ вақт давомида ҳукм суриб келган чалкашлиқдан қутулиш имконини беради. Масалан, 1-тур сифатида *fidèle* ва *piéd* сўзида бир товушдан — унлидан иборат. Бироқ бу унли *fidele* сўзида сонант, *piéd* сўзида эса консонант сифатида қўлланади. Таҳлил сонантларнинг доимо импловив, консонантларнинг эса гоҳ импловив (масалан, инглизча *boi* [*boi* ёзилади] сўзидаги, гоҳ экспловив (масалан, французча *pye* [*piéd* ёзилади] сўзидаги *y*) бўлади. Бу икки турли хил ҳодиса орасида аниқланган фарқни тасдиқлайди, холос. Тўғри, *e*, *o*, *a* аслида сонантлар сифатида изчил қўлланади, бироқ бу юзаки қараганда шундай: қолган барча товушларга нисбатан

Умумий тилшунослик курси ~~~~~ Фердинанд дў Соссюр  
кенг очилиш даражасига эга бу товушлар доимо импловизв бўлакнинг бошида бўлади. Аксинча, ажралишнинг энг кам даражасига эга портловчилар эса доимо консонантдирлар. Амалда фақат иккинчи, учинчи ва тўртинчи очилиш даражалари (бурун, сирғалувчи, ярим унлилар) куршов ва артикуляция характерига боғлиқ ҳолда гоҳ у, гоҳ бу функцияни бажаради.



## 5-§. БЎҒИНЛАРГА БЎЛИШ НАЗАРИЯСИ ТАНҚИДИ

Кулоқ ҳар қандай нутқ занжирида бўғинларга бўлинишни ва бўғинда бир сонантни (бўғин ҳосил килувчи ундош товушни) фарқлайди. Бироқ бу икки фактнинг мантиқан тўғри асоси қандай деб сўрашга ҳам изн бор. Бу ўз вақтида шундай изоҳланган эди:

1. Бир хил фонемаларнинг бошқа фонемаларга караганда кучли сонорлиги фикрига асосланиб, бўғинни фонемалар сонорлиги билан асослашга ҳаракат қилганлар. Шундай бўлса-да, нега *i*, *u* каби сонор фонемалар бўғин ҳосил қилмайди? Шунингдек, агар *s* типидаги сирғалувчилар бўғин ҳосил қила олса (масалан, *pst* да), талаб қилинаётган сонорлик қандай чегараларгача ёйилади? Агар гап фақат ёндош товушларнинг нисбий сонорлиги ҳақида бораётган бўлса, у ҳолда *wl* (масалан, *wlkos* «бўри») каби бирикмаларнинг бўғин кам сонорлашган элемент ёрдамида ҳосил қилинганини қандай тушунтириш мумкин?

2. Сивирс унлилар қаторига киритилувчи товуш унли тасаввурини ҳосил қилолмаслиги мумкинлигини биринчи бўлиб аниқлаган эди (биз юқорида, масалан, *j* ва *w i* ва *u* дан бошқа нарса эмаслигини кўрган эдик). — Бу икки хил функция («функция» сўзи бу ерда ҳеч қандай маъно англамайди) ёки икки хил акустик таъсир қаердан пайдо бўлади, деб сўрасанг, шундай жавоб қайтарилади: У ёки бу товуш «бўғин урғуси»ни олиш-олмаслигига кўра у ёки бу функция касб этади.

Бироқ бу ўзи исбот талаб қиладиган нарса билан бошқа нарсани исботлашга уринишдан ўзга нарса эмас-ку: ё мен ҳар қандай ҳолатда ва ўз ихтиёримга кўра сонантлар бор жойларда бўғин урғусининг мавжудлигинин фараз қилишга ҳаққим бўлади, бироқ у ҳолда уни бўғинли деб аташга ҳеч қандай асос бўлмайди ёки агар «бўғинли урғу» ибораси қандайдир маънога эга бўлса, у ҳолда бу, афтидан

Умумий тилшунослик курси ~~~~~ Фердинанд дў Соссур  
бўғин қонунлари билан бошқариладиган урғу бўлади. Ҳолбуки,  
қонунлар ўзича урғу ҳосил қилмайди. Сонантликнинг бу сифатини  
эса гўё бўғиннинг ясалиши урғуга боғлиқдек, «бўғин ҳосил қилувчи»  
(«*sibebildent*») деб атайдилар.

Кўринадики, бизнинг методимиз аввалги иккала методга ҳам зид:  
бўғиннинг нутқ занжирида қандай берилганлигини таҳлил қилиш  
асносида биз бўлинмас бирликгача, очилиш товуши ва ёпилиш  
товушигача етиб келдик. Шундан кейин бу бирликларни кориштириб,  
икки бўғин орасидаги бўшлиқ ва вокал нуктани аниқлашга муяссар  
бўлдик. Энди биз бу акустик эффектлар қандай физиологик  
шароитларда юзага келишини биламиз. Биз танқид қилаётган  
назариялар тескари йўналишда ҳаракат қилади: тадқиқотчилар тарқоқ  
фонологик бирликларни олиб, улардан икки бўғин орасидаги бўшлиқ  
ҳамда сонантнинг ўринларини топишга уринадилар.

Бироқ фонемаларнинг қандайдир занжири берилган бўлса, унга,  
одатда, артикуляциянинг бошқаларига қараганда табиийроқ ва  
қулайроқ бир усули хос бўлади. Очилувчи ва ёпилувчи  
артикуляциялар орасида танловнинг бўлиш эҳтимоли, асосан,  
сақланиб қолади. Бўғинга ажратиш бевосита фонологик турларга  
эмас, балки айнан шу танловга боғлиқ бўлади. Ўз-ўзидан аёнки, бу  
назария барча масалаларни қамраб ҳам ололмайди, ечолмайди ҳам.  
Масалан, кундалик амалиётда тез-тез учраб турадиган бир сўзнинг  
охирида ва иккинчи сўзнинг бошида икки унлининг қатор келиши  
онгли ёки онгсиз тарзда узилган импловиз занжирдан бошқа нарса  
эмас. Масалан, *i — a (il cria* гапида) ёки *a — i (ébahiga* да). У, асосан,  
катта очилиш даражали фонологик турларда кўпроқ учрайди.

Даражаланмаган бўлса-да, мўътадил бирикмали товушлар  
занжирига бир хил асосда кирувчи узилган экспловиз занжирлар ҳам  
учрайди. Бу ҳолатни биз юнонча *kteinō* сўзи мунособати билан тилга  
олдик. Мисол учун яна фақат *pzta* тарзида талаффуз қилиниши  
мумкин бўлган *pzta* бирикмасини олиб кўрайлик. Бу бирикма ҳам  
икки бўғинли бўлиши керак. Агар *z* да овоз оҳанги аниқ ифодаланса.  
Бироқ *z* жарангсизлашса, демак, бу энг қисқа очилишни талаб  
қиладиган фонемалардан бири; *pzta* гуруҳи *z* ва *a* фонемаларининг  
ўзаро кескин зидлиги туфайли бир бўғин каби идрок этилади: *pzta* га  
ўхшаш қандайдир бир нарса эшитилади.

Бу каби ҳолатларда сўзловчининг хоҳиш иродаси ўз ўрнини  
топиши ва физиологик заруриятни маълум даражада ўзгартириши  
мумкин. Кўпинча, бу икки омилнинг қайси бири қандай роль

Умумий тилшунослик курси ~~~~~ Фердинанд дў Сосюр  
ўйнашини аниқ айтиш кийин бўлади. Бироқ қандай бўлмасин,  
фонация доимо имплозия ва эксплозиянинг алмашилиб туришини  
талаб қилади. Бўғинга ажратишнинг асосий шарти ҳам шунда.



## 6-§. ИМПЛОЗИЯ ВА ЭКСПЛОЗИЯНИНГ ДАВОМ ЭТИШ ВАҚТИ

Бўғинни эксплозия ва имплозиянинг ўзаро таъсири ёрдамида тушунтиргач, биз метриканинг маълум ҳодисасини умумлаштирувчи муҳим кузатишга ўтамиз. Юнон ва лотин тилларида чўзиқликнинг икки хил табиати (*māter*) ва ҳолатига (*factus*) кўра тури ўзаро фаркланади. Нега *fac factus* да чўзиқ ҳисобланади, деган саволга *ct* гуруҳининг мавжудлиги сабабли, дея жавоб берадилар. Бироқ бу товушларнинг бирикишга боғлиқ бўлса, у ҳолда икки ундош билан бошланадиган ҳар қандай бўғин чўзиқ бўлиши керак, ҳолбуки, бундай эмас (*clīens* ва б. қиёсланг).

Ҳақиқий сабаб эксплозия ва имплозиянинг чўзиқлигига кўра, ҳар хиллигидир. Эксплозия доимо шундай тез содир бўладики, ва ўтадики, бу эшитиш учун ақл етмайдиган катталиқдир. Айнан шу сабаб туфайли у ҳеч қачон вокал тасаввур ҳосил қилмайди. Фақат имплозиягина сезиларли даражадаги катталиқдир. Унли билан бошланадиган имплозиянинг узоқроқ давом этиши ҳақидаги фикр шундан.

Маълумки, бир томондан портловчи ёки сирғалувчи + сирғалувчи асосида ҳосил бўлган бирикмадан олдин турувчи унлилар икки хил талқин қилиниши мумкин: *patrem* сўзида *a* нинг чўзиқ ёки қисқа талаффуз этилиши шу билан изоҳланади. Ҳақиқатан ҳам бу сўзда *tr* гуруҳини *tr* тарзида ҳам *tr* тарзида ҳам талаффуз қилиш мумкин. Артикуляциянинг биринчи усули *a* га қисқариш имконини беради; иккинчи усул чўзиқ бўғин ҳосил қилади. *Factus* каби сўзларда *a* ни икки хил талқин қилишнинг иложи йўқ, чунки *ct* гуруҳини *ct* тарзида эмас, балки фақат *ct* тарзида талаффуз қилиш мумкин.



## 7-§. ОЧИЛИШНИНГ ТЎРТИНЧИ ДАРАЖАСИ ФОНЕМАЛАРИ. ДИФТОНГ. ИМЛО МАСАЛАЛАРИ

Очилишнинг тўртинчи даражаси фонемалари айрим мулоҳазаларга сабаб бўлади. Юқорида кўрганимиздек (эксплозия ва имплозия фаслида келтирилган мисолларга қаранг), бошқа барча товушларга қарама-қарши ўлароқ, амалиёт очилишнинг тўртинчи даражаси товушларига икки хил ёзилиш имконини беради (қиёсланг:  $w=u$ ,  $u=u$ ;  $y=i$ ,  $i=i$ ). Гап шундаки, *aija*, *auwa* каби бирикмаларда <e> диакритик белгиси билан ифодалаганимиз фарқ бошқа ердагига қараганда аниқ ҳис этилади; *i* ва *u* (*i* ва *u* тасаввурини беради). Бу фактни изоҳлашга даъво қилмаган ҳолда таъкидлаш жоизки, унли *i* ўзини ҳеч қачон ёпиқ товуш сифатида намоён этмайди. Шунинг учун *i aija* да *j* каби натижа берадиган *ai* бирикмасини учратиш мумкин эмас (қиёсланг: ингл. *boy* ва франц. *piéd*); бинобарин, *i* турининг бу кўринишлари ҳамма жойда бир хил бўлмаганлиги сабабли *j* — ундош, *i* эса ҳолатига кўра, унлидир.

Шундай мулоҳазаларни *u*, *w* ҳамда *y*, *ü* ҳақида ҳам билдириш мумкин. Бу дифтонг тўғрисидаги масалага ойдинлик киритади. Дифтонг имплозив кесманинг хусусий кўринишидир; *arta* ва *auta* мутлако параллел бирикмалардир. Улар ўзаро иккинчи элементнинг очилиш даражаси билангина фарқланади. Дифтонг — бу икки фонемадан иборат шундай имплозив кесма, унинг иккинчи элементи нисбатан очиқ бўлади ва бу ўзига хос акустик образ ҳосил қилади: сонант гўё гуруҳнинг иккинчи элементида давом этади. Аксинча, *tja* типидagi бирикма охириги эксплозив узвнинг даражасини ҳисобга олмаганда, *tra* типидagi бирикмадан ҳеч нарса билан фарқ қилмайди. Бу фонологлар томонидан юқорига йўналган дифтонглар деб номланадиган товуш бирикмалари аслида дифтонг эмас, балки биринчи элементи нисбатан очиқ эксплозив-имплозив гуруҳдир деган ҳукмга тенгдир. Бироқ бу акустик нуқтаи назардан арзирли бирор нарсага олиб келмайди (*tja*); *u* ва *i* ургу олган *uo*, *ia* бирикмаларига (қиёсланг: *buob*, *liab*) келсак, *ou*, *ai* ва бошқалар каби бутунлик тасаввурини ҳосил қилмайдиган бирикмалар ҳам сохта дифтонглардир. Занжирнинг узлуксиз характерини узмасдан туриб, агар факат қандайдир бир сунъий усул табиатан бу бирикмага хос яхлитликни беролмаса, *uo* ни икки

¹ Очилиш тўртинчи даражасининг бу унсурини юмшоқ танглай сирғалувчи товуш (нем. шимолий талаффуздаги liegen) билан адаштирмаслик керак. Кейинги филологик тур ундошларга тегишли ва уларга хос барча хусусиятларга эга.

Умумий тилшунослик курси ~~~~~ Фердинанд дў Соссюр  
имплозив товушдан иборат гуруҳ сифатида талаффуз қилиш  
мумкин эмас.

Дифтонгни имплозив бўлақларнинг умумий тамойилига киритувчи бундай таъриф дифтонг, бир қараганда ўйлаш мумкин бўлганидек, ҳеч нарса билан келишмайдиган, филологик ҳодисалар меъёрига сиғмайдиган қандайдир нарса эмаслигини кўрсатади. Уни алоҳида таъкидлашдан фойда йўқ. Унинг хусусиятлари аслида ҳеч қандай қизиқиш уйғотмайди ва ҳеч қандай аҳамиятга ҳам эга эмас: сонантнинг охирини эмас, балки бошини қайд этиш муҳимдир.

Жаноб Сиверс ва кўплаб тилшунослар ёзувда *i, u, ü, l, r, ŋ* ва б. ҳамда *i, u, ü, r, n* ва б. фарқлайдилар (*i* = «*unsilbisches*» *i*, *i* = «*silbisches*» *i*), *mirta, mairta* ёзадилар, ҳолбуки, биз *mirta, mairta, miarta* ёзамиз; *i* ва *j* бир фонологик турга мансуб товушлар ҳисоблаб, уларни ягона тур белгиси билан ифодаламоқчи бўлганлар (бу яна ўша — гўё товуш занжири ёнма-ён келган турлардан иборат деган фикрдир). Бироқ бу ёзув, гарчи эшитишга асосланган бўлса-да, соғлом ақлга зид ва, энг муҳими, тафовутни йўққа чиқаради. Бунинг натижасида: 1) очик *i, u* (= *j, w*) ёпиқ *i, u* билан чалкаштирилади ва натижада *newo* ни *neuo* дан фарқлашнинг имкони бўлмайди; 2) аксинча, икки ёпиқ *i, u* га бўлинади (қиёсланг: *mirta* ва *mairta*). Бундай ёзувнинг номуносиблигига яна бир неча мисол келтирамиз. Қадимги юнонча *dwis* ва *dusi* ҳамда, иккинчи томондан, *rhewō* ва *rheūta* ни олиб кўрайлик. Бу икки зидланиш айнан ўша фонологик шароитларда содир бўлади ва бир хил имловий қаршиланиш билан ифодаланади: *u* дан кейин *u* ёки бу даражада очик фонеманинг келишига боғлиқ ҳолда *u* гоҳ очик (*w*), гоҳ ёпиқ (*u*) товушга айланади. Агар *dues, disi, rheuō, rheuma* тарзида ёзсак, *u* ҳолда бу фарқ барҳам топади. Ҳинд-европа тилида ҳам бу икки қатор *māter, mātraī, māteres, mātrsu* ва *sūneu, sūnewai, sūnewes, sūnusu* (бир томондан *-r*, иккинчи томондан *-u*) ўзининг икки хил талқинида параллелдир. Имплозия ва эксплозиянинг зидланиши, кам деганда, факат иккинчи қаторда акс этади. Бироқ агар биз танқид қилаётганимиз ёзувни қабул қилсак, *u* ҳолда бу зидланиш йўқолади (*sūneu, sūneuai, sūneues, sūnusu*). Очик ва ёпиқ товушлар (*u:w* ва б.) орасида анъана туфайли юзага келган фарқларни нафақат сақлаб қолиш, балки бутун системага ёйиш ва ёзиш керак эди, масалан: *māter, mātraī, matepes, mātrsu*. Шундагина бўғинга ажратиш яққол намоён бўлган, вокал нуқта ва икки бўғин оралиқлари эса ўз-ўзидан аниқланган бўларди.

Ноширлардан: бу назариялар Фердинанд дў Соссюр ўз маърузаларида тилга олган айрим муаммоларга аниқлик киритади.

**1.** Жаноб Силерс *beritnnn* (немисча *berittenen*) сўзини бир товуш икки марта санаш ва икки марта *консонант шаклида қўлланишининг типик намунаси сифатида келтиради (аслида *n* у ерда фақат бир марта консонант тарзида қўлланади, шунинг учун *britnnn* шаклида ёзилиши керак); «товуш» ва «тур»ларнинг маънодош эмаслигини кўрсатиш учун бундан кучлироқ мисол келтириш амримаҳол. Ҳақиқатан ҳам, агар фақат бир *n* билан, яъни бир хил имплозия ва артикуляция билан чегараланадиган бўлсак, у ҳолда бир чўзиқ бўғинга эга бўламиз. Сонант *n* нинг консонант *n* га ўтишини таъминлаш учун имплозия (биринчи *n*)ни эксплозиядан олдин келишига, яна имплозия (учинчи *n*)га қайтишга эришиш керак. Иккала имплозия ҳам ёнма-ён келолмаслиги туфайли сонант характерида эга бўлади.

**2.** *Meurtrier, ouvrier* каби французча сўзларда *-trier, -vrier* қўшимчалари қадимда бир бўғинни ташкил қилган (уларнинг қандай талаффуз қилинганлиги ҳақида «Киришга илова»нинг 2-боби 3-§ига қаранг). Кейинчалик улар икки бўғин билан (*meurtrier*), яъни «*trie*» ёки «*trige*» шаклида талаффуз қилинадиган бўлди. Ўзгариш «бўғини урғуси»ни *i*га тушириш йўли билан эмас, балки унинг эксплозив артикуляциясини имплозив артикуляция билан алмаштириш натижасида содир бўлди.

Халқ *ouvrier* ўрнида *ouvèrier* дейди: ўхшаш ҳолат, бироқ бу ўз артикуляциясини ўзгартирган ва сонантга айланган учинчи элемент ўрнида келадиган иккинчи элементдир: «*uvrge*»; сонант *r* дан олдинги унли урғу олгандан кейингина *e* ривожлана бошлади.

**3.** Яна мисол тариқасида ҳаммамизга жуда таниш бўлиб кетган бир ҳолатни келтирайлик. Бу француз тилидаги бошқа ундошдан олдин келган *s* дан олдинги унлига тегишли: лотинча *scūtum* — *iscutum* → французча *escu, écu; sk* гуруҳи «Киришга илова»да кўрганимиздек (2-бобнинг 3-§ига қаранг) узилган занжирдир; *sk* эса нисбатан табиийроқ. Бироқ бу имплозив *s* гап бошида келгандан ёки ундан олдинги сўз очиқроқ талаффуз қилинадиган ундош билан тугаганда вокал нутқ ҳосил қилиши керак. Протетик *i* ёки *e* сонантликнинг шу хусусиятини бўрттириб кўрсатади; сезувчанлик даражаси кам бўлган фонологик характер, уни сақлаб қолиш учун ҳаракат қилинганда, кучайишга мойил бўлади. Бу *esclandre* ҳамда *esquelette, estatue* каби сўзларнинг халқона талаффузига ўхшаш бир

Умумий тилшунослик курси ~~~~~ Фердинанд дў Соссюр  
нарса. Биз *de* предлогининг анъанавий талаффузида ҳам шу ҳолатни  
кузатамиз; илгари у *ed* шаклида ёзилган: *unceil ed tanche*. Сянкапа  
(ҳарф ёки бўғиннинг тушиб қолиши) натижасида *tanche d'tanche*  
шаклини олган: бу ўринда сезиларли бўлиш учун *d* импловиз  
бўлиши (*dtanche*) керак эди. Ундан олдин, юқорида кўрганимиздек,  
унли пайдо бўлди.

4. Ҳинд-европа тилларидаги сонантларга қайтиш ва нима  
сабабдан қадимги юқори немис тилида *hagl* нинг *hagal* га ўтиши юз  
берган, ҳолбуки, *balg* ўзгармасдан қолган деб сўрашга унча  
зарурият бўлмаса керак. Кейинги сўздаги биринчи импловиз ҳолда  
иккинчи элементи (*balg*) — консонант вазифасини бажаради ва ўз  
функциясини ўзгартириш учун ҳеч қандай асосга эга бўлмайди.  
Аксинча, импловиз 1 *hagl* дан вокал нуқта ясайди. Сонант  
бўлганлиги учун ундан олдин нисбатан очиқ унли (орфографик  
далилларга ишонадиган бўлса, а пайдо бўлиши керак эди. Бунинг  
устига, бу товуш давр ўтиши билан хира тортди, чунки ҳозир *Hagel*  
яна *hagl* тарзида талаффуз қилинади. Бу сўз билан французча *aigle*  
талаффузи орасидаги тафовутга ўхшаган бир нарса; 1 герман  
тилларидаги сўзларда ёпик, француз тилидаги сўзларда эса очиқ ва  
«гунг» *e* билан тугайдиган унли товушлар (*egle*).





## БИРИНЧИ ҚИСМ. УМУМИЙ ТАМОЙИЛЛАР

### I боб. ЛИСОНИЙ БЕЛГИНИНГ ТАБИАТИ


#### 1-§. БЕЛГИ, ИФОДАЛАНМИШ, ИФОДАЛОВЧИ

Кўпчилик тил ўз моҳиятига кўра номенклатура, яъни ҳар бири муайян нарсани ифодаловчи номларнинг рўйхати деб ўйлайдилар.

Масалан:

Нарса

Ном



ARBOR  
Дарахт

EQUUS  
От

ва б.

ва б.

Бундай тасаввур кўп томонлама танқид қилиниши мумкин. У сўзлардан олдин келадиган тайёр тушунчаларнинг бўлишини тақозо этади (2-қисмнинг 4-боби 1-§ига қаранг); бу тасаввур номнинг табиати қандай — товуш ёки психик аломат эканлиги ҳақида ҳеч қандай маълумот бермайди, чунки arbor сўзи у нуқтаи назардан ҳам, бу нуқтаи назардан ҳам қаралиши мумкин; ниҳоят, у номни нарса билан боғловчи алоқа қандайдир бир жуда оддий нарса деб ўйлашга имкон беради. Бу эса ҳақиқатан жуда узокдир. Шунга қарамай, бундай соддалаштирилган нуқтаи назар бизни ҳақиқатга

Умумий тилшунослик курси ~~~~~ Фердинанд дў Соссюр  
яқинлаштириши мумкин, чунки у тил бирлиги икки компонентнинг  
ўзаро боғланишидан ҳосил бўлган қандайдир бир икки тарафлама  
нарсa эканлигидан далолат беради.

Нутқ жараёнини ўрганганда («Кириш»нинг 3-боби 2-§ига қаранг) биз лисоний белгининг иккала томони ҳам психик характерда эканлигини ва онгимизда *ассоциатив алоқа ёрдамида боғланишини аниқлаган эдик.

Лисоний белги нарсa билан унинг номини эмас, балки тушунча ва акустик образни боғлайди. Акустик образ эса моддий садо ҳам, соф физик нарсa ҳам эмас. Ундаги садонинг психик аломатидан ҳис этиш органларимиз воситасида оладиганимиз — тасаввурдир.

Акустик образ ҳис этиладиган табиатга эга ва биз уни «моддий» деб атайдиган бўлсак, у ҳолда фақат шу сабабга кўра ҳамда ассоциатив жуфтликнинг иккинчи аъзосига уни қарама-қарши кўйиш учундир.


Акустик образларнинг психик характери нутқий амалиётимизни кузатиш жараёнида яққол кўзга ташланади. Лаб ва тилни қимирлатмасдан ҳам биз ўзимиз билан гаплашишимиз ёки шеърий нарчани такрорлашимиз мумкин. Биз учун сўзлар акустик образлар эканлиги сабабли уларни ташкил этувчи «фонемалар» ҳақида гапириш керак эмас. Фонация актини назарда тутувчи бу термин фақат талаффуз қилинадиган сўзга, ички образнинг нутқда воқеаланишига тааллуқли бўлиши мумкин. Товушлар ва бўғинлар ҳақида гапирганда, агар гап акустик образ ҳақида кетаётганини унутмасак, биз бу англашилмовчиликларга барҳам берамиз.

Шундай қилиб, лисоний белги икки тарафлама (икки хил характерга эга) психик моҳият бўлиб, уни қуйидагича ифодалаш мумкин:



Бу икки элемент ўзаро узвий боғланиб, бир-бирини тақозо қилади. Биз лотинча *arbo* нинг маъносини ёки, аксинча, римлик «дарахт» тушунчасини ифодалаган сўзни излаймизми, барибир шу

Умумий тилшунослик курси ~~~~~ Фердинанд дў Сосюр  
нарса аниқки, фақат турларни қиёслаш бизга ҳақиқатга мосдек  
туялади ва биз тасаввур қилиш мумкин бўлган бошқа ҳар қандай  
яқинлашишни миядан чиқариб ташлаймиз.



Бу таъриф муҳим терминологик масалани ўртага ташлайди. Биз тушунча ва акустик образнинг боғланишини белги деб атаймиз. Бироқ ҳамма эътироф этган қўлланишда бу термин, масалан, *arbor* ва бошқа сўз каби, одатда, фақат акустик образни ифодалайди. Агар *arbor* белги деб номланса, бу фақат шунинг учунки, унга «дароахт» тушунчаси киритилган. Бинобарин, белгининг ҳиссий томони уни бутунлик сифатида идрок этишни талаб қилади.

Агар мавжуд уч тушунча бир-бирини тақозо этадиган номлар билан аталса, англашилмовчилик барҳам топади. Биз бутунни ифодалаш учун белги сўзини сақлаб қолишни ҳамда тушунча ва акустик образ терминларини ифодаланмиш ва ифодаловчи терминлари билан алмаштиришни таклиф қиламиз. Кейинги икки терминнинг афзаллиги шундаки, улар ўзлари орасидаги зиддиятни ҳам, бутун билан унинг бўлақлари орасидаги зиддиятни ҳам таъкидлаб кўрсатади. Тил белгиси, юқорида таърифлаганимиздек, икки жуда муҳим хусусиятга эга. Уни кўрсатиш билан биз билишнинг ўзимиз ўрганаётган соҳасининг асосий тамойилларини ҳам таърифлаб берамиз. Хулосада шу биринчи тамойилга қарши қўйилиши мумкин бўлган икки эътирозни қайд этамиз.

1. Ифодаловчинини танлаш доимо ҳам ихтиёрий бўлавермаслигини исботлаш учун тақлидий сўзларни далил сифатида келтириш мумкин. Бироқ товушга тақлид сўзлар тил системасидаги ажралмас элементлар эмас ва уларнинг миқдори ўйлаганларидан жуда кам. «*Fouet*» «қамчи», *glas* — «кўнғирок овози» каби французча сўзлар талаффузининг таъсирчан эканлиги билан қулоққа тегиши мумкин. Уларнинг дастлаб бундай характерда бўлмаганлигига ишонч ҳосил қилиш учун бошланғич

Умумий тилшунослик курси ~~~~~ Фердинанд дў Соссюр сўзларга (лотинча *этимонларга) мурожаат қилишнинг ўзи кифоя (*fouet-fāgus* «қора кайин» *classicum* дан «қувур овози»дан ясалган *glas*). Бинобарин, бу сўзларнинг ҳозирги талаффузи сифати ёки уларга нисбат берилаётган сифат фонетик тараққиётнинг тасодифий натижасидир.

«Култ-култ», «чик-чик» каби ҳақиқий товушга тақлид сўзларга келсак, айтиш мумкинки, улар нафакат кам, балки маълум даражада ихтиёрий ҳамдир, чунки улар муайян товушларга (киёсланг: франц. *oiaoua*, аммо нем. *waiwai* «ҳав! ҳав») бирмунча яқин ва нисбатан шартли тақлид сўзлардир. Бугина эмас, улар тилда ўрнашиб олиб, у ёки бу даражада бошқа сўзлар каби фонетик, морфологик ва бошқа ҳар қандай эволюциянинг таъсирига тушиши (масалан, халқ лотин тилидаги *pipiō* (ўз навбатига, у ҳам товушга тақлид сўзга бориб тақалади) юзага келган *pigeon* «каптар» сўзини қиёсланг — товушга тақлид сўзлар ўзининг дастлабки ҳолатидан ниманидир йўқотганлигига ва зикр этилганидек, асосланмаган лисоний белги хусусиятини олганлигига яққол далилдир.

2. Ундов сўзлар товушга тақлид сўзларга жуда яқин туради ва улар ҳақида ҳам юқорида товушга тақлид сўзлар ҳақида гапирилганларни такрорлаш мумкин. Ундов сўзлар лисоний белгининг ихтиёрийлиги ҳақидаги тезисимизни асло инкор қилмайди. Ундов сўзларни борлиқнинг бевосита ифодаси, айтиш мумкин бўлса, табиат инъом этган ифодаси сифатида ўрганиш жуда мароқли. Бироқ бу сўзларнинг аксариятига нисбатан ифодаланмиш ва ифодаловчи орасида зарурий алоқанинг йўқлигини исботлаш мумкин. Турли тилларда бу сўзларнинг турлича эканлигига ишонч ҳосил қилиш учун шу тиллардаги тегишли мисолларни қиёслашнинг ўзи етарли, (масалан: франц. *aié!* га нем. *āu!* «вой!» мос). Бунинг устига, кўплаб ундов сўзларнинг мустақил сўзларга бориб тақалиши маълум (масалан: франц. *diable!* «жин урсин» *diable* «шайтон» сўзидан, *mordieu!* «жин урсин!» *mort Dieu* сўзма-сўз «худонинг ўлими» ва б.).

Шундай қилиб, товушга тақлид сўзлар ҳам, ундов сўзлар ҳам тилда иккиламчи ўрин эгаллайди. Уларнинг рамзий келиб чиқиши масаласи эса маълум даражада мунозаралидир.



## 2-§. БИРИНЧИ ТАМОЙИЛ: БЕЛГИНИНГ ИХТИЁРИЙЛИГИ

Ифодаловчини ифодаланмиш билан боғловчи алоқа ихтиёрий, чунки биз белги деганда қандайдир ифодаловчининг қандайдир ифодаланмиш билан фикран боғланиши натижасида пайдо бўладиган бутунликни тушунамиз; бу фикрни соддароқ ҳам ифодалашимиз мумкин: лисоний белги ихтиёрий.

Масалан, «опа» тушунчаси француз тилида унинг ифодаловчиси бўлган *s-oe:-r* товушларнинг кетма-кет келиши билан ҳеч қандай ички алоқа таъсирида боғланмаган; у товушларнинг бошқа ҳар қандай бирикмаси билан ифодаланган бўлиши мумкин эди; бу турли тиллар мисолида аниқ далиллар билан исботланиши мумкин: «хўкиз» ифодаланмиши тил чегарасининг бир томонида *b-oe-f* (французча *foef*), бошқа томонида *o-k-s* (немисча *Ochs*) ёрдамида ифодаланади.

Белгининг ихтиёрийлиги тамойили устида ҳеч ким баҳслашмайди, лекин кўпинча ҳақиқатга тегишли ўринни кўрсатишдан кўра унинг ўзини кашф этиш осон кечади. Бу тамойил ўзига бутун тил тилшунослигини бўйсундиради; ундан келиб чиқадиган оқибатларнинг ҳисоби йўқ. Тўғри, уларнинг ҳаммаси ҳам бир қарашда бир хил аниқлик билан кўзга ташланавермайди; уларни фақат кўп куч сарфлаб кашф этиш мумкин, лекин айнан шу оқибатларни кашф этиш туфайли тилга олинган тамойилнинг энг муҳим аҳамияти аниқланади.

Йўл-йўлакай бир мулоҳаза билдирамиз: семиология фан сифатида шакллангандан кейин, масалан, пантомима (сўзсиз имо-ишоралар билан кўрсатиладиган томоша) каби батамом «табиий» белгиларга асосланадиган ифода усуллари ўзининг тасарруфига кирадими деган савол қўйиши керак бўлади. Аммо семиология уларни ўз объектлари сирасига киритганда ҳам, барибир, белгининг ихтиёрийлигига асосланган системалар мажмуи унинг асосий предмети бўлиб қолаверади. Ҳақиқатан ҳам, мазкур жамиятда қабул қилинган ҳар қандай ифода усули, кўпинча, жамоавий тажрибага, айнан келишувга асосланади. Масалан, одатда, «табиий» ифодалилик хусусияти билан тавсифланувчи боадаблилик белгилари ҳам (ўз хоқонларига тўққиз марта эгилиб салом берадиган хитойликларни эслайлик) қоидага амал қилади; ички маънодорлик эмас, балки айнан шу қоида бизни шу белгиларни қўллашга мажбурлайди. Бинобарин, айтиш мумкинки, батамом

ихтиёрий белгилар семиологик ёндашувнинг олий мақсадини бошқа белгиларга қараганда яхшироқ ифодалайди; айнан шунинг учун тил — ифода системаларининг энг мураккаб ва энг кўп тарқалган системаси — бир пайтнинг ўзида уларнинг энг характерлиси ҳамдир; шу маънода тилшунослик бутун семиология учун андоза (*patron général de toute sémiologie*) вазифасини бажариши мумкин.

Лисоний белгини ёки аниқроқ айтадиган бўлсак, ифодаловчи деб атаётганимизни ифодалаш учун баъзан рамз (*symbole*) сўзидан фойдаланишади. Бироқ бизнинг биринчи тамойилимиз туфайли ундан фойдаланиш унчалик ҳам қулай эмас. Рамзга хос хусусият шундан иборатки, у ҳамиша охиригача ихтиёрий бўлавермайди; у унчалик куруқ эмас, унда ифодаловчи ва ифодаланмиш орасидаги табиий алоқанинг излари (қолдиғи) бор. Адолат рамзи бўлмиш тарозини дуч келган нарса, масалан, икки ғилдиракли жанг (ёки пойга) араваси билан алмаштириш мумкин эмас.

Ихтиёрий сўзи ҳам изоҳни талаб қилади. Уни сўзловчи ифодаловчини эркин танлай олади, деган маънода тушунмаслик керак (қуйида баён қилинганидек, кишининг маълум тил жамоаси томонидан қабул қилинган белгига, ҳатто, заррача ҳам ўзгартиш киритишга ҳаққи йўқ); биз фақат ифодаловчи асосланмаган, яъни мазкур ифодаланмишга нисбатан ихтиёрий, чунки ҳақиқатда у билан ҳеч қандай табиий алоқага эга эмас, демоқчимиз.

Хулосада биринчи тамойилга қарши билдирилиши мумкин бўлган икки эътирозни қайд этамиз.

1. Ифодаловчини танлаш доимо ҳам ихтиёрий эмаслигини исботлаш учун тақлидий сўзларни далил қилиб кўрсатиш мумкин. Аммо тақлидий сўзлар тил системасига хос табиий элементлар эмас. бунинг устига, уларнинг миқдори, кўпчилик ўйлаганларига қараганда ҳам жуда чекланган. *Fonet* «қамчи», *glas* «кўнғироқ овози» каби французча сўзлар ўз жаранги билан қулоққа кучли таъсир этиши мумкин. Бироқ улар дастлаб бундай хусусиятга эга эмаслигига ишонч ҳосил қилиш учун уларнинг лотинча этимонларига мурожаат этишнинг ўзи кифоя (*fāgus* «қора қайин»дан *fouet, classicum* «кувирнинг овози»дан *glas*): уларнинг ҳозирги жаранги сифати ёки аниқроқ айтадиган бўлсак, ҳозир унга нисбат берилаётган сифат фонетик эволюциянинг тасодифий ҳосиласидир.

«Култ-култ» каби соф тақлидий сўзларга келсак, уларнинг нафақат кам сонли, балки маълум даражада ихтиёрий эканлигига

Умумий тилшунослик курси ~~~~~ Фердинанд дў Соссюр  
гувоҳи бўламиз. Чунки улар маълум товушларнинг таклидларидир  
(қиёсланг: франц. *oia oia*, бироқ немис тилида *waia waia* «ҳов! ҳов!»).  
Бундан ташқари, улар тил таркибига киргандан кейин қолган барча  
сўзлар каби маълум даражада фонетик, морфологик ва бошқа ҳар  
қандай эволюция таъсирига учрайди (қиёсланг: франц. *pigeon*  
«кабутар»; *pigeon* «халқ» латин тилидаги *pipiō* сўзига, у ҳам, ўз  
навбатида, тақлидий сўзга бориб тақалади). Буларнинг барчаси  
тақлидий сўзлар ўзининг дастлабки ҳолатидан ниманидир  
йўқотганидан, қандай лисоний белгига хос хусусият касб этгани ва,  
юқорида эслатилганидек, асосланмаганидан далолатдир.

2. Тақлидий сўзларга жуда яқин ундов сўзларга келсак, улар  
ҳақида ҳам юқорида айтиш мумкин. Улар ҳам биз лисоний  
белгининг ихтиёрийлиги ҳақида фикримизни асло инкор этмайди.  
Ундов сўзларни, айтиш мумкин бўлса, табиат инъом этган  
воқеликнинг бевосита ифодаси сифатида ўрганиш катта қизиқиш  
уйғотади. Бироқ бу сўзларнинг аксариятига нисбатан ифодаланмиш  
ва ифодаловчи орасида зарурий алоқанинг йўқлигини исботлаш  
мумкин. Турли тиллардан олинган тегишли мисолларни қиёслаш  
уларда бу иборалар нақадар ҳар хил эканлигини кўрсатади  
(масалан, французча *aié!* немисча *au!* «ох!»га мос). Бунинг устига,  
кўплаб ундов сўзларнинг мустақил сўзларга бориб тақалиши ҳам  
маълум (қиёсланг: франц. *diable* «шайтон»дан *diable!* «жин урсин!»,  
*Dieu* «худо»дан *mort Dieu* «Худо урсин» ва б.

Хуллас, тақлидий сўзлар ҳам, ундов сўзлар ҳам тилда  
иккиламчи роль ўйнайди, уларнинг рамзий келиб чиқиши эса  
маълум даражада мунозарали.



### 3-§. ИККИНЧИ ТАМОЙИЛ: ИФОДАЛОВЧИНING ЧИЗИҚЛИ ХАРАКТЕРИ

Ўзининг табиатига кўра қулоқ орқали қабул қилинадиган  
ифодаловчи фақат замонда тизилади (ёйилади) ва замондан олган  
белгилари билан тавсифланади: а) у чўзиқлик хусусиятига эга ва б)  
бу чўзиқлик бир ўлчамли — бу чизикдир.

Бу ҳақда, кўпинча, гапиришмайди. Эҳтимол, уни жуда содда  
нарса деб ўйлашса керак. Аммо бу жуда муҳим ва унинг оқибатлари  
сон-саноксиз. Биринчи тамойил қанча муҳим бўлса, у ҳам шунча  
муҳим. Тилнинг бутун механизми (пайдо бўлиш ва амал қилиш

Умумий тилшунослик курси ~~~~~ Фердинанд дў Соссюр  
гартиби унга боғлиқ [2-қисмнинг 5-боби 1-§ига қаранг]. Кўз орқали  
идрок этиладиган ва бир пайтнинг ўзида бир неча ўлчамлар  
қўлланадиган ифодалов (масалан, денгиз сигналлари ва ш.к.)лардан  
фаркли ўлароқ, қулоқ билан идрок этиладиган ифодаловчилар фақат  
замон (вақт) чизиғига эга; уларнинг элементлари кетма-кет келиб,  
занжир ҳосил қилади. Биз уларни ёзувда ифодалашга ўтганимиз ва  
замондаги кетма-кетлигини макондаги кетма-кетлик билан қатор  
имловий белгилар ёрдамида алмаштирганимиз ҳамоно, уларнинг бу  
хусусияти яққол намоён бўлади.

Айрим ҳолатларда бу унчалик аниқ кўзга ташланмайди. Агар,  
масалан, бирор бўғинга урғу қўйсам, мен турли маъноли  
элементларни бир нуктада жамлаган бўламан. Бироқ бу хом хаёл;  
бўғин ва унинг урғуси фонациянинг фақат бир жараёни: бу жараён  
ичида икки тарафламалик эмас, балки фақат уни ёнма-ён келган  
элементлар билан турлича қарама-қарши қўйишлар бор (2-қисмнинг  
6-боби 3-§ига қаранг).





## II боб. БЕЛГИНИНГ ЎЗГАРМАСЛИГИ ВА ЎЗГАРУВЧАНЛИГИ

### 1-§. БЕЛГИНИНГ ЎЗГАРМАСЛИГИ

Агар ифодаловчи ўзи ифодалаётган тушунчага нисбатан эркин танланадигандек кўринса, аксинча, ундан фойдаланаётган тил жамоасига нисбатан эркин эмас, балки мажбуран қабул қилдирилгандир. Бу жамоанинг фикри сўралмайди ва тил томонидан танланган ифодаловчини бошқаси билан алмаштириб ҳам бўлмайди. Зиддиятли кўрилган бу ҳолатни, кўпол қилиб айтганда, «мажбурий юриш» деб аташ мумкин эди. Тилга «Танла!» дейдилар ва ўша заҳоти «... унисини эмас, бунисини!» деб қўшиб қўядилар. Тил танлаган нарсани нафақат бир киши ўзгартира олади, балки бутун бошли тил жамоси ҳам сўзга ўз кучини ўтказа олмайди, чунки жамият тилни қандай бўлса, шундай қабул қилади (*telle qu'elle*).

Хуллас, тилни шартномага ўхшатиш мумкин эмас. Белгини айнан шу томони билан ўрганиш қизик, чунки агар биз жамоада амал қилувчи конун эркин танланмайди, балки унга бўйсунилади десак, бунинг энг яққол тасдиғи тилдир.

Энди лисоний белгининг қандай қилиб бизнинг иродамызга бўйсунмаслигини кўриб чиқамиз ва кейин бундан келиб чиқувчи муҳим хулосаларни кўрсатамиз.

Ҳар қандай жамият тилни фақат аждождлардан мерос сифатида қандай бўлса, шундай қабул қилиш лозим бўлган махсулот эканлигини билади ва доимо билган. Шунинг учун тилнинг келиб чиқиши ҳақидаги масала, ўйлаганларидек, унчалик муҳим эмас. Бундай масалани кўтариб чиқишга ҳожат ҳам йўқ. Тилшуносликнинг ягона реал объекти — бу аллақачон шаклланиб бўлган тилнинг табиий ва маромли ҳаёти.

Тилнинг ҳар қандай ҳолати — нега белги ўзгармайди, яъни нега уни ихтиёрий алмаштириш мумкин эмас, деган саволларга жавоб берувчи тарихий омилларнинг маҳсули.

Бироқ тил ўтмишдан қолган мерос деган фикр, фақат шу билангина чекланиладиган бўлса, ҳеч нарсани тушунтирмайди. Ахир, ўтмишдан мерос қолган амалдаги қонунлар ҳам ҳар дақиқада ўзгартирилади-ку.

Бундай шубҳа билдирилиб, биз тилнинг ижтимоий моҳиятини таъкидлаган ҳолда, масалани бошқа ижтимоий устқурмаларга нисбатан қўйгандек қўйишга мажбурмиз. Бу устқурмалар қандай ўтади? Ўзгармаслик ҳақидаги масалани ҳам ўз ичига олувчи умумий савол шундан иборат. Энг аввало, бошқа ижтимоий қоидаларда эркинликнинг қандай даражасидан фойдаланишини аниқлаш керак. Қуйида кўрадиганимиздек, уларнинг ҳар бирига нисбатан жамиятга аънаналар томонидан юклаган ва аънаалардан холи жамиятнинг фаолияти ўртасида мувозанат ҳар хил шаклланади. Шундан кейин мазкур ижтимоий устқурма учун биринчи қатор омиллари кўпроқ ёки, аксинча, камроқ таъсир қилишини аниқлаш лозим бўлади. Ва ниҳоят, яна тилга мурожаат этиб, биз ўзимиздан нега унда кетма-кетликнинг мерос бўлиб ўтиш тарихий омили тўлиқ ҳукмрон ва ҳар қандай умумий ва тасодифий нарсанинг бўлишини инкор этади, деб сўрашимиз керак бўлади.

Бу саволга кўплаб жавоблар келгириш мумкин, масалан, тилнинг ўзгаришлари жавон тортмалари каби бир-бирининг устига қўйилмайдиган, бироқ ўзаро аралашиб кетган ҳамда бири иккинчисига кириб борадиган, шу билан бирга, турли ёшдаги кишиларни ўз ичига оладиган жиҳати билан боғлиқ эмаслигини кўрсатиш мумкин. Шунингдек, она тилини ўрганиш жараёнида унинг яппи тарзда ўзгармаслиги ҳақида муайян хулосага келиш учун кўп тер тўкиш талаб қилинишини ҳам кўрсатиш мумкин эди. У ёки бу тилдан фойдаланишда рефлексия (ўз руҳий ҳолати ҳақида ўйлаш)нинг иштирок этмаслигини ҳам қўшимча қилиш керак бўларди: сўзловчиларнинг ўзлари тил қонунларини унчям идрок этмайдилар. Мадомики, сўзловчилар буни идрок этмас эканлар, у ҳолда қандай қилиб тилларни ўзгартиришлари мумкин? Сўзловчилар тил фанларига онгли тарзда ёндашдилар ҳам дейлик. У ҳолда бу фактлар ҳар бир халқ ўзига берилган тилдан, умуман, рози деган маънода сўзловчилар томонидан танқид қилинмаслигини ҳам эслатиш лозим бўлади.

Бу мулоҳазаларда жон бор, бироқ гап уларда ҳам эмас: биз қолган барча нарсаларга боғлиқ қуйидаги энг муҳим, энг тўғри баён қилинган мулоҳазаларни афзал биламиз:

1. Белгининг ихтиёрийлиги. Юқорида биз тилнинг назарий жиҳатдан ўзгариши мумкинлигини фараз қилган эдик. Масалага чуқурроқ ёндашиб, белги ихтиёрийлигининг ўзи аслида тилни онгли тарзда ўзгартиришга бўлган ҳар қандай ҳаракатдан сақлашини

кўрдик. Сўзловчилар одатдагига қараганда ҳам онглироқ бўлганда, тил масалаларини муҳокама қилолмасдилар. Бирор нарсани муҳокамага тортиш учун шу нарсанинг ўзи мантиққа тўғри келадиган бўлиши лозим. Масалан, никоҳнинг қайси шакли — бир хотинликми ёки кўп хотинлик афзал, дея савол қўйиб, бу масала устида баҳслашиш ва унисининг ҳам, бунисининг ҳам фойдасига далиллар келтириш мумкин. Шунингдек, рамзлар системасини ҳам баҳсга тортиш мумкин, чунки рамз ифодаланаётган нарса билан оқилона боғланган (1-қисмнинг 2-§ига қаранг). Тилга нисбатан олинганда эса ихтиёрий белгилар системаси учун таянадиган нарсанинг ўзи йўк. Айнан шу боис баҳс учун асос ҳам йўк: «она» тушунчаси учун *soeur* нинг ифодаловчисини *sister* нинг ифодаланмишидан ва «хўкиз» тушунчаси учун *Ochs* нинг ифодаловчисини *boeuf* нинг ифодаланмишидан афзал кўриш учун ҳеч қандай асос йўк.

2. Ҳар бир тил учун керак бўлган белгиларнинг жуда кўплиги. Бу ҳолатнинг аҳамияти ҳам кам эмас. 20–40 ҳарфдан иборат ёзув системаси, агар айтиш керак бўлса, бошқаси билан алмаштирилиши мумкин. Агар таркибий қисмлари чекланган бўлганда, тил билан ҳам шундай қилиш мумкин эди. Бироқ тил белгиларининг миқдори чексиз.

3. Системанинг ўта мураккаб характери. Тил — система. Гарчи у, куйида келтирилганидек, айнан шу нуқтаи назардан батамом ихтиёрий бўлмаса-да ва шу асосда унда нисбий мантиқ устун бўлса-да, айнан шу ерда сўзловчиларнинг тил киёфасини ўзгартиришга қодир эмасликлари аён бўлади. Гап шундаки, бу система мураккаб механизмдан иборат бўлиб, унинг моҳиятига махсус тадқиқотлар олиб бориш йўли билангина етиш мумкин. Ҳатто, системадан ҳар кун фойдаланадиганлар ҳам шу система ҳақида ҳеч нарса билишмайди. Тилни фақат мутахассислар — грамматист, мантиқшунос ва бошқаларнинг аралашуви билан ўзгартириш мумкинлигини тасаввур қилиш мумкин. Бироқ ҳаёт бундай ҳаракатларнинг ҳам ҳеч нарса бермаганини кўрсатади.

4. Жамоавий қоқоқликнинг ҳар қандай лисоний янгиликларга қаршилик кўрсатиши. Зикр этилган мулоҳазалар ўзининг асосланганлигига кўра, куйидагиларга ўз ўрнини бўшатиб беради: тил ҳамиша ҳамманинг ва ҳар бир кишининг иши; муайян жамоада тарқалган ва шу жамоага хизмат қилаётган тил ҳар бир киши ҳар соатда, ҳар дақиқада фойдаланаётган нарсдан бошқа нарса эмас. Шу нуқтаи назардан уни бошқа ижтимоий устқурмалар билан қиёслаш

сира мумкин эмас. Қонун кўрсатмалари, дин маросимлари, денгиз сигнали ва ш.к. бир йўла фақат кишиларнинг чекланган миқдорига ва чекланган муддатда дахл қилади. Тилдан, аксинча, ҳар сонияда фойдаланилади ва шу боис у ҳамманинг доимий таъсирида туради. Бу, энг муҳими, тилда инқилобнинг бўлмаслигини кўрсатиш учун етарли. Барча ижтимоий усткурмалар (қоидалар)дан фақат тилгина ташаббускорлик учун энг кам имкониятлар беради. У жамият ҳаётининг ажралмас қисми. Табиатан сушт бўлган жамият эса, энг аввало, консерватив омил сифатида намоён бўлади.

Бироқ тилнинг эркин эмаслигини аниқ тасаввур қилиш учун у ижтимоий кучларнинг маҳсули, дейишнинг ўзи ҳам етарли эмас. Тилнинг ўтмишдан мерос қилиб олинганлигини доимо ёдда тутган ҳолда, қўшиб қўймоқлигимиз керакки, маҳсули тил бўлган ижтимоий кучлар замонга боғлиқ ҳолда ҳаракат қилади. Тил жамоанинг қотиб қолган оммасига боғлиқлиги учунгина эмас, балки ўзининг замонда мавжудлиги билан ҳам барқарордир. Бу икки факт ўзаро ажралмасдир. Биз одам ва ит деймиз, чунки бизгача ҳам одам ва ит дейишган. Бу, умуман, ҳодисада икки қарама-қарши омил — ифодалувчини эркин танлашга имкон берадиган ихтиёрий келишув ва бу келишувни узил-кесил ҳал қиладиган замон орасидаги алоқанинг доимо мавжуд бўлишига монелик қилмайди. Айнан белгининг ихтиёрийлиги сабабли у анъана қонунидан бошқа қонунни билмайди ва, аксинча, фақат анъанага таянгани учун ихтиёрий бўлиши мумкин.



## 2-§. БЕЛГИНИНГ ЎЗГАРУВЧАНЛИГИ

Тилнинг узлуксизлигини таъминловчи замон белгига, бир қараганда, зиддек туюлган бошқа таъсир ҳам кўрсатади, аниқловчи: у муайян тезлик билан лисоний белгиларни ўзгартиради ва, натижада, айни бир пайтда лисоний белгининг ҳам ўзгармаслиги, ҳам ўзгарувчанлиги ҳақида маълум маънода гапириш имкони туғилади.

Бинобарин, бу икки омил ўзаро шартланган: белги, ўзининг мавжудлиги узлуксиз давом этиши сабабли ўзгариши мумкин. Бироқ ҳар қандай ўзгаришда асосий нукта аввалги материалнинг барқарорлигидир. Ўтмишга хиёнат эса нисбий ҳолос. Ана шунинг учун ўзгариш тамойили узлуксизлик тамойилига таянади.

Замонда содир бўладиган ўзгариш турли шаклларда намоён бўлади. Уларнинг ҳар бири тилшунослик назариясида каттакон боб

учун материал бўлиши мумкин. Тафсилотларга берилмасдан, қуйидагини таъкидлаш лозим.

Ушбу ўринда, аввало, «ўзгариш» сўзига нисбат бераётган маънони тўғри тушуниш талаб этилади. Бу сўз мазкур ҳолатда гапнинг ифодаловчиси бошдан кечирадиган фонетик ўзгаришлар ёки ифодаланаётган тушунчага дахлдор маъно ўзгаришлари ҳақида боряпти, деган фикр уйғотиши мумкин. Ўзгаришни бундай тушуниш етарли эмас. Унга олиб келувчи омиллар қандай бўлмасин, ўзича айри ёки бир-бири билан бирга ҳаракат қилиш-қилмаслигидан қатъи назар, доимо ифодаланмиш ва ифодаловчи орасидаги муносабатнинг силжишига сабаб бўлади.

Мана бир неча мисол. «Ўлдирмоқ» маъносини ифодаловчи лотинча *pecāre* француз тилида «чўктирмоқ» маъноли *noyer* сўзига айланади. Акустик образ ҳам, тушунча ҳам ўзгарди. Бироқ мазкур фактнинг бу икки томонини фарқлаш фойдасиз, чунки тушунчанинг белги билан алоқаси сусайганлигини, улар орасидаги муносабатларда силжиш бўлганлигини, *in glebo* қайд этишнинг ўзи етарли. Агар классик лотин тилидаги *pecare* сўзига французча *noyer* билан эмас, балки IV–V асрлар халқ лотин тилидаги *pecare* ифодаловчи «чўктирмоқ» билан қиёсланса, иш бошқачароқ кечади. Бироқ бу ерда ҳам ифодаловчида ўзгариш бўлмаса, тушунча ва белги орасидаги муносабатда силжиш содир бўлади.

Эски немис тилидаги *dritteel* «учдан бир» ҳозирги немис тилида *dritt* га ўтган. Мазкур ҳолатда, гарчи тушунча ўша-ўша бўлса-да, у ва ифодаловчи орасидаги муносабат икки хил кўринишда ўзгарди: ифодаловчининг шакли нафақат материали нуктаи назаридан, шунингдек, грамматик нуктаи назардан ҳам ўзгарди. Унда *teil* «қисм» сўзи барҳам топди ва, натижада, у содда сўзга айланди. Қандай бўлмасин, бу ерда ҳам тушунча ва белги орасидаги муносабатда силжиш бор.

Англосаксон тилида *fōt* «оёқ» *fōi* (ҳозир инглизча *foot*), шаклида сақланиб қолган. Унинг кўплик шакли *fōti* «оёқлар» *fēt* га ўтган (ҳозир инглизча *feet*). Бу ерда қандай ўзгариш назарда тутилмасин, бир нарса аниқ: муносабатда силжиш содир бўлган материал ва тушунча ўртасида янги муносабатлар юзага келган.

Тил моҳиятан ифодаланувчи ва ифодаланмиш орасидаги муносабатларни муттасил ўзгартириб турувчи омилларга қаршилик кўрсатишга қодир эмас. Бу белгининг ихтиёрийлиги тамойилидан келиб чикувчи натижалардан биридир.

Бошқа ижтимоий устқурмалар — урф-одатлар, қонун ва шу каби нарсаларнинг табиий муносабатларига асосланган. Уларда фойдаланилган воситалар ва қўйилган мақсадлар орасида зарурий мослик бор. Ҳатто, бизнинг қандай кийинишимизни белгилайдиган мода ҳам бутунлай ихтиёрий эмас. Инсон гавдаси хусусиятлари билан шартланган шароитлар чегарасидан нарига ўтмаслик керак. Тил эса, аксинча, воситалар танлашда ҳеч нарса билан чегараланмаган, чунки лозим бўлган тушунчанинг, товушларнинг лозим бўлган кетма-кетлигига монелик қиладиган нарсани тасаввур қилиш қийин.

Тил соф кўринишдаги ижтимоий устқурмалардан бири эканлигини аниқ далиллаш мақсадида Уитни белгиларнинг эркин характерини ҳаққоний равишда таъкидлаган эди: бу билан у тилшуносликни тўғри йўлга бошқариб юборди. Бироқ Уитни бу фикрни ривожлантира олмади ва тил ўзининг ихтиёрий характери билан бошқа барча ижтимоий устқурмалардан жиддий фарқ қилишини фаҳмламади. Бу тилнинг қандай тараққий этишида яққол намоён бўлади. Унинг тараққиётидан-да мураккаброқ нарса йўқ: мадомики тил айна бир пайтда ҳам жамиятда, ҳам замонда мавжуд экан, ундаги нарсани ҳеч ким ўзгартира олмайди. Шу билан бирга, белгиларнинг ихтиёрийлиги товуш материали ва тушунчалар орасидаги муносабатларни назарий жиҳатдан эркин аниқлаш имконини ҳам беради: белгида бирлашган ҳар иккала элемент ҳам мисли кўрилмаган даражада алоҳида яшайди ва тил ё товушларга, ёки маънога таъсир қилиши мумкин бўлиб, барча кучлар таъсирида ривожланади. Ёки, аниқроғи, тадрижий тарзда тараққий этади. Бу тадрижийлик (эволюция) муқаррар: ундан холи бўлган тил йўқ. Маълум вақт ўтгач, ҳар бир тилда силжишларни доимо қайд этиш мумкин.

Бу фикрнинг нақадар тўғри эканлигига қаноат ҳосил қилиш учун мазкур тамойилни сунъий тиллар материалида ҳам текшириб кўриш мумкин. Умумистеъмомлга кирмаган ҳар қандай сунъий тил муаллифнинг шахсий мулки, бироқ у ўз вазифасини бажара бошлаган ва умуммулкка айланган ҳамоно, унинг устидан назорат йўқолади. Бундай тиллар сирасига эсперанто киради. Агар у оммалашса, тадрижийлик қонунининг муқаррар таъсиридан қочиб қутуладими? Ўз мавжудлигининг биринчи даври тугагач, бу тил, эҳтимол, семиологик тараққиёт шароитларига мослашиши мумкин: у сунъий тарзда яратилган барча нарсаларни бошқарувчи қонунлар билан ҳеч қандай умумийликка эга бўлмаган қонунлар туфайли амал қила бошлайди. Энди дастлабки ҳолатга қайтиш йўқ. Келгуси авлодлар

учун ўзгармайдиган тил яратмоқчи бўлган киши ўрдак тухумини бошган товукқа ўхшайди: у яратган тил истаса-истамаса, барча тилларни оқизиб кетувчи оқим томонидан тутиб қолинмаган бўларди.


Белгининг замондаги ўзгариши билан узлуксизлиги семиологиянинг умумий қонунидир: бунга далилни ёзув системасида, гунг-соқовлар ва шу кабилардан кўплаб топиш мумкин. Бироқ ўзгариш зарурияти нимага асосланади? Бизни бу нуқтани ўзгармаслик тамойилига қараганда камроқ изоҳлашда айблашлари мумкин. Бу — ўзгаришнинг турли омиллари ажратиб кўрсатмаганимиз билан изоҳланади. Ўзгаришларнинг қай даражада зарурлигини аниқлаш учун уларни ранг-барангликда ўрганиш лозим бўларди.

Узлуксизлик сабабларни *a priori* кузатиш мумкин. Замонда ўзгариш сабаблари бош гап. Ҳозирча уларни аниқ изоҳлашдан тийилган ва муносабатлар силжиши устидаги умумий мулоҳазалар билан чекланган маъқул. Вақт ҳамма нарсани ўзгартиради, бинобарин, тилни умумий қоидадан истисно дейиш учун асос йўқ.

Мулоҳазаларимиз босқичларини «Кириш»да аниқланган тамойиллар билан боғлаган ҳолда умумлаштираемиз.

1. Сўзларни бефойда тавсифлашдан қочиб, биз, энг аввало, нутқий фаолият деб аталувчи умумий ҳодиса ичида икки таркибий қисм (*factour*) — тил ва нутқни ўзаро фарқладик. Биз учун тил — бу нутқий фаолият минус (-) нутқ. У ҳар бир кишига ўзгаларни тушуниш ва уларга тушунарли бўлишга имкон берадиган лисоний кўникмалар мажмуидир.

2. Бироқ бундай тавсиф тилни у ҳамон ижтимоий борлиқдан ташқарида қолдиради, уни қандайдир нореал нарса сифатида тақдим этади. Чунки борлиқнинг фақат бир томонинигина ўз ичига олади: тилнинг мавжуд бўлмоғи учун сўзловчи жамоа керак. Тил, бир қарашда, сиртдан қараганда кўринганидек, ҳеч қачон жамиятдан ташқарида мавжуд бўлмайди, чунки у семиологик ҳодиса. Тилнинг ижтимоий табати унинг ички хоссаларидан биридир. Уни тўлиқ тавсифлаш бизни, тубанда келтирилган схемада кўрсатилганидек, ўзаро узвий боғлиқ икки ҳодисага олиб келади:



Бироқ бу шароитларда тил яшашга қодир, аммо ҳали яшаётгани йўқ. Биз фақат тарихий фактни эмас, балки ижтимоий борликни ҳам эътиборга олдик.

3. Тил лисоний белгининг ихтиёрийлиги туфайли сўзловчи иродасига кўра ташкил этилган, ақлга мувофиқлик тамойилига мутлақо тобе «эркин система»дан иборатдек кўриниши мумкин. Бундай фикрга, аслида тилнинг ўзича олинган характери ҳам зид эмас. Албатта, жамоавий психология соф мантикий материал билан иш кўрмайди. Кишиларнинг амалий муносабатларида ақл ўз ўрнини бўшатиб беришини ҳам унутмаслик керак. Шунга қарамасдан, тилни манфаатдор шахслар истаган — иродасига кўра ўзгарадиган оддий таомил (шартлилик) сифатида ўрганишга бу эмас, балки ижтимоий кучлар билан бирикиб кетадиган замон таъсири монелик қилади. Замон категориясидан ташқари, лисоний воқелик нотўлиқ, бинобарин, унга доир хулосалар доимо нисбийдир.

Агар биз тилни сўзловчи жамоадан ташқари, фақат замонда оладиган бўлсак (узоқ йиллар бир ўзи алоҳида яшаётган кишини кўз олдимизга келтирайлик), у ҳолда биз, унда эҳтимол, ҳеч қандай ўзгаришни пайқамасдик. Унга вақт таъсир қилмасди. Ва, аксинча, агар биз сўзловчи жамоани замондан ташқарида кузатадиган бўлсак, ижтимоий кучларнинг тилга таъсирини кўрмаймиз. Бинобарин, ҳақиқатга яқинлашиш учун келтирилган схемага вақтнинг ҳаракатини кўрсатувчи белгини ҳам қўшишимизга тўғри келади.



Энди тил ўз эркини йўқотади, чунки вақт унга таъсир этувчи ижтимоий кучларга ўз таъсирини ўтказишга имкон беради. Шундай қилиб, биз эркинликни чиппақка чиқарувчи узлуксизлик тамойилига етиб келмоқдамиз. Бироқ узлуксизлик эҳтиёжга кўра, ўзгаришни, яъни ифодаланмиш билан ифодаловчи орасидаги муносабатларда кузатиладиган талай силжишларни назарда тутади.





### III боб.

## СТАТИК ТИЛШУНОСЛИК ВА ЭВОЛЮЦИОН ТИЛШУНОСЛИК

### 1-§. ҚИЙМАТ ТУШУНЧАСИ БИЛАН ИШ КЎРУВЧИ БАРЧА ФАНЛАРНИНГ ИЧКИ ИККИ ТАРАФЛАМАЛИГИ


Вақт омилининг пайдо бўлиши тилшуносликда алоҳида кийинчиликлар туғдиришга қодир эканлигини ва унинг турли томонга икки йўл олдида қолдирилиши мумкинлигини кўплаб тилшуносларнинг фахмлашлари даргумон.

Аксарият фанлар бу асосий икки тарафламаликни билмайди: вақт омили уларга жиддий таъсир кўрсатмайди. Астрономия самовий ёриткичлар сезиларли ўзгаришларни бошдан кечиришини аниқлаган, бироқ бу билан у икки фанга ажралмаган. Геология деярли ҳамиша замонда содир бўладиган ўзгаришлар билан иш кўради, бироқ у ернинг шаклланиш ҳолатларини ўрганганда, бу ҳолатларни мутлақо бошқа фаннинг предмети деб билмайди. Ҳуқуқ ҳақида тавсифий фан ҳам, ҳуқуқ тарихи ҳам бор, бироқ ҳеч ким уларни қарама-қарши қўймайди. Давлатларнинг сиёсий тарихи батамом замонда кечади, бироқ тарихчи даврнинг манзарасини чизганда, бизда тарих чегараларидан чиқаётгандек тасаввур ҳосил бўлмайди. Ва, аксинча, сиёсий институтлар ҳақидаги фан мохиятан тавсифий фан, бироқ у ўрни келганда, тарихий масалаларни, ўзининг бирлигини сақлаб қолган ҳолда, қойилмақом қилиб ечади.

Аксинча, биз сўз юритаётган икки тарафламалик, масалан, иқтисодий фанларга интилади. Билишнинг зикр этилган тармоқларига қарама-қарши ўлароқ, сиёсий иқтисод ва иқтисодиёт тарихи бир фан доирасида ўзаро тубдан фарқланадиган икки фанни ташкил қилади. Бироқ фанлар орасидаги фарқ кейинги йилларда чоп этилган иқтисодиётга доир ишларда, айниқса, қатъий таъкидланади. Кўрсатилган фанларни чегаралаш асосида сиёсий иқтисод мутахассислари, гарчи теран ажратсалар-да, ички заруриятга бўйсундилар. Худди шундай зарурият бизни ҳам тилшуносликни ҳар бири ўз асосларига эга бўлган икки қисмга бўлишга мажбур этади. Гап шундаки, биз тилшуносликда ҳам сиёсий иқтисоддаги каби

Умумий тилшунослик курси ~~~~~ Фердинанд дў Соссюр  
маънолилиқ тушунчасига дуч келамиз. Ҳар иккала фанда ҳам турли  
характердаги нарсалараро муқобилликлар системасининг мавжудлиги  
ҳақида гап боради: сиёсий иқтисодда — меҳнат ва иш ҳақи,  
тилшуносликда эса — ифодаланмиш ва ифодаловчи.

Мутлақо аёнки, барча фанларнинг манфаати учун уларнинг  
тасарруфига кирувчи объектлар жойлашган ўқларни жиддий фарқлаш  
керак. Ҳамма жойда, қуйида келтирилган чизмада кўрсатилганидек,  
1) вақтнинг ҳар қандай аралашishi истисно бўлган ҳодисалар  
орасидаги муносабатларга тааллуқли бир пайтлилиқ ўқи (AB) ҳамда  
2) бирдан ортиқ нарсани кузатиш мумкин бўлмаган ва барча  
ўзгаришлари билан жойлашадиган ҳодисаларнинг кетма-кетлик ўқи  
(CD)ни фарқлаш керак эди.



Қиймат тушунчаси билан иш кўрувчи фанлар учун бундай  
фарқлаш амалий нуқтаи назардан заруриятга ва баъзи ҳолларда эса  
мутлақ заруриятга айланади. Дадил айтиш мумкинки, икки ўқнинг  
мавжудлигини ҳисобга олмасдан, ўзича олинган қийматлар  
системасини ҳамда вақтнинг функцияси тарзида қараладиган ўша  
қийматларни фарқламасдан туриб, қатъий илмий асосланган  
тадқиқотлар олиб боришнинг иложи йўқ. Тузилган система қанчалик  
мураккаб ва қатъий бўлса, айнан шу системанинг мураккаблиги  
туфайли уни изчил, ҳар иккала ўқ бўйича ўрганиш шунчалик зарур  
бўлади. Шу нуқтаи назардан қараганда, қайси система тил билан  
қиёслана олмайди: биз бирор жойда ҳам айланма қийматларнинг  
бундай аниқлигини, ўзаро қатъий алоқа билан боғланган  
элементларнинг бундай катта миқдори ва ранг-баранглигини  
учратмаймиз. Тилнинг узлуксизлигини ўрганишда гапирганимиз  
белгиларнинг қўплиги ҳам уларнинг замондаги ва системадаги  
муносабатларини айтиш бир пайтда ўрганишга батамом монелик  
қилади.

Бу фарқлаш тилшунос учун жуда зарур, чунки тил соф қийматлар  
системасидир. Системанинг ўзи эса уни ташкил этган элементларнинг

Умумий тилшунослик курси ~~~~~ Фердинанд дў Соссюр

ҳозирги ҳолати билан белгиланади. Чунки қиймат, худди иқтисодиёт фанида бўлгани каби ўзининг бир томони билан реал нарсалар ва уларнинг табиий муносабатлари билан боғлиқ. Масалан, ер майдонининг қиймати ундан келадиган фойдага пропорционал ва уни замонда маълум даражагача кузатиш мумкин (албатта, унинг бошқа қийматларга боғлиқлигини унутмаган ҳолда). Шунга қарамай, қийматнинг нарсалар билан алоқаси унга табиий замин ҳозирлайди ва шунинг учун ундан келиб чиқадиган баҳслар унчалик ихтиёрий эмас. Бироқ улар маълум чегараларгача ўзгариши мумкин. Лекин табиий нарсалар ва улараро муносабатларнинг, юқорида кўрганимиздек, тилшуносликка, умуман, алоқаси йўқ (қийматлар ҳақида гап кетганда). Яна шуни ҳам қайд этиш керакки, ўша қийматларни фарқламасдан туриб, қатъий илмий асосланган тадқиқотлар олиб боришнинг иложи йўқ.

Ана шунинг учун биз икки тилшуносликни фарқлаймиз. Бирок уларни қандай номлаш керак? Барча терминлар ҳам биз қайд этаётган фарқни тўлиқ ифодалашга қодир эмас. «Тарих» ва «Тарихий тилшунослик» терминлари яроқсиз, чунки улар жуда мужмал тушунчалар билан боғланган. Мадомики, сиёсий тарих алоҳида даврлар тавсифини ҳам, воқеалар баёнини ҳам ўз ичига олар экан, тилнинг бирин-кетин содир бўладиган ҳолатларини ўрганиб, биз вертикал вақт ўқига амал қиламиз ва бу билан тилни ўрганаётганимизни ҳам тасаввур қилиш мумкин бўлади. Бунинг учун тилни бир ҳолатдан иккинчи ҳолатга ўтишга мажбур қиладиган ҳодисаларни алоҳида ўрганишга тўғри келган бўларди. Эволюция ва эволюцион тилшунослик терминлари нисбатан аниқ ва шунинг учун биз улардан тез-тез фойдаланамиз. Шунга асосланиб, бошқа фанни тилнинг ҳолатлари ҳақидаги фан ёки статик тилшунослик деб аташ мумкин.

Бироқ бу зиддиятни ва бир объектга тааллуқли ҳодисалар икки қаторининг чатишувини аниқ-равшан ифодалаш учун биз *синхрон тилшунослик ва *диахрон тилшунослик ҳақида гапиришни маълум топдик. Фанимизнинг статик ҳолатига доир барча нарсалар синхрон, эволюциясига доир барча нарсалар эса диахрон характердадир.

Шунга мувофиқ тарзда синхрония ва диахрония отлари тилнинг ҳолатини ва эволюция даврини ифодалайди.



## 2-§. ИЧКИ ИККИ ТАРАФЛАМАЛИК ВА ТИЛШУНОСЛИК ТАРИХИ

Тилни ўрганишга киришаётганда кишини хайратда соладиган биринчи нарса — бу сўзловчи учун мазкур фактлар тадрижийлигининг мавжуд эмаслигидир: тилга бевосита шу фактларнинг фақат ҳолатигина берилган. Шунинг учун бу ҳолатни тушунишни истаган тилшунос ҳам унинг қандай пайдо бўлганлигига кўз юмиши ва диахронияга эътиборсизлик билан карамоғи лозим. У ўз ўтмишини хаёлдан чиқаргандагина сўзловчилар онгига кириб бориши мумкин. Тарихнинг ҳужуми уни йўлдан уриши мумкин, холос. Алп тоғи манзарасини чизиш асносида уни бир пайтда Юра тоғларининг бир неча чўққиси кўринишида расмга солиш бемаънилиқдан бошқа нарса бўлмасди, чунки манзара бир нуктада туриб чизилади. Тилга нисбатан ҳам шундай: муайян бир нуктада турмай, уни тавсифлаш ҳам, ишлатилиш меъёрларини аниқлаш ҳам мумкин эмас.

Тилнинг эволюциясини кузатаётган тилшунос Юра тоғларининг бир томонидан иккинчи томонига бораётган ва шу аснода ўзгаришларни қайд этаётган кузатувчига ўхшайди.

Айтиш мумкинки, ҳозирги тилшунослик юзага келган ҳамано боши билан диахронияга (юнончадан *dia* — «аро», «ичидан ўтган» ва *chronos* — «вақт», маълум бир тил ёки тиллар оиласининг шаклланиш тарихи) шўнғиб кетди. У қўлга киритган маълумотлардан ҳинд-европа тилларининг қиёсий грамматикаси аввалги тил турини тахминий қайта тиклашда фойдаланди. Унинг учун қиёслаш ўтмишни қайта куриш воситасидан бошқа нарса эмас. Айнан ўша метод тил гуруҳчаларини (роман тиллари, герман тиллари ва б.) ўрганишда қўлланади. Тилнинг ҳолатлари эса фақат чала-чулпа ва жуда номукамал тарзда жалб этилади, холос. Бопи асос солган йўналиш ана шундай. Тилнинг илмий тушунилиши турли-туман ва омонат.

Иккинчи томондан, тилни тилшунослик фан сифатида пайдо бўлунга қадар ҳам ўрганганлар, яъни анъанавий методлардан руҳланган «грамматистлар» қандай йўл тутганлар? Уларнинг бизни қизиқтираётган масала бўйича фикри мутлақо бенуқсон эканлигини қайд этиш мароқли. Бу «грамматистлар»нинг тадқиқотлари уларнинг ҳолатларини тавсифлашга интилганликларини аниқ кўрсатади; уларнинг дастури қатъий синхрон характерда бўлган. Масалан, Пор-Роял деб аталувчи грамматика француз тилининг Людовик XIV давридаги ҳолатини тавсифлашга ва уни ташкил қилган қийматларни

Умумий тилшунослик курси ~~~~~ Фердинанд дў Соссюр аниқлашга ҳаракат қилган. Бунинг учун унга ўрта асрлар француз тилига мурожаат қилишга эҳтиёж туғилмайди: у горизонтал ўққа қатъий амал қилади (1-қисмнинг 3-бобидаги 1-§га қаранг) ва ҳеч қачон ундан узоқлашмайди. Бундай метод тўғри, бироқ мазкур метод бекам-кўст қўлланган, дегани эмас. Аньанавий грамматика тилшуносликнинг бутун бошли бўлимларини, масалан, сўз ясалиши ҳақидаги бўлимни инкор қилади. У меъёрга асосланган фактларни қайд этишдан кўра, қоидалар яратишни афзал билади. Шунинг учун бутунни назардан қочиради. У, кўпинча, ҳатто ёзилган сўзни талаффуз қилинган сўздан ҳам фаркляёлмайди ва ҳ.к.

Классик грамматикани ноилмийликда айбладилар, ҳолбуки, унинг илмий негизини танқид қилиш қийин. Унинг предмети эса Бопп асос солган тилшуносликдан яхшироқ ўрганилган. Мужмал асосга қурилган бу грамматика, ҳатто, қандай мақсад сари интилаётганини ҳам аниқ билмайди. Ҳолатнинг мавжудлигини ҳолатларнинг замондаги тадрижийлигидан қатъий фарқлай олмаган аньанавий грамматика айни бир пайтда икки ёндашувни бирга олиб боради.

Тилшунослик жуда кўп ўринни тарихга ажратиб келди; энди унинг олдида янги нуқтаи назарга қайтиш янги руҳда тушунилган, янги усуллар билан бойитилган ва тилнинг ҳолатларини теранроқ англашга ёрдам берадиган тарихий метод билан янгиланган аньанавий грамматиканинг статик нуқтаи назарга қайтиш турибди. Аввалги грамматика фақат синхрон фактни кўрарди; тилшунослик бизга, ҳодисаларнинг янги қаторини очиб берди, бироқ бунинг ўзи етарли эмас: тегишли хулосалар чиқариш учун иккала ёндашишнинг ўзаро зид эканлигини ҳис этиш керак.



### 3-§. МИСОЛЛАР БИЛАН КЎРСАТИЛГАН ИЧКИ ИККИ ТАРАФЛАМАЛИК

Икки — синхрон ва диахрон нуқтаи назарнинг зиддияти мутлақ характерда бўлиб, мурасага ўрин қолдирмайди. Бу тафовутнинг моҳияти нимада эканлигини ва нега унинг бартараф этилмаслигини кўрсатиш учун бир неча мисол келтираамиз.

Лотинча *crispus* «тўлқинли, жингалак» француз тилига мерос қилиб *Crép* — ўзагини қолдирган. Ундан *crépîr* «сувамоқ» ва *décépîr* «сувоқни туширмақ» феъллари ҳосил қилинган. Иккинчи томондан,

қайси бир замонда лотин тилидан француз тилига келиб чиқиши номаълум бўлган *décrepitus* кириб келган ва ундан ўшандай маъноли *décrépit* «қаргайган, шарти кетиб, парти қолган» сўзи ясалган. Ҳозирги пайтда *un mur décrépit* «кўчиб тушган девор» ва *un homme décrépit* «қартайган одам» сўзлари, гарчи бу икки сўз тарихан ҳеч қандай умумийликка эга бўлмаса-да, ўзаро боғланиб айтилаётганига шубҳа йўқ. Бу эса статик факт, чунки гап тилда бирга яшаётган икки ҳодиса орасидаги муносабатлар устида бормоқда. Бу фактнинг юзага келмоғи учун эволюцияга доир бир неча томонларнинг бир-бирига тўғри келиши лозим бўлади: *crisp* нинг *crép* — тарзида талаффуз қилиниши ва лотин тилидан янги сўзни олишга зарурият туғилди. Бинобарин, бу икки диахрон факт ўзлари ясаган синхрон факт билан ҳеч қандай алоқада эмас, деб бемалол айтиш мумкин. Улар бошқа-бошқа ҳодисалардир.

Умумий маънога эга бўлган яна бир мисол келтирамиз. Қадимги юқори немис тилида *gast* «меҳмон» отининг кўплик шакли дастлаб *gast* шаклида, *hant* «кўл» отининг кўплик сони *hanti* шаклига эга бўлган ва б. Кейинчалик бу *i* умлаутга сабаб бўлди, яъни (олдинги бўғиндаги) *a* нинг *e* га ўзгаришига олиб келади: *gasti*→*gesti*, *hanti*→*henti*. Кейин бу *i* ўз хусусиятини йўқотади, натижада, *gesti geste* га ўтади ва б. Шу сабабли ҳозир *Gast: Gäste, Hand: Hände* шакллари эгамиз. Қатор сўзлар бу фаркни бирлик ва кўплик сонлар орасида намойиш этади. Худди шундай ҳодиса англосаксон тилида ҳам содир бўлган: дастлаб *fōt* «оёқ» бўлган, кейин кўплик сон *fōti* юзага келган. Яна қиёсланг: *tōp* «тиш», кўшлиги *tōpi*; *gōs* «ғоз», кўшлиги *gōsi* ва б. Агар кейинчалик, биринчи фонетик ўзгариш, умлаут натижасида, *fōti* → *fēti* га ўтган бўлса, иккинчи фонетик ўзгариш: сўз охиридаги *i* нинг тушиб қолиши натижасида эса, *fēti* → *fēt* ни беради. Бирлик сондаги *fōt* нинг кўплик сон *fēt* билан муносабати шу тарзда юзага келган; *tōp: tēp, gōs: gēs* (уларнинг ҳозирги инглиз тилидаги шакллари: *foot: feet, tooth: teeth, goose: geese*) ҳақида ҳам шундай дейиш мумкин.

Дастлаб *gast: gesti, fōt: fōti* шакллари расм бўлган пайтларда кўплик сон *i* ни кўшиш билан ҳосил қилинган. Бироқ *Gast: Gäste* ва *fōt: fēt* кўшлик сонни ифодалаш учун бошқа усулни намойиш этади. Бу усул иккала ҳолатда ҳам бир хил эмас: эски инглиз тилида фақат унлиларнинг зидланиши, немис тилида эса яна сўз охирида *e* нинг бор ёки йўқлиги билан характерланади. Бироқ бу фарқ биз учун муҳим эмас.

Бирлик сон ва ундан ҳосил бўлган кўплик сон орасидаги муносабат, уларнинг шакллари қандай бўлишидан қатъи назар, муайян вақт учун горизонтал ўқда ифодаланиши мумкин, яъни:

А давр 

В давр 

Бир шаклдан иккинчи шаклга сабабчи бўлган айнан ўша фактлар (қандай бўлишидан қатъи назар), аксинча, вертикал ўқда жойлашиши керак. Натижада қуйидаги чизмада акс этган ҳолат юзага келади:

А давр 

В давр 

Бизнинг намуна-мисолимиз мавзуимиз билан бевосита боғлиқ қатор мулоҳазалар туғдиради:

1. Диахрон фактлар бошқа белги ёрдамида тилдаги қандайдир аниқ қийматни ифодалашни, умуман, ўз олдига мақсад қилиб қўймайди: *gasti* нинг *gesti, geste (Gäste)*га ўтиши отларнинг кўплик сони билан заррача ҳам боғлиқ эмас, чунки *tragit* → *trägt* даги ўша умлаут тусланиш билан боғлиқ. Шундай қилиб, диахрон факт — мустақил маънога эга бўлган ҳодиса. Ундан келиб чикувчи конкрет синхрон оқибатлар эса унга тамомила ётдир.

2. Диахрон фактлар системани ўзгартиришга сира интилмайди. Бу ерда муносабатларнинг бир тизимидан иккинчисига ўтиш ниятининг ўзи йўқ. Ўзгариш тартибга солинган бутунликка эмас, балки унинг айрим элементларигагина тааллуқли бўлади.

Биз бу ерда яна юқорида зикр қилганимиз тамойилга дуч келамиз: система ҳеч қачон тўғридан-тўғри ўзгармайди, чунки у ўзича ўзгармас ҳодисадир. Фақат айрим элементларгина ўзини умумийлик билан боғлаб турувчи алоқага боғлиқ бўлмаган ҳолда ўзгаришга мойил. Буни, масалан, Куёш атрофида айланаётган сайёралардан бирининг энига ва бўйига ўзгарган ҳолатига ўхшатиш мумкин. У ҳолда алоҳида олинган бу факт умумий оқибатларга олиб келган ва, умуман, бутун куёш системанинг мувозанатини издан чиқарган бўларди. Кўплик сонни ифодалаш учун икки ҳодисанинг қарама-қарши туриши лозим: *ë fõt: fōti* ёки *fõt: fēt*. Бу иккала усул ҳам бир хил воқеланади ва шу

бироқ сўзловчилар уларнинг биридан иккинчисига ўтишган: бутун шаклланмаган, бир система иккинчисини яратмаган ҳам, бироқ биринчи система элементларидан бири ўзгарган ва бу янги системани ҳосил қилиш учун етарли асос бўлган.

3. Бу кузатиш бизга ҳар қандай ҳолатнинг тасодифий характерини тунунишга ёрдам беради. Тез-тез учраб турадиган сохта тасаввурга қарама-қарши ўларок, тил тушунчаларни ифодалаш учун яратилган ва мослаштирилган механизм эмас. Аксинча, унинг қандайдир элементларининг ўзгариши билан юзага келган янги ҳолат, юқорида кўрганга мисаллар, улар билан тўйинган маъноларни ифодалашга, умуман, мўлжалланмаган. *Fōt: fēt* тасодифий ҳолат берилган ва ундан оқибат ва кўпик сонлар орасидаги фарқни ифодалашда фойдаланилган: *fōt: fēt* ни қарама-қарши қўйиш бунга *fōt: fōti* ни қарама-қарши қўйишга қараганда яхши хизмат қилмайди. Янги ҳолат юзага келганда онг берилган моддийни руҳлантиради ва гўё унга жон бағишлайди. Онгимизга тарихий тилшунослик томонидан саниқдирилган бу фикр билан анъанавий грамматика таниш бўлмаган, чунки бу грамматика ўзига хос методлардан фойдаланиб, уларнинг моҳиятига ҳеч қачон етолмаган. Худди шунингдек, аксарият файласуфлар ҳам у ҳақда ҳеч нарса билмайдилар. Ҳолбуки, фалсафий нуқтаи назардан бу қарашлар системасидан-да муҳимроқ нарса йўқ.

4. Диахрон қаторга мансуб фактлар синхрон қатор фактларига қараганда ўша моҳиятга эгами? Йўқ эга эмас, чунки ўзгаришлар, биз билмакчанон аниқланганимиздек, мақсадсиз содир бўлади. Синхрон факт, аксинча, доимо маъноли. У муносабатнинг айни бир пайтда мавжуд икки аъзоси билан иш кўради: кўпик сон *Gäste* шакли билан эмас, балки *Gast: Gäste* шакллариининг зидланиши билан ифодаланади. Диахрон нуқтаи назардан айнан тескараси тўғри: у муносабатнинг фақат бир қисмигагина тегишли бўлиб, *Gäste* янги шаклининг пайдо бўлиши учун эски шакл *gaste* нинг унга ўз ўрнини бўшатиб бериши ва кўздан ғойиб бўлиши керак.

Бундай турли-туман далилларни бирлаштириш бир фан доирасида ақлга сиғмайдиган юмушдек кўринади. Диахрон аспектда биз, гарчи системаларга хизмат қилса-да, бироқ системаларга ҳеч қандай алоқаси бўлмаган ҳодисалар билан иш кўраемиз.

Биринчи мисоллар асосида қилинган хулосаларни тасдиқловчи ва тўлдирувчи яна бир неча мисол келтираемиз.

Француз тилида, агар «гунг» *e* (ə) бўлмаса, урғу доимо охириги бўғинга тушади. Бу — синхрон факт, яъни французча сўзлар мажмуи



билан французча сўз урғуси орасидаги муносабатдир. У қардан пайдо бўлди? Албатта, олдинги ҳолатдан. Лотин тилида урғулар системаси бошқача ва анча мураккаб бўлган: агар бўғин чўзиқ бўлса, урғу охиридан олдинги бўғинга, агар қисқа бўлса, сўз охиридан учинчи бўғинча тушган (қиёсланг: *amicus* «дўст», бироқ *ánima* «қалб»). Бу қонун француз тилида урғунинг қўлланиш қонуни билан заррача ўхшашликка эга бўлмаган муносабатларни кўрсатади. Шунга қарамадан, бу аввалги жойларида қолган маънода айнан ўша урғудир. Французча сўзда урғу доимо лотин тилида бўлган бўғинга тушади: *amicum* — *ami*, *ánimat* — *âme*. Ҳолбуки, француз ва лотин тилларида урғу коидалари сўзлар шакллариининг ўзгарганлиги сабабли ҳар хилдир. Маълумки, урғудан кейин келган товуш ё барҳам топган ёки «гунг» *e* га айланган. Сўзнинг бундай ўзгариши оқибатида урғунинг бутун сўзга нисбатан ўрни бошқача бўлди. Натижада сўзловчилар янги муносабатнинг мавжудлигини англаган ҳолда урғуни, ҳатто, ўзлашган, ёзув орқали ўтган сўзларда ҳам ғайририхтиёрий тарзда охириги бўғинга қўя бошладилар (*facile, consul, ticket, burgrave* ва ҳ.к.). Сўзловчиларда системани ўзгартириш, урғунинг янги ўрнига онгли тарзда интилиш нияти бўлмаганлиги тайин, чунки *amicum* → *ami* типидagi сўзларда урғу ўз ўрнида қолган. Бироқ бу жараёнга диахрония аралашади ва, натижада, урғунинг ўрни, гарчи унга ҳеч ким тегмаган бўлса-да, ўзгаради. Лингвистик системага дахлдор барча қонунлар каби урғу қонуни ҳам система аъзоларининг ўзаро муносабати (*disposition*), яъни эволюциянинг тасодифий ва ғайририхтиёрий натижасидир.

Янада ҳайратомуз мисол келтирамиз. Эски славян тилида бирлик *лъто* сон биргалик келишиқда *лътом* шаклига, кўплик сондаги бош келишиқда *лъгь*, кўшлик сон қаратқич келишиғида *лътъ* ва б. шаклга эга. Бу турланишда ҳар бир келишиқнинг ўз қўшимчаси бор. Бироқ ҳинд-европа тилларидаги *й* ва *й* га бориб тақалувчи славянча «кучсиз» *ь* ва *ъ* ундилари пировард натижада барҳам топади. Бунинг оқибатида мазкур от, масалан, рус тилида қуйидагича турланади: *лето, летом, лета, лет*. *Рука* ҳам худди шундай турланади: бирлик сон биргалик келишиқ шакли *руку*, кўплик сон бош келишиқ шакли *руки*, кўшлик сон қаратқич келишиқ шакли *рук* ва б. Шундай қилиб, *лет, рук* шаклларида кўплик сон қаратқич келишиқ кўрсаткичи нолга тенг. Демак, тушунчани ифодалаш учун белгининг моддий бўлиши шарт эмас; тил бирор нарсани йўқ нарсага қарама-қарши қўйиш билан чегараланиши мумкин. Масалан, келтирилган мисолда, *рук* нинг

кўплик сон қаратқич келишик эканлигини унинг *рука* ҳам, *руку* ҳам қандайдир бошқа шакл эмаслигидан биламиз. Бир қарашда кўплик сон қаратқич келишиги тушунчаси каби шу қадар ўзига хос тушунчанинг ноль билан ғалати туюлиши мумкин, бироқ айнан у ҳамма нарсанинг соф тасодиф туфайли пайдо бўлишида далилдир. Тил етказилган шикастларга қарамасдан, ўз вазифасини бажаришда давом этадиган механизмдир.

Оқорида баён қилинганларнинг барчаси биз томондан таърифланган ва қисқача қуйидагича умумлаштириладиган тамойилларни тасдиқлайди:

Тил — барча таркибий қисмлари ўзаро синхрон боғлиқликда ўрганиш лозим бўлган системадир.

Ўзгаришлар бутун система бўйлаб унинг фақат у ёки бу элементида содир бўлади: бинобарин, улар фақат системадан ташқарида ўрганилиши мумкин. Албатта, ҳар қандай ўзгариш, ўз навбатида, системага таъсир қилади, лекин бошланғич далил фақат унинг бир нуктасига алоқадор бўлади; у (бошланғич далил) ўзидан келиб чиқадиган оқибатлар билан ҳеч қандай ички алоқада бўлмайди. Бир-бирини алмаштириб турадиган ва бирга амал қиладиган элементлар, хусусий далиллар ва бутун системага алоқадор далиллар орасидаги бу тафовут уларни ҳам, буларни ҳам бир фан доирасида ўрганишга қаршилик кўрсатади.




#### **4-§. СИНХРОНИЯ ВА ДИАХРОНИЯНИНГ КИЁСЛАШЛАР АСОСИДА КЎРСАТИЛГАН ФАРҚИ**

Бир вақтнинг ўзида синхрон қаторнинг диахрон қатордан мустақил ва унга тобе эканлигини кўрсатиш учун улардан биринчисини жисмнинг текисликдаги тасвири билан киёслаш мумкин. Ҳақиқатан ҳам, текисликдаги ҳар қандай проекция тасвирланаётган жисмга бевосита боғлиқ. Шунга қарамасдан, у фарқ килувчи қандайдир ўзига хос нарса. Акс ҳолда, проекциялар ҳақида махсус фан бўлмаган бўларди: жисмларнинг ўзини ўрганиш етарли эди. Тилшуносликда тарихий воқелик билан шу воқеликнинг у ёки бу пайтдаги проекциясидан иборат бўлган тилнинг ҳозирги ҳолати ўртасидаги муносабат ҳам шундай. Геометрик проекциялар тушунчасида жисмларнинг ҳар хил турлари катта эътибор билан ўрганилса ҳам, билиб олинмагани каби синхрон ҳолатлар ҳам

Умумий тилшунослик курси ~~~~~ Фердинанд дў Сосюр  
жисмларни, яъни диахрон воқеаларни ўрганиш йўли билан  
аниқланмайди.

Қуйидаги чизмадан (1-қисмнинг 3-бобидаги 4-§га қаранг)  
фойдаланиб, қиёслаш билан боғлиқ яна бир тажриба ўтказайлик:



Агар ўсимлик пояси кўндаланг кесилса, кесилган жойда маълум  
даражада мураккаб нақшни кўзрамиз. Бу — узунасига кесилган  
толалар кўринишидаги бир нарса: улар биринчисига перпендикуляр  
бўлган иккинчи кесимда кўзга ташланади.

Бу ерда ҳам кўринишлардан бири иккинчисига боғлиқ бўлади:  
бўйлама кесма ўсимликни ҳосил қиладиган толаларни, кўндаланг  
кесма эса уларнинг перпендикуляр текисликда гуруҳланишини  
кўрсатади; аммо иккинчи кесма биринчи кесмадан фарқ қилади,  
чунки у толалар орасидаги бўйлама текисликда кузатиб бўлмайдиган  
муносабатларни ҳам намоён қилади.

Ўйлаб топиш мумкин бўлган қиёслашлардан энг намуналисиди  
тилнинг қўлланиши билан шахмат ўйини ўртасида ўтказиш мумкин  
бўлган қиёслашдир. Бу ерда ҳам, у ерда ҳам қийматлар системаси ва  
уларнинг кузатиладиган ўзгариши мавжуд. Шахматдаги партияни  
тилда табиий шаклда берилган нарсанинг воқеланиши деса бўлади.

Энди шу қиёслашни батафсилроқ кўриб чиқамиз. Энг аввало,  
шахмат ўйинида сипоҳларнинг ҳолати (жойланиши) кўп жиҳатдан  
тилдаги ҳолат тушунчасига мос бўлади. Сипоҳларнинг тегишли  
қиймати, тилда ҳар бир элементнинг қиймати фақат унинг бошқа  
элементларга қарама-қарши туришига боғлиқ бўлгани каби  
уларнинг ҳам шахмат тахтасида турган пайтдаги ўрнига боғлиқ.  
Тўғри, сипоҳларнинг қиймати, шунингдек, ва ҳатто, асосан,  
ўзгармас келишувга — ўйин бошлангунга қадар мавжуд бўлган ва  
ҳар бир юришдан кейин ҳам ўз кучини сақлаб қоладиган ўйин  
қоидаларига боғлиқ. Аммо узил-кесил қабул қилинган бундай

Умумий тилшунослик курси ~~~~~ Фердинанд дў Соссюр  
кондалар тил соҳасида ҳам мавжуд: бу — семиологиянинг ўзгармас  
кондаларидир.

Ва, ниҳоят, мувозанатнинг бир ҳолатидан иккинчисига ёки — биз  
томондан қабул қилинган терминологияга кўра — бир синхрониядан  
иккинчи синхронияга ўтиш учун бир сипоҳ билан юришнинг ўзи  
етарли; барча сипоҳларни дарҳол суриш талаб қилинмайди. Биз бу  
ерда диахрон фактга тўлиқ мосликни кўрамиз. Ҳақиқатан ҳам:

а) шахматдаги ҳар бир юриш фақат бир сипоҳни ҳаракатга  
келтиради; тилда ҳам шундай: фақат айрим элементларининг  
ўзгаришига дуч келади.

б) шунга қарамасдан, ҳар бир юриш бутун системага таъсир  
қилади; ўйинчи ҳар бир юришнинг оқибатларини олдиндан аниқ  
кўролмайди-ю, барча сипоҳлар мазкур юриш натижасида содир  
этилиши мумкин бўлган қийматларнинг ўзгариши вазиятга қараб,  
жуда кам (йўқ даражада), жуда кўп ёки ўртамиёна бўлиши мумкин.  
Бир юриш бутун ўйинни ўзгартириб юбориши ва улар ҳали юриш  
қилмаган сипоҳларга таъсир қилиши мумкин. Биз юқорида бунинг  
тилга нисбатан шундай эканлигини кўрдик.

в) алоҳида олинган сипоҳнинг юриши мувозанатнинг ундан  
олдинги ва ундан кейинги ҳолатидан мутлақо фарқ қилувчи фактдир.  
Содир этилган ўзгариш бу ҳолатларнинг бурортасига ҳам тааллуқли  
эмас, биз учун эса фақат ҳолатлар муҳим.

Шахмат ўйинида ҳар қандай вазият ўзидан олдин содир  
бўладиган ҳар қандай вазиятга батамом бефарқ эканлиги билан  
характерланади. Унинг қандай кечганлигининг аҳамияти йўқ; бутун  
ўйинни бошидан кузатиб турган томошабин ўйинни танг ахволда  
келиб кўрган кишига нисбатан заррача афзаликка эга эмас; ушбу  
шахмат ўйини вазиятини тавсифлаш учун тахтада бундан ўн дақиқа  
олдин нима содир бўлганини эслашга мутлақо ҳожат йўқ. Бу  
мулоҳазаларнинг барчаси тилга ҳам татбиқ этилиши ва диахрония ва  
синхрония ўртасида биз томондан белгиланган асосий тафовутни яна  
бир бор таъкидлайди.

Нутқ фақат тилнинг мазкур ҳолати доирасидагина фаолият  
кўрсатиши мумкин ва унда бир ҳолат билан иккинчиси ўртасида  
содир бўладиган ўзгаришларга ўрин йўқ.

Бизнинг қиёслашимиз фақат бир нуктада кўнгилдагидек эмас:  
шахматчида маълум юришни қилиш ва тахтадаги муносабатлар  
системасига таъсир этиш нияти бор, тил эса ҳеч нарсани ўйламайди  
— унинг «сипоҳлари» стихияли тарзда тасодифан ҳаракат қилади ёки,

Умумий тилшунослик курси ~~~~~ Фердинанд дў Соссюр  
аникроғи, ўзгаради. Умлаут *hanti* ўрнидаги *Hände* ва *gasti* ўрнидаги *Gäste* шаклларида [1-қисм, 3-боб, 3-§га қаранг] янги турнинг кўплик сонини яратди; у *tragit* ўрнида *trägt* феъл шаклини ҳам юзага келтирди ва ш.к. Шахмат ўйини тилнинг қўлланилишига ҳар томонлама ўхшаш бўлмоғи учун онгсиз тарзда ҳаракат қиладиган ва ёки шахмат ўйинидан хабардор бўлмаган кишини кўз олдига келтириш лозим. Бироқ шу ягона фарқ тилшуносликда ходисаларнинг икки қаторини фарқлаш мутлақо зарур эканлигини кўрсатиб, қиёслашни янада намунали қилади. Ҳақиқатан ҳам, агар диахрон фактларни шу фактлар билан шартланган синхрон системага, ҳатто, тегишли ўзгаришлар бамаъни ниятга тобе бўлганда ҳам, солиб бўлмаса, у ҳолда аҳвол шу диахрон фактлар белгиларнинг уюшган системаси билан тўқнаш келиб, тасодифий кучни намоён этганда ҳам ўзгармасдан қолади.



## 5-§. СИНХРОН ВА ДИАХРОН ТИЛШУНОСЛИКЛАРНИ УЛАРНИНГ МЕТОД ВА ТАМОЙИЛЛАРИ НУҚТАИ НАЗАРИДАН ҚАРАМА-ҚАРШИ КЎЙИШ

Диахрон ва синхрон тилшунослик ўртасида зидланиш ҳамма жойда кўзга ташланади. Масалан, улар, биз очик-ойдин кўриниб турган ходисалардан бошлаймиз, ўзларининг тилга нисбатан аҳамиятига кўра бир хил эмас. Синхрон аспектнинг диахрон аспектдан устун эканлиги тушунарли, чунки сўзловчилар учун у ҳақиқий ва ягона воқелиқдир (1-қисмнинг 3-бобидаги 2-§га қаранг). Бу гап тилшуносга ҳам тегишли: агар у диахрон аспекти қабул қилса, тилни эмас, балки фақат унинг шаклини ўзгартириб турадиган ходисалар қаторини кўради. Кўпинча, мазкур ҳолатнинг келиб чиқишини билишдан кўра муҳимроқ нарса йўқ деб даъво қиладилар; бу фикр маълум маънода тўғри: мазкур ҳолатни юзага келтирган шароитлар бизга унинг асл табиатини тушунтириб беради ва бизни айрим хом хаёллардан асрайди (1-қисмнинг 3-боби 3-§га қаранг), бироқ диахроник ўрганиш ягона мақсад эмаслиги ҳам айнан шу билан исботланади. Журналистика ҳақида айтилганларни унга нисбатан ҳам қўллаш мумкин: у беистисно ҳамма нарсага йўл очади — фақат ундан (ўз вақтида) чиқа билиш керак, холос.

Синхрония ва диахрония методлари ҳам ҳар хил ва бунинг устига, икки хил намоён бўлади:

- а) синхрония фақат бир аспекти, сўзловчилар аспекти биледи

ва унинг бутун методи улардан тил фактларини тўплашга бориб тақалади; у ёки бу тил ҳодисасининг реал мавжуд эканлигига ишонч ҳосил қилиш учун унинг сўзловчилар онгида қай даражада мавжудлигини аниқлашнинг ўзи етарли. Аксинча, диахрон тилшунослик икки аспектни — вақт оқими билан изма-из борадиган перспектив йўналганликни ўзаро фарқлаш керак; методнинг иккига бўлиниши шундан. Биз бу ҳақда ушбу ишнинг бешинчи қисмида сўз юритамиз.

б) иккинчи тафовут у ёки бу фанга тегишли соҳа ҳажмидаги тафовутдан келиб чиқади. Синхрон тадқиқотнинг объектини вақтга нисбатан мос бўлган фактларнинг ҳаммаси эмас, балки фақат у ёки бу тилга тааллуқли фактлар мажмуи ташкил этади; эҳтиёжга қараб бўлиниш шева ва тагшеваларга ҳам етиб боради. Моҳиятан, синхрония термини унчалик аниқ эмас: уни, гарчи бироз узун бўлса-да, идиосинхрония термини билан алмаштириш керак эди. Аксинча, диахрон тилшунослик нафақат бундай ихтисослашишни талаб қилади, балки уни инкор ҳам этади; у ўрганадиган элементлар айнан бир тилга мансуб бўлиши шарт эмас (киёсланг: хиндевро. *esti*, юн *ésti*, олим. *ist*, франц. *est*). Айрим тиллар орасидаги фарқ тилда вақт ўқида намоён бўладиган ва макон омили билан кўпайтириладиган воқеалар қатори ёрдамида ҳосил қилинади. Икки шаклни киёслаш учун улар орасида, қанчалик билвосита бўлмасин, тарихий алоқанинг бўлиши старли.

Булар энг ёрқин ва энг кучли зидланишлар эмас: эволюцион шакл билан статик шакл ўртасидаги асосий антиномиядан шундай хулоса келиб чиқадики, униси ёки бунисига тааллуқли барча тушунчаларни бир-бирига бир хил даражада боғлаб бўлмайди. Бу тушунчаларнинг ҳар бири бундай ҳолатнинг исботи бўлиши мумкин. Шундай қилиб, синхрон ҳодиса диахрон ҳодиса билан ҳеч қандай умумийликка эга эмас (1-қисмнинг 3-боби 3-§ига қаранг): биринчиси — бир пайтда мавжуд элементлар орасидаги муносабат бўлса, иккинчиси — бир элементни, яъни ҳодисани иккинчиси билан замонда алмаштиришдир. Қуйида (2-қисмнинг 3-бобига қаранг) биз диахрон ва синхрон ўхшашликлар мутлақо ҳар хил нарсалар эканлигини кўраимиз: тарихий нуктаи назардан француз тилидаги *pas* «-ма» инкор юкламаси билан *pas* «қадам» от сўз туркуми айнан ўхшаш бўлса, ҳозирги тилда улар батамом ҳар хил элементлардир. Шу ҳолатларнинг ўзи ҳам бу икки фикрни аралаштириш мумкин эмаслигини тушуниш учун етарли, бироқ бундай чегаралаш

Умумий тилшунослик курси ~~~~~ Фердинанд дў Соссюр зарурияги бирор жойда ҳам биз ҳозир кўриб чикмокчи бўлаётган фарқдагидек аниқ намоён бўлмайди.



## 6-§. СИНХРОН ҚОНУН ВА ДИАХРОН ҚОНУН

Биз тилшуносликда амал қиладиган конуниятлар хақида эшитишга кўникиб кетганмиз. Бироқ тил фактлари ҳақиқатан ҳам конуниятлар билан бошқариладими, агар шундай бўлса, бу конуниятлар қанақа бўлади. Тил ижтимоий устқурма экан, *apriori* айтиш мумкинки, у ҳам жамият ҳаётини бошқарадиган кўрсатмаларга ўхшаш йўл-йўриқлар билан бошқарилади. Маълумки, ҳар қандай ижтимоий қонун икки асосий белгига эга: у буйруқ оҳангида ва ялли характерда бўлади. Қонун, албатта, муайян замон ва макон чегаралари доирасида ҳамма учун мажбурий ва умумий.

Тил қонунлари бундай таърифга жавоб берадими? Буни аниқлаш учун, энг аввало, ҳозиргина юқорида айтилганга мувофиқ тарзда бу ерда ҳам синхрон ва диахрон соҳаларни ўзаро фарқлаш лозим. Олдимизда аралаштириш мумкин бўлмаган икки ҳар хил муаммо туради: лингвистик қонун ҳақида гапириш, умуман, белгини тушуниш билан бир нарса.

Мана юнон тили соҳасидан олинган бир неча мисол. Бунда синхрония ва диахрония «қонунлари» атайлаб аралаштирилган:

1. Ҳинд-европа тилларида нафас чиқиши билан талаффуз қилинадиган жарангли ундошлар худди шундай талаффуз қилинадиган жарангсиз ундошларга ўтган: *dhūmos* → *thūmós* «ҳаёт», *bherō* → *phérō* «олиб боряпман» ва ш.к.

2. Урғу ҳеч қачон сўз охиридан учинчи бўғиндан нарига тушмайди.

3. Барча сўзлар унли ёки *s*, *n*, *r* товушлари, аммо ҳеч қачон тугамайди.

4. Сўз бошида келган *s* унлидан олдин *h* га ўтади (қалин нафас товуши): *septm* (лат. *septem*) → *heptá* «етти».

5. Сўз охирида келган *m* *n* га айланади: *jugon* → *zugón* (ўрта лотин тилидаги *jugum*) «бўйинтурук» билан қиёсланг).

6. Сўз охирида келган портловчилар тушиб қолади: *gunaik-gúnai* «(о) хотин!», «(о) аёл!», *epheret-éphere* «у олиб келарди», *epheront* → *épheron* «улар олиб келардилар».

Умумий тилшунослик курси ~~~~~ Фердинанд дў Соссюр

Бу конунларнинг биринчиси диахроник конундир: *dh* барча ҳолатларда *th* га ўтди ва б. Иккинчиси бутунлик сифатидаги сўз билан урғу орасидаги муносабатни — бир пайтда мавжуд бўлган элементларнинг ўзига хос «келишуви»ни ифодалайди: бу синхрон қонун. Учинчи қонун ҳам шундай, чунки у бутунлик сифатидаги сўз ва унинг кўшимчасига алоқадор. Тўртинчи, бешинчи ва олтинчи қонунлар диахрон қонунлар ҳисобланади: *s h* га, сўз охиридаги *m n* га, сўз охирида келган *t, k* ва бошқа портловчилар изсиз йўқолди.

Шунингдек, учинчи қонун бешинчи ва олтинчи қонунларнинг ҳосиласи эканлигини ҳам қайд этиш лозим: икки диахрон факт бир синхрон фактни ҳосил қилган.

Қонунларнинг бу икки гуруҳини ўзаро шу тарзда фарқлаб, биз иккинчи ва учинчи қонунлар биринчи, тўртинчи, бешинчи ва олтинчи қонунлар билан бир хил эмаслигига ишонч ҳосил қиламиз.

Синхрон қонун — умумий қонун, аммо у қатъий (буйруқ тарзидаги) қонун эмас; нарса-буюмларнинг мавжуд тартибини бемалол акс эттириб, фақат қандайдир ҳолатнигина қайд этади. У, масалан, мазкур боғда дарахтлар эгри-бугри ўтқазилган, деган фикр қанчалик қонун бўлса, у ҳам шунчалик қонундир. Нарса-буюмларнинг у акс эттираётган тартиби айнан шу тартибнинг қатъий эмаслиги боис омонат. Нутқда синхрон қонун шу маънода мажбурийки, у ҳар бир кишига жамоавий одат туфайли зўрлаб юкланган деган фикрга эътироз билдириш мумкиндек туюлади. Бу тўғри, аммо биз «қатъий» сўзини сўзловчига нисбатан мажбурий деган маънода тушунмаймиз.

Қатъийликнинг йўқлиги тилда қандайдир нуктада қарор топган мунтазамликни сақлаб қолишни кафолатловчи кучнинг мавжуд эмаслигини англатади. Масалан, логин тилида урғуни тартибга солиб турувчи синхрон қонундек мунтазам (юқорида 2-руқнда келтирилган юнон урғуси билан аниқ қиёслаш мумкин бўлган) нарса йўқ; ҳолбуки, урғуга оид бу қоидалар ўзгариш омиллари олдида бардош беролмади ва ўз ўрнини француз тилида амал қилаётган янги қонунга бўшатиб берди (1-қисмнинг 3-боби 4-§ига қаранг). Хуллас, синхронияда қонун бор деб айтиш мумкин бўлса, у ҳолда фақат тартибга солиш, мунтазамлик тамойили маъносидаги қонун ҳақида гапириш мумкин.

Диахрония, аксинча, динамик — муайян натижага олиб келувчи, маълум ҳаракат бажарувчи омилни тақозо этади. Аммо қонун тушунчасини тил эволюцияси фактларига нисбатан татбиқ этиш учун шу қатъий (буйруқ маъносидаги) характернинг ўзи етарли эмас;



Умумий тилшунослик курси ~~~~~ Фердинанд дў Соссюр  
ҳодисаларнинг бутун бошли мажмуи ягона қоидага бўйсунган  
ҳолатлардагина қонун ҳақида гапириш мумкин. Диахроник воқеалар  
эса амалда, очиқ-ойдин кўзга ташланиб турган истисноларга  
қарамасдан, доимо тасодифий ва хусусий характерда бўлади.

Бу семантик омилларга нисбатан дарров кўзга ташланади: агар  
французча *poutre* «бия» «тўсин» маъносини олган бўлса, у ҳолда бу  
хусусий сабаблар туфайли юзага келган ва тилда ўша даврда содир  
бўлиши мумкин бўлган бошқа ўзгаришларга боғлиқ бўлмаган; бу тил  
тарихи томонидан қайд этиладиган кўплаб тасодифотлар  
занжиридаги соф тасодифлар бўлган.

Синтактик ва морфологик ўзгаришларга нисбатан олганда масала  
бир қарашда унчалик аниқ эмас. Қайси бир даврда француз тилидаги  
дастлабки бош келишкнинг барча шакллари барҳам топган. Бу ерда  
умумий қонунга бўйсунадиган фактлар мажмуи йўқми? Йўқ, чунки  
буларнинг барчаси айнан бир фактнинг турлича намоеён бўлиши,  
холос. Ўзгаришларга дучор бўлган нарса бош келишк  
тушунчасининг барҳам топиши, табиийки, унинг шакллари  
мажмуининг барҳам топишига ҳам олиб келди.

Тилнинг фақат юза қисмини кўрадиган ҳар қандай киши учун  
феномен (фавкуллода ҳодиса) унинг кўпдан-кўп кўринишлари  
орқасида яшириниб қолган бўлади; ҳақиқатда эса у моҳиятан биргина  
ва *poutre* «бия» сўзи билан боғлиқ ҳолда юзага келган семантик  
ўзгариш каби узоқ тарихий воқеадан иборатдир. У фақат система  
доирасида амалга ошиши сабаблигина «қонун» шаклини олади;  
системанинг қатъий тартибга солинганлиги учун диахрон факт ҳам  
синхрон факт амал қиладиган шартларга бўйсунди, деган нотўғри  
фикрни юзага келтиради.

Ниҳоят, фонетик ўзгаришларда ҳам аҳвол шундай; шунга  
қарамасдан, фонетик қонуниятлар ҳақида тап тортмай гапирадилар.  
Ҳақиқатан ҳам, мазкур лаҳзада, мазкур соҳада айнан бир хил товуш  
хусусиятига эга бўлган сўзлар айнан бир хил ўзгаришга дуч келади,  
дейишади. Масалан, юқорида кўриб чиққанимиз, 1-қонун (1-қисмининг  
3-бобидаги 6-§ига қаранг) (*dhūmos* → юнон. *thūmós*) таркибида  
жарангли ва нафас ундоши бўлган барча юнонча сўзларга тегишлидир.  
Қиёсланг: *nebhos* → *nēphos* «булут», *medhu* → *mēthu* «вино», *anghō* →  
*ānkhō* «буғмоқ» ва б. юқорида қараб чиқилган 4-қонунни (*septm* →  
*heptá*) *serpō* → *hērpō* «судралиб юрувчи» сўзига, *sūs* — *hūs* «чўчка»  
сўзини эса, умуман, *s* билан тугалланган барча сўзларга татбиқ этиш  
мумкин. Баъзан баҳсларга сабаб бўлган бу мунтазамлик бизга жуда

мустаҳкам қарор топгандек кўринади; зоҳирий кўринган истиснолар бу хил ўзгаришларнинг табиатини бартараф қилмайди, чунки улар ё нисбатан хусусий фонетик қонуниятлар билан (қиёсланг: *trikhes: thriksi*; 1-қисмнинг 3-боби 6-§га қаранг) ёки бошқа хил фактларнинг (масалан, аналогия ва ш.к.) аралашуви билан изоҳланади. Гўё бирор нарса ҳам «қонун» тушунчасининг юқорида келтирилган таърифига тўғри келмайдигандек туюлади. Ҳақиқатда эса фонетик қонунни асослаш мумкин бўлган ҳолатлар қанчалик кўп бўлмасин, у қамраб оладиган фактлар бир хусусий фактнинг кўринишидан бошқа нарса эмас.

Масаланинг моҳияти фонетик ўзгаришларнинг нима учун сўзларга ёки фақат товушларга тегишли эканлиги билан белгиланади. Жавоб шубҳа туғдирмайди: *néphos, méthu, ankho* ва шу кабиларда муайян фонема ўзгаради: бир ҳолатда жарангли нафас ундоши жарангсиз нафас ундошига, иккинчи ҳолатда сўз бошида келган *s h* га ўтади ва б. Бу ҳодисаларнинг ҳар бири бошқа шундай ҳодисаларга ҳамда ўзи содир бўлаётган сўзларга боғлиқ эмас. Табиийки, бу сўзларнинг фонетик таркиби ўзгаради, бироқ бу бизни ҳодисанинг ҳақиқий табиати масаласида алдамаслиги керак.

Фонетик ўзгаришларда сўзларнинг ўзи бевосита иштирок этмайди, деганда биз нимага асосланамиз? Оддий кузатув натижаларига асосланамиз: фонетик ўзгаришлар амалда сўзларга боғлиқ бўлмаган ҳолда содир бўлади ва уларнинг моҳиятига таъсир қилмайди. Чунки сўзнинг яхлитлиги унинг фонемалари мажмуи билан белгиланади, сўзнинг бошқа хусусиятларига эмас, балки моддий томонига таянади. Роялнинг бир сими оҳангни бузаяпти, деб фараз қилайлик: мусиқа чаламиз деб рояль тугмасига қўл урганимиз ҳамона оҳанги бузилган нота жаранглай бошлайди. Бироқ у айнан қаерда жаранглаяпти? Оҳангдами? Йўқ, албатта: оҳангда эмас, балки рояль ишдан чиққан ҳолос. Айнан шу ҳолат фонетикада ҳам содир бўлади. Фонемаларимиз системаси — биз сўзларни кўплаб чаладиган чолғу асбоби: система элементлардан бири ўзгарса, турли оқибатлар келиб чиқиши мумкин, бироқ ўзгариш ўзига, айтиш мумкин бўлса, репертуаримиз мелодиялари бўлмиш сўзларга асло таъсир қилмайди.

Хуллас, диахрон фактлар тасодифий характерда бўлади; системадаги ўзгаришлар нафақат унга бегона (1-қисмнинг 3-бобидаги 3-§га қаранг), шунингдек, бошқалардан ажралиб турадиган ва биргаликда системани юзага келтирадиган ҳодисалар натижасида содир бўлади.

Хулоса: синхрон фактлар, қандай бўлишидан қатъи назар, маълум даражада мунтазам намоён бўлиб туради, бироқ буйрук характерида эмас; диахрон фактлар, аксинча, тилга мажбуран тақалган, аммо ялпи характерида эмас.

Бир сўз билан айтганда — бу биз келишни истаган асосий хулоса эди — на синхрон ва на диахрон далиллар юкорида таърифланган маънодаги қонунларга амал қилади. Шунга қарамасдан ҳам лингвистик қонуниятлар ҳақида гапириш керак бўлса, у ҳолда мазкур термин биз уни нимага — синхрон тартибдаги ҳодисалар ёки диахрон тартибдаги ҳодисаларга нисбат беришимизга қараб, мутлақо бошқа маъно касб этиши мумкин.



## 7-§. ПАНХРОН ҚАРАШ МАВЖУДМИ?

Ҳозиргача биз «қонун» сўзини юридик маънода тушуниб келдик. Бироқ тилда, эҳтимол, физик ва табиий фанлар тушунадиган маънодаги қонунлар, яъни ўзининг мутахассиси эканлигини ҳамиша ва ҳамма жойда намоён этадиган муносабатлар мавжуддир? Бошқача айтганда, тилни панхроник нуқтаи назардан ўрганиш мумкин эмасми?

Албатта, мумкин. Модомики, фонетик ўзгаришлар доимо содир бўлиб турган ва содир бўлиб турар экан, бу ходисани, умуман, тилнинг барқарор хоссаларидан, бинобарин, қонунларидан бири сифатида қараш мумкин. Тилшуносликда ҳам шахмат ўйинидаги каби (1-қисмнинг 3-боби 4-§ига қаранг) барча ҳодисалардан кўпроқ яшайдиган қоидалар бор. Бироқ бу аниқ далилларга боглиқ бўлмаган умумий тамойиллардир ҳолос. Хусусий ва ҳис қилиш мумкин бўлган омилларга нисбатан эса ҳеч қандай панхроник қарашнинг бўлиши мумкин эмас. Масалан, ҳар қандай фонетик ўзгариш, тарқалиш даражасидан қатъи назар, доимо муайян вақт ва муайян ҳудуд билан чегараланган бўлади; у сира барча замонларга ва ҳудудларга тарқалмайди, у фақат диахрон нуқтаи назардан мавжуд. Биз айнан шунда нима тилга тааллуқли-ю, нима тааллуқли эмаслигининг фарқан мезонини топишимиз мумкин. Панхроник нуқтаи назардан тушунтириш мумкин бўлган аниқ далил тилга мансуб бўлолмайди. Французча *chose* «нарсa, буюм» сўзини олиб кўрайлик. Диахрон нуқтаи назардан у лотин тилида ўзи келиб чиққан *causa*га қарама-қарши қўйилса, синхрон нуқтаи назардан у билан ҳозирги француз тилида фикран боғланган барча сўзлар қарама-қарши қўйилади. Шу

Умумий тилшунослик курси ~~~~~ Фердинанд дў Соссюр  
сўзнинг ўзича олинган товушларигина (*o:z*) панхрон аспектда  
ўрганилиши мумкин, бироқ улар лингвистик қийматга эга эмас; ва,  
ҳатто, панхрон нуқтаи назардан нутқ оқимида, масалан, *un* *o:z*  
*admirablə* (*une chose admirable* «кишини мафтун қиладиган нарса»)  
сўз бирикмаси таркибида олинган *o:z* ҳам ягона ҳодиса эмас; бу ҳеч  
нарсa билан чагараланмаган шаклсиз масса. Ҳақиқатан ҳам, нега *o:za*  
ёки *n**o:* эмас, балки *o:z*? Буларнинг бирортаси ҳам қийматга эга эмас,  
чунки уларда маъно йўқ. Бинобарин, тилнинг конкрет фактлари  
панхроник нуқтаи назардан ўрганилиши мумкин эмас.



## 8-§. СИНХРОНИЯ ВА ДИАХРОНИЯНИ ФАРҚЛАМАСЛИК ОҚИБАТЛАРИ

Бу ерда икки ҳолат кузатилиши мумкин:

а) юзаки қараганда, синхрон воқелик диахрон воқеликни инкор  
этмайди, шунинг учун улардан бирини танлаш керакдек туюлади;  
ҳақиқатда эса бунга эҳтиёж йўқ: уларнинг бирортаси ҳам  
иккинчисини инкор қилмайди. Агар французча *dépit* «ўкинч,  
ачиниш» сўзи илгари «нафрат» маъносини англатган бўлса, бу унга  
мутлақо бошқа маъно касб этишига монелик қилмайди, этимология  
ва синхрон маъно — бошқа-бошқа нарсалардир. Ёки ҳозирги  
француз тилининг семантик грамматикаси ҳозирги замон  
сифатдоши бир хил ҳолатларда ўзгаради ва сифат вазифасини  
бажараётган от билан мослашади (масалан, *une personne courante*  
*dans la rue* «кўчада чопиб кетаётган киши») бошқа ҳолатларда эса  
ўзгармайди, деб ўргатади. Бироқ тарихий грамматика мазкур  
ҳолатда гап бир эмас, балки икки шакл ҳақида бораётганини  
кўрсатди? Биринчиси, родда ўзгарадиган латинча *currentum*  
сифатдошидан, иккинчиси эса сифатдошнинг родда ўзгармайдиган  
биргалик келиши шакл *currendō* дан ҳосил бўлган. Синхрон  
ҳақиқат диахрон ҳақиқатга қарши турадимиз ва тарихий  
грамматикани деб аъанавий грамматикани айблаш керакми? Йўқ,  
чунки бундай қилиш фақат ҳақиқатнинг ярмини кўриш билан тенг;  
тилнинг пайдо бўлиши учун фақат тарихий факт муҳим ва етарли  
деб ҳисобланмаслиги керак. Албатта, *courant* сифатдоши икки  
манбага эга, бироқ лисоний онг уларни ўзаро яқинлаштиради ва бир  
нарсaга олиб келиб тақайди: синхрон ҳақиқат ҳам диахрон ҳақиқат  
каби мутлақ ва инкор этиб бўлмайдиган ҳақиқатдир.

б) синхрон ҳақиқат диахрон ҳақиқатга шу даражада яқин келадики, уларни ё аралаштириб юборадилар ёки фарқлаш ортиқча деб ўйлайдилар. Масалан, французча *père* «ота» сўзининг ҳозирги маъносини тушунтириш учун латинча *pater* худди шундай маънога эгаллигини айтиш етарли деб ҳисоблайдилар. Бошқа мисол: латинча қиска *a* очиқ бош бўғинда келмаган ҳолатларда *i* га ўтади: *faciō* «қилипман» билан бир қаторда *conficiō* «содир этяпман», *amicus* «дўст» билан бир қаторда *inimicus* «душман, дўст эмас» ва бошқаларга эгамиз. Кўпинча, қонун шундай тузилади: *faciō* сўзидаги *a* *conficiō* сўзидаги *i* га ўтади, чунки *i* бошқа бўғинга келиб қолади. Бу тўғри эмас: *faciō* сўзидаги *a* ҳеч қачон *conficiō* сўзидаги *i* га «ўтган» эмас. Ҳақиқатни тиклаш учун икки даврни ва муносабатнинг икки узвини фарқлаш керак: дастлаб *faciō-confaciō* деганлар, *confaciō conficiō* га ўтгандан кейин, *faciō* эса ўзгаришсиз қолгач, *faciō-conficiō* деб талаффуз қилина бошланган, буни чизмада шундай ифодалаш мумкин:

А даври	$faciō \leftrightarrow confaciō$
Б даври	$faciō \leftrightarrow conficiō$

Агар «ўзгариш» ҳақида гапириш керак бўлса, уни *confaciō* ўртасидан излаш керак; юқорида келтирилган қоида шу даражада ғализ ифодаланганки, унда, ҳатто, биринчи ўзгариш тилга ҳам олинмаган! Яна шуни ҳам таъкидлаш керакки, аслида диахрон факт бўлган бу ўзгариш билан бир қаторда биринчисидан батамом фарқ қилувчи ва *faciō* билан *confaciō* орасидаги соф синхрон зидланишга тегишли бошқа факт ҳам бор. Одатда, бу факт эмас, балки натижадир дейишади. Бироқ бу муайян тартибдаги факт, шунинг учун барча синхрон ҳодисалар айнан шундай фактлар эканлигини таъкидлаш лозим; *faciō* — *confaciō* зидлигининг ҳақиқий салмоғини аниқлашга шу зидланишнинг аҳамияти кам эканлиги монелик қилади. Шу билан бирга, *Gast* — *Gäste*, *gebe* — *gibt* жуфтликларини олиб қарайдиган бўлсак, бу зидланишлар, гарчи фонетик эволюциянинг тасодифий ҳосиласи бўлса ҳам, синхрон кесмада энг муҳим грамматик феноменларни ҳосил қилиши мумкинлигига ишониш қийин эмас. Бундан ташқари, ҳодисаларнинг икки қатори ҳам ўзаро узвий боғлиқлиги ва шартланганлиги боис уларни фарқлашга ҳожат йўқ деган фикр пайдо бўлади ва ҳақиқатан ҳам, тилшунослик ўз методининг ҳеч нарсага ярамаслигини пайқаманган ҳолда, ўнлаб йиллар давомида уларни аралаштириб келди.

Аммо айрим ҳолатларда бу хато кўзга яққол ташланиб туради. Масалан, юнонча *phuktós* «қочиб қутулган» тушунтириш учун шундай дейиш етарлидек кўринади: юнон тилида *g* ва *kh* жарангиз ундошлардан олдин келганда *k* га ўтади ва бу *phugeîn* «қочмоқ»: *phuktós* «қочиб қутулган», *lêkhos* «тўшак»: *lêktron* «тўшакни» каби синхрон мосликларда кўзга ташланади. Лекин биз бу ерда *trinkhes* «соч»: *thriksi* «сочга» сингари ҳолатларга ҳам дуч келамиз: *t* нинг *th* товушига ўтиш шаклида мураккаблашиш бор. Бу сўз шаклларини фақат тарихий нуқтаи назардан, ҳодисаларнинг нисбий даврланишидан фойдаланиш йўли билан тушунтириш мумкин. *Thrikh* нинг дастлабки асоси *-si* кўшимчасини қўлланган ҳолда *thriksi* ни берди — бу жуда қадимги, *lekh* ўзгидан *lêktron* ҳосил қилган ҳодисага ўхшаш ҳодисадир. Кейинчалик ҳар қандай нафас товуши ундан кейин яна нафас товуши келганда, тегишли жарангсиз ундошга ўтади ва *thrikhes trikhes* га айланади; табиийки, *thriksi* бу қонунни четлаб ўтади.



## 9-§. ХУЛОСАЛАР


Шу тарзда тилшунослик ўзининг иккинчи дихотомиясига яқинлашади. Аввал тил ва нутқ орасидан танлашга («Кириш»нинг 4-бобига қаранг) тўғри келган бўлса, ҳозир иккинчи чорраҳада турибмиз; ундан икки йўл кетади. Улардан бири диахронияга, иккинчиси синхронияга олиб боради.

Таснифнинг бу икки тарафлама тамойилидан фойдаланиб, биз тилдаги барча нарсалар фақат нутқ орқали диахрон моҳият касб этади, дейишимиз мумкин. Барча ўзгаришлар манбаи айнан нутқда бўлади; уларнинг ҳар бири умумий муомалага киришдан олдин сўзловчиларнинг маълум қисми томонидан қўллана бошлайди. Ҳозир немис тилида *ich war* «мен бўлдим», *wir waren* «улар бўлди» дейишса, эски олмон тилида XVI асрга қадар шундай туслаганлар: *ich was*, *wir waren* (инглиз тилида ҳозиргача *I was*, *We were* дейишади). Бу ўзгариш қандай содир бўлган? *Was* ўрнида *war* қўллангани учунми? Айрим кишилар *waren* таъсирида аналогия (ўхшашлик) йўли билан *war* шаклини ҳосил қилганлар — бу нутқ ҳодисаси эди: тез-тез қўлланиб турган бу шакл жамоа томонидан қабул қилинди ва тил ҳодисасига айланди. Аммо нутқдаги барча янгилликлар ҳам шундай муваффақият билан яқунланавермайди ва индивидуал характерда бўлгани учун уларни эътиборга олишнинг ҳожати йўқ, чунки биз

Умумий тилшунослик курси ~~~~~ Фердинанд дў Сосюр  
тилни ўрганиямиз; бу инновациялар жамоа томонидан қабул  
қилинган пайтдан бошлаб, қизиқишларимиз доирасига киради.

Эволюция факти доимо фактдан ёки, аниқроқ айтганда, нутқ  
доирасидаги кўплаб ўхшаш фактлардан олдин келади: бу юқорида  
аниқланган тафовутга заррача ҳам зид эмас, аксинча, айнан шу  
тафовут билан асосланади, чунки ҳар қандай инновация тарихида биз  
ҳамиша икки ҳолатни — унинг: 1) айрим шахсларда пайдо бўлиш  
ҳолати ва 2) тил ҳодисасига айланиш, яъни шаклан ўзича қолгани  
ҳолда бутун лисоний жамоа томонидан қабул қилинган ҳолатини  
қайд этамиз.

Куйида келтирилган чизмада тилшунослик илми эътироф этиши  
лозим бўлган * рационал шакл тасвирланган:



Тан олиш керакки, фаннинг назарий эҳтиёжларини кондирувчи  
рационал шакл унга амалиёт талаблари томонидан мажбурият  
юкланадиган шаклга доимо ҳам мос келавермайди. Тилшуносликда  
амалиёт талаблари бошқа фанлардаги талабларга қараганда кўпроқ  
буйруқ характерида бўлади; улар ҳозир тилшуносликда ҳукм  
сураётган чалкашликни маълум даражада оклайди. Ҳатто, биз  
томондан аниқланган фарқлашлар узил-кесил қабул қилинганда ҳам,  
илмий изланишларни ана шу олий мақсад ҳаққи ўша қатъий талаблар  
билан боғлашнинг, эҳтимол, имкони бўлмаган бўларди.

Шундай қилиб, тилшунос, масалан, эски француз тилини синхрон  
нуктаи назардан ўрганаётганда шу тилнинг XIII асрдан то XIX  
асргача бўлган даврдаги тарихи берган далил ва тамойиллар билан  
ҳеч қандай умумийликка эга бўлмаган далил ва тамойиллар билан иш  
қўради, лекин уларни ҳозирги тиллардан бири банту, эр. авв. V  
асрдаги юнон (аттика) тили ёки, ниҳоят, ҳозирги француз тилини  
ўрганиш жараёнида намоён бўладиган далил ва тамойиллар билан  
қиёслаш мумкин. Гап шундаки, бу каби тадқиқотлар ўхшаш  
муштарак муносабатларга асосланади. Гарчи алоҳида олинган ҳар бир  
тил ёпиқ системани ҳосил қилса-да, уларнинг барчаси биз бир тилдан  
иккинчи тилга ўтганда, муқаррар равишда дуч келадиган айрим  
барқарор тамойиллар бўлишини тақозо этади, чунки ҳамма жойда  
айнан бир хил ҳодисалар доирасида қолаверамиз. Тарихий

Умумий тилшунослик курси ~~~~~ Фердинанд дў Соссюр

мавулардаги тадқиқотларда ҳам айнан шу ҳолат кузатилади: француз тили тарихининг маълум даврини (масалан, XIII–XX асрларни), яван тили ёхуд бошқа ҳар қандай тилни ўрганамизми, ҳамма жойда ўхшаш фактлар билан иш кўраемиз. Диахрон характердаги умумий ҳолатларни аниқлаш учун эса уларни қиёслашнинг ўзи етарли. Ҳар бир олим ўзини лингвистик тадқиқотларнинг бир ёки икки томонини ўрганишга бағишласа ва тегишли фактларнинг, имкони борича, катта миқдорини камраб олса, олий мақсадга эришган бўларди, бироқ бундай турли-туман тилларни илмий нуқтаи назардан чуқур эгаллаш жуда қийин кўринади. Бошқа томондан, ҳар бир тил амалий жиҳатдан тадқиқотнинг фақат битта бирлигини ташкил этади, шунинг учун уларни вазиятга қараб, навбатма-навбат, статистик ва тарихий нуқтаи назардан ўрганиш лозим бўлади. Ҳар ҳолда, шуни ҳеч қачон унутмаслик керакки, соф назарий томондан тадқиқот объекти сифатида алоҳида олинган тилнинг бу яхлитлиги қандайдир юзаки бир нарса бўлса, тиллар орасидаги фарқларда яхлитлик яширинган бўлади. Майли, алоҳида олинган тилни ўрганишда тадқиқотчи синхронияга ҳам, диахронияга ҳам мурожаат қилаверсин; таҳлил қилинаётган ҳодисанинг шу икки аспектдан қайси бирига тааллуқли эканлигини доимо аниқ билиш ва ҳеч қачон синхрон ҳамда диахрон тадқиқотлар методларини аралаштирмаслик керак.

Тилшуносликнинг шу тарзда ўзаро фарқланган қисмлари кейинчалик бирин-кетин қараб чиқилади.

Синхрон тилшунослик бир пайтда мавжуд элементларни боғловчи ва муайян система ҳосил қилувчи мантикий ва руҳий муносабатларни бир жамоавий онг томонидан қандай қабул қилинса, шундай ўрганиш билан шуғулланиши керак.

Диахрон тилшунослик, аксинча, кетма-кет келадиган ва бир жамоавий онг томонидан қабул қилинмайдиган элементларни, яъни бир-бирини изчил алмаштириб келадиган ва системани ҳосил қилмайдиган элементларни боғловчи муносабатларни ўрганиши керак.





## ИККИНЧИ ҚИСМ. СИНХРОН ТИЛШУНОСЛИК

### І боб. УМУМИЙ ҲОЛАТЛАР

Синхрон тилшуносликнинг вазифаси вақтнинг мазкур кесимида олинган ҳар қандай система учун асос бўлган тамойилларни ва тилдаги ҳар қандай ҳолатнинг энг муҳим омилларини аниқлашдан иборат. Юқорида гапирилганларнинг кўпи, тўғриси айтганда, синхронияга тааллуқли. Масалан, белгининг умумий хусусиятлари ҳақида юқорида гапирилганларнинг барчасини, гарчи белгининг бу хусусиятлари биз томондан икки тилшуносликни фарқлаш лозимлигини исботлаш учун фойдаланилган бўлса ҳам, синхрон тилшуносликнинг бўлимларидан бири сифатида қараш мумкин.

«Умумий грамматика»га доир барча нарсалар синхронияга тегишлидир, чунки грамматика ваколатида бўлган турли муносабатлар фақат тилнинг айрим соҳалари доирасидагина шаклланади. Қуйида биз фақат асосий тамойиллар билан чегараланамиз, зеро, уларсиз статиканинг нисбатан махсус муаммоларига кириб бориш, тилнинг мазкур ҳолати тафсилотларини тушунтириш ҳам имконсиз кўринади.

Умуман, статик тилшунослик билан шуғулланиш тил тарихи билан шуғулланишга қараганда анча оғир. Эволюция фактлари нисбатан аниқ, улар кўпроқ тасаввур билан боғлиқ; уларда кузатиладиган ва қийинчиликларсиз кўз илгайдиган муносабатлар бир-бирини изчил алмаштириб келадиган элементлар орасида туғилади; уларни тушуниш осон ва қатор ўзгаришларда кузатиш эса баъзан, ёнма-ён мавжуд маъно ва муносабатлар билан иш кўрувчи тилшунослик биз учун катта қийинчиликлар туғдиради.

Тилнинг ҳолати математик нуқта эмас. Бу маълум даражада давомли вақт оралиғи. Унда содир бўладиган ўзгаришлар йиғиндиси арзимас даражада кам бўлади. У ўн йилга, бир авлод умрига, юз йилга ва ҳ.к. тенг бўлиши мумкин. Шундай ҳам бўладик, нисбатан узок

вақт оралиғида тил деярли ўзгармайди, кейин қандайдир бир неча йилда катта ўзгаришларни бошдан кечиради. Бир даврда мавжуд бўлган икки тилдан бири кучли ривожланади, иккинчиси эса, умуман, ўзгармайди: иккинчи ҳолатда тадқиқот муқаррар равишда синхрон характерда бўлса, биринчи ҳолатда диахрон ёндашув талаб қилинади. Мутлак ҳолат ўзгаришларнинг йўқлиги билан белгиланади, бироқ тил доимо, гарчи кам даражада бўлса-да, ўзгариб турар экан, унинг ҳолатини ўрганиш аслида, математиклар айрим амалиётларда, масалан, логарифмларни ҳисоб-китоб қилишда чексиз кичик қийматларга аҳамият бермагани каби, арзимаган ўзгаришларга ҳам эътибор қилмасликни англатади.

Сиёсий тарихда давр ва вақт ўзаро фарқланади. Давр (*эпоха*) — бу замондаги бир нукта бўлса, вақт (*период*) — даврнинг муайян оралиғини қамраб олган кесмадир. Аммо тарихчилар, кўпинча, Антоминовлар даври, салб юришлари даври ҳақида гапирадилар ва бунда тегишли вақт мобайнида сақланиб қолган белгилар мажмуини назарда тутадилар. Статик тилшунослик даврлар билан ҳам шуғулланади, дейиш мумкин эди. Бироқ «ҳолат» термини маъқул кўринади: ҳар қандай даврнинг ибтидоси ва интиҳоси, одатда, у ёки бу даражада кескин, нарсаларнинг шаклланган тартибини ўзгартиришга йўналтирилган тўнгаришлар билан тавсифланади. «Ҳолат» терминини қўллаш билан биз гўё тилда ҳам шундай ҳодисалар содир бўлиб туради, деган тахминни рад этамиз. Бундан ташқари, «давр» термини айнан тарих фанидан олингани учун нафақат тилнинг ўзи ҳақида, шунингдек, уни қамраб олган ва у билан боғлиқ ҳолатлар ҳақида ҳам ўйлашга мажбурлайди, бир сўз билан айтганда, у биз юқорида ташқи деб атаган тилшунослик («Жириш»нинг 5-бобида қаранг) ҳақида кўпроқ тасаввур ҳосил қилади.

Қолаверса, нарса-ҳодисаларни замонда бир-биридан фарқлаш — бу «тил ҳолати» тушунчасини таърифлаганда дуч келинадиган ягона қийинчилик эмас; уларни ўзаро маконда фарқлаш масаласида ҳам шундай савол туради. Қисқача айтганда, «тил ҳолати» тушунчаси тахминий (ҳақиқатга бирмунча яқин) бўлмаслиги мумкин эмас. Аксарият фанларда бўлгани каби статик тилшуносликда ҳам таянч маълумотларни шартли равишда соддалаштирмасдан туриб, асосли фикр юритишнинг имкони йўқ.



## II боб. АНИҚ ЛИСОНИЙ МОҲИЯТЛАР

### 1-§. МОҲИЯТЛАР ВА БИРЛИКЛАР. ТАЪРИФЛАР

Тилни ҳосил қилувчи белгилар мавҳумотлар эмас, балки реал (ҳақиқатан мавжуд) объектлардир («Кириш»нинг 3-боби 3-§ига қаранг). Тилшунослик ана шу реал объектлар ва уларнинг муносабатларини ўрганади; уларни шу фаннинг конкрет [лисоний] моҳиятлари деб аташ мумкин.

Энг аввало, бу муаммонинг икки асосий тамойилини эслатамиз.

**1.** [Конкрет] лисоний моҳият ифодаловчи билан ифодаланмиш (1-қисмнинг 1-боби 2-§ига қаранг) ўзаро фикран боғлангандагина реал мавжуд бўлади: агар моҳиятнинг шу икки компонентидан бири назардан қочирилса, барҳам топади ва конкрет объект ўрнида соф мавҳумотга дуч келаемиз. Ҳар дақиқада биз [конкрет лисоний] моҳиятни тўлиқ қамраб олдик, деган тасаввурга келиб, унинг фақат бир томони билан чегараланиб қолиш хавфи остида бўламиз. Бу, масалан, товуш занжирини бўғинларга бўлганимизда муқаррар тарзда содир бўлади, чунки бўғин фақат фонологияда қийматга эга. Товуш занжири шу ҳолатда тил факти тушунчага асос вазифасини бажаргандагина тил фактига айланади; ўзича олинган товуш занжири фақат физиологик тадқиқот учун материал бўлади, холос.

Бу гаплар ифодаловчидан ажратиб олинган ифодаланмишга ҳам тегишли. «Уй», «оқ», «кўрмоқ» каби ўзича ўрганиладиган тушунчалар психологияга тааллуқли; улар акустик образлар билан фикран боғланиш туфайлигина [аниқ] лисоний фактларга айланади. Муайян талаффуз тушунчанинг хусусияти бўлгани каби тилдаги тушунча ҳам товуш (овозли) * субстанцияси (туб моҳияти)дир.

Бу икки томонлама бирликни, кўпинча, тана ва руҳдан иборат инсон шахси сингари бутунлик билан қиёслаб келганлар. Буни қониқарли ўхшатиш деб бўлмайди. Кимёвий бирикма, масалан, водород ва кислороддан ташкил топган сувга ўхшатилса, тўғрироқ бўларди; бу элементларнинг ҳар бири ўзича сувга хос бирор хусусиятга эга эмас.

**2.** [Конкрет] лисоний моҳият фақат нутқ занжирида ўзини ҳурмат қилган барча нарсалардан ажратилгандагина тўлиқ тавсифланади. Айнан шу чегараланган [конкрет лисоний]

Умумий тилшунослик курси ~~~~~ Фердинанд дў Соссюр  
моҳиятлар, яъни [нутқ] бирликлари тилда бир-бирига қарама-қарши  
қўйилади.

Бир қарашда лисоний белгиларни маконда ўзаро аралашиб  
кетмасдан бирга (бир пайтда) мавжуд бўлган кўриш белгиларига  
ўхшатиш қизиқарлидек туюлади; бунда лисоний белгиларни ўзаро  
ажратиш гўё алоҳида фикрлашни талаб қилмасдан, худди шу тарзда  
амалга оширилади, деган нотўғри тасаввур ҳосил бўлиши мумкин.  
Уларни ифодалаш учун фойдаланиб туриладиган «шакл» термини  
(қиёсланг: «фешл шакли», «от шакли» ва б.) бу адашишнинг чуқур  
илдиз отишига имкон яратади. Шу билан бирга, биз нутқ  
занжирининг асосий хусусияти чизиклилиқ эканлигини ҳам  
биламиз (1-қисмнинг 1-боби 3-§ига қаранг). Ўзича олинган нутқ  
оқими — чизик, узлуксиз тасма; бунда кулоқ аниқ эшитилиб турган  
бўлинишларни фарқламайди: бўлинишларни топиш учун  
маъноларга мурожаат этиш керак. Номаълум тилда нутқ  
эшитганимизда, биз товушларнинг қабул қилинаётган оқимини  
бўлақларга бўлиш ҳолатида бўлмаймиз. Агар тил ҳодисасининг  
фақат товуш томони инобатга олинса, бундай бўлишнинг, умуман,  
иложи йўқ. Биз нутқ занжирининг ҳар бир узвига қандай маъно ва  
функция нисбат бериш мумкинлигини билсаккина, бу узвларни  
кўрамиз ва шаклсиз тасма бурдаланади. Ушбу таҳлилда, тўғриси  
айтганда, ҳеч қандай нарса йўқ.

Хуллас, тил — бу олдиндан ўзаро белгиларнинг оддий мажмуи  
эмас. Шунинг учун фақат уларнинг маъно ва бир-бирига боғланиш  
усулларини ўрганиш талаб қилинган; ҳақиқатда эса тил ноаниқ  
массада иборат бўлиб, унда фақат синчковлик ва кўникма бизга  
уларнинг таркибий элементларини фарқлаш имконини беради.  
[Нутқ] бирлиги махсус товуш хусусиятларига эга эмас ва уни фақат  
шундай таърифлаш мумкин: [нутқ] бирлиги — талаффузнинг  
алоҳида, яъни нутқ занжирида ўзидан олдин ва кейин келадиган  
бирликлардан айри олинган, маълум тушунча ифодаловчи бўлаги.



## 2-§. ЧЕГАРАЛАШ МЕТОДИ

Тилни мукамал биладиган ҳар қандай киши унинг  
бирликларини, ҳеч бўлмаганда, назарияда жуда осон йўл билан  
чегаралаб олади. Бу йўл шундан иборатки, бошлангич нуқта  
сифатида тилнинг ифода шакли (*document) ҳисобланмиш нутқ

олинади ва икки параллел занжир кўринишида намоён бўлади: А — тушунчалар занжири (А) ва В — акустик образлар занжири (В).

Чегаралаш тўғри бўлмоғи учун акустик занжирда аниқланган бўлақлар ( $\alpha$ ,  $\beta$ ,  $\gamma$  ...) тушунчалар занжиридаги бўлақларга ( $\alpha'$ ,  $\beta'$ ,  $\gamma'$  ...) мос келиши керак:

$\alpha \beta \gamma \dots$



$\alpha' \beta' \gamma' \dots$

Французча *siʒəlaprɑ* сўзини олиб кўрайлик; уни I дан кейин бўлақларга бўлиш ва *siʒəl* ни алоҳида бирлик сифатида олиш мумкинми? Йўқ, мумкин эмас: бундай чегаралашнинг нотўғри эканлигига ишонч ҳосил қилиш учун тушунчалар занжирига мурожаат этишнинг ўзи кифоя; *siʒə-la-prɑ* тарзида бўғинларга ажратиш ҳам *a priori* тўғри эмас. Уни шундай бўлиш мумкин: *si-ʒə-la-prɑ* (*si je la prends* ёзилади) «агар мен уни олсам» ва *si-ʒə-l-aprɑ* (*si je l'apprends* ёзилади) «агар мен буни билсам», чунки улар шу бўлақларга монанд маъно билан асосланади.

Бундай бўлинишнинг ва муайян бирликни чегаралашнинг тўғри эканлигига ишонч ҳосил қилиш учун айнан бир бирлик учраган қатор гапларни қиёслаш ҳар бир ҳолатда шу бирликни контекстдан ажратиб олиш мумкинлигига ва унинг мазмунга асосланганлигига қаноат ҳосил қилиш лозим. Икки бўлақни олиб кўрайлик: *Laforsdyvɑ* (*la force du vent*) «шамолнинг кучи» ва *abudəfors* (*à bout de force*) «кучсизлашганда». Биринчи бўлақда ҳам, иккинчи бўлақда ҳам айнан бир тушунча — «куч» — айнан бир товуш занжири (*fors*)га мос. Шунга асосланиб, биз уни нутқ бирлиги деб қабул қиламиз. Аммо *ilməforsaparle* (*il me force à parler*) «у мени гапиришга мажбур қиляпти» гапида *fors* «мажбур қиляпти» бутунлай бошқа маънога эга. Шундан келиб чиқиб, биз бу — бошқа [нутқ] бирлиги, деган хулосага келаемиз.



### 3-§. МОҲИЯТ ВА БИРЛИКЛАРНИ ЧЕГАРАЛАШНИНГ АМАЛИЙ ҚИЙИНЧИЛИКЛАРИ

Назарий жиҳатдан шу қадар оддий бўлган бу усулни амалиётга татбиқ этиш осонми? Агар бунда «ажратиш лозим бўлган бирликлар — сўзлардир» деган тасаввурга асосланиладиган бўлса, осондек туюлиши мумкин. Ҳақиқатан ҳам гап сўз бирикмалардан иборат эмасми ёки сўзга қараганда бевосита кузатишда берилган бошқа бирор нарса борми?

Юқорида келтирилган мисолга қайтадиган бўлсак, *sižəlaprā* говуш занжири тўрт сўздан иборат тўрт бирликка бўлинганини кўрамиз: *si-je-l`-apprends*. Бироқ шу билан бирга, сўзнинг ўзи нима деган масала қанчалар баҳсли эканлигини эсласак, ўша заҳотиёқ шубҳа пайдо бўлади; ақлан фикрласак, сўзнинг одатдаги таърифи бизнинг конкрет бирлик ҳақидаги тасаввуримизга тўғри келмайди.

Бунга ишонч ҳосил қилиш учун французча *ǰəval (cheval)* «от» ва унинг кўплик шакли *ǰəvo (chevaux)*ни эшлаш мумкин. Кўпинча, бу бир сўзнинг икки шакли дейишади, аммо бу маъноларига кўра ҳам, говушларига кўра ҳам мутлақо бошқа-бошқа икки сўздир. Француз тилидаги *mwa (le mois de décembre)* «декабрь ойи» ва *mwaz (un mois après)* «бир ой кейин») сўзларида икки хил кўринишдаги айнан бир сўз бор, бироқ бу ерда ҳам конкрет бирлик ҳақида гапириш мумкин эмас: маъно, шубҳасиз, битта, лекин талаффуз бўлаклари ҳар хил.

Шундай қилиб, агар биз муайян бирликларни сўзларга тенглаштирмоқчи бўлганимизда, кўз ўнгимизда ўша заҳотиёқ *дилемма пайдо бўларди: ё *ǰəval* ва *ǰəvo*, *mwa* ва *mwaz* ларни боғлаб турувчи ва очиқ-ойдин кўриниб турган муносабатни инкор қилиш ҳамда уларни бошқа-бошқа сўзлар сифатида қабул қилиш ёки конкрет бирликлар ўрнида айнан бир сўзнинг турли шакллари бирлаштирувчи мавҳумотлар билан кифояланиш керак бўлади. Бинобарин, конкрет бирликни сўздан излаш лозим.

Бунинг устига, кўплаб сўзлар мураккаб бирликлар бўлиб, уларда қуйи сатҳ бирликларини (суффикс, префикс, ўзак) ўзаро фарқлаш қийин эмас: *désir-eux* «иштиёқманд», *malheur-eux* «бахтсиз» каби ясама сўзлар алоҳида қисмларга бўлинади ва улардан ҳар бири ўзига хос маъно ва махсус функцияга эга. Ва, аксинча, сўзга қараганда катта, масалан, қўшма сўзлар (*porte-plume* «ручка»), турғун бирикмалар (*s'il vous plaît* «марҳамат»), туслашнинг аналитик шакллари (*il a été* «у бўлди») каби юқори сатҳ бирликларининг бўлаклари ҳам бор. Аммо бу бирликларни

Умумий тилшунослик курси ~~~~~ Фердинанд дү Соссюр  
чегаралашда ҳам сўзларни бўлақларга бўлишдаги сингари  
кийинчиликларга дуч келинади.

Умуман, нутқ оқимида учрайдиган бирликларнинг қўлланиши  
ва тилнинг қандай элементлар билан иш кўришини аниқлаш жуда  
кийин кўринади.

Сўзловчилар, ўз-ўзидан аёнки, бу кийинчиликларни билмайди.  
Муайян даражада маъноли кўринган ҳар қандай нарсани бир  
конкрет элемент сифатида қабул қилади ва улар буни бошқалардан  
беҳато фарқлайдилар. Бироқ бу бирликларнинг оний  
қўлланишининг барча нозикликларини ички ҳис билан сезиш бошқа  
ва уларни системали таҳлил қилиш бошқа нарсадир.

Жуда кенг оммалашган бир назарияга кўра, гўё ягона конкрет  
бирликлар гаплардир: биз фақат гаплар ёрдамида сўзлашамиз ва  
шундан кейингина улардан сўзларни ажратиб оламиз. Бироқ, энг  
аввало, гап қай даражада тил сатҳига тааллуқли (2-қисмнинг 5-  
бобидаги 2-§га қаранг). Агар гап нутқ сатҳига мансуб бўлса, у ҳолда  
тил бирлиги бўлолмайди. Бу кийинчилик бартараф этилган ҳам  
дейлик. Агар биз айтилиши мумкин бўлган гапларнинг бутун  
мажмуини кўз олдимизга келгирсак, уларнинг ўзига хос энг  
характерли хусусияти мутлақ ўхшашликнинг йўқлигидир. Бир  
қарашда гапларнинг ғоят кучли ранг-баранглигини қандайдир  
зоологик турни ташкил қилувчи зотларнинг ундан кам бўлмаган  
ранг-баранглигига ўхшатиш қизиқарли туюлади. Бироқ бу хом  
хаёлдан бошқа нарса эмас: бир турга мансуб ҳайвонларда умумий  
хусусиятлар улардаги фарқларга қараганда анча муҳим, гапларда  
эса тафовутлар устун; агар биз шу ранг-баранглик муҳитида уларни  
нима боғлаб туришини аниқламоқчи бўлсак, у ҳолда ўз грамматик  
хусусиятларига эга бўлган сўзга ва яна ўша кийинчиликларга дуч  
келамиз.



#### 4-§. ХУЛОСА

У ёки бу фаннинг предмети бўлган кўплаб соҳаларда бирликлар  
ҳақидаги масала, ҳатто, кўтарилмайди: улар бевосита кузатишда  
берилган. Масалан, зоологияда аввал бошдан айрим ҳайвонлар  
билан иш кўрамиз. Астрономия маконда алоҳида мавжуд бўлган  
бирликлар — самовий jismlарни ўрганади. Кимёда икки хромли  
нордон калийнинг табиати ва таркибини ўрганиш мумкин.

Агар бирор фанда бевосита кузатиладиган бирликлар бўлмаса, демак, улар муҳим маънога эга эмас. Ҳақиқатан ҳам, масалан, тарихда конкрет бирлик нима? Шахсми, даврми ёки халқ? Номаялум! Бироқ барибир эмасми? Бу масалани аниқламасдан туриб ҳам, тарихий тадқиқотлар билан шуғулланиш мумкин.

Аммо шахмат ўйини батамом ва тўлиқ ҳолда турли синноҳларнинг тахтадаги юришларидан иборат бўлгани каби тил ҳам бирликларнинг бутунлай қарама-қарши қўйилишига асосланган системадир. Бинобарин, биз бунинг нималигини аниқ билиб олишдан бош тортолмаймиз. Худди шунингдек, бу бирликларга муурожаат этмасдан туриб, бир қадам ҳам ташлай олмаймиз.

Шу билан бирга, мазкур бирликларни ўзаро фарқлаш қатор кийинчиликлар билан боғлиқки, беихтиёр улар ҳақиқатан ҳам мавжудми, деган савол туғилади.

Шундай қилиб, тилнинг ажабланарли ва ақлни шоширадиган хусусияти шундан иборатки, биз унда бевосита берилган ва аввал бошдан ўзаро фарқлаш мумкин бўлган [конкрет] моҳиятларни кўрмаймиз. Ҳолбуки, шу моҳиятларнинг мавжудлигига ҳам, шунингдек, тил уларнинг қўлланилиши туфайли ҳосил қилинганлигига ҳам шубҳа қилиш мумкин эмас. Бу, шубҳасиз, тилни бошқа семиологик системалардан фарқлаб турувчи хусусиятдир.





### III боб. АЙНАНЛИКЛАР, ВОҚЕЛИКЛАР, ҚИЙМАТЛАР

Ҳозиргина билдирилган мулоҳазалар бизни статик тилшуносликда ҳар қандай асосий тушунча айнан бизнинг тил бирлигини қандай тасаввур қилишимиз билан боғлиқ, деган янада муҳим масалага олиб келади. Буни биз ўхшашлик, воқелик ва қиймат тушунчаларини синхрон нуктаи назардан ўрганиш асосида кўрсатиб беришга ҳаракат қиламиз.

**А.** Синхрон ўхшашлик нима? Ушбу ўринда гап француз тилидаги *pas* инкор юкламасини лотин тилидаги *passut* «қадам»га олиб бориб тақовчи ўхшашлик ҳақида бормайди; бундай ўхшашлик диахрон ўхшашликдир ва биз у ҳақда ҳам фикр юритамиз.

Йўқ, биз шундай ажиб ўхшашликни назарда тутмоқдамизки, унга асосланиб, *je ne sais pas ...* «мен билмайман...» ва *ne dites pas cela* «бундай деманг» гаплари айнан бир элементга эга деган фикрга келамиз. Фикр нотўғри, чунки иккала гапда ҳам бир хил талаффуз кесмасига эга — *pas* ҳар хил маъно касб этган-ку, дейишлари мумкин. Бу шартли далил эмас: агар талаффуз кесмалари ва тушунчалар мослиги айнан ўхшашликни намоён этаётган бўлса (юқорида келтирилган *la force du vent: à bout de force* мисолларини эслайлик), бунинг тескариси ҳам нотўғри: айнан ўхшашлик бундай мосликсиз ҳам мавжуд бўлади.

Очиқ маърузада *messieurs*, яъни «жаноблар» сўзининг бир неча марта такрорланганини эшитиб, биз ҳар сафар унинг битта сўз эканлигини ҳис этамиз. Ҳолбуки, унинг талаффуз ва оҳангдаги жузъий ўзгаришлар нутқ жараёнида айрим сўзларни (масалан, *potte* «олма» ва *paume* «кафт»), *doutte* «томчи» ва *je doutte* «мен татиб кўряпман», *fuir* «кочиб кетмоқ» ва *fouir* «қувламоқ» ва б.) фарклашга хизмат қиладиган тафовутлар каби жуда муҳим аҳамият касб этади.

Бундан ташқари, айнан ўхшашлик туйғуси *messieurs* сўзи бошқа сўз билан тўлиқ мослик бўлмаган ҳолатларда ҳам сақланиб қолади. Ниҳоят, сўз бир-биридан жуда узоқ тушунчаларни ифодалашни мумкинлигини эслайлик. Бунда сўзнинг ўзига ўхшашлигига жиддий путур этмайди. (Қиёсланг: *adopter une mode* «одат тусини олмоқ» ва

Умумий тилшунослик курси ~~~~~ Фердинанд дў Сосюр  
*adopter un enfant* «ўғил қилиб олмоқ», *la fleur du pommier* «олма  
парахти гули» ва *la fleur de la noblesse* «аслзодаларнинг гули» ва б.)

Тилнинг бутун механизми ўхшашлик ва тафовутлар асосига  
қурилади, бунинг устига, кейингилар биринчиларининг тескари  
томони, холос. Шунинг учун ўхшашлик муаммоси ҳамма жойда  
кузатилади; бошқа томондан эса у [қонуний] моҳият ва бирликлар  
муаммоси билан қисман мос келади. Ва унинг мураккаблашган,  
бунинг устига, жуда самарали шаклидир. Бу лисоний ўхшашлик ва  
тафовутлар тилдан ташқаридаги фактлар билан қиёсланганда янада  
яққол кўзга ташланади. Биз, масалан, «Соат 8 дан 45 минут ўтганда  
(24 соат оралиғида бирин-кетин жўнайдиған) икки Женева–Париж  
тезюар поезд»нинг ўхшашлиги ҳақида гапирамиз. Бизнингча, булар  
тезюар поезд, бироқ улардаги паровоз ҳам, вагонлар ҳам ва поезд  
бригадаси ҳам, афтидан, ҳар хил. Ёки бошқа мисол: кўчани йўқ  
қилдилар, ундаги барча уйларни бузиб ташладилар ва яна кўча солиб,  
иморатлар барпо қилдилар: биз гарчи моддий жиҳатдан ундан,  
эҳтимол, ҳеч нарса қолмаган бўлса ҳам бу — ўша кўча-ку деймиз.  
Нега кўчани то охириги тошигача қайта қуришган бўлса-да, шунга  
қарамай, кўча ўша-ўша дейиш мумкин? Чунки уни юзага  
келтирадиган нарса соф моддий характерда эмас. Унинг моҳияти  
айрим шарт-шароитлар билан белгиланади. Бу шарт-шароитларга  
унинг тасодифий материаллари, бошқа кўчаларга нисбатан ўрнининг  
аҳамият йўқ. Худди шунингдек, айнан бир поезд ҳақидаги тасаввур  
унинг жўнаш вақти, йўналиши ва, умуман, уни бошқа поезддан  
ажратиб турувчи барча ҳолатлар таъсирида шаклланади. Айнан бир  
хил шарт-шароитларга амал қилганда, бир хил моҳиятлар юзага  
келади. Ва шу билан бирга, бу моҳиятлар мавҳум характерда эмас,  
чунки кўча ёки тезюар поездни моддий вокеланишдан ташқарида  
тасаввур қилиш мумкин эмас.

Бу икки мисолга бутунлай бошқа ҳолатни, яъни костюмининг  
ўғирланиши ва кейин уни тасодифий нарсалар билан савдо қилувчи  
кишида кўрганганимни қарама-қарши қилайлик. Бу ерда гап  
моҳиятининг мутлақо ҳаракатсиз субстанция (мовут астардан ва  
ш.к.)дан иборат моддий характери ҳақида кетмоқда. Бошқа костюм  
биринчисига қанчалик ўхшамасин, меники бўлмайди. Кўринадикки,  
тилдаги ўхшашлик костюмга эмас, балки тезюар поезд ва кўчага хос  
ўхшашликни эслатади. *Messieurs!* Сўзини бир неча марта кўрганамда,  
ҳар сафар мен янги материалдан фойдаланаман: бу янги товуш  
жараён ва янги психологик ҳаракат. Айнан бир сўзнинг икки хил

Умумий тилшунослик курси ~~~~~ Фердинанд дў Сосюр  
ишлатилиши орасидаги алоқа моддий ва маънавий ўхшашликни эмас,  
балки излаб топиш керак бўлган ва бизга тил бирликларининг  
хақиқий табиатига яқинроқ кишига ёрдам берадиган қандайдир бошқа  
элементларга асосланган.

**Б.** Синхрон воқелик нима? Тилнинг қандай аниқ ёки мавҳум  
элементи синхрон воқеликлар саналиши мумкин?

Мисол учун сўз туркумларининг ўзаро фарқланишини олиб  
кўрайлик: сўзларнинг от, сифат каби туркумланиши нимага  
асосланади?

Ер шарига меридиан ва параллел чизиқлар қандай ўтказилган  
бўлса, у ҳам грамматикага четдан, соф мантикий ва ғайрилисоний  
тамоийил юзасидан олиб кириладими? Ёки у тил системасида мавжуд  
ва у билан боғлиқ қандайдир нарсага мосми? Бир сўз билан айтганда,  
сўз туркумларини фарқлаш синхрон воқеликми? Бу иккинчи тахмин  
хақиқатга яқин кўринади, бироқ биринчисидан ҳам воз кечмаслик,  
уни ҳимоя қилиш мумкин эди. Масалан, *ces gants sont bon marché* «бу  
қўлқоп арзон» гапидаги *bon marché* «арзон» сўз бирикмасини сифат  
дейиш мумкинми? Мантиқан унда сифат маъноси бор. Аммо  
грамматик нуқтаи назардан унчалик аниқ эмас: *bon marché* сифат  
бўлолмайди (у ўзгармайди, ҳеч қачон отдан олдин келмайди ва б.)  
бунинг устига *bon marché* икки сўздан ташкил топган; ҳолбуки, айнан  
сўз туркумларини ўзаро фарқлаш сўзларни таснифлаш учун асос  
қилиб олинмоғи лозим. Қандай қилиб, сўзлар гуруҳи бу туркумлардан  
бирига киритилиши мумкин? Бироқ *bon marché* ни ўзгача, яъни *bon*  
сифат, *marché* от тарзида талқин қилиш ҳам мумкин эмас. Шундай  
қилиб, бу ерда биз ноаниқ ва нотўлиқ тасниф билан тузилган гапни  
кўряпмиз; сўзларни от, феъл, сифат ва шу кабиларга бўлиш шубҳага  
ўрин қолдирмайдиган лисоний воқелик эмас.

Хуллас, тилшунослик узлуксиз равишда грамматистлар  
томонидан ўйлаб топилган тушунчалар билан иш кўради. Бу  
тушунчаларнинг ҳақиқатдан ҳам тил системасининг таркибий  
элементларига кириш-кирмаслиги ҳақида эса ҳеч нарса билмаймиз.  
Бироқ буни қандай билиш мумкин? Ва агар бу тушунчалар уйдирма  
бўладиган бўлса, қандай воқеликни уларга қарши қўйиш мумкин?

Бу хатоликларга барҳам бериш учун, энг аввало, конкрет лисоний  
воқеликлар бевосита кузатишда берилмайди, деган фикрни мияга  
чуқур жойлаштириб олиш керак. Уларни англаш ва тушунишга  
ҳаракат қилиш зарур ва фақат шундагина воқеликка яқинлашамиз.  
Шунга асосланиб, тасарруфда бўлган ҳодисаларни тартибга солиш

учун керакли таснифларни тахлил қилиш мумкин. Бошқа томондан, бу таснифларда аниқ лисоний моҳиятларга эмас, балки қандайдир бошқа нарсага таяниш, масалан, сўз туркумларини мантикий категорияларга мос бўлганлиги учунгина тил элементлари дейиш — тил фактлари маъноли қисмлардан ташкил топган товуш материалдан ташқарида бўлолмаслигини унутишдан бошқа нарса эмас.

**В.** Пировард натижада ушбу бобда тилга олинган барча тушунчалар моҳиятан биз қиймат деб атаган нарсадан фарқ қилмайди; унда шахмат ўйини билан янгича қиёслаш буни тушунишга ёрдам беради (1-қисмнинг 3-боби 4-§ига қаранг). Отни оғиб кўрайлик: у ўзича ўйин элементи бўла оладими? Йўқ, албатта. Чунки шахмат тахтадан ва ўйиннинг бошқа шартларидан ташқари, у ўйинчи учун ҳеч қандай қийматга эга эмас; у фақат ўйинда реал ва конкрет элементга айланади, чунки бу ерда у қиймат касб этади ва шу билан чамбарчас боғлиқ бўлади. Фараз қилайлик, ўйин пайтида бир сипоҳ синди ёки йўқолиб қолди; уни бошқа шундай тенг қийматли нарса билан алмаштирса бўладими? Албатта, бўлади. Уни нафақат от шаклидаги бошқа сипоҳ билан, у билан ҳеч қандай ўхшашликка эга бўлмаган бошқа ҳар қандай нарса билан алмаштириш мумкин, фақат унга шундай қиймат берилса бас. Бинобарин, биз семиологик системаларда, масалан, барча элементлари ўзаро боғланиб, маълум қоидалар асосида мувозанатни ҳосил қиладиган тилда ҳам ўхшашлик тушунчаси қиймат тушунчаси билан қўшилиб кетиши ва аксинча ҳам бўлиши мумкинлигини кўрамиз.

Ана шунинг учун қиймат тушунчаси пировард натижада бирлик тушунчасини ҳам, конкрет лисоний моҳият тушунчасини ҳам, лисоний воқелик тушунчасини ҳам қамраб олади. Бироқ турли-туман аспектлар орасида умуман фарқ бўлмаса, у ҳолда бундай муаммо турли шаклда изчил қўйилиши мумкин, деган хулоса чиқади. Биз нимани — бирлик, воқелик, аниқлик ёки қийматни таърифламоқчи бўлмайлик — буларнинг барчаси статик тилшуносликда устувор бўлган айнан бир асосий масалани кўтариб чиқишга бориб тақалади.

Амалий нуқтаи назардан бирликлардан бошлаш, уларни тавсифлаш ва ранг-барангликларини инобатга олган ҳолда таснифлаш қизикарли. Фақат дастлаб туркумларга бўлинишнинг нимага асосланишини аниқлаш лозим. Чунки сўз — тушунчани таърифлаш билан боғлиқ қийинчиликларга қарамасдан, онгимизда тил механизмидаги қандайдир марказий нарса сифатида чекинмасдан

Умумий тилшунослик курси ~~~~~ Фердинанд дў Соссюр  
намоён бўлаверадиган бирликдир; шу мавзунинг ўзи бутун бошли  
китоб ёзиш учун етарли бўлади. Кейин қуйи сатҳ бирликларини,  
ундан кейин юқори сатҳ бирликларини ва бошқаларни таснифлаш  
керак бўлади. Шундай бўлгач, фанимиз ўзи ўрганадиган  
элементларни аниқлаб, ўз вазифасини батамом бажарган бўлади,  
чунки у ўз тасарруфига кирувчи барча ҳодисаларни асосий тамойилга  
олиб бориб тақайди. Афсуски, тилшуносликда бу асосий масала  
кўтарилган, унинг бутун аҳамияти ва у билан боғлиқ қийинчиликлар  
тўлиқ идрок этилган деб бўлмайди; ҳозиргача тил соҳасида етарли  
даражада аниқланмаган бирликлар устида ишлаш билан қаноатланиб  
келинади.

Аmmo бирлик тушунчаси қанчалик муҳим бўлмасин, масалага  
қиймат тушунчаси нуқтаи назаридан ёндашиш афзал кўринади, чунки  
унда, бизнингча, белгининг энг муҳим жиҳати ўз ифодасини топган.



## IV боб. ЛИСОНИЙ ҚИЙМАТ

### 1-§. ТИЛ ЖАРАНГЛАЙДИГАН МАТЕРИЯДА УЮШГАН ФИКР СИФАТИДА

Тилнинг соф қийматлар системасидан бошқа нарса эмаслигига ишонч ҳосил қилиш учун унда ўзаро алоқада бўлган иккала элементни кўриб чиқишнинг ўзи етарли. Бу элементлар — тушунчалар ва товушлардир¹.


Психология нуктаи назардан бизнинг тафаккуримиз (фикрлаш тарзимиз) — агар унинг сўзлар билан ифодаланиши инобатга олинмаса — аморф (шаклсиз) бўлақларга бўлинмайдиган массадан иборатдир. Файласуф ва тилшунослар товуш (белгилар) ёрдамисиз бир тушунчани бошқа тушунчадан у қадар аниқ, барқарор ва бардавом фарқлай олмаслигимиз масаласида яқдилдирлар. Ҳақиқатдан ҳам ўзича олинган тафаккур ҳеч нарсани ажратиб бўлмайдиган туманликка ўхшайди. Тил пайдо бўлгунга қадар олдиндан аниқланган тушунчалар ҳам, ҳеч қандай тафовутлар ҳам бўлмаган.

Бирок тафаккурнинг бу шубҳали (ноаниқ) соҳасидан фаркли ўлароқ, эҳтимол, тил аввал бошдан бўлақларга бўлинадиган моҳиятлар бўлганмикин? Асло бундай эмас! Тил материяси тафаккурга нисбатан аниқроқ ҳам, барқарор ҳам эмас. У — фикр осонликча қуйиладиган тайёр шакл ҳам эмас, балки ўзи бўлақларга бўлинадиган (силлик) материалдир. Унинг бўлақлари фикр ҳосил қилишда ифодаловчи вазифасини бемалол бажара олади. Шунинг учун биз тилни бутун ҳолича бирин-кетин келадиган қатор бирликлар кўринишида ифодалашимиз мумкин. Мазкур бирликлар айти бир пайтда аллақандай тушунчаларнинг ноаниқ тартибида ҳам (А), жаранглаш (садо)нинг худди шундай ноаниқ сатҳида ҳам (Б) кузатилади. Демак, тил материасини ҳам тушунча, ҳам садонинг ноаниқ сатҳида ажратиладиган ва кетма-кет келадиган бўлақларнинг мажмуи сифатида ифодалашимиз мумкин.

Буларнинг барчасини чизма кўринишида тахминан ифодалашимиз мумкин.

¹ Ferdinand de Saussure. Cours de linguistique générale. — P.: Editions Payot & Rivages, 1995.

Тилнинг тафаккурга нисбатан ўзига хос роли тушунчаларни ифодалаш учун моддий характердаги фонетик воситаларни яратишдан иборат эмас, балки фикр ва товуш орасида воситачи бўгин вазифасини бажаришдир. Бунинг устига, уларнинг (фикр билан товушнинг) бирлашиши муқаррар равишда бирликларнинг икки томонлама фаркланишига олиб келади. Табатан мантиқсиз (чалкаш) фикр қисмларга бўлинганда, эҳтиёжга қараб аниқланади [қуйида келтирилган чизмага қаранг].



Шундай қилиб, фикрларнинг моддийлашиши ҳам товушларнинг «рухийлашиши» ҳам йўқ нарса, барчаси «фикр — тил» ўзаро муносабати муайян бўлаккланишларни талаб қилади ва тил бу икки аморф материанинг ўзаро таъсирида шаклланиб, ўз бирликларини ишлаб чиқади. Сув юзаси билан тутшиб кетган ҳавони кўз олдимишга келтирайлик: атмосфера босими ўзгарганда, сувнинг юзаси қатор бўлинишлар юз беради, яъни содда қилиб айтганда, тўлқинлар ҳосил бўлади; ана шу тўлқинлар фикрнинг товуш материяси билан алоқаси ёки, агар таъбир жоиз бўлса, «жуфтлашиши» ҳақида тасаввур беради.

Тилни артикуляциялар (талаффузда, сўзлашда нутк аъзоларининг ҳаракатлари) соҳаси дейиш мумкин. Артикуляциянинг таърифи юқорида берилган эди «Кириш»нинг 3-боби 1-§ида таърифланганидек тушунсак, ҳар бир лисоний элемент *articulus* — ажратиладиган бўлак (сегмент)дан иборат. Унда тушунча маълум товушлар билан мустаҳкамланади, товушлар эса тушунчанинг белгисига айланади.

Тилни, шунингдек, қоғоз варағига ҳам ўхшатиш мумкин. Фикр — қоғознинг юза томони, товуш эса унинг орқа томонидир; орқа томонни қирқмасдан туриб, юза томонни ҳам қирқиб бўлмайди. Тилда ҳам фикрни товушдан, товушни фикрдан ажратиш бўлмайди; бунга абстрактлаш йўли билангина эришиш мумкин. Бу эса, ўз навбатида, ё соф психологияга ёки соф фонологияга олиб келади.

Бинобарин, тилшунос ҳамжинс элементлар бириккан туташ соҳада фаолият кўрсатади; бундай бирикиш натижасида субстанция эмас, балки шакл ясалади.

Бу мулоҳазалар белгининг ихтиёрийлиги борасида айтилганларни (1-қисмнинг 1-боби 2-§ига қаранг) яхшироқ тушуниб олишга ёрдам беради. Тил ҳодисасида ўзаро боғлиқ нафақат бу икки соҳа хира туманли, балки маълум тушунча учун жаранглашнинг маълум бирор кесмасини танлаш ҳам мутлақо ихтиёрийдир. Агар бу бошқача бўлганида эди, қиймат тушунчаси ўзига хос хусусиятларидан бирини йўқотган бўларди, чунки унда четдан кириб келган элемент пайдо бўларди. Бироқ қийматлар аслида бутунлай нисбий бўлиб, натижасида тушунча билан товуш орасидаги алоқа моҳиятан ихтиёрийлик касб этади.

Белгининг ихтиёрийлиги, ўз навбатида, тил системасини нега фақат ижтимоий ҳаёт ярата олади деган саволни яхшироқ тушуниш имконини беради. Қийматларни аниқлаш учун эса жамоа зарур; уларнинг мавжудлигини фақат таомил ва умумий келишув асосидагини ўринли ҳисоблаш мумкин; бир киши ўзича, умуман, бирорта ҳам қийматни яратишга қодир эмас.

Шу тарзда таърифланган лисоний қиймат тушунчаси бизга, бундан ташқари, тил системаси бўлагига қандайдир жаранглашнинг қандайдир тушунча билан оддий боғланиши сифатида қараш жиддий адашиш эканлигини кўрсатади. Система бўлагини бундай таърифлаш уни ўзи таркибий қисми бўлган системадан ажратиш деган маънони англатади. Бу гўё системани бўлақлардан бошлаш ва уларни бир жойга жамлаб, система яратиш мумкин, деган нотўғри фикрга олиб келади. Аслида эса умумий бутунга таяниб, таҳлил йўли билан уни ташкил қилган элементгача етиб бориш керак.

Бу фикрни асослаш ва ривожлантириш учун биз «ифодаланмиш» ёки тушунча (2-§), «ифодаловчи» (3-§) ва, умуман, белги томонида турамиз. Конкрет моҳиятлар ёки тил бирликларини бевосита кузатишнинг имкони йўқлиги сабабли биз сўзлар билан иш кўраемиз. Гарчи сўзни тил бирлиги сифатида таърифлаш мақсадга мувофиқ бўлмаса ҳам (2-қисмнинг 1-боби ва 2-§ига қаранг). У шу бирлик ҳақида тахминий бўлса-да, аниқлиги бўлган тушунчадир. Сўзларни фақат тилнинг синхрон системасининг реал узвларига тенг қийматли намуналар сифатида олиб қараймиз ва биз томондан сўзларга нисбатан аниқланган тамойиллар, умуман, лисоний ҳодисалар учун фойдали бўлади.



## 2-§. ЛИСОНИЙ ҚИЙМАТ КОНЦЕПТУАЛ НУҚТАИ НАЗАРДАН

Сўзнинг қиймати ҳақида гапирилганда, одатда, энг аввало, унинг тушунчани ифодалаш хусусияти тилга олинади. Бу ҳақиқатдан ҳам лисоний қийматнинг бир жиҳати. Агар шундай бўлса, қиймат нимаси билан биз маъно деб атайдиган нарсадан фарқ қилади? Бу икки сўз маънодош сўзларми? Биз уни бундай деб ўйламаймиз. Гарчи уларни алмаштириб юбориш осон бўлса ҳам. Чунки бундай дейишга нафақат атамаларнинг ўхшашлиги, шунингдек, улар ифодалайдиган тафовутларнинг нозиклиги ҳам ёрдам беради: концептуал аспектда олинган қиймат, албатта, маъно элементи. Шунинг учун маъно ўзи боғлиқ бўлган қийматдан нимаси билан фарқ қилишини аниқлаш жуда қийин. Ҳолбуки, бу масалани ҳал қилиш жуда муҳим, акс ҳолда, биз тилни оддий номенклатура даражасига тушириб қўйишимиз ҳеч гап эмас (1-қисмнинг 1-бобидаги 1-§га қаранг).

Дастлаб маънони, одатда, қандай тушунишларини ва биз уни қандай тасаввур қилишимизни олиб кўрайлик.




Чизмадаги миллирнинг кўрсатишича, маъно — акустик образ билан мослик муносабатида (*contre — partie*) бўлган нарса. Буларнинг барчаси мустақил маънога эга бўлган ва мақдуд (ўзгаларга ёпиқ) қандайдир нарса сифатида қараладиган сўз доирасида акустик образ билан тушунча ўртасида содир бўлади.

Аммо масаланинг ақлга тўғри келмайдиган жиҳати шундаки, бир томондан, тушунча белги ичида акустик образ билан мослик муносабатида бўлган нарса бўлса, иккинчи томондан, шу белгининг ўзи, яъни икки элементни боғловчи муносабат ҳамдир. Тушунча ўз навбатида худди шундай ва шу даражада тилнинг бошқа белгилари билан мослик муносабатида бўлади.

Тил барча элементлари бутунликни ташкил қиладиган система, бир элементнинг қиймати фақат бир пайтда мавжуд бўлган бошқа элементлар асосида юзага келар экан, шу йўсинда аниқланган қийматни қандай қилиб маъно, яъни акустик образ билан мослик

Умумий тилшунослик курси ~~~~~ Фердинанд дү Соссюр  
 муносабатида бўлган нарса билан адаштириш мумкин, деган савол  
 пайдо бўлади.



Бу ерда ётиқ миллар билан тасвирланган муносабатларга биз юқорида, аввалги чизмада, тик миллар билан ифодаланган муносабатларни тенглаштириш имконсиздек кўринади. Бошқача айтганда, қирқиладиган қоғоз варағи билан қиёслашни (4-бобнинг 1-§ига қаранг) давом эттирсак ҳам, А, В, С, D ва ш.к. варақлар орасидаги муносабатнинг нега айнан бир варақнинг, яъни А : А¹, В : В¹ ва шу кабиларнинг олд ва орқа томонлари орасидаги муносабатдан фарқ қилмаслигини кўрмаймиз.

Бу саволга жавоб топиш учун, энг аввало, тилдан ташқарида ҳам ҳар қандай қиймат доим ақлга сиғмайдиган (парадоксал) ана шундай тамойил билан тартибга олинади.

Ҳақиқатдан ҳам, қиймат ҳақида гапириш мумкин бўлмоғи учун куйидагилар талаб қилинади:

- 1) қандайдир ноўхшаш, қийматини аниқлаш керак бўлган нарса билан алмаштириш мумкин бўлган нарсанинг мавжудлиги;
- 2) қандайдир ўхшаш, қиймати ҳақида гап кетаётган нарса билан қиёслаш мумкин бўлган нарсанинг мавжудлиги.

Қийматнинг мавжуд бўлмоғи учун бу иккала омил ҳам керак. Масалан, 5 франклик танганинг қийматини аниқлаш учун: 1) уни қандайдир бошқа нарсанинг, дейлик, ноннинг маълум миқдорига алмаштириш; 2) уни шу пул бирлигидаги, масалан, бир франклик танга ёки бошқа пул бирлиги, масалан, фунт стерлинг ва ш.к. билан қиёслаш мумкинлиги. Худди шу тарзда сўзга ҳам ўзига ўхшамайдиган бир нарсани, масалан, тушунчани мутаносиб қилиб қўйиш, иккинчи томондан эса, у ўзига ўхшаш (жинсдош) қандайдир нарса билан, аниқроғи, бошқа сўзлар билан қиёсланиши мумкин. Бинобарин, сўзнинг қийматини аниқлаш учун унинг у ёки бу тушунча билан қиёсланиш мумкинлигини, яъни унинг муайян маънога эга эканлигини қуруқ қайд этишнинг ўзи кифоя эмас; уни, бундан ташқари, яна ўзига ўхшаш қийматлар, яъни унга қарама-қарши қўйиш мумкин бўлган бошқа сўзлар билан қиёслаш керак. Сўзнинг маъноси, фақат ўзидан ташқарида бўлган нарса ёрдамидагина етарли даражада

Умумий тилшунослик курси ~~~~~ Фердинанд дў Соссюр аниқланади. Система таркибига кирган сўз нафақат маъно, шунингдек, энг аввало, қиймат касб этади. Бу энди қандайдир мутлақо бошқа нарса.

Буни исботлаш учун бир неча мисол етарли. Французча *mouton* «қўй», «қўй гўшти» ўз маъносига кўра, инглиз тилидаги *sheep* «қўй»га мос бўлиши, аммо у билан бир хил қийматга эга бўлмаслиги мумкин. Бунинг сабаблари кўп. Масалан, пиширилган ва столга тортилган гўшт бўлаги ҳақида гап кетганда, инглиз уни *sheep* эмас, *mutton* деб атайди. Инглизча *sheep* ва французча *mouton* сўзлари орасидаги фарқни шу билан изохлаш мумкинки, инглиз тилида *sheep* сўзи билан бир қаторда, француз тилида бўлмаган бошқа сўз ҳам бор.

Бир тил ичида яқин тушунчаларни ифодаловчи сўзлар бир-бирини чеклайди: масалан, *redouter* «хавфсирамоқ», *craindre* «кўрқмоқ», *avoir peur* «кўрқмоқ» каби маънодош сўзлар фақат ўзаро қарама-қарши қўйилгандагина қиймат касб этади. Агар *redouter* бўлмаганда, унинг бутун маъно-мазмун рақибларига ўтиб кетган бўларди. Ва, аксинча, бошқа сўзлар билан алоқа натижасида бойийдиган сўзлар ҳам бўлади: масалан, *décépité (un veillard décepité* «мункиллаб қолган чол») (1-кисмнинг 3-бобидаги 3-§га қаранг); қийматига қўшилиб кетган янги элемент бу сўз билан бир қаторда бошқа сўзнинг — *décépité (un mur décepité* — «сувоғи кўчган девор») нинг мавжудлиги туфайли пайдо бўлади. Хуллас, ҳар қандай сўзнинг қиймати у билан боғлиқ барча нарсалар орқали белгиланади; ҳатто «қуёш» маъноли сўзнинг ҳам, агар шу сўз билан боғлиқ барча ҳолатлар эътиборга олинмаса, унинг қийматини бевосита аниқлаш даргумон. Шундай тиллар ҳам борки, уларда, масалан, «қуёшда ўғирмоқ» иборасини ишлатиб бўлмайди.

Сўзлар ҳақида айтилганларни тилнинг ҳар қандай ходисаларига, хусусан, грамматик категорияларига нисбатан ҳам қўллаш мумкин. Масалан, француз тилидаги кўплик соннинг қиймати, гарчи уларнинг маъноси, кўпинча, тенг бўлса ҳам, санскрит тилидаги кўплик сон қийматига тенг эмас. Гап шундаки, санскрит тилида иккита эмас, учта сон бор (менинг кўзларим, менинг қулоқларим, менинг оёқларим каби сўзлар санскрит тилида икки хил ва кўпинча, қарама-қарши сон шаклини олиши мумкин эди); санскрит ва француз тилларидаги кўплик сон бир хил қийматга эга дейиш нотўғри. Чунки санскрит тилида кўплик сон француз тилидаги кўплик сон ишлатиладиган барча ҳолатларда ҳам қўлланавермайди. Бинобарин, кўплик соннинг қиймати ундан ташқарида ва унинг атрофида турган нарсалар билан белгиланади.

Агар сўзлар олдиндан берилган тушунчаларни ифодалаш учун хизмат қилганда эди, уларнинг ҳар бири ҳар қандай тилда ўзининг аниқ мосини топган бўларди. Бироқ аслида бундай эмас. Француз тилида *louer (une maison)* дейилганда, уни «ижарага олмоқ» маъносида ҳам, «ижарага бермоқ» маъносида ҳам тушуниш мумкин. Ҳолбуки, немис тилида бу маъноларни ифодалаш учун иккита сўз қўлланади — *mieten* «ижарага олмоқ» ва *ver mieten* «ижарага бермоқ». Шунинг учун улардан қийматлар тенглигини талаб қилиб бўлмайди. Немис тилидаги *schätzen* «қадрламоқ» ва *urteilen* «ўйлаб кўрмоқ», «хукм қилмоқ» феъллари маънолари француз тилидаги *estimer* «қадрламоқ», «ҳурмат қилмоқ» ва *juger* «ўйлаб кўрмоқ, баҳо бермоқ», «хукм чиқармоқ» сўзлари маъноларининг умумий ва яхлит мажмуини ташкил қилади. Аммо аксарият ҳолларда бу мосликнинг бузилгани кузатилади.

Шу маънода сўз ўзгариши ақлни шоширадиган мисоллар тақдим этади. Феъл замонларининг ҳаммамизга жуда таниш бўлиб кетган фарқланиши айрим тиллар учун бегона; қадимги яҳудий тилида ўтган, ҳозирги ва келаси замон шакллари фарқланмайди. Бобо олмон тилида келаси замонни ифодаловчи махсус шакл бўлмаган; унда келаси замон ҳозирги замон шаклида бўлган дейишлари нотўғри, чунки бобо олмон тилида ҳозирги замоннинг қиймати унинг ҳозирги замон билан бир қаторда келаси замон ҳам мавжуд бўлган бошқа тиллардаги қийматига тенг эмас. Славян тиллари феълнинг икки турини изчил фарқлаб келади: тугалланган тур (перфект) ҳаракати ҳар қандай шаклланиш жараёнида ташқарида, аллақандай бир нукта ҳолатида тугалланган ҳолатда ифодаланса, тугалланмаган тур (инперфект) ҳаракатни тугалланиш жараёнида ва замон чизигида ифодалайди. Бу категориялар французни танг аҳволга солиб қўяди, чунки унинг тилида бундай категориялар йўқ. Агар улар барча тилларда ҳам бўлганда, бундай қийинчиликлар бўлмаган бўларди. Бу каби ҳолатларнинг барчасида биз олдин берилган тушунчалар ўрнида тил системасининг табиатидан келиб чиқадиган қийматларни кўрамиз. Қиймат тушунчага мос келади деб айтишдан аввал мазкур ҳолатда уларнинг ўзаро тафовутли эканлигини, яъни ижобий тарзда — ўз мазмуни билан эмас, балки салбий тарзда — ўзининг системадаги бошқа узвлар билан муносабатлари асосида аниқланишини назарда тутиш керак. Уларнинг энг аниқ тавсифи қуйидагига бориб тақалади: бошқалар бўлмаган шаклда бўлиш. Шу ҳақиқатга таяниб иш тутсақ, белгининг асл талқини аниқланади.

Куйидаги чизма:



«хукм қилмоқ» тушунчаси «хукм қилмоқ» акустик образи билан боғлиқлигини англатади. Бир сўз билан айтганда, чизмада маъно тасвирланган. Ўз-ўзидан аёнки, «хукм қилмоқ» тушунчасида унинг фақат ўша тартибдаги қийматлар билан муносабатидан келиб чиқадиган қиймат эканлиги, уларсиз маъно бўлиши мумкин эмаслигини кўрсатувчи азалдан берилган ҳеч нарса йўқ.

Мен фикримни соддароқ баён қилиш мақсадида мазкур сўз ниманидир англатади, акустик образнинг тушунча билан боғлиқлигига асосланаман, деб айтсам, айтганларимнинг маълум даражада тўғри бўлиши улар воқелик ҳақида фақат қисман тасаввур бериши мумкин, деганим бўлади. Бирок, мен ҳам ҳеч қачон тил ҳодисасини унинг бутун моҳияти билан, қисман ёки тўлиқ ифодаламоқчи эмасман.



### 3-§. ЛИСОНИЙ ҚИЙМАТ МОДДИЙ НУҚТАИ НАЗАРДАН

Концептуал томон — қийматнинг моддий томони ҳам тилнинг фақат бошқа элементлари билан алоқалари ва тафовутлари асосида ҳосил бўлади. Сўздаги муҳим нарса товушнинг ўзи эмас, балки шу сўзни қолган барча сўзлардан фарқлашга имкон берадиган товуший фарқлардир, чунки айнан шулар маъно ташувчилар ҳамдир.

Бундай фикр ҳайрат уйғотишга қодир, ҳолбуки, аслида бошқача бўлиши ҳам мумкин эмас. Бошқаларга қараганда аниқроқ тарзда нимани ифодалаши керак, деган саволга жавоб берадиган товуш образи йўқ экан, *a priori* айтиш мумкинки, тилнинг ҳар қандай бўғими пировард натижада фақат ўзининг бошқа бўғимларга номувофиқлигига асосланиши мумкин, холос. Ихтиёрийлик ва тафовутлилик ўзаро боғлиқ икки хусусиятдир.

Лисоний белгиларнинг ўзгарувчанлиги шу боғлиқликнинг дурустгина далилидир: *a:v* муносабатининг ҳар бир узви қонунлар асосида ўзгариш эринлигини сақлаб қолади. Бу қонунлар эса унинг

Умумий тилшунослик курси ~~~~~ Фердинанд дў Сосюр

белгили функциясига боғлиқ эмас, чунки *a* ва *b* моҳиятан доимо фақат *a:b* нинг фарқини кўрсатувчи онг соҳасига кириб боролмайди. Рус тилидаги *рук* кўплик сон қараткич келишиги ҳеч қандай ижобий белги билан қайд этилмаган (1-қисмнинг 3-бобидаги 4-§га қаранг), ҳолбуки, *рука:рук* жуфтлиги тарихан ўзидан олдин қўлланган *рука:рукъ* жуфтлиги каби бинойидай қўлланилиб келмоқда. Бунинг сабаби шундаки, тилда фақат бир белгининг бошқасидан фарқи муҳим: *рука* шакли бошқа шаклдан фарқ қилгани учунгина қийматга эга.

Бошқа бир мисол, товуш фарқларининг бундай қўлланилишида системалилик нақадар муҳим эканлигини янада яхшироқ намоён этади. Юнон тилида, гарчи иккала шакл ҳам бир хил ҳосил қилинган бўлса-да, *éphēn* имперфект, *éstēn* эса аористдир. Бу шу билан изоҳланадики, улардан биринчиси *phēmi* «гапиряпман» феълининг ҳозирги замон системасига мансуб бўлгани ҳолда, *siēmi* нинг ҳозирги замон шакли йўқ. Ҳолбуки, айнан *phēmi-éphēn* муносабати ҳозирги замон ва имперфект орасидаги муносабатга жавоб беради (қиёсланг: *deiknūmi* «кўрсатяпман»: *edeiknūn* «кўрсатардим»). Бинобарин, қайд этилган белгилар ўзининг ички маъноси туфайли эмас, балки системанинг бошқа элементларига нисбатан тутган ўрнига кўра амал қилади.

Бунинг устига, моддий элемент бўлган товуш ўзича тилга мансуб бўла олмайди. Тил учун у қандайдир иккиламчи, тил фойдаланадиган материал, холос. Умуман, барча шартли қийматлар ўзларига уларга фақат таянч вазифасини бажарадиган ва ҳис этиладиган элемент билан аралашиб кетмаслик хусусияти билан тавсифланади. Масалан, танганинг қиймати унинг қандай металдан ясалгани билан белгиланмайди: қиймати беш франк бўлган нуқра *эюда белгиланган сумманинг фақат ярми бор, холос. У сиёсий чегара доирасида ўзида зарб қилинган тасвирдан кўп ҳам, кам ҳам турмайди. Бу гаплар тилдаги ифодаловчига нисбатан янада кўпроқ тааллуқли. Чунки ифодаловчи моҳиятан овоз чиқарадиган (жаранглайдиган) нарса эмас: ифодаловчи тилда жисми йўқ ва уни моддий субстанция эмас, балки унинг акустик образини қолган бошқа акустик образлардан ажратиб турувчи тафовут фарқлайди холос.

Бу тамойил шу даражада муҳим аҳамиятга эгаки, у тилнинг барча моддий элементларига, хусусан, фонемаларга нисбатан ҳам амал қилади. Бу элементларнинг ҳар бири аниқ чегараланган бирлик бўлиб, уларнинг миқдори аниқ белгиланган. Ва уларнинг ҳар бири,

Умумий тилшунослик курси ~~~~~ Фердинанд дў Соссюр  
ўйлаш мумкин бўлганидек, ўзигагина хос ижобий сифат билан эмас,  
балки фақат бошқаларига аралашиб кетмаслиги билан тавсифланади.  
Фонемалар — бу, энг аввало, зиддиятли, нисбий ва салбий  
мохиятлардир.

Буни мазкур товушни бошқа товушлардан ажратиб турувчи  
чегараларга амал қилинган ҳолда, у ёки бу товушни талаффуз  
қилишда сўзловчи фойдаланадиган эркинлик билан исботлаш  
мумкин. Масалан, француз тилида чучук «ф»нинг оммалашиб кетгани  
уни бошқа кишилар томонидан «р» тарзида талаффуз қилишга  
монелик қилмайди. Бундан тил сира ҳам азият чекмайди. У ҳар бир  
товушда доимо ўзгармас сифат бўлишини эмас, балки фақат  
тафовутни талаб қилади. Мен французча «г»ни, ҳатто, *bach, doch* каби  
сўзлардаги «ч» каби талаффуз қилишим мумкин. Аммо немисча  
«ch»ни «г» ўрнида талаффуз қила олмайман, чунки бу тилда ўзаро  
фарқланиши лозим бўлган иккала товуш ҳам бор. Рус тилида ҳам *t* ни  
*t* (юмшоқ «t»)га ўхшатиб талаффуз қилишда эркинлик бўлиши  
мумкин эмас, чунки шундай талаффуз қилинса, ўзаро фарқланадиган  
икки товуш аралашиб кетиши мумкин (қиёсланг: *говорить* ва  
*говорит*). Лекин уни «th» (нафас чиқариш билан талаффуз  
қилинадиган «t») каби талаффуз қилса бўлади, чунки рус тили  
фонемалари системасида «th» йўқ.

Худди шундай ҳолат белгиларнинг бошқа — ёзув системасида  
ҳам кузатилаётгани боис биз уни мазкур муаммони яхшироқ англаб  
олиш мақсадида таҳлилга тортишимиз мумкин.

1) ёзув белгилари ихтиёрий (эркин) танланади; масалан, *t* ҳарфи  
имлоси билан унинг ёрдамида ифодалайдиган товуш орасида ҳеч  
қандай алоқа йўқ;

2) ҳарфлар қиймати, кўпинча, салбий ва фарқловчи хусусиятга  
эга бўлади: айнан бир киши, масалан, *t* ҳарфини ҳар хил ёзиши  
мумкин:



Фақат битта шартга амал қилган ҳолда: «t» товушнинг *i, d* ёки  
бошқа товушлар имлоси билан адаштирмаслиги керак;

3) ёзувда қийматлар ҳарфларнинг чекланган миқдоридан иборат  
маълум система доирасида ўзаро қарама-қарши қўйилгандагина  
аҳамият касб этади. Бу хусусият 2-бандда қайд этилган хусусиятга  
тўғри келмаса-да, у билан узвий алоқада бўлади, чунки уларнинг

Умумий тилшунослик курси ~~~~~ Фердинанд дў Сосюр  
иккаласи ҳам биринчисига боғлиқдир. Имло белгиси ихтиёрий  
бўлгани учун унинг шакли у қадар муҳим эмас ёки, аниқроқ  
айтадиган бўлсак, система билан белгиланган доирадагина муҳимдир;

4) имло белгиси учун фойдаланиладиган восита унга мутлақо  
бефарқ, чунки у системага таъсир қилмайди (бу энди биринчи  
хусусиятдан келиб чиқади): мен ҳарфларни истаган бўёқда, ҳар  
қандай ручка ёки кескич билан ёзишим мумкин — бунинг барчаси  
имловий белгиларнинг маъносига таъсир қилмайди.



#### 4-§. УМУМИЙЛИКДА ЎРГАНИЛГАН БЕЛГИ

Юқорида айтилганлар бизнинг тилда тафовутлардан бошқа ҳеч  
нарсга йўқ, деган хулосага олиб келади. Умуман олганда, тафовутий  
муносабат ижобий аъзолар бўлишини тақозо этади, чунки у ана шу  
аъзолар орасида юзага келади. Бироқ тилда системанинг фақат  
ижобий аъзоларисиз ҳам тафовутлар бўлади. Белгининг қайси  
томонини олиб кўрсатмайлик — ифодаловчи ёки ифодаланмишми,  
бари бир, ҳамма жойда айнан бир хил манзарага дуч келамиз: тилда  
лисоний системага боғлиқ бўлмаган тушунчалар ҳам, товушлар ҳам  
йўқ, фақат шу системадан келиб чиқадиган маъновий ва товуший  
тафовутлар бор, холос. Белгида ифодаланган тушунча ҳам, товуш  
материаллари ҳам унинг атрофидаги бошқа белгиларда бўлган  
нарсга қараганда камроқ аҳамиятга эга. Буни шу билан изохлаш  
мумкинки, система бўлагининг қиймати маъно ва товушлари  
ўзгармаганда ҳам, системанинг чегаралаш аъзоси ўзгаришга  
учраганда ҳам ўзгариши мумкин.

Бироқ тилдаги ҳамма нарсга салбий дейиш фақат алоҳида-алоҳида  
олинган ифодаланмиш ва ифодаловчига нисбатан тўғри; биз белгини  
яхлит ҳолда (ифодаланмиш ва ифодаловчи билан бирга) ўргана  
бошлаганимиз ҳамона қандайдир ижобий нарсга дуч келамиз.

Тил системаси тушунчалардаги қатор тафовутлар билан боғлиқ  
товушлардаги тафовутлар қаторидир, бироқ акустик белгиларнинг  
муайян миқдорини эҳтимол тутилган массадан ажратиб олинадиган  
бўлақларнинг шундай миқдори билан қиёслаш қийматлар  
системасини юзага келтиради; қийматларнинг айнан шу системаси  
ҳар бир белги ичидаги товуший ва руҳий элементлар орасида ҳақиқий  
алоқани ҳосил қилади. Гарчи алоҳида-алоҳида олинган ифодаланмиш  
ва ифодаловчи дифференциал (фарқловчи) ва салбий бирликлар



Умумий тилшунослик курси ~~~~~ Фердинанд дў Соссюр бўлса-да, уларнинг бирикиши ижобий ҳодисадир. Бу тилда мавжуд ҳодисаларнинг, ҳатто, ягона кўринишидир. Чунки тил системасининг асосий хусусияти айнан тафовутларнинг шу икки қатори орасида параллелизмнинг сақланиб туриши билан белгиланади.

Шу нуқтаи назардан айрим диахроник ҳодисалар жуда характерли: бу ифодаловчининг ўзгариши тушунчанинг ўзгаришига олиб келганда ва ўзаро фарқланадиган тушунчалар миқдори, асосан, фарқловчи белгилар миқдорига мос бўлганда юзага келадиган сон-саноксиз ҳолатлардир. Фонетик ўзгаришлар натижасида икки элемент қўшилиб кетса (масалан, лотинча *décrepitus* дан ҳосил бўлган французча *décrépit* ва лотинча *crispus* дан ҳосил бўлган *décrépi* (1-қисмнинг 3-бобидаги 3-§га қаранг), қулай вазият юзага келганда, тушунча ҳам қўшилиб кетишга мойил бўлади. Сўз, масалан, французча *chaise* «стул» ва *chaire* «кафедра» фарқланса-чи? У ҳолда, юзага келадиган тафовут муқаррар равишда маъно касб этишга мойиллик кўрсатади. Бу эса ҳамиша ва дарҳол содир бўлавермайди. Ва, аксинча, хаёлга келган ҳар қандай *концептуал тафовут ўзини турли ифодаловчиларда ифодалашга, онда фарқланмайдиган икки тушунча эса бир ифодаловчи билан қўшилиб кетишга интилади.

Агар белгилар системасининг ижобий бўлақларини ўзаро қиёсласак, у ҳолда тафовут ҳақида бошқа гапиришимизга тўғри келмайди. Бу ибора мазкур ҳолатда унчалик ҳам тўғри келмайди, чунки у фақат икки акустик образ, масалан, ота ва она ёки икки тушунча, масалан, «ота» тушунчаси ва «она» тушунчаси қиёсланган ҳолатларда қўлланиши мумкин. Ҳар бири ўз ифодаланмиш ва ифодаловчисига эга икки белги ҳар хил белгилар эмас, балки ўзаро фарқланадиган белгилардир. Улар орасида фақат карама-қарши қўйилиш бор ҳолос. Тилнинг, биз куйида сўз юритадиганимиз, механизми шундай карама-қарши қўйилишларга ва улардан келиб чиқадиган ўзаро фарқланувчи ҳамда маъновий тафовутларга асосланади. Қийматга нисбатан тўғри бўлган нарса бирликка нисбатан ҳам тўғридир. Нутқ оқимида муайян мос сегмент: бунинг устига, сегмент ҳам, тушунча ҳам табиатан фарқланиш хусусиятига эга бўлади.

Тил бирлигига нисбатан фарқланиш тамойилини шундай таърифлаш мумкин: бирликнинг фарқловчи белгилари шу бирликнинг ўзи билан қўшилиб кетади. Ҳар қандай семиологик системада бўлгани каби тилда ҳам бир белгини бошқа белгилардан фарқлаб турадиган нарса уни ташкил қиладиган барча нарсалардир. Тафовут фарқловчи хусусиятни ҳам, қиймат ва бирликни ҳам юзага

келтиради. Ўша тамойилда яна бир сондан *парадоксал хулоса келиб чиқади: одатда, «грамматик ҳодиса» деб атайдиганимиз пировард натижада бирликнинг таърифига тўғри келади, чунки у доимо система узвларининг қарама-қарши қўйилишини ифодалайди; фақат мазкур ҳолатда зидланиш алоҳида маъно касб этади. Мисол сифатида олмон тилидаги *Nacht:Nächt* типидagi ҳолатларда кўплик соннинг ҳосил бўлишини олиб кўрайлик. Ушбу грамматик зидланишнинг ҳар бир бўлаги (умлаутли ва сўз охирида келадиган *-e* ли кўплик сонга қарама-қарши қўйилган умлаутсиз ва сўз охирида келадиган *-e* сиз ҳосил бўлган бирлик сон)нинг ўзи система ичида ўзаро алоқадор бўлган зидланишларнинг бутун бошли қатори ёрдамида ҳосил қилинган; алоҳида олинган *Nächt* ҳам ўзича ҳеч қандай маъно ифодаламайди; бинобарин, ҳамма гап зидланишда. Тил бу, айтиш мумкин бўлса, шундай алгебраки, унда фақат системанинг мураккаб узвлари бор, холос. Ундаги қарама-қаршиликларнинг бир хиллари бошқаларига қараганда муҳимроқ бўлади, бироқ «бирлик» ва «грамматик факт», айнан бир ҳодиса, яъни лисоний қарама-қаршиликлар таъсирининг турли томонларини ифодалаш учун қўлланадиган турли номлардир. Бу шу даражада тўғрики, бирлик масаласига грамматик фактлар томонидан ёндашиш мумкин бўлади. Шу билан бирга, *Nacht:Nächt* зидланиши аниқлангач, бу жараёнда қандай бирликлар қатнашади, деб ўзимиздан сўрашимизга тўғри келади: фақат шу сўзларми? Шундай сўзлар қаторими ёки *a* ва *ä* ми ёхуд иккала сон шакли ва бошқаларми?

Агар тил белгилари тафовутлардан бошқа нарсалардан таркиб топганда эди, бирлик ва грамматик далил бир-бирини қопламаган бўларди. Бироқ тил айнан шундай бўлганлиги боис, унга қайси томонидан ёндашмайлик ундан содда нарсани топишнинг иложи йўқ; ҳамма жойда ва ҳаммаша у кўз ўнгимизда система, ўзаро боғлиқ элементларининг мураккаб мувозанати сифатида намоён бўлади. Бошқача айтганда, тил субстанция эмас, балки шаклдир (4-бобнинг 1-§ига қаранг). Бу ҳақиқатга имкон қадар чуқурроқ кириб бориш лозим, чунки терминологиядаги барча чалкашликлар, тил ҳодисаларига биз томондан берилган ноаниқ тавсифлар тилда қандайдир субстанционаллик мавжуд, деган ғайририхтиёрий тахминга асосланади.



## V боб. СИНТАГМАТИК МУНОСАБАТЛАР ВА АССОЦИАТИВ МУНОСАБАТЛАР

### 1-§. ТАЪРИФЛАР

Шундай қилиб, тилнинг ҳар бир ҳолатида барча ҳодисалар муносабатларга асосланади. Бу муносабатларнинг ўзи нима?

Тил системаси узвлари орасидаги муносабат ва тафовутларнинг ҳар бири қийматлар қаторини ташкил қиладиган икки соҳа бўйлаб жойлашади: шу икки қаторнинг қарама-қарши қўйилиши ҳар бирининг тарқалишини яхшироқ аниқлаб олишга имкон беради. Улар ақлий фаолиятимизнинг тил ҳаёти учун бирдек зарур бўлган икки шаклига мос бўлади.

Бир томондан, сўзлар нутқда бир-бири билан боғланиб, ўзаро тилнинг чизиқли икки элементининг бир пайтда талаффуз қилинишига йўл қўймайдиган табиатига асосланган муносабатларга киришади.

Бу элементлар нутқ оқимида бирин-кетин сафга тизилади. Чўзиқлик хусусиятга эга бундай элементларни синтагмалар деб аташ мумкин. Бинобарин, синтагма кетма-кет келади, кам деганда, икки бирликдан иборат бўлади (масалан, *re-lire* «қайта ўқимок», *contre tous* «ҳаммага қарши» ва *vie humaine* «инсоний ҳаёт», *s'il fait beau, nous sortirons* «ҳаво яхши бўлса, сайр қилгани чиқамиз» ва ш.к.). Синтагманинг узви факат ўзидан олдин ёки кейин ёхуд иккаласи ҳам биргаликда келганда муайян маъно касб этади.

Бошқа томондан, нутқ жараёнидан ташқарида ўзаро қандайдир умумийликка эга бўлган сўзлар хотирада ассоциация орқали шундай боғланадики, натижада улардан гуруҳлар ҳосил бўлади. Бу гуруҳлар ичида эса жуда ранг-баранг муносабатлар намоён бўлади. Масалан, *enseignement* «таълим» сўзи беихтиёр яна кўплаб сўзларни эслатади (масалан, *enseigner* «таълим бермок, ўқитмок», *tenseigner* «яна ўқитмок» ва б. Ёки *armement* «қуролланиш», *changement* «ўзгариш» ва б. Ёки *éducation* «маориф», *apprentissage* «таълим олиш, ўқиш» ва б.

Бу муносабатларнинг ҳозиргина тилга олинган муносабатлардан мутлақо бошқа эканлигини кўриш қийин эмас. Улар чўзиқликка асосланмайди, мияда жойлашади ва ҳар бир шахс хотирасида

Умумий тилшунослик курси ~~~~~ Фердинанд дў Соссюр сақланадиган хазинага тааллуқли бўлади. Бу хазина эса тилдир. Бу муносабатларни биз «ассоциатив муносабатлар» деб атаймиз.

Синтагматик муносабатлар доимо *in praesentia* бўлади: у узвларнинг икки ёки ундан ортиқ, бир хил даражада актуал кетмакетлик муносабатига асосланади. Аксинча, ассоциатив муносабат шу муносабат узвларини * вертуал, мнемоник қаторда бирлаштиради; унинг узвлари доимо *in absentia* да бўлади.

Шу икки нуқтаи назардан ўрганиладиган тил бирлигини бинонинг маълум қисмига, масалан, устунларига ўхшатиш мумкин: бир томондан, устун ўзи тутиб турган сарров (архитрав) билан муайян муносабатда бўлади — маконда бир пайтда мавжуд икки бирликнинг бу ўзаро жойлашиши синтагматик муносабатни эслатади; иккинчи томондан, агар бу дорийлар (иониклар, коринфлар ва ҳ.к.) ордерига мансуб устун, яъни мазкур маконда бўлмаган элементлар бўлса, у ҳолда бу ассоциатив муносабатдир.

Бу қаторларнинг ҳар бири айрим мулоҳазаларни тақозо этади.



## 2-§. СИНТАГМАТИК МУНОСАБАТЛАР

5-бобнинг 1-§ида келтирилган мисоллар синтагма тушунчасининг нафақат сўзларга, шунингдек, сўз бирикмаларига, ҳар хил жинс ва узунликдаги биргаликларга (кўшма ва ясама сўзларга, гап бўлакларига, бутун бошли гапларга) тааллуқли деган хулосага келишга имкон берган эди.

Синтагманинг айрим узвларини (масалан, *contre* «қарши» ва «*tous*» *contre tous* «хаммага қарши») синтагмасида ёки *contre* ва *maître contremaitre* «катта ишчи, уста» синтагмасида, боғловчи муносабатларни ўрганишнинг ўзи етарли эмас. Шунингдек, бутун билан унинг узвларини (масалан, *contre tous* нинг бир томондан *contre* га, иккинчи томондан эса *tous* га ёки *contremaitre* нинг бир томондан *contre* га, иккинчи томондан эса *maître* га) боғловчи муносабатни ҳам эътиборга олиш керак. Бу ерда эътироз билдириш ҳам мумкин эди: синтагманинг типик намоён бўлиш шакли гап экан (у тилга эга нутққа тегишли), бундан синтагма ҳам нутққа тааллуқли, деган хулоса чикмайдими? Бизнингча, бундай эмас. Чунки нутқнинг характерли хусусияти элементларни ўзаро эркин боғлаш имкониятининг мавжудлигидир. Бинобарин, саволни шундай қўйиш керак: хамма синтагмалар ҳам бир хил даражада эркинми?

Биз, энг аввало, шубҳасиз, тилга оид бўлган ибораларнинг жуда катта миқдорига дуч келамиз: бу шундай тайёр ибораларки, уларда (масалан, *à quoi bon?* «нима кераги бор?», *Allons donc!* «етар!» ва ш.к.) маъноли қисмлар яққол кўзга ташланиб турган бўлса-да, анъана уларни ўзгартиришга монелик қилади. Тахминан шундай ҳолат, гарчи камроқ даражада бўлса-да, *forcer la main à quelqu'un* «мажбур қилмоқ», *romper une lance* «қаттиқ туриб ҳимоя қилмоқ, *avoir mal à la tête...*) «(бош...) оғримоқ, *pas n'est besoin de ...* «ҳеч қандай зарурияти йўқ», *que vous en semble* «сиз бу ҳақда нима деб ўйлайсиз» каби ибораларда ҳам кузатилади. Бу ибораларнинг қўлланиш хусусияти уларнинг маъноси ёки синтаксиси хусусиятлари билан боғлиқ. Бундай гапларни тайёргарликсиз, бирдан ҳосил қилиш мумкин эмас; улар тайёр ҳолда, анъанага кўра ишлатилади. Яна шундай мисоллар келтириш мумкинки, улар етарли даражада таҳлил қилинса-да, анъана юзасидан сақланиб келинаётган қандайдир морфологик анамалия билан тавсифланади (қиёсланг: *difficulté* «кийинчилик» — *facilité* «енгиллик», *mourrai* «ўламан» — *dormirai* «ухлайман»).

Бироқ бу ҳаммаси эмас. Синтагмаларнинг маълум қоидалар асосида ясалган барча турларини нутқ эмас, балки тил ҳодисалари деб ҳисоблаш керак. Ҳақиқатан ҳам, тилда мавҳум нарса йўқ экан, у ҳолда бу турлар катта миқдорда тилда қайд этилгандагина мавжуд бўлиши мумкин. Нутқда *indécorable* (3-қисмнинг 4-бобидаги 3-ўга қаранг) сингари тайёргарликсиз ҳосил қилинган сўз муайян турни талаб қилади ва, ўз навбатида, шундай сўзларнинг етарли миқдори хотирада мавжуд бўлгандагина пайдо бўлади (қиёсланг: *inpardonnable* «кечириб бўлмайдиган», *intolérable* «чидамсиз», *infatigable* «толмас» ва б.). Маълум қолип асосида яратилган гап ва сўз бирикмалари ҳақида ҳам шундай дейиш мумкин: *Terre tourne* «Ер айланади», *que vous dit-il* «у сизга нима деди» каби бирикмалар умумий турлар талабларига жавоб беради. Сўзловчилар онгида сақланадиган бу турлар ҳам, ўз навбатида, тилга тааллуқли бўлади. Аммо тан олиш керакки, синтагма соҳасида анъана туфайли онгда акс этган тил фактлари билан ва индивидуал эркинлик билан боғлиқ нутқ фактлари орасида кескин чегара йўқ. Кўпинча, бирикларнинг мазкур бирикмасини у ёққа ёки бу ёққа киритиш қийин кўринади, чунки унинг юзага келишида иккала омил ҳам иштирок этади, бироқ бу иштирокнинг нисбатини аниқлашнинг иложи йўқ.




### 3-§. АССОЦИАТИВ МУНОСАБАТЛАР

Онгимизда пайдо бўладиган ассоциатив гуруҳлар муносабатнинг қандайдир умумийликка эга бўлган бўлакларини ўзаро яқинлаштириш билан чегараланиб қолмайди. Ҳар бир ҳолатда ақл уларни боғловчи муносабатларнинг характерини илғаб олади ва, бу билан, ҳар хил муносабатлар қанча бўлса, шунча ассоциатив қаторларни ҳосил қилади. Масалан, *enseignement* «таълим», *enseigner* «таълим бермоқ», *enseignons* «ўқитяпмиз» каби муносабатларнинг барча бўлаклари учун умумий бўлган бир элемент — ўзак бор; бироқ ўша *enseignement* сўзи бошқа элемент — суффикснинг умумийлиги билан тавсифланадиган бошқа қаторига тушиб қолиши ҳам мумкин: *enseignement* «таълим», *armement* «қуролланиш, қурол-яроғ», *changement* «ўзгариш ва б. Ассоциация фақат ифодаланмишларнинг ўхшашлигига (*enseignement* «таълим», *instruction* «кўрсатма бериш, инструктаж», *apprentissage* «таълим олиш, ўқиш», *éducation* «маориф») ва б.) ёки аксинча, нукул акустик образларнинг (масалан, *enseignement* «таълим» ва *justement* «адолат билан») умумийлигига асосланиши мумкин. Шундай қилиб, бу ҳолат ё маъно ва шаклда ёки фақат маънода кузатилади. Ҳар қандай сўз у ёки бу тарзда фикран ўзи билан боғланадиган нарсани хотирага келтириши мумкин.

Синтагма бир-бирини алмаштириб келадиган элементларнинг изчиллиги ва муайян миқдори ҳақида тасаввур ҳосил қилса, ассоциатив гуруҳни ташкил қиладиган бўлақлар онда на маълум миқдорда ва на маълум тартибда берилган бўлади. Агар *désir-eux* «орзуманд», *chaleur-eux* «жўшқин» каби сўзларга фикран боғланувчи қаторларни танлаш керак бўлса, у ҳолда хотира тақдим этадиган сўзлар миқдори ва уларнинг қандай тартибда пайдо бўлишини олдиндан айтиб беришнинг иложи бўлмайди. Гуруҳнинг ҳар қандай бўлагини юлдузлар туркумининг ўзига хос маркази, шу гуруҳ билан ўзаро мос келадиган ва миқдоран чекланмаган бошқа бўлаклари кесишадиган нуқтаси сифатида ўрганиш мумкин.

Дарвоқе, ассоциатив қаторнинг бу икки хусусияти тартибнинг ноаниқлиги ва миқдорнинг чекланмаганлиги — орасида фақат биринчиси бор; иккинчиси, масалан, шу қатор учун характерли бўлган сўз ўзгариш парадигмаси бўлмаслиги мумкин. Лотинча *dominus*, *dominī*, *dominō* ва бошқалар қаторида умумий элемент *domin-* ўзаги асосида ҳосил қилинган ассоциатив гуруҳни кўрамиз, бироқ бу қатор ҳам *enseignement*, *changement* лар қатори каби чегарасиздир:



келишиклар сони қатъий, аммо уларнинг бирин-кетин келиш тартиби қатъий эмас, шунинг учун уларнинг у ёки бу гуруҳи батамом грамматика муаллифининг ўзбошимчалиги билан белгиланади. Парадигма узвлари у ёки бу тартибда мутлақо тасодифан юзага келади.



## VI боб. ТИЛ МЕХАНИЗМИ

### 1-§. СИНТАГМАТИК УМУМИЙЛИКЛАР

Демак, тилни вужудга келтирувчи товуш ва маъно орасидаги инфовутлар йиғиндиси икки хил — ассоциатив ва синтагматик чиналашувлар ҳосиласидир. Улар ҳам, булар ҳам, асосан, тил тартибларида шаклланади. Муносабатларнинг айнан шу йиғиндиси тилни юзага келтиради ва унинг қўлланишини белгилайди.

Мазкур тузилмадаги бизни ҳайратга соладиган биринчи нарса — бу синтагматик birlikлардир. Тилнинг деярли барча birlikлари нутқ оқидамида ўзини ўраб олган birlikлар ёки ўзлари ташкил топадиган қисмларга боғлиқ. Сўз ясалиши бунга яхши мисол бўла олади.

*Désireux* «орзуманд»га ўхшаш birlik куйи сатҳнинг икки birlikига бўлинади (*désir-eux*), лекин бу бир-бири билан шунчаки бириккан икки мустақил бўлак эмас, балки юқори сатҳ birlikида фақат ўз таъсири доирасида қиймат касб этадиган ўзаро боғлиқ икки элементнинг боғланиши ёки қўшилмасидир; *-eux* суффикси ўзича мавжуд эмас. У *chaleur-eux* «жўшқин», *chanc-eux* «омадли» каби қатор сўзлар туфайли тилда ўз ўрнига эга бўлади. Бироқ ўзак ҳам мустақил эмас, чунки у фақат суффикс билан бирика олиши сабаблигина мавжуд бўлади: *roul-is* «чайқалиш» сўзида *roul* ўзаги ўзидан кейин келадиган *-is* қўшимчасисиз ҳеч қандай маъно ифодаламайди. Бутуннинг қиймати унинг қисмлари билан, қисмлар қиймати эса уларнинг бутундаги ўрни билан белгиланади. Айнан шунинг учун қисмнинг бутунга нисбатан муносабати қисмларнинг бутун ичидаги ўзаро муносабати каби муҳимдир (2-қисмнинг 5-бобидаги 2-§га қаранг).

Бу юқорида санаб ўтилган барча синтагмаларда амал қилинадиган умумий тамойилдир. Ҳамма жойда биз нисбатан кичик birlikлардан таркиб топган нисбатан катта birlikларни кўрамыз. Бунинг устига ана шу birlikлар умумийликни ҳосил қилувчи ўзаро алоқа муносабатида бўлади.

Тўғри, тилда на ўз қисмлари ва на бошқа birlikлар билан синтагматик алоқада бўлмайдиган мустақил birlikлар ҳам бор. Сўз-гапларнинг *oui* «ҳа», *non* «йўқ», *merci* «рахмат» каби



Умумий тилшунослик курси ~~~~~ Фердинанд дў Соссюр мукобиллари бунга яхшигина мисол бўла олади. Аммо у кам учрайдиган фактнинг умумий тамойилни издан чиқариш учун етарли эмас. Биз, одатга кўра, алохида олинган белгилар ёрдамида эмас, балки белги бирикмалари, аникроғи, белгилар мажмуи ёрдамида гаплашамиз. Тилда ҳамма нарса тафовутларга бориб тақалади, аммо унда ҳамма нарсага, шунингдек, гуруҳларга ҳам бориб тақалади. Кетма-кет келадиган ва муносабат узвларининг муайян функциясини бажарадиган бу механизм машинанинг ишлашини эслатади. Маълумки, машина айрим қисмларининг фақат битта фарқи бор — улар бир ўлчам бўйлаб жойлашганлиги билан фарқ қилади.




## 2-§. СИНТАГМАТИК ВА АССОЦИАТИВ ГУРУҲЛАРНИНГ БИР ВАҚТДА АМАЛ ҚИЛИШИ


Шу йўсинда ҳосил бўладиган синтагматик гуруҳлар ассоциатив муносабатларга ўзаро алоқадорликда боғлангандир. Улар бир-бирини тақозо этади. Ҳақиқатан ҳам, маконда боғланиш ассоциатив боғланишларнинг юзага келишига имкон яратади. Бу боғланишлар ҳам, ўз навбатида, синтагмани таркибий қисмларга ажратишда асқотади.

*Défaire* «бузмок», «ажратмок» сўзини олиб кўрайлик. Биз уни нутқ оқимиغا мос тарзда горизонтал ўқда тасвирлашимиз мумкин:


dé-faire



Шу билан бир пайтда, бошқа ўқда онгостида биттадан умумий элементга эга birlikлардан таркиб топган бир ёки бир неча ассоциатив қатор сақланади. Масалан:



Худди шунингдек, лотинча *quadruplex* «...» қўшма сўзи ҳам фақат икки ассоциатив қаторга таянгани учунгина синтагма бўла олади (чизмага қаранг).



*Défaire* ва *quadruplex* қуйи сатҳ бирликларига бўлиниши мумкин, яъни ўз атрофида қайд этилган бошқа шаклларнинг бирлиги туфайлигина синтагмалар бўла олади. Агар таркибида *dé-* ёки *faire* бўлган бу шакллар тилдан йўқ бўлиб кетганда эди, *défaire* бўлақларга ажралмайдиган, оддий бирликка айланиб қолган ва унинг икки қисми бир-бирига қарши қўйилмаган бўларди. Икки тарафлама бу системанинг қўлланиши ана шундай аниқланади.

Бизнинг хотирамизда синтагмаларнинг у ёки бу даражада мураккаб, чўзиқлигидан қатъи назар, турлари сақланади; улардан фойдаланиш зарур бўлганда, керакли бирикмани танлаш учун ассоциатив гуруҳларга мурожаат этамиз. Кимдир *marchons!* «кетдик!» деса, у ўзи билмаган ҳолда, *marchons!* синтагмаси бўлган ассоциатив гуруҳларга мурожаат қилади. Бу синтагма, бир томондан, *marche!* «кет!», *marchez* «кетинг!» қаторида туради ва танлов *marchons!* шаклини шу шаклларга қарама-қарши қўйиш йўли билан амалга оширилади; иккинчи томондан, *marchons!* *montons!* «кўтарилайлик», «чиқайлик», *mangeons!* «еб кўяйлик!» қаторини эсга солади. Керакли бирликни топиш учун ҳар бир қаторда қанчадан-қанча алмаштиришлар қилишга тўғри келиши тушунарли. Бошқа маъно, масалан, *marchez!* ёки *montons!* маъносининг юзага келиши учун ифодалаш лозим бўлган ибора маъноси ўзгаришининг ўзи кифоя.

Хуллас, дилимиздаги нарсани ифодалаётгани учун биз *marchons!* ни танладик, дейишнинг ўзи етарли эмас. Аслида тушунча шаклини эмас, балки бутун бошли яширин системани талаб қилади. Керакли белгини ифодалаш учун лозим бўлган зидланишлар ана шу система туфайли намоён бўлади. Белги эса ўзича ҳеч қандай хос маънога эга эмас; *marchons!* ёнида *marche!* ҳам, *marches!* ҳам бўлмайдиган пайт келса, айрим қарама-қарши

Умумий тилшунослик курси ~~~~~ Фердинанд дў Соссюр  
қўйишлар барҳам топади ва *marchons!* белгисининг маъноси *ipso facto* ўзгарган бўларди.

Бу тамойилни барча турдаги синтагма, гап, ҳатто жуда мураккаб гапларга нисбатан ҳам қўллаш мумкин. *Que vous dit-il?* «У сизга нима деяпти?» деганимизда, биз яширин синтагматик турдаги элементлардан бирини алмаштирган бўламиз, масалан: *Que te dit-il?* «У сенга нима деяпти?», *Que nous dit-il?* «У бизга нима деяпти?» ва ҳ.к. Ва шу тарзда биз *vous* «сизга» олмошига тўхтаймиз. Шундай қилиб, исталган ўзгаришни исталган нуқтага келтиришга монелик қиладиган барча нарсаларни миядан четлаштиришга асосланган бу машқларда ассоциатив гуруҳлар ҳам, синтагматик турлар ҳам амал қилади.

Бошқа томондан, қайд этиш ва танлашнинг бу усулига маъноли фонологик элементларгача бўлган энг кичик бирликлар ҳам бўйсунди. Биз нафақат тасодиф туфайли семантик фарқ бир фонемага тўғри келадиган французча *pəti* (*petit* ёзилади) «кичиккина» (м.р.) билан бир қаторда *pətit* (*petite* ёзилади) «кичкина» (ж.р.) ҳам ёки лотинча *dominō* «жанобга» билан бир қаторда *dominī* «жанобнинг» каби ҳолатларнинг ҳам борлигини, балки фонема ўзича тилнинг мазкур ҳолати системасида маълум роль ўйнайдиган нисбатан характерли ва мураккаб ҳодисаларни ҳам назарда тутмоқдамиз.

Масалан, агар юнон тилида *m*, *p*, *t* ва бошқа ҳарфлар сўз охирида келолмаса, у ҳолда бу уларнинг у ёки бу жойда бор ёки йўқлигини сўз ёки гап тузилишида ҳисобга олиш билан баробардир. Чунки шунга ўхшаш барча ҳолатларда тилнинг бошқа бирликлари каби алоҳида олинган товуш ҳам икки хил ақлий зидланиш натижасида танлаб қўлланади. Масалан, *anma* бирикмасида *m* товуши ўзини ўраб олган товушлар билан синтагматик зидланишда, онгда пайдо бўладиган барча товушлар билан эса ассоциатив зидланишда бўлади:

*a n m a*

*v*

*d*



### 3-§. БЕЛГИНИНГ МУТЛАҚ ВА НИСБИЙ ИХТИЁРИЙЛИГИ

Тил механизми бошқа, мутлақо муҳим нуктаи назардан намоён бўлиши мумкин.

Белги ихтиёрийлигининг асосий тамойили ҳар бир тилда моҳиятан ихтиёрий, яъни нисбатан ихтиёрий бўлган нарсани фарқлашга тўсқинлик қилмайди. Белгиларнинг фақат бир қисмигина мутлақо ихтиёрийдир. Қолган белгиларда эса уларни турли даражада ихтиёрий бўлган белгилар қаторига киритишга имкон берадиган хусусият кўзга ташланади. Белги нисбатан асосланган бўлиши мумкин.

Масалан, *vingt* «йигирма» асосланган белги эмас, лекин *dix-neuf* «ўн тўққиз» нисбатан кам даражада асосланмаган, чунки у ўзини ташкил қилган сўзлар ҳақида ҳам, у билан, масалан, *dix* «ўн», *neuf* «тўққиз», *vingt neuf* «йигирма тўққиз», *dix huit* «ўн саккиз» каби фикран (ассоциация йўли билан) боғланган сўзлар ҳақида ҳам онгимизда тасаввур ҳосил қилади; алоҳида-алоҳида олинган *dix* ва *neuf* *vingt* сингари ихтиёрий бўлса, *dix-neuf* нисбий асосланганликка яққол мисолдир. Французча *poire* «нок» сўзнини эслатувчи *poirier* «нок дарахти» ва унинг қўшимчаси *-ier* киши ҳаётига *pommier* «олма дарахти», *cerisier* «олча дарахти» каби сўзларни келтиради; *frêne* «шумтол», *chêne* «эман» ва бошқа сўзлар бутунлай бошқа нарсалардир. Яна мутлақо асосланмаган *berger* «чўпон» билан нисбатан асосланган *vacher* «подачи»ни қуйидаги жуфтликларда қиёслайлик: *geôle* «турма» ва *cachot* «зиндон» (қиёсланг: *cache* «яширма»), *concierge* «консьерж» (эшикбон) ва *portier* «портъе» (меҳмонхона эшикбони). Қиёсланг: *porte* «эшик», *jadis* «бир вақтлар» ва *autrefois* «илгари» (қиёсланг: *autre* «бошқа» + *fois* «марта»), *kent* «тез-тез» ва *fréquemment* «дам-бадам», *aveugle* «кўр» ва *boiteux* «чўлок» (қиёсланг: *boiter* «чўлоқданмоқ»), *sourd* «кар» ва *bossu* «букри» (қиёсланг: *bosse* «букур», «ўрқач»), немисча *Laub* ва французча *feuillage* «барглар» (қиёсланг: *feuille* «барг», французча *métier* ва немисча *Handwerk* «касб-ҳунар» (қиёсланг: *Hand* «қўл» + *Werk* «иш» ва б.

Инглизча кўплик сондаги *ships* «кемалар» сўзининг шакли қуйидаги сўзлар қаторини эслатади: *flags* «байроқлар», *birds* «қушлар», *books* «китоблар» ва б., *men* «одамлар», *sheep* «қўйлар» эса ҳеч нарсани эслатмайди. Юнонча *dēsō* «бераман» келаси замон ғоясини *lūsō* «бўшатаман», *stēsō* «қўяман», *tūsō* «зарба бераман»

Умумий тилшунослик курси ~~~~~ Фердинанд дў Соссюр  
кабилар билан фикран боғловчи белги ёрдамида ифодаланади, *eīni*  
«бораман» эса мутлақо ажралиб туради.

Ҳозир ҳар бир ҳолатда мотивацияни асословчи омилларни аниқлаш ўрни эмас. Синтагматик таҳлил қанча енгил ва қуйи сатҳ бирлиги маъноси қанча аниқ бўлса, у ҳам шунча тўлиқ бўлади. Ҳақиқатан ҳам, *pomm-ier, ceris-ier* кабилар билан киёслаш мумкин бўлган *poir-ier* сўзидаги *-ier* сингари аниқ формантлар билан бирга маъноси ноаниқ ёки арзимаган сўзлар ҳам бор. Масалан, *cachot* «зиндон» сўзидаги *-ot* суффикси маънонинг қайси элементига тўғри келади? *Coutelas* «дурагор болтаси», *fatras* «ғарам», *plâtras* «совун чиқиндиси», *canevas* «канва», «тўр» каби сўзлар киёсланганда *-as* нинг отларга хос формант³ эканлигини гира-шира тасаввур қиламиз, аммо уни янада аниқроқ тавсифлай олмаймиз. Дарвоқе, ҳатто энг қулай вазиятларда ҳам асосланиш (мотивация) ҳеч қачон тўлиқ ва мукамал бўлмайди. Нафақат асосланган белги элементлари ўзича ихтиёрий (масалан, *dix ... neuf* «ўн тўққиз»даги *dix* «ўн», *neuf* «тўққиз» сўзларини киёсланганда, умуман олганда ҳам, белгининг қиймати унинг қисмлари қиймати йиғиндисига тенг эмас; *poirier poir + ier* га тенг эмас (2-қисмнинг 6-бобидаги 1-§га қаранг).

Ҳодисанинг ўзига келсак, таъкидлаш жоизки, у олдинги фаслда баён қилинган тамойилларга таянганлиги билан асосланади: нисбатан асосланган тушунча 1) мазкур элементни, бинобарин, синтагматик муносабатни таҳлил қилишни; 2) бир ёки бошқа бир неча элементни, бинобарин, ассоциатив муносабатни тақозо этади. Бу элемент мазкур тушунчани ифодалашга ёрдам берадиган механизмдан бошқа нарса эмас. Ҳозиргача тил бирликларини қийматлар, яъни система элементлари сифатида қараб, уларни, асосан, қарама-қаршиликларда ўрганиб келдик. Энди уларни боғлаб турувчи birlikларни қараб чиқишга ҳаракат қиламиз. Бу эса ассоциатив ва синтагматик характерда бўлган birlikлардир. Айнан улар белгининг ихтиёрийлигини чегаралаб туради. *Dix-neuf dix-huite, soixante-dix* ва б. билан ассоциация йўли билан боғланган бўлса, ўз элементлари бўлмиш *dix* ва *neuf* билан эса синтагматик йўл билан боғлангандир (2-қисмнинг 6-бобидаги 2-§га қаранг).

Бизнинг қатъий ишончимизга кўра, тилга система сифатида тааллуқли бўлган барча нарсалар тилшунослар деярли қизиқмайдиган

³ Формант [лот. *formans (formantis)* – ясовчи] – киёсий тилшуносликдаги асосларда тарихий таҳлил натижасида аниқланган қадимги морфема (аффикслар) – *Таржумон*.

Айнан шу белгининг ихтиёрийлигини чегаралаш нуқтаи назаридан ўрганишни тақозо этади. Бу тадқиқотнинг энг мустаҳкам асосидир. Ҳақиқатан ҳам, тилнинг бутун системаси белги ихтиёрийлигининг ақлга тўғри келмайдиган (иррационал) тамойилига асосланган. Агар бу тамойил тизгинсиз амал қилаверади деган бўлса, у ҳаддан ташқари мураккабликлар келтириб чиқариши мумкин. Аммо ақл, тартиб ва мунтазамлик тамойиллини ўрнатишга муваффақ бўлади ва айнан шу ерда нисбий асосланганлик роли намоён бўлади. Тил механизми батамом рационал бўлганда эди, уни нарса ичида (*en lui même*) тамойилига кўра ўрганиш мумкин бўларди. Бироқ у табиятан ўта тартибсиз системанинг қисман тартибга солинишидан иборат бўлганлиги учун тилни белгиларнинг ихтиёрийлигини чегаралаш нуқтаи назаридан ўрганишни унинг табииати талаб қилади.

Асосланмаган нарсаси бўлмаган тиллар йўқ. Шунингдек, барча нарсалари асосланган тилларни ҳам тасаввур қилиб бўлмайди. Бу икки нуқта жуда кам тартиблилик ва жуда кам ихтиёрийлик ўртасида барча оралиқ ҳодисаларни кўриш мумкин. Барча тилларда турли-туман нисбатларда бўлса-да, икки хил бутунлай ихтиёрий ва нисбатан асосланган элементлар бор. Уларни таснифлашда тилларнинг ана шу хусусиятидан фойдаланиш мумкин.

Бу зидланиш шаклларида бирини аниқроқ тасаввур қилиш учун шартли равишда ва бунини сўзма-сўз тушунмасдан, асосланмаганлик энг юқори нуқтага чиққан тилларни лексик, у жуда паст даражада бўлган тилларни эса грамматик тиллар деб атаса бўларди. Бу, албатта, бир томондан «лексика» ва «ихтиёрийлик, иккинчи томондан, «грамматика» ва «нисбий асосланганлик» доимо маънодошлик муносабатида бўлади дегани эмас. Бироқ иккала жуфтлик бирликлари орасида айрим принципиал ўхшашлик мавжуд.

Бу орасида бутун тил системаси ҳаракат қиладиган икки кутб, икки қарама-қарши оқим; тил ҳаракати шу икки оқим бўйлаб йўналтирилган бўлади: бир томондан, лексик воситалар — асосланмаган белгиларни қўллашга мойиллик; иккинчи томондан, грамматик воситалар — айнан тузилиш қоидаларини афзал деб билиш.

Таъкидлаш мумкинки, инглиз тилида, дейлик, немис тилига қараганда асосланмаган белгилар жуда кўп; хитой тили ўта лексикаллашган тил намунаси бўлса, ҳинд-европа бобо тили ва санскрит ўта грамматик тилларга мисолдир. Алоҳида олинган тил ичида унинг бутун эволюцион ҳаракати асосланганликдан ихтиёрийликка узлуксиз ўтишда намоён бўлади; бу турлича

Умумий тилшунослик курси ~~~~~ Фердинанд дў Соссюр

Йўналтирилган оқимлар натижасида ҳамма вақт белгиларнинг шу икки категорияси орасида муҳим ўзгариши содир бўлади. Масалан, француз тилида лотин тилига нисбатан ихтиёрийликнинг жиддий кўпайгани кузатилади: лот. *inimicus* «душман» *in* (но — инкор) ва *amicus* «дўст» қисмлардан ташкил топган, франц. *ennemi* «душман» асосланмаган. У батамом ихтиёрий тарзда юзага келган. Бундай нисбатнинг асосланганликдан тўлиқ асосланмаганлик томон силжишини юзлаб бошқа мисолларда ҳам кўриш мумкин: қиёсланг, лот. *constāre* (*stāre* «турмоқ»): франц. *coûter* «турмоқ (нарх ҳақида)»; лот. *fabrica* (*faber* «темирчи»): франц. *forge* «темирчи ишхонаси»; лот. *magister* (*magis* «каттароқ»): франц. *maître* «ўқитувчи»; халқ лот. тилида *berbīcārius* (*berbīx* «қўй»): франц. *berger* «чўпон» ва б. ихтиёрийлик элементларининг бундай кўпайиб бориши француз тилининг энг характерли хусусиятлардан биридир.



## VII боб.

ГРАММАТИКА ВА УНИНГ  
БЎЛИМЛАРИ

## 1-§. ТАЪРИФЛАР: АНЪАНАВИЙ БЎЛИНИШЛАР

Статик тилшунослик ёки, бошқача айтганда, тилнинг мазкур ҳолатини тавсифлаш сўзнинг жуда аниқ ва, бунинг устига, кўникиб кетилган, ёнма-ён амал қиладиган қийматларнинг қандайдир мураккаб ва системали қўлланиши ҳақида гап кетганда, «шахмат ўйини грамматикаси», «биржа грамматикаси» каби ибораларда учрайдиган маънодаги грамматика деб аташ мумкин.

Грамматика тилни ифода воситалари системаси сифатида ўрганadi. Синхрон ва маъноли ҳодисалар тушунчалари грамматик ҳодиса тушунчасини қоплайди, айти бир пайтда бир неча даврни ўз ичига оладиган система бўлмаганлиги учун биз «тарихий грамматика»нинг бўлиши мумкинлигини инкор этамиз; бу ном билан аталадиган нарса аслида диахрон тилшуносликдан бошқа нарса эмас.

Бизнинг таърифимиз, одатда, грамматикага бериладиган нисбатан тор таърифга тўғри келмайди. Ҳақиқатан ҳам, бу ном остида морфология ва синтаксисни бирлаштириш қабул қилинган, лексикология эса сўзлар ҳақидаги фан сифатида грамматикадан батамом чиқариб ташланади.

Бироқ бундай бўлиниш ҳақиқатга қанчалик мос? У биз ҳозиргина аниқлаган тамойилларга тўғри келадими?

Морфология сўзларнинг турли категориялари (фeyл, от, сифат, олмош ва б.) ҳамда сўз ўзгаришининг турли шакллари (тусланиш, турланиш) билан шуғуланади. Морфологияни синтаксисдан ажратганда кейингисининг объекти тил бирликларига хос функциялар эканлигига, морфологиянинг эса фақат уларнинг шаклланишини ўрганишига ишора қиладилар. Масалан, у юнонча *phūlax* «қоровул» сўзининг қаратқич келишиги *phūlakos* эканлигини қайд этади, синтаксис шу икки шаклнинг қўлланиши ҳақида маълумот беради.

Бироқ бу тафовут кишини чалғитади: *phūlax* отининг турли шакллари фақат шу шаклларга хос функцияларни қиёслаш туфайли турланишининг бир парадигмасида бирлашади; бошқа томондан, бу функциялар морфологияга ҳар бири маълум товуший кўрсаткич



Умумий тилшунослик курси ~~~~~ Фердинанд дў Соссюр (*signe*)га мос бўлгани учунгина киради. Турланиш шаклларнинг рўйхати ҳам, манتيқий мавҳум тушунчалар қатори ҳам эмас, балки униси ва бунисининг боғланишидир (2-қисмнинг 2-бобидаги 1-§га қаранг): шакл ва функциялар бир бутунни ташкил қилади ва шунинг учун уларни бир-биридан ажратиш қийин, иложи йўқ, деса ҳам бўлади. Тилшунослик нуқтаи назаридан морфология ўзининг аниқ ва мустақил тадқиқот объектига эга эмас; у синтаксисдан айрича олинган фанни ташкил қилолмайди.

Бошқа томондан эса лексикологияни грамматикадан чиқариб ташлаш ақлга тўғри келадими? Бир қарашда луғатда берилган сўзлар объекти айрим бирликлар орасидаги муносабатни ўрганиш бўлган грамматикада ўрганилмайдигандек туюлиши мумкин. Бироқ бу муносабатларнинг кўплари бир хил муваффақият билан грамматик воситалар ёрдамида ҳам, сўзлар ёрдамида ҳам ифодаланиши мумкинлигини дарҳол таъкидлаш керак. Масалан, айнан бир сўзнинг грамматик шакллари бўлган лотинча *fīo* «бўляпман» ва *faciō* «қиялпман» *dīcor* «сўзланмоқ» (= мен ҳақимда гапиряптилар), *dīcō* «гапиряпман» ўзаро қарама-қарши қўйилган. Рус тилида турларни (тугалланган ва тугалланмаган) фарқлаш *спросить* : *спрашивать* кабиларда грамматик йўл билан, *сказать* : *говорить* кабиларда эса лексик йўл билан ифодаланган. Предлогларни, одатда, грамматикага киритадилар, лекин ...га нисбатан предлогли бирикма мохиятан лексик характерда, чунки унда *нисбатан* сўзи ўз маъносида келган. Юнонча *peithō* «ишонтиряпман»: *peithomai* «эшитаман», «бўйсунаман» сўзларини киёсласак, айнан бир зидланишнинг бир тилда грамматик, бошқа тилда лексик йўл билан ифодаланганлигини кўрамыз. Бир тилда келишик ёки предлог билан ифодаланадиган муносабатлар бошқа тилда *Himmelreich* «худо раҳмат қилсин» каби соф сўзларга яқин қўшма ёки ясама сўзлар (французча *moulin à vent* ва полякча *wiatr-ak* «шамол тегирмони») ёки, ниҳоят, оддий сўзлар (французча *bois de chauffage* ва русча *дрова*, французча *bois de construction* ва русча [строевой] *лес* сўзлари билан ифодаланади. Шунингдек, бир тил доирасида содда сўз ва ибораларнинг алмашинуви ҳар қадамда учрайди (киёсланг: тушунмоқ ва фаҳми етмоқ; жазоламоқ ва жазога тортмоқ).

Хуллас, функция нуқтаи назаридан лексик воситалар синтактик воситаларга мос келиши мумкин. Бошқа томондан, содда ёки турғун (бўлақларга бўлинмас) бирлик бўлмаган ҳар қандай сўз бирор нарсаси билан ҳам гап бўлагидан, яъни синтактик ҳодисадан жиддий фарқ

Умумий тилшунослик курси ~~~~~ Фердинанд дў Соссюр қилмайди: унинг таркибий қисмларининг ўзаро бирикиши ва тартиби сўзлардан сўз бирикмалари ясайдиган ўша асосий тамойилларга бўйсунди.

Грамматиканинг анъанавий бўлиниши амалда фойдали бўлиши мумкинлигини инкор этмаган ҳолда, у табиий тафовутларга мос эмас, деган хулосага келамиз; грамматиканинг анъанавий тарзда ажратиладиган бўлимлари ҳеч қандай рационал (ақлга асосланган) алоқалар билан боғланмаган. Грамматика бошқа, нисбатан мантиқли тамойилларга асосланиши мумкин ва лозим.



## 2-§. РАЦИОНАЛ БЎЛИНИШ

Морфология, синтаксис ва лексикологиянинг бир-бирига ўтиб туриши, асосан, барча синхрон ҳодисаларнинг умумий характери билан изоҳланади. Улар ўргасида олдиндан белгиланган чегара йўқ. Синтагматик ва ассоциатив муносабатларнинг фақат юқорида аниқланган фарқигина фактларнинг ўзи тақозо этадиган ва грамматик система асосланиши мумкин бўлган ягона тасниф асосини ташкил қилади.

Тилнинг мазкур ҳолатида ифодаланган барча ҳодисаларни синтагмалар назарияси ва ассоциациялар назариясига олиб бориб тақашга ўрганиш керак. Ҳозирнинг ўзидаёқ анъанавий грамматиканинг айрим бўлимларини ҳеч қандай қийинчиликларсиз шу икки бўлимга қандай тақсимланишини кўрсатиб бериш мумкин: сўз ўзгариши шаклларнинг киши онгида фикран боғланишига яққол мисолдир; иккинчи томондан, синтаксис, яъни кенг тарқалган таърифга кўра, сўз бирликлари назарияси синтагматикага киради, чунки сўз бирликлари доимо маконда мавжуд бўлган камида иккита бирликни тақозо этади. Барча синтагматик ҳодисалар ҳам синтаксис объекти бўлавермайди, аммо барча синтактик ҳодисалар синтагматикага тааллуқлидир.

Грамматиканинг ҳар қандай бўлимида ҳар бир масалани шу икки нуктаи назардан ўрганишнинг барча афзалликларини кўриш мумкин.

Ҳар бир масала ечимини шу икки нуктаи назардан ўрганишнинг барча афзалликларини грамматиканинг ҳар қандай бўлимида бемалол кўрсатиб бериш мумкин. Масалан, сўз тушунчаси асосиатив ёки синтагматик нуктаи назардан ўрганилаётганлигига қараб, икки хил муаммони келтириб чиқаради; французча *grand* «катта» сифати

Умумий тилшунослик курси ~~~~~ Фердинанд дў Соссюр  
синтагмада ҳам ( ___ grā garsō «un grand garçon» ва ___ grāt ā:fā «un  
grand enfant) ва фикран боғланишда ҳам икки хил шаклда намоён  
бўлади (м.р. grā «grand» ж.р. grād «grande»).

Шундай қилиб, ҳар бир ҳодисани ўзининг синтагматик ёки  
ассоциатив қаторига келтириш ва грамматиканинг бутун мазмунини  
унинг табиий икки ўқи билан мувофиқлаштиришга ўрганиш керак:  
фақат шундай бўлинишгина бизга синхрон тилшуносликнинг  
одатдаги доираларида айнан нимани ўзгартириш кераклигини  
кўрсатиб беради. Албатта, биз бу ерда бу масалага қўл урмаймиз ва  
энг умумий тамойилларни белгилаш билан чегараланамиз.



## VIII боб.

# ГРАММАТИКАДА МАВҲУМ МОҲИЯТЛАРНИНГ РОЛИ

Ҳозиргача биз муҳим бир масала ҳақида гапирмадик. Унда ҳар бир грамматик масалани юқорида қайд этилган икки нуктаи назардан ўрганиш лозимлиги, айниқса, ёркин намоён бўлади. Гап грамматикадаги мавҳум туб маънолар ҳақида бормоқда. Дастлаб, уларни ассоциатив томондан қараб чиқамиз.

Икки шаклни фикран боғлаш — бу нафақат уларда қандайдир умумийлик мавжудлигини идрок этиш, балки, мазкур боғланишларни (ассоциацияларни) бошқарувчи муносабатлар характерини фарқламоқлик ҳамдир. Масалан, сўзловчилар *enseigner* «таълим бермоқ», «ўқитмоқ» ва *enseignement* «таълим», *juger* «ҳукм чиқармоқ» ва *jugement* «ҳукм» сўзларини боғловчи муносабатнинг улар *enseignement* «таълим» ва *jugement* «ҳукм» сўзлари орасида ўзлари қайд этадиган муносабатга ўхшамаслигини англаганлар (2-қисмнинг 5-бобидаги 3-§га қаранг). Ассоциациялар системаси ўзининг ана шу томони билан грамматик системага боғланади. Айтиш мумкинки, тилнинг мазкур ҳолатини тарихга мурожаат этмасдан ўрганадиган грамматист томонидан тузилган, идрок этилган ва системали таснифлар йиғиндиси нутқ жараёнида идрок этиладиган ва этилмайдиган ассоциациялар йиғиндисига тенг бўлиши керак. Сўз уялари (бир ўзакдан ясалган сўзлар мажмуи), сўз ўзгариш парадигмалари, морфологик элементлар: ўзак, суффикс, қўшимча ва бошқалар ана шу ассоциациялар ёрдамида қайд этилади (2- ва 3-иловаларнинг «Б» бандига қаранг).

Ассоциация (фикран боғланиш) йўли билан фақат моддий элементларгина аниқланадими? Албатта, йўқ! Биз юқорида ассоциациянинг фақат ўзаро боғланган сўзларнигина (қиёсланг: *enseignement* «таълим», *apprentissage* «таълим олиш», *éducation* «маориф», «ўқиш-ўқитиш» ва б.) яқинлаштириш мумкинлигини кўрган эдик. Грамматикада ҳам аҳвол шундай. Мисол учун қараткич келишигининг лотинча уч шаклини олиб кўрайлик: *domin-ī* «жанобнинг», *rēg-is* «шоҳнинг», *ros-ārūm* «атир гулларнинг»; шу уч қўшимча талаффузида ассоциацияни чиқариш мумкин бўлган ҳеч

қандай умумийлик йўқ. Ҳолбуки, улар қўлланиш муштараклиги билан ифодаланадиган умумий маънонинг мавжудлиги туфайли ўзаро ассоциатив алоқага киришади, шунинг ўзи моддий асос йўқлигига қарамасдан ассоциация ҳосил бўлиши учун етарли. Тилда айнан шу йўл билан қараткич келишиги тушунчаси юзага келади; *-us, -ī, -ō* (*dominus, dominī, dominō* даги) ва б. қўшимчалар худди шу тарзда онгда ўзаро боғланади ва келишик, келишик қўшимчаси каби умумий тушунчаларнинг пайдо бўлишига тўртки бўлади. Айнан шундай, лекин янада кенг ассоциациялар барча от, сифат ва бошқаларни бирлаштиради ҳамда сўз туркуми деб аталувчи тушунчага олиб келади.

Буларнинг барчаси фақат мавҳум моҳиятлар сифатида тилда мавжуд; уларни ўрганиш осон эмас, чунки сўзловчилар онгининг грамматистлар таҳлили каби ривожланганлигини аниқ айтишнинг иложи йўқ. Аммо муҳими шундаки, мавҳум моҳиятлар пировард натижада доимо аниқ моҳиятларга асосланади. Грамматик абстракцияни унга субстрат вазифани бажарадиган ҳамда пировард натижада доимо қайтиб туриш лозим бўлган моддий элементнинг бутун бошли қаторисиз тасаввур қилиш қийин. Энди синтагматик нуктаи назар томонига ўтайлик. Синтагманинг қиймати, кўпинча, уни ташкил қилган элементлар тартиби билан боғлиқ. Сўзловчи синтагмани таҳлил қилганда, уни таркибий қисмларга ажратиш билан чегараланмайди. Балки уларнинг муайян тартибини ҳам белгилайди. Французча *désir-eux* «орзуманд», лотинча *sigi-fer* «байроқдор» каби сўзларнинг маъноси уларни ташкил қилувчи куйи сатҳ бирикларининг бир-бирига нисбатан эгаллаган ўрнига боғлиқ. Чунки, масалан, *eux- désir* «манд-орзу», *fer-signum* «дор-байроқ» дейилмайди; *-eux* ёки *-fer* каби конкрет элемент қийматга, умуман, тўғри келмаслиги мумкин. Унинг ифодаловчиси фақат синтагма қисмларининг бирин-кетин келиш тартибигина бўлиши мумкин. Масалан, французча *je dois* «мажбурман» ва *dois-je* «мажбурманми?» сўз бирикмалари мазмунан сўзларнинг фақат тартиби билан фарқланади. Айнан бир маъно бир тилда баъзан оддий сўз тартиби билан ифодаланса, бошқа тилда бир ёки бир неча сўз билан ифодланади. *Gooseberry wine* «крижовник виноси», *gold watch* «олтин соат» сингари бирикмаларда ҳозирги француз тилида предлоглар ёрдамида ифодаланадиган муносабатларни инглиз тили фақат сўзлар тартиби ёрдамида ифодайлади: *vin de grosseilles, montre en or*. Ўз навбатида, француз тили ҳам воситасиз тўлдирувчи

тушунчасини фақат отнинг ўтимли феълдан кейин келган ўрни билан ифодалайди (қиёсланг: *je cueille une fleur* «мен гул узяпман»), холбуки, латин ва бошқа тиллар ўша тушунчани махсус қўшимчалар билан тавсифланувчи тушум келишиги ёрдамида ифодалайди ва б.

Бироқ сўз тартиби, шубҳасиз, мавхум ҳодиса бўлса, у ҳолда бу ҳодисанинг мавжудлиги уни ташкил қилувчи ва айнан шу тартибда жойлашувчи конкрет бирликлар билан белгиланади. Бу моддий бирликлардан ташқарида жисмсиз (танадан ташқарида) синтаксис мавжуд бўлади, дейиш адашишдан бошқа нарса эмас. Инглизча *the man / have seen* («Мен кўриб турган киши») гапи бўлаклари ўзаро ноль кўрсаткич билан боғлангандек туюлиши мумкин. Бу бўлақлар француз тилида *que* олмоши билан боғланади. Бироқ бу тасаввур, яъни нимадир, нима биландир ифодаланаётгандек кўриниши мутлақо француз тили синтаксиси далилларига асосланган ва сохтадир; ҳақиқатда эса ўша тасаввур маълум тартибда жойлашган моддий бирликлар туфайли юзага келади. Синтаксис масалаларини маълум сўзларнинг йигиндисига асосланмасдан муҳокама қилиш мумкин эмас. Аммо мазкур бирикмада (масалан, инглизча сўзларнинг юқори келтирилган қатори — *the man / have seen*) сўзларнинг бундай қатори уни фикрнинг муқобил ифодаси эканлигини кўрсатади.

Моддий бирлик маъно ва у бажараётган функция туфайли мавжуд бўлади; бу тамойил, айниқса, содда бирликларни ажратиш кўрсатиш учун муҳим, чунки улар гўё моддийлиги, яъни *aimer* «севмоқ» гўё уни ташкил қилган товушлар туфайли мавжуддек кўринади. Ва, аксинча, маъно, функция, ҳозиргина кўрганимиздек, қандайдир моддий шаклга асослангани сабабли мавжуд бўлади; агар биз бу тамойилни синтагма ёки синтактик қурилмалар мисолида ишлаб чиққан бўлсак, бу фақат шунинг учунки, уларни гап элементлари устида парвоз қилиб юрган номоддий абстракциялар сифатида ўрганиш анъанасининг мавжудлигидир. Бир-бирини тўлдириб турадиган бу икки тамойил бирликларни ўзаро ажратиш ҳақидаги бизнинг фикримизга мос келади (2-қисмнинг 2-бобидаги 2-§га қаранг).



## УЧИНЧИ ҚИСМ. ДИАХРОН ТИЛШУНОСЛИК

### I боб. УМУМИЙ ҲОЛАТЛАР

Диахрон тилшунослик тилнинг мазкур ҳолатида ёнма-ён мавжуд бўлган элементлар орасидаги муносабатларни эмас, балки изчил, замонда бир-бирини алмаштириб турадиган элементларни ўрганади. Ҳақиқатан ҳам, мутлақ ҳаракатсизлик, умуман, мавжуд бўлмайди. Тилнинг барча томонлари ўзгаришларга учрайди; ҳар бир даврга у ёки бу даражада намоён бўладиган эволюция хос. У суръат ва жадалликка нисбатан турлича бўлиши мумкин, аммо тамойилнинг ўзи бундан зиён кўрмайди; тил оқими замонда узлуксиз давом этади, аммо унинг қандай — секин ёки тез оқиши — иккинчи даражали масала.

Тўғри, бу эволюция (узлуксиз ривожланиш), эътиборимиз адабий тилга жамлангани боис, кўпинча, биздан яширинган бўлади. Куйида кўрадиканимиздек, халқ тили (яъни умумхалқ тили)га қараганда мавжудликнинг бошқа шароитларига бўйсунадиган адабий тил биринчи тилга қатламланади ва уни биздан тўсиб қўяди. Таркиб топган адабий тил етарли даражада барқарорлик ва ўзгармасликка (ўзига ўхшаб қолишга) мойиллик намоён этади. Ёзувга боғлиқлиги эса унга янада кучли барқарорлик бағишлайди. Шунинг учун адабий тил ҳеч қандай адабий *регламентация (қатъий белгилаш)га бўйсунмайдиган табиий тиллар ўзгарувчанлиги даражасининг ўлчови бўлмайди.

Диахрон тилшуносликнинг объекти, энг аввало, фонетик — яхлит ҳолда олинган фонетикадир. Дарҳақиқат, товушлар эволюцияси «ҳолат» тушунчаси билан бир нарса эмас. Фонемалар ёки фонемалар бирикмалари ҳозирги ҳолатини аввалги даврлардаги ҳолати билан қиёслаш диахрон далилни аниқлашга бориб тақалади. Бундан олдинги давр у ёки бу даражада яқин бўлиши мумкин. Аммо у кейинги давр билан бирикиб кетса, у ҳолда фонетик ҳодисага бошқа

Умумий тилшунослик курси ~~~~~ Фердинанд дў Сосюр  
ўрин қолмайди; фақат тилнинг мазкур ҳолати товушларини  
тавсифлаш қолади. Бу эса энди фонологиянинг предметиدير.

Фонетиканинг диахрон характери ҳеч қандай фонетик ҳодиса  
маъноли ёки сўзнинг кенг маъносидаги грамматик ҳодиса эмас  
(«Кириш»нинг 4-бобига қаранг). Бирор сўзнинг товушлари  
тарихини ўрганишда маънони эътиборга олмаган ҳолда унинг фақат  
моддий томонинигина ўрганиш, уни маънолими ёки маъносизми  
деб ўтирмасдан, товуший кесмаларга ажратиш мумкин. Масалан,  
қадимги юнон тилининг аттика диалектида *ewo* нимага айланганини  
билишга ҳаракат қилиш мумкин. Агар тилнинг эволюцияси  
батамом товушларнинг эволюциясига бориб тақалганда,  
тилшуносликнинг ҳар иккала бўлими объектлари зидлиги дарров  
кўзга чалинган бўлар, яъни диахрон ҳодисанинг нограмматик  
ҳодисага, синхрон ҳодисанинг грамматик ҳодисага тенг эканлигини  
аниқ кўриш мумкин эди.

Аммо замонда фақат товушлар ўзгарадими? Сўзлар ўз  
маъносини ўзгартиради; грамматик категориялар узлуксиз  
ривожланади, уларнинг айримлари маънони ифодалашга хизмат  
қилувчи шакллари билан бирга йўқ бўлиб кетади (масалан, лотин  
тилидаги иккилик сон каби). Модомики, ассоциатив ва синтагматик  
синхрониянинг барча ҳодисалари ўз тарихига эга экан, у ҳолда  
диахрония ва синхрония орасидаги мутлақ фарқни қандай сақлаб  
қолиш мумкин? Дарҳақиқат, биз соф фонетик доирадан чиққанимиз  
ҳамоно бу фарқни сақлаб қолиш жуда қийин бўлади.

Шу билан бирга таъкидлаш керакки, грамматик деб  
ҳисобланган кўплаб ўзгаришлар аслида фонетик ўзгаришлар бўлиб  
чиқади. Немис тилида *de hant: hanti* ўрнида *Hand: Hände* грамматик  
бирликнинг ҳосил бўлиши [1-қисмнинг 3-§ига қаранг] батамом  
фонетик йўл билан изоҳланади. Худди шунингдек, *Springbrunnen*  
«фаввора», *Reitschule* «отда юриш мактаби» каби қўшма сўзларнинг  
асосида ҳам фонетик омил ётади ва б. Қадимги юқори немис тилида  
бу хил сўзларда биринчи элемент — феъл элемент эмас, балки от  
элемент бўлган: *beta — hūs* «ибодатхона» маъносини англлатган,  
аммо сўз охиридаги унли фонетик жиҳатдан тушиб қолгандан  
кейин (*beta-* → *bet-* ва б.) феъл билан мазмуний алоқа ўрнатилди  
(*beten* «ибодат қилмоқ» ва ш.к.), *bethaus* эса «ибодат қилинадиган  
уй» маъносини англатадиган бўлди.

Шунга ўхшаган нарса қадимги юқори немис тилида *līch* «ташқи  
кўриниш» сўзи ёрдамида ҳосил бўлган (қиёсланг: *mannolīch* «эркак



Умумий тилшунослик курси ~~~~~ Фердинанд дў Сосюр кўринишига эга», *redolich* «ақлли киши кўринишига эга»). Ҳозир кўплаб сифатларда (масалан, *verzeihlich* «узрли», *glaublich* «эҳтимолий» ва б.) *-lich* французча қиёслаш мумкин бўлган *pardonnable* «узрли», *croyable* «эҳтимолий» каби сўзлардаги *-able* билан қиёслаш мумкин бўлган *-lich* суффиксига айланди. Шу билан бир пайтда, биринчи элементнинг изоҳи ҳам ўзгарди: энди унда отни эмас, балки феъл ўзагини кўриш мумкин ва бу қатор ҳолатларда биринчи элемент охирги унлисининг тушиб қолиши билан изоҳланади (масалан, *redo* → *red* каби). Кейинги элемент феълнинг ўзагига ўхшаб қолди (*reden* → *red*).

Демак, *glaublich* даги *glaub-Glaube* «ишонч»га қараганда *glauben* «ишонмоқ» билан яқинлашди, *sichtlich* – «кўзга ташланиб турган» эса асосдаги фарққа қарамасдан, *sicht* – «кўриниш» билан эмас, балки *sehen* – «кўрмоқ» билан фикран боғланади.

Бу каби кўплаб ҳолатларда ва уларга ўхшаш бошқа кўплаб ҳолатларда икки томон (план)нинг ўзаро фарқи кўзга ташланиб туради. Калтабинлик билан гўё биз тарихий грамматика билан шуғулланишимиз, демаслик учун буни эсдан чиқармаслик керак. Аслида биз фонетик ўзгаришларни ўрғанганда, дастлаб, диахрония соҳасига, бу ўзгаришлар юзага келтирган оқибатларни ўрганганда эса синхрония соҳасига қадам кўямиз.

Аммо бу барча қийинчиликларни бартараф қилмайди. Ҳар қандай грамматик, ассоциатив (фикран боғланадиган) гуруҳ ёки синтагматик тур эволюциясини товуш эволюцияси билан қиёслаб бўлмайди. У содда ҳодиса эмас, балки фақат қисман фонетикага тааллуқли хусусий далилларга ажралади. Француз тилида бир сўз (*prendrai* «оламан»)га айланган келаси замон шакли каби сўз бирикмаларнинг (масалан, *prendrai*) келиб чиқишида, кам деганда, икки омил ўзаро фарқланади: биринчиси — психологик омил, яъни икки тушунчавий элементнинг бирикиши, иккинчиси — биринчисига боғлиқ ҳолда содир бўладиган омил, яъни икки сўз урғусининг бир урғуга бирикиши (*prendre ai* → *prendrai*).

Немисча кучли феълнинг тусланиши (ҳозирги немисча *geben* «бермоқ»; *geben, gab, gegeben* каби ва б.); қиёсланг: юнонча *leipō* «қолдираман»: *leipō, élipon, léloipa* ва ш.к.), кўпинча, унли ўзақларнинг *аблаутига асосланган бўлади. Системаси дастлаб жуда оддий бўлган бу алмашинувлар (4-қисмнинг 3-боби 4-§ига қаранг), шубҳасиз, фонетик омилнинг таъсири натижасида пайдо бўлган. Бироқ бу зидланишлар функционал аҳамият касб этмоғи

Умумий тилшунослик курси ~~~~~ Фердинанд дў Соссюр  
ушун тусланишнинг ибтидоий системаси қатор ўзгаришларининг  
соддалашуви керак бўлди: ҳозирги замон шаклларининг кўп­лаб  
турлари ва улар билан боғлиқ нозикликларнинг барҳам топиши,  
имперфект (тугалланмаган ўтган замон) ва келаси замон  
аорист⁴нинг барҳам топиши, перфектда (тугалланган ўтган замон)  
икки баробар кўпайишнинг барҳам топиши ва б. Моҳиятан ҳеч  
қандай фонетик ҳодиса бўлмаган бу ўзгаришларнинг барчаси феъл  
тусланиши шаклларини камайтирди. Ўзақ асосларнинг алмашинуви  
эса бирламчи маъновий аҳамият касб этди. Масалан, *e:a* нинг  
қарама-қарши қўйилиши юнонча *leipō: léloipa* сўзларидаги *e:o* га  
қараганда, немисча перфектда икки баробар кўпайишнинг йўқлиги  
туфайли *geben-gab* га нисбатан маънолидир. Бинобарин, фонетика у  
ёки бу тарзда ҳадеб эволюция жараёнига зўрлик билан кириб олса-  
да, барибир уни тўлиқ изоҳлай олмади. Фонетик омилга барҳам  
берилиши билан «грамматика тарихи» каби тушунчани қопловчи  
қолдиқ ҳосил бўлади; ҳақиқий қийинчилик айнан шу ерда  
яширинади: диахрон ва синхрон ҳодисалар орасидаги фарқни  
сақлаб қолиш лозим бўлган фарқ ушбу курс доирасидан четда  
қоладиган мураккаб изоҳларни талаб қилган бўлар эди.

Кейинчалик биз хулосада халқ этимологияси ва агглютинация  
ҳақида қисқача гапириб ўтганимизда, фонетик ўзгаришлар,  
алмашилиш ва аналогия ҳодисаларини қараб чиқамиз.



⁴ Аорист [юнон. aoristos] – грам. оний ёки тусикли ҳаракатни қадимги славян ва бошқа хинд-европа тилларига хос шакллари – *Таржимон*.

**II боб.**  
**ФОНЕТИК ЎЗГАРИШЛАР**

**1-§. УЛАРНИНГ МУТЛАҚ МУНТАЗАМЛИЛИГИ**

Юкорида кўрганимиздек (1-қисмнинг 3-бобидаги 7-§га қаранг), фонетик ўзгаришлар сўзларга ҳам, товушларга ҳам алоқадор бўлади. Факат фонема ўзгаришларни бошдан кечиради — бу бошқа диахрон ҳодиса каби ўзига хос ҳодиса. Бироқ мазкур фонема учрайдиган барча сўзларнинг бир хил тарзда ўзгариши оқибати ўлароқ пайдо бўлган. Айнан шу маънода фонетик ўзгаришлар мутлақ мунтазам характерга эга.

Ҳозирги немис тилида *i ei* га ўтди: *wīn, trīben, līhen, zīt*→*wein* «вино», *treiben* «ҳайдамоқ», *leihen* «қарз(га) бериб турмоқ», *zeit* «вақт»; ҳар қандай *ū au* га ўтди: *hūs, zūn, rūch*→*haus* «уй», *zaun* «девор», *raus* «тутун»; худди шунингдек, барча *ü eu* га ўтди: *hūsir*→*hauser* «уйлар» ва б. Бошқа томондан, *ie* дифтонги *i* га ўтган бўлса-да, ҳамон *ie* ёзилади: *biegen* «эгмоқ», *lieb* «ёқимли», *Tier* «ёввойи». *Mut* «жасорат» ва б. Ҳар қандай *z* («Кириш»нинг 7-бобидаги 3-§га қаранг) *s* ни берди (*ss* ёзилади): *wazer*→*wasser* «сув», *flietzen*→*fliessen* «оқмоқ» ва б. Унлилар орасида келган ҳар қандай *h* барҳам топди: *lihen, sehen-leien* (*leihen* ёзилади) торайтирмоқ, *seen* (*sehen*) ёзилади «кўрмоқ». Ҳар қандай *w* лаб-тиш *v* ундошига айланди (*w* ёзилади): *wazer*→*vasr* «сув» (*wasser* ёзилади).

Ҳозирги француз тилида юмшаган ҳар қандай *I j* (йод)га ўтди: *piller* «таламоқ», «ўғирламоқ», *bouillir* «қайнамоқ» (*pije, bujir* ўқилади ва ҳ.к.). Лотин тилида интервокал *s r* ни берди: *genesis*→*generis*, *aséna*→*aréna* ва ҳ.к.

Ҳар қандай фонетик ўзгариш тўғри талқин қилинсагина фонетик ўзгаришлар батамом мунтазам эканлигини тасдиқлаши мумкин.



**2-§. ФОНЕТИК ЎЗГАРИШЛАР ШАРТЛАРИ**

Келтирилган мисоллар фонетик ҳодисаларнинг ҳамиша ҳам мутлақ бўлавермаслигини кўрсатади. Улар, кўпинча, маълум шартларга бўйсунди. Бошқача айтганда, фонетик тур эмас, балки муайян қуршовда урғули ёки урғусиз келган фонема ўзгаришларга

учрайди. Масалан, *s* лотин тилида фақат унлилар орасида ва бошқа айрим ҳолатларда *r* га ўтди. Қолган барча ҳолатларда у сақланиб қолди (масалан, *est, senex, equos* ва б.).

Мутлақ ўзгаришлар жуда кам. Кўпинча, улар ё шартли эканлиги ошқора кўзга ташланиб турмаса ёки жуда умумий характерда бўлса, мутлақдек туюлади. Масалан, немис тилида *ī* фақат ургули *ei, ai* га ўтди; ҳинд-европача *κ₁* герман тилларида *h* га ўтади (қиёсланг: *и.-е. k₁olsom*, лотинча *collun*, немисча *Hals* «бўйин»), лекин *S* дан кейин бу ҳолат кузатилмайди (масалан, юнонча *skótos* «зулмат» ва готча *skadus* «соя».).

Шу билан бирга, фонетик ўзгаришларни мутлақ ва нисбий ўзгаришларга ажратиш юзаки қараганда нарсаларга асослангандек кўринади. Аслида (бу ҳозир кўпчилик томонидан ҳам эътироф этилмоқда) спонтан ва *комбинатор ўзгаришлар ҳақида гапириш мақсадга мувофиқ. Фонетик ўзгаришлар ички сабабга кўра содир бўлса спонтан, бир ёки бошқа бир неча фонеманинг мавжудлиги туфайли юзага келса, комбинатор ўзгаришлар дейилади. Масалан, ҳинд-европача *o* нинг немис тилида *a* га ўтиши (гот тилидаги *skadus* «соя», немис тилидаги *Hals* «бўйин» каби) спонтан ўзгаришдир. Герман тилларидаги *Lautverschiebungen* деб аталувчи ундошлар *мутацияси ҳам спонтан ўзгаришга мисол бўлиши мумкин. Масалан, ҳинд-европача *κ₁* бобо герман тилда *h* га ўтади (қиёсланг: *collun* «бўйин» ва готча *hals* «бўйин»); инглиз тилида сақланиб қолган бобо немисча *t* юқори немис тилида *z* га (ц ўқилади) ўтади (масалан, готча *taihun*, инглизча *ten*, немисча *zeh* «ўн»). Аксинча, лотинча *ct, ph* нинг итальян тилида *tt* га ўтиши (масалан, *factum*→*fatto* «қилинган», *captivum*→*cattivo* «ёқимсиз») комбинатор ўзгаришига далил, чунки бу ерда биринчи элемент иккинчисига ўхшатилади. Немисча умлаут ҳам ташқи сабаб — кейинги бўғинда *i* бўлгани учун пайдо бўлган; *gast* ўзгармайди, холбуки, *gasti* ва *gesti, Gäste* ни беради.

Таъкидлаш жоизки, биринчи ҳолатда ҳам, иккинчи ҳолатда ҳам натижа ҳеч қандай роль ўйнамайди, яъни ўзгариш бўлиш-бўлмаслиги муҳим эмас. Масалан, готча *fisks* «балиқ»ни лотинча *piscis* «балиқ» билан қиёсласак, ва готча *skdus* «соя»ни юнонча *skótos* «зулмат» билан қиёсласак, биринчи ҳолатда *i* нинг сақланиб қолганини, иккинчи ҳолатда *o* нинг *a* га ўтгани маълум бўлади. Бу икки товушнинг биринчиси *-i-* қандай бўлса, шундайлигича қолди, иккинчиси *-o-* ўзгарди. Бироқ иккаласининг сақланиши ва ўзгаришининг ўзича ўзгаргани, яъни спонтан бўлгани муҳим.

Комбинатор фонетик ўзгариш доимо шартланган, чунки у салбий — ўзгариш учун лозим бўлган айрим омилларнинг йўқлиги туфайли шартланган бўлиши мумкин. Масалан, ҳинд-европача  $k_2$  лотин тилида ташқари таъсирсиз (спонтан равишда) *qu* га ўтади (масалан, *quattuor* «тўрт», *inquīna* «турар жойлар» ва б.). Ундан кейин, масалан, *o* ёки *u* келмаса (қиёсланг: *cotīdie* «ҳар куни», *colō* «ерга ишлов бермоқ», *secundus* «набатдаги» ва б.). Худди шунингдек, ҳинд-европача *i* нинг готча *fisks* да сақланиб қолиши қуйидаги шарт билан боғланган: ундан кейин *r* ёки *h* келмаслиги керак, акс ҳолда у *ai* ёзиладиган *e* га ўтади (масалан, *wair* нинг лотинча *vir* «эр» ва *maihstus* нинг немисча *mist* «гўнг»).



### 3-§. МЕТОД МАСАЛАЛАРИ

Фонетик ўзгаришларни ўрганганда фақат юқорида кўрсатилган тафовутларга зид бўлмаган таърифлардан фойдаланиш мумкин. Акс ҳолда, далилларни нотўғри талқин қилиш хавфи туғилади.

Мана шундай ноаниқликлардан бир неча мисол. Вернер қонунининг аввалги талқинига кўра «герман тилида сўз бошида келган ҳар қандай *P*, агар ундан кейин урғу келса, *d* га ўтди; бир томондан, *P* сақланиб қолган **faPer* → *fader* (немисча *vater* «ота»), **liPumé* → **lidumé* (немисча *litten* «азобландилар»), иккинчи томондан, **Prīs* (немисча *drei* «уч»), *brōPer* (немисча *Bruder* «ака»), **liPo* (немисча *leide* «азобланияпман»)ни қиёсланг. Бундай талқин урғуга фаол роль бағишлайди ва *P* га нисбатан чекловчи шартни олиб қиради. Аслида эса гап бутунлай бунда эмас: герман тилида ҳам, лотин тилида ҳам *P* га сўз ичида спонтан жаранглашга мойиллик намоён этди. Бунга фақат кейин келадиган урғу халақит бериши мумкин эди. Натижада ҳаммаси тескари бўлиб чиқди: ўзгариш комбинатор эмас, спонтан (ташқаридан таъсирсиз) содир бўлди. Шунинг учун урғу юзага келтирувчи сабаб эмас, балки тўсқинлик қилувчи омил сифатида қўлланади. Қонунни эса шундай таърифлаш керак: «Сўз ичида келган ҳар қандай *P*, агар олдинги унлига тушган урғу монелик қилмаса, *d* га ўтади».

Спонтан ва комбинатор ўзгаришларни тўғри фарқлаш учун ўзгариш давр (фаза)ларини таҳлил қилиш ва билвосита натижани бевосита нагижа сифатида қабул қилмаслик керак. Масалан, *ротацизм ходисасини (қиёсланг: **genesis* → *generis*) тушунтиришда

икки унли орасидаги  $s$  гўё  $r$  га ўтган, чунки жарангсиз  $s$  ҳар қандай ҳолатда ҳам тўғридан-тўғри ўтолмайди дейиш нотўғри. Аслида иккита ҳодиса бўлган:  $s$  комбинатор йўл билан  $z$  га ўтган, лотин тилининг товуш системасида бўлмаган  $z$  эса унга жуда яқин  $r$  товуши билан алмаштирилган ва бу спонтан ўзгаришидир.

Шундай қилиб, илгари ҳар хил икки далилни бир ҳодисада билмасдан адаштиришган кўринади. Адашиш шундан иборат эдики, бир томондан, билвосита натижани бевосита натижа деб ( $z \rightarrow r$  ўрнида  $s \rightarrow r$  ни) қабул қилганлар. Бошқа томондан эса бутун ҳодисани комбинатор ҳодиса сифатида қабул қилганлар, ҳолбуки, унинг фақат биринчи қисмигина комбинатор ҳодиса. Бу кимдир француз тилида  $e$  бурун товушдан олдин келганда  $a$  га ўтади дейиш билан тенг. Ҳақиқатда эса дастлаб комбинатор ўзгариш  $\rightarrow n$  дан олдин келган  $e$  нинг бурунлашиши (қиёсланг: лотинча *ventum* «шамол»  $\rightarrow$  французча *vēnt*, лотинча *fēmina* «аёл»  $\rightarrow$  французча *feme*  $\rightarrow$  *fēme*), кейин  $\bar{e}$  нинг  $\bar{a}$  га спонтан ўтиши (қиёсланг: *vānt*, *fāmā*, ҳозир *vā*, *fam* (*vent*, *femme* ёзилади). Бу фақат бурун ундош товушидан олдин содир бўлган бўлиши мумкин, дея эътироз билдириш беҳуда ҳаракат бўлар эди: масала  $e$  нинг нега бурунлашганида эмас, балки  $\bar{e}$  нинг  $\bar{a}$  га ўтиши спонтан ёки комбинатор характерда эканлигида.

Биз кўрсатиб ўтиш лозим деб ҳисоблаган энг қўпол методологик хато (гарчи у юқорида қайд этилган тамойилларга боғлиқ бўлмаса-да) шундан иборатки, фонетик қонун назарда тутилган далиллар ҳаминша мавжуддек. Ҳолбуки, улар аслида муайян вақт кесимида пайдо бўлади ва йўқ бўлиб кетади. Бундай таъриф чалкашликларга олиб келади, чунки унинг натижасида ҳодисаларнинг ҳар қандай хронологик кетма-кетлиги барҳам топади. Биз бунга *trikhes:thriksi* жуфтлигини изоҳловчи ҳодисалар занжирини таҳлил қилганда қараган эдик (1-қисмининг 3-боби 8-§ига қаранг).

«Лотин тилида  $s$   $r$  га ўтади» дейишганда, бу билан гўё мазкур тилга ротацизм табиати хос деган фикрни мияга қуймоқчи бўладилар ва оқибатда *causa* «сабаб», *rīsus* «кулги» каби истиснолар олдидан боши берк кўчага кириб қоладилар. Фақат «интервокал (икки унли орасидаги)  $s$  лотин тили тараққиётининг муайян даврида  $r$  га ўтади», деган таъриф  $s$   $r$  га ўтганда *causa*, *rīsus* ва шу каби сўзларда ҳали интервокал  $s$  йўқ эди, шунинг учун улар ўзгаришлардан ҳимоя қилинган эди дейиш имконини беради; аслида улар *cassa*, *rīsus* тарзида талаффуз қилинади. Айнан шу сабабга кўра: «қадимги юнон тилининг ион диалектида [унинг тараққиётининг маълум даврида]  $\bar{a}$   $\bar{e}$

Умумий тилшунослик курси ~~~~~ Фердинанд дў Соссюр  
га ўтган (масалан, *māter* → *mētēr* «она»)» дейиш керак, акс ҳолда *pāmi*  
«хаммаси», *phāsi* «улар дейишяпти» ва б. шаклларни тушунтириш  
қийин (улар ўзгариш даврида *pānsa*, *phānsi* тарзида талаффуз  
қилинган).



#### 4-§. ФОНЕТИК ЎЗГАРИШЛАРНИНГ САБАБЛАРИ

Фонетик ўзгаришлар сабабларини аниқлаш тилшуносликнинг энг қийин масалаларидан биридир. Бир неча сабаб таклиф қилинган, аммо уларнинг бирортаси ҳам бу масалага ойдинлик киритмаган.

**I.** Фонетик ўзгаришларнинг йўналишини олдиндан белгиловчи мойилликлар сўзловчиларнинг иркий хусусиятларида мавжуд, деган фикр билдирилган. Шундай бўлса, киёсий антропология соҳасига доир савол пайдо бўлади: нутқ аппарати турли ирқларда турличами? Ҳар хил кишиларниқига қараганда юқорирок даражада бўлиши эҳтимолдан узок. Чунки туғилгандан буён Францияда яшайдиган ҳабаш француз тилида ерли аҳоли каби яхши гапирди. Бундан ташқари, «итальянларда нутқ аппарати», «немисларнинг тили келишмайди» каби иборалардан фойдаланилганда, соф тарихий далилга доимий характер бағишланга таваккал қилишади. Бу фонетик ҳодисани ҳозирги замонда таърифлашга ўхшаш бир хато. Ион юнонларининг нутқ органлари *ā* ни талаффуз қилишга монелик қилади ва уни *ē* га ўзгартиради, дейиш — қадимги юнон тилининг ион диалектида *ā ē* га «ўтади», дейиш каби янглиш фикрдир.

Ион юнонларининг нутқ органлари *ā* ни талаффуз қилишга ҳеч ҳам монелик қилмаган: бу товуш қайд этилган диалектда учрайди. Бинобарин, гап антропологик лаёкатсизликда эмас, балки артикуляцион кўникмаларнинг ўзгаришида. Яна ибтидоий интервокал *s* сақланиб қолмаган (**genesis* → *generis* «роднинг»), аммо кейинчалик яна пайдо бўлган (**rīssus* → *rīsus* «кулги») лотин тилига мурожаат этайлик; бу ўзгаришлар римликларда маълум артикуляцион кўникмага нисбатан доимий мойиллик бўлмаганини кўрсатади.

Албатта, ҳар бир шахсда ҳар бир даврда фонетик ўзгаришларнинг маълум йўналиши намоён бўлади; янги француз тилида дифтонгларнинг монофтонглашувида айнан бир йўналиш акс этади. Аммо сиёсий ҳаётда ҳам шунга ўхшаш умумий оқимларни уларнинг тарихий характерини шубҳа остига қўймасдан ва уларни бевосита ирқнинг таъсирида тушунтирмасдан ҳам топиш мумкин.

**II.** Фонетик ўзгаришлар, кўпинча, табиий ва иқлим шароитларига мослашиш натижаси сифатида қаралади. Айрим шимолий тиллар ундошларга керагидан ортиқ ўрин беради. Айрим жанубий шевалар унлилардан жуда кенг фойдаланадики, уларнинг оҳангдошлиги шу билан изоҳланади. Албатта, иқлим ва ҳаёт тарзи тилга таъсир қилиши мумкин. Лекин масалага эътибор билан қаралса, бутун муаммо мураккаб бўлиб чиқади: ундошлар қалашиб ётган скандинав лаҳжалари билан бир қаторда саам ва фин тилларида, ҳатто, итальян тилига қараганда ҳам унлилар кўп. Шунингдек, ундошларнинг шимолий немис тилида кўпчилиги аксарият ҳолатларда ургудан кейин келган унлиларнинг тушиб қолиши туфайли содир бўлган янги ҳодиса эканлигини ҳам қайд этишимиз мумкин. Франция жанубининг айрим диалектлари шимолий француз диалектларига қараганда ундошларнинг кўпчилигини бажонидил «ҳазм» қилади; ундошлар серб тилида қанча бўлса, рус тилида ҳам шунча ва ҳ.к.

**III.** Баъзан энг кам кучланиш қонунини далил қилиб келтирадилар. Бу қонунга кўра гўё икки артикуляция бир артикуляция билан, мураккаб артикуляция нисбатан енгил артикуляция билан алмашинади. Бу фикр ҳақида нима демасинлар, барибир, у ўрганишга муносиб. У маълум даражагача ҳодисанинг энг кам кучланиш қонуни, афтидан, масалан, портловчи ундошнинг сирғалувчи ундошга ўтиши каби айрим ҳолатларни (лотинча *habēre*→французча *avoir* «эга бўлмок»), кўшлаб тилларда сўз охиридаги ундошнинг тушиб қолиши, ассимиляция ҳодисаларини (масалан, *ly*→*ll*, **alyos* → юнонча *állos* «бошқа», *tn*→*nn*, **atnos* → лотинча *annus* «йил»), ассимиляциянинг хусусий кўриниши бўлган дифтонглар монофтонгизацияси (киёсланг: *ai*→*e*, французча *maizōn*→*mɛzō* (*maison* «уй») ёзилади) ва бошқаларни тушунтириб беради.

Аmmo гап бунинг айнан тескариси содир бўлганда ҳам ҳодисанинг шунча миқдорини кўрсатиш мумкинлигида. Монофтонгизацияни, масалан, немис тилидаги *ī*, *ī̄*, *ī̄ ei*, *ai*, *eu* га ўтишига қиёслаш мумкин. Агар славян тилида *ā ē* нинг *ǎ*, *ě* га қисқариши энг кам кучланиш қонуни таъсири билан изоҳланади деб ҳисобласак, у ҳолда немис тилида кузатиладиган тескари ҳодисани (*fāter* → *vāter* «ота», *gēben* → *gēben* «олмок») энг кўп кучланиш қонуни таъсири билан тушунтиришга тўғри келади. Шунингдек, жарангли товушларни жарангсиз товушларга нисбатан талаффуз қилиш осон десак (масалан, лотинча *opera* «асарлар»→провансалча *obra* «асар»), у ҳолда тескари ҳолатларни тушунтириш учун энг кўп



Умумий тилшунослик курси ~~~~~ Фердинанд дў Соссюр  
кучланиш конунини жалб қилишга тўғри келади. Ҳолбуки, бундан  
тескари ҳолатлар испан тилида ҳам учрайди. Бу тилда *ʒx* га (масалан,  
*hixo* «ўғил») (*hijo* ёзилади), герман тилларда эса *b, d, g, p, t, k* га ўтган.  
Агар нафас товушининг тушиб қолиши (масалан, ҳинд-европа тилида  
**bherō*→немис тилида *beren* «олиб келмоқ») кучланишнинг  
камайиши сифатида қаралса, у ҳолда немис тили ҳақида нима дейиш  
мумкин; бу тилда у илгари бўлмаган жойда пайдо бўлади (Tanne  
«қоракарағай», *Pute* «курка (товуғи)» мос равишда *Thanne, Phute*  
талаффуз қилинади).

Бизнинг мулоҳазаларимиз энг кам кучланиш назариясини рад  
этишни даъво қилмайди. Фақат ҳар бир тилга нисбатан нимани  
талаффуз қилиш қийину нимани талаффуз қилиш осонлигини  
аниқлаш даргумонлигини қайд этмоқчимиз, холос. Товушнинг  
қисқариши кам кучланишга мослиги давомлиликни камайтириш  
маъносида мутлақо тўғри. Аммо эътиборсиз талаффуз унлиларнинг  
чўзилишига олиб келиши, қисқа унлиларнинг талаффузи кўпроқ  
эътибор талаб қилиши ҳам айни ҳақиқат-ку. Бинобарин, ҳар хил  
мойилликларни тахмин қилиш йўли билан ўзаро қарама-қарши икки  
далилни бир хил кўринишда тақдим этиш мумкин. Яна *k* нинг *t* га  
ўтган ҳолатини (масалан, лотинча *cedere* → италянча *cedere* «ён  
бермоқ») олиб қарайлик; агар бу ҳодисанинг фақат четки нукталарини  
эътиборга олсак, кучланиш кўпайгандек туюлиши мумкин. Аммо  
ўзгаришнинг бутун занжирини тиклаганимиз ҳамона бошқа тасаввур  
ҳосил бўлади: *k* ўзидан кейин келган унлига ўхшатилиши натижасида  
танглай *k'* га айланади; кейин танглай *k' kj* га ўтади, аммо бундан  
талаффуз қийинлашмайди, аксинча, *k'* га киритилган иккала элемент  
ҳам ўтиш оқибатида аниқ чегараланган бўлиб қолади ва кейинчалик  
*kj* дан *tj, tx'* ва, ниҳоят, *kt, k'* га ўтиш ҳар сафар кучланишнинг  
пасайиши билан бирга содир бўлади.

Бу ерда тадқиқотлар учун кенг майдон очилади. Бу тадқиқотлар  
мукамал бўлиши учун физиологик нуктаи назарни (артикуляция  
муаммоси) ҳам, психологик нуктаи назарни ҳам (эътибор масаласи)  
инобатга олиш керак.

**IV.** Кейинги йилларда тарқалган фикрга кўра талаффуздаги  
ўзгаришлар бизнинг болаликдаги фонетик тарбиямизга нисбатан  
берилади. Бола фақат узоқ давом этган синов, хато ва тузатишлардан  
кейингина атрофдагилардан эшитганини талаффуз қилишга ўрганади,  
гўё шу ерда фонетик ўзгаришлар манбаи яширингандек. Ёшлиқда  
талаффузда тўғриланмай қолган хатоликлар кўплаб шахсларда

ўрнишиб қолади ва ўсиб келаётган авлодни қамраб олади. Гарчи ашлодларимиз тарихида бундай фонетик ўзгариш учрамаса-да, фиэрзандларимиз к ўрнида t талаффуз қиладилар. Меъёрдан айрим чекинишлар билан аҳвол ўзгача; масалан, Парижда аксарият болалар l ни юмшатиб талаффуз қилишади (*fl'eur, bl'anc* каби). Ҳолбуки, итальян тилида шунга ўхшаш жараён натижасида *florem fl'ore* га, кейин эса *fiore* «гулга» ўтди.

Бу кузатишлар эътиборга молик, лекин муаммони ҳал қилолмайди. Ҳақиқатан ҳам, нега мазкур авлод ёшлиқда йўл қўйган хаттоликлардан бирларини сақлаб туради-ю, бошқаларини сақлаб қолмайди. Аслида нотўғри талаффузларни танлаш жуда ихтиёрий бўлиб, мантиқан асосланмаган. Шунингдек, нега мазкур ҳодиса бошқа даврда эмас, балки айнан шу даврда ўзига йўл очади?

Қолаверса, бу мулоҳаза агар фақат уларнинг таъсири самарали, деб қабул қилинса, юқорида санаб ўтилган барча омилларга ҳам тааллуқли. Иқлимнинг таъсири ҳам, сўзловчиларнинг ирқий хусусиятлари илдиз отган мойиллик ҳам, энг кам кучланиш тенденцияси ҳам доимо мавжуд бўлади ёки, ҳар ҳолда, узоқ вақт давом этади. Нега улар онда-сонда фонологик системанинг гоҳ бир нуқтасида, гоҳ бошқа нуқтасида амал қилади? Тарихий ҳодисани белгилайдиган сабаб бўлиши керак, бироқ ҳар бир конкрет ҳолатда айнан нима мазкур ўзгаришни келтириб чиқариши биз учун тушунарсиз бўлиб қолмоқда. Ҳолбуки, ечимини талаб қиладиган масала айнан шунда.

**V.** Баъзан бу ҳал қилувчи сабабларни халқнинг мазкур даврдаги умумий турмуш тарзидан топишга ҳаракат қиладилар. Тиллар бошдан кечираётган даврларнинг бир хиллари бошқа хилларига қараганда катта силжиш (ўзгариш) билан боғланган. Бундай даврларни ташқи сиёсий тарихнинг суронли пайтлари ва тилнинг беқарорлиги билан белгилашга интиладилар. Шунга асосланиб, умуман, тилга нисбатан қилинган хулосаларни фонетик ўзгаришларда қўллаш мумкин деб ҳисоблайдилар. Масалан, роман тиллари шаклланаётган даврда лотин тилида кечган энг кескин ўзгаришлар душманлар хужумларининг жуда беҳаловат даврига тўғри келади деб ҳам кўрсатишади. Бу масалада чувалиб қолмаслик учун қуйидаги икки ҳолатни эътиборга олиш керак:

а) сиёсий барқарорлик ҳеч ҳам тилга сиёсий беқарорлик каби таъсир қилмайди, бунда ҳеч қандай мутаносиблик йўқ. Сиёсий мувозанат тилнинг эволюциясини секинлаштирганда, гарчи ташқи

Умумий тилшунослик курси ~~~~~ Фердинанд дў Сосюр  
бўлса-да, ижобий сабаб хақида гапирилади. Ҳолбуки, самараси  
тескари бўлиши керак бўлган сиёсий беқарорлик фақат салбий таъсир  
қилиши мумкин. Мазкур тилнинг беқарорлиги у ёки бу даражада  
ўринлашгани тилга (*langue*) нисбатан ташқи ходисалар (ҳовли,  
мактаб, академия, ёзув ва ш.к.) туфайли келиб чиқади. Ташқи  
ходисаларга эса, ўз навбатида, ижтимоий ва сиёсий мувозанат ёрдам  
беради. Аксинча, агар халқ тарихида содир бўлган қандайдир ташқи  
ағдар-гўнтар тил эволюциясини тезлаштира, бу фақат тил на эркин  
ҳолат касб этганлигини ва на ўз оқимидан бораётганини англатади.  
Лотин тилининг классик даврдаги беқарорлиги ташқи омиллар билан  
изоҳланади ва кейинчалик у бошдан кечирган ўзгаришлар билан  
тенглаша олмайди, чунки бу ўзгаришлар тутиб турувчи ташқи  
омиллар бўлмагани туфайли ўз ҳолича содир бўлади;

б) бу ерда гап, умуман, тилда содир бўладиган ҳар қандай  
ўзгаришлар эмас, балки фонетик ўзгаришлар ҳақида бормоқда.  
Грамматик ўзгаришлар юқорида кўрсатилган сабаблар билан  
боғлиқлигини тушуниш мумкин. Грамматик далиллар ўзининг  
қандайдир томонлари билан тафаккурга боғлиқ ва ташқи ларзалар  
(ағдар-гўнтарлар) таъсирини ўзида осонроқ акс эттиради, чунки  
ташқи ларзалар киши онги (ақли)га бевосита таъсир қилади. Аммо  
бизда тилдаги кескин фонетик ўзгаришлар халқ тарихидаги суронли  
даврларга мос келишини исботловчи далиллар йўқ.

Шу билан бирга, фонетик ўзгариш содир бўлмаган бирорта  
даврни, ҳатто тил сунъий ҳаракатсизлик ҳолатида бўладиган даврлар  
орасидан ҳам топиш мумкин эмас.

**VI.** Ҳатто «олдинги лисоний субстрат» ҳақида фараз ҳам  
билдирилди: гўё айрим ўзгаришлар янги келгиндилар қомига тортган  
махаллий аҳоли туфайли пайдо бўлган эмиш. Масалан, *langue d'oc*  
(Франциянинг Жанубий лаҳжалари) ва *langue d'oi'l* (Франциянинг  
Шимолий лаҳжалари) орасидаги фарқ гўё кельт тили  
элементларининг жанубий ва шимолий Галлияда турлича тарқалгани  
каби бир-бирига боғлиқ дейишди. Бу назарияни итальян тили  
диалектлари орасидаги фарқларни тушунтиришда ҳам қўлладилар ва  
бу фарқларни шеваларнинг географик ўрнига қараб лигур, этруск ва  
бошқа шевалар таъсири билан боғладилар. Энг аввало, айтиш  
керакки, бу фараз жуда кам учрайдиган вазиятнинг бўлишини тақозо  
этади. Бундан ташқари, лисоний субстрат деганда нима назарда  
тутилаётганини ҳам аниқлаш керак. Агар бу билан янги тилни қабул  
қилаётган туб аҳоли унга ўзининг талаффуз кўникмаларидан бирор

Умумий тилшунослик курси ~~~~~ Фердинанд дў Соссюр  
нарсани киритади демоқчи бўлсалар, у ҳолда бу жуда тушунарли ва  
табiiй. Лекин шу билан бирга, яна ирқ ва шу каби кўз илғамас  
омилларни далил қилиб кўрсата бошлашса, у ҳолда биз яна юкорида  
қайд этилган кийинчиликларга дуч келамиз.

**VII.** Ниҳоят, бундай номга мутлақо номуносиб кейинги изох  
фонетик ўзгаришларни моданинг ўзгаришларига тенглаштиради.  
Бироқ моданинг ўзгариш сабабларини ҳали ҳеч ким кашф этган  
эмас, фақат уларнинг кўплаб психологларни кизиқтираётган тақлид  
қонунларига боғлиқлиги маълум. Бундай изох масалани ҳал  
қилмаса-да, шу томони билан эътиборга молиқки, у бу масалани  
нисбатан катта масалаларнинг бир қисми даражасига олиб чиқади:  
фонетик ўзгаришлар сабаби соф фонетик сабаб бўлиб чиқди. Фақат  
бир нарса сирлигича қолмоқда: моданинг ўзгаришларида ҳам,  
фонетик ўзгаришларда ҳам тақлид учун таянч нуқтани қаердан  
излаш керак?



## 5-§. ФОНЕТИК ЎЗГАРИШЛАР ТАЪСИРИНИНГ ЧЕКЛАНМАГАНЛИГИ

Агар бир киши у ёки бу фонетик ўзгаришлар таъсирини  
аникламоқчи бўлса, у бундай ўзгаришларнинг чексиз ва сон-саноксиз  
эканлигига осонгина ишонч ҳосил қилади. Бошқача айтганда,  
уларнинг қаерда тўхташини олдиндан айтиб беришнинг иложи йўқ.  
Сўз, гўё ўзида кейинги ўзгаришлардан асровчи қандайдир нарса  
бордек, фақат маълум чегарагача ўзгаради. Фонетик ўзгаришларнинг  
бу хусусияти белгининг маъно билан боғланмаган ихтиёрийлигига  
бориб тақалади.

Мазкур пайтда қандайдир сўзнинг товушлари қандай ва қай  
даражада ўзгарганини қайд этиш мумкин. Аммо бу сўз қай даражада  
билиб бўлмайдиган ҳолатга келгани ёки келишини олдиндан кўриш  
мумкин эмас.

Ҳинд-европача *aiwon* «абадият», «аср» (лотинча *aevon* билан  
қиёсланг) герман тилида шундай кўшимчали барча сўзлар каби  
**aiwan*, **aiwa*, **aiw* га, кейинчалик **aiw* га, шу гуруҳдаги бошқа барча  
сўзлар сингари *ēw* «абадият», «замон»га, кейин ҳар қандай *w o* га  
ўзгаргани боис *ē o* га ўтди; *ē o* ҳам, ўз навбатида, *e o* га ўтди, *i o* худди  
шундай бошқа умумий қонунларга мос равишда *ie*, *je* ни, ниҳоят,  
ҳозирги немис тилида *jē* берди (масалан, *das schönste, was ich je  
gesehen habe* «мен қачонлардир кўрганларимнинг энг гўзали»).

Агар факат бошланғич ва охирги нуқталар олиб қаралса, ҳозирги сўзда ибтидоий элементларнинг бирортаси ҳам йўқ. Шунга қарамадан, алоҳида олинган ҳар бир босқич мутлақо аниқ ва мунтазам. Бундан ташқари, уларнинг ҳар бири ўз қўлланишида чекланган, уларнинг мажмуи эса турланишларнинг (кўринишларини ўзгартиришларнинг) чекланмаган йиғиндиси таассуротини ҳосил қилади. Лотинча *calidum* (*calidus* «илиқ») сўзининг тушум келишиги шакли)га нисбатан ҳам шундай кузатишлар олиб бориш мумкин. Бунинг учун дастлаб уни ҳозирги француз тилида қай шакл касб этганлигини (*Jo, chaud* «илиқ» ёзилади), кейин барча босқичларни тиклаш лозим бўлади: *calidum, calidu, caldu, calt, calt, tšalt, tšaut, šot, šō*. Яна қиёсланг: халқ лотин тилида **waidanju* → *gε* (*gain* ёзилади) «ютуқ», *minus* → *mwε* (*mains* ёзилади) «камроқ», *hoc illī* → *wi* (*oui* ёзилади) «ҳа».

Фонетик қонунлар таъсири яна шу маънода чексиз ва сон-саноксизки, у сифат, от ва бошқалар асос, суффикс, қўшимча деб ўтирмасдан ҳар қандай турдаги белгиларни қамраб олади. *A priori* фикрлайдиган бўлсак, шундай бўлиши ҳам керак. Чунки агар бу ерга грамматика бостириб кирса, фонетик далил синхрон далил билан қўшилиб кетган бўлар эди. Бу эса мутлақо бўлиши мумкин бўлмаган нарса. Товуший ўзгаришларининг «кўр» характери айнан шундан иборат. Масалан, юнон тилида *n* дан кейин келган *s* нафақат **khānses* «ғозлар», **menses* «ойлар» (*chēnes, mēnes* сўзлари шундан келиб чиққан) каби сўзларда, балки **etensa, *ephensa* (*éteina, éphēna* ва б. шундан ҳосил қилинган) ва бошқаларда тушиб қолди. Бу ерларда у **аористни* тавсифлади. Ўрта юқори немис тилида урғудан кейин келган *ī, ē, ā, ō* унли сифатидаги тафовутлар билан қўшлаб қўшимчалар тавсифланганига қарамадан, *e* билан қўшилиб кетди (*gibil* → *Giebel* «томнинг учи», *meistar* → *Meister* «уста» (мастер). Бунинг натижасида, масалан, бирлик сон тушум келишиги шакли — *boton* «xabарчини», «чонарни» ва бирлик сон қаратқич-жўналиш келишик шакли *boten* «чонарга», «xabарчига» *boten* да ўзаро мувофиқ келди.

Шундай қилиб, агар фонетик ҳодисалар ҳеч қандай чеклашларга дуч келмаса, умуман, грамматик жисмда жуда чуқур ларзаларни келтириб чиқариши керак. Энди уларни шу нуқтаи назардан ўрганишга ўтамиз.



## III боб. ФОНЕТИК ЭВОЛЮЦИЯНИНГ ГРАММАТИК ОҚИБАТЛАРИ

### 1-§. ГРАММАТИК АЛОҚАНИНГ БУЗИЛИШИ

Фонетик ўзгаришнинг биринчи оқибати икки ёки ундан ортиқ сўзларни боғловчи грамматик алоқанинг узилишидир. Натижада бир сўз иккинчи сўзнинг ясамаси сифатида идрок этилмайди. Масалан:

- *mansiō* «турар жой» → **mansīnāticus*
- *maison* «уй» // *ménage* «хўжалик»

лисоний онг **mansīnāticus* сўзида, энг аввало, *mansiō* ясама сўзни кўради. Аммо кейинчалик фонетик тақдирнинг тескарилиги уларни бир-биридан ажратди. Бошқа мисол: (*vervĕx* → *vervĕcārius*)

- халқ лотин тилида: *berbĭx* «кўй» → *berbicārius* «чўпон»
- *brebis* «совлиқ кўй» // *berger* «чўпон».

Алоқанинг бундай узилиши, табиийки, қийматларга ҳам таъсир қилади. Масалан, айрим француз лахжаларида *berger* ҳозир «подабон» маъносини англатади. Ёки бошқа бир мисол:

- *Grātīōnopolis* «Грацианополь» | | *Grātianopolitānus* «Грацианополь [округи]»
- *Grenoble* «Гренобль» | | *Grésivaudan* «Грезиводан»
- *decem* «ўн» – *undecem* «ўн бир»
- *dix* «ўн» | | *onze* «ўн бир».

Гот тилидаги *bītan* «тишламоқ» - *bitum* «биз тишладик» — *bitr* «тишлавуч», «аччик» ҳам шунга ўхшаш бир ҳолат; бир томондан, *t=ts(z)* га ўтиши, иккинчи томондан, *tr* ундош гуруҳининг сақланиб қолиши натижасида ғарбий герман тилида *bīzan*, *bizum//bitr* юзага келди.

Шунингдек, фонетик эволюция айнан бир сўзнинг икки шакли орасидаги табиий алоқани ҳам бузади. Масалан, лотинча *comes* «йўлдош» сўзининг бош келишиги шакли ва шу сўзнинг тушум келишик шакли *comitem* «ҳамроҳни» француз тилида *cuens* «граф»ни берди (бош келишик) // *comte* «графни» (воситали келишик). Яна киёсланг: халқ лотин тилида *barō* «озод туғилган» // *baronem* «озод

Умумий тилшунослик курси ~~~~~ Фердинанд дў Соссюр  
тутилганни» → эски француз тилида *ber* «барон» // *baron* «барон»ни,  
лотинча *presbiter* «оқсокол», «рухоний» — тушум келишиги  
*presbiterum* «рухонийни» → эски француз тилида *prestre* «рухоний» //  
*provoire* «рухонийни».

Бошқа ҳолатларда қўшимча икки қисмга бўлинади. Ҳинд-европа  
тилида бирлик соннинг тушум келишиги шакли барча ўринларда *-m**  
товуши билаи тавсифланди, масалан: **ek₁won*, **owin*, **podm*, **māterm*  
ва б. Лотин тилида бу қўшимчада жиддий ўзгаришлар содир бўлмади;  
аммо юнон тилида бурун сонант товуши ва бурун консонант  
товушининг ҳар хил талкин қилиниши шакллари икки хил турига  
олиб келди: *hippon* «отни», *ó(w)in* «совликни»: *póda* «оёқни», *mātera*  
«онани». Кўплик сон тушум келишик шакли ҳам шунга жуда ўхшаш  
ҳолатни намоён этади: *hippous* «отларни», аммо *podas* «оёқлар».



## 2-§. СЎЗ МУРАККАБ ҚУРИЛИШИНИНГ БАРҲАМ ТОПИШИ

Фонетик ўзгаришнинг бошқа грамматик оқибати шундан  
иборатки, сўзнинг айрим маънолари қисмлари ажралиб чиқиш  
хусусиятини йўқотади: сўз бўлинмас бутунликка айланади.  
Мисоллар: французча *ennemi* «душман» (қиёсланг: лотинча *in-imīcus*  
сўзма-сўз «дўст эмас» — *amīcus* «дўст», лотинча *perdere* «халок  
этмоқ» (қиёсланг: нисбатан қадимийроқ шакл *per-dare* — *dare*  
«бермоқ»), *amicīō* «ўряпман» (**ambjaciō* — *jaciō* «ташляяпман»,  
«қўяман» ўрнида), немисча *Drittel* «учдан бир қисм» (*dri-teil* «учдан  
бир қисм» — *teil* «қисм» ўрнида).

Бундай ҳолатлар олдинги параграфда қараб чиқилган ҳолатларга  
бориб тақалишини кўриш қийин эмас; агар, масалан, *Dritter* бўлинмас  
сўз бўлса, у ҳолда бу уни *drit-teil* каби *teil* сўзига яқинлаштириш  
мумкин эмас, деган маънони англатади:

*teil* — *dritteil*

*Teil* // *Drittel*

формуласи батамом

*mansio* — *mansiōnāticus*

*maison* // *mēnage*

формуласига ўхшайди.

Яна қиёсланг:

*decem-undecim*

аммо *dix/onze*

*Эпиграфик ёдгорликларда қайд этилган *hon-ce*, *han-ce*, *hā-ce* га бориб тақалувчи классик латин тилининг содда шакллари *hunc* «ушбу», «мана шу» (муж. роддаги «ушбу») олмошининг тушум келишиги шакли), *hanc* «бу» (средний роддаги «бу») олмошининг тушум келишиги шакли), *hac* «бу ерда» ва б. олмошнинг *-ce* юкламаси билан қўшилиб кетиши натижасида таркиб топган; илгари *han-ce* ва бошқаларни *ec-ce* га яқинлаштириш мумкин эди. Аммо кейинчалик *-e* фонетик жиҳатдан тушиб қолгандан кейин бунинг иложи бўлмай қолди. Шу тарзда *hunc*, *hanc*, *hāc* ва бошқаларга бориб тақалувчи таркибий элементлар ўзаро фаркланмасдан қўйди. Маъновий қисмларга бўлинишини мулақо имконсиз қилишдан олдин фонетик эволюция ишни бу бўлинишни у ёки бу даражада қийинлаштиришдан бошлайди. Ҳинд-европача турланиш бунга мисолдир.

Ҳинд-европа тилида **pod-s* оти қуйидагича турланар эди: бош келишик **pod-s*, бирлик сон тушум келишиги **pod-m*, бирлик сон жўналиш келишиги **pod-ai*, бирлик сон ўрин-пайт келишиги **pod-i*; кўплик сон бош келишик **pod-es*, кўплик сон тушум келишиги **pod-ns* ва б. Дастлаб *ek₁wo-s* ҳам шундай турланган: бирлик сон бош келишик **ek₁wo-s*, бирлик сон тушум келишиги **ek₁wo-m*, бирлик сон жўналиш келишиги **ek₁wo-ai*, бирлик сон ўрин-пайт келишиги **ek₁wo-i*; кўплик сон бош келишик **ek₁wo-es*, кўплик сон тушум келишиги **ek₁wo-ns* ва б. Ўша даврда асос **ek₁wo-*pod-* каби жуда осон ажратилган. Аммо кейинчалик унлиларнинг бир жойга тўпланиб қолиши бу ҳолатга ўзгариш олиб кирди, натижада бирлик сон жўналиш келишиги **ek₁wōi*, бирлик сон ўрин-пайт келишиги **ek₁woi*; кўплик сон бош келишик **ek₁wōs* кўринишига эга бўлди. Шу даврдан бошлаб асос **ek₁wo* — ўзининг шаффофлигини йўқотди ва асос ҳамда флекцияга ажратиш қийинлашди. Янада кейингироқ даврда, масалан, кўшимчаларнинг тушум келишигида фаркланиши (3-қисмнинг 3-бобидаги 2-§га қаранг) каби сўнгги ўзгаришлар дастлабки ҳолатнинг охириги хусусиятларини ҳам батамом ўчириб ташлади. Эҳтимол, Ксенофонт замондошларига *hipp* — асосдек, кўшимчалар унлилар билан бошлангандек (*hipp-os* ва б.) туюлган бўлиши мумкин. Хуллас, **ek₁wo-s* ва **pod-s* ўзаро батамом ажралиб кетди. Сўз ўзгариши соҳасида бошқа барча соҳаларда каби маъноли элементларга бўлинишни қийинлаштирувчи ҳамма ҳолатлар грамматик алоқанинг сусайишига имкон яратди.





### 3-§. ФОНЕТИК ДУБЛЕТЛАР БЎЛМАЙДИ

1-ва 2-§ларда қараб чиқилган иккала ҳолатда ҳам эволюция натижасида тилнинг дастлаб грамматик жиҳатдан боғланган элементлари турли томонларга тарқалиб кетди. Бу ҳодиса далиллар шарҳида жуда кўпол хатоларга олиб келувчи сабаб бўлиши мумкин.

Биз халқ лотин тилидаги *barō* «озод туғилган»: *barōnem* «озод туғилганни» ва эски француз тилидаги *ber* «барон»: *baron* «баронни» нисбий муштарақлигини қайд этганимизда, бу бизни *bar-* нинг айнан бир таянч бирлиги ҳар томонга қараб кетган икки йўналишда ривожланган ва икки шаклни юзага келтирган, деган фикрга олиб келмайдими? Аслида бу нотўғри, чунки айнан бир элемент айнан бир жойда икки хил ўзгаришга дуч келмайди. Бу фонетик ўзгариш тушунчасининг ўзига зид бўлар эди. Товушлар эволюцияси ўзича бир шакл ўрнида икки шаклни яратишга қодир эмас.

Бизнинг фикримизга қарши қатор эътирозлар билдириш мумкин. У қуйидаги мисоллар билан асосланган ҳам дейлик: бизга лотинча *collocāre* «жойлаштирмак», «қўймок» француз тилига *coucher* «ётқизмок» ва *colloquer* «жойлаштирмак»ни берган дейишлари мумкин. Лекин бу фақат *coucher*га нисбатан тўғри; *colloquer* бор-йўғи лотин тилидан ўзлаштирган китобий сўз (қиёсланг: *rançon* «эваз» ва *rédemption* «гуноҳини ювиш» ва б.).

Аммо лотинча *cathedra* «кресло»дан иккита ҳақиқий французча сўз — *chaire* «кафедра» ва *chaise* «стул» келиб чиққан. Булардан *chaise* шевага хос шакл ҳисобланади. Париж лаҳжасида интервокал *r z* га ўтган. Масалан, *père* «ота», *mère* «она» ўрнида *pèse*, *mèse* дейишган. Француз адабий тилида бу ерли ҳосиланинг фақат икки намунаси сақланиб қолган: *chaise* «стул» ва *béryl* «берилл» (маъдан). Бу ҳолатни яқинда француз адабий тилига ўтган пикард тилидаги сўз *rescapé* «кутқариб олинган», «кутилган» билан қиёслаш мумкин. Кейинги сўз *réchappé* га зид бўлиб чиқди. Агар бизда *cavalier* «отлик» ва *chevalier* «рицарь», *cavalcade* «кавалькада» (сайр қилиб юрган бир тўда отлик) каби сўзлар жуфтлиги мавжуд бўлса, бунинг сабаби *cavalier* ва *cavalcade* нинг итальян тилидан олинганидир. Моҳиятан олиб қараганда, бу ҳолат француз тилига *chaud*, итальян тилига *caldo* ни берган лотинча *calidum* га (*calidus* «илиқ»нинг тушум келишиги шакли) ўхшайди. Барча ҳолатларда биз ўзлашмалар билан иш кўряпмиз.

Агар биздан лотин тилидаги *mē* «мени» олмоши француз тилида икки шаклда — *me* ва *moi* (қиёсланг: *il me voit* «у мени кўряпти» ва

Умумий тилшунослик курси ~~~~~ Фердинанд дў Соссюр *c'est moi qu'il voit* «у айнан мени кўряпти») намоён бўлган-ку деб сўрашса, шундай жавоб берамиз: французча *me* лотинча *mē* га бориб тақалади; лотинча урғули *mē* француз тилига *moi* ни берган; урғунинг тушиш ёки тушмаслиги *mē* ни *me* ва *moi* айлантирган фонетик қонунларга эмас, балки бу сўзнинг гапдаги вазифасига боғлиқ. Шундай қилиб, сўз мавжудлигининг икки усули грамматик ҳодисадир. Немис тилидаги **ur* — *ur-*, урғули бўғиндан олдин келганда *ur* — *er* га ўтади (масалан, *Urlaub* «таътил» ва *erlauben* «руҳсат этмоқ»), чунки урғунинг ўрни таркибида *ur-* бўлган бирикмалар турлари, бинобарин, грамматик ва у орқали синтактик вазият билан боғлиқ. Ниҳоят, биринчи мисолимизга қайтиб, *báro* — *barōnem* жуфтлигида шакл ва урғу орасидаги фарқлар, шубҳасиз, фонетик ўзгаришдан олдин келади.

Амалда фонетик дублетларни ҳеч қаердан топиш мумкин эмас. Товушлар эволюцияси ўзидан олдин содир бўлган тафовутларни фақат таъкидлаб кўрсатади. Бу тафовутларнинг келиб чиқиши ташқи сабаблар билан боғлиқ барча жойларда (буни биз ўзлашмалар мисолида ҳам кўрдик) фонетик ўзгаришларга мутлақо мос келмайдиган грамматик ва синхрон дублетлар (*dualités*)нинг бўлишини тақозо этади.



#### 4-§. АЛМАШИНУВ

Афтидан, *maison* «уй» ва *ménage* «хўжалик» каби икки сўзни нима ажратиб турганини излашдан маъни йўқдир. Бу қисман фарқловчи унсурларнинг (*ezō* ва *en*) қиёслаш учун кам материал бериши, қисман бир-бирига қарама-қарши қўйиш мумкин бўлган бошқа сўзларнинг йўқлиги учун шундайдир. Аммо ўзаро яқин икки сўз, кўпинча, осонгина ажратиб кўрсатиш мумкин бўлган фақат бир ёки икки унсур билан бир-биридан фарқ қилади ва шу фарқ қатор ўхшаш жуфтликларда мутгасил тарзда такрорланиб туради. Бундай ҳолатда биз таркибида фонетик ўзгаришлар бўлган грамматик ҳодисаларнинг энг кўп тарқалган ва энг одатий кўриниши билан иш кўрамиз. Бу кўриниш — товуш алмашинуви (*alternance*) деб аталувчи ҳодисадир.

Очиқ бўғинда келган ҳар қандай лотинча *ō* француз тилида урғули ҳолатда *eu* га, урғули ҳолатдан олдин *ou* га айланди.

Бундан *peuivons* «биз қила оламиз»: *peuvent* «улар қила оладилар», *douloureux* «касал»: *douleur* «оғриқ», *nouveau* «янги»: *neuf* «янги» ва

Умумий тилшунослик курси ~~~~~ Фердинанд дү Сосюр

ш.к. юзага келган. Уларда тафовут ва доимий ўзгариб турадиган элементларни осонгина ажратиш мумкин. Лотин тилида ротацизм ҳодисаси билан боғлиқ ҳолда *gerō* «элтяпман»: *gestus* (*gerō* нинг сифатдоши), *oneris* «оғир юкни»: *onus* «оғир юк», *maeror* «ғам-ғусса»: *maestus* «ғамгин» ва б. алмашинади. Герман тилларида *s* урғунинг ўрнига боғлиқ ҳолда талқин қилингани боис биз ўрта шимолий немис тилида *ferliessen* «йўқотмоқ»: *ferloren* (*ferliesen* нинг ўтган замон сифатдоши), *kiesen* «сайламоқ»: *gekoren* (*kiesen* нинг ўтган замон сифатдоши), *friesen* «музламоқ», «тўнгмоқ»: *gefrorem* (*friesen* нинг ўтган замон сифатдоши) ва б. эга бўлдик. Ҳинд-европа тилидаги *e* нинг тушиб қолиши ҳозирги немис тилида *beissen* «тишламоқ», «қопмоқ»: *fiss* «тишларди», *leiden* «азият чекмоқ»: *litt* «азият чекади», *reiten* «отда юрмоқ»: *ritt* «отда юарди» ва б. зидланишлар кўринишида акс этади. Бу ҳолатларнинг барчасида товуш алмашинуви ўзак элементига тегишли бўлади. Аммо ўз-ўзидан аёнки, бундай қарама-қарши қўйилишлар сўзнинг барча қисмларига тақалиши мумкин. Олд қўшимча (префикс) шаклининг асосдаги бошланғич товушнинг хусусиятларига боғлиқ ҳолда ўзгаришидан-да оддий ҳодиса йўқ (қиёсланг: юнонча *apo-didōmi* «бермоқ», «қайтармоқ»: *ap-érchōmi* «кетмоқ», «қайтмоқ», французча *inconnu* «нотаниш»: *inutile* «кераксиз»). Пировард натижада фонетик сабаблар туфайли *e:o* товуш алмашинуви катта миқдордаги суффиксал элементларда учрайди [юнонча *hippos* «от» (бирлик сон бош келишик): *hippe* «от» (бирлик сон ундов (атов) келишиги), *phér-o-men*: *phér-e-te* «олиб келинг», *gén-os* «жинс»: *gén-e-os* (**gén-es-os* «отлар» ўрнида) ва б.] Эски француз тилида танглай товушлардан кейин келадиган урғу олган лотинча *a* алоҳида талқин қилинади; *e:ie* нинг кўплаб қўшимчаларда алмашинуви шундан (қиёсланг: *chant-er* «қуйламоқ»: *jug-ier* «суд қилмоқ», «ҳал қилмоқ», *chant-é* «қуйланмоқ»: *jug-ié* «маҳкум», «ҳал қилинган», *chant-ez* «қуйланг»: *jug-iez* «маҳкамага тортинг», «ҳал қилинг» ва б.).

Хуллас, товуш алмашинуви ҳодисасини ёнма-ён келган шаклларнинг икки қатори бўйича доимо *пермутацияга дуч келадиган муайян икки товуш ёки товушлар бирикмалари орасидаги мослик сифатида таърифлаш мумкин. Фонетик ўзгариш ўзича дублетларнинг пайдо бўлишини тушунтириб беролмагани каби товуш алмашинувининг ягона ва энг муҳим сабаби ҳам эмаслиги аниқ. Лотинча *nov-* фонетик ўзгариш натижасида *neuv-* ва *pouv-* (*neuve* «янги» ва *nouveau* «янги»)га ўтди, дейиш билан уйдирма бирликни

Умумий тилшунослик курси ~~~~~ Фердинанд дү Соссюр

яратадилар ва олдинги синхрон икки хиллик мавжудлигини тан олмайдилар; *nov-* нинг позицион (ўринга боғлиқ ҳолда юзага келади) тафовут лотин тилидаги *nov-us* «янги» ва *nov-ellus* «янги», «ёш» фонетик ўзгаришдан олдин пайдо бўлган ва фақат грамматик далилдир (қиёслаг: *barō:barōnem*). Бундай икки тарафламалик ҳар қандай товуш алмашинуви учун ҳам манба ва ҳам унинг учун зарур шарт бўлиб хизмат қилади. Фонетик ўзгариш аввалги бирликни йўқ қилиб ташламади, балки фақат аввалдан ёнма-ён қўлланиб келган элементларнинг зидлигини товушларнинг фарқлари билан таъкидлаб, шаффофрок қилди холос. Кўплаб тилшунослар товуш алмашувининг материали товушлар бўлгани ва унинг содир бўлишида товуш ўзгаришлари қатнашгани учун уни фонетик ҳодиса ҳисоблаб, ҳозиргача адашиб келадилар. Ҳақиқатда эса товуш алмашинуви ўзининг бошланғич нуктасида ҳам, сўнгги кўринишида ҳам доимо фақат грамматик синхронияга мансубдир.



## 5-§. АЛМАШИНУВ ҚОНУНИЯТЛАРИ

Товуш алмашинувларини муайян қонуниятларга нисбат бериш мумкинми? Агар мумкин бўлса, бу қонунларнинг ўзи қанақа?

Ҳозирги немис тилида кўп учрайдиган *e:i* алмашинувини қараб чиқамиз ва барча ҳолатларни тартибга солиб ўтирмасдан, навбатманавбат оламиз: *geben* «бермоқ»: *gibt* «беряпти», *Feld* «майдон»: *Gefilde* «майдон», «экинзор», *Wetter* «об-ҳаво»: *wittern* «сезмоқ» (хайвонлар ҳақида), *helfen* «ёрдамлашмоқ»: *Hilfe* «ёрдам», *sehen* «кўрмоқ»: *Sicht* «кўриниш» ва б. Бу ерда биз ҳар қандай умумий тамойилни келтириб ўтолмаймиз. Аммо шу мисолдан *geben:gibt* жуфтлигини ажратиб олсак ва уни *schelten* «қойймоқ»: *schilt* «қойийапти», *helfen* «ёрдамлашмоқ»: *hilft* «ёрдамлашяпти», *nehmen* «олмоқ»: *nimmt* «оляпти» ва б. билан қиёсласак, бу товуш алмашинуви замон, шахс ва бошқаларнинг ўзаро фарқланишига тўғри келади; *lang* «узун»: *Läng* «узунлик», *stark* «кучли»: *Stärke* «куч», *hart* «қаттиқ»: *Härte* «қаттиқлик» кабиларда *a:e* нинг қарама-қарши қўйилиши сифатдан от ясалиши билан; *Hand* «қўл»: *Hände* «қўллар», *Gast* «меҳмон»: *Gaste* «меҳмонлар» ва б. кўплик соннинг ясалиши билан боғлиқ. Буларни германшунослар томонидан *аблаут номи остида бирлаштирилган барча ҳолатларда ҳам кўриш мумкин (яна қиёслаг: *finden* «топмоқ»: *fand* «топди» ва *finden* «топмоқ»: *Fund*

Умумий тилшунослик курси ~~~~~ Фердинанд дў Сосюр  
«топилма», «топилдик»; *binden* «боғламоқ»: *band* «боғлади» ва *binden*  
«боғламоқ»: *Bund* «боғлама»; *fliessen* «оқмоқ»: *floss* «оқди»: *Fluss*  
«оқим» ва б.).

Аблаут⁵ — товуш алмашинувига ажойиб мисол бўла олади ва товуш алмашинувидан, умуман олганда, фарқ қилмайди. Биз товуш алмашинуви, одатда, тилнинг бир неча ўзаро алоқадор элементлари орасида мунтазам равишда таксимланиб туришини ва унинг функция, категория ва детерминация чизиқлари бўйлаб намоён бўладиган муҳим зидланишлар билан мос эканлигини кўрдик. Шу туфайли товуш алмашинувининг грамматик қонунлари ҳақида гапириш мумкин, бироқ бу қонунлар уларни юзага келтирган фонетик далилларнинг тасодифий натижасидан бошқа нарса эмас. Кейинги далиллар тил элементларининг қийматига кўра қарама-қарши қўйилган икки қатор орасида мунтазам товуший зидланишини келтириб чиқаради. Онг бу моддий тафовутга уни маънодор қилиш ва тушунчаларнинг фарқланиши (1-қисмнинг 3-бобидаги 3-§га қаранг) билан боғлаш мақсадида ёпишиб олади. Бошқа кўплаб синхрон қонунлар каби товуш алмашинувининг грамматик қонунлари ҳам — бу бор-йўғи зарурий кучга эга бўлмаган муносабатларнинг таянч нукталаридир. Бинобарин, гўё *Nacht* «тун» сўзи кўплик сонда *ä* га ўзгаради (– *Nächte*) дейиш нотўғри. Бунинг оқибатида гўё бир элемент қандайдир қатъий (буйруқ тарзидаги) бир оҳанг таъсирида бошқа элементга айланади деган сохта тасаввур ҳосил бўлади. Аслида эса биз фонетик эволюция натижасида юзага келган шаклларнинг оддий зидланиши билан иш кўрамыз. Куйида гап борадиган аналогия худди шундай тафовутни намоён қиладиган янги жуфтликларнинг яратилишига ёрдам беради, деган фикр мутлақо тўғри ёки тўғри эмас. *Gast* «меҳмон»: *Gäste* «меҳмонлар» ва б. қолипларда ясалган *Kranz* «гулчамбар», «баргак» *Kränze* ни қиёсланг.

Гўё қонун таркиб топган одатни ўзгартириш учун жуда *императив характердаги қоида сифатида қўлланади деган таассурот пайдо бўлади. Аммо бу *пермутацияларнинг барчаси доимо тескари йўналишда ҳаракат қилувчи ўхшаш таъсирларга дуч келиши мумкинлигини ҳам унутмаслик керак. Биз синхрон қонунга берган таърифга мос шунга ўхшаш қоидаларнинг омонат эканлигини таъкидлаш учун шунинг ўзи етарли.

⁵ Аблаут [нем. Ablaut] – унлиларнинг ўзқдош сўзларда ёки бир сўзнинг турли шаклларида морфологик йўл билан алмашинуви, масалан, немисча *binden, band, gebunden*. – *Таржимон*.

Товуш алмашинувини келтириб чиқарган фонетик шароит шакл-шубҳасиз эканлигини кўрсатиб турувчи ҳолатлар ҳам бор. Масалан, 3-қисмнинг 3-бобидаги 5-§да келтирилган жуфтликларнинг қадимги юқори немис тилида қуйидаги шакли бўлган: *geben* «бермоқ»: *gibit* «беряпти», *feld* «майдон»: *gafildi* «экинзорлар» ва б. Ўша даврда, агар асосдан кейин *i* келса, унинг ўзи *e* ўрнида *i* билан, қолган бошқа ҳолатларда *e* билан қўлланган. Лотинча товуш алмашинуви — *faciō* «қилмоқ»: *conficiō* «бажармоқ», *amicus* «дўст»: *inimicus* «дўст эмас», *facilis* «осон»: *difficilis* «осон эмас» ва б. сўзловчилар қуйидагича ифодалашлари мумкин бўлган фонетик шароит билан боғланган: *a* товуши *faciō*, *amicus* ва ш.к. сўзларда мазкур *a* бўғин ичида келган ўша уя сўзларидаги *i* билан алмашинади. Бироқ бу фонетик зидланишлар барча грамматик қонунлар сингари батамом ўша эътирозларга сабаб бўлади: улар синхрон характерда. Буни унутганлари ҳамоно юқорида (1-қисмнинг 3-бобидаги 8-§га қаранг) қайд этилган хатони такрорлаш хавфи туғилади: *facio:conficiō* каби жуфтликларга дуч келинганда ёнма-ён келган элементлар орасидаги муносабатларни диахроник далилнинг (*confacio*→*conficio*) замонда кетма-кет келадиган элементларини боғлайдиган муносабатларни аралаштириб юборишдан эҳтиёт бўлиш керак. Агар бизда бу ерда хатоликка йўл қўйишга васваса бўлса, бу мазкур жуфтликдаги фонетик фарқланиш сабаби ҳам сезилиб туради, аммо унинг таъсири ўтмишга тегишли. Сўзловчилар учун эса бу ерда фақат анъанавий синхрон зидлаш бор.

Юқорида баён қилинганлар биз томондан товуш алмашинувининг қатъий грамматик характерда эканлиги ҳақидаги фикрни тасдиқлайди. Уни номлаш учун «пермутация» терминидан фойдаландик. Термин жуда аниқ, лекин ундан шунинг учун қочиш керакки, уни тез-тез фонетик ўзгаришга нисбатан қўллаганлар ва яна шунинг учунки, у фақат ҳолат бўлган жойда ҳаракат ҳақида сохта тасаввур ҳосил қилади.



## 6-§. АЛМАШИНУВ ВА ГРАММАТИК АЛОҚА

Юқорида кўрганимиздек, фонетик эволюция сўзларнинг фарқини ўзгартириб, уларни боғлаб турувчи грамматик алоқаларнинг узилишига олиб келади. Бу фикр фақат *maison* «уй»: *ménage* «хўжалик», *Teil* «қисм»: *Drittel* «учдан бири» каби алоҳида ажралиб турувчи жуфтликларга нисбатангина тўғри. Товуш алмашинуви билан эса аҳвол батамом бошқача.

Энг аввало, аёнки, икки элементнинг ҳар қандай мунтазам товуший зидланиши улар орасида алоқанинг ўрнатилишига ёрдам беради. *Wetter* «об-ҳаво» ғайриихтиёрий тарзда *wittern* «сезмоқ»қа яқинлашади, чунки *e* нинг *i* билан алмашиниши жуда оддий ҳол ҳисобланади. Сўзловчилар мазкур товуший зидланиш умумий қонун билан бошқарилишини тушунганларида, бу жўн мосликнинг улар эътиборига ёпишиб олиши ва бу билан асло грамматик алоқанинг сусайиши эмас, балки барқарорлашиши учун янада кўпроқ асос пайдо бўлади. Айнан шунинг учун немисча аблаут (1-қисмнинг 3-бобидаги 3-§га қаранг) асослар бирлигини уларнинг турли вариантлари орқали идрок этилишини таъкидлайди. Бу фақат фонетик нуқтаи назардан шартланган маъносиз товуш алмашинувларига ҳам тааллуқли. Французча *re-* префикси (*rerendre* «қайтадан олмоқ», *regagner* «қайтадан олмоқ, қабул қилмоқ», *retoucher* «қайтадан тегинмоқ» ва б.) унлидан олдин келганда *re* га қисқаради (*rouvrir* «қайтадан (бошқатдан) очмоқ», *rachter* «қайта сотиб олмоқ ва б.). Худди шунингдек, жуда сермаҳсул *in-* префикси ҳам, келиб чиқиши китобий бўлишига қарамай, ўшандай шароитларда икки хил кўринишда намоён бўлади: *é-* (*inconnu* «номаълум», *indigne* «номуносиб», *invertébé* «умуртқасиз» ва б.) ва *in-* (*inavouable* «иснод келтирадиган» = «эътироф этилмайдиган», *inutile* «бефойда», *inesthétique* «ноэстетик» ва б.). Бундай тафовутлар мазмуний бутунликка асло путур етказмайди, чунки маъно ва функция муштарак маъно ва функция сифатида идрок этилади, у ёки бу шаклнинг қўлланиш ҳолатлари тилда қатъий қайд этилган.



## IV боб. АНАЛОГИЯ

### 1-§. ТАЪРИФ ВА МИСОЛЛАР

Айтилганлардан фонетик ўзгаришлар тил ҳаётидаги деструктив (бузувчи) омил эканлиги аёнлашади. Улар алмашинув ҳосил бўлмайдиган барча жойларда сўзларни ўзаро боғловчи грамматик алоқаларнинг сусайишига олиб келади. Бунинг натижасида шакллар миқдори беҳуда кўпаяди, тил механизми чалкашади ва у шу даражада мураккаблашадики, фонетик ўзгариш туфайли юзага келган хатоликлар умумий андозалар асосида гуруҳланадиган шакллардан устун келади. Бошқача айтганда, мутлақ ихтиёрийлик нисбий ихтиёрийликни кейинги қаторга суриб қўяди (2-қисмнинг 6-бобидаги 3-§га қаранг).

Яхшиямки, бу ўзгаришлар таъсири аналогия туфайли мувофиқлашади. Сўзлар ташқи кўринишининг фонетик характерда бўлмаган барча меъёрий модификациялари (кўринишлари) аналогия билан изоҳланади.

Аналогия андозани ва унга доимо тақлид қилиб туришни талаб қилади. Аналогик шакл бу — бир ёки бир неча шаклнинг маълум қоидага кўра андоза асосида ҳосил қилинган шаклидир.

Масалан, лотин тилидаги *honor* «ор-номус» сўзининг бош келишик шакли аналогия ҳосиласидир. Илгари *honōs* «номус» (бош келишик): *honōsem* «номусни» (тушум келишиги) дейишган бўлса, кейинчалик *s* нинг ротацияси натижасида *honōs: honōrem* дейдиган бўлганлар. Шу тарзда ўзак икки хил шакл касб этди. Унинг бу хусусияти *ōrator* «нотик»: *ōrātōrem* «нотикни» каби жуфтликлар андозаси асосида биз қуйида таҳлил қиладиган усул ёрдамида ҳосил бўлган *honor* нинг янги шакли пайдо бўлиши билан барҳам топди. Ҳозир эса пропорциядаги тўрттинчи катталиқ ҳисоб натижаларини формулага келтираемиз:

- $ōrātōrem: ōrātor = honōrem: x$
- $x = honor.$

Кўринадики, аналогия тафовутларнинг пайдо бўлишига (*honōs: honōrem*) олиб келувчи фонетик ўзгариш таъсирини тенглаштириб, шаклларни қайтадан бирлаштирди ва мунтазамликни қайта тиклади (*honōr: honōrem*).

Француз тилида узоқ вақт *il preuve* «у исботляпти», *nous*



Умумий тилшунослик курси ~~~~~ Фердинанд дү Сосюр  
*prouvons* «биз исботлаямиз», *ils prouvent* «улар исботлашпти» деб келишди. Ҳозир *il prouve, ils prouvent* дейишади, яъни фонетик нуқтан назардан изоҳлаб бўлмайдиган шакллардан фойдаланадилар. *Il aime* «у севади» латин тилидаги *amat* га бориб тақалади, ҳолбуки, *nous aimons* «биз севамиз» *amons* ўрнида ҳосил килинган аналогик шаклдир. Аслида *aimable* «илтифотли» ўрнида *amable* дейиш керак эди. Юнон тилида интервокал ҳолатда келган *s* тушиб қолади, натижада, масалан, *-eso -eo* га айланади (қиёсланг: *genesos*→*gêneos* «жинслар»). Ҳолбуки, бу интервокал *s* келаси замон шаклида ва унли билан тугалланган барча феъллар аористда учрайди: келаси замон *lūsō*, «аорист» *élūsa* (*liūō* «ечмоқ», «бўшатмоқ»)дан) ва б.; *s* тушиб қолмаган келаси замон ва аорист шакллари (*tūpsō*, *étupsa*; *tūptō* «урмоқ»)дан) асосида юзага келган аналогия *s* ни кўрсатилган феълларнинг келаси замон аористидан сақлаб қолди. Немис тилида *Gast* «меҳмон», *Gäste* «меҳмонлар», *Balg* «тери»: *Bälge* «терилар» ва б. сўзларда фонетик ҳодисаларга дуч келамиз. *Kranz* «гулчамбар»: *Kränze* «гулдастлар» (илгари *kranz*: *kranza* бўлган), *Hals* «бўйин»: *Hälse* «бўйинлар» (илгари *halsa* бўлган) ва б. эса тақлид туфайли ҳосил бўлган.

Аналогия қатъий мунтазамлик асосида амал қилади ва сўз ясалиш ҳамда сўз ўзгариш усуллари мувофиқлаштиришга ҳаракат қилади. Шу билан бирга, унда мужмалликлар ҳам бор: *Kranz* «гулдаста»: *Kränze* «гулдасталар» билан бир қаторда у ёки бу сабаб билан аналогиянинг таъсирига берилмаган *Tag* «кун»: *Tage* «кунлар», *Salz* «туз»: *Salze* «тузлар» каби жуфтликлар ҳам кузатилади. Бинобарин, андозага тақлид қилишнинг қай даражада бўлганлиги ва асос вазифасини бажарадиган турларнинг қандай эканлигини олдиндан айтишнинг иложи йўқ. Масалан, энг кўп сонли шакллар аналогияда ҳамиша ҳам тақлид учун намуна вазифасини бажаравермайди. Юнонча перфект (тугалланган ўтган замон)да *pephugmai* «мен қочдим», *pephugmetha* «биз қочдик» ва ш.к. Ҳомер тили ҳам аниқ нисбатнинг қўплик ва иккилик сонларида дастлаб а бўлмаганини кўрсатади. Қиёсланг: *idmen* «биз биламиз», *éikton* «биз (иккаламиз) ўхшашмиз» ва б. Бинобарин, аналогиянинг тарқалиш нуқтаси бўлиб, фақат аниқ нисбатнинг бирлик сони биринчи шахс шакли хизмат қилган. Мазкур шакл аниқлик майли перфектининг бутун парадигмасини ўзига бўйсундирган. Ушбу ҳолат шунинг учун ҳам эътиборга моликки, бу ерда аналогия таъсирида дастлаб сўз ўзгариш шакли бўлган - а - ўзакка ўтади; *pepheuga* - мен сўзи шу тарзда юзага

Умумий тилшунослик курси ~~~~~ Фердинанд дў Соссюр келган. Бунинг тескариси — ўзак элементининг суффикс томонга ўтиши — кам учрайди (3-қисмнинг 5-бобидаги 2-§га қаранг).

Баъзан умумий шакл, масалан, қўшимча яшаш учун олинган икки ёки уч сўз етарли бўлади. Қадимги юкори немис тилида *habēn* «эга бўлмоқ», *lobēn* «мақтамоқ» сингари кучсиз феъллар ҳозирги замон бирлик сон биринчи шахсида *-n* қўшимчасини олади: *habēt, lobōt*. Бу *-n* юнон тилидаги *-mi* билан тугалланган феълларга ўхшаган бир неча феълга бориб тақалади: *bim* «мен борман», *stām* «мен турибман», *gēt* «мен боряпман», *tuom* «мен қияпман». Бу қўшимча мазкур феъллар таъсирида кучсиз тусланиш шакллари камраб олди. Шуни ҳам таъкидлаш жоизки, ушбу ҳолатда аналогия фонетик ранг-барангликка барҳам бермади, балки яшаш усулини умумлаштирди, холос.



## 2-§. АНАЛОГИЯ ҲОДИСАЛАРИ ЎЗГАРМАСДИР

Дастлабки тилшунослар аналогия асосида сўз яшаш табиатини тушунмаганлар ва шунинг учун уни «сохта аналогия» деб атаганлар. Улар латин тили *honōs* ўрнида *honor* «ор», «номус»ни қўллаб адашди, деб ўйлаганлар. Буларга мазкур тартибдан чекиниш нотўғри, қандайдир идеал ҳодисанинг бузилиши шаклида кўринган. Қайд этилган тилшунослар даврнинг пуч хаёлларига берилиб, тилнинг ибтидоий ҳолатини қандайдир олий ва мутлақ нарса деб тушунганлар ва, ҳатто, хаёлларига бундан-да қадимийроқ ҳолат бўлганми деган савол ҳам келмаган. Шунга кўра, ибтидоий ҳолатнинг ҳар қандай бузилиши гайримеъёрий (анормал) ҳисобланган. Ёш грамматиклар биринчи бўлиб, аналогиянинг ҳақиқий ролини пайқаганлар ва аналогия фонетик ўзгаришлар билан бирга тиллар эволюциясининг қудратли омили эканлигини кўрсатиб берганлар. Аналогия ёрдамида тиллар ўзининг бир ҳолатдан иккинчи ҳолатга ўтади.

Бироқ анамалиянинг табиати қандай ўзи? У, олимлар ўйлагандек, одий ўзгаришими?

Аналогиянинг ҳар бир далили — бу уч шахс иштирок этадиган ҳодиса: 1) анъанавий, қонуний, авлоддан-авлодга ўтадиган тур (масалан, *honōs*); 2) рақиб (*конкурент*) (*honor*); 3) шу рақибни юзага келтирган шакллар асосида ҳосил қилинган жамоавий персонаж (*honōrem, ōrātor, ōrātōrem* ва б.). Бундай шароитда *honor* нинг турланиши (кўриниши, шакли ва ш.к.нинг ўзгариши)га *honos* нинг «метаплазмаси» сифатида қарашга мойиллик пайдо бўлади, гўё

Умумий тилшунослик курси ~~~~~ Фердинанд дў Сосюр  
 моҳиятан унга (*honos* га) бориб тақаладигандек. Ҳолбуки, *honor* ни  
 ҳосил қилишда қатнашмаган ягона шакл — бу айнан *honōs* дир!

Буларнинг барчасини қуйидагича тасвирлаш мумкин:

Анъанавий шакллар	Янги шакл	
<i>honōs</i>	<i>honōrem</i>	
(ҳисобга кирмайди)	<i>ōrātor, ōrātōrem</i> ва б.	→ <i>honor</i>
}	}	
	(ясовчи гуруҳ)	

Кўринадики, ҳамма нарса «*параплазма»га, анъанавий шаклнинг ҳам, рақибни ҳам қонунлаштиришга, бир сўз билан айтганда, янгидан ясалган шаклга бориб тақалади.

Фонетик ўзгариш дастлабки шаклни йўқ қилмасдан янги шаклни ҳосил қилмайди (*honōsem honōrem* билан алмаштирилади). Аммо аналогия асосида шакл яшаш дастлабки шаклнинг батамом йўқ бўлиб кетиши билан боғлиқ эмас. *Honor* ва *honōs* бир пайтда мавжуд бўлган ҳамда бир-бирини алмаштириб келган. Бир тушунча учун икки ифодаловчини сақлаб туриш тилга хос бўлмагани боис, одатда, дастлабки шакл бир текис қўлланмайдиган шакл сифатида аввал камроқ ишлатила бошлайди ва кейин умуман йўқ бўлиб кетади. Ана шу натижа ўзгариш тасаввурини ҳосил қилади. Аналогия асосида ясалиш имконияти пайдо бўлган ҳаммоно олдинги ҳолат (*honōs: honorem*) ва янги ҳолат (*honōr: honōrem*) фонетик эволюция туфайли юзага келиши мумкин бўлган зидланишни ҳосил қилади. Ҳолбуки, *honor* пайдо бўлган пайтда ҳали ҳеч нарса ўзгармаган эди. Чунки бу шакл ишлатилмайди; *honōs* нинг йўқ бўлиб кетиши ҳам ўзгариш ҳисобланмайди, чунки бу ҳодиса биринчисига боғлиқ эмас. Тил ҳодисалари ҳаракатини кузатиш мумкин бўлган барча жойларда аналогияга кўра ясалиш ва илгариги шаклнинг йўқ бўлиб кетиши бир-бирига боғлиқ бўлмаган икки ҳодиса эканлигини ва бу ерда гап ўзгариш ҳақида кетмаётганини кўрсатади.

Шундай қилиб, аналогия бир шаклнинг иккинчи шакл билан алмаштирилиши эмас. Бунинг исботини яна шунда ҳам кўриш мумкинки, янги шакл, умуман, ҳеч қачон ҳеч нарсани алмаштирмайди. Немис тилида конкрет маъноли ҳар қандай отдан *-chen* билан тугалланадиган кичрайтириш отини ҳосил қилиш мумкин. Агар немис тилида *Elefantchen* «фил боласи» (*Elefant* «фил»дан) шакли юзага келадиган бўлса, у илгари мавжуд бўлган шаклни алмаштириб келмаган бўларди. Француз тилида ҳам *pension* «пенсия»: *pensionnaire* «пенсионер», *réaction: réactionnaire* ва б.

Умумий тилшунослик курси ~~~~~ Фердинанд дү Соссюр  
шакллар андозаси асосида *interventionnaire* «босқинчилик тарафдори», *répressionnaire* «репрессия тарафдори» каби сўзларни ясаш мумкин. Мутлақо аёнки, биз бу ерда ҳам *honor* нинг юзага келиш жараёнига ўхшаган нарсага дуч келамиз. Уларнинг иккаласи ҳам куйидаги формулага бориб такалади:

*réaction: réactionnaire = répression: x* | *x = répressionnaire*

Биринчи ҳолатда ҳам, иккинчи ҳолатда ҳам муайян ўзгариш ҳақида гапириш учун заррача ишора йўқ. Бошқа мисол: бир томондан, аналогик ҳосила бўлмиш *finaux* «охиргилари», «яқунийлари»нинг *finals* ўрнида келганини кўрамиз ва бу шакл нисбатан тўғри. Иккинчи томондан, кимдир *firmament* «осмон», «кўк гумбази» отидан *firmamental* сифатини ва ундан *firmementaux* кўплик сон шаклини ясаши мумкин. Шунга асосланиб, биз *finaux* ўзгариш, *firmementaux* янги ҳосила дея оламизми? Аслида иккала ҳолатда ҳам янгидан ҳосил қилинган шаклни кўрамиз. *Mur* «девор»: *emmurer* «девор билан ўраб олмоқ» андозаси асосида *tour* «айлана», «доира»: *entourer* «айлантирмоқ», «айлантириб чиқмоқ», *jour* «тўрсимон кўз-кўз кашта»: *ajourer* «пардадек юпқа қилмоқ» (қиёсланг: *un travail ajouré* «нозик иш») ҳосил қилинган. Нисбатан яқинда пайдо бўлган бу шакллар бизга қайтадан яратилгандек туюлади. Агар биз ўтмишда *torn* ва *jorn* отларидан ясалган *entorner* ва *ajorner* феъллари бўлганлигини кашф эта олсак, у ҳолда фикримизни ўзгартиришга ҳамда *entourer* ва *ajourer* нисбатан қадимги сўзларнинг ўзгарган шакллари дидир дейишимизга тўғри келадими, деган савол туғилади.

Хуллас, аналогик «ўзгариш» ҳақидаги тасаввур сиқиб чиқарилган ва янгидан ҳосил қилинган шаклларнинг ўзаро боғланиши натижасида пайдо бўлган. Бироқ бу тасаввур нотўғри, чунки ўзгаришлар сифатида тавсифланаётган шакллар (*honor* тури) биз янгидан ҳосил қилинган деб атайдиган шакллар (*répressionnaire* тури) билан бир нарсадир.



### 3-§. АНАЛОГИЯ ТИЛДА ЯНГИ ШАКЛЛАР ЯСАШ ТАМОЙИЛИ СИФАТИДА

Аналогиянинг нима эканлигини аниқлагандан кейин ва уни ижобий нуқтаи назардан ўрганишга киришаётиб, биз аналогия тамойили, умуман, лисоний янги ҳосилалар яратиш тамойилига бемалол мос келишини кўрамиз.

Аналогия психологик характердаги ҳодиса. Уни фонетик ўзгаришлардан фарқлаш учун бу фикрнинг ўзи етарли эмас, чунки фонетик ўзгаришлар ҳам психологик ҳодисалар сифатида қаралиши мумкин (3-қисмнинг 2-бобидаги 5-§га қаранг). Янада узоқроқ бориш ва аналогия грамматик тартибда эканлигини айтиш керак: у шаклларни ўзаро боғловчи муносабатни идрок этиш ва тушунишни тақозо этади. Агар фонетик ўзгаришда онг (*мысль*) иштирок этмаса, унинг аналогия асосида ниманидир яратишда иштирок этмоғи лозим.

Латин тилида интервокал *s* нинг фонетик жихатдан *r* га ўтишида (қиёсланг: *honōsem: honorem*) на бошқа шакллар билан қиёслаш ва на сўзлар маъноси иштирок этади. Шунга асосланиб айтиш мумкинки, *honōrem* га фақат *honōsem* нинг шакли ўтади. Аксинча, *honōos* билан бир қаторда *honor* нинг пайдо бўлиш сабабини тушунтириш учун пропорциядаги тўртинчи катталиқнинг куйидаги формуласидан кўриниб тургандек, бошқа шаклларга мурожаат этиш керак:

$$\bar{o}r\bar{a}t\bar{o}rem: \bar{o}r\bar{a}t\bar{o}r = hon\bar{o}rem: x \quad | \quad x = honor$$

Агар шакллар маъно воситасида боғланмаганда, бу пропорция юзага келмаган бўларди. Хуллас, аналогия ҳодисасида ҳамма нарса грамматик характерда. Аммо шу ердаёқ таъкидлаш жоизки, аналогиянинг ҳосиласи бўлмиш ҳар қандай янги нарса дастлаб фақат нутқ соҳасига мансуб бўлади.

Шу билан бирга куйидагиларни фарқлаш керак: 1) ясовчи шаклларни ўзаро боғловчи алоқанинг моҳиятини тушуниш; 2) қиёслаш туфайли ҳосил қилинган натижа, яъни сўзловчи томонидан фикр ифодалаш учун ясалган шакл. Фақат шу натижа нутқ соҳасига тааллуқли бўлади.

Шундай қилиб, аналогия мисолида биз нутқ ва нутқни фарқлаш нақадар муҳим эканлигига яна бир бор ишонч ҳосил қилдик («Кириш»нинг 4-бобида қаранг). Чунки аналогия бизга нутқнинг тилга боғлиқ эканлигини кўрсатади ва тил механизми фаолиятига, юқорида тавсифлангандек (2-қисмнинг 6-боби 2-§ига қаранг), чуқурроқ кириб бориш имконини беради. Ҳар қандай янги нарсадан олдин тил захирасида сақланаётган маълумотлар ғайриихтиёрий тарзда қиёсланади. Бу хазинада ясовчи шакллар синтагматик ва ассоциатив муносабатлар асосида батартиб жойлаштирилган бўлади.

Бинобарин, аналогияга кўра яшаш жараёнининг катта қисми янги шакл пайдо бўлгунга қадар кечади. Тилнинг мавжуд элементларни бирликларга бўлиш, таркибий қисмларга ажратишдан иборат

узлуксиз фаолияти нуткнинг меъёр доирасида қўлланиши учун лозим бўлган барча шарт-шароитларни, шунингдек, барча аналогик ҳосилаларни ҳам ўзида мужассам этади. Шунинг учун сўз яратиш жараёни фақат янги ҳосилаларнинг пайдо бўлиш пайтига тўғри келади деб уйлаш нотўғри. Янги сўз элементлари аввалдан берилган бўлади. Мен томондан тайёргарликсиз тўқилган сўз, масалан, *décor-able* «безаш мумкин бўлмаган» имконият тарзида тилда аллақачон мавжуд: унинг барча элементлари *décor-er* «безамоқ», *decoration* «безаш», «декорация», *par-donn-able* «кечирарли», «узрли», *mani-able* «ичил»; *in-connu* «номаълум», *in-sensé* «бемулоҳаза» каби синтагмаларда учрайди. Унинг нутқда қўлланиши эса ясалиш имкониятига нисбатан арзимайдиган ҳодисадир.

Юқорида баён қилинганларни умумлаштириб, шундай хулосага келамиз: аналогия ўзича шархлаш ҳодисаси аспектларидан бири, мазмуни тил бирликларининг нутқда қўллаш учун ўзаро фарқланишини таъминлашдан иборат фаолиятининг хусусий намоён бўлишидир холос. Шунинг учун биз аналогияни батамом грамматик ва синхрон ҳодиса сифатида таърифлаймиз.

Аналогиянинг бундай тавсифи, бизнингча, мутлақ ихтиёрийлик ва нисбий ихтиёрийлик ҳақидаги таълимотимизни (2-қисмнинг 6-бобидан 3-§ига қаранг) қувватловчи қуйидаги икки мулоҳазага олиб келади:

1 Барча сўзларни уларнинг янги сўз ҳосил қилиш қобилиятига кўра таснифлаш мумкин. Бу эса уларнинг у ёки бу даражада таркибий қисмларга бўлиниши мумкинлиги билан боғлиқ. Оддий сўзлар моҳиятан каммаҳсул бирликлардир (қиёсланг: *magasin* «омбор», *arbre* «дарахт», *гасі* не «илдиз» ва б.): *magasinier* «омборчи»: *prisonnier* «маҳбус» ва ш.к. Худди шунингдек, *emmagasiner* «омборда жойламоқ» *emmailloter* «йўргакламоқ», *encadrer* «ромга солмоқ», *encapuchonner* «капюшонни киймоқ» каби таркибида *maillot* «йўргак», *cadre* «ром», *capuchon* «капюшон»* сўзлари бўлган сўзларга монанд (аналогияга кўра) пайдо бўлган.

Демак, ҳар бир тилда сермаҳсул ва каммаҳсул («бепушт») сўзлар бор. Уларнинг ҳар иккаласида ҳам пропорция (нисбат) ҳар хил бўлади. Умуман олганда, бу биз 2-қисмнинг 6-боби 3-§ида «лексик» ва «грамматик» тиллар орасида аниқлаган тафовутга бориб тақалади. Хитой тилида сўзлар аксарият ҳолатларда таркибий қисмларга

* *Капюшон* – устки кийим ёқасига бириктириб тикиладиган қайтарма бош кийим. – Таржимон.

Умумий тилшунослик курси ~~~~~ Фердинанд дў Сосстор  
бўлинмайди. Сунъий тилда, аксинча, деярли барча сўзлар таҳлил  
қилинади. Ҳар қандай эсперантист мазкур ўзак асосида бемалол янги  
сўз ясаши мумкин.

2. Биз юқорида (3-қисмнинг 4-боби 1-§ига қаранг) аналогия  
асосида ясалган ҳар қандай янги шакл пропорциядаги тўртинчи  
катталиқни ҳисоблашга ўхшаган амалиёт (операция) кўринишида  
тақдим этилиши мумкин. Бу шаклдан жуда кўп ҳолатларда аналогия  
ҳодисасининг ўзини тушунтиришда фойдаланадилар. Биз эса  
аналогияни тил бирликларини маъноли элементларга ажратиш ва  
тилдаги бу тайёр элементларни қўллаш имкониятлари билан  
изоҳлашга ҳаракат қилдик.

Қайд этилган иккала фикр ҳам бир-бирига зид. Агар пропорция  
формуласини қўллаш етарли даражадаги тушунтириш бўладиган  
бўлса, у ҳолда бирликларнинг бўлинувчанлиги ҳақидаги фарзнинг  
нима кераги бор? *Indécorable* каби сўзларни ҳосил қилиш учун уларни  
тегишли элементларга ажратишга (қиёсланг: *in-décor-able*) ҳеч қандай  
эҳтиёж йўқ. Уни бутун ҳолича тенгламага жойлашнинг ўзи етарли:

*pardonner: impardonnable* ва б. = *décor: x* | *x=indécorable*.

Шу йўл билан тушунтирилса, сўзловчида грамматистнинг онгли  
таҳлилини жуда эслатувчи мураккаб ақлий амалиёт бўлиши керак  
деган фикр туғилмайди. *Gast* «меҳмон»: *Gäste* «меҳмонлар» андозаси  
асосида ясалган *Krant* «гулдаста»: *Kränze* «гулдасталар» каби  
сўзларда таркибий элементларга ажратиш пропорцияни ечишга  
қараганда оғирдек туюлади, чунки намунада гоҳ *Gast-*, гоҳ *Gäste-* ўзак  
бўлиб келади, *Gäste* нинг товуш хусусияти *Kranz* га ўтгандек  
кўриниши мумкин.

Бу назариялардан қайси бири воқелиқни акс эттиради? Энг  
аввало, таъкидлаш жоизки, *Kranz* сингари ҳолатларда таҳлил ўтказиш  
мумкинлигини инкор қилмаслик керак. Биз юқорида (3-қисмнинг 3-  
бобидаги 4-§га қаранг) ўзакларда ҳам, префиксларда ҳам алмашинув  
кузатилишини қайд этган эдик. У эса маъноли қисмларга ажратиш  
ҳодисаси билан бемалол чиқишиб кетади.

Бу икки ўзаро зид ғоя икки ҳар хил грамматик таълимотда ўз  
ифодасини топади. Бизнинг европалик грамматистлар пропорциялар  
билан иш кўради. Масалан, улар немис тилида ўтган замонни ҳосил  
бўлишини яхлит сўзларга таянган ҳолда тушунтирадилар. Ўқувчига  
шундай дейишади: *setzen* «қўймоқ»: *setzte* «қўйди» андозаси асосида  
*lachen* «кулоқ» феълидан ўтган замонни ҳосил қилинг. Агар қадимги

хинд олими немис тили грамматикасини баён қилганда эди, бобида ўзақлар (*setz-, lach-*), иккинчи бобида эса ўтган кўшимчалари (*-te* ва б.) ҳақида маълумот берган, шу тарзда тахмин ийули билан олинган элементларни ажратиб кўрсатган ва ёрдамида яхлит сўзларни умумлаштирган бўларди. Санскрит тилининг барча луғатларида сўзлар ўзақ билан белгиладиган тартибда жойлаштирилган.

Грамматистлар мазкур тилнинг асосий хусусиятларига ҳолда шу икки методдан гоҳ биринчисига, гоҳ иккинчисига мойил кўрсатишади. Афтидан, қадимги лотин тили тахлилий методга келган. Куйида келтирилган ҳодиса бунинг яққол исботи бўлиши мумкин: *Factus* «маҳорат билан ишланган» ва *actus* «ҳаракат» сўзларида, гарчи *faciō* «қилиш» ва *agō* «сурмоқ», «силжитмоқ» қисқа талаффуз қилинса-да, биринчи унлининг сифати бир хил (яъни *ā:ā*). Шунга асосланиб, *actus* **āgtos* га бориб такалади тахминга бориш ва жарангли ундодан олдин келган унлини чўзилишини тушунтириш мумкин. Бу фарз роман тиллари далили билан тўлиқ исботланади; *spēcio* «қараяпман»: *spēctus* (*spēcīō* ўтган замон сифатдоши)нинг қарама-қарши кўйилиши *tēgō* «ёпиш» *tēctus* «ёпик» француз тилида *dépit* «ўқинч», «алам» (= *despēctus* «баркамол») ва *toit* «том» (= *tectum*) да акс этади. Қиёсланг: «базармоқ»: *confēctus* «баркамол» (французча *confit* «[шаккарда] қайнатилган»), *rēgō* «бошқараяпман»: *rectus* «тўғри» (*dirēctus* «тўғри» → французча *droit* «тўғри»). Лотин тили **āgtos*, **tēgtos*, **regtos* ни хинд-европа тилидан олмаган. Кейинги тилда **āctos*, **tēktos* ва б. шубҳасиз, мавжуд бўлган. Улар, жарангсиздан олдин келган жаранглини талаффуз қилиш қанчалик қийин бўлмасин, лотин тилида тарихан аввалги даврда пайдо бўлган. Бундан аён бўладики, энг қадимги лотин тилида *ag-*, *teg-* ўзақлар сифатида эътироф этилган. Демак, лотин тили сўз узвлари (ўзақ, суффикс ва б.) ва уларнинг муносабатини тушунишга катта ёрдам берган. Бизнинг ҳозирги тилларимизда бу туйғу сўзловчиларда, эҳтимол, камроқ ривожланган бўлиши мумкин. Аммо у шунга қарамадан, немисларда французларга қараганда кучлироқ кўзга ташланади («2- ва 3-қисмларга илова» «Б» фаслига қаранг).





## V боб. АНАЛОГИЯ ВА ЭВОЛЮЦИЯ

### 1-§. ҚАНДАЙ ҚИЛИБ АНАЛОГИЯ АСОСИДА ЯСАЛГАН ЯНГИ ҲОСИЛА ТИЛ ДАЛИЛИГА АЙЛАНАДИ?

Тилга кириб келаётган ҳар қандай нарса дастлаб нутқда синалади. Бу эволюциянинг барча ходисалари шахнинг фаолияти билан боғлиқ ҳолда келиб чиқади деган маънони англатади. Юкорида (1-қисмнинг 9-§ига қаранг) қараб чиқилган бу тамойил аналогия асосида ясалган янги ҳосилаларга нисбатан, айниқса, кўп қўлланади. *Honōs* ни сиқиб чиқаришга кодир *honor* уни хавфли рақибга айланишидан олдин қайсидир сўзловчи томонидан тўқилган ва қолганлар ҳам унга эргашганлар, натижада бу янги шакл умум томонидан қабул қилинди.

Айтилганлардан бундай омад аналогия асосида ясалган барча янги ҳосилаларга ҳам насиб қилаверади, деган хулоса чиқмайди. Биз ҳар бир қадамда тил томонидан қабул қилинмайдиган умри қисқа янги комбинацияларга дуч келамиз. Болалар нутқда улар ошиб-тошиб ётибди, чунки болалар ҳали одатларни етарли даражада ўзлаштирмаган, шунинг учун уларнинг домига тушган бўлишади. Улар *venir* «келмоқ» ўрнида *viendre, mort* ўрнида *mouru* «ўлган» ва б. дейдилар. Бирок бундай мисолларни катталарнинг тилида ҳам кўриш мумкин. Масалан, кўпчилик *trayait (traire* «соғлом» феълининг тугалланмаган ўтган замон шакли) ўрнида *traisat* (дарвоқе, у Ж.Ж.Руссода ҳам учрайди) дейди.

Бу янги ясамаларнинг барчаси тўғри; улар тил қабул қилган барча ясамалар каби изоҳланади. Масалан, *viendre*:

*êteindrai: êteindre = viendrai:x* |  $x = viendre$

пропорциясига, *traisait* эса *plaire: plaisait* ва б. қолипи асосида ясалган. Нутқда пайдо бўлган янги ясамаларнинг жуда кам қисмигина тилда муҳим бўлиб қолади. Бироқ қолганлари ҳам вақт ўтиши билан луғат ва грамматикага мутлақо бошқа қиёфа берадиган даражада кўп.

Биз аввалги бобда аналогия ўзича эволюция омили бўлмаслигини аниқ кўрсатиб берган эдик. Бу аналогия туфайли келадиган бир хил шаклларнинг бошқалари билан узлуксиз алмашинуви тил бошдан кечираётган ўзгаришнинг кўзга яққол

Умумий тилшунослик курси ~~~~~ Фердинанд дў Соссюр  
ташланиб турган ҳодисаси эканига асло зид эмас. Ўздан олдинги  
элементни сиқиб чиқараётган янги ясама барқарорлашаётган барча  
ҳолатларда қандайдир янги нарса яратилади, қайсидир нарса  
чиқариб ташланади. Айнан ана шунга кўра аналогия тил  
эволюциясида етакчи ўрин эгаллайди.

Биз, айниқса, шу фикрни қаттиқ туриб ҳимоя қилиш керак деб  
ҳисоблаймиз.



## 2-§. ҲОСИЛАЛАР АНАЛОГИЯГА КЎРА ЎЗГАРИШЛАР БЕЛГИСИДИР

Тил ўзининг бирликларини тинмай изоҳлайди ва таркибий  
қисмларга ажратади. Бу бирликлар изоҳининг бир авлоддан  
иккинчи авлодга ўтишида узлуксиз равишда ўзгариб боришини  
нима билан тушунтириш мумкин?

Бунинг сабабини тилнинг мазкур ҳолати учун қабул қилинган  
таҳлил усулига тинмай таъсир кўрсатадиган далилларнинг улкан  
миқдоридан излаш керак. Шу далиллардан айримларини эслайлик.

Биринчи ва энг муҳим омил — бу фонетик ўзгаришдир  
(3-қисмнинг 2-бобига қаранг). У туфайли таҳлилнинг айрим  
усуллари дудмол (икки маънода тушинилиши мумкин), бошқалари  
иложсиз бўлиб қолади, чунки маъноли қисмларга бўлиш шартлари  
ўзгаради. Баъзи бирликлар ичида чегараларнинг силжиши ва улар  
характерининг ўзгариши шундан. Аввалроқ (3-қисмнинг 1-бобида)  
бу ҳақда *beta* — *hūs* ва *redo* — *lich* каби қўшма сўзлар ҳамда ҳинд-  
европа тилида турланиш (3-қисмнинг 3-бобига қаранг) муносабати  
билан гапирилган эди.

Бироқ ҳаммаси ҳам фонетик омилга бориб тақалавермайди.  
Ҳали қуйида сўз борадиган агглютинация бор; агглютинация  
натижасида айрим элементларнинг бирикувидан яхлит бутунлик  
юзага келади. Шундан кейин сўзга нисбатан ташқи, аммо унинг  
таҳлилини ўзгартириб юборадиган турли-туман ҳолатларни  
эслатиш лозим. Ҳақиқатан ҳам, таркибий қисмларга бўлиниш қатор  
қиёслашлар натижасидир, чунки берилган ҳар бир пайтда унинг  
мазкур сўз ассоциатив алоқаларига боғлиқлиги мутлақо аён.  
Масалан, ҳинд-европа тилидаги **swād-is-to-s* сўзининг икки  
суффиксни ўз ичига олган: *-is-* қиёслаш ғояси (даражаси)  
кўрсаткичи (масалан: лотинча *mag-is* «кўпроқ») бўлса, *-to-* бир

предметнинг бошқа қатор предметлар қаторидаги маълум ўрнининг ифода шаклидир (масалан, юнонча *tri-to-s* «учинчи»). Бу икки суффикс агглютинацияга учради (юнонча *hēd-isto-s* ёки, тўғрироғи, *hēd-ist-os* «жуда ёқимли»). Аммо бу агглютинацияга, ўз навбатида, орттирма даражанинг ўзига бегона ҳолат ёрдам берди: *-is-* билан тугалланган қиёсий даража шакллари мустақил элемент сифатида қаралмай қўйган ва *-isto-* таркибида ажратилмайдиган *jōs-*; *-is-* қўшимчали ясамалар томонидан сиқиб чиқарилди.

Йўл-йўлакай қайд этиш жоизки, асосни формант фойдасига, айниқса, асос унли билан тугаган ҳолатларда қисқартишга умумий мойиллик кўзга ташланади. Масалан, лотинча *-tat-* суффикси (**vēro-itāt-em* ўрнида *vēri-tāt-em* «ҳақиқатни»; яна юнонча *deinó-tēt-a* «кучни» қиёсланг) асоснинг *i* қўшимчасини ўзига тортиб олди. Натижада *vēri-tāt-em* сўзи *vēr-itāt-em* шаклида таҳлил қилинадиган бўлди. Худди шунингдек, *Rōma-nus* «римлик», *Albā-nus* «албаниялик» (қиёсланг: **aes-no-s* ўрнида *aēnus* «масс...») *Rōm-ānus*, *Alb-ānus* га айланди.

Ўзгаришларни шарҳлаш сабаби қандай бўлмасин, бу ўзгаришлар доимо аналогик (аналогия ёрдамида ясалган) шаклларнинг дайдо бўлишида намоён бўлади. Ҳақиқатан ҳам, нафақат сўзловчи томонидан ҳар дақиқада ҳис этиладиган жонли бирликлар аналогия асосидаги ҳосилаларни юзага келтиради; бирликларнинг ҳар қандай тақсимланиши уларни қўллаш имкониятини беради деган фикр ҳам тўғри. Бинобарин, аналогия мазкур ясовчи элемент мазкур ҳолатда маъноли бирлик сифатида мавжудлигининг ишончли далили бўлиб хизмат қилиши мумкин. Лактонцияда *meridiālis* ўрнида ишлатилган *meridiōnālis* «чошгоҳдаги», «тушки» ўша даврда римликлар *septentri-ōnālis* «шимолий», *regi-ōnālis* «вилоят...» бўлганлар. суффикс *-tāt-* га асосдан олинган *i* келиб қўшилишини кўрсатиш учун *celer-itātem* «тезликни» мисол қилиб кўрсатишнинг ўзи кифоя; *pāg-ānus* «қишлоқ...»нинг *pāg-nus* «қишлоқ»дан ҳосил бўлганлиги римликлар *Rōm-ānus* ни қандай таҳлил қилганликларини кўрсатади; немисча *redlich* «виждонли», «ҳалол»нинг таҳлили (3-қисмининг 1-бобига қаранг) феъл ўзагидан ҳосил бўлган *sterblich* «ўладиган»нинг мавжудлиги билан тасдиқланади.

Куйида келадиган жуда шоёндиққат мисол вақт ўтиши билан аналогик қиёслашларга янги бирликлар қўплаб тортилаётганини кўрсатмоқда. Ҳозирги француз тилида *somnolen* «уйқучи» сўзи

худди ҳозирги замон сифатдоши каби *somnol-* ва *ent* га бўлинади. *Somnoler* «мудрамоқ» феълнинг мавжудлиги бунинг исботи бўлиб хизмат қилади. Бироқ лотин тилида *somnol-entus* ни *succulentus* «ширали», «серсув» ва б. андозасига асосан *somno* ва *-lentus* га, олдинроқ эса *vīn-olentus* «вино ҳиди келиб турган» қолипи асосида *somn-olentus* «уйқу ҳиди келадиган» (*olēre* «анқимоқ», «ҳид(ис) таратмоқ»)га бўлганлар.

Шундай қилиб, аналогиянинг энг сезиларли ва энг муҳим таъсири — бу номунтазам ва эскирган шаклларнинг нисбатан тўғри, жонли (сермаҳсул) элементлардан тузилган шакллар билан алмаштирилишидир.

Ўз-ўзидан аёнки, ҳамиша ҳам иш бундай жўнгина бўлиб чиқавермайди: тилнинг қўлланиши сон-саноксиз шубҳа, тахминий ва нотўлиқ бўлинишлар билан тўлиб тошган. Ҳеч қачон бирорта тил ҳам бирликларнинг қатъий системасига эга бўлмаган **ekivos* нинг **pods* нинг турланишига қиёсан турланиш ҳақида айтилганларни (3-қисмнинг 3-бобидаги 3-§га қаранг) эслайлик. Бу тахминий бўлинишлар баъзан мужмал аналогик ясамаларга олиб келади. Ҳинд-европача **gues-etai*, **gus-tos*, **gus-tis*, *geus: gus-* «роҳатини сурмоқ» ўзагини топишга ёрдам беради; аммо юнон тилида интервокал *s* тушиб қолади ва бу билан *geuomai*, *geustós* шаклларининг таркибий қисмларга бўлиниши мураккаблашади; натижада иккиланиш пайдо бўлади: *geus* ёки *geu-* га тарзида бўлинаётгани номаълум. Аналогия асосида ясалган бирликлар ҳам, ўз навбатида, шу иккиланиш таъсирига берилади ва биз *eu-* билан тутаган асослар бирлик охиридаги *s* ни қабул қилганини кўрамиз: масалан, *pneu-*, *pneûta* «нафас олиш», «нафас», феълдан ясалган сифат *pneus-tós*.

Ва, ҳатто, шундай иккиланишларда ҳам аналогия тилга ўз таъсирини кўрсатади. У ўзича эволюция факти бўлмаса-да, ҳар бир дақиқада тилда содир бўлиб турадиган ўзгаришларни акс эттиради ва уларни эски элементларнинг янги бирикмалари (комбинациялари) билан мустаҳкамлайди. Аналогия тилнинг ички системасини тинимсиз ўзгартиб турадиган барча кучлар фаолиятида актив қатнашади. Шу маънода у эволюциянинг қудратли омилidir.



### 3-§. АНАЛОГИЯ — ЯНГИЛОВЧИ ВА АЙНИ ПАЙТДА КОНСЕРВАТИВ ҲОДИСА

Юқоридаги мулоҳазаларга асосланиб айтадиган бўлсак, аналогиянинг аҳамияти, ҳақиқатдан ҳам шу қадар каттами ва ҳақиқатан ҳам у фонетик ўзгаришлар соҳасидек шу қадар кенг соҳани қамраб оладими, деган шубҳа пайдо бўлиши мумкин. Аслида ҳар бир тил тарихида бир-бирининг устида ирғашиб ётган чекланмаган миқдордаги аналогик далиллар кузатилади ва бу тўхташ нималигини билмайдиган қайта куришлар бирга тилнинг тадрижий ривожланишида муҳим роль, товушлар ўзгаришидан-да муҳим роль ўйнайди.

Аммо тилшунос учун қуйидагилар энг кўп қизиқиш уйғотади: тараққиётнинг юз йилликларни қамраб оладиган аналогия натижасида содир бўлган ўзгаришларнинг жуда катта қисмида деярли барча эски элементлар сақланади ва фақат бошқача тақсимланади. Аналогия туфайли пайдо бўлган инновациялар реал характериға кўра эҳтимолдир. Тил шу кийимдан кесиб олинган материалдан қилинган ямоқ билан қопланган кийимни эслатади. Агар француз тилининг субстанцияси (доим характерланиб, ўзгариб, ривожланиб туриши) эътиборға олинса, француз тилининг 4/5 қисми ҳинд-европа тилиға бориб тақалишини айтишға тўғри келади; аммо бобо тилдан ҳозирги француз тилиға соф кўринишда, аналогик ўзгаришларсиз етиб келган сўзларнинг барчаси бир саҳифаға жойлашиши мумкин (масалан, *est* нинг **esti*, сон ва яна *ours* «айиқ», *nez* «бурун», *père* «ота», *chien* «ит» каби бир неча сўз). Французча сўзларнинг аксарият *b* товуший элементларнинг нисбатан эски шаклларидан олинган у ёки бу турдаги янги бирикмалардир. Шу маънода айтиш мумкинки, аналогия — айнан ўзи ҳосил қилаётган бирликлар учун фақат эски материалдан фойдалангани боис — консерватив ҳодисадир.

Ва ҳақиқатан ҳам аналогия аксарият ҳолатларда соф консерватив (эскиликка мойил) ҳодиса сифатида ҳаракат қилади. Яна қўшимча қилиш мумкинки, у нафақат янги бирликларға тақсимланган эски материал, балки бурунги шакллар дахлсиз сақланган жойларда ҳам амал қилади. Иккала ҳолатда ҳам гап бир хил психологик жараён ҳақида бормоқда. Бунга ишонч ҳосил қилиш учун аналогия тамойилининг моҳиятан нутқий фаолият механизми асосида ётувчи тамойилға монанд эканлигини эслашнинг ўзи кифоя (3-қисмнинг 4-бобидаги 3-§ға қаранг).

Лотинча *agunt* «силжитяптилар» **agonti* дейишган тарихгача бўлган даврдан Рим давригача деярли тўлиқ дахлсиз ҳолда сақланиб келди. Бу узоқ давр мобайнида бир-бирини алмаштириб келган авлодлар шу сўздан фойдаланганлар ва рақобатчи бирорга шакл ҳам уни сиқиб чиқаролмаган. Бироқ қадимги сўзнинг бундай сақланиб қолаётганида аналогиянинг роли йўқми? *Agunt* нинг барқарор бўлиб қолаётганида аналогиянинг бошқа инновацияларга қараганда роли кам эмас. *Agunt* система доирасига киритилган; у *dicunt* «дейишмоқда», *legunt* «...деб ҳисоблашади» ва б. шакллар билан ҳам, *agimus* «силжитяпмиз», «сураяпмиз», *agitis* «силжитинг» каби шакллар билан ҳам боғлиқ, бу алоқалар бўлмаганда эди, у (*agunt*) янги элементлардан таркиб топган қандайдир шакл томонидан суриб ташланган бўларди. *Agunt* эмас, балки *ag-unt* асрлар билан бўйлашди; мазкур шакл *ag-* ва *-unt* бошқа қаторларда ўзининг доимий монандларини топгани учун ўзгармади: *agunt* билан фикран боғланган шаклларнинг ёнма-ён келадиган ана шу қатори уни асрларга чўзилган ишларда дахлсиз сақлаб қолди. Яна ихчам қаторга таянувчи *sex-tus* «олтинчи»ни, бир томондан, *sex* «олти», *sex-āginta* «олтмиш» ва б., иккинчи томондан, *quar-tus* «тўртинчи», *quin-tus* «бешинчи» ва б. билан қиёсланг.

Шундай қилиб, шакллар аналогия ёрдамида тинимсиз янгиланиб тургани учун сақланиб қолади; сўз айни бир пайтда ҳам бирлик ва ҳам синтагма (гапда қўллангани сабабли) сифатида идрок этилади ва унинг таркибига кирувчи элементлар ўзгармагани боис сақланиб туради. Ва, аксинча, унинг таркибий элементлари қўлланмай кўйгандан кейингина унинг мавжудлигига хавф туғилади. Бевосита лотинча *dic-itis* ва *fac-itis* феълларига бориб тақалувчи, аммо ҳозирги тусланишда таянчи бўлмаган французча *dites* «гапиринг» ва *faites* «қилинг» шакллари билан нималар кечганига эътибор қаратайлик; тил уларни сиқиб чиқаришга ҳаракат қилади ва шу мақсадда *plaisez* «ёқасиз», «хуш келасиз», *lisez* «ўқинг» кабилар қолипига асосланиб, *disez*, *faisez* дейиша бошладилар ва бу янги шакллар аксарият ясама феълларда ҳамма томондан ишлатиладиган бўлди (*contredisez* «қаршилик кўрсатяпсиз» ва б.).

Аналогия, умуман, таъсир қилмайдиган бирдан бир шакллар — атоқли отлар, хусусан, ақлий бўлинишга (маъноли қисмларга) йўл қўймайдиган, бинобарин таркибий элементлари таҳлил қилинмайдиган жўғрофий номлардир (қиёсланг: *Paris*, *Genève*, *Agen*

Умумий тилшунослик курси ~~~~~ Фердинанд дў Сосюр  
ва б.); уларнинг ёнида рақобатбардош янги ясамалар пайдо  
бўлмайди.

Хуллас, мазкур шаклнинг сақланиб қолиши ўзаро зид икки  
сабаб билан изоҳланади: тўлиқ ажралиб қолиш (изоляция қилиниш)  
ёки асосий хусусиятлари билан дахлсиз ва доимо унга ёрдамга  
келувчи маълум системага мансублик. Аналогиянинг ўзгарувчи  
таъсири ўзининг ассоциатив алоқаларида етарли таянчга эга  
бўлмаган шаклларни қамраб олувчи оралиқ соҳада катта  
муваффақият билан ривожланиши мумкин.

Бироқ гап бир неча элементдан таркиб топган шаклнинг  
сақланиб қолиши ёки тил материалининг янги қурилмалар бўйича  
қайта тақсимланиши ҳақида сўз борадими, бари-бир, аналогиянинг  
роли беҳад катта, унинг таъсири ҳамма жойда кузатилади.



## VI боб.

# ХАЛҚ ЭТИМОЛОГИЯСИ

Баъзан шакл ва маъноси бизга камроқ таниш бўлган сўзларни нотўғри ишлатиш (талаффуз қилиш)га тўғри келади. Кейинчалик одатий сўзларнинг бундай бузилишини қонунлаштириб ҳам қўйишади. Масалан, эски француз тилидаги *coute-pointe* «қавилган кўрпа» (*coute* сўзидан, варианты *couette* «тувок» («покрышка») ва *pointe poindre* «қавимок» феълининг ўтган замон сифатдоши) гўё *court* «калта» сифати ва *pointe* «уч» («охир», «учгина») отидан таркиб топган қўшма сўздек *courte-pointe* га ўзгарган. Бундай инновациялар канчалик беъмани бўлмасин тасодифан юзага келмайди; уларда кам тушунарли сўзи бошқа бирор яхши таниш сўз билан қиёслаш орқали тахминан тушунтиришга ҳаракатлар кузатилади.

Бу ҳодисага халқ этимологияси номи берилган. Бир қараганда, у аналогия ҳодисасидан унчалик фарқ қилмайдигандек кўринади. Француз тилида сўзлашувчи *surdité* «карлик», «қулоғи оғирлик» бирлигини унутиб, аналогия асосида *sourdité* ни ҳосил қилади; агар у *surdité* ни яхши тушунмасдан, бу сўзнинг шаклини *sourd* «кар» сифати таъсирида ўзгартирса ҳам натижа ўшандай бўлади; ягона фарқ гўё аналогия асосида ясалган ҳосилалар рационал (мантикли) бўлишига олиб келади, халқ этимологияси эса бир мунча таваккалига амал қилади ва бемаъниликка олиб келади.

Бироқ фақат натижаларга тааллуқли бу тафовут асосийси эмас. Моҳиятан жиддийроқ бошқа тафовут бор; унинг нимадан иборат эканлигини кўрсатиш учун халқ этимологиясининг энг муҳим турларидан бир неча мисол келтирамиз.

Сўз ўзининг ташқи шаклини ўзгартирмаган ҳолда янгича талқин қилинган ҳолатларни қараб чиқамиз. Келиб чиқишига кўра немисча *durchbläuen* «дўппосламок» *bliuwan* «қамчиламок»қа бориб тақалади; ҳозир эса уни *blau* «кўк» зарба (уриш) натижасида пайдо бўладиган кўқариқ (моматалок) туфайли *blau* «кўк» билан боғлайдилар. Ўрта асрларда немис тили француз тилидан дастлаб *abentüire*, кейин *Abenteuer* шакллари олиган *aventure* сўзини ўзлаштиради; шаклини ўзгартирмасдан, уни *Abend* «кечки («кечқурунлари сўзлаб беришадиган) нарса» билан боғлаганлар ва то XVIII асргача, ҳатто *Abendeuer* деб ҳам ёзганлар. Эски француз тилидаги *soufrait* «махрум



Умумий тилшунослик курси ~~~~~ Фердинанд дү Соссюр этиш (бўлиш)» сўзидан (лотинча *subfrangere* «руҳини синдирмоқ», «қаддини букмоқ» асосида ясалган *suffracta souffreteux* «бемажол», «касалманд» пайдо бўлган; энди эса уни ҳеч қандай алоқаси бўлмаган *souffrir* «азобланмоқ»қа олиб бориб тақайдилар. *Lais* «васиятга кўра рад этиш» (*laisser* «қолдирмоқ») феълидан ясалган от) ҳозир *leguer* «васият қилмоқ»дан ясалган сўз сифатида қаралади ва *legs* шаклида ёзилади. Айрим кишилар уни ҳатто *leg-s* тарзида талаффуз ҳам қиладилар ва натижада бу ерда гўё талқиннинг ўзгариши оқибатида тафовут содир бўлгандек тасаввур ҳосил бўлади; лекин бу талаффуз фақат ёзма шаклнинг таъсири билан изоҳланади: бу билан мазкур сўзнинг келиб чиқиши талаффузга боғлиқ эмаслигини таъкидлашни истаганлар. Худди шу тарзда қадимги скандинав тилидаги *hummar* (дания тилидаги *hummer* билан қиёсланг)дан ўзлашган французча *homard* «омар» (катта денгиз қисқичбақаси) ҳам аналогия асосида *-ard* қўшимчали французча сўзлар каби *-d* қўшимчасини олади; фақат мазкур ҳолатда орфография томондан қайд этилган хато сўз охиридаги ҳаммага яхши таниш бўлган сўз охиридаги суффиксга тааллуқли (қиёсланг: *bavard* «махмадона» ва б.).

Бироқ аксарият ҳолатларда сўзни ундаги элементларга мослаштириш мақсадида бузадилар. Бундай ҳолатни биз французча *choucroute* «нордон карам» (немисча *Sauerkraut* сўзидан)да кўрамиз; лотинча *dromedarius* «икки ўрқачли туя» немисча *Tpram pelier* «депсинаётган жонивор»га айланди: қўшма сўз янги, аммо у азалдан мавжуд *trampeln* ва *Tier* дан таркиб топган. Қадимги юқори немис тили лотинча *margarita* «дур»дан тилда мавжуд икки сўздан *mari-greoz* ясади.

Мана яна бир намунали ҳолат: лотинча *carbunculus* «бир парча кўмир» немис тилига *funkeln* «ялтирамоқ»қа боғлиқ ҳолда *Karfunkel* ни, француз тилига эга *boucle* «зулф», «жингалак соч»га бориб тақаладиган *escarboucle* ни берди. *Calfeter, calfetret* «(бирор нарса билан) бекитмоқ» *feutre* «кигиз», «наMAT» таъсирида *calfetret* га ўтди. Бу мисолларнинг барчасида бир қарашда уларнинг ҳар бири бошқа сўзларда ҳам мавжуд, тушунарли элемент билан бир қаторда эски элементга мос бўлмаган иккинчи қисмга эгаллиги кишини ҳайратлантиради: *Kar-, escar-, cal-*. Аммо бу элементларда янгидан ясалган, қандайдир мазкур ҳодиса билан боғлиқ ҳолда пайдо бўлган қайсидир нарса бор деб ўйлаш хато. Аслида бунинг батамом тескариси кузатилади. Бу изоҳланмай қолган парчалар, айтиш мумкин бўлса, ярим йўлда қолиб кетган халқ этимологиясидир. Шу маънода

Умумий тилшунослик курси ~~~~~ Фердинанд дў Соссюр  
*Karfunkel*, агар тушунтирилмасдан қолган *-teuer* парчасини ҳисобга  
олмаганда, *Abenteuer* дан фарқ қилмайди; буни *hom-* қисми ҳеч  
нарсга мос бўлмаган *homard* билан қиёслаш мумкин.

Шундай қилиб, бузилиш (нотўғрилиқ) даражаси халқ  
этимологияси томонидан ўзгартириб юборилган сўзларда муҳим  
тафовутларни келтириб чиқармайди; уларнинг барчаси, шубҳасиз,  
тушунарсиз шаклларни тушунарли шакллар ёрдамида изоҳлашдан  
бошқа нарса эмас.

Хуллас, энди халқ этимологияси нимаси билан аналогияга  
ўхшайди-ю, нимаси билан ўхшамаслиги аён бўлди.

Бу иккала ҳодисада ҳам бир умумий хусусият — унисиди ҳам,  
бунисиди ҳам тил томонидан тақдим этиладиган маъноли бирликлар  
бор. Қолган барча ҳолатларда улар батамом ўзаро зид ҳодисалардир.  
Аналогия доимо аввалги шаклни унутишни тақозо этади; аналогия  
асосиди ясалган *il traisait* шакли асосиди (3-қисмининг 5-бобига қаранг)  
аввалги шакл *il trajait* нинг таркибий қисмларга бўлиниши  
кузатилмайди. Рақобатлашувчи шаклнинг юзага келиши учун ҳатто Бу  
шаклни унутиш ҳам керак. Аналогия ўзи алмаштириб келадиган  
белгиларнинг маъно-моҳиятидан ҳеч нарса олмайди. Халқ  
этимологияси, аксинча, аввалги шаклни изоҳлашга бориб тақалади. Бу  
шаклни ғира-шира бўлса-да, эслаш унинг бузилиши учун бошланғич  
нуқта ҳисобланади. Бинобарин, бир ҳолатда таҳлил асосиди эслаш,  
бошқа ҳолатда эса унутиш ётади. Бу энг асосий тафовут ҳисобланади.

Тилдаги халқ этимологияси ғайритабiiй (патологик) ҳодисадир.  
У фақат камдан-кам ҳолатларда намоён бўлади ва фақат кам  
учрайдиган сўзлар, техникавий термин ҳамда сўзловчилар бошқа  
тиллардан қийинчилик билан ўзлаштирадиган бирликлар кузатилади.  
Аналогия, аксинча, тилнинг метъерий қўлланишига хос умумий  
ҳодисадир. Айрим томонлари билан бир-бирига ўхшаш бу икки  
ҳодиса моҳиятан бир-бирига зид, бинобарин, уларни қатъий фарқлаш  
керак.



## VII боб. АГГЛЮТИНАЦИЯ

### 1-§. ТАЪРИФИ

Муҳим аҳамиятини ҳозиргина кўриб чиққанимиз аналогия билан бир қаторда янги лисоний бирликлар ҳосил қилишда бошқа омил ҳам қатнашади. Бу *агглютинациядир.

Сўз яшашнинг бошқа бирор усули бу икки омилга тенг келолмайди, яъни товушга тақлид сўзлар, айрим шахслар томонидан аналогия қонунларига амал қилмасдан, батамом уйдирмалар асосида ҳосил қилинган янги сўзлар (масалан, газ) ва ҳатто халқ этимологияси ҳодисалари ҳам шу жиҳатдан жуда кам ёки, умуман, арзимайдиган аҳамиятга эга.

*Агглютинация* деганда, дастлаб ажратиб қўлланган, аммо гап ичида бир синтагма доирасида тез-тез учраб турадиган икки ёки ундан ортиқ сўзнинг тўлиқ ёки деярли тўлиқ таҳлил қилинмайдиган бирлигида қўлланиши тушунилади. Агглютинатив жараён ана шундай: биз усул эмас, жараён деймиз, чунки кейинги сўз ирода, ният ҳақидаги тасаввур билан боғлиқ. Ҳолбуки, агглютинациянинг энг характерли хусусияти айнан ниятнинг йўқлигидир.

Бир неча мисол келтирамиз. Француз тилида *ce ci* «мана шу» илгари икки сўз билан ифодаланган бўлса, кейинчалик бир сўз — *ceci* шаклида бериладиган бўлди. Гарчи унинг таркибий қисмлари ўзгармаган бўлса-да, янги сўз ҳосил қилишда қуйидаги французча сўзлар ҳам худди шундай ясалган: *tous jour* → *toujours* «ҳамиша», *au jour d'hui* → *aujourd'hui* «бугун», *dèsja* — *déja* «аллақачон», *vert jus* → *verjus* «нордон вино» ва б. Агглютинация натижасида қуйи сатҳ бирликлари ҳам, юқорида ҳинд-европа тилларидаги *swād* — *is* — *to* — *s* сўзининг ва юнонча *hed* — *istos* сўзларининг ортгирма даражалари мисолида кўрсатиб берганимиздек сўз ичида бирлашиб кетади.

Бу ҳодисани диққат билан ўрганиш унда қуйидаги уч босқичнинг мавжудлигини кўрсатади:

1. Бир неча элементнинг бир синтагмада бирикиши.
2. Соф агглютинация, яъни синтагма — элементларни қандайдир янги бирликка олиб бориб тақаш. Бу механик йўл билан ўз-ўзидан кечадиган жараёндир. Таркибли тушунча маъносига эга

Умумий тилшунослик курси ~~~~~ Фердинанд дү Соссюр бирликларнинг, одатда, бўлиниб кетадиган қатори билан ифодаланганда онгимиз, айтиш мумкин бўлса, тўғри йўлни танлаб таҳлилдан бош тортади ва тушунчани белгиларнинг барча бирикмалари билан боғлай бошлайди. Натижада, бу бирикмалар таркибий қисмларга бўлинмайдиган бирликларга айланади.

**3.** Дастлабки бирикманинг содда сўзга айланишига имкон берувчи қолган барча ўзгаришлар: бир неча урғуни бир урғуга келтириш (*vért — jus → verjus*), ўзига хос фонетик ўзгариш ва бошқалар.

Кўпинча фонетик ва акцентуал (* просодик) ўзгаришлар (3) гўё тушунчалар соҳасида (2) содир бўладиган ўзгаришлардан олдин юради, семантик синтезни агглютинация ва товуш материали синтези билан тушунтириш керак деган мулоҳазалар билдирилади. Афтидан, бундай эмас: *vert jus, tous jour* кабилар айнан яхлит тушунчалар сифатида қаралгани учун содда сўзларга айланган. Уларнинг таркибий қисмлари ўрнини алмаштириш хато бўларди.



## 2-§. АГГЛЮТИНАЦИЯ ВА АНАЛОГИЯ

Аналогия ва агглютинация орасидаги тафовут ибратомуз:

**1.** Агглютинацияда икки ёки ундан ортиқ бирлик синтез натижасида бир бутунликка бирлашади (масалан, encore «яна» *hanc hogan* нинг қўшилишидан ҳосил бўлган) ёки қуйи сатҳ бирликлари ўша сатҳнинг бирлигига айланади (Киёсланг: *hēd-isto-s* «жуда ёқимли» ва *swād -īis tos*). Аксинча, аналогия қуйи сатҳ бирликларига асосланади ва уларни юқори сатҳ бирликларига ўтказилади. Логинча *rāg — ānus* «қишлоқи»ни ҳосил қилиш учун аналогия ўзак *rāg* ва суффикс *ānus* ни ўзаро боғлади.

**2.** Агглютинация фақат синтагматика соҳасида амал қилади. Шу сабабли унинг таъсири мазкур бирикмада намоён бўлади, қолганлари унга тааллуқли эмас. Аналогия синтагмалар қандай иш кўрса, ассоциатив қаторлар билан ҳам шундай иш кўради.

**3.** Агглютинацияда олдиндан ўйлаб қўйиладиган нарса ҳам, фаол нарса ҳам йўқ. Бу, юқорида айтилганидек, оддий механик жараён. Тил бирликларидан бир бутунлик ҳосил қилиш табиий равишда кечади. Аналогия, аксинча, таҳлил ва уйғунлашишни (*combinatsion*), ақлий фаолият ва олдиндан ўйлаб иш тутишни талаб қилади.

Янги сўзларни ҳосил қилиш билан боғлиқ ҳолда конструкция ва структура терминлари кўп қўлланади, бироқ бу терминлар агглютинация ёки аналогияга нисбатан ишлатилишига қараб турли маъноларга эга бўлади. Биринчи ҳолатда улар система ичида бири-бирига дуч келишлари туфайли бирикадиган элементларни аста-секинлик билан мустақкамлаш жараёнини эслатади. Синтез эса дастлабки бирликларнинг тўлиқ йўқолиб кетишига олиб келиши мумкин. Конструкция термини аналогияга нисбатан қўлланганда қандайдир ташқи нарсани, аниқроғи, нутқ пайтида турли ассоциатив қаторлардан олинган бир неча элементнинг қўшилиши сабабли юзага келган гуруҳни англатади.

Баён қилинганлар сўз ясалишининг бу икки усулини ўзаро фарқлаш нақадар муҳим эканлигини кўрсатади. Масалан, латин тилида *possum* «қила оламан» *potis* ва *sum* «бўла оладиган» сўзларининг бирикишидан агглютинатив сўз ҳосил бўлган. *Signifier* «байроқдор», *agricola* «деҳқон» ва б. Аксинча, аналогия маҳсуллари тилда мавжуд намуналар асосида ясалган сўзлардир. Қўшма сўзлар композит ва ясама сўзлар (дериват) терминларини аналогияга нисбатан қўллаш керак.

Кўпинча муайян шаклнинг агглютинация ёки аналогия ҳосиласи эканлигини аниқ айтиш қийин. Тилшунослар *es-mi*, *es-ti*, *ed-mi* каби ҳинд-европача шакллар хусусида тинимсиз баҳслашганлар. *Es-*, *ed-* ва б. элементлар узок ўтмишда ҳақиқий сўзлар бўлиб, кейинчалик *mi*, *ti* сингари бошқа сўзлар билан агглютинация ёрдамида қўшилиб кетганлиги ёки *es-mi*, *es-ti* кабиларнинг ўша қатордаги бошқа мураккаб бирликлардан олинган элементларга бирикиши натижасида юзага келганлигини, агглютинацияни ҳинд-европа тилларидаги қўшимчаларнинг пайдо бўлишидан олдинги даврга нисбат бериш нимани англатади? Тарихий ҳужжатларсиз бу саволни, афтидан, ечиб бўлмайди. Фақат тарихгина бундай саволларга жавоб бериши мумкин. У мазкур содда элемент ўтмишда икки ёки ундан ортиқ элементдан иборат бўлган дейишга имкон бергандагина, биз агглютинация ҳақида гапиришга ҳақлимиз: *hom ce* га (сенинг бўлганлигингдан эпиграфика гувоҳлик беради) бориб тақалувчи латинча *hunc* «бу» шундай йўл билан ҳосил қилинган. Бироқ қўлимизда тарихий маълумот бўлмаса, табиийки, агглютинациянинг нима эканлигини, аналогияга эса нималар киришини аниқ айтиш қийин бўлади.



## VIII боб. ДИАХРОН ЯККАЛИК, УМУМИЙЛИК ВА ВОҶЕЛИКЛАР

Статистик тилшунослик синхрон қатордаги бирликлар билан иш кўради. Юқорида биз томонимиздан нима айтилган бўлса, унинг барчаси диахрон кетма-кетликда қатъий чегараланган ва куйидаги чизмада тасвирлаш мумкин бўлган элементлар ҳамиша ҳам кузатаверилмаслигини кўрсатади:



Аксинча, бу элементлар доимо тилда ифодаланадиган воқеа-ҳодисалар натижасида турлича чегараланган бўлади. Шунинг учун уларни куйидагича тасвирласак тўғри бўлади:



Буларнинг барчаси фонетик эволюция, аналогия, агглютинация ва ҳодисаларнинг амал қилиши ҳақида юқорида гапирилган натижаларга бориб тақалади.

Келтирган мисолларимизнинг деярли ҳаммаси сўз ясалишига тааллуқли эди. Энди синтаксисдан олинган бир мисолга эътибор қаратайлик. Ҳинд-европа бобо тилда предлоглар бўлмаган; улар томонидан ифодаланадиган муносабатлар маъноларнинг кенг кўламига эга бўлган кўп сонли келишиклар ёрдамида берилган. Шунингдек, олдкўшимчали феъллар ҳам мавжуд бўлмаган. Бироқ уларнинг ўрнига юкламалар, гапларга ўхшаб кетадиган сўзлар бўлган. Улар феъл ёрдамида ифодаланган ҳаракат маъносига аниқликлар киритган. У пайтларда лотин тилидаги каби *ire ob mortem* «ўлимни қарши олмоқ» ёки шу маънони англагувчи *obire mortem* гапларига мос келадиган гаплар бўлмаган. Агар бўлганда *ire mortem ob* дейишган бўларди. Бундай ҳолатни биз энг қадимги юнон тилида ҳам учратамиз: *óreos bainō káta*; *óreos baino* ўзича «тоғдан келяпман»

деган маънони англатади. Кейинроқ *káta óreos bainō ba katá* — *bainō óreos* пайдо бўлган. Биринчидан, *káta* предлог вазифасини бажарган. Шунингдек, феълнинг юклама билан бирикиши натижасида юклама феълнинг олд қўшимчасига айланган.

Бу ерда икки ёки уч ҳодиса бўлиб, уларнинг ҳаммаси айрим бирликлар таҳлилига асосланган: 1) сўз ва предлоглар янги турининг мавжуд бирликлар ўрнини алмаштириш йўли билан ясалиши. Сўзларнинг, эҳтимол, тасодифий сабаб туфайли ҳар нарсага бепарқ бўлган ўзига хос жойлашиши янги бирикмани ҳосил қилди. Дастлаб мустақил маъноли *káta* энди от сўз туркумига мансуб *óreos* билан боғланадиган ва улар биргаликда унга тўлдирувчи сифатида қўшиладиган бўлди; 2) *katabainō* типидagi янги феълнинг пайдо бўлиши. Бу психология нуқтаи назаридан янги бирикма бирликларининг ўзгача тақсимланиши ҳам бунга имкон беради, агглютинация эса уни мустаҳкамлайди; 3) юқоридагидан келиб чиқадиган табиий хулоса қаратқич келишиги шаклидаги *óreos* қўшимчаси маъносининг сусайишидир. Илгари биргина қаратқич келишиги шакли билан ифодаланган маънони ифодалаш вазифасини бундан кейин *katà* ўз зиммасига оладиган бўлди. Шу боис *-os* қўшимчасининг юки ҳам ўша даражада пасаядиган бўлди; унинг келгусида йўқолиб кетиши эмбрион ҳолатидан ҳам маълум эди.

Уччала ҳолатда ҳам гап мавжуд бирликларни қайта тақсимлаш ҳақида бормоқда. Дастлаб субстанция янги функциялар касб этади. Дарҳақиқат, шуни алоҳида таъкидлаш керакки, бу силжишларнинг барчасини амалга ошириш учун ҳеч қандай фонетик ўзгаришлар талаб қилинмади. Иккинчи томондан, гарчи товуш материал ўзгармасдан қолган бўлса-да, буларнинг барчаси фақат мазмун планида содир бўлган деб ўйламаслик керак. Синтактик ҳодисалар тушунчаларнинг аллақандай занжири билан товуш бирликларининг аллақандай занжири бирлигидан ташқарида бўлмайди (3-қисмнинг 1-бобига қаранг); мазкур ҳолатда айнан шу муносабат шаклан ўзгарган. Товушлар — ўша, маъноли бирикмалар эса — бошқа.

Юқорида таъкидлаганимиздек (1-қисмнинг 2-бобидаги 3-§га қаранг), белгининг ўзгарувчанлиги ифодаловчи билан ифодаланмиш орасидаги муносабатларнинг силжишидан бошқа нарса эмас. Бу фикрни нафақат системага кирувчи элементларнинг ўзгарувчанлигига, шунингдек, системанинг эволюциясига ҳам татбиқ этиш мумкин. Умуман, диахрония айнан шундан иборат бўлади.

Аммо тилда нима содир бўлганлигини аниқлаш учун синхрон бирликларда кузатиладиган силжишни қайд этишнинг ўзи етарли эмас. Диахрон бирлик масаласи ҳам бор. Ҳар бир воқеа-ходиса билан боғлиқ ҳолда қандай элемент шакл ўзгартирувчи таъсирга бевосита боғлиқлигини аниқлаш зарур. Биз бундай муаммога фонетик ўзгаришлар ҳақида гапирганда дуч келган эдик (1-қисмнинг 3-бобидаги 7-§га қаранг); бу ўзгаришлар ўзига хос бирлик сифатида олинган сўзларга эмас, балки алоҳида олинган товушларга тааллуқли эди. Диахрон воқеалар моҳиятан ранг-баранг бўлганлиги учун шунга ўхшаш кўплаб муаммоларни ҳал қилишга тўғри келади. Шу билан бирга, бу соҳада ўзаро фарқланган бирликларнинг синхрон пландаги бирликларга доимо мос бўлавермаслиги ҳам тушунарли. Китобнинг биринчи қисмида биз аниқлаган тамойилга кўра бирлик тушунчаси синхрония ва диахронияда бир хил бўлолмайди. Ҳар ҳолда, иккала статик ва эволюцион аспектларда ҳам ўрганмагунга қадар уни батамом ҳал қилинган дейиш қийин. Фақат диахрон бирлик муаммосини ечишгина бизга эволюция ҳодисасининг ташқи кўринишини енгиб ўтиш имконини беради. Синхронияда бўлгани каби бу ерда ҳам бирликлар билан танишиш мавҳум нарсани реал нарсадан ажратиш учун керак (2-қисмнинг 3-бобида қаранг). Иккинчи ўта мураккаб масала — бу диахрон ўхшашлик ҳақидаги масаладир.

Дарҳақиқат, мазкур бирлик ўзига ўхшаш ҳолда сақланиб қолсин ёки ўша бирлик бўлишда давом этиб, у фақат шаклан ёки мазмунан ўзгарган кўриниш (бу ҳолатнинг барчаси кузатилиши мумкин) олиши муайян даврдан олинган элемент, масалан, французча *chaud* «иссиқ» анча илгари даврдан олинган ўша сўзнинг, масалан, латинча *calidum* (*calidus* «иссиқ»нинг тушум келишиги шаклининг) айнан ўзи дея олишим учун мен нимага асосланаётганимни билишим керак.

Бу саволга, албатта, *calidum* фонетик қонуниятлар таъсирида *chaud* га ўтган, бинобарин, *chaud* = *calidum* бир нарса деб жавоб берадилар. Ана шу фонетик ўхшашлик (тождество) деб аталади. Бу французча *server* «кўкракдан ажратмоқ» ва латинча *sēparāre* «ажратмоқ» каби ҳолатларга ҳам тааллуқли. Аксинча, французча *fleurir* «гулламоқ» сўзи хусусида гап кетганда, бу *flouoir* сўзини бериши керак бўлган латинча *flōrēre* билан айнан бир нарса дейишади.

Бир қараганда бундай мувофиқлик, умуман, диахрон ўхшашлик тушунчасига тўғри келади. Ҳақиқатда эса товушнинг ўзича ўхшашликдан гувоҳлик бериши мутлақо мумкин эмас. Ўз-ўзидан



Умумий тилшунослик курси ~~~~~ Фердинанд дў Сосюр  
аёнки, биз лотинча *mare* «денгиз» француз тилида *mer* шаклини  
олади, чунки ҳар қандай *a* маълум *e* га ўтади, сўз охирида келган  
урғусиз *e* эса тушиб қолади ва б. дейишимиз мумкин, аммо айнан шу  
муносабатлар (*a* → *e*, *e* → *ноль*) гўё ўхшашликни ташкил қилади  
дейиш — ҳаммасини ағдар-тўнтар қилиш деганидир. Чунки, аксинча,  
айнан *mare: mer* сўзларининг мослигига асосланиб, *a e* га ўтган, сўз  
охирида келган *e* тушиб қолган деган хулосага келаман.

Агар Франциянинг турли вилоятларидан бўлган икки француздан  
бири *se fâcher* «жаҳл қилмоқ», иккинчиси эса *se fôcher* деса, уларнинг  
талаффузидаги фарқ шу икки сўзда айнан бир бирликни кўришга  
имкон берадиган грамматик омилларга нисбатан ниҳоятда кичикдир.  
Шу қадар турли-туман бўлган *calidum* ва *chaud* сўзларининг диахрон  
ўхшашлиги бирининг иккинчисига ўтиши нутқ соҳасида содир  
бўладиган қатор синхрон ўхшашликлар орқали бўлганлигини  
англатади. Бунинг устига, улар орасидаги алоқа бирин-кетин келган  
фонетик ўзгаришларга қарамасдан ҳеч қачон бузилмаган. Айнан шу  
сабабли биз иккинчи қисмнинг учинчи бобида нутқда бир неча марта  
такрорланган *Messieurs!* «Жаноблар!» ўзига ўхшаш бўлиб қолишини,  
нега француз тилида инкор род отига ёки французча *chaud* лотинча  
*calidum* сўзига ўхшашлигини аниқлаш каби марокли дейишга журъат  
этган эдик. Иккинчи масала моҳияти биринчисининг такрори ва  
мураккаблашган шаклидир.



## А. СУБЪЕКТИВ ТАХЛИЛ ВА ОБЪЕКТИВ ТАХЛИЛ

Сўзловчилар томонидан ҳар сонияда қўлланадиган тил бирликлари тахлили субъектив тахлил деб аталиши мумкин. Уни тил тарихига асосланадиган объектив тахлил билан адаштирмаслик керак. *Hippos* «от» каби юнонча шаклда грамматика уч элементни кўради: ўзак, суффикс ва кўшимча *hipp-o-s*; қадимги юнонлар бу сўзда фақат икки элементни фарқлаганлар: *hipp-os* (3-қисмнинг 3-бобидаги 3-§га қаранг). Лотинча *amābās* «сен севардинг» сўзида объект тахлил қуйи сатҳнинг тўрт элементини *am-ā-bā-s*, римликлар эса бу сўзни учга бўлганлар: *amā-bā-s*; шунингдек, улар *bās* ни асосга қарши қўйилган сўз ўзгартирувчи бирлик деб ҳисоблаган бўлишлари ҳам мумкин. Французча *entier* «бутун» (лот. *in-teger* «бутун, қўл тегизилмаган» сўзидан), *enfant* «бола» (лот. *in-fans* «гапирмайдиган»), *enceinte* «ҳомиладор» (лот. *in-cincta* «бели боғланмаган») сўзларида тил тарихчиси лотин тилидаги инкор маъноли *in-* префиксига ўхшаш умумий *en-* олд кўшимчасини кўради. Сўзловчиларнинг субъектив тахлили уни батамом рад қилади.

Кўпинча грамматик * спонтан тахлилда хато топишга мойиллик бўлади. Ҳақиқатда эса субъектив тахлил «сохта» аналогиядан сохтароқ эмас (3-қисмнинг 4- боби 2-§ига қаранг). Тил адашмайди: унда бошқа нуқтаи назар бор, холос. Сўзловчилар тахлили ва тил тарихига асосланиб иш кўрувчи тилшунос тахлили, гарчи иккала ҳолатда ҳам бир усул — айнан бир элемент учрайдиган қаторни қиёслашдан фойдаланилган бўлса ҳам бир хил нарса эмас. Тахлилнинг иккала тури ҳам жуда асосли, шунинг учун уларнинг ҳар бири доимо ўз қийматини сақлаб қолади. Бироқ фақат сўзловчиларнинг тахлили баҳсга ўрин қолдирмайдиган даражада аҳамиятли, чунки у бевосита тил фактларига таянади.

Тарихий, яъни тил тарихига асосланадиган тахлил — шу бевосита тахлилнинг фақат ясама шакли, холос. Моҳиятан у турли даврлар қурилмаларини бир текисликда жойлаштиришдан иборат бўлади. Тилнинг спонтан тахлили каби тилшуносларнинг тарихий тахлили ҳам қуйи сатҳ бирликлари ҳосил қиладиган сўзни билишга интилади. Ягона сўзнинг фарқи шундаки, у энг қадимги даврлардан таркибий

Умумий тилшунослик курси ~~~~~ Фердинанд дў Сосюр  
кисмларга бўлинишга етиб боришга ҳаракат қилиб, асрлар давомида  
содир бўлган субъектив бўлинишларни синтез қилади. Сўз ички  
тузилиши ҳам вазифаси кўп марта ўзгарган уйни эслатади.

Объектив таҳлил замонда бир-бирини алмаштириб келган бу  
ўзгаришларга якун ясаб, уларни бир-бирининг устига жойлаштиради.  
Аммо уйда яшаётганлар унинг фақат бир тузилишини билишади.  
Юнонча *hipp-o-s* мумтоз юнон *hipp-os* ига зид эмас; фақат унга бошқа  
томондан ёндашиш керак. Бошқача айтганда, биз яна диахрония ва  
синхрониянинг фундаментал зидланишига қайтйпмиз.

Бу билан биз муҳим методология масаласининг ечимига  
яқинлашйпмиз. Қадимги мактаб сўзларни ўзак, негиз, суффикс ва  
бошқаларга бўлган ва бу категорияларга мутлақ қиймат нисбати  
берганлар. Бопп ва унинг шогирдлари асарлари билан танишиш  
юнонлар бурунги даврдан буён тайёр ўзак ва суффиксларнинг ўша  
заҳирасини сақлаб келмоқдалар, улар оммавий тарзда сўз яшаш билан  
шуғулланганлар. Масалан, *paté* «ота» улар учун *pa* ўзаги + *ter*  
суффиксидан иборат бўлган, *dôsō* «бераман» *dō+so+шахс-сон*  
кўшимчаси мажмуи деб ўйлашга олиб келади.

Албатта, бундай адашишларга муносабат билдириш керак эди ва  
бу муносабатнинг шиори — мутлақо тўғри шиор қуйидагича талаб  
кўйди: ҳозирги тилларда, маиший нутқда содир бўлаётган нарсаларни  
кузатинг ҳамда тилнинг қадимги даврларига жонли тилда акс этмаган  
жараён ёки ҳодисани ўзингиздан қўшманг. Жонли тил, кўпинча,  
бундай таҳлил учун материал бермаслиги боис, Боппдан (Франц  
Бопп, 1791–1867, немис тилшуноси, Петербург фанлар  
академиясининг аъзоси /1853/) фарқли ўларок, ёш грамматиклар ўз  
тамойилларига содиқ қолган ҳолда ўзак, негиз, суффикс ва шу  
кабилар онгимизнинг соф мавҳумотларидир ва агар биз улардан  
фойдаланаётган бўлсак, фақат фикрни қулай баён қилиш мақсадида  
шундай йўл тутдик деб ёзадилар. Мадомики, бундай категорияларни  
аниқлаш ўзини оқламас экан, бунга ҳожат борми? Агар аниқланган  
бўлса, нимага асосланиб, *hipp-o-s* нинг бўлинишини *hipp-os*  
бўлинишига қараганда афзал билишади?

Аввалги таълимотнинг нуқсонларини эътироф этган (бунинг ҳеч  
қандай қийинчилиги йўқ эди) янги мактаб назарияда ундан бош  
тортган бўлса-да, амалда ўша таълимотнинг таъсирида қолиб кетди,  
чунки унга мурожаат этмаслик мумкин эмас эди. Бу мавҳумотларнинг  
ҳақиқатга мослиги даражасини аниқлаш учун улар устида фикрлашга  
тўғри келади. Грамматистларнинг сунъий назарияларини тўғри ва

Умумий тилшунослик курси ~~~~~ Фердинанд дў Сосюр  
аниқ идрок этиш учун оддий тузатишнинг ўзи етарли. Жонли  
нутқнинг субъектив таҳлили билан ботинан боғлиқ объектив таҳлил  
тилшунослик методологиясида ўзининг қонуний ва аниқ ўрнига эга ва  
буни биз бундан олдинги фаслда кўрсатиб беришга ҳаракат қилган  
эдик.



## Б. СУБЪЕКТИВ ТАҲЛИЛ ВА ҚУЙИ САТҲ БИРЛИКЛАРИНИ АНИҚЛАШ

Шундай қилиб, фақат синхрон нуқтаи назардан таҳлил методини  
аниқлаш ва таърифларни шакллантириш мумкин. Биз буни сўзнинг  
префикс, ўзак, негиз, суффикс ва қўшимчалар каби қисмларига доир  
қатор мулоҳазалар билдириш асосида кўрсатишни лозим топдик.

Сўзни қўшимчадан, яъни сўз ўзгартирувчи тавсифдан, бошқача  
айтганда, сўз охирида ўзгариб турадиган элементдан бошлаймиз.  
Чунки бу элемент от ва феъл парадигмаси шакллари фарақлашга  
хизмат қилади. Юнонча *zeúgnū-mi*, *zeúgnū-s*, *zeúgnū-si*, *zeúgnu-men*  
(«мен отни аравага қўшяпман», «сен отни аравага қўшяпсан») ва ш.к.  
тусланишда *-mi*, *-si*, *-s* ва б. қўшимчалар ўзаро қарама-қарши  
қўйилганлиги ҳамда сўзнинг булардан олдин келадиган қисми  
(*zeugnū*) туфайли ажратиб кўрсатилади. Биз юқорида (1-қисмнинг  
3-бобидаги 3-§и ва 2-қисмнинг 3-бобидаги 2-§га қаранг) рус тилидаги  
*рук* (қаратқич кел. шакли)ни *рука* (бош кел. бирлик)га қарама-қарши  
қўйиш билан қўшимчанинг мавжуд эмаслиги одатдаги қўшимча каби  
роль ўйнаши мумкинлигини кўрган эдик. Масалан, юнонча *zeúgnu-te*  
(«отни аравага қўшинг!»)га қарши қўйилган *zeúgnū!* («отни аравага  
қўш!») ёки *rhétor-os* ва бошқа келишик шаклларига қарши қўйилган  
*rhétor* ва французча *marʃō* (*marchons* ёзилади) «кетдик!»га қарши  
қўйилган *marʃ* (*marche* ёзилади) «кет!» ноль қўшимчали сўз  
ўзгартирувчи шакллардир.

Қўшимчани олиб ташласак, сўз ўзгариш (*thème de flexion*) базаси  
ёки негиз ҳосил бўлади. У ўзгарадиган ёки ўзгармайдиган қатор  
қардош сўзларни бевосита қиёслаш йўли билан ажратиб олинадиган  
умумий элементдир. Бу сўзларнинг барчаси учун муштарак бўлган  
тушунча ана шу элемент билан боғланган бўлади. Масалан,  
французча *roulis* «чайқалиш» (ёндан), *rouleau* «ғалтакмола», *rouler*  
«юмалатмоқ», *roulage* «юмалатиш», *roulement* «скатывание» каби  
сўзлар уясида *roul* — ўзакни кўриш қийин эмас. Бироқ сўзловчи

томонидан амалга ошириладиган тахлил кўпинча сўзларнинг айнан бир уясида бир неча нав ёки аниқроқ айтганда, бир неча даражали ўзаклар борлигини кўрсатади. Биз юқорида *zeúgnūtib zeúgnū-* кабилардан ажратиб кўрсатганимиз *zeúgnū* бўлакларга бўлинмайдиган биринчи даража асосини ташкил қилади. Чунки бошқа қаторлар (*zeúgnūmi* «отни аравага кўшяпман», *zeuktór* «аравага кўшилган», *zeúksis* «кўшилган от-арава», *zeuktêr* «отни аравага кўшаётган киши» ва б., бир томондан, *zeúgnūmi* «отни аравага кўшяпман», *deiknūmi* «кўрсатяпман», *ornūmi* «кўряпман» ва б. иккинчи томондан) билан қиёслаш орқали *zeug-nu* нинг бўлиниши ўз-ўзидан аёнлашади. Бинобарин, *zeug-* (ўзаро алмашиниб келадиган *zeug, zeuk-, zug-* шакллари билан) бўлакларга бўлинмайдиган иккинчи даражали асосдир, чунки қардош шакллар билан қиёслаш уни янада майда бўлакларга бўлиш имконини бермайди.

Бир қардош гуруҳни ҳосил қилувчи барча сўзлар учун бўлакларга бўлинмайдиган бу умумий элемент ўзак дейилади. Иккинчи томондан, ҳар қандай субъектив ва синхрон товуший элементларни маънонинг фақат ҳар бир элементи ҳиссасига тўғри келадиغان зарраси асосида бўлакларга бўлгани сабабли ўзак барча қардош сўзлар учун умумий бўлган маъно энг юқори абстракция ва умумлашма даражасига етган элемент ҳисобланади. Албатта, бу мазмун ҳар бир ўзақда турлича намоён бўлади. Дарвоқе, у қайсидир маънода негизнинг бўлинувчанлигига ҳам боғлиқ бўлади. Негиз қанчалик кўп бўлакланса, унда маънонинг мавхумлашиш имконияти шунчалик кучли бўлади. Масалан, юнонча *zeugmátion* «аравага кўшиладиган улов» маъносини англатади, *zeugma* «упрятать»ни аниқ ифодаламайди ва ниҳоят, *zeug* отни аравага кўшиш ҳақидаги ноаниқ тасаввур ҳосил қилади.

Бундан ўзак ўзича сўз сифатида қўлланолмайди ва бевосита қўшимча ололмайди деган хулоса чиқади. Дарҳақиқат, сўз ҳеч бўлмаганда грамматик нуқтаи назардан у ёки бу даражада аниқ тасаввурни ифодалайди ва бу ўзакка хос бўлган умумийлик ва мавхумликка тўғри келмайди. Шундай бўлса, биз масалан, юнонча *phlóks* «аланга», *phlogós* «алангалар» каби сўзларни шу уядаги барча сўзларда учрайдиغان *phleg-*: *phlog* ўзаги билан қиёслаганда намоён бўладиган ўта хусусий ҳолатлар (қиёсланг: *phlég-ō* «ёқяпман» ва ш.к.) ҳақида нима дейиш мумкин? Бу биз ҳозиргина аниқлаган тафовутга зид эмасми? Асло, чунки умумий маъно ифодаловчи *phleg-*: *phlog* билан хусусий маъно ифодаловчи *phlog* ни аралаштирмаслик керак.

Бу ерда айнан бир товуш элементида икки ҳар хил маъно бор. Бинобарин, у тилнинг икки ҳар хил элементини ташкил қилади (2-қисмнинг 2-бобидаги 3-§га қаранг). Юқорида биз *zeiǵnū!* «отни аравага қўш!» сўзини ноль қўшимчали тусланадиган сўз сифатида қараб чиққан эдик. Худди шунингдек, биз мазкур ҳолатда ҳол *phlōg* — «аланга» сўзини ноль суффиксли ўзак дейишимиз мумкин. Ҳеч қанақа аралаштириб юбориш мумкин эмас. Негиз товуш жиҳатдан ўзакка мос бўлганда ҳам ундан фарқ қилади.

Хуллас, ўзак сўзловчи учун воқелиқдир. Тўғри, сўзловчилар уни доимо ҳам бир хил аниқлик билан ажрата олавермайдилар. Шу нуқтаи назардан тафовутлар бир тил ичида ҳам, тиллар орасида ҳам кузатилади.

Айрим тилларда ўзак сўзловчилар эътиборини тортадиган ўзига хос хусусиятларга эга бўлади. Масалан, немис тилида шундай. Унда ўзак бир-бирига ўхшаш жиҳатлар билан тавсифланади: у деярли доимо бир бўғинли (қиёсланг: *streit-*, *bind-*, *haft-* ва б.), уларнинг қурилиши маълум қоидаларга бўйсунди — унда фонемалар исталган тартибда келолмайди. Масалан, портловчи плус сирғалувчи каби ундошларнинг айрим бирикмалари ўзак охирида келмайди — *werk* дейиш мумкин, аммо *wekr* дейиш мумкин эмас; *help-*, *werd-* шакллари учрайди, лекин *hefl-*, *wedr-* шакллари учрамайди.

Эслатиш жоизки, айниқса унлиларнинг мунтазам алмашиниб келиши ўзакни ва умуман, қуйи сатҳ бирликларини аниқлаш туйғусини кучайтиради; шу маънода аблаутни ранг-баранг шаклларда қўллайдиган немис тили (3-қисмнинг 3-бобидаги 5-§га қаранг) француз тилидан кескин фарқ қилади. Бу хусусиятлар, айниқса, семит тиллари ўзақларига кўпроқ хос. Уларда товуш алмашинувлари доимий бўлиб, кўплаб мураккаб зидланишларни ифодалайди (қиёсланг: қадимий яхудий тилида *qātal* «у ўлдирди», *qtaltēm* «сиз (эркаклар) ўлдирдингиз», *q^htōl* «ўлдирмок», «ўлдир, сен (эркак киши)!», *qit^hl-ū* «сиз (эркаклар) ўлдиринг!» ва б. — буларнинг барчаси «ўлдирмок» маъноли бир феълнинг турли шакллари дир. Бундан ташқари, уларда биз немисча бир бўғинликни эслатувчи қандайдир нарсани ҳам кўрамиз, бироқ янада ҳайратланарли кўринишда: семантик ўзақлар доимо уч ундошли бўлади (қаранг: иккинчи ва учинчи қисмларга илова, Б).

Шу нуқтаи назардан биз француз тилида мутлақо бошқа манзарага дуч келамиз. Унда товуш алмашинувлари кам ва бир бўғинли ўзақлар (*roul-*, *march-*, *mang-* каби) билан бир қаторда икки ва

Умумий тилшунослик курси ~~~~~ Фердинанд дү Соссур  
уч бўгинли ўзаклар (*commenc-*, *hésit-*, *éprouvant-*) кузатилади.

Бундан ташқари, мазкур ўзаклар шакллари, айниқса, уларнинг охирида келадиган шакли жуда ранг-барангдир. Бу ҳолат уларнинг муайян тартибга солишни тақозо этади (қиёсланг: *tu-er*, *régn-er*, *guid-er*, *grond-er*, *souffl-er*, *tard-er*, *entr-er*, *hurl-er* ва ш.к.), бинобарин, француз тилида ўзакнинг яққол кўзга ташланмаслигидан ҳайратланмаса ҳам бўлади.

Ўзакни ажратиб кўрсатиш префикс ва суффиксларнинг ҳам ажратиб кўрсатилишига олиб келади. Префикс сўзнинг асос дб олинган қисмидан олдин келадиган бирликдир. Бунга юнонча *hypo-zeúgnūmi* «отни аравага кўшяпман» сўзидаги *hypo* мисол бўла олади.

Суффикс негиз ҳосил қилиш учун ўзакка (масалан, *zeug-mat-*) ёки иккинчи даражали негиз ҳосил қилиш учун биринчи даражали негизга қўшиладиган элементдир (масалан, *zeug-mat-io-*). Биз юқорида бу элементнинг қўшимча каби ноль кўринишни олиши мумкинлиги ҳақида гапирган эдик. Шундай қилиб, суффиксни топиш негиз таҳлилининг тесқари томони, холос.

Суффикс гоҳ конкрет маънога, яъни, масалан, *zeuk-tēr* «отни аравага қўшаётган (киши)» сўзида — *tēr* ҳаракат бажарувчиси (субъекти)ни ифодалагани каби семантик қийматга эга бўлиши, масалан, *zeúg-nū(-mī)* «мен отни аравага кўшяпман» сўзида — *nū* ҳозирги замон маъносини ифодалагани каби соф грамматик функция бажариши мумкин.

Префикс ҳам шундай хусусиятларга эга, бироқ у бизнинг тилимизда камдан-кам ҳолатларда грамматик функция бажаради. Бунга немис тилидаги ўтган замон сифатдоши префикси *ge-* (*ge-setat*), славян тилларидаги «*совершенный вид префикслари*» (русча *на-писать*) мисол бўла олади. Префикс суффиксдан мутлақ бўлмасида, жуда кенг тарқалган яна бир хусусияти билан фарқ қилади. Уни сўз таркибидан осонгина ажратиб кўрсатиш мумкин. Бу префикснинг ўзига боғлиқ бўлиб, кўпинча, префиксни олиб ташлаш йўли билан биз яхлит сўз ҳосил қиламиз (французча *recommencer* «қайтадан бошламоқ»: *commencer* «бошламоқ»; *indigne* «номуносиб»: *digne* «муносиб»; *maladroit* «ношуд, эпчил эмас»: *adroit* «эпчил, чакқон»; *contrepois* «посанги»: *pois* «оғирлик» ва б. қиёсланг). Префикснинг бу хусусияти лотин, юнон ва немис тилларида янада яққол кўзга ташланади. Яна айрим префиксларнинг мустақил сўзлар сифатида қўлланишини ҳам айтиб ўтиш жоиз. Қиёсланг: французча *contre* «рўпара», *mal* «ёмон», *avant* «олдида», *sur* «устида»; немисча *unter*

Умумий тилшунослик курси ~~~~~ Фердинанд дў Сосюр «тагида», *vor* «олдида» ва б.; юнонча *katá* «дан» (нимадандир), *pró* «олдида» ва б. Суффикслар бутунлай бошқача: *organis* «организм-» — *trennung* «ажратиш», *trenn-* «ажратилган», юнонча *reúgma* «отни аравага қўшиш»: *zeug* «отни аравага қўш-» ва б.; иккинчи томондан, суффикс ўзича мавжуд бўлмайди.



## В. ЭТИМОЛОГИЯ

Этимология алоҳида фан ҳам, эволюцион тилшуносликнинг бир қисми ҳам эмас. У бор-йўғи синхрон ва диахрон фактларга доир тамойилларнинг қўлланиши, холос. Этимология сўзларнинг ўтмишига кириб боради ва шу йўналишда уларни тушунтириш учун материал топмагунча давом этаверади.

Бирор сўзнинг келиб чиқиши ҳақида гапиришганда ва у бошқа сўздан «келиб чиқади» дейишганда жуда ранг-баранг нарсалар хаёлга келиши мумкин. Масалан, французча *sel* «туз» оддий товуш ўзгариши натижасида лотинча *sal* дан келиб чиққан, французча *labourer* «ерга ишлов бермоқ» фақат маъно ўзгариши туфайли эски француз тилидаги *labourer* («умуман, ишлов бермоқ»)дан пайдо бўлган; *couver* «тухумга ўтирмақ» маъно ва талаффузнинг ўзгариши туфайли лотинча *cubāre* «ётмоқ»дан ҳосил бўлган; ниҳоят, французча *pommier* «олма дарахти» *potte* «олма»дан ясалган дейишса, у ҳолда грамматик сўз ясаш усули назарда тутилади. Биринчи уч ҳолатда биз диахроник умумийликлар билан иш кўрамыз, тўртинчи ҳолат эса бир неча ҳар хил элементнинг синхрон амал қилиш ҳосиласидир. Аналогия хусусида юқорида айтилганларнинг барчаси у этимологик тадқиқотнинг энг муҳим бўлимини ташкил қилишини кўрсатади.

Агар *bonus* «яхши», «меҳрибон» лотинча *dvenos* га бориб тақалади дейиш билан чегараланилса, унинг этимологиясини аниқланган деб бўлмайди. Лекин *bis* «икки марта», «икки кара» *dvis* га бориб тақалади ва шу йўл билан *duo* «икки»га боғланади десак, у ҳолда *oiseau* «қуш»нинг лотинча *avicellus* «қуш» («қушча») билан яқинлашиши ҳақида ҳам шундай дейиш мумкин, чунки у *oiseau* билан *avis* «қуш» орасидаги алоқани топишга имкон беради.

Шундай қилиб, этимология — бу, энг аввало, у ёки бу сўзни унинг бошқа сўзга муносабатини аниқлаш ёрдамида тушунтиришдир. Тушунтириш — маълум элементга олиб келиб тақамок бўлса, тилшуносликда сўзни тушунтириш уни бошқа сўзларга олиб бориб,



Умумий тилшунослик курси ~~~~~ Фердинанд дў Соссюр  
олиб келиб тақамокдир, чунки талаффуз билан маъно орасида  
зарурий муносабат йўқ (белгининг ихтиёрийлиги тамойили; 1-  
қисмнинг 1-боби 2-§ига қаранг).

Этимология айрим сўзларни тушунтириш билан қоникмайди. У  
қардош сўзлар гуруҳлари тарихи билан ҳам, форман (аффикс,  
кўшимчалар), префикс, суффикс ва б. ҳам шуғулланади.

Статик ва эволюцион тилшунослик каби этимология ҳам  
далилларни ўрганади, лекин бу ўрганиш мунтазам (системали) эмас,  
чунки у муайян йўналишда олиб борилмайди. Этимология тадқиқот  
предмети сифатида бирор сўзни олиб, уни тушунтириш учун гоҳ  
фонология, гоҳ морфология, гоҳ семантика, гоҳ бошқа фанлардан  
маълумотлар тўплайди. Мақсадга эришиш учун у тилшуносликда  
мавжуд барча воситалардан фойдаланади, бироқ ўзи бажаришга тўғри  
келадиган амалиётлар характерини аниқлашга эътибор қаратмайди.



# ТЎРТИНЧИ ҚИСМ. ДИАХРОН ТИЛШУНОСЛИК

## І боб.

### ТИЛЛАРНИНГ РАНГ- БАРАНГЛИГИ ҲАҚИДА

Макондаги тил масаласига ўтиш билан ички тилшуносликни тарқатамиз ва кўлами ҳамда ранг-баранглиги биз томондан «Кириш»нинг бешинчи бобида кўрсатиб берилган ташқи тилшуносликка ўтамиз.

Тиллар ўрганилаётганда бизни, энг аввало, уларнинг хилма-хиллиги, турли мамлакат ва ҳатто бир мамлакат ҳудудлари орасида кўзга ташланиб турадиган лисоний тафовутлар лол қолдиради. Замондаги тафовутлар, кўпинча, тадқиқотчи эътиборидан четда қолгани ҳолда макондаги тафовутлар ҳамманинг ва ҳар кимнинг кўзига ташланиб туради: уларни чет тилли қабилалар билан алоқага киришганда ҳатто ёввойи одамлар ҳам сезади. Халқ айнан шундай киёслашлар натижасида ўз тилини англай бошлайди.

Йўл-йўлакай қайд этиб ўтиш лозимки, тилни англаш ибтидоий халқларда тил қандайдир кўникма ёки ўзи билан қурол олиб юриш каби одат деган тасаввур уйғотади. Тил маъносини ифодаловчи французча *idiome* сўзи тил маълум ижтимоий жамоанинг ўзига хос хусусиятлари ифодаси сифатидаги характерини кўнгилдагидек очиб беради (юнонча *idiome* нинг ўзи ҳам «ўзгача одат» маъносини англатади). Бу тўғри, аммо тил халқнинг эмас, балки ирқнинг белгиси (масалан: тери ранги, ёш, бош суягининг тузилиши каби) сифатида қаралса, бу фикр нотўғри бўлар эди.

Яна шуни ҳам қўшимча қилиш мумкинки, ҳар бир халқ ўз тилининг устунлигига қаттиқ ишонади. Бошқа тилларда сўзлашувчи халқлар, кўпинча, умуман сўзлашишга лаёқатсиз деб қаралади. Масалан, юнонча «*bárbaros*» «ваҳший», «нодон», «юнон эмас» сўзи, афтидан, дастлаб «соқов» маъносини ифодалаган ва худди шундай маъноли латинча *balbus* сўзига яқин (қариндош) бўлган. Рус тилида герман халқи вакиллари нисбатлари, яъни «соқовлар» деб аташади.

Тилшунослик қайд этган нарса, энг аввало, тилларнинг жуғрофий нуқтаи назардан ранг-баранглигидир. Бу юнонларда илмий тадқиқотларнинг дастлабки йўналишини белгилаб берди. Тўғри, юнонлар турли эллин шевалари орасидаги тафовутларга эътибор қаратганлар. Бу ҳолат уларнинг қизикишлари Юнонистон доирасидан чиқмаганлиги билан изоҳланади.

Қандайдир икки шевани қайд этиш билан биз ғайририхтиёрий тарзда уларда муштарак хусусиятлар мавжудлигини сеза бошлаймиз. Дехқонлар ўз лаҳжаларини бажонидил кўшни кишлоқ шевалари билан қиёслайдилар. Бир неча тилда сўзлашувчи кишилар эса улар орасидаги ўхшашликларга эътибор қиладилар. Шу билан бирга, фан бундай кузатишларни истемолга олиб киргунга қадар кўп вақт ўтганлигини ҳам қайд этиш шоёндиққат. Масалан, юнонлар лотин ва юнон тиллари орасида жиддий фарқ борлигини билганлар, аммо бундан тилшунослик учун ҳеч қандай хулоса чиқармаганлар.

Ўхшашликнинг бу хусусиятларини илмий кузатиш айрим ҳолатларда бир ёки бир неча тил ўзаро қардошлик алоқалари билан боғланган, яъни улар умумий келиб чиқишга эга, дейишга имкон беради. Шу йўл билан яқинлашадиган тиллар гуруҳи оила деб аталади. Ҳозир тилшунослик бирин-кетин қатор оилаларни аниқлади. Булар ҳинд-европа тиллар оиласи, семит тиллар оиласи, банту тиллар оиласи ва б. Бу оилалар ҳам, ўз навбатида, бир-бири билан қиёсланиши мумкин. Натижада, баъзан янада яқин ва қадимий алоқалар кашф этилади. Угор-фин ва ҳинд-европа тиллари ҳинд-европа ва семит каби тиллар оилалари орасидаги ўхшашлик белгиларини топишга ҳаракатлар қилинган. Аммо бундай қиёслашлар тезда бартараф этиб бўлмайдиган тўсиқларга дуч келади. Ҳақиқатнамоликни исботланиши мумкин бўлган нарса билан аралаштирмаслик керак. Барча тилларнинг ялпи қардош бўлиши эҳтимолдан узоқ. Шундай бўлганда ҳам италиялик тилшунос Тромбетти ўйлаганидек, тилларда содир бўлган жуда катта микдордаги ўзгаришлар туфайли буни исботлашнинг иложи бўлмаган бўларди.

Шундай қилиб, қардош тиллар орасида тафовут билан бир қаторда уларнинг қардошлигини аниқлашга ёки исботлашга имкон бермайдиган мутлақ тафовутлар ҳам бор. У ҳолатда ҳам, бу ҳолатда ҳам қўллаш мумкин бўлган метод қанақа ўзи? Ҳозиргина айтганимиздек, бир-бирига яқинлаштириб бўлмайдиган тиллар ҳам, тил оилалари ҳам кўп. Ҳинд-европа тилларига нисбатан хитой тили

бунинг яққол далилидар. Бу мазкур ҳолатда тилларни қиёслашдан бағамом воз кечиш дегани эмас. Доимо қиёслаш мумкин ва қиёслаш ҳаминша фойдали. У фикрнинг грамматик тузилиши ҳамда унинг умумий турларига ҳам, товушлар системасига ҳам тааллуқли бўлиши мумкин. Худди шунингдек, диахрон характердаги далилларни ҳам, икки тилнинг фонетик эволюцияси ва бошқаларни ҳам қиёслаш мумкин. Аммо бу борадаги имкониятлар гарчи миқдоран беҳисоб бўлса-да, ҳар бир тил қурилишини белгиловчи фонетик ва психик характердаги доимо кузатилиб турадиган айрим далиллар билан чекланган. Ва, аксинча, ана шу доимий далилларни излаб топиш ўзаро яқин бўлмаган тилларни қиёслашнинг асосий мақсадидир.

Алоҳида олинган тил оиласи ичида кузатиладиган бошқа характердаги тафовутларга келсак, таъкидлаш жоизки, улар қиёслаш учун чекланмаган имкониятлар беради. Икки тил ўзаро турли жиҳатлари билан фарқланиши мумкин. Улар, масалан, авесто ва санскрит тиллари каби кишини ҳайратлантирадиган даражада ўхшаш ёки санскрит ва ирланд тиллари каби мутлақо ноўхшаш бўлиши мумкин. Турли-туман оралик ҳолатлар ҳам кузатилади: юнон ва лотин тиллари санскрит ва бошқа тилларга қараганда бир-бирига анча яқин. Ўзаро кам даражада фарқланадиган лаҳжалар диалектлар (шевалар) дейилади. Бироқ бу терминни ҳаддан ташқари қатъий маънода қўлламаслик керак. Диалект ва тил орасида қуйида баён қилинганидек (4-қисмнинг 3-бобидаги 4-§га қаранг) сифатий эмас, балки миқдорий тафовут мавжуд.



## II боб. ТИЛЛАРНИНГ РАНГ-БАРАНГЛИГИ БИЛАН БОГЛИҚ ҚИЙИНЧИЛИКЛАР

### 1-§. БИР ЖОЙДА БИР НЕЧА ТИЛНИНГ МАВЖУД БЎЛИШИ

Ҳозиргача биз тилларнинг жўғрофий ранг-баранглигини бенуқсон (идеал) кўринишда қараб чиқдик. Қанча ҳудуд бўлса, шунча тил ҳам бўлади. Биз шундай йўл тутишга ҳақли эдик, чунки жўғрофий бўлиниш тиллар ранг-баранглигининг энг умумий омили ҳисобланади. Энди шу мувозанатни бузувчи ва бир ҳудудда бир неча тилнинг бир пайтда мавжуд бўлишига олиб келувчи иккиламчи ҳодисаларга ўтамиз.

Гап икки тилнинг бир-бирига ўтиб туриши ҳақида эмас, балки уларнинг амалда, табиий равишда аралашиб кетиши ҳақида бормоқда (нормандлар истилосидан кейинги инглиз тилини кўз олдингизга келтиринг). Шунингдек, гап ҳудуддан қатъий чегараланган ва, масалан, Швейцария каби бир давлат доирасида амал қиладиган бир неча тил ҳақида ҳам эмас, биз фақат айнан бир жойда бир-бири билан кўшилиб кетмасдан, ёнма-ён амал қиладиган икки тил билан боғлиқ ҳолатларни кўриб чиқамиз. Бундай ҳолатлар кўп учрайди ва бу ерда икки ҳодисани ўзаро фарқлаш керак.

Энг аввало, келгинди аҳоли тили ерли аҳоли тили устига келиб кўшилиши мумкин. Масалан, Жанубий Африкада кўплаб ерли аҳоли тиллари билан бир қаторда биз кетма-кет содир бўлган икки колонизация (мустамлакага айлантириш) натижасида пайдо бўлган ҳолланд ва инглиз тилларига дуч келамиз, испан тили ҳам Мексикада худди шу тартибда ўрнашиб олган эди. Бундай лисоний тажовуз фақат бизнинг давр учун хос деб ўйламаслик керак. Халқларнинг кўшилиб кетмаган ҳолда, тилларнинг аралашиб кетиши ҳамма даврларда ҳам кузатилган. Бунга ишонч ҳосил қилиш учун Европанинг ҳозирги харитасига кўз югуртиришнинг ўзи кифоя. Ирландияда кельт ва инглиз тилларида гаплашилади; кўплаб ирландлар иккала тилни ҳам билишади. Бретанда бретон ва француз тиллари кенг тарқалган; басклар вилоятида француз тили ёки баск тили билан бир қаторда испан тилидан ҳам фойдаланишади.

Финляндияда ҳозиргача швед тили билан баск тили ёнма-ён амал қилади. Энг кейинги даврда уларга рус тили ҳам келиб қўшилди; Курландия ва Лифляндияда латиш, немис ва рус тилларида сўзлашилади, аммо бу ерларга ўрта асрларда Ганза фаолияти билан боғлиқ ҳолда келиб қолган мустамлакачилар томонидан олиб келинган немис тили аҳолининг маълум қатлами орасида тарқалган. Литвада литва тили билан бир қаторда поляк тили (бу мамлакатнинг Польша билан аввалги иттифоқи натижасида) ва рус тили (унинг Россия империяси таркибига кириши натижасида) ўрнашиб олди. XVIII асргача Эльба дарёси соҳилларидан бошлаб Германиянинг бутун шарқий қисмида славянча ва немисча сўзлашганлар. Айрим мамлакатларда тилларнинг қўшилиб кетиши янада жиддий тус олган. Масалан, Македонияда жойлашган ҳудуд билан боғлиқ ҳолда турли даражада аралашиб кетган ҳар хил — турк, болгар, серб, юнон, албан, румин ва б. тиллар учрайди.

Тиллар ҳамиша ҳам мутлақ маънода аралашиб кетавермайди. Тилларнинг муайян вилоятда ёнма-ён амал қилиши уларнинг ҳудудий чегараланиши мумкинлигини инкор этмайди. Масалан, икки тилдан бири шаҳарларда, бошқаси қишлоқ жойларда тарқалган ҳолатлар ҳам бор, бироқ бундай ҳолат доимо ҳам аниқ кўзга ташланиб туравермайди.

Ўтмишда ҳам шундай манзара кузатилган. Агар қўл остимизда Рим империясининг харитаси бўлганда унда ҳозирги давр ҳодисаларига жуда ўхшаш нарсаларни кўрган бўлардик. Масалан, Кампаньёда Рим империясининг охириги йилларида қуйидаги тилларда сўзлашганлар: оск тили (Помпей ёзувларининг гувоҳлик беришича), юнон тили (бу тилда Неополь ва бошқа шаҳарларга асос солган мустамлакачилар гаплашган), лотин тили ва ҳатто римликлар келгунларига қадар бу вилоятда этруск тили устувор бўлган. Карфагенда пуниклар (ҳозирги финикияликлар) тили лотин тили билан ёнма-ён амал қилган (у араблар истилоси даврида ҳам қайд этилган). Карфаген ҳудудининг бир қисмида, шубҳасиз, нумидий тилида гаплашилгани ҳақида гапирмаса ҳам бўлади. Ҳатто, ўтмишда Оқ денгиз (Ўрта ер денгизи) соҳилида бир тилда сўзлашадиган мамлакатлар бўлмаган, дейиш учун ҳам асослар бор.

Аксарият ҳолатларда тилларнинг бир-бири устига келиб қўшилиши истилочиларнинг бостириб кириши ҳамда кўчманчи қабилаларнинг кўчиб юришлари оқибати ўлароқ содир бўлади. Мисол сифатида, асосан, Хунгарияда ўтириб қолган лўлиларни кўрсатиш

Умумий тилшунослик курси ~~~~~ Фердинанд дў Сосюр  
мумкин. Бу ерда улар бутун бошли қишлоқлар аҳолисини ташқин  
этади; лўлиларнинг тилини ўрганиш қачонлардир улар Ҳиндистондан  
келган бўлиши кераклигини кўрсатади. Дабружда, Дунай дарёси  
этагида шу вилоятнинг лисоний харитасида кичик холчалар (доғчалар)  
билан қайд этилган татар қишлоқлари ҳам кўзга ташланиб қолади.



## 2-§. АДАБИЙ ТИЛ ВА ШЕВА

Бу ҳали ҳаммаси эмас: тилнинг яхлитлиги адабий тилнинг шевага  
ўтказган таъсири натижасида ҳам бузилиши мумкин. Бу халқ  
маданият ривожидида муайян даражага етишган барча ҳолатларда  
муқаррар равишда содир бўлади. «Адабий тил» деганда биз нафақат  
адабиёт тилини, балки нисбатан умумий маънода бутун ижимоий  
жамоага хизмат қилувчи, давлат тили бўлиш-бўлмаслигидан қатъий  
назар, ишлов берилган тилни тушунамиз. Ўз ҳолича ташлаб қўйилган  
тил шеваларга бўлиниб кетиш ҳолатида бўлади, уларнинг бирортаси  
ҳам бошқасининг худудига ўтмайди. Бундай ҳолатларда ҳам у чексиз  
даражада парчаланиб кетишга маҳкум. Бирок тамаддун ривожланган  
сари кишилараро мулоқот кучаяди. Мавжуд шевалардан бири ўзига  
хос тарзда, индамасдан рози бўлиш (сукут-аломати ризо) натижасида  
бутун халқ учун кизиқарли бўлган барча нарсаларни узатиш воситаси  
ролини бажара бошлайди. Нега айнан шу шеванинг танлангани  
сабаблари жуда ранг-баранг: бир хил ҳолатларда маданий жиҳатдан  
жуда ривожланган вилоят шеваси афзал кўрилса, бошқа ҳолатларда  
сийсий ҳукмронлик амалга ошириладиган ва марказий ҳокимият  
жойлашган вилоят шеваси афзал кўрилади. Сарой ўз тилини халққа  
мажбуран қабул қилдирадиган ҳолатлар ҳам учрайди. Имтиёзга эга  
бўлган шева расмий ва умумий тил мақомига кўтарилгач, камдан-кам  
ҳолатлардагина аввалги мақомини сақлаб қолади. Энди унга бошқа  
вилоят шевалари кириб кела бошлайди, у мураккаблашгандан  
мураккаблашиб боради, шу билан бирга, ўзининг дастлабки  
хусусиятларини ҳам йўқотмайди; масалан, француз адабий тилида  
Иль-дў-Франс шевасини, умумитальян тилида эса тоскан шевасини  
осонгина пайқаш мумкин. Ҳар ҳолда, адабий тил бутун худудда  
дарров ғалаба қилмаслиги аниқ. Шунинг учун аҳолининг катта қисми  
айни пайтда умумий тилда ҳам, шевада ҳам гаплашиб, икки тили  
бўлиб қолаверади. Бундай ҳолат Франциянинг кўплаб вилоятлари,  
масалан, Савойяда ҳозиргача кузатилади; бу ерга француз тили  
четдан олиб кирилган ва ерли аҳоли шевасини батамом сиқиб

Умумий тилшунослик курси ~~~~~ Фердинанд дў Сосюр  
чиқармаган. Шунга ўхшаш ҳодиса Германия ва Италияда ҳам кўзга  
ташланади. Бу ерларда расмий тиллар билан бир қаторда шевалар ҳам  
асосланиб қолган. Бундай далиллар тамаддуни маълум даражага  
етинган барча халқларда ҳамма даврларда ҳам кузатилган.  
Юнонларнинг аттика ва ионий шеваларига бориб тақалувчи ўз  
койнеси⁶ бўлган; у билан ёнма-ён ерли аҳоли шевалари ҳам амал  
қилган. Ҳатто Бобилда ҳам вилоят шевалари билан бир қаторда расмий  
тил ҳам бўлганлигини аниқлаш мумкин. Умумий тилнинг мавжудлиги  
ёзувнинг мавжудлиги билан боғлиқ бўлиши шартми? Ҳомер  
достонлари гўё бунинг тескарисини кўрсатаётгандек; бу достонлар  
ёзув, умуман ёки деярли бўлмаган даврда пайдо бўлганига қарамасдан,  
уларнинг тилида шартлилиқ белгилари кузатилади ва адабий тилга хос  
хусусиятларни намоён этади.

Бу бобда тилга олинган далиллар шу кадар тарқалганки, уларни  
тил тарихидаги меъёрий ҳодиса сифатида баҳолаш мумкин. Аммо  
ушбу ишда биз тилларнинг табиий жўғрофий ранг-баранглигини  
тўсувчи барча нарсадан чекинамиз ва бошқа тилнинг кириб келиши  
ёки адабий тилнинг пайдо бўлиши масаласини бир четга суриб қўйиб,  
бутун эътиборимизни асосий феноменга (фавкулудда ҳодисага)  
қаратамиз. Умумий тарздаги бундай соддалаштириш гўё воқеликка  
зиддек кўринса-да, табиий далил, энг аввало, соф кўринишда  
ўрганилиши керак.

Ўзимиз томонимиздан қабул қилинган тамойилга асосланиб,  
масалан, тилшунослик нуқтаи назардан Брюссель германлар шаҳри,  
чунки у Бельгиянинг фламандлар яшайдиган қисмида жойлашган;  
унда француз тилида гаплашилади, лекин бизни фақат фламанд ва  
валлон лисоний ҳудудлар орасидаги чегара чизиқлари кизиқтиради.  
Бошқа томондан, ўша нуқтаи назардан Льеж тилшунослик жиҳатидан  
романлар шаҳри, чунки у Валлон ҳудудида жойлашган. Бу ерда  
француз тили чет тил ҳисобланади, чунки у ўзига қардош шевага  
келиб қўшилган. Худди шунингдек, Брест тилшунослик нуқтаи  
назаридан Бретон ҳудудига қарашли; бу ерда амал қиладиган француз  
тили Бретоннинг шеваси билан ҳеч қандай умумийликка эга эмас;  
фақат юқори немис нутқи эшитиладиган Берлинни биз куйи немис  
ҳудудига киритамиз ва б.



⁶ Койне [юн. koinḗ ≤ koinḗ dialektos – умумий шева] – қатор қардош шеваларнинг қўшилиб кетиши натижасида ҳосил  
булган умумий тил – Таржумон.




## III боб. ТИЛЛАРНИНГ ЖУҒРОФИЙ РАНГ- БАРАНГЛИГИ САБАБЛАРИ

### 1-§. ВАҚТ — МУҲИМ САБАБ


Тилларнинг мутлақ ранг-баранглиги (4-қисмнинг 1-бобидаги 1-§га қаранг) жуда мавҳум муаммони келтириб чиқаради. Қардош тилларнинг ранг-баранглиги эса, аксинча, бизни аниқ кузатишлар оламига олиб киради. Масалан, француз ва провансаль тиллари Галлиянинг шнмоли ва жанубида турлича ривожланган халқ лотинидан келиб чиққан. Уларнинг келиб чиқиши умумийлиги моддий жиҳатдан ўз тасдиғини топади.

Вазиятнинг аслида қандай бўлганлигини аниқлаш учун соф назарий, имкон борича, маконда лисоний тавофутланишнинг асосий сабабини аниқлашга имкон берувчи оддий ҳолатни кўз олдимизга келтирамиз ва агар ёпиқ ҳудудда, масалан кичикроқ оролда тарқалган қандайдир тил томонидан худди шундай ёпиқ бошқа нуқтага, яъни бошқа оролга кўчирилса, нима содир бўлиши керак, деб ўзимиздан сўраймиз. Маълум вақт ўтгандан кейин биринчи  $F$  ҳудуд тили билан иккинчи  $F^I$  ҳудуд тили орасида луғат, грамматика, талаффуз ва б. соҳаларда турлича тафовутлар пайдо бўлганлигини кўрамиз. Фақат мустамлакачиларнинг  $F^I$  ҳудудда лаҳжаси ўзгаришларга дуч келади,  $F$  ҳудуддаги лаҳжа эса, умуман, умуман ўзгармайди деб ўйлаш нотўғри. Бунинг тескарсини ҳам батамом инкор этмаслик керак. Сирасини айтганда, ўзгаришлар гоҳ бу ерда, гоҳ у ерда ёки ҳатто иккала ҳудудда ҳам бир пайтда содир бўлиб туриши мумкин. Ҳар қандай тил ҳодисаси, масалан,  $a$  товуши бошқа товуш, мисол учун  $b$ ,  $c$ ,  $d$  ва б., билан алмашиниши мумкинлиги боис, фарқланиш уч ҳар хил усул ёрдамида содир бўлиши мумкин:



Демак, ўзгаришлар тадқиқи бир ёқлама бўлмаслиги керак; тилшунос учун ҳам бир тилдаги, ҳам бошқа тилдаги янгиликлар бирдек муҳим. Бу тафовутланиш қандай содир бўлади? Бунга фақат макон айбдор деб ўйлаш хато бўлар эди. Макон тилга ўзича ҳеч қандай таъсир кўрсата олмайди.  $F$  дан сузиб ўтган мустамлакачилар  $F'$  да пайдо бўлган куннинг эртаси айнан кеча сўзлашган тилда гаплашганлар. Одатда, биз вақт омилини унутиб қўямиз, чунки у макон омилига қараганда унчалик аниқ эмас. Аслида тиллараро тафовутланиш вақт билан белгиланади, шунинг учун жуғрофий тафовутлар вақт тафовутлари билан алмаштирилиши керак.

Агар  $b \rightarrow c$  га,  $c \rightarrow b$  га ўтмаган бўлса,  $b$  ва  $c$  нинг бизнинг чизмамизда қайд этилган ҳар хил белгилари қандай пайдо бўлган? Бир хилликдан ҳар хиллик томон борадиган йўлни топиш учун  $b$  ва  $c$  билан алмаштирилган бошланғич шаклга қайтиш керак, чунки  $a$  шакл ўз ўрнини кейинги шаклларга бўшатиб берган. Бинобарин, жуғрофий тафовутланишнинг барча ўхшаш ҳолатлар учун яроқли чизмаси қуйидаги кўриниш касб этади:



Икки лаҳжанинг жуғрофий нуқтаи назардан ўзаро ажралиб қолиши лисоний тафовутнинг кўзга ташланиб турган шакли бўлса-да, бироқ бунинг сабабини тушунтириб бера олмайди. Маконда ҳатто энг кичик маконда узилиш бўлмаганда мазкур тил, шубҳасиз, бошқасидан фарқ қилмаган бўларди, бироқ узилиш ўзича тафовутларни келтириб чиқармайди. Фақат юзага қараб ҳажм ҳақида хулоса чиқариб бўлмагани каби (демак, учинчи омил — чуқурликни ҳам жалб этиш керак) жуғрофий тафовутланиш чизмаси ҳам фақат вақтга асослангандагина тўлиқ бўлади.

Муҳит, иқлим, ландшафт халқлар (масалан, тоғлик қабилалар билан денгиз бўйи аҳолисининг бир-бирига мос келмайдиган) урф-одатларининг ранг-баранглиги тилга таъсир қилиши ва тафовутлар жуғрофий жиҳатдан боғланган бўлади-ку, дея эътироз билдиришлари мумкин. Бироқ бу таъсирлар мунозарали (3-қисмнинг 2-бобидаги 4-§га қаранг), улар исботланганда ҳам, қуйидаги муҳим фарқни унутмаслик керак: ҳаракат йўналишини, эхтимол, муҳит таъсирига киритиш мумкиндир. Умуман, ҳаракат йўналиши алоҳида олинган

Умумий тилшунослик курси ~~~~~ Фердинанд дў Сосюр  
 ҳар бир ҳолатда амал килувчи, аммо аниқлаб бўлмайдиган сабаблар билан белгиланади. Маълум пайтда ва маълум муҳитда *и* товуши *й* га ўтади; бироқ нега у айнан шу вақтда ва шу муҳитда ўзгарган ёки масалан, *о* га эмас *й* га ўтган? Бу саволга жавоб беришнинг иложи йўқ. Аммо ўзгаришнинг ўзн, йўналиши ва ўзига хос намоён бўлишлари, бошқача айтганда, тилнинг беқарорлиги эътибордан соқит қилинса, фақат вақтнинг таъсири билан белгиланади.

Бинобарин, жуғрофий ранг-баранглик умумий ҳодисанинг фақат иккиламчи томонини ташкил қилади. Қардош тилларнинг бирлиги (бир хил эканлиги) фақат замонда намоён бўлади. Компаративист (тил далилларини киёслаб ўрганувчи киши), агар хавфли иллюзия [пуч (хом) ҳаёл]ларнинг қурбони бўлишни истамаса, бу тамойилни миясига чуқур сингдириб олиши лозим.




## 2-§. УЗЛУКСИЗ ХУДУДДА ВАҚТНИНГ ТАЪСИРИ

Энди бир тилли, яъни ҳамма жойда бир тилда сўзлашувчи, масалан, эр. авв. 450 йиллар атрофида Галлия каби аҳолиси ўтроқ бўлган, лотин тили чуқур илдиз отган мамлакатни олиб қарайлик. Бундай ҳолатда тилда нималар содир бўлиши керак?

1. Тилнинг мутлақ беқарорлиги бўлмагани боис (1-қисмнинг 1-бобидаги 3-§га қаранг), маълум вақт ўтгандан кейин мазкур тил айнан ўзига ўхшаш бўлмай қолади.


2. Эволюция бутун ҳудуд бўйлаб бир хил кечмайди ва жойлашган ҳудудига қараб ўзгаради; тилнинг ўзи тарқалган ҳамма жойда бир хил ўзгаргани қайд этилган бирорта ҳолат ҳам йўқ. Бинобарин, чап томондаги чизма эмас, балки ўнг томондаги чизма ҳақиқатга тўғри келади:



Пировард натижада шеваларга хос турли-туман шаклларнинг пайдо бўлишига олиб келадиган ранг-баранглик қаердан бошланади ва қандай ривожланади? Бу саволга жавоб бир қарапда унча ҳам оғир эмас. Мазкур ходиса икки асосий хусусиятга эга:

1. Эволюция табиатини (фонетик, лексик, морфологик, синтактик ва б. далилларга) асосланиб, санаш, тавсифлаш ҳамда таснифлаш кийин бўлмаган айрим фактлар таркиб топган изчил ва қатъий белгиланган инновация (янгилик, ўзгариш)лар кўринишида амалга ошади.

2. Бу инновацияларнинг ҳар бири маълум жойда юзага келади: улар ўзининг тарқалиш ҳудудига эга. Инновация қамраб олган минтақа ё тил тарқалган бутун ҳудудни қамраб олади ва бу ҳолатда шеваларга хос тафовутлар пайдо бўлмайди (бу энг кам учрайдиган ҳолатлар) ёки тил тарқалган ҳудуднинг бир қисмини ўз ичига олади (бу ҳолат, одатда, кўп учрайди ва ҳар бир шева ўз ҳудудига эга бўлади. Товушлар тарихидан олинган қуйидаги мисоллар нафақат товуш ўзгаришларига, балки колган барча ўзгаришларга нисбатан ҳам тегишли. Агар, масалан, ҳудуднинг бир қисмида *a e* га ўтган бўлса, худди шу ҳудудда *s z* га ўтган, аммо бошқа чегаралар (чизмаларга қаранг):



Табиий равишда ривожланаётган мазкур тилнинг тарқалиш ҳудудидagi шеваларининг ранг-баранглиги у ёки бу ходисанинг тарқалиши махсус минтақаларнинг мавжудлиги билан изоҳланади. Бу ўзгаришлардан униси ёки бунисининг тарқалиш минтақасини олдиндан кўриб бўлмайди. Ҳеч нарса бу минтақаларнинг ҳажмини олдиндан аниқлашга имкон бермайди, шунинг учун фақат уларнинг мавжудлигини қайд этиш мумкин холос. Харитада ўзаро кесишган чегаралар бир-бирининг устига тушиб, жуда мураккаб бирикмаларни келтириб чиқаради. Уларнинг ташқи қиёфалари баъзан жуда ғаройиб кўринади. Масалан, лотин тилида *a* дан олдин келган *s* ва *g* Франциянинг бутун жанубида дастлаб *ts*, *dʒ* га, кейин *s*, *ʒ* га ўтади (қиёсланг: *cantum* «қуйлаш» тушум келишиги → *cant* «қуйлаш», *vig* га

Умумий тилшунослик курси ~~~~~ Фердинанд дў Сосюр «хипчин», «новда» → *verge* «хипчин», «новда»). Пикардия ва Нормандиянинг бир қисми бундан мустасно, чунки бу ерда *c, g* ўзгармасдан қолди (*chat* «мушук» ўрнида пикардча *cat, réchappé* «омон қолган» ўрнида яқинда француз адабий тилига кириб келган *rescapé*, юкорида келтирилган *Virga* дан *Vergue* ва бошқаларни қиёсланг).


Бу ҳодисаларнинг барчаси натижасида нима юз бериши керак? Агар маълум бир вақтда бутун А ҳудудда айнан бир тил устувор бўлса, беш-ўн аср ўтгандан кейин унинг икки қутбий нуқтадаги аҳолиси, эҳтимол, бир-бирини тушунмас; бошқа томондан, бу нуқталардан бирининг аҳолиси ўзига туташ жойларнинг шеваларини аввалгидек тушунаверади. Агар сайёҳ бу мамлакатнинг бошидан охиригача кезиб, бир ҳудуддан иккинчисига ўтганда мазкур тил шеваларидаги энг арзимас тафовутларни ҳам сезади, лекин сайёҳ олға боргани сайин бу тафовутлар катталашиб боради ва охир-оқибат у ушбу мамлакат, яъни ҳудуд аҳолиси тушунмайдиган тилга дуч келади. Агар А ҳудуднинг маълум бир нуқтасидан турли йўналишлар бўйлаб жўнаб кетилса, шу йўналишларнинг ҳар бирида, гарчи турлича бўлса-да, тафовутлар миқдори ортиб боради.

Бирор қишлоқ шевасида аниқланган хусусиятлар ёнма-ён жойлашган ҳудудларда такрорланиши мумкин, бироқ уларнинг ҳар бири қандай чегараларда тарқалганлигини олдиндан айтиб бўлмайди. Масалан, Юқори Савойянинг Дувен деган қишлоқчасида Женева шаҳрининг номи *denva* тарзида талаффуз қилинади. Бундай талаффуз шарқдан жанубгача бўлган узоқ ҳудудларда чўзилиб кетган. Аммо Женева қўлининг бошқа соҳилида шу шаҳар *dzenia* тарзида талаффуз қилинади. Ҳолбуки, гап бир-биридан кескин чегараланган шевалар ҳақида кетмаяпти, чунки чегаралар бошқа ҳодисаларга нисбатан бошқача бўлиб чиқади. Масалан, Дувенда *deux* 'икки' сони *daue* сифатида талаффуз қилинади, лекин бу талаффуз *denva* га караганда жуда кичик ҳудудда тарқалган. У ердан бир неча чақирим нарида, Салев (тоғлари) этагида *due* дейишади.



### 3-§. ШЕВАЛАРДА ТАБИИЙ ЧЕГАРА ЙЎҚ

Шевалар ҳақидаги анъанавий тасаввур мутлақо бошқача. Улар ўзаро қатъий ажралиб турадиган ва харитада *a, b, c, d* каби туташ ҳудудларни эгаллаган тил турлари сифатида тасаввур қилинади.



Аслида шеваларга хос табиий ўзгаришлар бизни бутунлай бошқача манзарага олиб келади. Фан ҳар бир тил ҳодисасини ўзига хос факт сифатида ўрганишга ва у тарқалган ҳудудни аниқлашга киришгани ҳамона, эски тасаввурни янги тасаввур билан алмаштириш зарурияти пайдо бўлади: шеваларга хос белги-аломатлар бор, бироқ табиий шевалар йўқ ёки, аниқроғи, қанча юрт (тор маънода) бўлса, шунча шева бор.


Шундай қилиб, табиий шева ҳақидаги тасаввур аслида муайян даражада йирик ҳудуд ҳақидаги тасаввурга сиғмайди. Иккисидан бири, ё биз шевани фарқловчи белгилар йиғиндиси сифатида таърифлаймиз ва у ҳолда харитада бир нуқта билан чегараланишга, шевани бир аҳоли пунктига тенг бирлик деб ҳисоблашга тўғри келади, чунки ундан узоклашганимиз сари белги-аломатларнинг ўша йиғиндисини бошқа учратмаймиз ёки шевани бирор белги бўйича ўрганамиз. Бу ҳолда мазкур лисоний ҳодисада, табиий равишда, қандайдир ёйилиш ҳудуди ҳосил бўлади. Бироқ бундай усулнинг жуда сунъий эканлиги ва унинг асосида ўтказиладиган чегаралар шевага хос воқелик эмаслигини кўрсатиб ўтиришга ҳожат бўлмаса керак.

Шевага хос хусусиятларни ўрганиш устида олиб борилган тадқиқотлар лингвистик картографияга доир ишлар учун бошланғич нуқта вазифасини ўтайди. Жильерон томонидан тузилган «Франциянинг лингвистик атласи» («*Atlas linguistique de la France*») бу соҳадаги энг намунали харитадир. Шунингдек, Венкернинг олмонча атласини ҳам эслатиш ўринлидир. Атласнинг шакли бунга кўпроқ мос, чунки мамлакатни вилоятма-вилоят ўрганишга тўғри келади. Уларнинг ҳар бири учун алоҳида тузилган харита диалектал белгиларнинг фақат кичик бир миқдоринигина қамраб олиши мумкин. Айнан бир вилоятда йиғилиб қолган фонетик, лексик, морфологик ва бошқа хусусиятлар ҳақида тасаввур бера олиши учун у харитада кўп марта акс этган бўлиши керак. Бундай тадқиқотлар бутун бошли ташкилотларнинг саволномалар асосида доимий кузатишлар олиб боришни, жойларда фаолият кўрсатаётган ходимлар

Умумий тилшунослик курси ~~~~~ Фердинанд дў Соссюр  
 (корреспондентлар) кўмаги ва шу кабиларни талаб қилади. Ўрни  
 келганда, Швейцариядаги роман тиллари шевалари ўрганиб  
 чиқилганлигини эслатиш лозим. Лингвистик атласларнинг  
 афзалликларидан бири шундаки, улар диалектологик тадқиқотлар  
 учун материал беради. Яқинда пайдо бўлган кўшлаб монографиялар  
 Жильероннинг атласи асосида ёзилган.

Шевага хос белги-аломатлар чегаралари «изоглоссалар  
 чизиқлари» ёки «изоглоссалар» деб аталади. Бу термин «изотерма»  
 сўзига монанд яратилди, бироқ у ноаниқ ва мужмал, чунки моҳиятан  
 «бир хил тилли» деган маънони англатади. Агар глоссема термини  
 «мазкур тил ёки шева учун характерли белги» маъносида қабул  
 қилинса, у ҳолда изоглоссематик чизиқлар термини ҳақида гапириш  
 мумкин бўлади. Бироқ бу терминнинг ҳам яроқли бўлиши дарғумон  
 эканлиги боис биз кейинчалик инновация тўлқинлари терминини  
 кўллаймиз ва бунда И.Шмидт томонидан муомалага киритилган  
 тимсолдан фойдаланамиз (Бу ҳақда кейинги бобда ҳам гапирилади).

Лингвистик атласга назар ташласак, баъзан шу тўлқинлардан  
 икки ёки учтасининг ўзаро деярли мос келишини, баъзан эса, умуман,  
 бирикиб кетганлигини кўрамиз (чизмага қаранг):



Йўл-йўл чизиқлар билан ажратилган *A* ва *B* нуқталарда  
 тафовутларнинг қандайдир йиғиндиси кўзга ташланади. Бу ҳолат  
 бизга ўзаро аниқ фарқланиб турган икки шева ҳақида гапириш  
 имконини беради. Бу ўхшашликлар жузъий характерда бўлмаслиги  
 ҳам мумкин: улар икки ёки ундан ортиқ майдоннинг ҳамма жойида  
 кузатилади (чизмага қаранг).



Бундай ўхшашликлар жуда кўп микдорда тўпланиб колганда шева ҳақидаги илк таассуротни гапириш мумкин бўлади. Улар ижтимоий, сиёсий, диний ва бошқа омиллар билан изоҳланади. Биз ҳозир бу омиллар билан шуғулланмаймиз. Чунки улар алоҳида олинган вилоятларда кузатиладиган азалий ва табиий ҳодиса бўлмиш лисоний тафовутланишни ҳеч қачон батамом бартараф этолмайди ва бизнинг бу борадаги ишларимизга тўсиқ бўлади холос.



#### 4-§. ТИЛЛАРДА ТАБИЙ ЧЕГАРА ЙЎҚ

Тил билан шева орасида қандай фарқ борлигини аниқлаш қийин. Кўпинча, шевани тил деб ҳам аташади, чунки унда ҳам адабиёт бор; португал ва голланд тиллари шу томони билан характерланади. Бунда кишиларнинг ўзаро бир-бирларини тушунишлари ҳам муайян роль ўйнайди. Бир-бирини тушунмайдиган кишилар ҳақида гап кетганда, айтиш жоизки, улар турли тилларда сўзлашади, дейиш табиийроқ чиқади. Қандай бўлмасин, туташ ҳудудда ўтроқ аҳоли орасида таркиб топган тиллар шеваларга хос ҳодисаларни намоён этади, фақат каттароқ микёсда; биз уларда ҳам шундай тўлқинларни учратамиз, аммо бу тўлқинлар бир неча тил учун умумий бўлган ҳудудни камраб олган бўлади.

Тасаввурдаги идеал шароитда ҳам шевалар орасида чегара ўтказиш қанчалик қийин бўлса, қардош тилларни чегаралаш ҳам шунчалик қийин. Ҳудуднинг катта ёки кичиклиги роль ўйнамайди. Юқори олмон шевасининг қаерда тугаши-ю, куйи олмон шевасининг қаердан бошланиши ҳақида гапириш мумкин бўлмаганидек, голланд ва олмон, француз ва итальян тиллари орасида ҳам чегара чизигини ўтказиш имконсиз кўринади. Албатта, агар энг охириги чегара нуқталарни оладиган бўлсак, у ҳолда, бу ерда француз тили, у ерда эса итальян тили устувор деб ишонч билан айтиш мумкин, бироқ бу энг сўнгги нуқталар ўртасидаги оралик ҳудудларга тушиб қолганимиз ҳамона тафовутлар йўқолади. Шунингдек, икки тил, масалан, француз ва итальян тиллари орасида провансаль тилидек кўприк вазифасини бажариши мумкин бўлган аҳоли зич яшайдиган кичкина нуқта ҳам воқелик бўлолмайди. Ҳақиқатан ҳам, бошдан охиригача кўз илғамас даражада бир-бирига ўтиб турадиган шевалар билан тўлиб-тошган ҳудудда лисоний



Умумий тилшунослик курси ~~~~~ Фердинанд дў Сосюр чегарани қандай қилиб ва қандай шаклда ўтказиш мумкин? Шевалар орасидаги чегаралар каби тиллар орасидаги чегаралар ҳам бир-бирига тинимсиз ўтиб турадиган ҳодисаларда ғарк бўлиб кетади. Шевалар у ёки бу тил амал қиладиган ҳудудда ўзича таркиб топган бўлинмалар бўлгани каби икки тилни ўзаро ажратиш турувчи чегаранинг ҳам шартли бўлмаслиги мумкин эмас.

Аммо бир тилдан иккинчи тилга ўтишда кескин ҳолатлар ҳам тез-тез кўзга чалиниб туради; буни ноқулай вазиятларнинг кўз илғамас ўтишлар сақланиб қолишига тўсқинлик қилиши билан изоҳлаш мумкин. Бу ердаги энг асосий омил — халқларнинг кўчиб юришларидир. Улар қадим замонлардан бошлабқ турли йўналишлар бўйлаб ўз жойларини ўзгартириб турганлар. Бу кўчиб юришлар асрлар давомида такрорланиб, барча нарсани аралаш-қуралаш қилиб юборган ва кўнлаб жойларда бир тилдан иккинчи тилга ўтган ҳодисалардан асар ҳам қолдирмаган.

Бунга ҳинд-европа тиллар оиласи характерли мисол бўла олади. Дастлабки даврларда бу тиллар ўзаро жуда яқин муносабатда бўлиши ва энг асосийларини умумий тарзда, ҳатто қайта тиклашимиз ҳам мумкин бўлган лисоний ҳудудларнинг узлуксиз занжирини ҳосил қилиш керак эди. Славян тиллари гуруҳи ўз белги-аломатларига кўра эрон ва герман тиллари гуруҳлари билан ўзаро кесишади. Бу мазкур гуруҳларнинг жуғрофий жойлашишига бемалол мос келади. Худди шунингдек, герман тиллари гуруҳига ҳам славян ва кельт тиллар гуруҳлари орасидаги боғловчи халқа сифатида қараш мумкин; кейинги гуруҳ, ўз навбатида, италий тиллар гуруҳи билан узвий боғланган. Италий тиллар гуруҳи эса кельт ва италян тиллар гуруҳлари ўртасида оралик ўринни эгаллайди. Бинобарин, бу тилларнинг жуғрофий жойлашишини билмасдан туриб ҳам, тилшунос иккаланмасдан улардан ҳар бирининг ўрнини бошқа тилларнинг ўринларига нисбатан аниқлаб бериши мумкин. Ҳолбуки, биз икки гуруҳ тиллар, масалан, герман ва славян тиллари гуруҳлари орасидаги чегарани ўргана бошлаганимиз ҳамано ҳеч қандай ўтишлар кузатилмагани ҳолда, кескин ўзгаришлар содир бўлганлигининг гувоҳи бўлашимиз: икки тил тўқнаш келади, аммо мутлақо бир-бирига ўтмайди. Бу оралик шеваларнинг йўқ бўлиб кетганлиги билан изоҳланади. На славянлар, на германлар турғун бўлиб қолдилар. Улар кўчиб юрганлар, бир-бирларининг ҳудудларини босиб олганлар. Ҳозир қўшни бўлиб яшаётган славян ва герман халқлари илгариги

Умумий тилшунослик курси ~~~~~ Фердинанд дў Соссюр  
худудларда истиқомат қилмайдилар. Калабриалик италянлар  
Франция чегараларига яқин жойларга кўчиб ўтдилар дейлик, бундай  
силжиш, ўз-ўзидан аёнки, биз ҳозир италян ва француз тиллари  
орасида кузатадиган кўз илғамас ўтишларни пучга чиқаради. Ҳинд-  
европа тиллари оиласининг тараққиётини кўплаб шундай далиллар  
билан тавсифлашлари мумкин.

Бир-бирига ўтиб турадиган ходисаларнинг хотирадан ўчиб  
кетишига ёрдам берадиган бошқа сабаблар ҳам бор. Масалан, халқ  
шевалари ҳисобидан койненинг кенг тарқалиши бунга яққол  
мисолдир (4-қисмнинг 2-бобидаги 2-§га қаранг). Ҳозирги пайтда  
француз тили (аввалги Иль дў Франс лаҳжаси) расмий тили италян  
тили (умумлашган тоскан диалекти) бўлган давлат чегарасида  
тўқнаш келади ва соф тасодиф туфайли бугун ҳам Фарбий Альп  
тоғлари этакларида учратиш мумкин бўлган қоришма шевалар  
тарзида намоён бўлади. Ҳолбуки, бошқа лисоний чегараларда  
оралиқ шевалар ҳақидаги хотиралар батамом ўчиб кетган.



## IV боб. ТИЛ ТЎЛҚИНЛАРИНИНГ ТАРҚАЛИШИ

### 1-§. АЛОҚА КУЧИ ВА ҚАДРДОН ҚЎНГИРОҚХОНА РУҲИ

Тил ҳодисаларининг тарқалиши ҳам ҳар қандай одатий қонунлар, масалан, мода бўйсунган — давр таомили қонунларига амал қилади. Ҳар қандай кишилар жамоасида узлуксиз равишда ва айни бир пайтда икки йўналишда икки кучи: бир томондан худудий чекланганлик, айтиш мумкин бўлса, «қадрдон қўнғироқхона руҳи», иккинчи томондан эса, кишилар орасидаги алоқани таъминловчи ўзаро муносабат кучи амал қилади.

Махдуд (ўралган, ўзгалар учун ёпиқ) худудда лисоний жамоанинг ўз ичида таркиб топган анъаналарга содиқлиги «қадрдон қўнғироқхона руҳи» билан изоҳланади. Бу анъаналар ҳар бир киши томонидан, энг аввало, ёшлиқда ўзлаштирилади. Уларнинг кучи ва барқарорлиги шундан. Агар фақат улар амал қилганда эди, у ҳолда бу инсон нутқи соҳасида бир-биридан чексиз равишда узоқлашиб борадиган хусусиятларни юзага келтирар эди.

Бироқ уларнинг таъсири қарама-қарши кучнинг амал қилиши туфайли мувофиқлаштирилади. Агар «қадрдон қўнғироқхона руҳи» кишиларни хонанишин (уйдан эшикка чиқмайдиган) қилиб қўйса, ўзаро алоқа кучи уларни бир-бири билан турли алоқаларга киришга мажбурлайди. Ўзаро алоқа бошқа худудлардан келган кишиларни хилват қишлоқларга ҳам олиб келади ва аҳолининг бир қисмини байрам ёки бозорлар муносабати билан бир жойдан иккинчи жойга олиб ўтади ҳамда турли худудлардан бўлган кишиларни армия сафларида бирлаштиради ва ҳ.к.

Тилнинг тарқалиши ва унинг ички яхлитлиги ўзаро алоқа билан белгиланади, бу алоқа икки хил йўл билан таъсир қилади: гоҳ шевага бўлиниб кетишдан огоҳлантирувчи ва ҳар қандай инновациянинг ҳар қандай жойда тарқалиши ва ҳар қандай пайтда пайдо бўлишининг олдини оловчи салбий таъсир; гоҳ инновацияларни қабул қилиш ва тарқатиш йўли билан бирлашишни осонлаштирувчи ижобий таъсир. Ўзаро алоқа кучи таъсирининг айнан шу иккинчи тури шева ҳодисаларининг жўғрофий чегараларига

Умумий тилшунослик курси ~~~~~ Фердинанд дў Соссюр  
нисбатан тўлқин термини қўлланишининг тўғри эканлигини  
кўрсатади (4-қисмининг 3-бобидаги 3-§га қаранг): изоглосса чизиғи ҳар  
сонияда босиб кетишга тайёр турган сув тошқини етиб борган охириги  
нуқтани ташкил қилади.

Баъзан биз бир тилнинг бир-биридан жуда узоқда жойлашган  
икки лаҳжасида умумий муштарак хусусиятларни ҳайрат билан  
кузатамиз; бу дастлаб қандайдир ҳудуднинг бир нуқтасида юзага  
келган тафовут ўзининг тарқалиши жараёнида тўсиқларга дуч  
келмаганлиги ва аста-секин жуда узоқ нуқтагача етиб борганлиги  
билан изоҳланади. Кўзга ташланмасдан содир бўладиган секин-аста  
ўтишлар кузатиладиган лисоний муҳитда ўзаро алоқа таъсирига ҳеч  
нарсa монелик қилолмайди.

Алоҳида олинган тил ҳодисасининг бундай тарқалиши,  
чегараларидан қатъи назар, вақт талаб қилади. Баъзан бу вақтнинг  
давомийлигини ўлчаш ҳам мумкин бўлади. Масалан, ўзаро мулоқот  
туфайли бутун Германияда, дастлаб, 800 ва 850 йилларда *b* товуши  
франк лаҳжасидан бошқа жанубий ҳудудларда *d* га ўтди; *b d* нинг  
жарангли кўриниш шаклида сақланиб қолган франк лаҳжаси эса *d* га  
ўз ўрнини фақат кейинчалик бўшатиб берди;  $t=ts$  га ўзгариш нисбатан  
тор чегараларда содир бўлган ва бу дастлабки ёзма ёдгорликлар юзага  
келишдан олдинги даврга тўғри келади. У, афтидан, Алп тоғлари  
этакларида пайдо бўлган ва ҳам шимолга, ҳам жануб — Ломбардияга  
тарқалган; *t* VIII асрда Тюрин қўлёзма ва ҳужжатларида учрайди.  
Бизга нисбатан яқин бўлган даврда герман тилларидаги *i* ва *ii*  
дифтонгларга айланди (қиёсланг: *min* ўрнида *mein* «меники», *brün*  
ўрнида *braun* «жигарранг»): шу боис Богемияда 1400 йилларда юзага  
келган ҳодисанинг Рейн сарҳадларига етиб келиши ва ҳозир эгаллаб  
турган ҳудудни қамраб олиши учун 300 йил керак бўлди.

Бу лисоний далиллар янгидан-янги вилоятларни қамраб  
олганлиги ва тил инновацияларининг барча тўлқинларда шундай  
тарқалиб борганлиги эҳтимолдан узоқ эмас. Уларнинг ҳар бири  
маълум нуқтада пайдо бўлади ва у ердан радиуслар бўйлаб тарқалади.  
Бу бизни яна бир муҳим хулосага олиб келди, яъни юқорида  
кузатганларимиздан шу нарсa маълум бўлдики, жўғрофий хилма-  
хилликни тушунтириш учун вақт омили етарли. Бироқ бу тамойил  
инновация юзага келган ҳудудгагина нисбатан тўғри.

Немис тилида ундошларнинг силжиши масаласига қайтайлик.  
Германлар ҳудудининг бирор жойида  $t ts$  га ўтиши ҳамоно янги товуш  
ўзи юзага келган нуқтадан нурлана бошлайди. Буни қарангки,

Умумий тилшунослик курси ~~~~~ Фердинанд дў Соссюр  
маконда содир бўладиган бундай силжиш ёрдамида у аввалги *t* ёки бошқа нукталарда ундан ҳосил бўладиган товушлар билан кураша бошлади. Бундай инновация ўзи пайдо бўлган жойда соф фонетик ҳодиса ҳисобланади ва фақат шундан кейингина янгидан-янги худудларни қамраб олиб, жўғрофий ҳодисага айланди. Шунинг учун:

t  
↓  
ts

чизмаси фақат инновация юзага келган ўчоққа тегишли бўлади. Уни инновациянинг тарқалишига нисбатан қўллайдиган бўлсак, биз манзарани бузиб кўрсатган бўламиз.

Хуллас, фонетист фонемалар фақат замон ўқида ривожланаётган инновация ўчоғини қатъий фарқлаши керак; замон ва маконда амал қиладиган «инфекция» тарқалган худудларда эса соф фонетик омиллар назарияси амал қилмайди. Анъанавий *t* ташқаридан олиб келинган *ts* билан алмаштирилганда, гап анъанавий тимсол (прототип)нинг ўзгариши ҳақида эмас, балки қўшни лаҳжага шу тимсол (прототип) билан боғлиқ бўлмаган тақлид ҳақида боради. Алып тоғлари этакларидан етиб келган *herza* «юррак» шакли Тюрингияда нисбатан қадимийроқ шакл *herta* ўрнида қўлланганда фонетик ўзгаришлар ҳақида эмас, балки фонеманинг ўзлаштирилиши ҳақида гапириш жоиздир.



## 2-§. БИР УМУМИЙ ТАМОЙИЛГА БИРЛАШТИРИЛГАН ИККИ КУЧ

Маконнинг маълум нуқтаси, яъни нуктага тенглаштириш мумкин бўлган энг кичик худуд, масалан, алоҳида олинган бир қишлоқда ниманинг «кадрдон қўнғироқхона руҳи» ва ниманинг ўзаро мулоқот кучи таъсири билан шартланганлигини фарқлаш қийин эмас. Ҳар бир факт фақат шу икки кучдан бирига боғлиқ бўлиши мумкин. Бошқа лаҳжада ҳам учрайдиган ҳар қандай ҳодиса ўзаро мулоқот омили ва фақат мазкур жой лаҳжасида кузатиладиган ҳар қандай нарса худудий чекланганлик омили таъсири билан изоҳланади.

Аммо нуқтадан майдонга, яъни қишлоқдан кантон (кичик маъмурий-худудий бўлинма)га ўтганимиз ҳамано маълум қийинчилик юзага келади. Маълум бўлишича, у ёки бу ҳодисани шу омиллардан қайси бири билан изоҳлаш кераклигини аниқлашнинг

иложи йўқ; шунга қарамасдан, бир-бирига зид бўлган иккала омил ҳам лаҳжанинг ҳар бир хусусиятида кузатилиши мумкин. *A* кантон учун фарқли бўлган белги унинг барча қисмларига ҳам хос бўлади; бу ерда шу кантоннинг қўшни *B* кантонга таклид қилишига қаршилик кўрсатувчи омил ҳаракатга келади ёки аксинча. Аммо бу ерда мувофиқлаштирувчи (бир шаклга келтирувчи) омил, яъни *A* кантоннинг турли қисмлари ( $A_1, A_2, A_3$  ва б.) орасида намоён бўладиган ўзаро мулоқот кучи ҳам амал қилади. Шундай қилиб, биз нуқтадан майдонга ўтганимиз биланоқ, иккала омилнинг ҳам, гарчи турли нисбатларда бўлса-да, бир пайтда амал қилаётгани маълум бўлади. Ўзаро мулоқот бирор инновациянинг пайдо бўлишига қанчалик кўп кўмаклашса, унинг тарқалиш ҳудуди шунчалик кенгайди; «қадрдон кўнгироқхона руҳи»га келсак, таъкидлаш жоизки, унинг амал қилиши забт этилган доираларда тил фактини тўхтатиб туриш ва уни ташқи рақобатдан ҳимоя қилишдан иборат бўлади. Бу икки кучдан ҳар бирининг таъсир натижаларини олдиндан кўришнинг иложи йўқ. Юқорида айтилганидек (4-қисмнинг 4-бобидаги 1-§га қаранг), Алп тоғларидан то Шимолий денгизга чўзилиб кетган немислар лисоний ҳудудида  $p=d$  га ўтиш умумий бўлган бўлса,  $t=ts$  га ўзгариши фақат жанубда кузатилди; «қадрдон кўнгироқхона руҳи» шимол билан жануб ўртасида қарама-қаршиликни келтириб чиқарди; бироқ бу чегаралар ичида ўзаро мулоқот кучининг таъсири туфайли лисоний яхлитлик қарор топди. Демак, аслида бу иккинчи ва биринчи ҳодиса ўртасида жиддий тафовут йўқ. Яна ўша кучлар, аммо улар таъсирининг жадаллиги турличадир.

Буларнинг барчаси шунга бориб тақаладики, амалда маълум жойни қамраб олган тилларнинг ривожланиши ўрганилаётганда, ҳудудий чегараланганлик омилидан четга чиқиш ёки уни мувофиқлаштирувчи омилнинг салбий томони сифатида ўрганиш мақсадга мувофиқ. Агар кейинги омил етарли даражада қудратли бўлса, у бутун ҳудудда яхлитликни таъминлайди; акс ҳолда ҳодиса ярим йўлда тўхтаб қолади ва ҳудуднинг фақат бир қисминигина қамраб олади. Шунга қарамасдан, нисбатан кўпроқ чекланган ҳудуд ўзининг қисмларига қараганда бутунликни ҳосил қилади. Айнан шунинг учун ўзаро мулоқотнинг ҳар бир ҳудудга хос кучдан бошқа нарса бўлмаган ҳудудий чекланганлик омилнинг иштирокисиз амал қиладиган мувофиқлаштирувчи кучнинг таъсирига олиб бориб тақалиши мумкин.



### 3-§. ТАРҚОҚ ХУДУДЛАРДА ЛИСОНИЙ ТАФОВУТЛАНИШ

Юқорида ишонч ҳосил қилганимиздек, бир тилли аҳоли орасида ички боғланиш кучи бир тил ҳодисасидан иккинчисига ўтгандан ва барча инновациялар умумий тарзда тарқалиб кетгандан кейин ҳудуднинг узлуксизлиги тафовутланишнинг умумий жараёнларига тўсиқ бўлмаган ҳолатларда, фақат шундан кейингина, биз бир-биридан ажралиб қолган икки бараварига ривожланаётган тил ҳақида гапиришимиз мумкин.

Шунга ўхшаш ҳолат кўп кузатилади. Масалан, германлар лаҳжаси қитъадан Британ оролларига тарқала бошлаган даврдан эътиборан, унинг ривожланиши икки хил йўналишда давом этди: бир томондан (қитъада немис шевалари, иккинчи томондан (оролларда) англосаксон тили (инглиз тили шу тилдан келиб чиққан). Канадага олиб ўтилган француз тили ҳақида ҳам шундай дейиш мумкин. Лисоний алоқаларнинг узилиши нафақат мустамлакачилик ёки истилолар, шунингдек, «яккаланиб қолишлар» натижасида ҳам содир бўлади. Масалан, румин тили роман муҳити билан алоқасини орага славянлар «суқилиб кириши» туфайли йўқотди. Аслида гап сабабда ҳам эмас, муаммо, энг аввало, яккаланиб қолиш функциясини аниқлашдан иборат. У тиллар тарихида роль ўйнайдими, агар ўйнаса, туташ лисоний ҳудудда учрамайдиган оқибатларга олиб келиш-келмаслигини ойдинлаштириш керак.

Замон омилининг етакчи таъсирини аниқлаш учун биз бир-биридан унча узоқ бўлмаган икки жойда бир пайтда, масалан, икки оролчада ривожланаётган тилни мисол қилиб келтирган эдик (4-қисмнинг 3-бобидаги 1-§га қаранг). Бу — тилнинг маконда аста-секин тарқалишидан четга чиқиши мумкин бўлган ҳолат. Бироқ биз бир-биридан маълум узоқликда жойлашган икки ҳудудга мурожаат этганимиз ҳамоно, шу кейинги омил ишга тушади. Бу, ўз навбатида, шевалараро тафовутнинг пайдо бўлишига олиб келади. Бинобарин, муаммо ўзаро ажралиб турадиган ҳудудларнинг мавжудлиги билан асло осонлашмайди. Ажралиб қолганлик омилига унга боғлиқ бўлмаган нарсани такавермаслик керак.

Дастлабки хинд-европашунослар шундай хатога йўл қўйганлар («Кириш»нинг 1-бобида қаранг). Улар бир-биридан жуда узоқлашиб кетган тилларнинг катта бир оиласини ўрганар эканлар бундай тафовутланишнинг жўғрофий парчаланишидан ўзгача йўли борлигини тасаввур қилмаганлар. Ҳақиқатан ҳам, бошқа-бошқа

худудларда жойлашган тилларнинг ўзаро тафовутланишини тасаввур қилиш қийин эмас. Шунинг учун бир қарашда бу фан тафовутланишнинг етарли ва зарурий изоҳидек туюлади. Аммо бу ҳали ҳаммаси эмас: зикр этилган олимлар тил тушунчасини халқ тушунчаси билан боғлаганлар ва кейинги тушунчани биринчи тушунча ёрдамида тушунтирганлар; улар славян, герман, кельт ва бошқаларни бир арихонадан бирин-кетин учиб чиққан бир неча оила сифатида тасаввур қилганлар: ўзларининг қадрдон ерларидан ажралиб қолган бу қабилалар кўчиб юришлар натижасида турли худудларда гўё умумий ҳинд-европа тилини тарқатганлар.

Бу фикрнинг хато эканлигини англаш учун кўп вақт керак бўлди: фақат И.Шмидтнинг «*Die verwandtschaftsverhältnisse der indogermanischen Sprachen*» асари 1872 йилда тилшунослар кўзини очди ва «тўлқинлар назарияси» («*Wellentheorie*») номини олган узлуксизлик назариясига асос солинди. Ҳинд-европа тиллари орасидаги ўзаро нисбатларни тушунтириш учун улар жойларда бир-биридан фарқ қилади, деган фикрнинг мутлақо етарли эканлиги ва бунинг учун бир-бирига нисбатан маконда миграция натижасида кўчиб юрган халқлар бир-бирига нисбатан миграциялар натижасида жойларини ўзгартирган, деб тахмин қилишга зарурият йўқлиги аниқ бўлди. Шевалараро тафовутлар улар амал қилган муҳитда, турли жойлар бўйлаб сочилиб кетгунга қадар ривожланган бўлиши мумкин. Бинобарин, тўлқинлар назарияси бизни нафақат Ҳинд-европада ёзма тарих юзага келмасдан олдинги даврга нисбатан тўғри хулоса чиқаришга, шунингдек, лисоний тафовутланишнинг асосий конунларини ва тиллар қардошлигини белгиловчи шарт-шароитларни кўрсатиб бериш заруриятига олиб келади.

Аммо тўлқинлар назарияси миграциялар назариясини инкор этмайди. Ҳинд-европа тиллар тарихидан кўчиб юришлар натижасида халқлар ўз оилаларидан ажралиб қолганлиги, бу ҳодиса уларнинг тилида ўзига хос оқибатларга олиб келганлигини кўрсатувчи кўплаб мисоллар келтириш мумкин; гап фақат бу оқибатларнинг тилнинг узлуксиз худудда тафовутланиш омили таъсирида содир бўлган оқибатлар билан қўшилиб кетганлигидадир. Шу боис уларнинг моҳиятини очиб бериш жуда қийин. Шундай қилиб, биз яна ўзаро туташ бўлмаган худудлардаги бир лаҳжанинг ривожланишига қайтамыз.

Мисол учун эски инглиз тилини олиб кўрайлик. У миграция натижасида умумий герман танадан ажралиб кетди. Агар сакслар V



асрада материкни талаб кетмаганларида у, эхтимол, ҳозиргидан бошқача кўринишга эга бўлган бўларди. Бироқ ажралиб қолишнинг ўзига хос оқибатлари нималарда намоён бўлди? Бу саволга жавоб бериш учун дастлаб у ёки бу ўзгариш жўғрофий яқинлик шароитида юзага келган-келмаганлигини аниқлаш керак. Англлар Шотландияни эмас, балки Бретан ороллари эгаллаган дейлик; худуд яхлитлиги сақланиб қолган ҳолатда мутлак ажралиб кетишлик омилига нисбат бериладиган фактлардан бирортаси ҳам бўлмаган деб айтиш мумкинми? Ажралиб кетиш инглиз тилига бутун материк бўйлаб  $d$  га ўтган қадимги  $p$  ни сақлаб қолишга имкон берган дейиш — материкдаги герман тилларида бу ҳодиса жўғрофий узлуксизлик туфайли умумийлик касб этган дейиш билан тенгдир; аслида бу ҳодисанинг умумийлиги яхлитликка қарамасдан, амалга ошмай қолиши мумкин эди. Доимо бўлиб тургани каби хатолик алоҳида олинган шевани жўғрофий нуқтаи назардан боглиқ шеваларга қарама-қарши қўйишдадир. Ҳолбуки, англларнинг Шотландияда ўрнашиб қолганларида муқаррар равишда умумий намуна билан «заҳарланганлиги» ва  $d$  талаффуз қила бошлаганлари ҳеч нарса билан исботланган эмас. Биз юқорида француз тилли вилоятга  $k(+q)$  фақат Пикардия ва Нормандиянинг бир қисмида сақланиб қолганлигини, қолган бошқа худудда унинг шипилдоқ  $s$  га ўтганлигини кўрдик. Бинобарин, фақат ажралиб қолиш омили билан изоҳлаш етарли бўлмагани ҳолда юзаки ҳамдир. Ҳар қандай ҳолатда ҳам тафовутланиш ҳодисасини изоҳлаш учун айнан шу омилни далил қилиб кўрсатишга ҳожат йўқ; ажралиб қолиш таъсирига нисбат бериладиган нарса жўғрофий яхлитлик шароитида ҳам аъло даражада амалга ошиши мумкин; бу икки ҳодиса орасида фарқ бўлганда ҳам, уни аниқлашга қодир эмасмиз.

Шунга қарамасдан, биз икки қардош лаҳжани тафовутланишнинг салбий аспектида эмас, балки улар яхлитлигининг ижобий аспектида ўрганиш ажралиб кетишда имконият тарзидаги барча муносабатлар бу лаҳжалар ажралиб кета бошлаган пайтдаёқ тўхтаб қолганлигини қайд этамиз. Аксинча, жўғрофий яқинлик шароитида бутунлик ўзаро кескин фарқланадиган лаҳжалар орасида ҳам маълум даражада сақланиб қолади; бунинг учун фақат улар оралиқ шевалар билан боғланган бўлса, бас.

Шундай қилиб, тиллараро қардошлик даражасини аниқлаш учун худудий яхлитлик билан ажралиб кетишлик омилларини қатъий чегаралаш лозим. Охириги ҳолатда иккала тил ҳам умумий ўтмишдан

Умумий тилшунослик курси ~~~~~ Фердинанд дў Сосюр

уларнинг қардош эканлигидан далолат берувчи айрим хусусиятларни саклаб қолади, бу тилларнинг ҳар бири мустақил тарзда ривожлангани боис улардан бирида пайдо бўлган янги белгилар иккинчисида учрамайди (ажралиб кетгандан кейин тасодифан учрайдиган муштарак ҳолатлар бундан мустасно). Ҳар ҳолда бу янги белгиларнинг «инфекция» йўли билан тарқалиш имкониятига чек қўйилади. Умуман олганда, жуғрофий нуқтаи назардан ажралиб қолган муҳитда ривожланган тил, қардош тилларга нисбатан, фақат ўзигагина хос бўлган хусусиятлар мажмуидан иборатдир. Бу тил ҳам, ўз навбатида, парчаланиб кетса, ундан ҳосил бўлган шевалар, хусусиятлар муштараклиги туфайли бошқа худуддаги шеваларни эмас, балки ўзларини боғлаб турган қардошлиқдан далолат беради. У ҳақиқатан ҳам, умумий танадан ажралиб чиққан алоҳида шох (буток)ни ҳосил қилади.

Узлуксиз тилларда бутунлай бошқача муносабатлар кузатилади, улардаги умумий хусусиятлар уларни ажратиб турувчи хусусиятлардан қадимийроқ бўлиши шарт эмас. Аслида ҳар бир лаҳжада муайян нуқтада содир бўлган қандайдир ўзгариш умумий тарзда тарқалиши ва ҳатто бутун худудни эгаллаб олиши мумкин. Бундан ташқари, ўзгаришлар майдони алоҳида олинган ҳар бир ҳолатда ўз масофасига кўра, турлича бўлгани боис, ёнма-ён амал қилаётган икки тилда (бу бўлиши мумкин), гарчи улар умумий майдонда алоҳида гуруҳни ташкил қилмаса-да ва уларнинг ҳар бири биз юқорида ҳинд-европа тиллари мисолида кўрганимиздек, қўшни тиллар билан ўзининг бошқа хусусиятлари ёрдамида боғланган бўлса-да, умумий хусусият пайдо бўлиши мумкин.



# БЕШИНЧИ ҚИСМ. РЕТРОСПЕКТИВ ТИЛШУНОСЛИК МАСАЛАЛАРИ. ХУЛОСА

## I боб. ДИАХРОН ТИЛШУНОСЛИКНИНГ ИККИ ЙЎНАЛИШИ

Агар синхрон тилшунослик фақат бир нуқтаи назар, сўзловчилар нуқтаи назари, бинобарин, бир метод асосида иш кўrsa, диахрон тилшунослик бир пайтда икки нуқтаи назарни ёки қарашнинг бўлишини тақозо этади: проспектив — вақт оқимига йўналтирилган нуқтаи назар ва ретроспектив — орқага, вақт оқимига қарши йўналтирилган нуқтаи назар (1-қисмнинг 3-бобидаги 5-§га қаранг).

Диахрон тилшуносликнинг биринчи йўналиши ҳодисаларнинг ҳақиқий ҳаракатига мос; ундан заруриятга қараб, тарихий тилшуносликнинг ҳар қандай бобини ёзишда, тил тарихидаги ҳар қандай вақтни ёритишда фойдаланилади. Бунда метод фақат мавжуд манбаларнинг танқидига бориб тақалади. Бироқ аксарият ҳолатларда диахрон тилшуносликнинг бу методи етарли бўлмайди ёки, умуман, яроқсиз бўлади.

Дарҳақиқат, тил тарихини бутун тафсилотлари билан ўрганиш учун вақт оқимига амал қилиб, унинг ҳар лаҳзасида туширилган сон-саноксиз суратларига эга бўлиш лозим бўларди. Аммо бу шартни ҳеч қачон бажариб бўлмайди. Бутунликлари тадқиқотларининг бошланғич нуқтаси бўлган лотин тилини билишдан иборат бўлган ҳамда узоқ асрларга тааллуқли жуда катта миқдордаги ҳужжатлар қўлида бўлган, масалан, романистлар уларни ҳужжатлаштиришда улкан нуқсонларга йўл қўйилганлигига ҳар онда ишонч ҳосил қиладилар. Бундай ҳолатларда проспектив методдан, манбалардан бевосита фойдаланишдан бош тортишга ва вақт оқимига қарши бориб, тесқари йўналишда ҳаракат қилишга, яъни ретроспектив методни ишга солишга тўғри келади. Бунда мазкур даврга асосланиб, хос шакллардан бири юзага келтирган нарсани эмас, балки мазкур нарсани юзага чиқарган нисбатан қадимий шаклини ўрганадилар.

Проспектив метод оддий баёндан иборат бўлса ва батамом манбалар танқидига таянса, ретроспектив тадқиқот қиёслашга асосланган реконструкция (қайта қуриш) методини қўллашни тақозо этади. Алоҳида олинган бир белги учун бошланғич шаклини топишнинг иложи йўқ. Ҳолбуки, келиб чиқиши бир хил бўлган икки ҳар хил белги, масалан, лотинча *pater* «ота», санскритча *pitar* «ота», лотинча *ger-o* «кўтариб юрибман» ва *ges-tus* (*ger-ō* нинг ўтган замон сифатдоши) кабиларнинг ўзаро қиёсланиши натижасида уларни индукция йўли билан қайта тиклаш мумкин бўлган прототип билан боғлайдиган диахрон бирликни белгилаб олиш имконини беради. Қиёслаш узвлари қанчалик кўп бўлса, индукция ҳам шунчалик аниқ бўлади. Шунингдек, маълумотлар етарли бўлса, индукция ҳақиқий реконструкцияларга олиб келиши мумкин.

Бу, умуман, тилга ҳам тааллуқли. Баск тилининг ўзидан ҳеч нарса чиқариб бўлмайди, чунки у яққаланиб қолганлиги боис қиёслаш учун материал бермайди. Аммо юнон, лотин, қадимги славян каби қардош тиллар ўрама (дастаси)дан қиёслаш йўли билан бошланғич умумий элементларни аниқлаш ва ҳинд-европа бобо тилнинг макон бўйлаб тарқалиб кетгунига қадар бўлган умумий қиёфасини тиклаш имкони пайдо бўлди. Бутун тил оиласи учун нима қилинган бўлса, шу нисбатан чекланган қўламларда яна такрорланди. Бироқ унинг ҳар бир қисми учун зарурият ва имкон бўлган ҳамма жойда қўлланган ўша усуллар ёрдамида яна такрорланди. Масалан, бир талай герман тиллари бевосита, яъни ёзма манбаларда ўз ифодасини топган бўлса, бу тилларга асос бўлган умуман герман бобо тил бизга фақат билвосита — ретроспектив метод туфайли маълум. Тилшунослар айнан ўша усуллар ёрдамида у ёки бу даражада қолган тил оилаларининг ибтидоий бирлигини ўргандилар (4-қисмининг 1-бобиغا қараң).

Хуллас, ретроспектив метод бизга тил тарихига энг қадимги ҳужжатларга қараганда ҳам чуқурроқ кириб бориш имконини беради. Масалан, лотин тилининг проспектив тарихи эр.авв. III ва IV асрларда бошланган бўлса, ҳинд-европа бобо тилни қайта тиклаш йўли билан дастлабки бирликдан лотин тилидаги бизга маълум ёдгорликларга қадар кечган даврда нима содир бўлиши мумкинлиги ҳақида тасаввур ҳосил қилиш ва шундан кейингина тараққиётнинг проспектив манзарасини чизиб бериш имкони пайдо бўлди.

Шу нуктаи назардан эволюцион тилшуносликни тарихий фан бўлмиш геология билан қиёслаш мумкин; геология баъзан мазкур

ҳолатдан олдин замонда нима содир бўлганлигини билишдан четга чикиб, аллақачон шаклланган ҳолатни (масалан, Женева ороли ҳавзасининг ҳозирги ҳолатини) ўрганади. Лекин у, асосан, диахрон каторлар кетма-кетлиги юзага келтирадиган ҳодисалар, трансформациялар билан шуғулланади. Тўғри, назарияда проспектив геология ҳақида гапириш мумкин, аммо аслида унинг фикри, кўпинча, ретроспектив фикр бўлиб чиқади. Ер юзасининг у ёки бу нуктасида содир бўлган нарса ҳақида гапиришга киришишдан олдин ҳодисалар занжирини тиклашга ва ер шарининг мазкур қисмини нима ҳозирги ҳолатга олиб келганлигини ўрганишга тўғри келади.

Аёнки, иккала йўналиш методлари ҳам ўзаро кескин фарқланади ва бунинг устига, соф дидактик нуктаи назардан уларни бир пайтда қўллаш мақсадга мувофиқ эмас. Масалан, фонетик ўзгаришлар ўрганилганда у ёки бу методни қўллаш билан боғлиқ ҳолда бири-биридан мутлақо фарқ қиладиган икки манзара намоён бўлади. Проспектив метод билан ишлаганда, биз, масалан, классик лотин тилидаги *ē* товуши француз тилида қандай товушга айланганлигини билишга ҳаракат қиламиз. Маълум бўлишича, бу яхлит товуш ўз тараққиётида турли йўллардан кетди ва бир неча фонеманинг юзага келишида манба вазифасини бажарди. Қиёсланг: *pēdem* «оёқ» → *pje* (*pie* ёзилади) «оёқ», *vēntum* «шамол» (тушум келишиги) → *vā* (*vent* ёзилади) «шамол», *lēctum* «тўшак» (тушум келишиги) → *li* (*lit* ёзилади) «тўшак, кровать», *nēcāre* «ўлдирмоқ» → *nwaja* (*noger* ёзилади) «чўктирмоқ» ва б. Агар ретроспектив нуктаи назардан француз тилидаги очиқ *ε* лотин тилида қандай бўлганлигини ўрганмоқчи бўлсак, у ҳолда яхлит бу товуш дастлаб турлича бўлган бир неча фонеманинг сўнгги нуктаси бўлганлиги аёнлашади. Қиёсланг: *ter* (*terre* ёзилади) «ер» ← *tērram* «ерни», *verz* (*verge* ёзилади) «хипчин, новда» ← *vīrgam* «хипчин, новда» (тушум келишиги), *fe* (*fait* ёзилади) «иш» ← *factum* «иш» (тушум келишиги) ва б. Формантлар эволюцияси ҳам шундай ўрганилиши ва бунинг натижасида ҳосил бўлган икки манзара ҳам турлича бўлиши мумкин. Буларнинг барчаси биз юқорида аналогия йўли билан ясалган ҳосилалар ҳақида гапирганларимиздан (3-қисмнинг 5-бобидаги 2-§га қаранг) *a priori* маълум, *-é* билан тугайдиган французча сифатдошнинг пайдо бўлишини ретроспектив усул билан ўрганадиган бўлсак, лотин тилидаги — *ātum* гача етиб борамиз; бу суффикс ўзининг келиб чиқишига кўра, энг аввало, лотин тилидаги отлардан *-āre* ёрдамида ясалган феъллар билан боғланади; бу феъллар ҳам, ўз навбатида,

Умумий тилшунослик курси ~~~~~ Фердинанд дў Соссюр

аксарият ҳолатларда *-a* билан тугалланган женский роддаги отларга бориб такалади (Қиёсланг: *plantāre* «ўтқазмоқ» (ўсимликларни): *planta* «ўсимлик», юнонча *témáō* «қадрламоқ»: *timá* «... деб билмоқ, хисобламоқ»; бошқа томондан, агар ҳинд-европача *-to* -яшовчан ва сермаҳсул (қиёсланг: юнонча *klu-tō-s* «машҳур», латинча *iu-clu-tu-s* «машҳур», санскритча *çru-ta -s* «машҳур» ва б бўлмаганда, *-ātum* ҳам бўлмасди; *-ātum* яна бирлик сон тушум келишиги форманти *-m* ни ҳам мужассам этган (3-қисмнинг 3-бобидаги 2-§га қаранг). Кейин проспектив нуқтаи назарга ўтиб, ибтидоий суффикс *-to* француз тилининг қандай шаклларида учрайди, деб ўзимиздан сўрасак, у ҳолда нафақат ўтган замон сифатдошининг ҳам сермаҳсул ва ҳам каммаҳсул бўлган турли суффиксларнинг (франц. *aimé* ← лот. *amātum* (*amatus* «севичли»)нинг тушум келишиги шаклидан), франц. *fini* ← лот. *finītum* [*finītus* «тугаган»нинг тушум келишиги шаклидан], франц. *clos* ← лот. *claudtum* ўрнида *clausum* [*clausus* «ёпилган»нинг тушум келишиги шаклидан], шунингдек, яна кўплаб формантларни қиёсланг: французча *-u* ← латинча *-ūtum* (франц. *cornu* ← лот. *cornutum* [*cornutus* «шоҳли»], франц. китобий суффикс *-tif* ← латинча *tīvum* (франц. *fugitif* ← лот. *fugitīvum* [*fugitu -vus* «қочок»нинг тушум келишиги шаклидан]; яна қуйидаги французча мисолларни қиёсланг: *sensitif* «ҳиссий», *négatif* «салбий» ва б.) шунингдек, французча *point* «тешикча» (камар ва шу кабилардаги) ← латинча *punctum* [*punctus* «тешилган, илма-тешик қилиб юборилган»нинг тушум келишиги шаклидан], французча *dé* «ошиқ» (ташлаб ўйналадиган суяк) ← латинча *datum* [лот. *datus* «ташланадиган», «ташланган»нинг тушум келишиги шаклидан], французча *chétif* «ёмон», «камбағал» ← лот. *captivum* [лот. *captivus* «асирга олинган»нинг тушум келишиги шакли] ва бошқаларни кўрсатиш мумкин.



## II боб. ЭНГ ҚАДИМГИ ТИЛ ВА БОБО ТИЛ

Дастлабки ҳинд-европашунослар на қиёслашнинг ҳақиқий мақсадини, на реконструкция методининг муҳимлигини тушунганлар («Кириш»нинг 1-бобига қаранг). Кишини лол қолдирадиган адашишлардан бири шу билан изоҳланади: қиёслаш борасида санскритга нисбат берилган бўрттирма ва деярли мутлақ роль, ҳужжатларда қайд этилган энг қадимги ҳинд-европа тил бўлгани учун санскрит протатип, яъни бобо тил даражасига кўтарилди. Бироқ қандайдир ҳинд-европа бобо тил санскрит, юнон, славян, кельт, италий тилларининг юзага келишига сабаб бўлган, дейиш масаланинг бир томони бўлса, бу тиллардан бирини ҳинд-европа тил ўрнида қўйиш унинг бошқа томонидир. Бундай қўпол аралаштириш турли-туман ва жиддий оқибатларга олиб келди. Тўғри, биз ҳозиргина билдирган тахмин ҳеч қачон бу қадар кескин айтилмаган, бироқ амалда уни сўзсиз маъқуллаганлар. Боп «санскрит ҳинд-европа тилларининг умумий манбаси бўлган деб ўйламаслиги» ҳақида ёзади ва айти пайтда бундай тахминнинг бўлишини ҳам инкор этмайди.

Бу бизни қуйидаги масалани кун тартибига олиб чиқишга ундайди: бир тил бошқа тилга нисбатан қадимийроқ ёки эскироқ дейилгани нимани англатади? Назарий жиҳатдан бу ерда уч хил изоҳ бўлиши мумкин:

Энг аввало, бирор тилнинг мутлақ ибтидоси, бошланғич нуқтаси ҳақида ўйлаш мумкин. Аммо ёшини аниқ айтиш мумкин бўлган тилнинг ўзи йўқ, чунки ҳар қандай тил ҳар қандай пайтда унғача мавжуд бўлган ҳолатнинг давомидан бошқа нарса эмаслигига ишонч ҳосил қилиш учун оддий мулоҳазанинг ўзи етарли. Шу нуқтаи назардан тилнинг тараққиёти инсон жинсининг тараққиётидан фарқ қилади: тил ривожланишининг мутлақ узлуксизлиги унда авлодлар алмашилиб туришини кўришга имкон бермайди, шунинг учун Гастон Парис ҳақли равишда «она-тиллер» ва «қиз-тиллер» концепциясига қарши чиқди, чунки бундай концепция узикликни тақазо қилади. Бинобарин, шу маънода бир тил иккинчисидан эскироқ, дейиш мумкин эмас.

Шунингдек, тилнинг бир ҳолати иккинчисига нисбатан қадимийроқ даврда қайд этилган бўлиши ҳам мумкин, масалан, ахмонийлар ёзувларидаги форс тили Фирдавсийнинг форс тилидан қадимийроқ. Модомики, бу ерда гап икки лахжа ҳақида кетаётган, улардан бири сўзнинг аниқ маъносида иккинчисидан келиб чиққан ва иккаласи ҳам бизга бирдек таниш экан, бундай шароитда ниманинг қадимий эканлиги ўз-ўзидан аён. Аммо бу икки шарт ҳам бажарилмаса, у ҳолда қадимийлик ҳеч қандай маънога эга эмас. Масалан, фақат 1540 йилдан эътиборан ҳужжатларда акс эта бошлаган литва тили шу нуқтаи назардан X асрдан маълум қадимги славян тили ёки, ҳатто, ведалар санскритидан кам қимматли эмас.

Нихоят «қадимги» сўзи, тилнинг анча эскирган, яъни ундаги шакллар ўзининг дастлабки намунасига яқинроқ бўлган ҳолатига нисбатан ҳам, сана ҳақидаги масаладан қатъи назар қўлланиши мумкин. Шу маънода XVI аср литва тили эр. авв. III асрдаги лотин тилига қараганда қадимийроқдир, деб бемалол айтиш мумкин.

Шундай қилиб, агар санскритга қолган барча тилларга кўра узоқроқ қадимийлик нисбати бериш керак бўлса, фақат иккинчи ёки учинчи маънода шундай қилиш мумкин. Аслида ҳам, у бошқа ҳинд-европа тилларидан иккинчи ва учинчи маънода ҳам қадимийроқдир. Бир томондан, Веда мадҳиялари энг қадимги юнонча матнлардан ҳам эскироқ, деб ҳисобланади. Иккинчи томондан эса унда сақланиб қолган архаик хусусиятлар йиғиндиси қолган тилларга нисбатан анча кўп ва бу муҳим аҳамият касб этади. («Кириш»нинг 1-бобига қаранг).

Санскритни ҳинд-европа тиллар оиласига мансуб қолган барча тиллардан олдин мавжуд бўлган бир нарсага айлантириб қўйган узоқ ўтмиш ҳақидаги хийла туманли тасаввур оқибатида тилшунослар, ҳатто, у бобо тил бўлган деган фикрдан қутулганларидан кейин ҳам санскритнинг ҳинд-европа бобо тил шохобчаларидан бири сифатидаги далилларига ҳаддан ташқари катта аҳамият бериб келдилар.

А. Пикте ўзининг «Les origines indo-européennes» номли асарида (5-қисмнинг 4-бобидаги 2-§га қаранг) ўз тилида гаплашган ибтидоий ҳинд-европа халқининг бўлганлигини ошқора тан олган бўлса-да, у, энг аввало, санскрит маълумотларини қараб чиқиш кераклигини, чунки улар ўз қийматига кўра, шу оиланинг қолган барча тиллари маълумотларидан устун эканлигига ишонади. Ана шу хато фикр йиллар давомида, масалан, ибтидоий вокализм




Умумий тилшунослик курси ~~~~~ Фердинанд дў Соссюр  
масаласи каби биринчи даражали муаммоларни орқага суриб  
келди.

Бу хато бошқа, нисбатан жузъий ҳолатларда яна бир неча марта такрорланди. Ҳинд-европа тилларида маълум тилларнинг энг қадимгисини бутун гуруҳнинг мос ва қониқарли вакили деб ҳисоблаш анъанаси кузатилади, аммо мазкур тармоқ прототипининг бошланғич ҳолати характери аниқроқ очиб беришга ҳаракат қилинмади. Масалан, бобо герман тил ҳақида гапириш ўрнига гот тилини далил сифатида кўрсатишдан уялмадилар, чунки у қолган герман тиллари шеваларидан бир неча аср катта; шундай қилиб, у прототип ўрнини, бошқа герман тиллари манбаини зўрлик билан тортиб олди. Славян тилларига нисбатан эса фақат X асрдан маълум черков-славян (=эски славян) тилига мосланилди, чунки қолган славян тиллари нисбатан кейинги даврлардан маълум.

Аслида, тил тараққиётининг турли даврларидаги ёзувларда қайд этилган шакллар айнан бир шеванинг унинг тарихидаги икки ҳар хил даврда аниқланиши жуда кам учрайдиган ҳолатдир. Кўпинча, биз тилшунослик нуқтаи назардан бири бошқасининг давоми бўлмаган икки шева билан иш кўрамыз. Шу қонидани тасдиқловчи хулосалардан кишини ҳайратга соладигани лотин тилига нисбатан олинган роман тилларидир: француз тилидан лотин тили томон кўтарилиб борсак, доимо тик ва тўғри нуқтада турамыз; бу тиллар томонидан эгалланган ҳудуд тасодиф туфайли лотин тилида гаплашиладиган ҳудудга тўғри келади ва шу боис уларнинг ҳар бири шу ҳудудда таркиб топган лотин тилидан бошқа нарса эмас. Худди шунингдек, Доро ёзувларидаги қадимги форс тили, юқорида кўрганимиздек, Ўрта асрлардаги янги форс тили билан айнан бир тилдир. Аммо бунинг тескариси хийла кўп учрайди: турли даврларга мансуб ёзма ёдгорликлар айнан бир оиланинг турли тилларига тааллуқли бўлади.

Масалан, герман тиллари гуруҳи Ульфилнинг ўзидан из (давом) колдирмаган гот тилидир; кейинги қадимги юқори немис тили матнларида, ундан кейинроқ эса англосаксон, қадимги скандинав ва б. тиллар ёдгорликларида изчил намоён бўлади. Лекин, буни қарангки, бу тиллар ёки тиллар гуруҳларидан бирортаси ҳам илгари қайд этилган тилнинг давоми эмас. Бу ҳолатни қуйидаги чизма тарзида тасаввур қилиш мумкин. Унда ҳарфлар тилларни, нуқтали мисралар эса кетма-кет келадиган даврларни кўрсатади:



Тилшунослик бундай ҳолатдан фақат қувониши мумкин: агар иш бошқача бўлганда эди, бизга маълум биринчи тил *A* ўзида тилнинг кейинги ҳолатларидан талли йўли билан келтириб чиқариш мумкин бўлган барча нарсани мужассам этган бўларди. Ҳолбуки, аниқ кўрсатилган *A*, *B*, *C*, *D* ва б. тилларнинг туташ нуқтасини излаш асносида биз *A* га нисбатан қадимийроқ шаклни, аниқроқ айтадиган бўлсак, *x* прототипни топган ва у ҳолда *A* билан *x* нинг аралашиб кетиши мумкин эмаслигининг гувоҳи бўлган бўлар эдик.



### III боб.

## РЕКОНСТРУКЦИЯЛАР

### 1-§. УЛАРНИНГ ТАБИАТИ ВА МАҚСАДИ

Тиклаш фақат қиёслаш йўли билангина амалга оширилади ва унда, ўз навбатида, тиклашдан бошқа мақсад йўқ. Агар бир неча шакл орасида ўзимиз томонимиздан аниқланган мосликларни замон йўналишида жойлаштирсак, уларнинг ягона бобо шаклини тиклашимиз лозим бўлади. Бу фикрни биз юқорида бир неча марта химоя қилган эдик («Кириш»нинг 1-бобига ва 4-қисмининг 3-бобидаги 1-§га қаранг).

Масалан, лотинча *medius* «ўрта, ўртача»ни юнонча *mésos* «ўрта, ўртача» билан қиёслаб тушунтириш учун ҳинд-европа ҳолатга кўтарилмастан, *medius* билан ҳам *mésos* билан тарихан боғланган деб ҳисоблаш мумкин бўлган *methyos* нинг нисбатан қадимги ҳолатини аниқлаш лозим бўлди. Икки ҳар хил тилнинг икки сўзи эмас, балки бир тил ичидан олинган икки шакли қиёсланганда, яна ўша нарса кузатилади: масалан, лотинча *gerō* «кўтариб келяпман» ва *gestus* (*gerō* нинг ўтган замон сифатдоши) қачонлардир шу иккала шакл учун ҳам умумий бўлган *ges* нинг негизини топиш имконини беради.

Таъкидлаш жоизки, фонетик ўзгаришларга тегишли қиёслашда морфологик характердаги мулоҳазаларни ҳам доимо эътиборга олиши керак. Лотинча *patior* «чидаяпман» ва *passus* «чидаган» шакллари тахлилига мен *factus*, *dictus* ва бошқаларни жалб қиламан, чунки *passus* ҳам ўша турдаги ҳосиладир; фақат *faciō* «қияпман» ва *factus* «қилинган», *dicō* «гапирияпман» ва *dictus* «айтилган» ва ш.к. орасидаги морфологик ўзаро боғланишга асосланиб, мен шу боғланишни анча илгари даврдаги *patior* билан *pat-tus* орасида ҳам қайд этишим мумкин. Ўз навбатида, агар қиёслаш морфологик характерда бўлса, уни фонетика ёрдамида мустаҳкамлашим лозим: лотинча *melīōrem* (*melior* «яхши»нинг тушум келишик шакли)ни юнонча *hēdiōn* «ёқимлироқ») билан қиёслаш мумкин, чунки фонетик нуқтаи назардан биринчиси *melioseme*, *meliosm* га, иккинчиси *hādīoa*, *hādīosa*, *hādīosm* га бориб тақалади.

Хуллас, тилшуносликда қиёслаш механик амалиёт эмас. У изоҳлаш учун лозим бўлган материални берадиган барча маълумотларни қиёслашни талаб қилади. Бироқ у доимо маълум

шаклда ифодаланган ва илгари мавжуд бўлган қандайдир нарсани тиклашга интиладиган муайян фаразга олиб келиши керак. Қиёслаш хамиша шаклларни қайта тиклашга олиб келмоғи лозим.

Аммо ретроспектив ёндашув узоқроқ ўтмишдаги ҳолатнинг яхлит ва аниқ шакллари мажбурий тарзда қайта тиклашни талаб қиладими? Ёки, аксинча, биз, масалан, лотинча, *fūmus* «тутун»даги *f* умумиталий *þ* га мос ёки юнонча *állo* «бошқаси», лотинча *allud* «бошқаси»нинг биринчи элементи ҳинд-европача *a* бўлган дейиш каби сўзларнинг қисмларига тааллуқли мавҳум хусусий фикрлар билан қаноатлансак ҳам бўладими? Ретроспектив ёндашув ўз вазифасини иккинчи турдаги изланишлар билан чегаралаши мумкин. Ҳатто, унинг аналитик методида хусусий қайд этишлардан бошқа мақсад йўқ дейиш ҳам мумкин. Бироқ ҳозиргина лотинча *fūmus* хусусида айтилганларга ўхшаш фонемалар қатори *þ* умумиталий тилининг фонетик системасига кирган деб ишонч билан гапиришга имкон беради. Худди шунингдек, олмошлар турланиши деб аталувчи ҳинд-европача турланишда бирлик сондаги ср.род шакли *-d* кузатилади, лекин у сифатларнинг ўша маънони ифодаловчи *-m* қўшимчасидан фарқ қилади дейиш мумкин бўлса, у ҳолда бу айрим қайдлар йиғиндисидан ажратиб олинган умумий морфологик фактдир (қиёсланг: лотинча *istud* «бу», *bonum* «яхши» билан бирга келган *aliud* «бошқаси», юнонча *tó* (ср. роддаги артикль) ← *tod*, *állo* «бошқаси» ← *kalón* «гўзал» билан бирга келган *allod*, инглизча *that* «бу»). Давом эттириш мумкин: алоҳида олинган бу фактларни аниқлагандан кейин уларнинг бирор яхлит шаклга тааллуқлиларини яхлит (масалан, *-e* даги *aljud* каби) сўзлар, сўз ўзгариши парадигмалари ва бошқаларни қайта тиклаш мақсадида умумлаштиришга ўтамиз. Бунинг учун биз бир-бирига мутлақо боғлиқ бўлмаган фикрларни бир дастага бирлаштирамиз. Масалан, биз томондан қайта тикланган *aljud* га ўхшаш шаклнинг айрим қисмларини қиёсласак, грамматик муаммо билан боғлиқ *-d* билан ҳеч қандай грамматик маънога эга бўлмаган *a* орасида катта фарқ борлигини кўрамиз. Қайта тикланган шакл бир бутун нарса эмас: у доимо фонетик хулосаларнинг қисмларга бўлинадиган йиғиндиси бўлади. Бунинг устига, уларнинг ҳар бири алоҳида олинганда, йўққа чиқарилиши ёки қайтадан кўриб чиқилиши мумкин. Дарҳақиқат, қайта тикланган шакллар доимо уларга доир умумий хулосаларнинг ишончли акси бўлган; «от» маъноли ҳинд-европача сўз изчил тарзда *ak₁vas*, *ek₂vos*, ниҳоят, *ek₁ wos* шаклларида бўлган деб тахмин

Умумий тилшунослик курси ~~~~~ Фердинанд дў Соссюр  
килинган, бироқ фақат *s* ва фонемалар сонигина шубҳага ўрин  
қолдирмайдиган далиллар бўлиб қолди.

Шундай қилиб, реконструкциянинг мақсади яхлит шаклни ўзича  
тиклаш эмас (бу жуда кулгили ҳам бўларди), балки ҳар бир ҳолатда  
қўлга киритилган натижаларга мос равишда тўғри деб эътироф  
этилган хулосалар бутун бошли қаторнинг кристаллашиши ёки бир  
хил тусга киришидир. Қисқа қилиб айтганда, реконструкциянинг  
мақсади — фанимиз ютуқларини қайд этишдир. Ҳинд-европа тилини  
тўлик, ундан худди кундалик нутқда фойдаланиш мумкин бўлган  
даражада тиклашдек бемаъни ниятга берилаётган тилшуносларни  
оқлашга ҳожат йўқ. Аслида уларда бундай ният, ҳатто, тарихдан  
маълум тилларни (тилшунос лотин тилини яхши гапириш мақсадида  
ўрганмайди) ва, аксинча, тарихгача бўлган даврдаги тилларнинг  
айрим сўзларини ўрганганларида ҳам бўлмаган.

Реконструкциялар, ҳатто, қайта кўриб чиқишга мойил бўлиб  
қолса ҳам, агар биз, умуман ўрганилаётган тил ва у мансуб бўлган тур  
ҳақида тасаввур ҳосил қилмоқчи бўлсак, уларсиз иш кўриш мумкин  
эмас.

Реконструкция — бу синхрон ва диахрон характердаги умумий  
фактлар йиғиндисини нисбатан осон аниқлаш имконини берадиган  
қуролдир. Ҳинд-европа тилининг асосий хусусиятлари  
реконструкцияларнинг бутун мажмуи, масалан, суффиксларнинг  
маълум элементлар (*t, s, r* ва б.)дан таркиб топганлиги ёки немис  
тилидаги феъллар вокализмдаги мураккаб ранг-баранглик (қиёсланг:  
*werden, wirst, ward, wurde, worden*) ўзида айнан бир ибтидоий  
алмашиниш — *e — o — нолни* сақлаши) тегишли тартибда ёритилади.  
Бу билан кейинги даврнинг тарихий тадқиқи билвосита жуда осон  
кечади: дастлабки реконструкция ёрдамисиз тарихгача бўлган  
даврдан бошлаб ўтган асрлар давомида содир бўлган ўзгаришларни  
шарҳлаб бериш жуда қийин бўлади.



## 2-§. РЕКОНСТРУКЦИЯЛАРНИНГ ИШОНЧЛИЛИК ДАРАЖАСИ

Тикланган шакллардан бири мутлақо аниқ, бошқалари  
мунозарали ёки, умуман, шубҳалидир. Ҳолбуки, бутун бошли  
шаклларнинг аниқлик даражаси, ҳозиргина кўрганимиздек, шу  
шаклларни умумлаштиришда қатнашадиган хусусий

Умумий тилшунослик курси ~~~~~ Фердинанд дў Сосюр  
реконструкцияларга нисбатан бериш мумкин бўлган нисбий аниқлик даражасига боғлиқ. Шу маънода бир хил аниқлик билан тикланган икки сўзни топиш мумкин эмас; *esti* «у бор» ва *didōti* «беряпти» каби жуда ишонарли хинд-европача шакллар орасида ҳам фарқ бор, чунки, иккинчи сўзнинг ўзагидаги унли шубҳа уйғотади (қиёсланг: санскритча *dadāti* ва юнонча *didōsi*).

Реконструкцияларнинг ишончлилик даражасини кам ҳисоблаш тенденцияси мавжуд. Қуйида келтириладиган уч ҳолат бу соҳада хотиржам бўлишга имкон беради.

Биринчи, асосий ҳолат («Киришга илова»нинг 1-бобидаги 1-§га қаранг); агар бирор сўз берилган бўлса, уни ташкил қилувчи товушлар, уларнинг сони ва чегараларини аниқ фарқлаш мумкин. Биз юқорида («Киришга илова», 2-боб, 4-§га қаранг) товушларни фонологик микроскоп орқали кўрадиган айрим тилшуносларнинг эътирозлари ҳақида айнан нима дейиш лозимлигини кўрган эдик; *-n*-сингари бирикмада, албатта, тойғоқ (турланганда тушиб қоладиган) ёки алмашиниб турадиган товушлар бор, бироқ уларни эътиборга олиш тилшунослик қонун-қоидаларига зид бўлган бўларди: кулоқ уларни фарқламайди, сўзловчиларнинг фикри эса элементлар сони масаласида бир хил бўлади. Шунинг учун биз хинд-европача *ek₁ wos* сўзида сўзловчилар томонидан эътиборга олинадиган фақат бешта ўзаро фарқланадиган, дифференциал элемент бор, дейишга ҳақлимиз.

Иккинчи ҳолат шу фонологик элементларнинг ҳар бир тилдаги системасига тааллуқли. Ҳар бир тил сони аниқ чегараланган фонемаларнинг уйғун белгилари билан иш кўради («Киришга илова», 1-боб, 1-§га қаранг). Хинд-европа бобо тилда системанинг барча элементлари реконструкция йўли билан тикланган ўнлаб шакллар кузатилади. Бундай реконструкцияларнинг сони бир неча мингтага етиши мумкин. Шунга асосланиб, биз системанинг барча элементларини биламиз деб бемалол айтишимиз мумкин.

Ва ниҳоят, тилнинг товуш бирликларини билиш учун уларнинг ижобий сифатларини тавсифлашга ҳожат йўқ. Бинобарин, уларни моҳиятан бир-бири билан қўшилиб кетмайдиган дифференциал қийматлар сифатида ўрганишнинг ўзи етарли (2-қисмнинг 4-бобидаги 3-§га қаранг). Бу шу даражада диққатга молиқки, тикланаётган тилнинг товуш элементларини фақат ёки қандайдир бошқа шартли белгилар ёрдамида ҳам ифодалаш мумкин: *ek₁ wōs* да *ě* товушининг мутлақ сифатини очиқ ёки ёпиқ тил олди ёки тил орқа ва ш. к. эканлигини аниқлаш бефойда; *ě* нинг бир неча тури мавжудлиги

Умумий тилшунослик курси ~~~~~ Фердинанд дў Соссюр  
аниқланмаган экан, бу нозикликларнинг барчаси аҳамиятсиз; фақат  
бир нарса муҳим: бу товушни мазкур тилда фаркланадиган бошқа  
элементлар (*ǎ, ǒ, ǝ* ва б.)нинг бирортаси билан ҳам адаштирмаслик  
керак. Бошқача айтганда, гап *ǎk₁ wǒs* сўзидаги биринчи фонеманинг  
*mǝdhjǒs* даги иккинчи, *ǎgǝ* даги учинчи фонемадан фарқ қилмаслик  
кераклиги, унинг товуший хоссаларини фарқлаб ўтирмасдан, ҳинд-  
европача фонемалар жадвалига маълум рақам остида жойлаштириш  
ҳақида бормоқда. Шундай қилиб, *ǎk₁ wǒs* реконструкцияси фақат  
лотинча *ek₁wǒs*, санскритча *açva-s* ва бошқаларнинг ҳинд-европача  
муқобили бобо тилнинг фонологик гаммасидан олинган беш  
фонемадан ташкил топганлигини англатади, холос.

Шундай қилиб, реконструкциялар биз томондан кўрсатилган  
чегараларда ўзининг тўлиқ кучини сақлаб қолади.



## IV боб. АНТРОПОЛОГИЯ ВА ТАРИХГАЧА БЎЛГАН ДАВРДА ТИЛ ДАЛИЛЛАРИ

### 1-§. ТИЛ ВА ИРҚ

Ретроспектив метод ёрдамида тилшунос орқага — асрлар қаърига қайтиши ва тарих саҳнасига чиққунга қадар халқлар гаплашган тилларни қайта тиклаши мумкин. Аммо бундай қайта тиклашлар (реконструкциялар) бизга халқларнинг ўзлари ирқий мансублиги, келиб чиқиши, ижтимоий муносабатлари ҳамда институтлари, урф-одатлари ва шу кабилар ҳақида ҳам маълумот беролмасмикан? Бир сўз билан айтганда, тил антропология, этнография, тарихдан олдинги даврларга ёрдам қўлини чўзолмайдими? Одатда, бу саволга ижобий жавоб беришади, аммо биз уни хомхаёлга яқин деб ўйлаймиз. Қуйида шу муаммонинг айрим жиҳатларини кўриб чиқамиз.

Гапни ирқдан бошлайлик. Тилнинг умумийлиги асосида қонқариндошлик ҳақида хулоса чиқариш, тил оиласи тушунчасини антропологик оила тушунчасига тенг деб ўйлаш нотўғри. Воқелик биз ўйлагандек содда эмас. Масалан, антропологик белгилари кўзга яққол ташланиб турадиган немис ирқи бор: оқ-малласоч, дўнг пешона, баланд бўй ва б.; Бу ирқ скандинавияликлар турида, айникса, тиниқ, равшан намоён бўлади. Ҳолбуки, герман тилларида сўзлашувчи халқларнинг ҳаммаси ҳам бу белгиларга тўлиқ жавоб беравермайди: Алп тоғлари этакларида яшовчи олмонлар ўзларининг антропологик тузилишларига кўра скандинавияликлардан жиддий фарқ қилади. Бироқ тил дастлаб бир ирққа мансуб бўлган ва агар унда бу ирққа ёт халқлар гаплашадиган бўлса, бу тил мазкур халққа босқинчилик йўли билан мажбуран қабул қилдирилмаганми дея, ҳеч бўлмаса, тахмин қилиш мумкинмасми? Тўғри, биз, кўпинча, у ёки бу халқ босқинчилар тилини ихтиёрий равишда ёки зўрлик билан қабул қилганлигини кўрамиз; бунга римликлар томонидан забт этилган галлияликлар мисол бўла олади, аммо бу ҳали барча саволларга жавоб дегани эмас; мисол тариқасида германлар билан кечган воқеани олиб кўрайлик: кўп халқларни ўзларига бўйсундирганларига қарамай, улар бу халқларни ўзларига батамом жалб этолмадилар, бунинг учун давом этган ҳукмронлик ва бугун ҳеч нарса билан аниқлаб бўлмайдиган бошқа ҳолатлар бўлиши керак эди.



Хуллас, қон-қариндошлик ва лисоний муштарақлик, афтидан, ўзаро зарурий алоқада эмас, шунинг учун бирининг асосида иккинчиси ҳақида хулоса чиқармаслик керак. Бинобарин, антропологик ва тил далиллари ўзаро мос келмаган кўплаб ҳолатларда уларни бир-бирига қарама-қарши қўйишга, улардан бирини танлашга зарурият йўқ; уларнинг ҳар бири ўз соҳасига доир қийматини тўлиқ сақлаб қолади.



## 2-§. ЭТНИЗМ

Тил далиллари нимадан сўзлайди? Ирқий муштарақлик ўзича фақат иккиламчи, лисоний яқинликнинг зарур бўлмаган омили ҳолос. Бироқ, беҳад муҳим, ижтимоий алоқалар негизида юзага келадиган ягона ва жиддий бирлик бор: биз уни этнизм деб атаймиз. Этнизм деганда, биз дин, маданият, ўзаро химоя ва бошқа ранг-баранг муносабатларда намоён бўладиган, ҳатто, ирқий келиб чиқиши ҳар хил бўлган халқлар орасида, ҳар қандай сиёсий алоқа бўлмаганда ҳам, шаклланиши мумкин бўлган бирликни тушунамиз.

Айнан этнизм ва тил ўртасида биз юқорида («Кириш»нинг 5-бобида) қайд этган ўзаро муносабат юзага келади. Ижтимоий алоқалар тил муштарақлигини яратишга мойил бўлиб, ўзининг айрим хусусиятларини шу умумий тилга тақайди ва, аксинча, этник муштарақлик, маълум маънода, тил муштарақлиги асосида пайдо бўлади. Умуман, лисоний яқинликни тушунтириш учун этник муштарақликнинг ўзи батамом етарли. Масалан, Ўрта асрларнинг бошида сиёсий алоқа бўлмаганда ҳам, келиб чиқиши жуда ранг-баранг бўлган халқларни бирлаштирган роман этнизи мавжуд бўлган. Иккинчи томондан, этник бирлик ҳақидаги масала бўйича, энг аввало, тилга мурожаат қилиш керак, чунки унинг далиллари бошқа далиллардан муҳимроқдир. Мана унга мисол: қадимги Италияда лотинлар билан бир қаторда биз этрускларни ҳам учратамиз; уларнинг умумий келиб чиқишига аниқлик киритиш мақсадида у халқ қолдирган барча нарсаларга — моддий ёдгорликлар, диний маросимлар, сиёсий муассаса ва бошқаларга мурожаат этиш мумкин; аммо бу йўл билан биз тилга мурожаат қилганда қўлга киритадиган ишонччи ҳеч қачон қўлга киритолмаймиз: бу тилда гаплашган халқ лотин тилида гаплашган этник гуруҳдан тубдан фарқ қилишига ишонч ҳосил қилиш учун тўрт мисра этрускча матннинг ўзи етарли.

Хуллас, тил шу маънода ва кўрсатилган чегараларда тарихий хужжат бўлиши мумкин: масалан, ҳинд-европа тилларининг оила ҳосил қилгани факти бизга бирламчи этнизм ҳақида, унинг маълум даражада бевосита авлодлари ижтимоий ворисийлик натижасида ҳозир бу тилларда гаплашадиган халқлар эканлиги ҳақида хулоса чиқаришга имкон беради.



### 3-§. ЛИНГВИСТИК ПАЛЕОНТОЛОГИЯ

Агар тил умумийлиги унинг асосини ташкил қилган ижтимоий умумийлик ҳақида гапиришга имкон берадиган бўлса, у ҳолда тил шу умумий этнизм табиатини очиб беришга хизмат қилмайдими?

Кишилар узоқ вақт мобайнида тиллар уларда сўзлашувчи халқлар ва шу халқларнинг тарихигача бўлган даври ҳақида битмас-туганмас манбалардир, деб ўйлаб келганлар. Кельтологиянинг кашшофларидан бири Адольф Пикте, айниқса, ўзининг «Les origines indo-européennes» (1859–1863 «Ҳинд-европаликларнинг келиб чиқиши») номи билан машҳур бўлган (бу китоб бошқа кўплаб китоблар учун намуна бўлган ва ҳозир ҳам уларнинг энг қизиқарлиси ҳисобланади) асарида ҳинд-европа тилларининг маълумотларига таяниб, «арийлар» тамаддунининг асосий хусусиятларини очиб беришга ҳаракат қилади ва унинг турли томонларини маиший турмуш (курол, асбоб, уй ҳайвонлари), ижтимоий ҳаёт (уларнинг кўчманчи ёки деҳқон бўлган-бўлмаганлиги), оиланинг тури, бошқарувини аниқлаш мумкин, деб ҳисоблайди. У «арийлар» бешигини топишга ва уни Бактрияга жойлаштиришга ҳаракат қилади, улар яшаган мамлакатлар наботот ва ҳайвонотини ўрганади. Унинг ютуғи бу йўналишда эришилган жиддий тажрибадир. Шу асосда шаклланган фан лингвистик палеонтология номини олди.

Ўтган давр мобайнида бу йўналишда яна кўплаб ҳаракатлар қилинди. Бу йўналишдаги ишларнинг кейингиларидан бири Ҳерман Хирту қаламига мансуб («Die Indogeramanen», 1905–1907). У ҳинд-европаликларнинг дастлабки ватанини аниқлашда И.Шмидт назариясига асосланиб иш кўради (4-қисмнинг 4-бобидаги 3-§га қаранг). Бироқ у лингвистик палеонтологияга ҳам тез-тез мурожаат этади: у луғавий маълумотларини ҳинд-европаликлар деҳқонлар бўлганлигини исботлаш учун келтиради ва уларнинг ватани жанубий Россия деб ҳисоблашдан бош тартади, чунки бу жойлар кўчманчилик

учун кўпроқ яроқлидир; дарахт, хусусан, унинг айрим турлари (қора карагай, қора қайин, эман) номларининг тез-тез такрорланиб туриши уларнинг ватани ўрмонли жойлар бўлган ҳамда у Ҳарек ва Висла дарёлари, айнан Бранденбург ва Берлин оралиғида жойлашган, деган фикр туғдиради. Шунингдек, Пикте Адальберт Кунга қадар ҳам ҳинд-европаликларнинг мифологияси ва динини тиклашда тилшуносликдан фойдаланганликларини ҳам эслатиш ўринлидир.

Бизнингча, тилдан бундай маълумотлар талаб қилиш мумкин эмас. Нега у бундай маълумот беролмаслигининг сабаблари, бизнингча қуйидагилардир:

а) энг аввало, этимологиянинг шубҳалилиги: аста-секин келиб чиқиши мутлақо ишончли эканлиги аниқланган сўзларнинг жуда кам эканлиги аниқланди ва натижада тилшуносларнинг эҳтиёткорроқ бўлишларига тўғри келди. Илгариги тадқиқотларнинг дадил бўлганлигини кўрсатувчи мисол келтирайлик: лотинча *servus* «кул» ва *servāre* «қўриқламоқ» сўзларини, эҳтимол, унча асосли бўлмаса-да, ўзаро яқинлаштирадilar; кейин уларнинг биринчисига «қўриқчи» маъносини нисбат берадилар ва кул дастлаб уй қўриқчиси бўлган, дея хулоса қиладилар! Ҳолбуки, *servāre* дастлаб «қўриқламоқ» маъносига эга бўлган дейиш мумкин эмас. Лекин бу ҳаммаси эмас: сўз маъноси ривожланиб боради ва халқларнинг яшаш жойлари ўзгариши билан бир пайтда, кўпинча, ўзгариб ҳам туради;

б) шунингдек, сўзнинг бўлмаслиги ибтидоий маданиятда шу сўз билан ифодаланадиган нарсанинг ҳам бўлмаганлигига далилдир деб тахмин ҳам қилинган, бироқ бу адашишдан бошқа нарса эмас. Масалан, «ерга ишлов бермоқ» маъноли сўз Осиёнинг ҳинд-европа тилларида йўқ; бироқ бундан илгари у ерда деҳқончилик маълум бўлмаган деган хулоса келиб чиқмайди; мазкур халқлар кейинчалик деҳқончиликни ташлаб кетган ёки у бошқа сўзлар билан ифодаланган бошқача усуллар билан олиб борилган бўлиши мумкин;

в) этимологиянинг ишончлилигига путур етказадиган учинчи омил лисоний бирликларни бошқа тиллардан ўзлаштириш имкониятининг мавжудлигидир. Халқнинг кундалик ҳаётига кириб келаётган нарса билан унинг тилига шу нарсани бошқа тилда ифодалашга хизмат қиладиган сўз ҳам кириб келади. Масалан, наша ўсимлиги фақат кейинги пайтлардагина Ўрта ер денгизи ҳавзаси, ундан кейин шимолий мамлакатларга маълум бўлди ва ҳар гал ўсимлик номи унинг ўзи билан бирга ўзлаштирилди. Аксарият ҳолларда ғайрилисоний далилларнинг йўқлиги бир сўзнинг бир неча

Умумий тилшунослик курси ~~~~~ Фердинанд дў Соссюр тилда мавжудлиги ўзлаштириш натижаси билан изоҳланадими ёки у шу сўз келиб чиқишининг ворисий умумийлигини кўрсатадими, деган саволга жавоб қайтариш имконини бермайди.

Бу ҳеч ҳам айрим муштарак белгилар ва ҳатто конкрет фактларни ишонч билан аниқлашнинг имкони йўқ, дегани эмас. Масалан, ўзининг аниқлигини ҳозиргача сақлаб қолган қариндошлик терминлари кўшлаб учрайди; улар туфайли ҳинд-европаликларда оила институти қанча мураккаб бўлса, шунча мунтазам дейиш мумкин: шу нуктаи назардан уларнинг тили (масалан, француз тили) воситалар билан ифодалашнинг имкони бўлмаган нозикликларга эга. Масалан, Ҳомерда *eináteres* «келинлар», «янгалар»ни; *galóōi* эса «қайнсингиллар», «қайнэгачилар»ни англатади. Лотинча *janitrícēs* шаклан ҳам, мазмунан ҳам юнонча *eináteres* га мос «почча», «божа» бошқача номланади. Бу ерда биз қариндошлик муносабатлари тафсилотлари билан обдон ўрганилганлигини кўрамыз. Лекин, кўпинча, умумий маълумотлар билан қаноатланишга тўғри келади. Жониворлар ҳақида ҳам шундай дейиш мумкин: муҳим тур (насл)лар, масалан, йирик қорамоллар номларида нафақат «сигир» маъноли юнонча *boús*, немисча *kuh*, санскритча *gau-s* ва бошқаларнинг мос эканлигини кўрамыз ва, шунингдек, ҳинд-европача *gъōi-s* ни тиклай оламиз, балки тегишли сўзларнинг бу тилларда турланиши бир хил белгилар билан тавсифланишининг гувоҳи ҳам бўламиз; энг сўнгги ўзлаштириш ҳақида гап кетганда, бунинг иложи бўлмасди.

Тарқалишнинг маълум минтақаси билан чекланган ва ижтимоий тузилмага тааллуқли бўлган бошқа бир морфологик ҳодиса устида батафсилроқ тўхтаб ўтишни лозим топдик. Лотинча *dominus* «хўжайин», «жаноб» билан *domus* орасидаги яқинлик ҳақида гапирилганлигига қарамасдан, тилшунослар ўзларини унча ҳам қоникқан ҳисобламайдилар, чунки бу ерда *-no-* суффиксининг ясама исм ҳосил қилиш учун қўлланиши ниҳоят даражада ғайриоддийдир. Юнон тилида *oiko-no-s* ёки *oike-no-s* каби *oikos* «уй» сўзидан, санскрит тилида эса *açva-na* сингари *açva* — «от» сўзидан ҳосил қилинган ясамалар йўқ. Аммо айнан шу фавқулудда (камдан-кам учрайдиган) ҳодиса *dominus* сўзи кўшимчасига унинг бутун маъно хусусиятлари ва ўзига хослик бағишлайди. Шу нуктаи назардан бир неча немисча сўз, бизнингча, ҳақиқий кутилмаган янгиликдир:

1) *peuđa-na-z peuđō* «дохий», яъни «кирол», лотин тилида *piudans*, қадимги санскрит тилида *thiodan* (*peuđō* нинг гот тилида *piuđa* нинг *touto* «халқ»);

Умумий тилшунослик курси ~~~~~ Фердинанд дў Соссюр

2) *druhti-na-z* (қисман *druhtī-na-z* ўзгарган) «дохий» *dru-ti-z* «кўнгиллилар тўдаси», «отряд»; христианларнинг «господа», яъни «худо»си шундан келиб чиққан; қадимги скандинавча *Drōttinn*, англосаксонча *Dryhten* нинг сўзларини қиёсланг: ҳар иккаласи ҳам *īna-z* қўшимчаси билан тугалланган;

3) *kindi-na-z* «дохий *kindi-z*» (=лот. *gens*), яъни «уруғлар». *Gens* «уруғлар» дохийси *þendō* «халқ»қа нисбатан ўзига хос «вице-қирол» бўлганлиги учун германча *kindins* термини (бошқа тилларда батамом йўқолиб кетган) Ульфилла томонидан Рим вилояти губернаторини ифодалаш учун қўлланган, чунки император ноиб, олмонларнинг тасаввурларига кўра, уруғ-аймоқлар дохийси *þiudans* «қирол»га нисбатан айнан бир маънони англаган. Тарихий нуқтаи назардан бу терминлар қоришиб кетганлиги қанчалик қизиқарли бўлмасин, Рим муҳитига бегона бўлган *kindins* сўзи герман қабилаларининг *kindi-z* ларга бўлиниб кетганлигидан далолат беради.

Шундай қилиб, *-no-* иккиламчи суффикси германча ҳар қандай ўзакка қўшилади ва унга «маълум ижтимоий гуруҳ дохийси» маъносини беради. Фақат энди лотинча *tribūnus þiudans* «*þiuda*», яъни «халқ» каби сўзма-сўз *tribus*, яъни «триба дохийси»ни ва, ниҳоят, *domi-nus* ҳам «*domus*» дохийсини англатишини қайд этиш қолди, холос (кейинги мисолда *domus* — *touta* ёки *þiuda* «халқ»нинг энг кичик бўлинмасидир). *Dominus* ўзининг ғарайиб суффикси билан кўз ўнгимизда нафақат лисоний, шунингдек, ижтимоий уюшмаларда италияликлар этнизми билан олмонлар этнизми орасидаги муштаракликнинг ҳам инкор этиб бўлмайдиган исботи ўлароқ намоён бўлади.

Бироқ биз тилларни қиёшлаш бу қадар ўзига хос кузатишларга камдан-кам ҳолатларда олиб келиши мумкинлигини ҳам яна бир бор эслатиб ўтишга мажбурмиз.



#### 4-§. ЛИНГВИСТИК ТУР ВА ИЖТИМОЙ ГУРУҲ ТАФАККУРИ

Хуллас, тил халқнинг урф-одаглари ва институтлари ҳақида нисбатан кам аниқ ва ишончли маълумотлар берар экан, у, ҳеч бўлмаса, мазкур ижтимоий гуруҳнинг тафаккури турини тавсифлашга хизмат қила оладими? Тил халқнинг руҳий хусусиятини акс эттиради, деган фикр кенг тарқалган бўлса-да, унга қарши ўта жиддий эътироз

Умумий тилшунослик курси ~~~~~ Фердинанд дў Соссюр билдириш мумкин: тил воситаларини рухий сабаблар билан таърифлаш шарт эмас.

Сомий тиллар французча ва *parole de dieu* сингари гапларда отнинг аниқловчисини унинг аниқланмишига нисбатан икки сўзни ёнма-ён қўйиш йўли билан, аниқроғи, аникланаётган отнинг аниқлаётган отдан олдин келувчи *status constructus* деб аталадиган махсус шакли билан ифодаланади. Масалан, қадимги яҳудий тилида *dābār* «сўз» ва *'elōhīm* «тангри» сўзларининг бирикиши «тангри сўзи» маъноли *ḍ'bar 'elōhīm* сўз бирикмасини берган. Шунга асосланиб, биз бу синтактик қурилма сомлар тафаккурининг қандайдир хусусиятини намоёйиш этади, дея оламизми? Бундай дейиш жуда дадил айтилган фикр бўларди, чунки эски француз тилида худди шундай қурилма мунтазам қўлланган, қиёсланг: *le cor Roland* «Роланд бурғуси», *les quatre fils Aymon* «Эймоннинг тўрт ўғли» ва б. Ваҳоланки, романлар яшаган жойларда бу қурилма қанчалик фонетик бўлса, шунчалик морфологик характердаги соф тасодиф туфайли ривожланган. У тилда келишиқ қўшимчаларининг тушиб қолиши натижасида тарқалган. Шунинг учун бу синтактик ходиса бобо сомий тилда ҳам худди шундай тасодиф туфайли юзага келмаган, деб ким айта олади? Демак, сомий тилларнинг, афтидан, энг характерли хусусиятларидан бири бўлган бу қурилма сомлар тафаккурига нисбатан муайян хулосаларга келиш имконини бермайди.

Бошқа мисол, хинд-европа бобо тилда биринчи элементи феъл бўлган таркибли сўзлар бўлмаган. Аммо бундай сўзлар немис тилида бор: *Bethaus* «ибодатхона», *Springbrunen* «фаввора» ва ш.к.ни қиёсланг. Лекин бу олмонлар ўз тарихининг маълум пайтида боболардан мерос бўлиб ўтган тафаккур модулларидан бирини ўзгартирганликларидан далолат берадими? Бу янгилик, юқорида кўрганимиздек, нафақат моддий, шунингдек, салбий характердаги тасодиф *-betahūs* сўзида анинг тушиб қолиши (3-қисмнинг 1-бобиға қаранг) туфайли юзага келган.

Буларнинг барчаси товуш ўзгаришлари соҳасида фикрни белгиларнинг моддий ҳолати ёрдамида битилган ягона йўлга зўрлаб солган онг фаолиятиға боғлиқ бўлмаган ҳолда содир этилган. Бутун бошли қарашлар бизни бунга ишонтиради; у ёки бу лисоний гуруҳнинг рухий характери бир унлининг йўқолиб кетиши ёки урғу ўрнининг алмашилиши ва шунга ўхшаш ҳар бир дақиқада тил шаклларининг ҳар бирида белги ва тушунча орасидаги

Умумий тилшунослик курси ~~~~~ Фердинанд дў Соссюр  
муносабатларни бутунлай ўзгартириб юборишга қодир ҳодисалар  
олдида ҳеч нарса эмас.

Тилларнинг (ҳам тарихан маълум ва ҳам илмий нуқтаи назардан  
қайта тикланган) грамматик турини аниқлаш ҳамда уларни фикран  
ифодалаш мақсадида фойдаланиладиган усулларга боғлиқ ҳолда  
таснифлаш қизиқишлардан мосуво эмас, бироқ бу тавсиф ва  
таснифлардан тилнинг ўзидан ташқарида нима борлиги ҳақида ишонч  
билан қандайдир хулосаларга келиш мумкин эмас.



## V боб. ТИЛ ОИЛАЛАРИ ВА ТИЛ ТУРЛАРИ

Тил, хозиргина кўрганимиздек, сўзловчилар тафаккури измида эмас. Хулосада шу тамойилларнинг окибатларидан бирига алоҳида эътибор қаратамиз: бирорта ҳам тил оиласи ҳеч қачон муайян лингвистик турга абадий мансуб бўлмайди.

Тилларнинг мазкур гуруҳи қайси турга мансуб деб сўраш тиллар мудом ривожланишда эканлигини унутиш ва бу ривожланишда қандайдир барқадам элемент бор, деб ўйлаш билан тенгдир. Бироқ биз нимага асосланиб, ҳеч қандай чегара билмайдиган бу тараққиёт чегараларини тахмин қилиш ҳуқуқига эгамиз?

Тўғри, кўшлаб тадқиқотчилар бирор тил оиласининг характерли белгилари хусусида гапирганларида, асосан, унинг бобо тили хусусияти ҳақида ўйлайдилар ва бундай ҳолатда муаммо жуда енгил туюлади, чунки гап маълум тил ва маълум давр ҳақида боради. Аммо кимдир на макон ва на замон таъсирида бўладиган барқарор белгилар бор деб ўйласа, у эволюцион тилшуносликнинг асосий тамойилларига тажовуз қилган бўлади. Моҳиятан ўзгармайдиган белгилар бўлмайди, улар фақат тасодиф туфайлигина сақланиб қолиши мумкин.

Мисол тариқасида ҳинд-европа тиллар оиласини олиб кўрайлик. Бизга бу оиладан келиб чиққан тилнинг характерли белгилари маълум: товушлари системаси жуда содда; унлиларнинг мураккаб бирикмалари ҳам, иккиланган (икки марта кўпайган) ундошлар ҳам йўқ; қашшок, аммо алмашинишларнинг моҳиятан ниҳоят даражада грамматик характерда бўлган жуда мунтазам системаси билан тавсифланувчан вокализми (3-қисмнинг 3-бобидаги 4-§га ва 5-қисмнинг 3-бобидаги 2-§га қараг), асосан, сўзнинг ҳар қандай бўғинига тушадиган ва шунинг учун грамматик зиддиятларни таъкидлашда фойдаланиладиган мусиқий урғу; мутлақо чўзиқ ва қисқа бўғинлар зидланишига асосланган миқдорий ритм; кўшма ва ясама сўзлар ҳосил қилиш учун кенг имконият; гапда флексия ёрдамида ўзгарадиган ва ўзида бутун тафсилотларини мужассам этган алоҳида сўзнинг эркинлиги ва бу натижада *детерминативли ёки нисбий маъноли ёрдамчи сўзлар (фезъ ясовчи префикс, предлог



Умумий тилшунослик курси ~~~~~ Фердинанд дў Соссюр  
ва б.) нинг кам сонли бўлиши баробарида қурилмаларнинг жуда эркин эканлиги.

Бу белгилардан бирортасининг хинд-европа тилларида яхлит ҳолда тўлик сақланиб қолмаганлиги, масалан, миқдорий ритм ва мусикий урғунинг роли каби белгилардан айримларининг бу тиллардан бирортасида учрамаслиги; инглиз, арман, ирланд каби қатор тиллар ўзларининг дастлабки хинд-европача характери ни шу даражада ўзгартирганлиги, натижада улар мутлақо бошқа тил турининг вакилларидек туюлишига ишонч ҳосил қилиш қийин эмас.

Янада кучлироқ асос билан биз муайян оиланинг турли тилларига хос у ёки бу даражада умумий трансформацион жараёнлар ҳақида гапиришимиз мумкин. Масалан, сўз ўзгариши механизмининг юқорида биз томондан қайд этилганлар аста-секин кучсизланиб бориши, гарчи улар шу нуқтаи назардан ҳам талай тафовутларга эга бўлса ҳам, барча хинд-европа тилларда учрайди. Славян тилларида сўз ўзгариши кўпроқ сақланиб қолган бўлса, инглиз тилида у батамом йўққа чиқарилган. Флексиянинг бу соддалашувини анча умумий характерда бўлган бошқа ҳодиса ва айнан гапда элементларининг у ёки бу даражада турғун тартиби ҳамда фикр ифодалашнинг синтетик усуллари нинг аналитик усуллар томонидан сиқиб чиқарилиши билан боғлаш керак: келишик маъноларининг предлоглар ёрдамида ифодаланиши (3-қисмнинг 8-бобига қаранг), феъл шакллари нинг ёрдамчи феъл билан ҳосил қилиниши ва ш.к.

Кўринадики, прототипнинг у ёки бу белгиси унга бориб тақалувчи тилларнинг униси ёки бунисида бўлмаслиги мумкин, бироқ бу фикрнинг тескариси ҳам тўғри: оиланинг барча вакилларидаги умумий хусусиятлар бобо тилда учрамайди, унлиларнинг ўзаро уйғунлиги, яъни барча унлиларнинг суффиксларда ўзакнинг охириги унли билан ассимиляцияси бунга мисол бўла олади. Бу ҳодиса тилларнинг бепоён урал-олтой гуруҳига асосланган Европа ва Осиёда, Финландиядан тартиб Манжуриягача бўлган худудларда шу гуруҳга мансуб тилларда гаплашилади, лекин бу фавқулодда ҳодиса, афтидан, мазкур гуруҳ айрим тилларининг сўнгги тараққиёти билан боғлиқ. Бинобарин, бу умумий, аммо азалдан қолиб келаётган хусусият эмас.

Бу эса мазкур тиллар келиб чиқилишининг умумийлигини (бунинг устига, жуда мулоҳазали) исботлашда уларнинг агглютинатив

Умумий тилшунослик курси ~~~~~ Фердинанд дў Сосюр  
характери каби унлилар уйғунлигини ҳам далил сифатида келтириш  
мумкин эмас, деганидир.

Хитой тилининг ҳамма замонларда ҳам бир бўғинли тил  
бўлмаганлиги аниқланган. Сомий тиллар реконструкция қилинган  
сомий бобо тил билан қиёсланганда, улардан баъзиларининг  
хусусиятлари барқарор эканлиги бизни ҳайратлантиради.  
Тилларнинг бу оиласи бошқа оилаларга қараганда ўзгармаслиги,  
турғунлик ва бутун оилага хос белгилар яхлитлиги ҳақида тасаввур  
ҳосил қилади. У куйидаги хусусиятларда намоён бўлади (бу  
белгилардан айримлари ҳинд-европа тиллар оиласига хос  
белгиларга кескин қарама-қаршидир): кўшма сўзларнинг деярли  
тўлиқ йўқлиги, сўз яшашнинг чекланган роли, флексиянинг кам  
тараққий этганлиги (дарвоқе, у бобо тилда унга бориб тақаладиган  
тиллардан фарқли ўлароқ, кўпроқ ривожланган), сўз тартибининг  
маълум даражада қатъий қоидаларга бўйсунishi ҳам шулар билан  
боғлиқ. Фавқулодда ажойиб хусусият ўзаклар тузилишида намоён  
бўлади («2- ва 3-қисмларга илова»нинг «Б» бандига қаранг):  
ўзаклар доимо уч ундошдан (масалан, *q-t-l* «қатл қилмоқ» ташкил  
топади; ўзакнинг бу ундошлари мазкур тилдаги нафақат бир  
сўзнинг барча шаклларида (қиёсланг: қадимги яхудийча *qātal* «у  
қатл қилди», «ўлдирди», *qālīlā* «у (жен.р) ўлдирди», *q^etōl*  
«ўлдирмоқ», «сен (эркак киши) ўлдир», *qil^eli* «сен (аёл киши),  
ўлдир» ва б.), шунингдек, ҳатто бошқа тилларда ҳам (қиёсланг:  
арабча *qatala* «у ўлдирди», *qutīla* «у ўлдирилган» ва б.).

Бошқача айтганда, ундошлар сўзларнинг «конкрет  
маънолари»ни, уларнинг луғавий қийматини ифодаласа, алмашиниб  
келувчи унлилар, тўғри, айрим префикс ва суффикслар ёрдамида  
бўлса-да, грамматик категорияларни ифодалайди: масалан, қадимги  
яхудийча *qātel* «у ўлдирди», *q^etōl* «ўлдирмоқ», «ўлдир, сен (эркак  
киши)!»), суффикс билан *-qāl^el-ū* «улар ўлдирдилар», префикс билан  
*-ji-qtōl* «улар ўлдиради» ва б.

Бу далиллар қаршисида ва баъзан уларнинг қандай талқин  
қилинаётганига қарамасдан, биз ўзимиз томондан эълон қилинган  
тамойилга содиқ қоламыз: ўзгармайдиган белгилар бўлмайди,  
уларнинг турғунлиги тасодиф ҳосиласидир; агар қандайдир белги  
узок вақт давомида сақланиб қолган бўлса ҳам, исталган пайтда йўқ  
бўлиб кетиши мумкин. Сомий тилнинг белгиларига келсак,  
таъкидлаш жоизки, уч унли «қонуни» бу оила учун унчалик  
характерли эмас, чунки худди шундай ҳодисалар бошқа оилаларда

Умумий тилшунослик курси ~~~~~ Фердинанд дў Соссюр ҳам учрайди. Масалан, хинд-европа тилида ўзаклар консонантизми қатъий қоидаларга бўйсунди: уларда, масалан, *e* дан кейин *i, u, r, l, m, n* қаторидаги икки ундошнинг бирикиши ҳеч қачон учрамайди; *serl* типидagi ундошнинг бу ерда келиши мумкин эмас. Янада катта ишонч билан сомий тилларида унлининг роли ҳақида ҳам шундай дейиш мумкин: худди шундай ҳодиса, гарчи кам ривожланган шаклда бўлса ҳам, хинд-европа тилларида ҳам учрайди, қадимги яҳудий тилидаги *dābār* «сўз», *d^ebār-īm* «сўзлар», *dib^erē-kim* «сизнинг сўзингиз» каби зидланишлар немис тилидаги *gast* «меҳмон»: *gāste* «меҳмонлар», *fliessen* «оқмоқ»: *floss* «оқди» ва бошқаларни эслатади. Иккала ҳолатда ҳам грамматик усул генезиси битта. У ерда ҳам, бу ерда ҳам гап тасодифий эволюция билан боғлиқ ҳолда содир бўлган соф фонетик ўзгаришлар ҳақида бормоқда; бу эволюция юзага келтирган алмашинишлар уларни маълум грамматик маънолар билан боғлаган ва уларнинг қўлланишини фонетик тараққиётнинг тасодифий таъсири пайдо бўлган намуналарга мувофиқ тарзда тарқатган онг томонидан ушлаб турилган. Сомий тилларга хос ўзакнинг уч ундошли табиати ўзгармаслигига келсак, у нисбий ҳарактерда бўлиб, ҳеч нарсадан далолат бермайди. Бунга *a priori* ҳам ишонч ҳосил қилиш мумкин, бироқ уни фактлар ҳам тасдиқлайди. Масалан, қадимги яҳудий тилида *'anāš-īm* «кишилар» сўзининг ўзаги, кутилганидек, уч унлидан ташкил топган, лекин бирлик сондаги *'š* «киши»да улар фақат иккита ва бу уч ундошдан ҳосил бўлган қадимий шаклнинг фонетик қисқариши натижасида юзага келган. Аммо бу хаёлий ўзгармаслик эътиборга олинганда ҳам, унда ўзакларнинг қандайдир ўзига хос белгисини кўриш мумкинми? Асло! Гап шундаки, сомий тиллари бошқа кўплаб тилларга қараганда фонетик ўзгаришларга камроқ дучор бўлган, натижада уларда бошқа тилларга нисбатан кўпроқ ундош сақланиб қолган. Шундай қилиб, уларнинг барчаси фақат эволюция ҳосиласи моҳиятан ўзгармас грамматик ҳодиса эмас, балки соф фонетик ҳодисадир. Ўзак ўзгармайди дейиш ўзакларда ҳеч қачон фонетик ўзгаришлар бўлмайди, дейиш билан тенгдир, бунда бошқа ҳеч қандай ўзгача фикр йўқ. Шунингдек, ҳеч қачон ўзгариш бўлмаслигига кафиллик бўлиши ҳам мумкин эмас. Умуман, нимаки вақт томонидан яратилган бўлса, фақат вақт томонидан ўзгартирилиши ёки йўқ қилиниши мумкин. Тилни ўз тараққиёт қонунларини ўзида мужассам этган қандайдир органик нарса сифатида ўрганган Шлейхер воқеликни зўрлаган, ҳақиқатда

Умумий тилшунослик курси ~~~~~ Фердинанд дў Соссюр  
эса, ҳеч шубҳаланмасдан ирқ ёки этник гуруҳ «даҳо»си тилни  
узлуксиз равишда маълум йўлларга солиб туради деб ўйлашиб, унда  
бошқа маънодаги органик ходисани кўришда давом этмоқдалар.

Фанимизнинг туташ соҳаларига қилинган экскурсдан соф ва шу  
билан бирга, қизиқарли, ушбу курснинг асосий ғоясига монанд  
қуйидаги хулоса келиб чиқади: *тилшуносликнинг ягона ва  
ҳақиқий объекти — ўзида ва ўзи учун ўрганиладиган тилдир.*



## ФЕРДИНАНД ДЎ СОССЮР

(Биобиблиографик очерк)

**Туғилган йили ва жойи.** Фердинанд дў Соссюр 1857 йилнинг 26 ноябрида Швейцариянинг пойтахти Женева шаҳрида туғилган. Унинг бобокалонлари XVI асрда Францияда авж олган газвот пайтида Лотарингия вилоятининг Соссюр Мозелот (Мозелот дарёси соҳилида жойлашган Соссюр (Saulxure-sur-Moselotte) шаҳарчасидан Швейцарияга кўчиб келганлар. Миллати француз — швейцариялик француз.

**Аждодлари.** Соссюрлар оиласи Женеванинг энг машхур, энг нуфузли ва энг қадимий оилаларидан бири бўлган. Унга асли лотарингиялик бўлган, шу вилоят герцогининг маслаҳатчиси лавозимида ишлаган Монгжинг (ёки Монгжсн) Шуел асос солган. Унинг лавозими ва бойликларига эгалик қилган ўғли Антуан (1514–1569) Калвин тарафдори бўлгани, ёш герцог Шарлни диний ислохотлар ўтказишга даъват қилгани учун 1550 йилда камокка олинган ва у ердан қочишга муваффақ бўлган. Яқинлари билан Ньюкасл, Страсбург, Лозан (Losanne), Женева орасида кечган сарсон-саргардонликлардан кейин бироз молдунё тўплаб, майда савдогарлар даражасига кўтарилган, Женевага кўчиб келиб, шу ерда яшаб қолган.

Соссюрларнинг кейинги авлодлари XVIII асрнинг бошида Мюлинг номли жойдан чиройли бир уй, бир неча йилдан кейин, 1723 йилда Крў (Среих) дў Жанто деб аталган жойдан ёзги дала ҳовли сотиб олишади. Айнан шу даврда Соссюрларнинг биринчи авлоди Никола дунёга келади. Никола дў Соссюр (1709–1791) адвокат, Европада маълум ва машхур зироатчи мутахассис бўлган, ўз соҳаси бўйича ўша давр энциклопедиясини чоп этган нашриёт билан ҳамкорлик қилган ва 1778 йилда унда чоп этилган мақолаларини тўплаб, «Vignes, raisins, vendanges et vins» («Токзорлар, узумларнинг навлари, узум териш ва вино») номли монография ҳам эълон қилган.

Никола дў Соссюрнинг ўғли Орас-Бенедикт дў Соссюр (1740–1799) XVIII аср Женева фозилларининг (эхтимол, Жан-Жак Руссодан кейинги) энг буюк намояндасидир. У 22 ёшида Женева академияси фалсафа ва табиий фанлар профессори, 1774–1775 йилларда шу академиянинг ректори лавозимида ишлаган, ботаника, электрология, механика, минерология, гидрология, геология фанлари устида тадқиқотлар олиб борган, асарлар ёзган.

Орас Бенедикт дў Соссюрнинг иккала ўғли: Албертин-Адриен (1766–1841) ва Никола-Теодор (1767–1845) оила анъанасини давом эттириб, табиий фанлар билан шуғулланганлар. Никола-Теодор (Ф. дў Соссюрнинг бобоси) машхур физик, химик, табиатшунос бўлган,

Женева университетига геология ва минерология фанлари профессори лавозимида фаолият кўрсатган. Унинг ўсимликлар физиологиясига доир ишлари жуда машхур. Фердинанд дў Соссюрнинг бувикалони, Никола-Теодор дў Соссюрнинг опаси Альбертина-Адриенна дў Соссюр (1766–1841) машхур француз ёзувчиси дў Стал ҳамда кўплаб немис шоирларининг дўсти, Фердинанд дў Соссюрнинг биринчи устози Адольф Пиктенинг яқин кишиси бўлган, ўзи ҳам китоблар ёзган.

Фердинанд дў Соссюрнинг отаси Анри дў Соссюр (1829–1905) чамаси 25–27 ёшларда Антил оролларида, Мексика ва АКШда илмий сафарларда бўлган, у ерларда энтомология ва минералогияга оид жуда бой маълумотлар тўплаган, Ватанига қайтгандан кейин, қолган умрини батамом геологияга бағишлаган. Унинг иккита укаси ҳам ўз даврининг етук олимлари бўлган.

Леопольд дў Соссюр (1866–1925) вьетнам ва хитой тиллари ҳамда қадимги хитой астрономияси мутахассиси, Вене дў Соссюр (1868–193...) эса математик бўлган, табиий ва сунъий тиллар бўйича қатор асарлар ёзган. Дў Соссюрлар хонадонидан фақат унинг ўзидан кейинги укаси Орас дў Соссюр (1859–1926), гарчи илм билан шуғулланмаган бўлса-да, истеъдодли мусаввир-портретист ва пейзажист бўлган.

**Болалик йиллари.** Соссюр номдор аждодлари каби табиатшунослик билан эмас, балки тилшунослик билан жуда эрта қизиққан. Бунинг сабаблари бор:

- она томонидан бобоси Александр-Жозеф Пурталенинг бой кутубхонасидан бемалол фойдаланиш имкони;
- шу бобоси билан этнолингвистика ва этимология фанлари хусусида олиб борилган суҳбатлар. «Мени доимо тилшунослик ўзига тортарди» ва «мен она томондан бобомнинг кутубхонасидан ... ва у билан кечган суҳбатлардан озиқланардим», деб ёзган Фердинанд дў Соссюр ўша саодатли кунларини эслаб;
- 12 ёки 13 ёшида кекса математик, тилшунос ва файласуф, санъат ва адабиётнинг зукко билимдони, «олим ва айни пайтда шоир» [Фердинанд дў Соссюр], лингвистик палеонтология (ҳинд-европа тиллари материаллари асосида) асосчиси, «Les origines indo-européennes ou les Aryas primitifs» (1859) ва «Essai de paléontologie linguistique» (1863), номли икки жилдлик фундаментал асар муаллифи, немис файласуфлари Ҳегел (Hegel) ва Ф. Шеллингнинг шогирди ва дўсти, В. фон Шлегелнинг жўраси, Кузеннинг яқин дўсти ва сафардоши Адольф Пикте (1799–1875) билан учрашгани, у билан кечган самимий, дўстона ва илмий суҳбатлар.

**Ўқиган жойлари.** Тилшунослик фани бу ҳақида тўлиқ маълумотга эга эмас. Библиографларнинг ёзишича, Фердинанд дў Соссюр мактабда ўқиб юрган пайтларидаёқ юнон ва лотин тилларидан ташқари, Боппнинг грамматикаси асосида санскрит тилини мустақил ўрганган. Женева университети профессори, лотиншунос ва ҳиндшунос П.Олтрамар (Oltramare) билан алоқа бу борада унга ҳеч нарса бермайди: унинг ҳинд-европа тиллари, хусусан, гот тили бўйича билимлари саёзлигича қолади. Шунга қарамасдан, санскрит ва мумтоз (лотин ва юнон) тиллар устида олиб борган изланишлари натижаси у ҳинд-европа тилида сонант бурун товуши бўлиши керак, деган фаразни олға суради.

Фердинанд дў Соссюр дастлаб Берн яқинидаги Ҳофвил (Hofwyl) шаҳарчасидаги коллежга, 1873 йилда (А.А.Холодовичга кўра, 1870–1871 йилда) Мартин институтига (А.А.Холодовичга кўра, хусусий пансионга) ўқишга киради ва у ерда Ҳаас (Haas) грамматикаси асосида юнон тилини ўрганади (бу пайтга келиб, у француз, немис, инглиз ва лотин тилларини чуқур эгаллаган эди) ва «Тилнинг умумий тизими»ни («Un système général de langage») яратишга ҳаракат қилади. Асар қўлёзмасини 1872 йилда «Тиллар бўйича очерклар» («Essai sur les langues») номи билан ёзиб тугаллайди ва уни устози Пиктега бағишлайди.

1872 йилнинг кузида ота-онаси ҳали гимназия учун «пишмаган» деб уни бир йилга коллеж-интернатга (au Collège public) мажбурлаб ўқишга кўяди. Бир куни дарс пайтида «ҳали пишмаган» 16 ёшли бу бола юнон тили грамматикасидаги кўплаб «истиснолар»дан бирида, аниқроғи, тетίχатаί сўзида сонант бурун товуши борлигини К.Бругмандан (1848–1919) уч йил олдин кашф этади.

**Тилшуносликнинг сўқмоқли йўлларида.** 1875 йилда 18 ёшли Фердинанд дў Соссюр гимназиядаги ўқишини ташлаб, ота-онасининг хоҳиш-иродаси билан Женева университетида физика ва кимё фанларидан маърузалар тинглай бошлайди. Аммо у ўзига устози А.Пикте томонидан сингдирилган соҳа — тил ҳақидаги фанни унута олмайди ва кўшимча тарзда фалсафа, санъат тарихи, тилшунослик фанларидан ўқилган маърузаларга қатнайди. Кафедра мудири, проф. Шульц Вертхаймер маърузаларидан қониқмаган дў Соссюр приват-доцент Луи Морелнинг юнон ва лотин тиллари бўйича ўтказилган дарсларига қатнайди, ундан ҳам Лейпцигга бир йил олдин ўқиганларини эшитади ва ҳафсаласи пир бўлиб, 1876 йилнинг 13 майида Парижда яқинда таъсис этилган Тилшунослик жамияти (À la Société de Linguistique de Paris)га қабул қилинади. Унинг бирдан-бир мақсади тилшунос бўлиш эди. Энди ота-онаси ҳам унинг бу мақсадига қарши эмас.

Ёш тилшунос Германиянинг йирик илмий шаҳри Лейпцигга жўнайди. У бу шаҳарда 1876 йилнинг кузидан то 1880 йилнинг июнь-

Умумий тилшунослик курси ~~~~~ Фердинанд дў Соссюр июль ойларигача яшайди. Соссюрнинг Лейпцигга келишини биров тасодиф деб баҳоласа, бошқа биров уни шу университетда ўқиётган дўстлари чакирган дейишади. Аслида Лейпциг — ота-онасининг танлови бўлган.

Мухими Фердинанд дў Соссюрнинг Лейпцигга қандай келиб қолгани эмас, балки ўзи билмаган ҳолда кўз ўнгида пайдо бўлаётган янги лингвистик ҳаракат, кейинчалик Царнке ҳазиллашиб, ёш грамматиклар деб атаган ва шу ном билан тарихда қолган жамият «эпицентри»га келиб қолганлигидир.

Шуниси эътиборга молиқки, дў Соссюр ўзининг «Мемуар»ини чоп этган йили А.Лескин, Г.Остҳоф ва К.Бругман ёш грамматиклар мактаби манифестини эълон қилган эдилар.

Фердинанд дў Соссюр ёш грамматикларга ҳеч қачон кўшилмаган, ғояларини тап тортмай танқид қилган, улар асос солган мактабни ғўр, бир ёқлама, тор мактаб сифатида баҳолаган. У Лейпцигга ўқиган даврда университетда Бопп асос солган мактабнинг Георг Курциус, Август Лоскин (1840–1916), Георг Остҳоф (1847–1909) ва Карл Бругман (1843–1919) каби энг ёрқин намояндалари фаолият кўрсатарди.

Лейпциг университетида дў Соссюр Г.Курциус, А. Лескин (литва ва эски славян тилларидан), Виндиш (1844–1918) (қадимги ирланд тилидан), Гюбшман (қадимги форс тилидан), Браун (немис тили тарихидан) маърузаларини тинглайди, ҳинд-европа тилларининг қиёсий грамматикаси билан жуда қизикса-да, уни Остҳоф ва Бругман ўқиганлари учун маърузаларга деярли қатнашмайди, ёш грамматикларнинг бу устозлари билан ҳеч қандай алоқа қилмайди. Бунинг учун унда истак ҳам, хоҳиш ҳам йўқ эди. Унинг бутун вужуди, қалбида тугиб юрган режани амалга ошириш — ҳинд-европа тилида ўзак ва унлилар тизимини қайта тиклаш, ўзи яратмоқчи бўлиб юрган назариянинг хом қолипини яратиш орзуси билан банд. Ёш олимнинг бу орзуси 1878 йил декабрь ойида ушалди: 21 ёшли Фердинанд дў Соссюр «Ҳинд-европа тилларида унлиларнинг дастлабки тизими ҳақида мемуар» (тадқиқот) («Le Mémoire sur le système primitif des voyelles dans les langues indoeuropéennes») номли фундаментал асарини эълон қилди.

Бу асар ер юзини кўрган ҳамоно баҳс-мунозараларга сабаб бўлди. Агар Мейе (Meillet), Штейнберг (Streitberg), Ватерман (Waterman), Бринбаум (Brinbaum), Лўруа (Leroy), Валлини (Vallini) каби даврнинг етук олимлари «Мемуар» хулосаларини умумлаштирган ва улардан ўз тадқиқотларида унумли фойдаланган, машхур германист Царнке ёш Фердинанддан: «Тасодифан сиз швейцариялик тилшунос — «Мемуар» муаллифи Фердинанд дў Соссюрнинг қариндоши эмасмисиз», деб сўраган ва бу билан унга ўзининг ижобий муносабатини билдирган,



Умумий тилшунослик курси ~~~~~ Фердинанд дў Соссюр

коллеж дў Франс профессори Л.Хабе (Harvet), Европанинг бошқа бир чети — Қозонда яшаган Н.Крушевский сингари соҳа мутахассислари эътиборига тушган, даниялик (nordique) Х.Мюллер (H.Möller) Соссюр гоясини қабул қилган бўлса, Остҳоф бошлиқ немис тилшунослари бу кашфиёт асарни жуда совуқ қабул қиладилар. Бу ҳақда А.А.Холодович шундай ёзади: «Мемуар»га ярим асрлик муносабатни марказдан четда яшаган бу олимлар эмас, балки ўша даврда тилшунослик штабини бошқарган Остҳоф ва унинг яқинлари белгиладилар. «Мемуар»га нисбатан келгуси муносабатда Остҳоф ҳалокатли роль ўйнайди. У 1879 ва 1981 йилларда «Morphologische Untersuchungen» журналида (Vol.11, 1879; Vol. IV, 1881) Бургман билан ҳамкорликда нащр этилган мақолаларида «Мемуар» ва унинг муаллифига кетма-кет зарба беради»⁷.

Бунинг сабабларини Остҳоф ва Бругман ғояларини дў Соссюр ҳазм қилолмаганидан, уларнинг маърузаларига деярли қатнашмаганидан излаш керак⁸.

Хўш, «Мемуар» қандай асар ўзи? Нега у шунчалар бахс-мунозараларга сабаб бўлди? Нега биз ҳамон (орадан 140 йил ўтган бўлса-да) ундан беҳабармиз? Ахир, у дў Соссюрнинг қўли билан ёзилган ва ҳаётлик пайтида эълон қилинган бирдан-бир кашфиёт мақомидаги асар-ку! Қуйида шу ҳақда тўхталамиз:

«Мемуар» дў Соссюрни етук тадқиқотчи олим сифатида батамом шаклланишини намоён этувчи асар («Le mémoire a profondément marqué la formation de Saussure» [Граммон, Бирнбаум, Лепши (Lepschy)]), унда ҳинд-европа тиллари унлилари узук-юлуқ тарзда эмас, балки тизим сифатида ўрганилган [Hjelmslev, Buysens, Kukenheim, Derossi].

«Мемуар» марказини А унли товушнинг родини аниқлаш ташкил қилади. Унинг қолган қисми асосий мақсадга эришиш воситаси, холос (Streitberg).

А нинг сонантлик коэффициенти, гарчи муҳим кашфиёт бўлса-да, хусусий кашфиётдир (частное открытие) [Холодович].

Соссюрнинг ҳинд-европа тилларида ўзак ва унинг вариантлари гўё тартибсиздек кўринган ранг-баранглик ортида тамоман қатъий ва бир хил (бир-бирига айнан ўхшаш) ўзак тузилиши яширинган, айнан бир ўзак вариантларини танлаш ягона, нисбатан оддий коидаларга бўйсунди, деган сўзлари «Мемуар»нинг асосий хулосасидир.

Соссюрнинг замондошлари, ҳатто, унинг бевосита шогирди А.Мейе ҳам «Мемуар»нинг асл баҳосини беролмадилар. Бунинг сабабини фактик материални умумий материалга эътибор қилмасдан ўрганган

⁷ Холодович А.А. Фердинанд де Соссюр // Фердинанд де Соссюр. Труды по языкознанию. - М.: Прогресс, 1977, с. 658.

⁸ Бу ҳақда тулиқроқ маълумот олиш учун қараг: Tullio de Mauro. Notes biographiques et critiques sur F.de Saussure // Saussure F.de Cours de linguistique générale. - p. 328-332. Холодович А.А. Фердинанд дў Соссюр. Жизнь и труды // Ф. де Соссюр. Труды по языкознанию. - М.: Прогресс, 1977, стр. 665-662.

Умумий тилшунослик курси ~~~~~ Фердинанд дў Соссюр  
XIX асрнинг охири ва XX асрнинг боши қиёсий-тарихий  
тилшунослигининг умумий руҳидан излаш керак (А.А.Зализняк).

«Мемуар» 1900 йилда Хирнинг «Ablaut» китобида тилга  
олингандан, ундаги кашфиётларни 1927 йилда Е.Курилович фонетик  
сатҳда асослаб бергандан, Бенвенистнинг ҳинд-европа ўзагининг  
тузилиши ҳақидаги ишлари эълон қилинганидан кейин оммалашиб  
кетди ва муаллифни тилшунослик илмининг Ф. Бопп, В.Хумболт,  
А.Шлейхер, Б. дў Куртенэ каби классиклари қаторига олиб чиқди  
(А.А.Холдович).

Фердинанд дў Соссюр 1880 йилда (23 ёшида) «Санскритда абсолют  
қаратқич келишикнинг қўлланиши ҳақида» («De l'emploi de génitif  
absolut en sanscrit») мавзусида докторлик диссертациясини ёқлайди.  
«Мемуар»нинг «эстетик лаззати»ни (Wackernagel) туйган тилшунослар  
диссертация ишини назарий ҳамда методологик қийматга эга бўлмаган  
тадқиқот сифатида баҳолашади.

Бу баҳо тўғри эмас, чунки ҳимояга қатнашган Е.Фавр  
(Соссюрнинг ҳамкасби) у ҳақда шундай ёзган: «Агар у шунчалар  
камтарин бўлмаганда, роллар алмашиниши мумкин эди: имтиҳон  
қилинаётган ёш йигит имтиҳончи олимлар билан бемалол жой  
алмашинган бўларди (aurait pu mettre sur la sellette) [иқтибос: Тули де  
Моураники].

Лейпцигда ўзи истаган билимни олиш ўрнига, душманлар орттирган  
ва ёш грамматиклар макрига чидай олмаган Соссюр ўқишни Парижда  
давом эттиришни кўнглига тугиб, Берлин орқали Литвага жўнайди (1880  
йилнинг март-сентябрь ойлари), у ерда литва тили билан шуғулланади  
ва 1880 йилнинг кузида Парижга келади. У бу ерда Мишел Бреал  
дарсларига, Олий таълим мактаби (l'École des Hautes Études)да ўқилган  
маърузаларга қатнашади. Эроншунос У. Дармстетер, санскритшунос  
А.Бердэнг ҳамда Л.Ҳаветнинг латин фалсафаси бўйича ўқиган  
машғулотларида иштирок этади, «Тилшунослар жамияти» (la Société de  
la linguistique)нинг фаол аъзосига айланади.

Фердинанд дў Соссюр М.Бреал маърузалари орқали фалсафий  
грамматика ғоялари, хусусан, белгининг ихтиёрийлиги назарияси билан  
танишади. Белгининг ихтиёрийлиги назариясини кейинчалик Кондияк  
ривожлантирган. Соссюр дастлаб Кондияк таъсирида ўзининг  
«Умумий тилшунослик курси» асарининг бошида *белги ихтиёрий*, деб  
қатъий айтган бўлса-да, унинг сўнги саҳифаларида белги *нисбатан  
ихтиёрийдир*, деган қатъий хулосага келади.

1881 йилнинг кузида М.Бреал ўзи ўқиб келган курсни Соссюрга  
топширади ва 24 ёшли Соссюр 5 ноябрдан 20000 франк маош билан  
талабаларга дарс ўта бошлайди. Университетда у қуйидаги фанлардан

дарс беради: гот тили ва қадимги юқори немис тили (1881–1887), юнон ва лотин тилларининг қиёсий грамматикаси (1887–1888), литва тили (1888–1889, маъруза ва амалий машғулотлар).

Фердинанд дў Соссюр 1881 йилда Париж тилшунослик жамияти йиғилишида Бодуэн дў Куртенэ билан танишади ва шу тарзда тилшунослик тарихида янги давр очган икки буюк сиймонинг беназир дўстлигига асос солинади.

Фердинанд дў Соссюр бетоблиги туфайли бир йилга (1889–1890) меҳнат таътили олади ва ўрнига А. Мейени қўйиб, ота юрти Женевага жўнайди. Ватандан қайтгач, яна бир марта дарс беради ва 1891 йилда ўз ўрнига Л.Дювони тавсия қилиб, Париж ва Францияни, бу ерда орттирган дўстлари ва С.А.Дармстетер, Э.Эрно, Л.Леже, М.Граммон, П.Пассе, А.Мейе каби кейинчалик машхур тилшунослар бўлиб етишган шогирдларини бир умрга тарк этади.

1881 йилда дў Соссюр ҳаётининг сўнгги, Женева даври бошланади. Кучга тўлган, Европа илмининг бутун сир-асрорини чуқур эгаллаган 34 ёшли Соссюр ўзи учун махсус очилган ҳинд-европа тиллар қиёсий грамматикаси тарихи ва санскрит кафедрасига аввал штатдан ташқари, 1896 йилдан штатдаги профессор лавозимларида ишлайди ва қуйидаги фанлардан маърузалар ўқийди: юнон ва лотин тиллари фонетикаси, юнон ва лотин тиллари қиёсий грамматикаси, юнон ва лотин тиллари тарихий грамматикаси, юнон ва лотин тилларида турланиш, юнон тилида феъл, юнон ва лотин тиллари этимологияси, юнон диалектологияси, Ҳомер диалекти, қадимги юнон эпиграфикаси, юнон тили шевалари, Гесиахий глоссалари, лотинча ва юнонча сўзлар уяси ва деривация турлари.

Герман тиллари бўйича Парижда қилган маърузаларини бу ерда фақат ўн йилдан кейин давом эттиради ва 1896 йилдан то умрининг охиригача (1913) вақти-вақти билан гот тили, қадимги юқори немис тили, ўрта юқори немис тили, қадимги саксон тили, инглиз-саксон тили, қадимги норвеж тили, герман тилларининг қиёсий грамматикаси, немис (ва инглиз) тили тарихий грамматикаси курсларини, ўзининг севимли фани санскрит тили курсини эса ҳар йил ўқийди.

У, шунингдек, 1892–1893 ўқув йилида ҳинд-европа тили тарихини, 1895–1896 ўқув йилида аҳамонийлар ёзувлари, 1897 йилда университет қошида таътил пайтида ўқиладиган курсларда («Cours de vacances»), 1897 йилда бўғин назарияси, 1901–1902 ўқув йилида қадимги ва ҳозирги Европа лингвистик географиясидан маърузалар ўқийди.

Библиографларнинг ёзишича, дў Соссюр дўстлардан аста-секин узоқлашади, парижлик яқинлари билан ёзишмалари камаяди, онда-сонда ёзган мактублари ҳам стол тортмасида қолиб кетади. Унинг «Умумий

Умумий тилшунослик курси ~~~~~ Фердинанд дў Соссюр тилшунослик курси»да билдирилган фикрларни бошқаларники дегувчилар ҳам, кўшлаб масалаларда И.А.Бодуэн дў Куртенэни Фердинанд дў Соссюрдан устун сановчилар ҳам топиди, уларнинг бу икки буюк тилшунос ғоялари илдизини билмасликлари ҳам маълум бўлиб қолди. Гарчи уларнинг ғояларида муштгарак ўринлар кўп бўлса-да, асарлари композицияси ҳам, истифода этилган манбалар ҳам батамом бошқа-бошқа. Соссюр тилшунос сифатида Пор-Роял грамматикаси, Уитни, Дюркегейм, Тард; Куртенэ эса Хумболт, Штейнтал, Соченов асарлари асосида шаклланганлар. «Соссюр — ғоялар йиғиндиси эмас, балки шу ғоялар тизимидир. Бинобарин, ҳар қандай ғоянинг манбаи масаласи иккиламчи аҳамият касб этади» [А.Холодович, 670].

«Курс»нинг чоп этилиши *умумий тилшунослик* ва *тил*ни ўрганишда бутун бир даврни бошлаб берди. Е.Сапирнинг «Тил» («Language», 1921), А.Мейенинг «Тарихий ва умумий тилшунослик» («Linguistique historique et linguistique générale», 1921), Ж.Марузонинг «Тилшунослик ёки тилшунослик ҳақидаги фан» («La linguistique ou Science du langage», 1921), О. Есперсеннинг «Тил» («Language», 1923), Л. Ельмслевнинг «Тил назариясига кириш» («Prolégomènes à une théorie du langage», 1943, Ш.Баллининг «Умумий тилшунослик ва француз тилшунослиги» («Linguistique générale et linguistique française», 1950), Ж.Пеппонинг «Тилшунослик» («La linguistique», 1953), Ҳ. А. Глизоннинг «Дескриптив тилшуносликка кириш» («Introduction to descriptive Linguistics», 1955), А.Мартиненинг «Умумий тилшунослик элементлари» («Eléments de linguistique générale», 1960) ва б. бевосита дў Соссюрнинг «Курс»и таъсирида ёзилган.

**Соссюрнинг лингвистик таълимоти.** Тилшунослик тараққиётида кўплаб олимларнинг хизмати бор. Аммо ҳеч ким бу фанга Фердинанд дў Соссюрчалик ҳисса қўшган эмас.

Маълумки, ёш грамматиклар таълимоти XX асрнинг биринчи чорагида ҳам Германияда батамом ҳукмронлик қиларди. Шу билан бирга тилшунослар орасида нафақат ёш грамматиклар фаолиятдан, балки қиёсий-тарихий тадқиқотлар ҳолатидан ҳам норозилик кучаяди. Натижада Россияда И.А.Бодуэн дў Куртене ва Н.В.Крушевский, АҚШда У.Д.Уитни ва Ф.Боас бошчилигида янги оқимлар пайдо бўлади. Бу жараён ҳали Пор-Роял грамматикаси анъаналари сақланиб қолган, тилнинг умумий назарияларни ўрганишга қизиқиш кучли бўлган Францияда, айниқса, жадал кечади. Чунки ҳинд-европа тиллар грамматикаси ва фонетикасини қайта тиклаш учун ёш грамматикларда ишончли бирламчи манба етишмасди. Натижада тилшуносликнинг ҳаётдан ажралиб қолгани, ёш грамматиклар фойдаланган методлар амалий вазифаларни бажаришга қодир эмаслиги маълум бўлиб қолди.

Тил учун ҳам Соссюр Германияда ўқиб юрган кезларда ёш магиклар мактаби асосчилари Остхоф, Лескин ва Бругманнинг маърузаларига деярли қатнамаган эди.

Фердинанд дў Соссюр вафотидан кейин шогирдлари (Ш.Балли ва А.Сеше) томонидан нашрга тайёрланган «Умумий тилшунослик курси» ер юзини кўргани замоно жаҳон тилшунослигида кучли акс-садо берди: Соссюрнинг дўстлари ва душманлари орасида кескин баҳс-мунозаралар бошланиб кетди ва у танқидий нуктаи назардан энг кўп ўқиладиган китобга айланди.

Фердинанд дў Соссюр ўз таълимотини яратишда редукиционизм (солдлаштириш, муҳимни номуҳимдан ажратиш) тамойили асосида иш кўрди, тилшуносликни психология, хусусан, социал психология тасаруфига ўтказди ва унда етакчи объекти тил бўлган янги ижтимоий фан — белгили тизимларни ўрганувчи семиологияга асос солди.

Фердинанд дў Соссюр тилини уч таркибий қисм — соф тил (*langue*), нутқ (*parole*) ва нутқий фаолият (*langage*)дан иборат тизим сифатида талқин қилинган. Муаллиф талқинидаги тил — бу шахс онгида мавжуд грамматик тизим ва луғат, яъни нутқ воситалар мажмуи. Бинобарин, нутқнинг тўғри, гўзал ва равон бўлиши учун шахс тилини тўлиқ эгаллаши керак. Нутқ — тилнинг амалда қўлланиши. Фердинанд дў Соссюр тил ва нутқни бир-бирига қарама-қарши кўяди, дегувчи фикрлар асосиз. Чунки у тил ва нутқни ўзаро зид ҳодисалар эмас, алоҳида-алоҳида ҳодисалар сифатида таърифлайди, холос. Акс ҳолда, у: «Тил ва нутқ ўзаро узвий боғланган ва бири иккинчисисиз мавжуд бўлмайди: тил нутқнинг тушунарли бўлиши, нутқ эса тилнинг таркиб топиши учун керак», деб ёзмаган бўларди.

Тил ва нутқни бир-биридан фарқлаш тилшунослик объектини кескин торайтирди, унинг нисбатан аниқ, ихчам ва йиғноқ бўлишини таъминлайди. Тил ва нутқ ҳодисаларини ўзаро фарқлаш, уларнинг ҳар бирини алоҳида-алоҳида таърифлаш Соссюр таълимотининг янгиликларидан биридир. Қуйида шундай янгиликлар ҳақида гап боради:

- «Курс»нинг энг муҳим ютуқларидан бири тилшуносликни ўзига хос фан сифатида ўрганиш ва унинг долзарб муаммоларини бирма-бир кўрсатиб бериш бўлди. Соссюргача тилшунослик масалалари ё мантик, ё психология, ё физиология ёки социология каби фанлар нуктаи назардан ўрганилар эди. Соссюр тил ва тил тизимига тегишли бўлмаган ҳар қандай нарсани чиқариб ташлади, ички (тил тизими) ва ташқи тилшуносликни фарқлади ва уларнинг ҳар бирига хос хусусиятларни очиб берди. Бу унга тил билан жамият орасидаги алоқани янада аниқроқ, тўлиқроқ ва холисроқ ифодалаш

имконини берди. Олимнинг фикрича, гайрилисоний (экстралингвистик) омиллар тилнинг ички тизимига алоқадор эмас. Соссюр тилнинг (нутқнинг эмас) ички тузилишини уларга муружаат этмасдан тушуниш мумкин эмас, деган фикр ногўғри эканлигини ҳам исботлаб берди;

- Соссюр дунё тилшунослигида биринчи бўлиб, тил тилшунослиги ва нутқ тилшунослиги (нутқшунослик)ни ўзаро фарқлади, ўзининг Женевада ўқиган барча маърузаларини тил тилшунослигининг моҳиятини очиб беришга бағишлади. Унинг ёзишича, нутқни тўлиқ ўрганиб бўлмайди. Чунки у ранг-баранг ва турли-туман шаклларда намоён бўлади;
- Соссюр тил бирликлари орасидаги муносабатни парадигматик муносабат, нутқ бирликлари орасидаги муносабатни эса синтагматик муносабат деб атади;
- Соссюр ёзувни ўрганиш зарурлиги, унинг оғзаки нутқдан афзаллиги сабаблари, ёзув билан талаффуз орасида келиб чиқадиган тафовутларнинг сабаблари ҳақида қимматли фикрлар билдирган;
- Соссюр, энг аввало, фонолог олим. Унинг фонология соҳасидаги ноёб истеъдоди «Курс»да ўзининг аниқ ифодасини топган. Бу ерда у фонологияга таъриф беради, фонологик ёзувнинг нима эканлигини тушунтиради, ёзма манбаларда далилларни танқидан ўрганади, фонология асосларини ишлаб чиқади, нутқ органлари чизмасини беради;
- Соссюрнинг ареал тилшунослик, тиллар жўғрофий ранг-баранглиги сабаблари, тилларда ҳам, шеваларда ҳам табиий чегаралар бўлмаслиги, тил ва ирқ, этнизм, лингвистик палеонтология ва б. ҳақидаги фикр-мулоҳазалари ғоят ўзига хос ва ибрат намуналаридир.

Соссюр тилда икки томон — синхрония (тилнинг статик, тизимдаги ҳолати) ва диахрония (тил ҳодисаларининг кетма-кетлиги, тарихий ёки динамик аспекти)ни фарқлайди ҳамда синхрон тилшунослик ва диахрон тилшуносликни мустақил ва ўзаро боглиқ йўналишлар сифатида ўрганиш лозимлигини урғулайди;

Соссюр тил белгилар тизими, тизим эса синтетик ҳарактерда эканини, яъни у бир пайтнинг ўзида бир неча даврни ўз ичига ололмаслигини, унда икки томон — ифодаловчи (ифода плани) ва ифодаланмиш (мазмун плани) мавжудлигини чуқур асослаб берди;

Соссюр белгиларнинг жамиятда тутган ўрнини ўрганадиган фан *семиология* деб номланиши, унинг асосий вазифаси белгиларнинг маъноси ва амал қилиш қонун-қоидаларини ўрганиш, у ижтимоий

Умумий тилшунослик курси ~~~~~ Фердинанд дў Соссюр  
психологиянинг бир қисми экани, тил белгилар тизими бўлгани сабабли  
тилшунослик ҳам семиологиянинг етакчи бўлими бўлиши кераклиги  
ҳақида қимматли фикрлар билдирди;

Соссюр *қиймат* тушунчасини фанга биринчи бўлиб олиб кирди,  
унинг иқтисод фанидаги қийматдан асло фарқ қилмаслигини фактик  
материаллар билан кўрсатиб беради;

Соссюр «Курс»нинг лисоний белги таърифига бағишланган фаслида  
белги ихтиёрий, шартли, деган фикрни билдирган. Бу фикрга нисбатан  
келгусида эътироз бўлиши мумкинлигини сезиб, бу масалага қайтади ва  
белги нисбатан ихтиёрий, деган хулосага келади. Ўз фикрини асослаш  
мақсадида таклид ва ундов сўзларга мурожаат этади. Ҳатто, таклид ва  
ундов сўзларда ҳам белги ҳамиша ҳам ихтиёрий бўлавермаслиги ҳақида  
ёзади ва айни пайтда улар тилнинг табиий (органик) элементлари  
эмаслигига, тилда иккиламчи ўрин эгаллашига, рамзий келиб чиқиши  
ҳам қисман мунозарали эканлигига эътибор қаратади.

Хуллас, Соссюрнинг кўплаб ғоялари ҳозирги тилшуносликнинг  
илғор йўналишлари (структурализм ва дескриптив тилшунослик) учун  
асос қилиб олингани унинг жаҳон тилшунослигига қўшган энг муҳим  
ҳиссасидир.

**Вафоти.** 1912 йилнинг январида Фердинанд дў Соссюр касалга  
чалинади ва ўқув йилининг охиригача маъруза ўқий олмайди. 1913  
йилнинг 22 февралда Вюффланда вафот этади. Кафедрани дастлаб  
Ш.Балли, кейин А.Сеше бошқаради ва улар 1916 йилда ҳамкорликда  
талабалар қайдлари асосида устозлари номидан «Умумий тилшунослик  
курси»ни чоп этишади.

Мазкур асарнинг дунё (Франция, Япония, Шимолий Европа, Россия,  
АҚШ, Швеция, Ғарбий Европа) мамлакатлари тилшунослигига,  
тилшуносликнинг турли соҳалари ва, умуман, тилшуносликка самарали  
таъсири ҳақида қимматли маълумотларни Тулио де Мауронинг «Notes  
biographiques et critiques» номли илова асаридан олиш мумкин.

*Ибодулла Мирзаев*



## ФЕРДИНАНД ДЎ СОССЮР АСАРЛАРИ РЎЙХАТИ

### ҲАЁТЛИГИДА ЧОП ЭТИЛГАН МАҚОЛА ВА МОНОГРАФИЯЛАРИ

#### Лейпциг (1876–1880)

- (1) «Le suffixe *-t-*», MSL, III, 197 и сл.
- (2) «Sur une classe de verbes latins en *-eo*», MSL, III, 279–292.
- (3) «La transformation latine de **tt* en *ss* suppose-t-elle un intermédiaire **st*», MSL, III, 293–298.
- (4) «Essai d’une distinction des différents *a* indo-européens», MSL, III, 359–370.
- (5) «Exceptions au rhotacisme», MSL, III, 299.
- (6) «I, U = ES, OS», MSL, III, 299. 1878.
- (7) «Mémoire sur le système primitif des voyelles dans les langues indo-européennes», Leipzig.
- (8) Рец.: «Les origines indo-européennes ou les aryas primitifs. Essai de paléontologie linguistique par Adolphe Pictet», 2^e édition, «Journal do Genève».

#### Париж (1880–1891)

- (9) «De l’emploi du génitif absolu en sanscrit», 1881.

- (10) «Αγαμέμνων», MSL, IV, 432. 1883
- (11) Рец.: Axel Kock, Studier öfver fornsvenske ljudlära, I, Lund, 1882.
- (12) «Védique l i b u g ä, paléoslave lobüzati», MSL, V, 232.
- (13) «S ū d o», MSL, V, 418.
- (14) «Vieux haut-allemand murg, murgi», MSL, V, 449.
- (15) «Une loi rythmique de la langue grecque», в «Mélanges Graux», 737–748.
- (16) «Termes de parenté chez les aryas». 1887
- (17) «Comparatifs et superlatifs germaniques de la forme inferus», i n f i m u s, «Mélanges Renier, Bibliothèque des Hautes Etudes», fasc. 73, 383 и сл. 1889
- (18) «ἀδῆν», MSL, VI, 53.
- (19) «Lūd u s», MSL, VI, 75.
- (20) «Grec ἀλκνών–allemand Schwalbe», MSL, VI 75.
- (21) «νυστάζω», MSL, VI, 76.
- (22) «λύθρον», MSL, VI, 77.
- (23) «γμβηρισ», MSL, VI, 78.
- (24) «κρήνη», MSL, VI, 119.
- (25) «βουκόλος», MSL, VI, 161.



- (26) «Sanskrit s t ḍ k á - s», MSL, VI, 162.
- (27) «Sur un point de la phonétique des consonnes en indo-européen», MSL, VI, 246–257.
- (28) «Un ancien comparatif de ῥῶφρων», MSL, VI, 323.
- (29) «Gotique wilwan», MSL, VI, 358.
- Женева (1891–1912)**
- (30) «Les formes du nom de nombre «six» en indo-européen», MSL, VII, 73-93. 1892
- (31) «φρυκτός», MSL, VII, 77.
- (32) «λιγύς», MSL, VII, -77.
- (33) «Vieux prussien si ran, «le cœur»», MSL, VII, 79.
- (34) «Traitement de l'ū en vieux prussien», MSL, VII, 80.
- (35) «Les féminins en -ū du vieux prussien», MSL, VII, 82.
- (36) «Gotique þarf, þaurban «avoir besoin»», MSL, VII, 83 и сл.
- (37) «ἀλέων», MSL, VII, 86.
- (38) «τετήμαι», MSL, VII, 86.
- (39) «ἔπιτηδέος», MSL, VII, 87.
- (40) «περί < ὑπερι», MSL, VII, 87
- (41) «ἠνία», MSL, VII, 88.
- (42) «ὄκρόνεις», MSL, VII, 88.
- (43) «ὕγιῤς», MSL, VII, 89.
- (44) «χ, φ pour ks, ps», MSL, VII, 90.
- (45) «Attique -ρη- pour ρḗ», MSL, VII, 91.
- (46) «-υμνο- pour -ομνο-?», MSL, VII, 92.
- (47) «Lituanien kúmsťe «le poing»», MSL, VII, 93.1894.
- (48) «A propos de l'accentuation lituanienne (Intonation et accent proprement dit)», I, MSL, VIII, 425 и сл.
- (49) «Sur le nominatif pluriel et le génitif singulier de la déclinaison consonantique en lituanien», IF, IV, 456 и сл.
- (50) «Accentuation lituanienne», IF, VI, Anzeiger, 157 и сл. 1897.
- (51) Рец.: Schmidt J., Kritik der Sonantentheorie, IF, VII, Anzeiger, 216 и сл. 1898.
- (52) «Inscriptions phrygiennes», в: «Recherches archéologiques dans l'Asie Occidentale. Mission en Cappadoc, 1893–1894, par E. Chantre», Paris, 1898, 165 и сл. 1905.
- (53) «D' ὠμήλυσις ἃ Τριπτόλεμος. Remarques étimologiques», в: «Mélanges Nicole», Genève, 1905, 503 и сл. 1907.
- (54) Рец.: Paul Oltramare, Histoire des idées théosophique dans l'Inde, «Journal de Genève», 29.VII. 1907.
- (55) Le nom du Jura. 1909.
- (56) «Sur les composés latins du type agricola», в: «Mélanges Havet», Paris, 1909, 459 и сл. 1911.
- (57) Рец.: Ala mans, Dictionnaire historique, géographique et statistique du Canton de Vand, publié par Mottar, I, 1911–1912.
- (58) «Adjectifs indo-européens du type caecus «aveugle»», в: «Festschrift für Wilhelm Thomsen», Leipzig, 1912, 202 и сл.

## РЕЗЮМЕ ТАРЗИДА ЭЪЛОН ҚИЛИНГАН АХБОРОТ ВА МАЪРУЗАЛАРИ

- (59) «Racines en e i u a», BSL.  
(60) «Sur la phonétique du patois fribourgeois», BSL.  
(61) «Sur le patois fribourgeois», BSL. 1887.  
(62) «Un rapprochement entre le vieil all. holz «forêt» et call is (pour * cald is)», BSL.  
(63) «Sur le gérondif latin», BSL.  
(64) «Sur certains détails de la versification homérique», BSL.  
(65) «Sur le grec πολλός», BSL.  
(66) «Sur l'accent lituanien», BSL. 1891.  
(67) «Sur le nom allemand de la Vistule, W e i c h s e l», BSL.  
(68) «Une conjecture sur l'allemand H e x e «sorcière»», BSL.  
(69) «Contribution à l'histoire des aspirées sourdes [du sanscrit]», BSL. 1897.  
(70) «Sur l'accentuation de la langue lituanienne», «Actes du X^e Congrès international des Orientalistes», I, 89. 1903.  
(71) «Origine de quelques noms de lieux de la région genevoise», «Bulletin de la Société d'Histoire et d'Archéologie de Genève», II, 342. 1904.  
(72) «Les Burgondes et la langue burgonde en pays roman», «Bulletin de la Société d'Histoire et d'Archeologie de Genève», III, 9.

## ВАФОТИДАН КЕЙИН ЧОП ЭТИЛГАН АСАРЛАРИ

- (73) Paul-E. Martin, La destruction d'Avenches dans les sagas scandinaves d'après des traductions et des notes de F. de Saussure, «Indicateur d'histoire suisse», 1. 1915–1916.  
(74) «Le cours de linguistique générale», publié par Ch. Bally et A. Sechehaye avec la collaboration d'Albert Riedlinger, Lausanne et Paris. 1920.  
(75) «Le nom de la ville d'Oron à l'époque romaine», «Indicateur d'histoire suisse», 286 и сл. 1954.  
(76) «Notes inédites de F. de Saussure», CFS, 12, с. 49 и сл. 1960.  
(77) «Souvenirs de F. de Saussure concernant sa jeunesse et ses études», CFS, 17, с. 12 и сл. 1964.  
(78) Les lettres de Ferdinand de Saussure à Antoine Meillet, publiées par E. Benveniste, CFS, 21, 1964.  
(79) J. Starobinski, Les anagrammes de Ferdinand de Saussure, «Mercure de France», février, 1964, 243 и сл. 1967.  
(80) J. Starobinski, Les mots sous les mots: textes inédits des cahiers d'anagrammes de F. de Saussure, в кн.: «To Honor Roman Jakobson», The Hague–Paris, 35 и сл. 1968.  
(81) G. N a v o, Les lettres de F. de Saussure à G. Pascoli, CFS, 24.

(82) J. Starobinski, Le texte dans le texte. Extraits inédits des cahiers d'anagrammes de F. de Saussure, «Tel quel», XXXVII, 31.

(83) J. Starobinski, Le nom caché, в «L'analyse du langage théologique. Le nom de Dieux», Paris. 1970.

(84) J. Starobinski, La puissance d'Aphrodite et le mensonge des coulisses. Ferdinand de Saussure

lecteur de Lucrèce, «Change», 6, Paris. 1971.

(85) J. Starobinski, Les mots sous les mots. Les anagrammes de Ferdinand de Saussure, Paris, 40.

(86) «La première lettre de Ferdinand de Saussure à Antoine Meillet sur les anagrammes publiée et commentée par Roman Jakobson», в: «L'Homme, Revue française d'anthropologie», vol. XI, fas. 2, c. 15 и сл.



### ИСМЛАР КЎРСАТКИЧИ

► **Август Фридрих Потт** (Pott, 1802–1867) — немис тилшуноси, фалсафа фанлари доктори, Галл университети умумий тилшунослик кафедраси профессори, Петербург ФА аъзоси (1855), ҳозирги ҳинд-европа тилшунослиги ва умумий тилшунослик асосчиларидан бири, ҳинд-европа тиллари этимологияси бўйича йирик мутахассис.

► **Август I** (Augustus, эр.авв. I асрнинг охири – эр. I асрнинг бошлари) Рим императори, Юлий Цезар асраб олган набаира жияни.

► **Аве Луи** (Havet L., 1849–1825)

— француз тили тарихий фонетикаси, орфография ва латин шоирлари шеърлари билан шугулланган олим.

► **Арбдуа дў Жюбенвил** (Marie – Henri d'Arbois de Jubainville,

1827–1910) — француз тилшуноси, тарихчиси ва археологи, кельт тиллари мутахассиси, икки жилдлик «Европанинг дастлабки аҳолиси» номли монография (1889–1894) муаллифи.

► **Атилла** (Atila, ?-453) — 434 йилдан хунларнинг йўлбошчиси, Шарқий Рим империяси (443, 447–448), Галлия (451), Шимолий Италияга (452) қилинган ҳалокатли юришларга бошчилик қилган. Унинг даврида хун қабилалари иттифоқи энг қудратли давлат даражасига кўтарилган.

► **Бодуэн дў Куртенэ Н.** — Россияда Иван Александрович номи билан машҳур бўлган бу тилшуноснинг полякча исми ва фамилияси Нецислав Ян Игнацийдир; унинг асосий илмий фаолияти Қозонда, Дерпт (Тарту) ва Петербургда ўтган.

► **Белл Александр Мельвил** (Bell A.M., 1818–1905) — англиз фонетист олими, «Essentials of phonetics» (L., 1848) ва беш жилдлик «On early English Pronunciation» (L., 1869/89) номли асарлар муаллифи.

► **Бопп Франц** (Bopp Franz, 1791–1867) — немис тилшуноси, қиёсий тилшунослик асосчиси, ҳинд достони «Махабхарата»дан парчалар эълон қилган, Берлин университетида шарқ адабиёти ва умумий тилшунослик бўйича профессор лавозимида ишлаган, Фанлар академияси аъзоси бўлган (1822).

► **Брауне Теодор Вилхелм** (Braune Theodor Wilhelm, 1850–1926) — немис филолог-германшуноси. Унинг йирик асарлари «Гот тили грамматикаси» (2-нашри, 1881) ва «Эски немис тили грамматикаси» (1886) дир.

► **Бреаль Мишель** (Bréal Michel, 1832–1915) — йирик француз тилшуноси, семантика термини кашфиётчиси, семантикани ёш грамматиклар формализмга қарши қўйган ва француз тилшунослигининг биринчилигини ҳимоя қилган. Асосий асарлари: Essai de Sémantique; Science des Significations (P/? 1897); Mélanges de mythologie et de linguistique.

► **Бругман Карл** (Brugvan(n) Karl, 1849–1919) — немис

тилшуноси, қиёсий тилшунослик ва ҳинд-европа тиллари матухассиси, ёш грамматиклар мактабининг етакчи вакилларидан бири. Г.Курциуснинг шогирди. Остгоф билан ҳамкорликда олти жилдди «Морфологик изланишлар» номли монография

ёзган (1878–1887), унинг биринчи жилдига ёзилган сўзбоши ёш грамматиклар «манифести» («муружаатномаси») ҳисобланади. Бругман беш жилдлик «Ҳинд-европа тиллари қиёсий грамматикасидан очерк» номли китобнинг икки жилди (1) Фонология (1886); (2) Морфология (икки қисмли, 1888–1892) муаллифидир.

► **Вёрнер Карл Адольф** (Karl Verner, 1846–1896) — даниялик германшунос ва славяншунос, Расмус Раскнинг шогирди, ёш грамматиклар мактаби вакили, Дания қироллик академияси аъзоси (1888), Франц Бопп мукофоти лауреати (1877), профессор.

► **Вольф Фридрих Август** (Wolf Fridrich August, 1759–1824) — немис филологи, антик давр тадқиқотчиси. «Илиада» ва «Одиссея» дostonлари муаллифи Ҳомер эмас деган фикрни кўтариб чиққан. «Ҳомер ҳақидаги мулоҳазалари» унга катта шуҳрат келтирган.

► **Готио Робер** (Gauthiot Robert, 1878–1916) — француз

шарқшуноси, Азиатик жамияти аъзоси, сўғд вессантра Ятака кўлёмасини француз тилига таржима қилган.

► **Гримм Якоб Людвиг Карл** (Grimm Jacob Ludwig Karl, 1785–1863) — немис ҳуқуқшуноси, лексикографи, антропологи, тилшуноси, филологи, асотиршуноси, адаби, адабиётшуноси, эчихона котиби, шоири, адвокати, асотирнависи, Вилҳелм Гриммнинг акаси.

Ака-ука Гриммларнинг немис тили тарихи ва грамматикасига доир ишлари германшунослик ва тилшуносликнинг фан сифатида шаклланишида муҳим омил бўлди. Уларнинг асосий асари «Немисча луғат» барча герман тилларининг қиёсий-тарихий луғатидир. Улар томонидан тўпланган немис халқ эртаклари жуда машҳур.

► **Есперсен Йенс Отто Ҳарри** (Jespersen Jens Otto Harry, 1860–1943) — даниялик тилшунос, Копенгаген университети инглиз тили кафедраси профессори, 19 марта чоп этилган инглиз тили дарслиги муаллифи. Дарслик асосини жонли сўзлашув нутқ ташкил қилади. У грамматикани жонли ва ривожланаётган ҳодиса сифатида тушунади (қаранг: «Грамматика фалсафаси» (1924). У халқаро сунъий тил — новиаль асочиси. 1938 йилда «Бир тилшунос

хаёти» номли автобиографик асар ёзган.

► **Дарместетер Арсен** (Darmesteter Arsèn, 1846–1888) — француз филологи, машҳур «Дарместетер қонуни» асочиси. Бу қонун французча кўп бўғинли сўзларда унлиларнинг тараққиётини ўрганиш қалити ҳисобланади.

► **Д'Арбуа дў Жюбеньвиль Анри** (D'Arbois de Jubain – Ville H., 1827–1910) — француз тилшуноси, кельтолог ва француз тили тарихчиси, «Les habitans primitifs de L'Europe» («Европанинг ибтидоий аҳолиси» (P., 1877), «La déchination latine en Gaule à l'èreoque mérovingienne» (P., 1872) асарлари муаллифи.

► **Дееке Вилҳелм** (Deecke W., 1831–1879) — немис филолог-классик (юнон ва лотин) тиллар мутахассиси; қадимги итилий, этруск ва Кичик Осиё тиллари ёзувларини ўрганган.

► **Жильерон Жюль** (Gilléron Jules, 1854–1926) — шевашунос, Франциянинг лингвистик харитасини тузган, «лингвистик география» мактаби ва Франция диалектологлари жамиятига асос солган швейцариялик тилшунос. У Э.Эдмон билан ҳамкорликда ҳар бир сўзнинг тарқалиш ҳудудини акс эттирган 1920 йил харитадан иборат етти томлик атлас эълон қилган (1902–1912).

► **Жозеф Вертгеймер** (1833–

1908) — Женева университетиди  
1905 йилгача умумий  
тилшунослик кафедрасига  
мудирлик қилган.

► **Кун Франц Феликс Адальберт** (Franx Felix Adalbert Kuhn, 1812–1881) — немис тилшуноси ва тарихчиси, буддашунос Эрнст Куннинг (1846–1820) отаси, қиёсий асотиршунослик фани асосчиси, Петербург ФА мухбир аъзоси.

► **Курциус Георг** (Curtius Georg, 1820–1855) — немис филологи, Эрнст Роберт Курциуснинг амакиваччаси. Прага, Киль ва Лейпциг университетлари профессори, қиёсий тилшунослик далилларини классик филология тахлилига татбиқ этишга ҳаракат қилган.

► **Лескин Август** ( Leskien August, 1840–1916) — немис тилшуноси, профессор, Берлин ФА аъзоси, Петербург ФА мухбир аъзоси (1876), ёш грамматиклар мактабининг асосий вакилларида бири, славян ва болтиқ тиллари тарихи мутахассиси.

► **Людовик XIV** (Loius XIV, 1643–1715) — Франция қироли.

► **Мейе Поль Жюль-Антуан** (Meillet Paul Jules Antoine, 1866–1936) — йирик француз тилшуноси, қиёсий-тарихий тилшунослик, ҳинд-европашунослик, латин ва юнон тиллари, славяншунослик, эроншунослик,, арманшунослик

бўйича мутахассис, кўплаб хорижий академия ва жамиятлар аъзоси, Петербург ФА мухбир аъзоси (1906), Париж тилшунослик жамияти котиби.

► **Мейер Поль** (Meyer Paul, 1840–1917) — француз тилшуноси ва адабиётшуноси.

► **Монтескье Шарль-Луи** (Montesquieu Sh. L., 1689–1755) — француз маърифатпарвари, ҳуқуқшунос ва файласуф. Асосий асарлари «Форс мактублари» (1721), «Қонун руҳи ҳақида» (1748).

► **Мюллер Макс** (Müller Max, 1823–1900) — немис ва инглиз тилшуноси, дин тарихчиси, тарихчи, таржимон, лигограф, умумий тилшунослик, ҳиндшунослик ва асотиршунослик бўйича мутахассис, фалсафа доктори.

► **Навиль Адриен** (Navelle A., 1845–1930) — женевалик профессор. Соссюр ўзининг семиология (белгилар ҳақидаги фан) билан боғлиқ мунозарасини дастлаб А.Навиль билан ўртоқлашган.

► **Овелақ Абель** (Hovelaque A., 1843–1896) — йирик француз олими, полиглот, шарқшунос, қадимшунос, элпшунос, дунёнинг турли тиллари грамматикалари бўйича кўплаб асарлар муаллифи. Унинг «Linguistique» номли асари (P., 1876) рус тилига ҳам таржима қилинган («Лингвистика», СПб, 1879).

► **Опперт Жюль** (Oppert J., 1825–1905) — француз шарқшуноси, ассириологшунос ва қадимшунос, тилшунос, «La grammaire assyrienne» (P., 1860), «Grammaire sanscrite» (P., 1858) китоблари муаллифи.

► **Остгоф Ҳерман** (Osthoff Hermann, 1847–1909) — немис тилшуноси, ёш грамматиклар мактаби вакили, ҳинд-европа тиллари тарихий фонетикаси ва морфологиясига доир асарлар муаллифи, ёш грамматиклар мактаби йўлбошчиси Бругманнинг ҳаммуаллифидир.

► **Отто Шрадер** (Schrader Otto, 1855–1919) — немис ва бобо ҳинд-европа тиллари лексикаси, хусусан, уй ҳайвонлари, ўсимлик, металл ва б. тарихига доир тадқиқотлари билан машҳур бўлган немис филолог олими. У Виктор Геннинг бобо ҳинд-европаликлар номадлар (кўчманчи бедунлар)лар деган фарази тарафдори бўлган.

► **Парис Гастон** (Paris G., 1824–1903) — француз филологияси асосчиси, диалектолог. Асарларининг (Mélanges linguistiques. P., 1906-1909) 4-жилдида дў Соссюрнинг Франция шевалари ҳақида 1868 йилдаги маърузаси берилган.

► **Пикте Адольф** (Pictet Adolphe, 1799–1875) — математик, филолог, шоир, Гегель, Шлегель ва Шиллингнинг дўсти, «Лингвистик палеонтология» ва

«Ареал тилшунослик» фанлари асосчиси, Фердинанд дў Соссюрга жуда катта илмий-ижодий таъсир кўрсатган швейцариялик тилшунос.

► **Плавт Тит Макций** (Plautus Titus Maccius, эр. авв. 3 аср – тах. 184) — машҳур Рим комедиянависи, 52 та комедия ёзган, шулардан 20 таси сақланиб қолган.

► **Психари Жан** (Psichari J. ...– 1929) — Соссюрнинг шоғирди, «Quelques observations et leur influences sur les langues communes» (P., 1888) номли фундаментал асарнинг муаллифи.

► **Радлов Василий Васильевич** (1837–1918) — рус шарқшуноси, тилларни қиёслаб ўрганиш асосчиси (албатта, Маҳмуд Кошғарий, Алишер Навоийдан кейин), таржимон, Н.В.Крушевскийнинг товушлар алмашинуви ҳақидаги назариясини туркий тиллар тадқиқиға татбиқ этган, В.Томсен билан ҳамкорликда Урхун ёзувларини ўқиган.

► **Ричль Албрехт Бенъямин** (Ritschl Abbrecht Benjamin, 1822–1889) — немис олими, христиан дини тарихчиси.

► **Руде Б.** (Roudet B) — француз фонетист-тилшуноси, «Eléments de phonétique générale»

(«Умумий фонетика элементлари») номли (1910) фундаментал асар муаллифи.

► **Сиеверс Эдуард** (Sievers

Eduard, 1850–1932) — немис филолог олими, классик (лотин ва юнон) ва герман тиллари мутахассиси, ёш грамматиклар вакили.

► **Сунт Хенри** (Sweet H., 1845–1912) — машхур инглиз тилшуноси, фонетика, грамматика, диалектология ва инглиз тили тарихи бўйича ёзилган кўплаб китоблар муаллифи.

► **Теодор Ауфрехт** (Aufrecht Theodor, 1822–1907) — немис тилшуноси ва педагоги, қиёсий тилшунослик ва санскрит тили мутахассиси.

► **Теодор Бенфей** (Benfey Theodor, 1809–1891) — немис филологи, санскритшунос, қиёсий адабиётшунослик, миграцион деб аталувчи назариянинг асосчиси. Дастлаб классик ва сомий филологиясига, кейин санскритга (бу тилни бир неча ҳафтада ўрганган) қизиқиб кетган. 1859 йилда ҳинд эпоси «Панчатантра»ни нашрга тайёрлаган. У ҳинд, мўғул, қадимги эрон, сурёний, қадимги яхудий, антик, роман-юнон тиллари ва материалларини чуқур билган.

► **Тромбетти Альфредо** (Trombetti Alfredo 1966–1929) — италиялик тилшунос, сомий филология ва глоттология профессори, кавказ тиллари бўйича йирик мутахассис.

► **Туллио дў Мауро** (Tullio de Mauro, 1932–?) — машхур италиялик тилшунос ва сиёсий арбоб, Рим шаҳридаги La Sapienza университети умумий тилшунослик кафедраси мудир, профессор.

► **Уильям Жоунз** (Jones William, 1746–1794) — британиялик филолог, шарқшунос-ҳиндшунос, таржимон, Осие жамияти ва қиёсий-тарихий тилшунослик асосчиси. Юнон, лотин, форс, араб, хитой тиллар мутахассиси, ўн уч тилни мукамал, йигирма саккиз тилни яхши билган. 1763 йилда шахмат ихтиросига бағишланган лотинча «Каисса» номли дoston ёзган, форсча «Нодиршоҳ» асарини француз тилига таржима қилган. Унинг араб, форс, туркий метрика ва поэтикага, тарих, мусиқа, адабиёт, ботаника ва географияга бағишланган асарлари машхур.

► **Уитни Уильям Дуайт** (Whitney William Dwight, 1827–1894) — америкалик тилшунос, лексикограф, Петербург ФА мухбир асоси. «Тил ҳаёти ва ўсиши» номли йирик асари рус тилига таржима қилинган (1884). У америкалик биринчи назарийтчи тилшунос, Америка тилшунослик мактабининг асосчиси. Тадқиқотлари қиёсий-тарихий тилшунослик ривожига катта таъсир кўрсатган.

► **Файст Зигмунд** (Sigmund Feist, 1865–1943) — немис педагоги,



тарихий тилшунослик бўйича мутахассис, германларгача бўлган субстрат фаразияси муаллифи, яхудийларнинг этник ва иркий бир хиллигига оид қатор тадқиқотлар муаллифи.

► **Шлейхер Август** (Schleicher August, 1821–1868) — немис тилшуноси. У ҳинд-европаликларнинг дастлабки ватани деб Ўрта Осиёни тахмин қилган. Унинг фикрича, жанубий йўл билан келган ҳинд-европаликлар юнон, латин, кельт тилларига, шимолий йўл билан келганлари эса славян, литва тилларига асос солганлар. У тилшунослик таҳлилини табиий фанлар таҳлилига яқинлаштиришга ҳаракат қилган. Унинг фикрича, тил ўсимлик ёки ҳайвон каби организм. Г.Курциус, А.Лескин, И.Шмидт, Г.Шухард А.Шлейхер унинг шоғирдлари бўлганлар.

► **Шмит Якоб Исаак** (Isaak Jakob Schmidt, 1779–1847) — биринчи бўлиб мўғул тили ва адабиётини Европа илмига олиб кирган рус ва немис шарқшунос (мўғулшунос, тибетшунос, буддашунос) олим. У «Инжил»ни мўғул ва қолмиқ тилларига таржима қилган (1827), «Шарқий мўғуллар тарихи», «Мўғул грамматикаси» (1831, рус ва немис тилларида) ва б. асарлар муаллифи.

► **Эдмон** (Edmod, 1848–1926) — француз тилшуноси, Ж.Жильерон билан Франция тилшунослик харитасини тузган, 639 та шеванинг ўрнини аниқлаб берган машҳур шевашунос.

► **Ҳерман Ҳирт** (Hirt Hermann, 1863–1936) — немис тилшуноси, «Ҳинд-германлар» («Die Indogermanen») (1905-1907) асарининг муаллифи.

## ЖОЙ НОМЛАРИ КЎРСАТКИЧИ

▼ **Альп** (фр. Alpes, инг. Alpi, нем. Alpen) — Ғарбий Европанинг энг баланд (4807 метр) тоғ системаси, Франция, Италия, Швейцария, Австрия ҳудудларини кесиб ўтади, узунлиги 1200 км.га яқин.

▼ **Александрия** — Миср Араб Республикасидаги маъмурий-ҳудудий бирлик, Нил дарёси дельтасининг шимолий-ғарбида жойлашган, майдони 0,3 минг км², аҳолиси 3,9 млн киши

(2007). Маъмурий маркази — Искандрия.

▼ **Брест** — Брест вилояти маркази (уни Ғарбий Франциядаги Брест номли порт билан адаштирмаслик керак), XIV асрдан Литвага, кейин Польшага, 1795 йилдан Россияга, 1919–1939 йилларда яна Польшага қараган. Ҳозир Белоруссия таркибида.

▼ **Брюссель** (фр. Bruxelles) — Бельгиянинг пойтахти. Аҳолиси 172 минг кишига яқин (2001).

▼ **Галлия** (лот. Gallia) — қадимги

По дарёси ва Альп тоғлари, Ок денгиз (Ўрта ер денгизи), Пиреней тоғлари, Атлантик океани орасида жойлашган ҳудуд. Аҳолиси кельтлар (римликлар уларни галлар деб аташган) бўлган. Эр.авв. 220 йилда Цизальпин тоғи ҳудуди римликлар томонидан босиб олинган. Эр. V асрнинг бошида Галлия герман қабилалари кўлига ўтган ва шу асрнинг охирида франклар давлати таркибига кирган.

▼ **Герц** — Европадаги дарёнинг номи.

▼ **Женева** (фр. Genève, нем. Genf) — Швейцариядаги шаҳар.

▼ **Дания** (Danmark), Дания қироллиги (Kongeriget Danmark) — Шимолий Европанинг Ютланд яримороти ва Дания архипелаги (бир-бирига яқин ороллар)да жойлашган мамлакат. Майдони 43 минг км², аҳолиси 5,5 млн (2009), пойтахти Копенгаген, расмий тили — дат тили, давлат бошлиғи — қиролича.

▼ **Добружа** — Европадаги қадимий вилоят, Дунай дарёсининг куйи оқими ва Қора денгиз соҳилларида жойлашган бўлган. Шимолий Добружа Руминиянинг, Жанубий Добружа Болгариянинг таркибига киради.

▼ **Калабрия** — Жанубий Италиядаги яриморол, майдони 15 минг км², аҳолиси 2 млн

киши (1971), маъмурий маркази — Катандзаро.

▼ **Компанье** (Campania) — Жанубий Италиядаги маъмурий ҳудуд, майдони 13,6 минг км², аҳолиси 5,2 млн киши (1971), маъмурий маркази — Неаполь.

▼ **Карфаген** — Шимолий Африкадаги қадимий шаҳар-давлат, ҳозирги Тунис шаҳри ҳудудида жойлашган бўлган, эр.авв. 825 йилда финикитлар томонидан асос солинган, эр.авв. 264–146 йилдаги пуничлар урушида римликлар томонидан батамом яқсон қилинган (146 йилда).

▼ **Курландия** (нем. Kurland) — Курземе ва Земгале ҳудудида жойлашган феодал герцоглик, пойтахти — Митава, 1795 йилда Россияга қўшиб олинган (Курлянд губернияси), 1917 йилгача расмий номи Курземе бўлган. Ҳозир Латвия таркибида.

▼ **Литва** — собиқ СССРнинг ғарбида жойлашган давлат. Аҳолиси 3,3 млн киши (2009), пойтахти — Рига, майдони 65,2 минг км².

▼ **Лифландия** (нем. Livland). XIII–XVI асрда Ливония деб аталган, XVII–XX асрнинг бошигача Шимолий Латвия ва Жанубий Эстония деб аталган, латишлар Видземе деб, эстонлар Ливиммаа деб атаганлар.

▼ **Лозан** (фр. Lausanne, рус. Лозанна) — Швейцариядаги шаҳар, Во (Ваадт) кантонининг маъмурий маркази. Аҳолиси 127,4 минг

киши (2005) машинасозлик, металсозлик, енгил саноат ривожланган, университети ҳам бор.

▼ **Люксембург** (фр. Luxembourg) — Ғарбий Европадаги давлат, майдони 2,6 минг км², аҳолиси 480 минг киши (2004), немис ва француз тиллари давлат тиллари ҳисобланади, сиёсий тизими Конституцион монархия, давлат бошлиғи — буюк герцог. Мамлакат пойтахти ҳам Люксембург деб аталади, аҳолиси 86,3 минг киши (2007).

▼ **Маньчжурия** — ҳозирги Хитойнинг шимолий-шарқий қисмини англатувчи тарихий ном. Бу ном шу ҳудудда XVII асрнинг биринчи ярмида амал қилган илк феодал Маньчжу давлати номидан келиб чикқан.

▼ **Мозель** (фр. Moselle, нем. mosel) — Франция, Люксембург ва Ғарбий Германия бўйлаб оқадиган дарё, Рейн дарёсининг чап ирмоғи. Узунлиги 545 км, ҳавзасининг майдони 28,2 минг км². Асосий ирмоғи — Саар ва Мерт. Дарё Мозель водийси номи билан аталган.

▼ **Норвегия** /Норвегия қиролиги/ (Kongeriket Norge) — Шимолий Европанинг Скандинавия яриморотида жойлашган давлат. Майдони 387 минг км², аҳолиси 4,8 млн киши (2009), расмий тили — норвегия тили, пойтахти — Осло, давлат ва ҳукумат бошлиғи — қирол.

▼ **Париж** (Paris) — Франциянинг пойтахти, Сена дарёси соҳилида жойлашган, майдони 1450 км², аҳолиси 12,6 млн киши (2009).

▼ **Пикардия** (фр. Picardie) — Шимолий Франциядаги тарихий вилоят, аҳолиси 1,87 млн киши (2004), асосий шаҳри — Амьен.

▼ **Польша** (Польша Халқ Республикаси) — Шимолий Европада жойлашган, майдони 313 минг км², аҳолиси 38,1 млн киши (2009), пойтахти — Варшава.

▼ **Ютландия** (дат. Jylland, нем. Jütland) — Даниядаги яриморол (қатта қисми) ва ФРТдаги Шимолий денгиз ва Болтик денгизи орасида жойлашган, майдони 40 минг км² атрофида. Йирик шаҳарларидан бири Орхус ҳисбланади.

## АЙРИМ СЎЗЛАР ИЗОҲИ

- **a priori** → мантиқ ва билиш назариясининг тажрибага асосланмаган ёки тажрибагача бўлган ва унга боғлиқ бўлмаган тушунчасини ифодаловчи лотинча сўз
- **аффикс** → кўшимча, аффикс

- **а прибори** → айн. a priori
- **абрист** → оний ёки тугалланган ҳаракатни ифодаловчи феъл шакли:  
юнон, қадимги славян ва бошқа ҳинд-европа тилларига хос грамматик

ходиса

● **аблаут** (нем. Ablaut — унлиларнинг алмашинуви) → ички флексия вазифасини бажарувчи морфологик алмашинувлар, масалан: русча посылать — послать — посол каби

● **агглютинация** → грамматик шакл ва ясама сўзларнинг ўзаги ёки негизига аффикслар қўшиш йўли билан ясалиши

● **аграфія** → ёзиш қобилиятининг бузилиши ёки тўлиқ йўқолиши (бош миянинг айрим касалликларида кузатилади)

● **адресант** → ахборот (хат, телеграмма ва ш.к.)ни жўнатувчи шахс

● **адресат** → ахборот (хат, телеграмма ва ш.к.)ни қабул қилиб олувчи шахс

● **аккузатив** → лот. тушум келишиги

● **акцент** → урғу; талаффуздаги ўзига хослик, бирор тил товушларини ғайририхтиёрий тарзда бузиб талаффуз қилиш

● **акцентология** → тилшуносликнинг бир ёки бир неча тил урғулари системасини ўрганиш билан шуғулланадиган бўлими

● **акцентуация** → 1) сўз ёки гапдаги айрим элементларни урғу ёрдамида таъкидлаб кўрсатиш; 2) мазкур тилдаги урғу системаси; 3) ёзма матнда урғуларни ифодалаш

● **аллотогбния** → 1) тилнинг келиб чиқиши; 2) тилнинг келиб чиқиши ва ривожланиши ҳақидаги фан

● **альвиол ундошлар** → танглай олди ундошлари

● **альвиоблар** → жағ суякларида тиш илдизлари ўрнашган уялар

● **аналогия** → тил бирликларининг ўзаро қандайдир муносабат таъсирида вазифа ёки бошқа жиҳатдан ўхшашлик, бир хиллик касб этиши; ўхшашлик

● **анограмма** → бошқа сўз таркибига кирувчи ҳарфлар ўрнини алмаштириш йўли билан сўз ясаш: бук — куб, топор — ропот, сон — нос каби

● **аномал** → гайримеъёрий, одатдан ташқари

● **аномалия** → меъёрдан, умумий қонуниятлардан чекиниш

● **антиномия** → мантиқан ҳар бири исботланадиган икки қонун, мулоҳаза ёки хулоса ўрнидаги зиддият

● **антропоним** → кишиларнинг исми

● **антропонимика** → тилшуносликнинг кишилар исмини ўрганувчи қисми

● **апеллятив** → айнан турдош от

● **апонимика** → сўз охиридаги урғусиз унлининг тушиб қолиши натижасида сўзларнинг қисқариши, масалан, русча чтобы — чтоб, уже — уж каби

● **ареал** → у ёки бу фонетик, лексик, грамматик ҳодисаларнинг тарқалиш ҳудуди

● **артикуляция** → нутқ

органларининг товуш ҳосил қилишга йўналтирилган ҳаракати

● **ассонанс** → унли ёки унлилар гуруҳининг такрори

● **ассоциатив** → фикран боғланган, боғланадиган

● **ассоциация** → тасаввур, фикр ва фикран боғланиш ҳис-гуйғу орасидаги боғланиш ва шу

боғланишга асосланган идрок

● **аудуал** → эшитиш, эшитишга доир

● **афазия** → бош миянинг лат ейиши натижасида сўзлаш қобилиятини тўлиқ ёки қисман йўқотиш

● **аффрикат товуш** → портловчи ундош билан сирғалувчи ундошнинг қўшилишидан ҳосил бўлган товуш: ц-те

● **билингвизм** → икки тиллилик

● **бинар** → икки қисмдан ташкил топган

● **валентлик** → сўзнинг бошқа сўзлар билан бирика олиш хусусияти

● **варваризм** → мазкур тил меъёрларига хос бўлмаган ўзлашма сўз ёки ибора

● **веляр** → товуш (орқа танглайда ҳосил бўладиган товуш) → тил орқа қисмининг орқа (юмшоқ танглайга) кўтарилиши натижасида ҳосил бўладиган ундош товуш: ч, к, х.

● **веляр ундошлар** → орқа танглай ундошлари

● **вербал** → сўз билан ифодаланган

● **вертикаль** → тик, тик чизиқ

● **вертуал** → эхтимолий, тегишли шароитларда содир бўладиган

● **вибрант** → титроқ товуш  
**вибрант ундошлар** → титроқ ундошлар

● **вибрация** → тебраниш

● **визуал** → кўриш мумкин бўлган, кўринадиган, кўриниб турган

● **вокализм** → унли фонемалар системаси, уларнинг белги ва муносабатлари (зиди: консонантизм)

● **вокатив** → 1) ундош (атов) келишиги (мурожаатни ифодаловчи от шакли); 2) айнан ундалма

● **воляпюк** (vol → дунё + pilk → тил, яъни дунё тили) → 1880 йилда католик диндор Шлейер томонидан кашф этилган халқаро тил.

● **гетероген** → таркибан ҳар хил

● **гипотаксис** → айнан эргашган қўшма гап

● **глоссарий** → асосан, қадимги матнлардаги эскирган ва кам қўлланадиган сўзларнинг изоҳли луғати

● **глоссёма** → қадимги матнлардаги эскирган ва кам қўлланадиган сўз, ибора

● **глоссематика** [юн. glōssa тил + sēma белги] → структурализмнинг тил шаклини муносабатлар системаси сифатида коммутиция методи ёрдамида ўрганувчи йўналишлардан бири

● **гомоген** → таркибан бир хил

● **горизонталь** → ётиқ, ётиқ

чизик, ёнлама

● **гот тили** → қадимги герман тилларидан бири. Готларнинг дастлаб тарқалган ҳудуди, асосан, Скандинавия бўлган. Энг муҳим ёзма ёдгорлиги Инжилнинг таржимасидир. Иккита гот рун ёзуви сақланиб қолган. Иккита шеvasи — отсгот ва востгот бўлган.

● **граммáтик абстракция** → грамматик нуқтаи назардан мужмал, ноаниқ фикр мулоҳаза, гап

● **деривáт** → ясама сўз

● **деривáция** → аффикслар ёрдамида ёки аффиксларсиз янги сўз яшаш

● **деструкция** → бирор нарса меъёрий тузилишининг бузилиши, емирилиши

● **деструктив** → бирор нарса меъёрий тузилишининг бузилиши ..., бузилишига доир

● **детерминáнт** → аниқловчи

● **детерминатив** → сўзнинг ўзакдан кейин келувчи қисми

● **диахрон бирлик** → тилнинг бир неча даврга хос бирлиги

● **диахрония** → тил ҳолатининг замонда ўзгариши, тилнинг тадрижий (эволюцион) тараққиёти (зиди: синхрония)

● **дилемма** → бир-бирига зид икки номақбул имкониятдан бирини танлашга мажбур бўлиш

● **дифтонг** → икки унли товушнинг бир бўғинда бирикиб, қоришиб келиши ва шундай бириккан товушлар

● **дихотомия** → бутуннинг изчил равишда иккига бўлиниши ва бу бўлақлардан ҳар бирининг иккига ажралиши

● **доминáнта** → бирор нарсанинг устувор ғояси, асосий белгиси ёки энг муҳим таркибий қисми

● **дорийлар** → қадимги Юнонистоннинг асосий қабилаларидан бири

● **дорий ордери** → дорийлар даврида устун ҳамда унинг устки ва остки безаклари композицияси

● **идиома** → фақат мазкур тилга хос ибора, фразеологик бирлик

● **идиомáтика** → муайян тил идиома (ибора)лари мажмуи; идиомалар ҳақидаги фан

● **изоглос чизиклар** → харитада тилнинг ҳудудий тарқалишини кўрсатувчи чизиклар

● **изоглосса** → географик харитадаги у ёки бу лисоний ҳодисанинг ҳудудий тарқалишини кўрсатувчи чизик, йўл

● **изотерма** → география харитасидаги чизик, йўл

● **импложив** → портловчи ундош товуш. Импложив ундош талаффуз қилинганда уланишдан кейин портлаш содир бўлмайди.

Масалан, русча обмыть, отнять сўзларидаги «б» ва «т» портлаш хусусиятига эга эмас (um, un сўзларидаги каби).

● **импложия** → ичга йўналтирилган портлаш (қиёсланг: инглизча «t» → «it»)

● **инвариáнт** [сўзма-сўз; ўзгармас] → тил таркибий

бирлиги (фонема, морфема, лексема ва ш.к.)нинг конкрет қўлланишидан айри (мавхум тарзда) олинган шакли

● **инверсия** → тескари сўз тартиби; нутқ таъсирчанлигини ошириш мақсадида гапда сўзларнинг одатдаги тартибини ўзгартириш (поэтик санъат тури)

● **инновация** → муайян тилда, хусусан, унинг морфологик сатҳида энг сўнгги даврларда пайдо бўлган ички ҳодисалар, тил бириклари

● **инспирация** → нафас олиш

● **инстинкт** → туғма хулқ шакли; ички ҳис-туйғу

● **интердененция** → бир-бирига тобелик, ўзаро боғлиқлик

● **интерлингвистика** → халқаро алоқа мақсадида сунъий (эсперанто, воляжюк, идо каби) тилларни яратиш билан шуғулланадиган лингвистик фан

● **ионик ордер** → уч асосий меъморий услубдан бири

● **иррационал** → ақлдан ташқари, мантқиқ йўли билан билиб бўлмайдиган

● **кельт тиллари** → ҳинд-европа тиллар оиласига мансуб кардош (галль, кельтибер, гойдель тиллари (ирланд, мэнк, гэль (гаэль) тиллари; бритта тиллари (валль (уэльс, кимр), корнуэль (корн) ва бретон тиллари гуруҳи. Кельт тиллари бўйича маълумотлар МДХ давлатларида кам. Улар ҳақида тўлиқроқ маълумот олиш учун

қаранг: Калыгин В.П., Королев А.А. Введение в кельтологию. –Москва: Наука, 1989.

● **койнэ** → бир неча қардош лаҳжаларнинг аралашувидан ҳосил бўладиган ва охир-оқибат уларнинг барчасини алмаштирадиган ва улар ўрнида қўлланадиган тил

● **коммутация** → алоқа техникасида, телефон, телеграф ва радио станцияларида сим, кабель, аппарат ва асбобларни электрик улаш ёки узиш системаси

● **коммутация** → тилнинг бир планида (масалан, ифода планида) бир фонеманинг бошқа фонема ўрнида қўлланишига асосланган таҳлил методи

● **компаративист** → қардош тилларни қиёслаш билан шуғулланувчи тадқиқотчи

● **компонент** → таркибий қисм, бирор нарсанинг элементи

● **конверсия** → грамматик хусусиятни ўзгартириш йўли билан сўз яшаш (ингл. to love севмоқ → love севги)

● **консонант** → 1) ундош товуш; 2) бўғин ҳосил қилмайдиган товуш; алоҳида бўғин ҳосил қилмаса, ундош ҳам, унли ҳам консонант товуш бўлиши мумкин (масалан, русча мой сўзидаги «й» (зиди: сонант)

● **консонантизм** → ундош фонемалар системаси, уларнинг белги ва муносабатлари (зиди: вокализм)

● **конструкция** → грамматик жиҳатдан ўзаро боғланиб, бир синтактик бирикмани ташкил этадиган икки

ва ундан ортиқ сўз;  
умуман, сўз бирикмаси;  
курулма, тузилма

● **концепция** → қарашлар системаси; асосий фикр, моҳият, мағиз

● **концептуал** → асосий фикрга, моҳиятига оид; асосий фикр

● **координатив** → мувофиқлаштирадиган, мослаштирадиган

● **корелляция** → нарса, ҳодиса ёки тушунчаларнинг ўзаро нисбати, мослиги, алоқаси, бир-бирига боғлиқлиги

коринф ордери → уч асосий меъморий услубдан бири

● **латерал артикуляция** → ёндама артикуляция

● **латерал ундош** → ёндама ундош

● **лингвистик палеонтология** → тил тарихининг қадимги даврларига оид (тошқотган) бирикларини ўрганувчи фан

● **манифестация** → намоён бўлиш

● **метатеза** → сўзда товушларнинг ўрин алмашинуви (масалан, тупроқ ўрнида турпок)

● **мнемоник** → хотирада тутишни, эсга олишни, хотирлашни осонлаштирадиган

● **модификация** → 1) предмет ёки ҳодисанинг асли моҳияти сақланган ҳолда янги хоссалар пайдо бўлиши билан намоён

бўладиган шаклий ўзгариши;

2) шундай ўзгаришга учраган предмет ёки ҳодиса, кўриниш

● **мотивация** → асослаш, далил келтириш, сабабини кўрсатиш

● **новербал** → сўз билан ифодаланмаган

● **номенклатура** → ишлаб чиқариш, фан, техника, санъат ва ш.к. нинг бирор соҳасида қўлланадиган номлар, атамалар, терминлар ва шу номлар билан аталувчи нарсалар рўйхати ёки мажмуи

● **номинализм** → Ўрта асрлар фалсафасидаги йўналиш. Бу йўналишга кўра, умумий тушунчалар кам учрайдиган нарсаларнинг номларигина холос

● **оғиз товушлари** → сал кўтарилган, бўғизнинг орқа деворига қисилган юмшоқ танглай билан талаффуз қилинадиган товушлар. Бунда ҳаво бўғиз орқали чиқади

● **палатализация** → товушларнинг юмшаш жараёни

● **панхрония** → тил ҳодисаларини умумий тарзда, замонга боғлинмаган ҳолда ўрганиш

● **парадигма** → бирор сўзнинг турланиш ёки тусланиш шакллари системаси

● **парадигматик** → тил системасига; турланиш ва тусланишга оид

● **паратаксис** → айнан боғланган қўшма гап

● **пародокс** → кўпчилик томонидан қабул этилган



анъанавий фикр, тажрибага  
ўз мазмуни ва фикри билан  
кескин зид бўлган,  
кутилмаган фикр,  
мулоҳаза

- **парадоксал** → кутилмаган, анъанавий фикрга зид
- **перфект** → иш-ҳаракатнинг ўтган замонда тугалланганини, аммо унинг натижаси ҳозирги замонда ҳам давом этаётгани ёки ҳаракат нутқ пайтидан олдин келаётганини ифодаловчи феъл шакли (юнон, лотин, санскрит ва б. айрим тиллардаги каби)
- **предикат** → кесим, мантиқий кесим.
- **предлог** → предлог, олд қўшимча (Ғарбий Европа тилларидаги каби)
- **пропорция** → мутаносиблик, нисбат
- **пропозиция** → лот. гап
- **пропозиционал** → гапга оид, гап
- **пропозиционал** → гапга оид, гап
- **просодик** → просодияга оид, просодик ...
- **просодия** → нутқда урғули ва урғусиз, чўзиқ ва қисқа сўзлар талаффузи системаси
- **просодема** → тил фонологик системасининг суперсегмант бирлиги (масалан, рус тилида урғу: мука́ — му́ка)
- **проспектив** → олдинги (келажакка) йўналтирилган
- **протетик ундош** → сўз бошида қўйиладиган, олд

қўшимча маъносига  
эга бўлмаган ундош товуш  
(масалан, вострый —  
острый; ўзбекча истакан —  
стакан)

- **рационал** → ақлга асосланган, мақсадга мувофиқ, оқилона, тўғри, маъқул; ақлий
- **резонанс** → акс садо, узоқдан эшитилган (етиб келган) овоз
- **резонатор** → акс садо бериши мумкин бўлган жисм, аъзо
- **релятив** → нисбий
- **ретроспектив** → ўтмишга қаратилган, ўтмишни ўрганишга бағишланган
- **ретрофлексиф ундош** → cerebrал (мия) ундош, яъни талаффуз қилинганда тилнинг учи қаттиқ танглай томон кўтариладиган ундош товуш (масалан, айрим ҳинд тиллардаги каби)
- **ретрофлексия** → тил учининг қаттиқ танглай томонга кўтарилиши
- **референт** → сўз ёки белгига тааллуқли бўлган нарса, предмет
- **рефлексия** → кишининг ўз хатти-ҳаракатлари ва уларнинг асосларини тушуниб етиши, фаҳмлашга қаратилган назарий фаолияти; билишнинг алоҳида бир шакли
- **рецептив** → бошқа тилдан ўзлаштирадиган
- **ротация** → айланма ҳаракат
- **ротовой** → оғиз, оғизга оид
- **семиология** → белгилар

ҳақидаги фан

● **семасиология** →

тилшуносликнинг сўз ва ибораларнинг маъноларини ва шу маъноларнинг ўзгаришини ўрганадиган бўлими

● **синтагматик** → горизонтал (ётиқ) чизиқ бўйлаб жойлашган

● **синхрон** → тилни маълум даврга нисбатан ўрганишга оид; бир вақтда барабар юз берадиган

● **синхрон бирлик** → маълум даврга хос бирлик

● **синхрония** → тил ҳодисаларининг муайян бир тарихий тараққиёт босқичида мавжудлиги ва ўзаро боғланганлиги (зиди: диахрония)

● **сленг** → муайян касб ёки ижтимоий табақа вакиллари томонидан қўлланадиган сўз ва иборалар: мусаввирлар сленги

● **сонант** → бўғин ёки бўғин ҳосил қилувчи, яъни бир ўзи ёки бошқа товушлар билан биргаликда бўғин ясовчи товуш (зиди: консонант);

● **спирант** → айнан фрикатив ундош товуш

● **спонтан** → ўз-ўзидан, беихтиёр содир бўладиган, ғайриихтиёрий, беихтиёр

● **статик** → статикага, ҳаракатсизлик ҳолатига, мувозанатга оид, статика қонунларига асосланган; тургун

● **структура** → муайян нарсаларнинг тузилиши, қурилиши; таркибий қисмларнинг ўзаро боғлиқлиги

● **структура** → тил бирликлари таркибий қисмларининг ўзаро жойлашиши ва алоқаси; тузилиш

● **структуралizm** (структурал тилшунослик) → ҳозирги тилшуносликнинг тил бирликлари орасидаги структур муносабатларни аниқ методлар ёрдамида ўрганувчи мактаб ва йўналишлари (Прага тилшунослик мактаби, глоссематика, дискриптив тилшунослик)

● **субстанция** → бутун борлик ва ҳодисаларнинг моҳияти, дастлабки асоси

● **субститу́т** → бошқа тил бирликнинг ўрнини эгаллаган бирлик

● **субституция** → одатда, бир нарсани, масалан, товушларни, ўхшаш хосса ва маъноларига қўра иккинчиси ўрнини эгаллаши

● **субстрат** → маҳаллий аҳолининг келгинди (босқинчи)лар тили томонидан сиқиб чиқарилган тили; шу тилнинг келгиндилар тилидаги излари, қолдиқлари

● **суггестив** → ишонтириш ..., ишонтиришга, ихлос туғдиришга оид

● **суггестия** → ишонтириш, ихлос туғдириш

● **тадрижий** → секин-аста, даража-бадаража содир бўладиган, эволюцион

● **тембр** → бир пардадаги, бир хил баландликдаги ҳар бир товушнинг ўзига хос томони, сифати, товланиши;

• **тератоло́гик** → аномалиялар (ғайримеъёрий ходисаларни)

ўрганиш..., ўрганишга оид

• **тератоло́гия** →

аномалияларни (ғайримеъёрий ходисаларни) ўрганувчи фан

• **товуш генерáтори** → товуш ҳосил қиладиган аъзо, жисм

• **трансформа́ция** → асосий синтактик тузилмани тил қонун-қоидалари асосида ўзгартириб, иккинчи бир тузилма ҳосил қилиш

• **уву́ляр ундош** [лот. uvula тилча, кичик тил] → ҳосил бўлишида тилча фаол иштирок этадиган чучук «р» товуши

• **узус** → (лот. → одат, қоида, қўлланиш) → сўз, турғун бирикма, шакл ва

қурилмаларнинг мазкур тил соҳиблари томонидан қабул қилинган қўлланиши

• **умла́ут** → ўзак унлиснинг қўшимча таркибидаги унли таъсирида юмшаши

• **фо́рмула** → бирор фикр ёки қонданинг қисқа ва аниқ ифодаси; шартли ифода

• **фаринга́л ундош** (ҳалқум ундош) → тил тубининг ҳалқум деворчаси билан яқинлашиши туфайли ҳосил қилинадиган ундош товуш (масалан, араб тилидаги каби)

• **фено́мен** → ғайриодатий, камдан-кам учрайдиган ҳодиса, факт, шахс

• **филоло́гия** → ёзма ёдгорлик ва матнларни ўрганувчи фанлар мажмуи. Шу ёдгорлик ва матнлар асосида у ёки бу халқнинг тили ва адабиётини ўрганиш воситаси

• **фо́нация** → нутқ (овозли) талаффузи

• **фо́нация** → нутқ талаффузи

• **формант** → айн. аффикс

• **флэ́ксия** → айн. қўшимча

• **фра́за** → бу ерда: гап

• **фрикати́в ундош товуш** → сирғалувчи ундош товуш

• **ха́ртия** → қадимги қўлёзма, ҳужжат ва шундай қўлёзма битилган паргамент ёки қоғоз

• **эксекути́в** → ижро этиладиган, ижро этилишга оид, ижроя

• **эксира́ция** → нафас чиқариш

• **экспло́зия** → ташқарига йўналтирилган портлаш: ўзбекча п, т ва б.

• **эпигра́фика** → қадимги ёзувларни ўрганадиган фан

• **эталон** → белгиланган ўлчов бирлигининг аниқ намунаси; ўлчов, андоза, қолип, намуна

• **этимон** → ҳозирги тилда мавжуд сўзларнинг келиб чиқишига асос бўлган сўз, негиз ёки морфема (кўпинча, ўзак)

• **этноло́гия** → айнан этнография

• **этру́склар** → Италияда яшаган қадимги халқ

• **эффе́кт** → таъсир, натижа, самара; таассурот

• **эффе́ктив** → таъсирчан, самарали натижа берадиган



Фердинанд дў Соссюрнинг ушбу асари француз тилидаги куйидаги манбадан таржима қилинди: *F. de Saussure. Cours de linguistique générale. Les notes et commentaires de Tullio de Muro (pages I à XVIII et 319 à 495) – 1995. Éditions Payot & Rivages. 106 bd Saint-Germain, Paris VI.*

## МУНДАРИЖА

Биринчи нашрга сўз боши.....	3
Иккинчи нашрга сўз боши.....	6
Учинчи нашрга сўз боши.....	6

### К И Р И Ш

I боб. Тилшунослик тарихига бир назар.....	7
II боб. Тилшуносликнинг материали ва вазифаси: унинг турдош фанларга муносабати.....	13
III боб. Тилшуносликнинг объекти.....	15
1-§. Тил, унинг таърифи.....	15
2-§. Тилнинг нутқий фаолият ходисалари орасида тутган ўрни.....	19
3-§. Тилнинг киши ҳаёти ходисалари сирасида тутган ўрни. Семиология.....	24
IV боб. Тил тилшунослиги ва нутқ тилшунослиги.....	27
V боб. Тилнинг ички ва ташқи элементлари.....	30
VI боб. Тилнинг ёзув ёрдамида ифодалаши.....	33
1-§. Мавзуни ўрганиш зарурияти.....	33
2-§. Ёзувнинг нуфузи; унинг оғзаки нутқ шаклидан устунлиги сабаблари.....	33
3-§. Ёзув системалари.....	35
4-§. Ёзув ва талаффуз ўртасидаги тафовутлар сабаблари.....	36
5-§. Бу тартибсизлик оқибатлари.....	38
VII боб. Фонология.....	43
1-§. Таърифи.....	43
2-§. Фонологик ёзув.....	44
3-§. Ёзма манбалар далиллари танқиди.....	45

I боб. Фонологик турлар.....	49
1-§. Фонеманинг таърифи.....	49
2-§. Артикулятор аппарат ва унинг ишлаши.....	51
3-§. Товушларнинг оғиз артикуляциясидаги ўзаро муносабатига кўра таснифи.....	54
II боб. Фонема — нутқ занжирида.....	60
1-§. Товушларни нутқ занжирида ўрганишнинг зарурияти.....	60
2-§. Имплотия ва эксплозия.....	62
3-§. Эксплозия ва имплотиянинг нутқ занжиридаги турли уйғун бирикмалари.....	65
4-§. Бўғин чегараси ва вокал нуқта.....	67
5-§. Бўғинларга бўлиш назарияси танқиди.....	69
6-§. Имплотия ва эксплозиянинг давом этиш вақти.....	71
7-§. Очилишнинг тўртинчи даражаси фонемалари. Дифтонг. Имло масалалари.....	72

**БИРИНЧИ ҚИСМ.  
УМУМИЙ ТАМОЙИЛЛАР**

I боб. Лисоний белгининг табиати.....	76
1-§. Белги, ифодаланмиш, ифодаловчи.....	76
2-§. Биринчи тамойил: белгининг ихтиёрийлиги.....	80
3-§. Иккинчи тамойил: ифодаловчининг чизикли характери.....	82
II боб. Белгининг ўзгармаслиги ва ўзгарувчанлиги.....	84
1-§. Белгининг ўзгармаслиги.....	84
2-§. Белгининг ўзгарувчанлиги.....	87
III боб. Статик тилшунослик ва эволюцион тилшунослик.....	92
1-§. Қиймат тушунчаси билан иш кўрувчи барча фанларнинг ички икки тарафламалиги.....	92
2-§. Ички икки тарафламалик ва тилшунослик тарихи.....	95
3-§. Мисоллар билан кўрсатилган ички икки тарафламалик.....	96
4-§. Синхрония ва диахрониянинг қиёслашлар асосида кўрсатилган фарқи.....	101
5-§. Синхрон ва диахрон тилшуносликларни уларнинг метод ва тамойиллари нуқтаи назаридан қарама-қарши қўйиш.....	104
6-§. Синхрон қонун ва диахрон қонун.....	106
7-§. Панхрон қараш мавжудми?.....	110
8-§. Синхрония ва диахронияни фарқламаслик оқибатлари.....	111
9-§. Хулосалар.....	113

**ИККИНЧИ ҚИСМ.  
СИНХРОН ТИЛШУНОСЛИК**

I боб. Умумий ҳолатлар.....	116
II боб. Аниқ лисоний моҳиятлар.....	118
1-§. Моҳиятлар ва бирликлар. Таърифлар.....	118
2-§. Чегаралаш методи.....	119
3-§. Моҳият ва бирликларни ўзаро чегаралашнинг амалий қийинчиликлари.....	121
4-§. Хулоса.....	122
III боб. Айнанликлар, вокеликлар, қийматлар.....	124
IV боб. Лисоний қиймат.....	129
1-§. Тил жаранглайдиган материяда уюшган фикр сифатида.....	129
2-§. Лисоний қиймат концептуал нуқтаи назардан.....	132
3-§. Лисоний қиймат моддий нуқтаи назардан.....	136
4-§. Умумийликда ўрганилган белги.....	139
V боб. Синтагматик муносабатлар ва ассоциатив муносабатлар.....	142
1-§. Таърифлар.....	142
2-§. Синтагматик муносабатлар.....	143
3-§. Ассоциатив муносабатлар.....	145
VI боб. Тил механизми.....	147
1-§. Синтагматик умумийликлар.....	147
2-§. Синтагматик ва ассоциатив гуруҳларнинг бир вақтда амал қилиши.....	148
3-§. Белгининг мутлақ ва нисбий ихтиёрийлиги.....	151
VII боб. Грамматика ва унинг бўлимлари.....	155
1-§. Таърифлар: анъанавий бўлинишлар.....	155
2-§. Рационал бўлиниш.....	157
VIII боб. Грамматикада мавҳум моҳиятларнинг роли.....	159

**УЧИНЧИ ҚИСМ.  
ДИАХРОН ТИЛШУНОСЛИК**

I боб. Умумий ҳолатлар.....	162
II боб. Фонетик ўзгаришлар.....	166
1-§. Уларнинг мутлақ мунтазамлиги.....	166
2-§. Фонетик ўзгаришлар шартлари.....	166
3-§. Метод масалалари.....	168
4-§. Фонетик ўзгаришларнинг сабаблари.....	170

5-§. Фонетик ўзгаришлар таъсирининг чекланмаганлиги.....	175
III боб. Фонетик эволюциянинг грамматик оқибатлари.....	177
1-§. Грамматик алоканинг бузилиши.....	177
2-§. Сўз мураккаб қурилишининг барҳам топиши.....	178
3-§. Фонетик дублетлар бўлмади.....	180
4-§. Алмашинув.....	181
5-§. Алмашинув қонуниятлари.....	183
6-§. Алмашинув ва грамматик алоқа.....	185
IV боб. Аналогия.....	187
1-§. Таъриф ва мисоллар.....	187
2-§. Аналогия ҳодисалари ўзгармасдир.....	189
3-§. Аналогия тилда янги шакллар ясаш тамойили сифатида.....	191
V боб. Аналогия ва эволюция.....	196
1-§. Қандай қилиб аналогия асосида ясалган янги ҳосила тил далилига айланади?.....	196
2-§. Ҳосилалар аналогияга кўра ўзгаришлар белгисидир.....	197
3-§. Аналогия — янгиловчи ва айни пайтда консерватив ҳодиса.....	200
VI боб. Халқ этимологияси.....	203
VII боб. Агглютинация.....	206
1-§. Таърифи.....	206
2-§. Агглютинация ва аналогия.....	207
VIII боб. Диахрон яқкалик, умумийлик ва воқеликлар.....	209
Иловалар.....	213
А. Субъектив таҳлил ва объектив таҳлил.....	213
Б. Субъектив таҳлил ва қуйи сатҳ бирликларини аниқлаш.....	215
В. Этимология.....	219

### ТўРТИНЧИ ҚИСМ.

#### ДИАХРОН ТИЛШУНОСЛИК

I боб. Тилларнинг ранг-баранглиги ҳақида.....	221
II боб. Тилларнинг ранг-баранглиги билан боғлиқ қийинчиликлар.....	224
1-§. Бир жойда бир неча тилнинг мавжуд бўлиши.....	224
2-§. Адабий тил ва шева.....	226
III боб. Тилларнинг жўғрофий ранг-баранглик сабаблари.....	228
1-§. Вақт — муҳим сабаб.....	228

2-§. Ушукетг ҳудудда вақтнинг таъсири.....	230
3-§. Шеналарда табиий чегара йўқ.....	232
4-§. Тилларда табиий чегара йўқ.....	235
IV боб. Тил тўлиқлиларининг тарқалиши.....	238
1-§. Алоқа кучи ва қадрдон кўнғироқхона руҳи.....	238
2-§. Бир умумий тамойилга бирлангирилган икки куч.....	240
3-§. Тарқоқ ҳудудларда лисоний тафовутланиш.....	242

### БЕШИНЧИ ҚИСМ.

### РЕТРОСПЕКТИВ ТИЛШУНОСЛИК

### МАСАЛАЛАРИ. ХУЛОСА

I боб. Днахрон тилшуносликнинг икки йўналиши.....	246
II боб. Энг қадимги тил ва бобо тил.....	250
III боб. Реконструкциялар.....	254
1-§. Уларнинг табиати ва мақсади.....	254
2-§. Реконструкцияларнинг ишонччилик даражаси.....	256
IV боб. Антропология ва тарихгача бўлган даврда тил далиллари.....	259
1-§. Тил ва irq.....	259
2-§. Этнозм.....	260
3-§. Лингвистик палеонтология.....	261
4-§. Лингвистик тур ва ижтимоий гуруҳ тафаккури.....	264
V боб. Тил оилалари ва тил турлари.....	267
Фердинанд дў Соссюр. Биобиблиографик очерк.....	272
Иловалар.....	283
Фердинанд дў Соссюр асарлари рўйхати.....	283
Исмлар кўрсаткичи.....	286
Жой номлари кўрсаткичи.....	292
Айрим сўзлар изоҳи.....	294



му  
5-  
П  
1-  
2-  
3-  
4  
5  
6  
Г  
:  
:

**Дў Соссюр, Фердинанд.** Умумий тилшунослик курси. Монография. Ўзбек тилида. Француз тилидан Ибодулла Мирзаев таржимаси. Тошкент, «NAVOIY UNIVERSITETI» нашриёт-матбаа уйи, 2019. 308 бет.

Илмий-оммабоп нашр

**ФЕРДИНАНД ДЎ ДОССЮР**

**УМУМИЙ ТИЛШУНОСЛИК КУРСИ**  
(монография, француз тилидан Ибодулла Мирзаев таржимаси)

Муҳаррир: Улуғ БЕК

Техник муҳаррир: Бобур Ҳамраев

Мусаҳҳих: Севинч Аҳмедова

Лицензия рақами: АИ 310. 2017 йил 24 ноябрь санасида берилган.

Босилга 2018 йил 7 декабрь санасида рухсат этилди.

Бичими: 60 x 84 ¹/₁₆, 19,25 шартли босма табағи,

20,17 нашриёт ҳисоб табағи. 07-сонли буюртма.

Адади: 500 нусха.

ISBN 978-9943-52-314-2

Оригинал макет «NAVOIY UNIVERSITETI» нашриёт-матбаа уйида тайёрланди ва «NAFIS BEZAK» МЧЖнинг матбаа бўлимида рақамли усулда чоп этилди.

Нашриёт манзили: Тошкент шаҳри, Юсуф Хос Ҳожиб кўчаси, 103-уй.

Тел.: +998 (94 639-0344; 90 357-0040; 97 701-5401).

Web: navoiy-uni.uz E-mail: navoiyuniversiteti@mail.ru



Швейцариялик машҳур тилшунос, ҳозирги тилшунослик кўплаб соҳаларининг эътироф этилган асосчиси Ф.дў Соссюрнинг ушбу шоҳ асарида тил ҳақидаги фаннинг мақсад ва вазифаси, объекти ва таърифи, тилнинг инсон фаолиятида тутган ўрни, тил тилшунослиги (тилшунослик) ва нутқ тилшунослиги (нутқшунослик), тилнинг ички ва ташқи элементлари, ёзув системалари, фонология, лисоний белгининг ифодаловчиси ва ифодаланмиши, статистик тилшунослик ва тадрижий тилшунослик, синхрон тилшунослик ва диахрон тилшунослик, ареал тилшунослик, ретроспектив тилшунослик, тил оилалари ва тил турлари каби масалалар гоятда илмий, ғоявий гўзал ва мароқли бир тарзда ёритилган.

Мазкур асар филология фанлари доктори, профессор Ибодулла Мирзаев томонидан моҳирлик билан таржима қилинган бўлиб, у илк маротаба ўқувчилар эътиборига ҳавола этилмоқда. Шунингдек, ушбу нашрга Фердинанд дў Соссюрнинг таржимаи ҳолига оид маълумотлар, дў Соссюр асарларининг рўйхати, асарда исмлари келтирилган тилшунос олимлар, номлари келтирилган шаҳарлар ҳамда тилшуносликка доир атамалар луғати илова тарзида киритилган. Ундан филолог-бакалаврият, магистрант, докторант, профессор-ўқитувчилар, шунингдек, тил ва нутқ масалалари билан қизиқувчи барча тадқиқотчилар фойдаланишлари мумкин.



ISBN 978-9943-52-314-2



9 789943 523142